



Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

5

1988

57 -йил чиқиши

Бош редактор


Уткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ
Саид АҲМАД
Мурод МУҲАММАД ДУСТ
(бош редактор ўринбосари)
Омон МУХТОРОВ
(проза бўлими мудири)
Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Туроб ТУЛА
УЙҒУН
Улмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
(масъул секретарь)
Тўлапберган ҚАИПБЕРГЕНОВ
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ГУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

УШБУ СОНДА




Наср

Мурод МУҲАММАД ДУСТ

ЛОЛАЗОР

Роман



«...Кексайган чоғимда виждонимни сўроққа тутаман: агарда Яхшибоевнинг ўрнида мен ўзим бўлганимда-чи? агарда мен ўзим Ошнога ошно бўлганимда-чи? ўшанда не бўларди?»

Бу саволларга нима деб жавоб беришимни билмайман. Ишонолмайман ўзимга. Шубҳам мўл менинг. Замонлар ўзгача эди. Қутқу деганлари ҳам гоят улғу эдики, Ошнога ошно бўлсам, олиймақом рағбатлар кўрсам, мен ўзимнинг ҳам Яхшибоевга айланишим муқаррар бўлиб туюлади.

Ҳар хил ошнолару яхшибоевларга қарши ўз вақтида билак шимариб курашганмиз, деб томоқ йиртаётган ва недир янги садақалардан умидвор бўлаётган тенгдошларимдан фарқи ўлароқ, мен ўзимнинг ўша кезларда ҳам, бугун ҳам жуда ожиз эканимни сезаман.

Ҳар кишининг ўз замони ва ўз Ошноси бор. Ҳар киши ўзича буюк бир қутқуга дуч келади. Қутқуга учмаса — шараф қучгани, учса — завол топмоғи тайин»



Шеъриниёт


Яҳё ТОҒА

ИСМИНГНИ АЙТ ҲАЙҚИРИБ СЕН

Шеърлар

Аланга тут қўлларингга,
Еритгил йўлларингни,
Номард ўлсин сенинг билан
Битта сафда бормаган.
Халқинг учун сен маҳкамроқ
боғлагил белларингни,
Арафа бу — қутлуғ жангга
оломонни чорлагин.





БҮЮК ШОИР

Ғафур Ғулом деярли ярим аср давомида кўп жанрларда ижод қилди. Насрда унинг «Шум бола» ҳажвий қиссаси, ҳикоялари, очерк ва публицистик мақолалари маълум ва машҳур. У драматургияда ҳам қалам тебратган, чунончи, «Мухбир суди», «Қайда бахт?» сарлавҳали пьесалари бор. У таржимон сифатида ҳам ибратомуз ишлар қилган: Рудакий, Шота Руставели, Шайх Саъдий, Жомий, Данте, Бедил, Пушкин, Лермонтов, Фет, Некрасов шеърятидан таржималари бор. Шекспирнинг «Отелло», «Қирол Лир» трагедияларининг илк таржималари Ғафур Ғулом қаламига мансуб. Айниқса, «Отелло»нинг Ҳамза номли Академик театримиз саҳнасида қўйилиши маданиятимизда бутун бир асрга татигулик воқеа бўлди. У ўз интернационал қардошлари Лоҳутий, Нозим Ҳикмат, А. Твардовский, Мирзо Турсунзода шеърларини илк бор аслидан таржима қилиб, ўз элига етказди.

Ғафур Ғуломнинг баракали ижоди сермазмун ва кўп қиррали. Шубҳасизки, у қалам тебратган барча жанрлар орасида шеърят биринчи ўринда туради. У ўзбек совет поэзияси — инқилобий реалистик миллий шеърятимизнинг энг баркамол устоз ижодкори бўлган, ҳозир ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Биз жонажон партиямиз XXVII съезидан кейин жамиятимиз ҳаётида янги даврга — қайта қуриш, ошкоралик ва демократия даврига қадам қўйдик. Дастлабки икки-уч йил ичидаёқ буюк иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ўзгаришлар содир бўлди. Меҳнаткаш инсон, заҳматкаш халқнинг қадрини мислсиз юксалди, ИНСОН ОМИЛИ деган чин ҳаётий ва улкан эътиборли ибора фақат иборатгина бўлиб қолмай, ҳар ерда, ҳамма соҳада амалда мустақкам қарор топмоқда.

Ғафур Ғуломнинг шеър ва дostonлари худди шу кунлар, бизнинг янги замон учун ёзилгандай. Устознинг инқилобий шеърятини халқ юрагига йўл топган, оташин сўзи, янги авлод ижодкорларини астойдил руҳлантириб, халқимиз ҳаётидаги янги даврни — меҳнат ва ижодда улкан парвозлар даврини мадҳ этишга даъват қилмоқда.

Ғафур ака таваллудига 85 йил тўлди. Одатда, 85, 95 ёш кенг нишонланмайди, яъни юбилей тантаналарини фақат йирик саналарда: 70, 80, 100 ёшларда ўтказиш одат бўлиб қолган. Лекин, шундай ижодкорлар борки, уларнинг номи ҳамisha халқ тилида, асарлари халқ хизматида. Биз ҳар йили навойихонлик, пушкинхонлик, ҳамзахонлик байрамларини ўтказиб келамиз. Ҳозирча Ғафур Ғуломхонлик йўқ. Лекин, бўлади. Бўлиши керак.

Арслон ўмровли, паҳлавон сумбатли шоир юз йиллик умрни табиий бир нарса деб билар, Кавказ тоғларидаги кексалар қадар узоқ яшашни ўзига ҳам нақд ҳисоблар эди. «Ақл ва қалам» шеърисидаги қуйидаги мисраларга эътибор қилинг.

**Шу улўғ кунларнинг гражданиман,
Ақл ва балоғат жонга пайваста.
Қариб-чуриб ўлгач саодат билан,
Қаламим — қабримнинг туғига даста.**

«Қариб-чуриб ўлгач...» Яъни, ўлим ҳақ, бу — табиат қонуни, лекин у ҳали узоқда, ҳали ўн йиллар шеър ёзмоқ, ўлкани кезмоқ мумкин, фақат «қариб-чуриб» қолгандагина... Эҳ-ҳе, унғача ҳали қанча замонлар бор!

Мен ўттиз йиллик бир муддатда устознинг ёнида бўлдим. Ғафур ака қўлимдан етаклаб Қадаводдаги уйига бошлаб борган тонгдан уни Чиғатойнинг сокин тупроғига абадий уйкуга кузатиб қўйганимиз мунгли оқшомгача мен бу мислсиз мард одам, Урта Осиёда ҳамма тан олган энг пешқадам шоир ва саховатли Ҳотамни узил-кесил мот қилган меҳмондўст мезбон билан ҳар доим ҳамсухбат, ҳамсафар ва ҳамкор бўлдим. Унинг ижодхонасида шеърлари ёзилганда пойга-роқда ҳавасланиб, сеҳрланиб кузатиб турдим, унинг ўғил ва қизлари туғилганда иниси сифатида қувондим, унинг шоирлар ва шеър мухлислари билан учрашувларида ҳозир-нозир бўлдим.

Ғафур ака катта юраги ғурурга тўла чин инсон ва оташнафас шоир эди. Совет Ватанимиз, Коммунистик партиямиз, ҳахрамон халқимиз ва асримиз туфайли ифтихор туйғуси Ғафур Ғулом шеърятининг букилмас метин қанотидир:

**Ақл вужудингда ҳокими мутлақ,
Қалам қалб орқали унга таржимон.
Ақл, қалам камолга етиб олгунча
Саодат асрда яшаб ол, эй жон!**

Улуғ шоирларнинг шеърлари ўз даврида кундалик воқеаларга ҳозиржавоб бўлиши табиий бир ҳолдир. Пушкин шеърларини у яшаган давр воқеаларига таққослаб кўринг: «Арион» мағзида декабристлар тақдири ётади, «Чаадаевга» ҳам худди шундай. «Россия тўхматчиларига» — рус халқининг Фарбдаги муҳолифларига ўткир жавоб, «А. П. Кернга» — ҳаёт фактига асосланган ишқ мадҳияси ва ҳоказо. Маяковский шеърлари — замон садоси, инқилоб гимни Октябрнинг шеърый биографияси. Аммо ҳақиқий шеърят замонавий бўлиши билан бирга нўноқ қўл билан тўқилган ҳароратсиз, жўн назм ўткинчи, унутилувчи бўлганидек, чин шоирнинг оташ нафаси тоблаган қўйма шеър, пароход ёки миҳ ҳақида ёзилган бўлса ҳам, эл учун нон билан туз каби ҳар қачон зарур, дилларга кўшиқ ва завқдай мангу ҳамроҳдир.

Ғафур Ғулом ўзи яшаган қайноқ давр мавзуларини адабиётда абадийликка айлантирган, ҳозиржавоблиги мангуликка табиий равишда уланиб кетган, шу сабабдан ҳам ҳаммиша барҳаёт шоирдир.

Шоир ҳар кун тонг ғира-ширасида булбуллар билан баравар уйғонарди, кенг ҳовлиси этагидаги водопровод кранига эгилиб, муздек сувга бетини чайрди, бир-икки ҳўплаб чанқоғини босарди. Зийрак кўзлари атир гуллар чаманида сайр этарди, хаёли эса, кеча ўйлаб кўйган мавзуида, фикри сўз хазинасини титарди, ундан шеърига ёрқин гавҳарлар терарди.

**Инжу доналаринг бўлмасин увол,
Чўнтаги тешилган мудроқ заргардек.
Қишнинг гулдуросин кутиб ағрайма,
Карнай овозига ишқибоз кардек.**

Инжу доналар... ёки қатра... ёки зарра... Бунақа ташбеҳларни ҳассос шоирнинг ҳар бир шеъридан топиш мумкин.

**Тонг отар чоғида жуда соғиниб,
Бедил ўқир эдим, чиқди офтоб.
Лойқа хаёлотлар чашмадай тинди,
Пок-покиза юрак бир қатра симоб.**

«Бир қатра симоб...» — асил ва бетакрор ташбеҳ.

Бадий сўз қатраларини умр бўйи элдан териб юрган шоир уларни сайқаллаб, уларга замон мазмунини тўлдириб яна элга тўхфа этди.

Ғафур Ғуломни ўз элининг ўқимишли зиёлилари ичида энг билимдони ва энг сўзамол-сухандони десак, янглишмаган бўламиз. У Садриддин Айний билан Бухоро тарихи ва Шарқ классиклари ҳақида, риштонлик фахрий академик Боқий домла билан Бедил ҳақида, Абулқосим Лоҳутий билан Эрон инқилобий поэзияси ҳақида зукко олимдай бемалол баҳслашар, араб, турк, қозоқ, татар, озарбайжон ва яна бир қанча тилларда равон сўзлашар эди. Ғафур Ғулом хотирасининг мустаҳкамлигига қойил қолмаган шоир бўлмаса керак. У Саъдий, Ҳофиз, Хайём, Бедилнинг ғазал ва рубоийларини ёддан ўқиганда ўта билимдон кишилар ҳам сеҳрланиб тинглар, бу шеърларнинг Ғафур ака талқинида порлаган қирраларини ўзлари аввал пайқаманларига ҳайратланар эдилар. Шоир вафоти олдини Шайх Саъдийнинг «Гулистон»ини таржима қилди. Мен уни қайта-қайта ўқийман ва Шарқ назми ҳикматларининг устоз қаламида тилимизда такрорланмас жило касб этганига иқрор бўламан.

Ғафур Ғулом Фарб поэзияси хазинасини санчков кўздан кечирган, унинг дурдоналарини ўз халқига етказиб берган интернационалист санъаткорлардандир.

Унинг рус поэзиясига муҳаббати ҳаммиша денгиздай мавжланиб турди. Пушкин ва Лермонтов, Некрасов ва Горкий унинг умрбод мактабдор устозлари бўлдилар. Ғафур ака ўзбек шоирлари ичида биринчи бўлиб Маяковский билан танишди, унинг инқилобий янгроқ поэзиясини ўз таржимасида ўзбек китобхонларига илк бор етказди.

Замонамизнинг ана шу баркамол қалам соҳиби бутун истеъдоди, билими, меҳнатини, бутун ҳаётини бир дақиқа ҳам иккиланмай, аксинча, зўр садоқат ва эҳтирос билан асримиз яловбардори Коммунистик партияга бағишлады. У халққа, партияга сидқидил вафосини ҳар тонг, ҳар он, умр бўйи фарзандлик, шоирлик туйғуси, коммунистик фахр ғурури билан мадҳ этди:

**Кремль саройида минбардаги ўзбекман,
Менга улуғ партиям шу ҳуқуқни бахш этди.
Суюнчимдан бағримда минг боғу, минглаб чаман,
Довруғим жаҳондаги барча халқларга етди.**

Ғафур акани ўйласам, «Шўхрат» нишонларининг учала даражасини кўкрагига таққан солдат кўз олдимга келади. Бундай солдатнинг мардлигига бошқача исботнинг ҳожати йўқ. У нақадар камтар бўлмасин, қаҳрамонлиги элга аён. У муқаддас тупроқни афсонавий фидойилик билан ҳимоя қилган, ўз маррасини қўлдан бермай, янги марралар эгаллаган, намуна кўрсатиб ботирларни етаклаган, мақсадга сабот билан етган яловбардордир.

Ғафур Ғулом учун коммунистик эътиқод энг нури, энг эзгу ғоя эдики, бу ғояга кўз олайтирган, тил теккизган номардларни у ҳар доим янчиб ташлашга тайёр турарди.

Яна такрорлайманки, Ғафур Ғуломни ўйласам, аланга ичидаги Рейхстаг ҳавозаларига тирмашиб, унинг гумбазига ғалаба байроғини кўтариб чиқаётган солдат кўз олдимга келади. Совет адабиётининг йўли, ғафурлар авлоди мардона босиб ўтган улкан йўл ниҳоятда машаққатли бўлди. Граждан уруши жабҳаларидан бошланган бу улуғ йўлда шундай юсак довлар бор эдики, уларнинг ҳар бири мислсиз кураш, меҳнат, сабот ва матонат эвазигагина ошиб ўтилди. Коммунистик эътиқоди мустаҳкам чин ижодкорлар кураш ўти, меҳнат сурунида тобланиб, ҳабардан романгача, шеърдан эпик дostonгача, «Кўк кўйлак»дан академик театр гача, «Шарқий» дан операгача санъат чуққиларини эгаллаб, камолот марраларига етиб келдилар. Шу баркамол устоз, ўз адабиётига байроқдор ота санъаткорларнинг пешқадамларидан бири Ғафур Ғуломдир.

Ғафур Ғулом ижодда устозлик даражасига жуда эрта эришди. «Турксиб йўлларида» шеърини ёзганда у қайноқ йигит эди ва айни вақтда қалами, услубининг камолга етгани ўша давр, яъни ўттинчи йиллар шоирлари даврасида тан олинган эди.

Ғафур Ғулом ўша вақтданоқ ва ундан анча илгариеқ ҳаётнинг сертўлқин, серҳаяжон оғушига шўнғиди, буюк ўзгаришларнинг пўртаналарида сузди, инқилоб уйғотган ва кўзғатган меҳнаткаш халқ билан ҳамнафас бўлди, партия қандай масалани ўртага ташласа ва илгари сурса ҳаммасига янгроқ овози билан «лаббай» деб жавоб берди. Эндиликда Ғафур Ғулом жилдларини бир варақлаб чиққан киши у қирқ йилдан ортиқ давр мобайнида мамлакатимизда ва ундан ташқаридаги алғов-далғов дунёда қандай тарихий воқеалар содир бўлган бўлса, барчасини ўз ижодига ҳозир-жавоблик билан қамраб ола билганини, ижоди чиндан ҳам ўз даврининг қомуси бўлганини кўрадилар, фахрланадилар.

Ғафур Ғулом янги ҳаётга, савод чиқаришдан бошланган ленинча маданий инқилобга халқ билан, меҳнаткаш зиёлилар билан бирга кириб келди. Гарчи у мирзонинг ўғли бўлиб, инқилобдан илгариеқ «эски мактаб» да савод чиқарган бўлса ҳам, ҳарф таниш ва «Ҳафтияк»ни ёдлашдан иборат бу савод ҳали ибтидоий бир нарса эди. Инқилоб истеъдодли ўспиринни ўз суръатлари қанотига миндириб, елдиришдай тез олиб кетди. Тошкентда очилган биринчи совет мактабида ўқиш билан бирга у ўзи муаллимлик қилди. Етим болалар уйда мудирлик ва тарбиячилик, саводсизликни тугатиш курсларида муаллимлик ва газеталарга мухбирлик... Шеър, ҳикоя ёзишни машқ қилди, илк асарлари босилиб чиқди-да, ёш қаламкаш шу катта жабҳага — пролетариат маданияти фронтига кераклигини идрок этиб, ижодга узил-кесил берилди.

У кўп ўқиди. Инқилобий даврнинг илмга чанқоқлигини биринчи совет зиёлилари қатори Ғафур Ғуломда ҳам яққол кўриш мумкин эди. Унинг қанақа китоблар ўқиганини ва нақадар кўп ўқиганини энди кўз олдимизга келтирсак, биз, касбдошлари, айниқса, ёш қаламкашлар учун ибратли заҳматкаш сиймо кўз олдимизда гавдаланади.

Ҳикоя айтишда, латифахонлик ва лутфда ёзувчиларимиз орасида Ғафур Ғулом билан баҳслаша оладиган суҳандонни билмаймиз. «Минг бир кеча», «Шоҳнома», ва «Декамерон», Мулла Нафас ва Хўжа Насриддингача, Лопе де Вега комедияларидан Юсуф қизиққача жаҳон ҳажв ва кулгуси хазинаси дурдоналарини Ғафур ака бир-бир санаб, баҳолаб чиққан, замондошларига кўрсатиб бера олган, десак муболаға бўлмайди.

Айниқса, Навойи ва Бедил Ғафур Ғуломнинг ҳар тонг, ҳар кун, умр бўйи ҳамнафаслари, улфатлари бўлди, у ўз шеърининг вази ва жилосини шу устозлари истеъдодига, маҳоратига ҳар доим ўлчаб келди ва янги новаторлик совет шеърляти ҳам ўша классик ғазалиёт ва дostonчилик даражасида буюк бўлиши мумкинлиги ва зарурлигини амалда ибтот қилди.

Ғафур Ғуломнинг бу катта ижодий жасоратига кўпмиллатли совет поэзиямизнинг қалдирғоч усталари ва энг аввало, Владимир Маяковский ҳамнафас, ҳамкор ва мададкор бўлдилар. Илк йирик асарларидан — «Турксиб йўлларида» шеърларидаёқ ўзбек шоири Маяковский изидан борди, унинг услубидан ўз услубига андоза олиб, янги ўзбек совет шеърлятининг истиқболлини белгилаб берди. Бундай шеър бизнинг қадим ва бой шеърлятимизда янги даврга ҳамнафас янгилик, том маънодаги минбар поэзиямизнинг ибтидоси эди.

Бизнинг инқилобимиз, совет тузумимиз, озодлик ва бахт-саодатимиз синфий курашлар оловида туғилиб, чиникиб, қарор топганидек, ленинча партиявий адабиёт бўлган совет адабиётимиз ҳам қатъий синфий жанглр оловида, собиқ ҳоким синф мафкурачиларига, буржуа миллатчиларига қарши қаттиқ жанглр оловида тобланиб, машаққатли йўлларни мардона босиб ўтди, ўсди, улғайди, камол топди. Оқопларда туғилган, жанглрда йўргакланган, меҳнат ва курашда пишган совет адабиёти ва санъатининг қалдирғочи — азиз ва муҳтарам устозимиз Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва унинг содиқ сафдоши Садриддин Айнийдир. Синфий душманлар Ҳамзани ваҳшийларча ўлдирган йили Ғафур Ғулом шоир ва адиб сифатида халққа танилган эди. Унинг қаторида Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Комил Яшин, Абдулла Қаҳҳор, Ғайратий ва яна бир қанча истеъдодли ёшлар бор эдилар. Кейин бу сафга Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Усмон Носир, Зулфия қўшилдилар. Энди биз буларни ўзбек совет адабиётининг «Кудратли тўда»си деб фахрланиб улуглаймиз!

Шонли партия ва ҳукуматимиз Ғафур Ғуломга берган энг олий мукофот — Ленин мукофоти ана шуларга ва гуллаб-яшнаган бутун адабиётимизга берилган мукофотдир.

Ғафур Ғулом халқимиз учун жуда кўп етуқ, нодир асарлар ижод қилди. Унинг эллиқдан ортиқ шеърый, насрий китоблари халқимиз мулки бўлиб қолди.

Баҳорнинг шу нурли тонгида устоз шоиримиз мушоирамиз минбаридан ғурур билан ўқиди-дeк:

**Яшаш дарбозаси остонасидан
Зарҳал китоб каби очилур олам.
Тириклик кўркидир меҳнат, муҳаббат,
Фурсатдир қилгувчи азиз, муқаррам.**

**Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз,
Ҳар они ўтмишнинг юз йилига тенг.
Барҳаёт Лениннинг авлодларимиз,
Ҳар нафас мазмуни фазолардан кенг.**

Бу — риторика эмас. Бу — ҳақиқат. Бу — совет шеърлятининг инқилобий пафоси.

Давримиз улуг. Шу давр ижодкори — халқимиз ҳаёти, меҳнати, маънавиятини тараннум этиш — шеърлятимизнинг бош вазифаси. Бу улкан ижодий ишда Ғафур Ғулом бизга ҳаммиса ибратдир.



Матназар Абдулҳақимов

БЕДОР ТУТ ШИДДАТНИ, ЖАНГОВАР РУҲНИ

* * *

Майлига — даъват қил. Майлига — унда.
Борай десам, йўқдир иложим.
Бўрон меҳмон бўлган бир вақтлар унда.
У ерга бир вақтлар қўнгандир лочин.

Юксак орзуларни қилмасман канда,
На лочин ва на-да бўронман, бироқ...
Бораман, бўрондан қаттиқ эсганда,
Учганда лочиндан баландроқ.

Шиддат

Ҳали, кечагина юлдузлар ила
Чақнашиб турган бу кўзларинг,
Ёвуз бақрайганлар билан мардона
Тўқнашиб турган бу кўзларинг.

Бугун, мана, ўргимчак уяси,
Чунки, яшаяпсан шунчаки.
Жирканч ғимирлайди соққаларингда:
Тўқлик ўргимчаги, айш ўргимчаги.

Чандиб ташлангансан ғафлат қурумига,
Тунми? Кун? Тафовут қилмайсан вақтни.
Шодликни куйлайсан. Дунё ғам чекар.
Дунё кулфат чекар. Куйлайсан бахтни.

Ҳолбуки, Алпомиш ҳис-ҳаяжонлар,
Жалолиддин туйғу, Темурмалик руҳлар

Найзасини шундоқ ёнига қўйиб,
Сенинг юрагингда донг қотиб ухлар.

Холбуки, кўзларга бедорлик дармон,
Холбуки, кўзларга уйғоқлик малҳам.
Бедор тут шиддатни, жанговар руҳни,
Уйғот. Кеч бўлмади ҳали ҳам.

Уйғот. Уйғотмоқ шарт. Зудлик билан. Дарҳол.
Олмоқ шарт ўргимчак жонини.
Йўкса... сўриб ичар паҳлавон руҳларнинг
Қорачиқлардаги қонини.

Асалари

Бахт изладим мен дала, даштдан,
Орзуим — бол, умидим — асал.
Онагинам! Сени алдашдан
Мен ўлимни санадим афзал.

Сармаст қилди чаманлар васли,
Излаганда ризқу рўзимни.
Яшадим мен бағишлаб, асли
Фақат ўзгаларга ўзимни.

Билмам, учдим қанчалаб чакрим,
Гоҳ мағлуб, гоҳ ғолиб келдим мен.
Бол деб меҳрим, асал деб фаҳрим,
Топганимни олиб келдим мен.

Гуллар ичдим ичгандек қасам,
Лойиқ бўлдим заҳматкаш сафга.
Балким... балким янглишиб баъзан
Қўниб қўйдим сассиқ алафга.

Ноз бўйлардан уйғониб саҳар,
Учмоққа йўк, эҳтимол, ҳаққим.
Балким асал деганим — заҳар,
Бол деганим, эҳтимол, заққум.

Хуллас, ўзинг биласан, онам,
Сен минг сирдан хабардор ҳаким.
Хоҳла мени қабул эт, мана,
Хоҳла, мана, бўғиб ташлагин.

Осмонга хат

Болалигимизда варрак ипига қоғоз ҳалқача-
лар ўтказиб, уларнинг шамолда шитоб билан сир-
ғалишидан завқланардик. «Осмонга хат» деб ата-
ларди бу...

Мен осмонга мактублар ёздим:
Руҳи юксак, сўзлари олий.
Хаёлларим самовий эди,
Мактубларим эса хаёлий.

Лекин хаёлдамас, аслида,
Сал самовий бўлгим келарди.
Ғужғон ўйнаб чарақлаб турган,
Тиниқ, мовий бўлгим келарди.

Тингламади осмонни осмон,
Ё — меҳримдан ризо бўлмади.
Ўртамизда на бир иттифоқ
Ва ё на бир низо бўлмади.

Рад жавобин менга элтишга
Қай бир юлдузларки кўндилар,
Пушаймонда ярим йўлдаёқ,
Ёниб, адо бўлиб, сўндилар.

Тугамади менинг ёнганим,
Тугамади менинг куйганим.

Осмон мени севмаса ҳамки,
Яшайвердим унга суйканиб.

Яшайвердим, муҳаббатимни
Англаса деб бир кун ниҳоят.
Насиб бўлса юксалиш зора,
Ҳам тиниқлик юкса деб шояд.

Шаънимни ҳеч урмади ерга
Хокисор бир ошиқ эканим.
Осмонга бош эгмак, бу — бошни
Доим баланд тутмоқ дегани.

Мафтун, мағрур қўшиқларимни
Қайта-қайта бошлайвердим мен.
Тубсиз, чексиз осмон бағрига
Кўзларимни ташлайвердим мен.

Умид билан сочмоқда ёғду,
Чақноқ ўтинчларим — кўзларим.
Улар асло сўнмас... элчига,
Ўлим йўқ-ку, ахир, дўстларим!..

Ғазал

Энди ошиқлар учун йўқдир дема зиндон, қафас,
Бор бироқ — зиндон бу кун ҳам, бор ҳамон ҳижрон — қафас.

Гарчи мен — андуҳ қафасда, ўзлим ошкорадир,
Моҳиятни тутқун айлар, қилмагай пинҳон қафас.

Тепди кўксимга юрак, ҳеч бир гуноҳим йўқ эди,
Эрк тилаб келган эди ул, қилдилар эҳсон қафас.

Кўзларингни ерга олдинг не учун, сен васли дам,
Чақнаган меҳринга бўлди неча бир мужгон қафас.

Қайга урсам ҳам ўзимни, ёр, кўз ўнгимдасан,
Не бало дилбар қафассан, не бало жонон қафас.

Гар қафас бўлса пўлатдан, синдириш осон, бироқ
Кўп қийиндир бўлса гар инсон учун инсон қафас.

Нолалар қилмоқ нечун, ишқ беаёв сайёд эрур,
Йўқ кутулмоқнинг иложи, ер — қафас, осмон — қафас.

Даъват

Хуршид Давронга

Не керак заминни титратмас сурур,
Кўкни қалтиратмас оҳни нетамиз?
Кўп ҳам давроннишин бўлавермай, юр,
Ҳазрат Навоийга кетамиз.

Ўтмишни унутиб қўйсақ, тушов шу
Келажакка елган хаёл — Ғиротга.
Ҳеч маҳобат қилмай, кўтармай шов-шув,
Бир бориб келамиз қадим Ҳиротга.

Теран бир андуҳга қиламиз сафар,
Жўнаймиз, дўстгинам, юксак бир бахтга.
«Ўн миллион, юз миллион ва миллиард нафар»¹ —
Ҳаммамиз сиғамиз Шеър деган тахтга.

Ҳали жабру ситам кўҳнаргани йўқ,
Бир қиз бор, азоби ўлимдан ёмон.
Кетдик, «Чор девон»да ҳар бир киприк — ўқ,
Кетдик, «Чор девон»да ҳар бир қош — камон.

Аста қилич серпаб қиё қарашлар
Юракка солади ҳеч битмас яро.
Гарчи зид келса ҳам дунёқарашлар,
Бизни дорга тортмас Ҳусайн Бойқаро.

Ҳикматга йўғрилган унда ҳар бисот,
Қароққа жойлаймиз бари-барини.
Бир бориб келамиз. Тушимда ул зот
Қаттиқ соғинибди набираларни.

¹ Ғафур Ғулом сатри.



Яхё Тоға

ИСМИНГНИ АЙТ ҲАЙҶИРИБ СЕН

Майсалар

Яшил олов тун бўйи ёнди,
Юлдузларни ямлаб тиллари.
Бошларига кўтариб ойни
Минг букилиб кетди беллари.

Тонг отмас.
Тонг пайсалга солар.
Гарчи бу тун поёнга етди.
Тонгни кута-кута майсалар
Дарахтларга айланиб кетди.

Қиёс

Биз она деб аталган ерни
Бошимизга кўтара олмадик,

Бироқ...

Киприкда етилган ғамларни
Кўтариб турибмиз олмадек.

Олис сайёралар бир қадам
Бўлиб қолди бугун инсонга,

Бироқ...

Нарвон қўёлмадик ҳали ҳам
Кўнгил деб аталган осмонга.

Сабр таги

Мен сабр айладим,
мен беҳад бойман.
Сабрнинг тагидан
тиллолар ковлдим,
ҳар бири ойдай.

Мен сабр айладим,
мен жуда бойман.
Шунчалар бойманки,
тиллоларим мендан
ойдай узоқда, ойдай.

Булбулим

Гулимизни очирмадилар,
Сиз барибир сайранг, булбулим.
Қарғаларга қолди кунимиз,
Гўнг титамиз ҳайрон, булбулим.
Биз ишонган дунё (кеч билдик)
Бошдан оёқ найранг, булбулим.
Алданганлар иккита бўлдик,
Тумшуғингиз қайранг, булбулим...
...Сайранг тўлиб, сайранг, булбулим.

Дард

Улкан кўкрагида одамнинг
кичкина дарди бўлсин,
ойнинг бир палласидай.
Жуда бўлмаганида
отнинг калласидай.

Шу «калла» бир куни
улкан кўшиқ бўлсин,
онанинг алласидай.
Жуда бўлмаганида
тўрғайнинг ялласидай.

Осмона уч, болажон

Омон-омон кўшиқларнинг
қанотида учгил, ҳей,
Замонадан эрк сўрагин,
бахт сўрагин, ҳаққинг бор.
Осмона уч, болажоним,
юлдузларни кучгил, ҳей,
Довул бўлгил росмона сен,
тўлқин бўлгил бахти ёр.

Ломакона ларза солгил,
қанотинг ёз, лочиним,
Истиқболинг — тонгинг отсин,
тунлар ичра қолмагил.
Кўк сенингдур, ой сенингдур,
оч энди қулочингни,
Исмингни айт ҳайқириб сен,
гунглар ичра қолмагил.

Сабр отлиғ дарахтнинг сен
илдизларин кўпоргил,
Тошдан бўлсин бошинг, болам,
парчала харсангларни.

Азот тутиб қаддинг энди
шоҳлар қошига боргил,
Гаровга қўй жонни, бироқ,
қутқар ҳоли тангларни.

Аланга тут қўлларингга,
ёритгил йўлларингни,
Номард ўлсин сенинг билан
битта сафда бормаган.
Халқинг учун сен маҳкамрок
боғлагил белларингни,
Арафа бу — қутлуғ жангга
оломонни чорлагин.

Лаънат бўлсин, сенинг йўлинг
тўсмоқ бўлса қай бир куч,
Қанот бўлсин сенга қайғу,
қанот бўлсин шодонлик.
Измингга ол самоларни,
энди бургутлардай уч,
Мен қолайин ерда, сенга
тилаб бахту омонлик.

Ҳайвонот боғида

Кенг майдонни ўраб турган
Баланд деворларни кўрдим.
Қафасларнинг қопқасидан
Алвон шиорларни кўрдим.

Товус, майна, ғоз, қарғалар,
Тулки, бўри — бари банди.
Бу шиорлар балки алар
Кўзларига тортилгандир.

Қодир бахши Раҳим ўғли

Бахши дўмбирасини сайратиб, тилгинасини қайратиб, элди овзиға қаратиб достонини айтаберди: Ойпарни гул сайрини ихтиёр этиб, қирқ сулувди ияртиб, қирға чиғиб, кетиб бораётқан жойи:

Кундинг кўзи қамашди,
Ой жўлидан адашди.
Қирқта сулув кейнида,
Кўринг бу паривашди.
«Кетаётир Ойпарни,
Қирқин қиздан илгари».

Жўл боради буралиб,
Қир қолади қуралиб.
Чирмовуқлар қикирлар
Оёғига ўралиб.
«Кетаётир Ойпарни
Қирқин қиздан илгари.»

Суяги сирқирайди,
Ияги қалтирайди.
Туймасига эрачишиб
Жияги жалтирайди.
«Кетаётир Ойпарни
Қирқин қиздан илгари».

Чочбовлари чечилиб,
Қилдай бели эшилиб.
Бойчечаклар боради

Ковушиға қўшилиб.
«Кетаётир Ойпарни
Қирқин қиздан илгари».

Куйиб кетар кураги,
Ийиб кетар юраги.
Тошди сийпаб, жерлара
Тийиб кетар этаги.
«Кетаётир Ойпарни
Қирқин қиздан илгари».

Қоши ойдинг ўроғи,
Кипригима яроғи?
Сермаб кетиб боради,
Қиличмекан тароғи?
«Кетаётир Ойпарни
Қирқин қиздан илгари».

Саксон тобон туртими —
Қирқ сулувдинг жўртими...
Айтсам адо бўлмайди
Ўзбек қизин кўркими.
«Кетаётир Ойпарни
Қирқин қиздан илгари».

Ол энди, қирқин қиз қирдинг қитиғини келтириб, ўзлариям қикир-қиқир кулиб, ичидагисини ўзи билиб, гулдай яшнаб, рўмолининг учганасини тишлаб, бир-бирига ҳар қизиқти сўйлаб, ўйнаб, ўрлаб бораётган жерида куй тиниб қолди, Ойпарининг кўнгли бир қалқти, тўманга бўйлаб бўзлаб турган халқти кўрди.

— Тўхтанг, қизлар,— деди,— бувуним бўшаб боради. Бир хунук бўғанға ўхшайдиёв!

Шўнда: «Жигарим-ов...» деган гиря қирға ўрлаб, қизларди қувалаб жетиб, ўлардан-да ўтиб кетди.

— Шўримиз қуриди,— деди Ойпарни,— шўрганамиз қуриди.

Бир алп бахшининг лангари жерга тийганини қизлар билди. Билди-да, бари чочини жулиб, жилаб, энграб қирдан эниб келаберди. Олдинда Ойпарни:

Тилгананг мойлансин-да,
Белгананг бойлансин-да,
Товушинган, оғажон,
Элгананг айлансин-да.
Энграб келар Ойпарни,
Қирқ дилбарнинг давқари.

Қирға биздинг сайримиз,
Этмай қолди давом-эй.
Созинг қўлдан туштира,
Жиғилдингма, оғам-эй?
Жилаб келар Ойпарни,
Қирқ сулувдинг сарвари.

Бўзлаб борар гулбадан:
Элдинг дарди — эрга тан.
Пардадан адашдингма,
Адашдингма термадан?
Энграб келар Ойпарни,
Қирқ гўзалдинг дилбари.

Дўмбиранг да қўш томир
Узилиблар кеттима?
«Тўрғай»инг созганаси
Бузилиблар кеттима?
Жилаб келар Ойпарни
Қирқ каниздинг Хулқари.

«Охуво»нг адо бўлдима,
Тирноққананг толдима?
Эл-улусти жилаатқан
Дўмбиранг жетим қолдима?
Энграб келар Ойпари,
Қирқ каниздинг ханжари...

Тагин қирқ азагир жетиб келганида ҳамманинг кўзи жошланиб эди, рози-ризочилиқ сўралиб, жўқлов бошланиб эди. Қирқ сулувам Ойпарини суяб, қаторға қўшилиб, маросимға оралашиб кетди.


Тўрт Ҳасан тобутти жердан узиб ийнига олганида Гўрўглибектинг кўли жоғасиға қовушиб, дили увушиб, Алпомиш — кўлида йеки таёқ — эзилиб, кўкайи кесилиб турди. Марҳумдинг хеши — табори, хили-хушти, жетти пушти «ув...»лаб, Ойчинору Ойпарилар, Юнусу Мисқол парилар, Қалдирғочу Ойбарчинлар чувлаб турди. Бойчибору Ғиркўклар жер теувуб, боври кевуб бир эзиб кишнади, бир эзиб кишнади, Девлар жошини жутиб, лабини тишлади.

Алқисса, шу маҳал Қашқа қирларининг белини букчайтириб «Отам-ов...» деган гулдиракдай бир нола дунёнинг қоқ белидан тилиб ўтди. Бу — хабарди кечроқ эшитиб Чамбилдан энди жўлға чиққан Авазбектинг бўзлови эди.

Ҳар бир авлод ўз интернационализм мактабидан ўтиши, миллатлар-аро қардошлигимизни қадрлашни ҳамда олдинги авлодлар бу қардош-ликни мустаҳкамлаш учун қилган ишларни қадрлашни ўрганиб олиши керак. Энг муҳими эса, дўстлик, ҳамкорлик ва халқларнинг бир-бирига яқинлашувини мустаҳкамлашга ҳар бир авлод ўз ҳиссасини қўйиши лозим.

М. С. ГОРБАЧЕВ,

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республика раҳбар ходимлари ҳузурида сўзланган нутқдан



Мурод Муҳаммад Дўст

Малазар

Роман

МУҚАДДИМА ЎРНИДА

«Осмон мезонлардан йилтирар эди».

Йигирма йил аввал эди, куз эди, еру осмон тиниқ эди. Ва ҳавода ўргимчак иплари оҳиста сузардики, Назар Яхшибоевнинг хаёлига айна чиройли ўй келди. Келгани баробар, дилга жойлади — гўё рўмолча учини тугун қилиб тугди.

Кейин дўстларига гапириб юрдики, э биродарлар, Булдуруққа бориб ғаройиб манзара кўрдим, шу десангиз, тиниқ куз осмони мезонлардан йилтираб ётарди. Дўстлар аслида у қадар дўст ҳам эмасди. Яхшибоевдан кўрқишарди, холос. Шу боиски, маъқул, деб айтишди, айна кўҳли жумла билан роман ёки қисса, жуда бўлмаганда, узунроқ ҳикоя бошласа бўларкан, нозик, хўб нозик!.. Рағбат Назар Яхшибоевга ёқди, шогирди Чоршанбиевга қаради, айтмоқчи бўлдики, эй сен мирзақурук, кўриб қўй, маза-бемаза гапларингни менга нисбат бериб керилмоқни йиғиштир, х о ҳ л а с а м сендақаларнинг мингтасидан беҳроқ ёзишим мумкин, лекин — начора, вақт йўқ, бурчу вазифалар залвари елкамдан босган, сен буни тушунмайсан, ҳеч қачон тушунмагансан, тушунмасдан ўтиб кетасан, негаки сенинг манглайингга фақат мардикорлик ёзилган. Аммо у ўйлаганларини айтмади, аксинча, илтифот кўргазиб жилмайди: Чоршанби болам, шуни бир жойга илдириб қўйсанг, балки бирор кунимизга яраб қолар?..

Чоршанбиев ялтироқ муқовали ёндафтарини олди-да, устозининг ташбеҳини ёзиб қўйди:

«19.. йил. Фалон ойнинг фалон куни. Назар Яхшибоевич айтдиларки, осмон мезонлардан йилтираб ётаркан».

Устозига ҳурмати ошди, шу баробар, тақдир ўзига ато этган ноёб бахтдан масрур бўлиб, — у Яхшибоев ҳақида китоб ёзишни орзу қиларди, — тўкин дастурхонга юз бурди.

Яхшибоев дўстларнинг кўрқоқлигидан завқланди, ёйилиб кулди — уларнинг ожизлигини ўзича тушунган ва кечирган бўлди.

Дўстлар ҳам унга кўшилиб ҳиринглашди.

Шу баҳона, хотирида мезонлардан йилтираган осмон ёнида яна бир тугунча қолди: хушомадгўй лайчалар!

Топган ташбеҳини аёлларга гапириб юрди. У пайтлар Яхшибоев аёлларга сал ўчроқ эди. Аёллар анча завқланишди, лекин ўзи завқланмади. Сабабки, аёллар, Яхшибоев айна ғалати гапи билан бизга кўпроқ ёқмоқчи, деб ўйладилар.

Улар ҳақ эдилар. Ростдан ҳам, Яхшибоевнинг кўнглида ўзгача истак йўқ ҳисоби эди. У баланд бўйли эди, қорувли эди, овози нақ гулдурак, ҳар қоши бошмолдоқдай, кўзларидан шиддат ёғар, хуллас, аёл зотига жуда ёқар, лекин уларга ҳадеганда ишонавермас эди.

Умуман, ёқиш истаги билан ҳадик дегани бир нарса эмас.

Кейин недир муддат ёлғиз қолди. Ҳеч кимга айтмасдан, тоғдаги чўпон танишининг ўтовида яшади, қирғизлардан қимиз олиб ичди, тандир-кабоб еди, икки-учта ҳикоя ёзди (кейинчалик бу ҳикояларни Яхшибоевнинг ўзи ёзганига бировлар ишонмайди), болалигини эслади, отасини, онасини, урушда ўлган кенжа укасини эслади, ўн кун тугал тўлиқиб юрди, ҳатто йиғлади, ўн кун тугал унга ўша ғалати ташбеҳи ором бермади, ёзди, ўчирди, тағин ёзди, тағин ўчирди, хуллас, битта жумланинг ортига тиркайдиган туйғу тополмади. Укинч бордай эди, афсусу соғинч бордай эди, лекин айна жумла недир ўзгача бир ҳолатни, ўзгача бир кўтаринки кайфиятни тақозо қиларди. Ишқилиб, шаҳарга қайтганида кўнглида биргина истак ҳоким эди: энди бошқача яшамоқ керак.

Афсуски, бошқача яшашнинг иложи бўлмади. Кўп ишлар йиғилиб қолган экан. Боз устига, ҳамманинг юзида ташвишу ҳадик. Билса, ўн кундан бери Ошно йўқлаётган экан. Ошнонинг ҳузурига борди. Бориб, унинг тундлигини кўрди, лекин ҳайиқмади, негаки, ўн кун мобайнида чўпон ўтови ёнига чиқиб, тунлари юлдузларга боққан, оламнинг бемисл чексизлигини идрок этган, хусусан, ўзининг ҳам, хотинию болалари, бошқа одамларнинг, ҳаттоки Ошнонинг ҳам айна бемисл олам олдида арзимас бир зарралар эканини мулоҳаза қилган эди. Шу сабабки, Ошнонинг кўзларига тик боқди. Узр, деди, кечикдим, сал олдинроқ огоҳ этмаган экансиз, ўзимга яраша ишларим бор эди. Ошно унинг кўзларида недир саркашликни пайқагандай бўлди, совуққина жилмайди, ҳол-аҳвол ҳам сўрамай, бирдан расмий оҳангга ўтдики, сиз, ўртоқ Яхшибоев, фақат ўзингизни эмас, элни ҳам ўйланг, зудлик билан Ўртақўрғонга кетишингиз керак, бу — менинг истагим эмас, балки вазият талаби, энди у ёқдаги ишларни ҳам тартибга солиб бермасангиз бўлмайди. Яхшибоев индамади. Ошнонинг шунчаки, синаш учун гапираётганини сезиб турарди. Андак ялинса, важ кўрсатса қоларини ҳам биларди, лекин ўша ўн кунлик озодлик завқи сўнмаган экан, бирдан гажирлиги тутди, паст тушгиси келмади. Майли, деб ўйлади, булар ҳаммаси ўткинчи гаплар, қайтага, Ўртақўрғон билан Булдуруқнинг ораси яқин, тез-тез бориб тураман, бир кун минг кун эмас, ажабмаски, кейин аҳвол сал ўзгарса... Э, майли, Ошно бўлса — ўзига, усиз ҳам бир яшаб кўрай.

Ўй баробарида боши хиёл эгилган экан, сезиб қолиб ори келди, тағин тикланди, тағин тик қаради:

«Менга рухсатми?»

«Рухсат».

«Борай бўлмаса...»

«Боринг. Бу ёқларга келганда... мундоқ... кириб туришни ҳам унутманг».

«Унутиб бўларканми!...»

«Бекорга ранжияпсиз, Назарбой. Ҳарна, эски қадрдонлармиз. Иш дегани — бурч. Тағин, мени қувғин қиляпти, деб ўйламанг. Азбаройи суянганимдан...»

«Худо урдими, биз ҳам тушунамиз».

«Балли, Назарбой. Мени сиз жуда тўғри тушундингиз. Ҳозирча хайр».

Яхшибоев икки кун ўтгач, кўч-кўронини олиб Ўртақўрғонга кетди. У ерда икки йил яшади. Қувғинда эканига ишонмайроқ яшади. Негаки, Ошно ҳар сафар Ўртақўрғонга келганида унинг уйида меҳмон бўлар, маслаҳатлашар, нуфузлироқ ҳамроҳларига, ўв, бохабар бўлинглар, Яхшибоев ерда қолган одамлардан эмас, дея шаъма қиларди. Ошно қайтиб кетарди-ю, ўша бир оғиз шаъмаси яна қайтиб келгунича Яхшибоевнинг бошида тож янглиғ ярақлаб турарди. Иззат-икром ҳам шунга яраша. Яхшибоевнинг Ўртақўрғонда қиладиган иши йўқ эди. Касби — директорлик. Уртача бир театр, ўртача бир бино, ўртача актёрлар ўйнайдиган томошалар. Ҳатто бир-икки мавсум, зерикканиданми, ўзи ҳам пьеса сахналаштирди. У Ошнонинг росмана ранжиганини ҳижрат муддати учинчи йилга қараб кетиб, ўзи хизмат кўрсатган артист унвонини олганида тушунди. Ич-ичидан зил кетди. Яша, Ошно, деб ўйлади, яша, Бойқаро

дўстим, майли, кулавер, ҳарна, унутмаганингга, охиратимни таъмин этганингга шукр.

Уйласа, ўша пайтларда ёлғизликдан лаззат оларкан. Ҳарқалай, айни ҳолатида недир саркашлик ва иддао бор эдики, Ошнога ялинмаганидан, унга тик боқолганидан ғурурланар, каттаю кичик ҳикоялар ёзар, ҳикояларида недир норозилик оҳанглари бўлар эди.

Кейинроқ яраш-яраш бўлди. Яхшибоев марказга қайтиб келди. Хижратда орттирган озгина шуҳрати туғ бўлдию бирор беш-олти йил иззатда яшади. Вақти-вақти билан саркашлик ҳам қилар, саркашлиги қўрқоқроқ ҳамкасбларининг ғашига тегар, баъзида Ошнонинг ҳам қулоғига етиб борар, кейин, Ошно уни чақириб олиб озгина дакки бергач («Олифталик ҳам эви билан, ўртоқ Яхшибоев, сал жиддийроқ бўлиш керак. Улар ҳам бирига чидайди, иккисига чидайди, учинчисига менинг ҳам чидашим қийинроқ»), гуноҳи яна унут бўларди.

Дилдаги тугун эса ҳеч ёзилмасди.

Бугун аниқ эслайдикки, нақ йигирма йил олдин, Булдуруқнинг кунботар томонида, тошлоғу тиканзор қир устида, ботаётган қуёшга юз тутиб, юраги ҳаприкиб, недир саодатли дамларга интиқ бўлиб, Ошно билан ёнма-ён, шодланиб турмоқни тусаган экан. Гўё ўшал аснода ҳам тепада мезонлар учса, осмон мезонлардан йилтираб ётса. У гапирса, Ошно гапирса, гаплари ҳам куз осмонидай тиниқ ва юксак бўлса!..

Яхшибоев кўрган манзара ғоят кўҳли эди, айниқса — мезонлари! Кейин у айни манзарани Ошнога боғлашга мойиллик сезарди. Истаги шу қадар кучли эдики, вақт ўтиб, Ошно билан қайтадан қалинлашиб, каттаю кичик сафарларга биргаликда чиқадиган бўлганларида, уни атай Булдуруқнинг кунботаридаги тошлоғу тиканзор қир белига бошлаб чиқди. Лекин унда ёз эди, бинобарин, мезонлар ҳам кўчмаган эди. Яхшибоев эслайдикки, иссиқ эди, ғир этган шабада йўқ, унинг ўзи кўйлакчан, Ошно ёзлик жужунча костюмида, атир суртилган одмигина рўмолчасини олиб, манглайига тошган майда терни тез-тез артар эди. Қолаверса, Ошно билан ёлғиз туришгани ҳам хийла нисбий эди, негаки, пастда, қир этагида, шағал тўкилган йўлда, йўл ёқаларида тўп-тўп одамлар, тўп-тўп машиналар тепадаги икки одамнинг қуйига эниб келишлариға мунтазир эдилар. Уларнинг мунтазирлиги Яхшибоевга хуш ёқарди. Айни туйғуга сўнроқ аниқ бир ном ҳам топилди. Яхшибоев уни қайсидир ГЭС қурувчисининг нутқидан ўғирлаб олди. «Мен, — деб сўзлади ўша қурувчи каттакон йиғинда, — асримизнинг буюк қурилишига дахлдор эканимдан бахтиёрман». Яхшибоевнинг танлагани дахлдорлик бўлди. Лекин унинг айни сўзни ишлатмасликка ақли етарди. Қолаверса, у Ошнонинг номини халқ орасида деярли тилга олмасди. Шусиз ҳам тушунарли эди. Бирор нуфузлироқ танишининг номини тилга олиб, «ўзлари айтдилар», «ўзларидан маслаҳат сўрадик», «ўзларининг тавсияси» қабилида шаъма қилаверадиған майда-чуйда одамлар Яхшибоевнинг нафратини кўзғатарди. Билардики, ҳар қандай эътирофдан сукут яхшироқ, негаки, эътироф дегани албатта изоҳ талаб этади, сукут эса — чўнгроқ, маънолироқ, камтаринроқ. Сукутнинг кучини баъзан амалда ҳам синаб кўрарди. Дейлик, у кечикиброқ қолғудай бўлса, жўнроқ йиғинлар бошланмай турарди. Яхшибоев келарди, интиқ ўтирган одамларга қараб илжайарди, узр сўрарди, ҳатто важҳу баҳоналар ҳам тўқирдики, бариси жўяли бўларди. Лекин одамлар Яхшибоевга ишонмасди. Уйлашардики, Яхшибоев ўша жойдан келяпти. Жой тушунчаси улар учун Ошнонинг юзлаб нусхаларда босилган ранглию рангсиз, аммо бирдай жозибали суратлари каби сирли туюлар, бинобарин, айни зот ва унга боғлиқ дабдабали мавҳумотга дахлдор бўлмиш Назар Яхшибоевнинг нуфузи ҳам дақиқа сайин ўсиб борарди.

Яхшибоевнинг кўнглига ўрнашиб қолган манзаранинг тадрижи эса тахминан шундай эди:

«...мезонлар кўкка учди, томларнинг бўғотларига, дарахт шоҳларига, симларга, симёғочларга илашди, тагин учди, токи куз шамоллари келтирган ёмғирларда ивиб, секин-секин узилиб-чўзилиб-чириб битмагунча учаверди».

У шундай деб ўйларди: шундай деб ёзмоқчи ҳам бўлди, лекин ёзолмади. Шогирди Чоршанбиевга айтиб ёздиришга ор қилди, негаки, бу йигитни очерк-почерк каби қорароқ меҳнат учун ёнида сақлар эди. Кейинчалик, шогирди ҳам

узунроқ саноқларнинг қуйруғига илиниб, битта-иккита юпқа китобча чиқарганида, Яхшибоевнинг андак раҳми кўзгаб, у билан очилиброқ суҳбат курганида, айни ўша жумлани эслатди:

«Чоршанби болам, бир жойга илдириб қўювдинг, ёдингдами? Сенга осмон мезонлардан йилтираб ётганини айтудим?»

Чоршанбиев устозига кулиброқ қаради:

«Устоз, ростдан ҳам осмон ялтираб ётармиди? Бу, дейман, осмоннинг ётиши сал эришроқ эшитилади-ку?»

Яхшибоев қовоқ уйди:

«Биринчидан, ялтираб эмас — йилтираб. Кейин... Билмадим, Чоршанби болам, айтганларим шунчаки сўзнинг айланишига ўхшайди. Дилга алоқаси йўқдай. Ҳа, болам, шунчаки сўз тизмаси. Умрингда ипга маржон тизганмисан?»

«Йўқ, ўзим тизганим йўқ, лекин болаликда аёллар маржон тизганини кўрганим бор».

«Балли!»

Яхшибоев болаликда ипга маржон тизган эди, шуни эслади, маъюс тортди: эҳ, умр дегани ингичка бир кечувдай экан-а! оёқ ҳўл бўлиб улгурмади-я! Лекин у маъюслигини сездирмади, бирдан сергакландию хушҳоллик билан сўзланди:

«Айтмоқчиманки, Чоршанби болам, буларнинг бариси бамисоли ипга тизилган маржон, бири — оқ, бири — қора, бири — қизил, бири — кўк... Хуллас, турфа ранглар. Маънодан холи».

Чоршанбиев устозининг талқинига кўнмади, ўзича, маржон тизмасида маъно, яъники недир тартиб бўлиши шарт, бусиз шода чиройли чиқмайди, деб уқтирмақчи бўлди, лекин Яхшибоев гапларини эшитмади, уни назарига илмади. Қолаверса, Яхшибоев чарчаган эди, шу сабаб, шогирдини пашша ҳайдагандай ҳайдади:

«Бор, Чоршанби болам, кейинроқ келарсан, эртага, йўқ, индинга, ҳафта ўтиб келсанг ҳам майлига... Мен сал ўзимга келиб олай, кейин...»

I БОБ

Бемор

Ўйлайдию кулади: баттар бўлинглар, садқаи илм, садқаи ном, мен касал эмасман, танда оғриқ йўқ, ҳорғинлик бор, холос. Кўнгилдаги оғриқ ҳисобмас. Ахир, бу лаънатининг оғримаган пайти борми? Сабаб топилади, топилмаса — одамлар топиб беришади, ана, агар эслайдиган бўлсак, бир ойча бурун олими фозил Салимхон бир халта гап кўтариб келдики, устози бузрук, фарзандингиз Аввалбек устахонасида кайф қилиб олиб, кейин мендан сўради. Падаримизни... кейинроқ ҳам ўқишармикин, деб сўради.

Яхшибоев биладики, Аввалбекнинг айтганлари сал бошқачароқ, яъники, анави с а с с и қ т а к а ўлганидан кейин ҳам бировлар китобини ўқирмикан? Ҳар ҳолда, таърифи аниқ, неча йилдирки, бу таъриф болаларнинг миясига ҳам ўрнашиб қолган. Таърифни бир вақтлар Муҳсина тўқиган, мендан ғазабланиб, мени лаънатлаб, бечора Олиянинг гўрига ғишт қалаб тўқиган. Билмайдики, гўрингда тўнғиз қўпгур Яхшибоев у пайтларда кўп покиза эди, Олия ҳам покиза эди, Яхшибоев Олияни тусагани билан, бирор уч йилгача қўлини ҳам ушлай олмаган, ботинмаган, қўрққан, эҳтимолки, ўша аёлни яхши кўрган...

Лекин Муҳсина бунини тушунармиди?

Шошма, Яхшибоев, қўй, шошмайлик, сал бошқачароқ — тушуниши шартми? Унинг нафратида недир самимият бор, негаки, Муҳсина озор чеккан, узоқ тунлари ёстиққа юз буркаб йиғлаган, у менга яхшию ёмон таъриф беришга ҳақли, аммо — анави тирранча ўғил-чи?

Оқпадар! Сўтак! Э, садқаи ҳақорат!..

Аввалбек, деди, фарзандларнинг аввали, давлатимнинг аввали, бу метиндек заминга отган илк томирим, деди, токи заха етмагай. Севинди, доя хотиннинг қўлларидан бир бурда ҳолида олди, юзи қордай оқарган Муҳсинага боқди — гўёки айбдордай.

Туғруқхонага элтган гулдастаси таратган ҳид димоғида тургандай. Албатта, бу гапларнинг турган-битгани ташбеҳ, ташбеҳки, бошдан-оёқ ёлғон, лекин севингани рост-ку?

Аслида у пайтлар айбим йўқ эди, аҳил эдик, шаҳар четида, ижарада, ғариб бир хонада, жаҳлдор бир кампирнинг ғазабидан қўрқиброқ яшардик. Хона тагидан ариқ ўтарди, тунлари каламушлар чийиллаб безор қиларди. Муҳсина қўрқарди, мен юпатардим, аҳил эдик... Бугун — ноаҳиллик, низо, адоват. Унда эркинлик йўқ эди. Бугун эркинлик мўл-у, меҳр йўқ. Қанийди ўша дамларга қайтсам, ўша жаҳлдор кампир бўлмаса-да, ўша ғариб кулбачада Муҳсинани, ҳали жуда ёш, ҳали жуда гўзал, жуда шафқатли Муҳсинани ошкора суйсам! Пичирлаб гапиришлар, оёқ учида юришлар, муҳаббат шавқи ошганида бўғиздан тошиб чиқаётган эҳтиросли хитобларнинг нақ гирибонидан олишлар бўлмасал.. Алам қиладики, бағримдаги гўзал аёлнинг оғзини кафтим билан бекитардим: жим, кампир эшитади! Айтардики, эшитса — гўрга, қўйинг, уни йўқ деб ўйланг, Назар акажон!.. Оҳ, ўзимнинг акажоним!.. Яна, яна!.. Акажоним!.. Уни ўйламанг, ахир у йўқ-ку! Эй, кампир, эшитяпсанми, сен йўқсан, сен йўқсан, ижара ҳақини оладиган пайтингдан бўлак пайтда йўқсан!..

Ушанда Муҳсинани бир шапалоқ урди. Бечора йиғлади, хўрланиб, узоқ-узоқ йиғлади, айтдики, сиз қўрқоқсиз, Назар ака, қўрқоқсиз, қўрқоқсиз!!.

Ростдан ҳам қўрқоқлик эдими? Балки, шунчаки уятчанликдир? Ибодир? Лекин, ибодир деб атасак... кейинчалик... ўзгалар билан... мушукдай миёвлаганларим-чи?.. Тўғри, кейинчалик Муҳсинанинг кўнглидаги ўт сўнди: аввал Аввалбек туғилди, кейин — Оллоёр, кейин — Сокина, энг бақироқ, энг шўх, эндиликда энг бамаъни ва энг суюкли фарзандим... Лекин унда Олияга чалғиб, йўқ, чалғиб эмас, Олияни суйиб, Муҳсинанинг наздида с а с с и қ т а к а г а айландимки, бугун фарзандлар сарвари бўлмиш Аввалбек айна унвондан ўзгасига раво кўрмайдир.

Шу жойда Назар Яхшибоев марҳум Абдулла Қодирийни эсладики, «сўз бердик, Отабек ўғлим, наслимиздан лафзсизлар чиқмоғи бизга маъқул кўринмайдир». Оҳанглар уйкашлигини пайқаб, сал ажабланди. Ҳатто недир тилсим изламоққа мойиллик сезди-ю, ўзини тийди. Бариси — хасталик оқибати, деб ўйлади, тан оғримайди, лекин хасталик бордай, ҳар ҳолда, касалхонада, касал ётадиган палатада ётибман, бош тарафдаги тўмба устига шиша идиш қўйилган, идиш устига бир парча дока сирилган, дока ўртасидан кичкина тешик ўйилгану ўша тешикдан икки-учта термометр диккайиб чиқиб турибди, демакки, менинг хасталигим аниқ.

Бир жиҳати тузук — деворлар оққа бўялмаган, кўкиш тусда. Тепаси — ганчкори, чиройли қандил осилган. Ётган жойидан — кенг ва юмшоқ қара-воддан — нариги хонада турган каттакон овқат столи, кичикроқ сервант, бурчакка тақаброқ қўйилган телевизор экрани кўринадди. Стол четида — кичкина ваза, вазада — гул. Ваза атай шу жойга қўйилган. Касалнинг кўзи қувнаши учун. Ичидаги гул «оқ нилуфар» деб аталади. Сарғиши ҳам учрайди, қизғиши ҳам бор, лекин буниси — оқ тусда. Оқ нилуфар яшилранг, ярим шаффоф ваза бўғзига тиқилган. Банди ҳам калта. Туси кўнгил ёки ниётнинг оқлигига ишора бўлса керак.

Яхшибоев бунақа гулларни кўпроқ шаҳарнинг дарёга туташ боғларида, тубига атай балчиқ солинган тўртбурчак ҳавзаларда кўриб ўрганган, шу боис, гарчи гул анча узоқда, тоза сувли шиша вазада турса-да, димоғида ботқоқ ҳидини туйгандай бўлаверади.

Кўшни хона негадир «меҳмонхона» деб аталади. Юмшоқ ўриндиқлари бор. Пастак столчага газетаю журналлар ёйилган — ўқи, саводингни ошир. Лекин Яхшибоев касалхона дарвозасидан ҳатлаганидан бошлаб янгилик ўқимайди.

Докторлар, ҳамширалар, то энагаларга қадар — ҳаммаси ёш. Бари дуркун, бари чиройли. Беихтиёр эсладики, марҳум дўсти (дўст эдими?) Шариф ўлими олдидан, чамаси, ўлимидан бирор ҳафта бурун, эмлагани кирган ҳамширага ташланиб қолган экан: фақат сиз эмлайверасизми жонидан? Куладики, Шариф шунақа аҳмоқ бўлиб туғилган эди, аҳмоқлигича ўлиб кетди. Етмиш яшар чол, миясини еган чол, сенга ёшгина ҳамширани ким қўйибди! Хайриятки,

мен ҳали андак кулишга қодирман. Йўқса, хунобим ошиб, вақтидан бурун жон таслим этган бўлардим. Хасталик номини билгим келади, билмоқ илинжида яна озгина яшаб қолсам не ажаб?..

Бориб турган таннозлик! Буни анави оқсоч профессор ҳам сезади. Дарвоқе, докторларнинг ҳаммаси ҳам ёш эмас, аксарияти ёш. Оқсоч профессор бирор олтмишни қоралаб борган. Жуда одобли одам. Ҳаммага бирдай. Тўғри, андак заҳарлиги бордай, лекин заҳарки, беморга ёқади. Чўчийсан-у, умидворлик ҳам тарқ этмайди. Кесатиброқ юпанч беради. Кесатиғи ёққани қизиқ. Сиз хаста эмассиз, Яхшибоев, деб кулади, шунчаки чарчагансиз, кўп ёзгансиз, жуда кўп, ҳатто керагидан кўпроқ, баъзилар борки, суҳбати соз тушганда, ичим жуда равон-да, деб мақтанади, сиз ҳам худди шундайсиз, азизим Яхшибоев, ёзишингиз равон. Яна айтадики, сиз нақ отилиб турган вулқонсиз, азизим Яхшибоев. Бемор жаҳлини ичига ютади, жилмайишга уриниб сўрайди: ўшандай раво н вулқонми? оғзи қаёққа қараган — тепагами, пастгами?..

Оқсоч профессор қаҳ-қаҳ уриб кулади. Гинаю кудуратлар ўшал лаҳзадаёқ тасом йтади. Итгани баробар, оқсоч профессор лунжларини ушлаб, кулгу зўридан қўзғалган сунъий жағларини жойига туширади.

Эндигина тузукроқ кулишни ўрганган пайтингда тишларинг тушиб кетгани ёмон, дея заҳарханда аралаш ўйлайди Яхшибоев, бечора Шарифнинг ҳам тишлари тугаб қолувди. Қизиқ, одамлар уни ерга қандай қўйишди экан — сунъий жағи биланми?

Шаккоклик қилаётганини сезди, ўзига танбеҳ берди. Қайғуришга уриниб ўйладики, Шариф ўлганида мен Булдуруқда эдим, таъзияга келолмадим, бир кун аввал радиода эшитдим, колхознинг ғарибгина боғида ўтирдим, айна соат учда, Шарифнинг тобути кўтарилиши керак бўлган дамда, каттакон лагани тўлдириб ош келтирдилар, ёнимда ўтирган тўрт меҳмону икки мезбон бирдан завқли хитоблар қилдилар. Девзира гуруч, зирворлар ҳиди ҳар ёнга уфурган, сергўшту серёғ ош келдики, кимдир Бояги завқли хитоблардан уялган бўлиб, секин уҳ тортди. Айтдики, дунё шу экан-да, Назар ака, у ёқда Шариф ака қазо қилдилар, биз бу ёқда тинчгина ўтирибмиз, ҳадемай бечорани унутиб ҳам юборамиз. Йўғ-э, дедим унга тасалли бериб, аввал бевасига таъзия билдирамиз, кейин унутамиз. Меҳмонлардан бири айтдики, мен таъзиясига бормайман, Шарифни тириклигида ёмон кўрардим, энди ўлигиниям ёмон кўраман. Хуллас, гап шу жойда узилди. Қўллар ошга чўзилди. Кейин, лаган яримлай деган пайтда, шўхлигим тутдию секин гап қотдим: агар ерга қўйилган бўлса, агар Мункару Накир лаҳадга киришган бўлса, хўш, ўйланг-чи, уларни дўстимиз Шариф қандай кутиб оларкин?.. Сир бой бермаса кераг-ов, яъники, марҳабо, эй азизлар, мана, сизларни кўргали ҳам келдик, келиб билдикки, таърифу тавсифлар кўп хира экан... бу не нафосату бу не каромат! Офарин ва тасанно, тасанно ва офарин!.. Шундайми?

Иштаҳа бўғилди чоғи, ҳамроҳлар менга ўқрайиброқ қарашди. Узим ҳам қилиғимдан ранжидим. Ҳарна, Шариф билан машваратимиз бир эди, оғир йилларда курашганмиз, аввал бир-биримиз билан, сўнгроқ — биргаликда; курашиб шу кунларга етганмиз — яхши бўлмади. Эй сен, беқибат Назар, деб ўйладим, бир кун сенинг ҳам бошинга Шарифнинг куни тушар-ку?.. Хуллас, шу аснода ўлимни эсладим, лекин ўлимдан эмас, балки манави шерикларимнинг ҳам ўшанда мана шундай бир лаган ош устида ўтириб, худди камина Шарифни мазах қилгандай — менинг ўзимни майна этишларидан чўчидим. Ва аҳд қилдимки, энди обрў-эътибор деган сармоядан ғамлашим керак. Расмий обрў — ўз йўлига, энди жўнроқ давраларда ҳам ном қозонсам зиён қилмас.

Эй биродарлар, дедим, марҳум кўп яхши одам эди, менгаям кўп яхшиликлар қилган, сизлар ҳали ёшсиз, ҳали кўп нарсаларни билмайсиз, агар билмоқни истасангиз, ана, ўттиз йил олдинги газетларни бир қаранглар, ўшанда мени роса уришган, унда мен музей директори эдим, қўйган айблари шуки, бу музейдаги ҳамма нарса ўтмишга қаратилган. Ҳа, биродарлар, бағишланган эмас — қаратилган! Ҳолим хароброқ эди, ҳолимга қараган маймунларнинг кўнгиллари бузилай-бузилай деб турганида, гўринг нурга тўлгур Шариф жонимга ора кирган. Гўринг нурга тўлгур дўстим Шариф айтганки, э ўртоқлар, дурустроқ ўйланглар, бировнинг умрига зомин бўлмайлик, бу

Ўзи музей бўлса, музейда тарихдан, яъники ўтмишдан ўзга яна нималар бўлиши мумкин, ёрқин келажакни музейга тиксак сиёсий хато бўлмайдами?! Хайриятки, масъул ўртоқлар тушунишган. Улар аввал-бошдан тушунишга мойил эдилар, лекин тушунтирадиган мард топилмай гаранг бўлардик. Ҳа, биродарлар, марҳум дўстимиз шундай мард одам эди, музейда ўтмиш сақланади, деб айтишга журъати етган!

Мажлис аҳли жим қолди. Кўнгиллари ийганини сезиб турардим. Ичимда қувондимки, балли, Назар, барака топ, Шарифдан фаришта ясайвер, савобининг бир чеккаси ўзингга ҳам тегади. Аслида музей ҳақидаги гап ғирт ёлгон эди. Шундай айбнома бўлгани рост. Фақат мени эмас, бошқа одамни, камсуқум бир олимни айблаган. Лекин мендан не кетди, айтдим-қўйдим-да, ахир, манави эринчоқ ошхўрлар ўттиз йил олдинги рўзномаларни титиб юрмайди-ку? Қолаверса, марҳум дўстим Шариф, мени ёлғондан мақтадинг, деб гўридан туриб келмайди-ку? Умуман, аини жой ва аини лаҳзада Шарифни ўйлаганимдан не фойда? У тегажоқлик қилган ҳамширалар аллақачон уйли-жойли бўлиб кетган, яъниким, тўрт-беш боланинг онаси, энга тортган... энди уларни Шарифнинг ўзи ҳам танимаса не ажаб?..

Дарвоқе, энди у танийдиган аҳволда эмас.

Ҳар ҳолда, бу ҳамширалар жуда ёш, Шариф ўлганида жамалак тақиб юришгани аниқ. Лекин, барибир, менга ёқмайди, ҳамширалар эмас, шу ерда ялпайиб ётиш ёқмайди, авайлаб парвариш қилишлари, ширин сўз айтишлари ёқмайди, ҳатто игналарини ҳам думбамга алоҳида бир назокат билан тикаётгандай... Оқсоч профессорга кулги бўлса бас. Айтадики, хушмуомала учун ўн беш фойиз устама ҳақ тўланаркан... Узимни тиёлмадим, сўрадимки, ўртоқ Ваҳобов, сиз дўстимиз Шарифни билармидингиз? Нарёғига қўлдан келганича қўшиб-чатдим:

«Кўп беназир олим эди, эскичаю янгичадан бирдай саводли, кейин озгина созандалик ҳунари ҳам бўларди, болалигида босмачилар опқочиб кетишган экан, ўшаларга қарши курашиб, маълум муддат дуторчилик ҳам қилган экан. Билармидингиз?»

«Билардим. Нағмаларини эшитганмиз».

«Шарифнинг ҳамшираларга тегажоқлик қилгани ростми?»

«Сизам қизиқсиз-да, ўртоқ Яхшибоев. Менимча, бу гаплар ғирт уйдирма. Қичиқ-пичиқ гаплар қилган бўлса эҳтимол, лекин тегажоқлик қиладиган аҳволда эмасди. Мана, сизнинг йуриғингиз бошқа, касалингиз арзимас, куч-қувватингиз етарли».

«Таскин беряпсиз чоғи?»

«Вазифам шу, азизим, вазифам шу бўлгандан кейин... Лекин маслаҳат шуки, аввал аёлнинг кўнглини олиб, кейин қўл солинг, йўқса... бош врач сифатида кунига учтадан ҳуқна буюраман».

«Илтифотингиз учун қуллуқ. Минг йиллар омон бўлинг, дунё турғунича турунг».

Оқсоч профессор жилмайди, тикилиброқ қаради — гўё энди кўраётгандай. Яна жилмайди.

«Айтаверинг, профессор, аяманг. Демочисизки, менинг ичим равон, сўз турмайди...»

«Аксинча. Гўё бўғзингизда махсус филтер бордай, гўё у жўнроқ сўзларни ушлаб қолади. Шалдироқлари ўтиб кетаверади. Соддароқ гапиролмайсиз. Майли, сизга таскин берсам берақолай, ишонингки, бу палатада дўстингиз Шариф ётмаган. Сизга шу керакми?»

Яхшибоев индамади. Эътирофни кутган эди, эшитиб енгил тортди. Албатта, булар бариси — бачкана ирим. Лекин кўнгилда ором бўлгани маъқул, оромнинг бачкиси бўлмайди — у ё бор, ё йўқ.

Тўмба ичидаги шиша банкадан термометр олиб қўлтиғига тикди. Фурсат ўтгач, кўзойнагини тақиб қаради: ўттиз олтию олти. Мўътадил. Уйладики, бир замонлар, Булдуруқ кўчаларини чангитиб юрганида, бунақа ғалати сўзларни билмасди: мўътадил, мўътабар, зеро, зотан.

Кимдир нариги хонага кирди. Яхшибоев сергак тортди, юзидаги кулгини сидириб ташлаб, андак ғамгинлашди.

Остонада Муҳсина хоним кўринди. Бош ирғаб салом берди, сўнг стол устидаги вазани олиб, кўздан ғойиб бўлди. Зум ўтиб, қувурларнинг дириллагани эшитилди... Аёл-да, келибоқ гулнинг сувини янгилаяпти. Энди меҳмонхона деразасининг бир табақасини сал очиб қўяди, узоқмас, бир лаҳзага, бу муддат-да хона шамоллаб улгурмайди, лекин — аёл-да, аёл! — шу ишни қилмаса кўнгли тинчимайди, умуман, хотин зотининг бемаъни юмушлари кўпки, улар айна юмушларни азбаройи ихлос ёки эҳтиёж туфайли эмас, балки эркакларнинг ландавурликларини таъкидлаш учунгина бажарадилар. Уй оҳанги боис бўлдию Яхшибоев беадаброқ бир латифани эслади: эмишки, илғор сувчи пайкал бошида пинакка кетибди, уйқусида сезинибдию чўчиб кўзларини очибди, кўрса — тепасида ёвойи одам турганмиш, маймунсифат, мўйдору бўйдор, ҳайбатли ва ҳоказо. Ушал аснода кўз кўзга тушибдию ҳалиги тасқара қўллари билан авратини бекитибди — ҳарна, одам-да, ёввойи бўлсаям сал-пал уяти бор экан.

Яхшибоев истеҳзо аралаш жилмайди. Муҳсина хоним ўз уйида рўзгорга аралашмайди, харажатга пул санаб беради, неки юмуш бўлса, барини Робиға эплайди. Робиға, Робиа, Роби — хоҳлаганча аташ мумкин — ойига юз йигирма маош билан ёлланган, меҳнат бюроси тасдиқлаган, меҳнат дафтарчаси бор, унвони — уй хизматчиси, стажи — йигирма йил.

Хайрият, Муҳсина хоним деразани қия очмади. Чамаси, очишга эринди. Бериги хонага кирди, эғнидаги плашини ечиб, курси суянчиғига ташлади, бошқа бир курсини суриб, Яхшибоевнинг каравоти ёнига қўйди, ўтирди.

— Ҳорманг, ўртоқ Яхшибоев.

— Ўзларидан сўрасак, хоним.

— Соғинтириб қўйдингиз, уйга кетмайсизми, шу ёғиям етар?..

— Кўз қиймаяпти, ҳамширалари ёшгина экан.

— Улинг сиз, қариб қуюлмаган!..

Айни хитобни эшитгач, Яхшибоевнинг кўнгли яйради. Муҳсина хонимнинг овози жуда ширали эди. Ширали ва жарангдор. Узини кўрмасанг, нақ ўн саккиз яшар қиз деб ўйлайсан. Овози зўр, айниқса — киноларда! Яхшибоевнинг қойил қолган жойи шуки, бир куни телевизор кўриб ўтириб, ёшгина қизчанинг дугоналаридан қочганига эътибор берди. Қизгина қочарди-ю, тез-тез ортига қайрилар, изма-из қувлаб келаётган дугоналарига: «Етолмейсан, етолмейсан!..» деб қичқирар эди. Қизчанинг овози жуда таниш эди. Хотинига қаради:

«Ўзларими хоним?»

Муҳсина хоним камтарона бош эгди:

«Қўлимиздан келгани-да, ўртоқ Яхшибоев».

Хонада икковлари ёлғиз эдилар, Яхшибоев пайтдан фойдаландию Муҳсина хонимнинг белидан қучди:

«Овозларидан ойнаниб кетай!..»

Муҳсина хоним ўзини курсининг нариги четига олди:

«Суюлманг, ўртоқ Яхшибоев!..»

Яхшибоев бўш келмади:

«Ана шу овозингизга борман-да, хоним, ана шу овозда аллалаб, яна шу овозда уйғотсангиз нетади, қулингиз бўлай?..»

Муҳсина хоним шаъмани тузуккина англади, нозланиб кулди:

«Ана шу овозим учун тилло узук оберасизми, акажон?»

Муҳсина хонимнинг тилла узугу тилла балдоқлари бисёр эди, лекин шарт деганда шарм йўқ, Яхшибоев яна битта тилла узук олиб берди, Муҳсина хоним тунлари ўн саккиз яшар қизнинг овозида эркалигу ноз қиладиган бўлди. Айни шўх овоз Яхшибоевни гўё ёшлигига қайтарарди. Сабабки, фронтдан қайтиб келиб, қирқ еттинчи йилнинг майида Муҳсинаю унинг дугоналари билан (Ошно ўшанда уйли-жойли эди) Бўзтоғ тарафларга сайр қилган эди. Бўзтоғ этакларида Муҳсина Яхшибоевга тегажоқлик қилиб қочган, қочгани баробар, ортига қайрилиб: «Етолмейсиз, етолмейсиз, етолмейсиз!..», дея кулган эди. Ух, ёшлик, ёшлик!.. Ушанда Яхшибоев етолган эди, етгану қизга қарчиғайдай ташланган эди, агар Муҳсина сал уялиб ноз қилмаганида эди, агар қуйироқда қараб турган бегона кўзлар бўлмаганида эди, ким билади дейсиз, балки ўша жойдаёқ бечора қизнинг масаласини ҳал қилиб қўярмиди?..

Муҳсина хоним хиёл энгашиб, эрининг юзидан ўпди.

— Нақ типатикон бўп кетибсиз, ўртоқ Яхшибоев.

Яхшибоев кулди. Муҳсина хоним неварасига — Сокинанинг қизчаси Нигорага тақлид қилиб гапирган эди: типатикон, яъни — типратикан, кирпи.

— Миша кечикди,— деди Яхшибоев соқоли ўсинқираган юзини силаб.— Яхши сартарош, лекин кўп гапиргани ёмон. Уч минут соқол олади, ярим соат валақлайди.

— Касби-да,— дея илжайди Муҳсина хоним.— Қизингиз келди, эмизикли боласи бор, бу ёққа ўтолмади, самолётда кўзикканми, боланинг ичи кетаётган эмиш. Эрта-индин кеп қолар...

— Болага қарасин, бола — муҳимроқ,— деди Яхшибоев.

— Нигора Ўртақўрғонда, аммасининг қўлида экан. Сокинанинг бир ўзига икки бола билан юриш оғирлик қилади. Папаси — ишда, раҳбарлари ёпишиб олган, ҳеч жавоб бермасмиш...

— Отаси, денг, хоним. Нигорнинг ўзи «ота» дейди. Умуман шу неварамизга бошқачароқ от қўйсақ бўларди, масалан — Ойсулув.

— Тошбуви деяқолинг!..— деди Муҳсина хоним. Ранжигани билинди, лаблари андак буришиброқ кетди, сўнг бирдан ўзини ўнглади-да, навбатдаги янгиликка кўчди:— Аввалбекнинг аввалги хотини келди.

— Тамара-чи?— деди Яхшибоев чўчинқираб.— Тамара билан ажрашдимми?

— Йўғ-э,— деб кулди Муҳсина хоним.— Ажрашгани йўқ. Тўнғич келин ўзининг янги эри билан келди.

— Тамара-чи?

— Айтдим-ку, Тамара жойида, деб!..— асабийлашди Муҳсина хоним.

— Муҳсина,— деди Яхшибоев, кейин ўрнidan қўзғалиб, оёқларини каравот ёнига тўшалган юмшоқ наматга тушириб ўтирди,— Муҳсина, сенинг ақлинг бутунроқ, айт-чи, бу гапларнинг нима кераги бор? Аввалингда ор борми, номус борми?

— Аввал ўлсин!..— деди Муҳсина хоним йиғламсираб.— Аввалингиз ҳалиям ўшандан кўнгил узмаган, ҳалиям илиқишади, илгари қисир эди, ўн йил яшаб туғмовди, энди туғиб ҳам олибди, боланиям етаклаб келди, бола эридан эмас — Аввалдан, Аввалнинг ўзгинаси, э, эриям ўлсин, бузоққа ўхшаб етовда юради, уялмабди, анавининг ортидан эргаши-иб келаверибди, сиртдан — туппа-тузук, мўйловиям бор, э, садқаи мўйлов кет!.. Бечора Тамаранинг аҳволини кўрсангиз!..

— Апоқ-чапоқ бўлиб ўтирди, дедингиз-ку, хоним, қайси гапингизга ишонамиз?..

— Э, ўтирганда апоқ-чапоқ ўтирди, кейин...

Кейин нима бўлганини Яхшибоев тахминан бўлса-да тасаввур этарди. Кенг ҳовли, нақ ўн сўтих, тўрда бир уй — Яхшибоевнинг ўзига тегишли, чап ёнда бир уй — Оллоёр билан хотини Сорага тегишли, ўнг ёнда бир уй — фарзандларнинг сарварига, тўнғич ўғил билан хотини Тамарага тегишли, ойнаванд айвонли, айвон ичида турфа гуллару лиммў кўчатлари, ҳарнеки шароит муҳайё, эру хотин иккови, иккита бола, йўқ, уч бола, негаки, Тамара келин юклигина, юзидаги доғлари кўпайиб қолган, инжиқ, кўнгли кўп нарсаларни тусайди, лекин энг тусагани — ором; тинчлик бўлса, сокинлик бўлса, биров кўнглини оғритмаса, болалари соғ бўлса, бўйидаги ҳам соғлом туғилса, шунинг ўзи бир давлат, фарзандларни деб ишини қўйди, ёзган озгина илми чала қолиб кетди, эрга суянди, қайнотаю қайнонага суянди, лекин буларнинг аҳволи ҳам ин қадар... кейин... анави мегажин, манжалақи, эр аталмиш мўйловли ҳезалакни эргаштириб, културний бўлиб, ўзи талоқ олган хонадонга яна кириб келса-я!.. Эрга теккунча қаро ерга тегса бўлмасмиди?

— Ёмон йиғладими? — деб сўради Яхшибоев.

— Билмадим, ювуқсиз, деб қичқирганини кенжа келин эшитибди.

— Кенжа келин гап таширкан-да?

— Куюнади-да, бечора, рўзғор бир бўлгандан кейин... Аввалбекни ювуқсиз, деб атаган чоғи?

— Ҳаддан ошиброқ кетибди,— деди Яхшибоев сал аччиқланиб.— Ўйламадингизми, балки Аввалбекнинг ҳалигиндай... эскича никоҳсиз туғилганига шаъма қилгандир?

— Э, билмайди буні!.. — деди Муҳсина хоним. — Ғалча у, сиз мақтаган Тамара келин! Кейин, ўртоқ Яхшибоев, нима, ҳукуматнинг никоҳи никоҳ ўрнига ўтмас эканми? Ахир, келинларниям комсомол тарбиялаган!..

— Менимча, «ювуқсиз» дегани «ҳароми» дегани эмас. Лекин, умуман олганда, сиз ҳақсиз, хоним. Эндиги ёшларга тушуниб бўлмайди. Ташвиқот сусайиб кетган. Эслайсизми, биз ёшлиқда қандай даҳрий эдик!

— Эсимда, — деди Муҳсина хоним шивирлаб, ғамгин тортиб. — У кунлар асло қайтиб келмайди энди. Сиз шу эътиқодни деб отангизнинг жанозасига бормагансиз.

Эскартиш Яхшибоевга ёқмади.

— Отам қизилтаёқчи бўлган, — деди у. — Урушга қатнашган, ярадор бўлган, ярадан ўлган, нега мен шундай муътабар одам билан курашарканман, хоним? Сал ўйлаброқ гапирсангиз бўлмайдими?

Муҳсина хоним сергакланди, эрига андак ҳайрат билан боқди, илжайди, сўнг, гўё ҳеч нарса бўлмагандай, гўё эшикка чиқиб, кўчада кўриб келганларини гапираётгандай, жўнгина сўзланди:

— Ёшлик экан-да, эътиқод борасида ҳеч кимни аяб ўтирмасдик.

Яхшибоев хотинига маъноли қараб қўйди — рағбат билдирган бўлди. Ана, кўрдингми, демоқчи бўлди, бир гапни икки хил қилиб айтиш мумкин, хотинжон, иложи бориचा кўпол иборалардан қочиш керак, жўялироқ, умумийроқ бўлсинки, ўшанда гўё маъно тиниқ чиқади, маъно ортидаги муайян воқеа эса дахлсиз тураверади. Энди ёшлигимиз қолмади, хоним, бир оёқ тўрда-ю, бир оёқ гўрда, кўрадиганимизни кўрдик, гўё ҳаётдан неларнидир ундиргандай бўлдик, обрў, шухрат, бойлик... Аслида-чи? Аслида ҳаёт дегани бизни маҳв этмадими? Гўё бир умр майда-чуйда ўйинчоқлар тутқазиб, алдаб-авраб келгандай. Бу не ўзи, хоним? Умидсизликми?.. Афсусга ўрин йўқдай, биз эришган нарсалар унчалик кўп эмаски, ачиниб ташлаб кетсак? Ачинадиган бошқа, дейлик, Искандари Зулқарнайн, дейлик, Ошно. Йўқ, ҳатто Ошно ҳам ул шарафга арзимади, ул шараф ва ул латифа бир мартагина айтилгани тузук, яъники, Искандар ўлибдию тошбобутдан қўлларини осилтириб кетибди, айтмоқчи бўлибдики, мана, мен дунёни забт этдим, лекин у ёққа ҳеч вақо олиб кетолмадим!.. Лангати шоҳ, мугуздорю ғаддор, кўп ақлли бўлган, эҳтимолки, дунёни забт этиб юриб, етиму есирларни зор қақшатиб юриб, неча йиллар мобайнида шу латифани ўйлаб-пишитгану ўлим баҳонасида ошкор этган. Забт этган дунёси ҳам, дунё қадар шухрати ҳам оздай туюлган. Ўзича давр сурган, еган-ичган, қиличбозлик қилган, аёллар билан ётган, лекин, жиддийроқ ўйлаб қарасанг, бутун умри нари борса уч сатрли латифаю маталга жо бўлибди, бутун умри, урушу истилолари, еган-ичганлари, суйган-қучганлари, хуллас, бариси — шу уч сатрли маталга илова, холос. Худбинлик ёмон нарса, хоним. Хайриятки, Искандар бўлолмадик, Искандар бўлсак эди, балки шармандамиз чиқарди, сабабки, биз туғилган замонлар ўзгача, одамлар ҳам ўзгача, Искандар замонидаги соддалигу гўллик йўқ, ўзимдан қиёс қиламанки, ўшал қизиқ нақл туғилмаслиги ҳам мумкин эди, агар мен ўша оламгирга замондош бўлсам эди, ўлим соатида бошида турсам эди, дейлик, унга ғассоллик қилсам эди, дунёни забт этиб ҳамки у ёққа ҳеч вақо олиб кетолмаган Искандари Зулқарнайннинг кафтига тўрттагина тилла танга солиб юборардим, шунинг ўзи кифоя эди — латифа туғилмасди, Искандардан бор-йўғи урушу истилолар хотира бўлиб қоларди, холос. Шунда жаҳонгир бугунги жозибасидан айриларди, негаки урушу истилода жозоба бўлмайди. Ўзига латифа ўйлаб тополмаган саркарданинг ҳолига вой. Чингизхоннинг латифаси йўқ, Гитлернинг латифаси йўқ, эҳтимолки, Темурлангда ҳам латифа бўлмасди, лекин у анави Филай Йилдирим боис латифа тўқиб улгурган, яъники, эй Боязид, сенинг устингдан эмас, дунёнинг устидан куляпман, бу не шўрлик дунёки, тақдири сендай бир филай билан мендай бир чўлоққа қолган бўлса?! Сену бизда латифа йўқ, хотин, сену мен лоақал Филай Боязид ҳам эмасмизки, Темурланг баҳонасида латифага кирсак.

Яхшибоев эътибор берса, хотини гапираётган экан. Англадики, буткул бегона гаплар, шунчаки ғийбат, турган-битгани ғийбат, хотинларнинг ғийбати, эмишки, Ҳайбатулло қизини мажлисга элтибди, уни залда қолдириб, ўзи минбарга чиқибди, лекин аҳли машварат ер тепиниб сўзлагани қўймабди, Ҳайбатулло ғазабланибди, қизи уялибди, уялганидан қочиб чиқибди, чиқиб хўнг-хўнг

йиғлабди, шармандалик дебди, энди қандай бош кўтариб юрамиз?...
— Кимнинг бошини?— деб сўради Яхшибоев.— Ўзининг бошиними ёки отасининг бошини?

Муҳсина хонимнинг шашти сусайди, эрига ўқрайиброқ қаради, чамаси у кўпроқ гапирмоқчи эди, гап асносида ўзининг ташвишларини, Аввалбекни, та-лоғи айтилган тўнғич келини унинг ўрнига тушган янги келинини унутмоқчи эди, ахир, Ҳайбатуллонинг қизи дуч келган исноддан Муҳсина хоним айтган шармандалиқлар сал бўлса-да беҳроқ, кўримлироқ эмасми?

— Ёшлик — бебошлик, — деди Яхшибоев.— Ҳали ғайратлари кўп, умрла-ри ҳам узун, андак шаккоклик қилишган бўлса, майли, буниси ҳам кечиримли, биз — катталар, сал кенгроқ бўлишимиз керак. Дунёни орқалаб кетарми-дик!..

— Нуқул «ёшлар» дейсиз, ораларида эллик-олтмишни уриб қўйганлари ҳам бор экан.

— Бари бир ёш, хоним, суврати бўлмаса, сийрати ёш уларнинг, — деб кул-ди Яхшибоев, сўнг бояги гапини яна такрорлади:— Дунёни орқалаб кетар-мидик, хоним, шуларга мерос қилиб қолдирамиз-да!..

Муҳсина хоним маъқуллаб бош ирғади. Яхшибоев унинг соддалигидан кулди: балли, Яхшибоев, нақ Искандар бўлиб кет-э!

Шу гап ўзи етарли, энди Муҳсина хоним Ҳайбатуллога ачина бошлайди, ғийбат ҳамдардликка айланади, яъники, бечора Ҳайбатулло домла, ландавур Ҳайбатулло домла, анойи, анқов, азбаройи шўри қуримаса, анави безориларга тенг бўлармиди, аслида-ку, уларни авайлагани — ўзини авайлагани, ўшаларга икки оғиз ширин сўз айтиб, иккитасининг бошини силаса олам гулистон эди, ҳеч ким унга тил тегизмасди, машварат ҳам бузилмасди, қизи бояқиш ҳам зал-дан қочиб чиқмасди.

Аслини олганда, ўша ертепарлар ҳақ, деб ўйлади Яхшибоев, ростдан ҳам Ҳайбатулло ўлгудай нодон, лекин энди мен ўша галварс Ҳайбатуллонинг тара-фини олишга мажбурман. Ўзимга қолса, ертепарларга иш қолдириб ўтирмас-дим, чала академиклардан бирортасига айтиб Ҳайбатуллони бир ёқли қилар-дим, лекин энди жуда кеч, ғишт қолипидан кўчган, энди ўша тўнқанинги ёнида собит тураман, йўқса, сал фурсат ўтиб менинги ўзимга ҳам ташланиб қолишлари мумкин улар. Асли бу борада Шарифга, гўринг нурга тўлгур Шарифга ета-дигани йўқ эди. Эй биродарлар, деб келарди, халқнинг сабр косаси тўлди, ким-нидир қурбон бермасак ҳеч бўлмайдиган... У ташвиқотни бошлардию кимдир арзимас бир кишини, дейлик, анави Ҳайбатуллони қурбон берардик, қурбон ўзимизга тенгдош бўларди, қурбонни аямасдик, урардик, танқид қилардик, чангини осмонга чиқарардик, қарабсизки, ҳақиқатгўй бўлиб доврўқ таратар-дик!.. Афсуски, энди Шариф йўқ, гўрини нурга тўлдириб ётибди...

— Мана, ўзингиздан қиёс, хоним, — деди Яхшибоев, кутилмаганда кай-фияти хушланиб, — мана, сиз хизмат кўрсатган бир инсон, ўз вақтида ариза бердингиз, ортингиздан ўсиб келаётган шогирдларга йўл очдингиз, мардлик бўлса... шунчалик бўлар? Энди сизни ҳамма мураббия деб билади. Шогирдла-рингиз хурсанд, шундай эмасми?

— Шундай, лекин мен...

— Балли!— Яхшибоев оғиз очгали қўймади.— Негаки, сизнинг обрў-эътиборингиз унвон ёки мансабда эмас, балки — қалбингизда!

Муҳсина хонимнинг кўнгли юмшади. Курсида ёйилиброқ ўтирди. Қад-дини сал тиклаган бўлди. Яхшибоев сал диққат қилиб, хотинининг эгнидаги кўйлакнинг ёқаси анча пастдан ўйилганини пайқади: бўйнию кўксининг ўрта-роқ қисми сўлинқираган, увадароқ, ярашмайдиганроқ. Илгари бўлса ғаши ке-ларди, лекин ҳозир ранжимади ҳам, майли, билганини қилсин, агар шу билан кўнгли овунса... майли, яна пастроқдан ёқа ўйсин...

— Кўйлагингиз ярашибди, хоним, устингизда тўзисин. Бичими ҳам янги экан.

Яхшибоев Муҳсина хонимнинг кўлидан тутиб, лабига босди. Жим қолиш-ди. Муҳсина хоним эрининг соқоли ўсинқираган юзини силади. Яхшибоев ди-моғида бинафша ҳидини туйди, юраги орзиқди, эй нодон, деб ўйлади, илга-рироқ бу ақлу фаросат қайда эди, бу фасоҳат қайда эди, уришардик, тала-

шардик, аччиғу тиззиқ, бақириқлар, ўқилмаган никоҳга талоқ айтишлар... Э, оналари ўлсин! Уйма ёқаларни деб асабийлашиш ўрнига, мундоқ силаб-сий-пасанг бўлмасмиди, ахир? Уйма ёқалар ҳам, уйма ёқа ортидаги нарсалар ҳам сенинг амлокинг эди-ку, майли, фарқўзлар қараса қарасин эди, камиб-нетиб қолмасди, қайтага, не-не говмижжаю назланинг ёстиғи қуримасмиди?..

Эҳ, ёшлиқ, ёшлиқ, беқадру бебақо ёшлиқ!

Яхшибоевнинг димоғи ачишди, кўзларига жиққа ёш қуйилиб келди. Секин жойига чўзилиб ётди. Муҳсина хоним чўчиди, бир муддат кўзлари жавдираб турди, сўнг йиғлаб юборди:

— Мендан яширяпсиз, Назар ака, бир балоларни яширяпсиз!.. Айтинг, яширманг, шу пайтда кунингизга ярамасам, кейин менинг нима юргулигим қолади?!

Хотин эгилди. Эрининг кўксига бошини қўйди. Яхшибоев уялди. Ёлғон, деб ўйлади, қилиб юрган касби-да. Кимдир ҳозир палатага кирсаю биз икковнинг ҳолимизни кўрса, эҳтимолки, кўнгли бузилади, раҳми келади. Балки, Яхшибоевдай қарчиғай ҳам қариган чоғида мусича бўпти-ку, деб ўйлар? Шунисиям тузук, деб ўйлайди, ҳарнеки тадорикнинг охири бахайр бўлсин, мана, булар ҳам биров-бировига суяниб қолибди. Ҳар ҳолда, шундай ўйлагани маъқулроқ. Муҳсина хонимнинг саҳнага чиқмай қўйганига неча йиллар бўлди, энди унинг не-не ботирларнинг бошида ўтиргани, не-не Тоҳиру не-не Равшанхону не-не Авазхонларнинг кўкракларига бош қўйганлари унут бўлди, эҳтимолки, улар бариси шунчаки машқ бўлгандир, мана, бугун келиб, палатада қўзғалмай ётган эрининг кўксига бош қўймоғи учун машқ бўлгандир?..

Яхшибоев ётган жойида ғимирлаб қўйди. Бекор гап, ҳали қўзғалса бўлади, ҳамма аъзолар жойида.

Муҳсина хоним бошини кўтарди, эрига айбсиниброқ боқди, узр, демоқчи бўлди, сизга азият етказдим.

Яхшибоев жилмайди, ҳеч боқиси йўқ, демоқчи бўлди, қайтага, дардимни кўтардингиз. Қолаверса, хотини кўксига бош қўйганида айтарли залвар сезгани ҳам йўқ эди. Муҳсина хонимнинг саҳна машқи зўр эди, бир дақиқалик кўримли манзара асносида қўлларини каравот четига тираб турган эди.

— Аввалбек масаласини жиддий ўйлаб кўраман, — деди Яхшибоев. — Айтиб қўйинг, мен ҳали ўлганим йўқ, қадамини ўйлаброқ боссин. Айтингки, бўёқчилигига бола боқолмайди. Мен тирик эканман, бозори чаққон, мен ўлсам, уни биров сариқ чақага олмайди. Келинга айтинг, анави манжалақи яна келса, остонадан ўтказмасин, сочини юлсин, бетини тимдаласин, майли, мелисага тушсин — ўзим опчиқаман!..

Муҳсина хонимнинг чиройи очилди: эрини бундай жаҳлдору чўрткесар ҳолда — соғ кўриш унга ёқарди.

— Майли, дадаси.

— Уйда, столнинг устида китобнинг ўнинчи боби ётибди. Нашриёт билан гаплашаман, кейин Оллоёр мен ўзим тайинлаган одамга элтиб беради.

— Хўп, дадаси.

— Ошно телефон қилмадим, хоним?..

Яхшибоевнинг сўз оҳанги бирдан юмшади. Юмшаганини сезиб, салгина ори келди. Муҳсина хонимга ялт этиб қаради. Йўқ, хайрият, бояги қатъияти сабаб, хотин ҳеч нарсани пайқамаган экан.

— Телефон қилса, айтинг, касалхонада ётибди, деб хабар қилинг.

— Ҳаддим сиғармикан, дадаси, ахир, у киши...

Муҳсина хонимнинг овози азбаройи эҳтиромдан титрагандай бўлди.

— Қўрқманг, хоним. Уям сизу менга ўхшаган одам, осмондан оёғини узатиб тушган эмас. Яхшибоев касалхонада, сизни соғинибди, деб айтсангиз кифоя.

— Майли... Мен бу ёқда... озгина овқат келтирувдим. Келин пиширган экан, касалингизни ўйлаб, мурч қўшолмабди, мурчни алоҳида опкелдим.

— Тузук, тушликка татирман. Майли, энди борақолинг. Невараларни ўпиб қўйинг.

Муҳсина хоним жойидан турди, лекин бирданига чиқиб кетолмади. Дераза ёнига борди, парданинг четидан тутиб, эрига қаради:

— Озгина очиб қўяй?..

— Шартмикан, ўзи оқ-ку? Ташқари қалай?

Муҳсина хоним пардани сал очиб, кейин жавоб қилди:

— Ҳаво очиқ.

— Бу ёққа ҳар куни қатнайвериш шарт эмас, кунора келсангиз ҳам бўлаверади, парвариши яхши.

— Ҳамширалари ёш экан, дадаси...— Муҳсина хоним қиқирлаб кулди.— Тагин шу ердаям уйланиб қўйманг!..

Яхшибоев сергак тортди: бежизга қиқирламайди бу, дарди бор, ҳозир бирор гап бошлайди.

Муҳсина хоним яқинроқ келди, креслонинг суянчиғига қўлини қўйиб тураверди.

— Пул-мул керакми, хоним?

— Йўғ-э, дадаси, ҳамма нарса бор. Мен... мен ўзим... яна бирор ишнинг бошини тутсаммикан, деб эдим, икки-уч таклиф бўлди, лекин сиздан берухсат розилик беролмадим.

— Қани, бу ердан чиқайлик-чи, ўйлашиб кўрармиз.

— Тез чиқасизми?

— Тез, хоним, тез орада. Зўрлаб ушлаб туришибди, бўлмаса, менга зарил кептими!.. Парвариш дуруст-у, лекин боғида қарғаси кўпроқ экан.

Муҳсина хоним деразага қараб олди. Деразадан каттакон чинорнинг пастки шохлари кўринар эди.

— Ҳозир йўқ,— деди Яхшибоев.— Кечқурун йиғилиб келишади.

— Телевизор қўйинг,— дея маслаҳат берди Муҳсина хоним.— Баландроқ қўйсангиз, қарға овози эшитилмайди.

— Қарғалар кўнгилда бўлса-чи?— деди Яхшибоев зорланиброқ.— Кўнгилда қағиллаб турса-чи?..

— Қўйинг-э, нафасни иссиқроқ қилинг, дадаси!

Яхшибоев тўшакка қулайроқ ўрнашиб, кўзларини юмди. Секин уҳ тортди — ҳориганини билдирди. Муҳсина хонимнинг секин юриб нариги хонага чиққанини, эшик очганини, кейин яна ёпганини эшитиб ётди. Палата жимиб қолди. Яхшибоев кўзларини очмади, ётаверди.

Яхшибоев ўйладики, ҳозир хотини йўлак охирида лифт кутяпти. Сал ўтиб кўчага чиқади. Кўчада, дарвоза ортида Аввалбек машина билан кутиб турибди. Бу ёққа кирмаган. Фарзандлар сарвари отадан чўчийди, олими фозил Салимхоннинг гап ташиб келганидан хабардор, чеккароқда туриб, с а с с и қ т а к а н и н г жаҳлдан тушмоғини кутади.

Оқпадар! Сўтак! Кутавер!.. Улсам кечирмасман!

Яхшибоевнинг жаҳли чиқди. Кўксини силади, сўнг қорнини, оёқларини силади. Андак таскин топгандай бўлиб, ўрнидан қўзғалди. Нариги хонага чиқиб, телефон симини чувалтириб келди. Нашриёт рақамини терди.

— Сайфиддин болам!..

— Лаббай.

— Биздан биргина хато ўтибди, болам.

— Хўш, домла?

— Романнинг бир боби уйда қоп кетган экан. Сезмадингизми?

— Узр, домла, лекин сезмай қолибман. Энди, йирик полотно, кўздан қочган шекилли-да...

— Уғлим обориб беради. Шунга улаб юборасиз.

— Соғайиб кетинг, домла.

— Эсдан чиқмасин-а?..

Яхшибоев трубкани қўйди. Телефонни яна эски жойига элтди. Яна ўринга чўзилди. Йўқ, ҳангомадан ўзи кутганчалик лаззат туймади. Зерикарли чиқди. Тўғри, муҳаррир бола ҳали ёш, ҳали ҳазилкаш, эшитган гапларини дўстларига айтиши, дўстлари яна дўстларига айтиши тайин. Лекин шугина нарса латифага арзирмикан?.. Яъники, Яхшибоевнинг романи босмахонага тушиб кетган эди, терилиб ҳам бўлган эди, шунда Яхшибоев телефон қилиб, муҳаррир болам, уйда романнинг ўнинчи боби қолиб кетибди-ку, деб айтса...

Хуллас, кўнгли тўлмади. Бачканалик, бориб турган бачканалик. Шугина гап учун романнинг бутун бир бобини уйда қолдириш шарт эмасди. Босмахонага тўлайдиган беш-ўн сўм жаримага ҳам арзимайди.

У яна Муҳсина хонимни ўйлади. Солланиб, бир-бир босиб, касалхона дар-

возасидан чиқади-да, минг кўзли халойиқнинг юрагини ўйнатиб, кимсан Назар Яхшибоев давлат нархида олган сўнгги нусха «Волга» машинасига ўтиради. Уйга боради, хонага киради, кийимларини алмаштиради, японча кимоносини кийиб, сочларини тепага турмаклар, елпигичини олиб, нақ Чио-Чио-Сан бўлиб, рангли телевизор рўпарасига ўтиради-да, Аввалбекдан, энди қайга борасан, деб сўрайди. Аввалбек айтидики, устахонага, чала қолган ишларим бор, шуларни битказсам, бобойдан умид камроқ, ўз кунимни ўзим кўрмасам бўлмайди. Муҳсина хоним шаъмани тузуккина англайди, лекин эътибор бермайди, қолаверса, Аввалбекнинг устахонасига боришига ҳам ишонмайди, эҳтимолки, устахона баҳона, бирортасига бориб суйкалишса... Аввал, дейди, Аввалбек ўғлим, майли, расмингни чизсанг чизавер, лекин менга телевизорни қўйиб берсанг. Аввалбек телевизорни қўяди, кейин хонадан чиқмоқчи бўлади, лекин яна тўхтайди, сабабки, Муҳсина хоним тагин чақиради: Аввалбек, Аввал!.. Ҳа, дейди, Аввалбек тоқати тоқ бўлиб, яна нима дейсиз? Аввал, калитни ташлаб кет, дейди Муҳсина хоним, устахонанг яқин, пиёда борсанг ҳам бўлаверади. Аввалбек ғижинади, лекин онасининг гапини қайтаролмайди, машинанинг калитини беради. Бирдан устахонага боргиси келмай қолади, ҳовлига чиқиб, ўзининг уйига қараб бурилади, уйига кириб, хотини Тамаранинг кўзини қувонтириб, бадантарбиячиларнинг «Adidas» ёзувли костюмини кийиб чиқади, келиб, онасининг ёнига курси қўйиб ўтиради. Кейин бошқалар ҳам йиғилиб келади. Нарху навою об-ҳаводан гап кетади. Муҳсина хоним, санам янглиғ улғувор, жиддий елпиниб ўтираверади. Жиддий ўтираверса бошқаларнинг асабига тегишини билади, шу сабаб, атай жиддий ўтиради, бировга гап қотмайди, лекин ўғиллар ҳам, келинлар ҳам асабларини бузгилари келмайди, ноиложликдан онаю қайнонага хушомад қилишга ўтадилар. Хушомад Муҳсина хонимга ёғдай ёқади. Елпиниш камаяди, хона ҳавоси салкинлагандай бўлади, юздаги булутлар ариб, кайфият хуш тортади. Неваралар келиб бувига суйкалишади, суйкалганлари Муҳсина хонимга ёқмайди. Боринглар, дейди, ҳой, Оллоёр, буларга қара, ҳой, Аввалбек, буларни нарироқ ол, жуда шўх бўп кетишибди, ҳаттоки телевизор кўришга ҳам беришмайди!..

Худди шундай кўргали қўйишмайди эмас, кўришга беришмайди! Муҳсина хоним сахнада тўғри гапирди, лекин уйда, кўча-кўйда лаҳжаси ўзгариб, мисоли телевизордаги диктор хотинлардай ғализ гапира бошлайди.

Оллоёр болаларни чалғитади. Хўроз бўлиб қичқиради, сигир бўлиб мўнграйди, ит бўлиб вовуллайди, хулласи — феълени билмаган парранда ҳам, дарранда ҳам йўқ. Ичакдай узун, ориғу чайир; туя бўлиб чўкса борми, устига учтўрт бола бемалол миниб олиши мумкин.

Муҳсина хоним телевизор кўради. Экрандаги одамларнинг рангу рўйига қараб, ўзича фол очади:

— Анави кампирга неча ёш, Оллоёр? Ана, қара, дўхтир экан, халатиям бор, сенингча, унга неча ёш?

— Билмадим, ойи, бирор олтмишларда бордир.

— Етмишни айтавер, бола, етмиш бешда бўлсаям ҳеч ажабмас!.. Тамара, сен айт, анави чолга неча ёш?

— Етмишда, ойижон.

— Нега у ишлайди? Нега уни пенсияга чиқариб юборишмайди? Кадрларни кадрлаш йўқ, айниқса — бизнинг санъат соҳамизда! Сув келтирган хор-у, кўза синдирган азиз! Нега мени бўшатишди? Нега? Шунча йиллик хизматларим бекор экан-да?!.

Ҳеч ким гап қўшмайди. Бунда тазйиқ ҳам, рағбат ҳам — бирдай ортиқча.

— Қорнимга эмас, кадримга йиғлайман, болам!.. — дейди Муҳсина хоним Оллоёрга юзланиб. У фарзандларининг ичида биргина Оллоёрга ишонади, биргина Оллоёр унинг гапини икки қилмайди, онаси ҳақми, ноҳақми, эътироз билдирмайди, жилмайиб, бош эгиб тураверади. — Ўзинг айт, болам, менинг Барчиним ёмон эдими? Зулхуморим ёмон эдими?

Оллоёр индамайди. Муҳсина хоним Барчин билан Зулхумор бўлиб сахнага чиққан кезларда у ҳали гўдак эди.

— Нурхон-чи? Дездемона-чи?

Оллоёр индамайди.

— Сана, болам, санаб адоғига етармикансан!..

Оллоёр секин бош ирғаб маъқуллаган бўлади: рост, ойижон, улар жуда кўп эди, лекин сиз унда ёшроқ эдингиз. Уйлашга ўйлайди-ю, ташига чиқармайди.

— Тўғри айтасан, болам,— дея давом этади Муҳсина хоним, гўё ўғлидан тасдиқ эшитгандай.— Булар у даражага етгунча, ҳали минг қовун пишиғи бор. Ҳаммасига даданг айбдор, болам. Мени эмас, дадангни оёқости қилишди. Билки, энди Яхшибоевнинг сариқ чақалик қадри йўқ, бугун мени бўшатишди, эртага сени бўшатишади, ғорат, дегин, болам, паторат бу, гулдай рўзғоримиз шундайин тарқа-аб кетса-я!..

Оллоёр онасига тузукроқ разм солади. Айтилаётган гаплар қайси пьеса-дан олинганини чақишга уринади. Шу орада кўтаринки оҳанг йўқоладию Муҳсина хоним жўнгина дийдиёга ўтади:

— Яхшибоев биргина қўнғироқ қилса бўлмасмиди, болам? Бир қўнғироқлик иш эди-ку? Ҳарна, мен олаётган уч юз сўм пул ҳам шу рўзғорга эш бўларди-ку?..

— Гап пулдами, ойижон?..— дея секин эътироз билдиради Оллоёр.

— Ўргатма менга!..— қаҳрланиб қичқиради Муҳсина хоним.— Бир гала сўқим, бир гала текинтомоқ!..

Оллоёр ўғринча атрофга разм солади. Хайриятки, хотини йўқ — жанжал олдидан чиқиб кетган. Сора келин — ақлли, эрини хижолат чектиргиси келмайди, ҳар қалай, эркак киши, мулзам бўлмагани маъқул. Хонада Аввалбек ҳам йўқ, хотини Тамара ҳам, неваралар ҳам — ҳаммаси чиқиб улгурган. Биргина Оллоёр қолган. Неки қарғиш бор — Оллоёрнинг бошида. Муҳсина хоним уни атай қарғиш учун туғиб олгандай. Мўмин, мулойим, эътироз қилмайди; жаҳли чикмайди, синиққина илжайиб ўтираверади. Умуман, бу оилада ҳамма уни уришади. Ҳаттоки, Робиға-Робия-Роби ҳам озгина захрини Оллоёрга тўқади. Биргина Сора келин уришмайди, сабабки — хотини. Эрни озгина иззат қилиши керак.

Ниҳоят, томоша тугайди. Оллоёр хоксорлик билан онасига қарайди, ишора бўлгач, бориб телевизорниг симини узади.

Уйқу вақти етди. Хайрли тун, Муҳсина хоним! Хайрли тун, Оллоёр ўғлим!..

Эҳтимолки, ширин тушлар кўрилса. Эҳтимолки, Муҳсина хоним тушида рақсга тушса, Ширин бўлиб, Маҳинбону кўшқиди, Фарҳоднинг ишқиди... рақсга тушса... инсофданми?.. айниқса ҳозир... мен бу ёқда Ёсуман кампирни кутиб ётганимда... инсофданми?.. Диёнат қани?

Яхшибоев беихтиёр кулиб юборди. Аммо-лекин, оқсоч профессор тўғри айтади, деб кулди, ростдан ҳам ичим равон, сўз турмайди. Қалашиб келаверади! Ажабмаски, қалашиб келиб, айқашиб-уйқашиб-мингашиб... ахийри бирор маъно ҳам чиқса?

Уйда ўтиролмадим, кетгим келдию шу ерга келдим, токи қулоғим тинч бўлса, Муҳсинанинг ғиншиганларини эшитмасам. Очиқ иддао қилолмайди, кўрқади, ҳарна, семизгина ҳамёним бор, жуда бўлмаганда, ўшанинг бир ёнидан умидвор, қаттиқроқ гапиролмайди, лекин шаъмалари жонимга тегади, телевизор кўришлари, телевизорда кўрган оқ сочли чолу кампирларнинг ёшидан фол очишлари... миннат — дийдиё, дийдиё — миннат... нега анавилар ишлаб юришибди, нега анавиларни бўшатишмайди, нега анавиларга тегишмайди? Нега мени бўшатишади? қадрим бир пул экан-да? шунча йиллик хизматларим? тўккан терларим? ижодим? уйқусиз тунларим? ҳаётим? бутун борлиғим?

Дийдиёси меъдага тегади. Баъзида, кутаётганим Ёсуман асли шу эмасми, деб ўйлаб қоламан. Ёсуман келиши тайиндай. Ёсуман албатта келади. Юрагимга ваҳм оралайди. Айниқса — кечқурун, қош қорайиб, дераза ортидаги чинорларга қарғалар учиб келишганда. Қағиллайди, лаънатилар!.. Бошимни кўрпага буркаб оламан. Лекин қарға овози эшитилаверади, хаёлимда, кўнглимда, танимда бир гала қарғалар уя қургандай!..

Қариган чоғингда уйда бир муддат тинчиб ўтиролмасанг, билки, барча тоат-ибодатларинг бир пул экан.

Аслида Муҳсинага даҳл қилмасак бўларкан. Ишни Сокина бошлади, Уртақўрғонидан икки кунга келиб, секин кўнглимни овлаган бўлди: энди сизга сал-пал ором керак, дада, келинлардан умид йўқ, ўзлари билан ўзлари,

уларга бола-чақанинг ташвиши ҳам етиб ортади, мен узоқда — Уртақўрғонда бўлсам, ҳадеганда хабар ололмайман, бу ёғи Робия хола ҳам қариб қоляпти, энди бозор-ўчарга ярамайди ҳисоб, ҳарна, қозон-товоққа яраб турибди экан, шунисига шукр, бу ёқда Оллоёр бечоранинг аҳволига ачинаман, ойим уни эшак қилиб миниб олган, тепинсаям гўрга эди, лекин миқ этмайди, териси қалин, тўқими ундан ҳам қалин, айили маҳкам тортилган, синиқиб илжаяди, холос, оймнинг аҳволи бу, кулги бўлаётганини ўзи сезмайди, бадий раҳбар эмиш, олтмишдан ошган кампир бадий раҳбар бўлмаса ўладими!.. Қайси куни телевизорга чиқиб ўйнади, ашула айтишини сўрашувди, қайсидир йилнинг ашуласини, қирқинчими, қирқ бешинчи йилни, лекин ойм ашулани оғзаки эслаган бўлдию бирдан лапар бошлади, лапар бўлгандан кейин ёнида ўйини ҳам бўлади, бир қоп гўшт, экранда саланглаб юридики, ер ёрилмади — мен кириб кетмадим!.. «Бадий раҳбар»ни сал тийиб олсангиз бўлмайдими, дада? Уйда тинчгина ўтирсин, чойингизни дамлаб берсин, иштон-кўйлагингизни ювсин, ахир, қачонгача дув қизартириб келинларга кир берасиз? Нону сувдан зориқмас, жимгина ўтирсин-да, энди!..

Ўйлаб ҳайрон қоламан. Чамамда, Сокинанинг гапларидан сўнг андак қизардим-ов. Бўлмаса, уйда автомат машина бор, сувни ўзи олади, совунни ўзи солади, ўзи ювади, ўзи сиқади, ўзи қуритади — жоннинг ҳузури. Пахтамомиқ кўйлак-иштонларни дазмоллаш шарт ҳам эмас. Лекин ўшал аснода гўё келинларнинг кир пайпоғимни ушлаб, бурунгиналарини жийрганини кўргандай бўлдим. Ғазабим ошди, пешонамга иссиқ уриб, Даминовнинг телефонини тердим.

Икки кун ўтиб, буйруқ чиқарди: «Муҳсина Яхшибоева ўз аризасига кўра бадий раҳбарлик лавозимидан озод қилинсин...»

Даминовнинг Муҳсинага қандай ариза ёздириб олганига ҳалигача ақлим етмайди. Бир нарса аёнки, Муҳсина хоним икки ойдан бери гарангсиб юрибди. Икки ойдан бери исён қилади. Ун кундирки, касалхонага қочиб келдим. Булар ҳам касалимга ишонгандай бўлишди.

Муҳсина ҳеч балони билмайди. Қачон пайпоқларимни ювишини кутаман. Атай эскиларини ташлаб юбормайман. Елимхалтага солиб, кўзга кўринадиган жойга қўяман. Кўрмайди, кўришни истамайди. Ажабмаски, янаги келишида ўша халтани стол устига ташласам.

Ўйлаш бари бир завқли. Айниқса — кир пайпоқлар солинган елимхалтани ўйлаш. Кўнглимда недир шайтонлик бордай. Шайтонлик эмас, шайтоннинг ўзгинаси. Шайтон ҳам, худди қарғалар янглиғ, танимга маскан қурган. Кўриб, билиб, сезиб тургандайман...

II БОБ

Қиссанавис

Эҳтимолки, айна ёзувлар битилмаганида тузук бўларди. Лекин қоғозлар сони бирор эллик-олтмиш бетга бориб қолди — шу ҳолда ташлаб юборишга кўз қиймайди. Яхшибоевга меҳрим зўр, деб айтсам ёлғон бўлади. Нону наманки баҳам кўрган пайтларимиз йўқ эмас, лекин, росмана маънода дўст эдик, деб айтолмайман. Ёшимизда фарқ камдай — нари борса беш ёш. Илгари бу муддат жуда улкан туюларди, аммо йиллар ўтиб, улғайиб, мана энди қариб қолаётганимиз сайин... фарқ сезилмай кетди. Яхшибоев ўзини баландроқ тутиши бор гап; мен уни сизлайман, у эса гоҳ сизлайди, гоҳ сенсирайди — кайфиятига боғлиқ.

Гапнинг тўғриси, Яхшибоевни ёзиш мен учун жуда оғир. Гўё ўзимни ёзаётгандайман. Сабабки, сўнгги икки йил ичида Яхшибоев билан анча яқин бўлдик.

Адашмасам, бурноғи йилнинг охирлари эди. Ойини аниқ айтолмайман. Ишқилиб, кейинги уч ойнинг бирида, қайсидир байрам олдидан мажлисга йиғилдик. Пенсияга чиқиб, ташвишлар камайиб, уйда ўтириб қолган одамман. Бир кўча айланиб, таниш-билишларни кўриб, ўзимни ҳам кўрсатиб келай, деган ўй билан мажлисга бордим. Аксига олиб, ўша кунлари андак иссиғим ҳам бор эди. Грипп касофат ёмон ёпишди, беш-олти кун ваража қилди, кейин белга оғриқ берди. Оғриққа қарамай, бир қадоқ туя жунини белга белбоғ билан

танғиб, кенгмўлроқ пиджак кийиб, қадни долдан алифга ўтказмоқ умидида азобланиб, терлаб-пишиб, бурнимдан булоқ оқизиб, мажлис бўладиган бинога келдим. Мажлис тўртинчи қаватдаги залда эди. Ёш-яланглар келса, кўнгил етадиганроқ бировидан илтимос қиламан, зора тепагача суяб чиқса, деган умид билан эшикка тикиламан. Ёшлар ҳам келяпти, лекин, ҳали айтганимдай, созимиз тушадигани йўқ. Хуллас, бир муддат пастки қаватда, кийим ечиладиган жойда қолиб кетдим. Бирдан ўзимни ёлғиз ҳис этдим. Гўё ҳеч кимга керагим йўқдай. Бўлмаса, келаётган одамлар ҳол сўрашяпти, қўл беришяпти, бундай қараганда, боягидақа бемаъни хаёлларга бормоқлик гуноҳ, сал ўзимга келиб, қўй, Саидқул, инжиқликни бас қил, ҳали балодайсан, дея таскин бердим. Нафақахўр бўлганимдан бери ғалати бир касалга йўлиққанман — тортинчоқлик касали. Ҳеч ким мени четлатиб қўйгани йўқ, қайтага, аввалгидан ҳам кўпроқ сўрашади. Укаларим, дўстларим кўп, акамиз ёки дўстимиз хафа бўлмасин, деб, тез-тез кўнғироқ қилишади, мақола, ҳикоя заказ беришади. Баъзида бутунлай кераксиз нарсаларни ҳам буюртма қилаверишади. Худди шунисидан жўшёр тортанман. Сезаманки, азбаройи раҳмлари келганидан, азбаройи жонлари ачиганидан эслашяпти. Айниқса, дафтарларига адресим, омонат кассадаги ҳисобим битилгани ёдларидан чиқиб, боз кўнғироқ қилиб сўрашлари мени баттар эзади. Тўғри, пул ҳаммага керак. Айниқса — менга ўхшаган катта рўзғорли одамга. Вақтида йиғинмаган эканман, кейин бола-чақани ҳам эринмай кўпайтирибмиз — оғири энди елкага тушяпти. Йўқ, бу гапим бемаъни бўлди. Унта бўлса — ўрни бошқа, юзта бўлса — йўриғи. Мен болаларимдан розиман. Хотинимдан ҳам, буткул рўзғоримдан, умуман дунёдан, яшаб ўтган умримдан розиман. Дўстларимдан ҳам розиман. Мени унутиб қўймаганларидан, ёрдам қўлини чўзиб туришларидан... ҳамма-ҳаммасидан розиман. Лекин, барибир, боя айтганим — тортинчоқлик туйғусидан халос бўлолмайман. Иложи борича, бачкироқ ишлардан ўзимни олиб қочаман. Недир арзирли нарса ёзсам чиқса, гап-сўзга дош берса, зора қариган чоғимда бир замонлар беомон бой берилган вақтиннинг ҳам ҳиссасини чиқарсам, юзим ёруғ бўлса, деб ўйлайман. Лекин ўйлаганларим ҳар доим ҳам амалга ошавермайди, боиси — куч-ғайратнинг сусайгани, турли хасталиклар, болалару невараларнинг ташвишлари.

Кексалик қурсин, бурноғи йилги мажлисдан гап очиб, бола-чақа ташвишига ўтиб кетибман. Ёдингизда бўлса, мен фақир, маҳобатли бир бинонинг пастки қаватида, кийим ечиладиган жойда, бурнимдан булоқ очиб, совуқ терга ботиб турган эдим.

Бир маҳал, кимдир келиб тирсагимдан тутди. Қарасам — Назар Яхшибоев, новча, бақувват, юзидан нур ёғилиб, кўзлари кулиб турибди. Рости, сал шошиб қолдим. Гарчи кўп йиллардан бери таниш бўлсак-да, ҳанузгача ундан ҳайиқиброқ турардим. Чамаси, мендаги бу туйғу ўшал эски замонлардан, Ўртақўрғонда ўқиб юрган пайтларимиздан — Назар Яхшибоев дорилфунун студенти, мен ўзим муаллимлар тайёрлайдиган курсда чаласавод тингловчи бўлиб юрган пайтларимиздан қолган эди. Ҳозир ҳам шошиб қолдим, Назар аканинг қўлларини маҳкам қисдим. Назар ака ўзини эски қадрдонлардай тутди, меҳрибон бир оҳангда, ҳатто «сиз»лаб сўради:

— Сал синиқибсиз, Саиджон? Уйда биқиниб ётгунча, мундоқ сафарларга чиқсангиз бўлмайдимиз? Эртага Ўртақўрғон кетяпман, балки ҳамроҳ бўларсиз?

— Тумовгарчилик, — дедим. — Шамоллаб қолибман.

— Касал бўлмаслик керак, — деди Яхшибоев. — Сизу бизнинг касал бўлишга ҳаққимиз йўқ. Бўлмаса, манави ёшлар биздан ўзиб кетишади! Нима дедингиз, Чоршанби ўғлим?

Яхшибоев шарақлаб кулди, сўнг ёнидаги ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги қоратўри йигитга қаради. Йигит ийманиброқ кулди.

— Таниб қўйинг, Саиджон, — деди Яхшибоев, сўнг йигитнинг тирсагидан тутиб, менга рўпара қилди. — Чоршанбижон — менинг энг яхши шоғирдларимдан. Очерка ёзади. Насиб этса, биргалашиб, Союзга ҳам киритиб қўямиз.

— Домлани яхши таниймиз, — деди йигит боягидай ийманиб, сўнг менга қўлини чўзди. — Одилбек, — деди «бек»ка алоҳида урғу бериб. — Одилбек Жумаев.

Шу аснода мажлисга қўнғироқ чалиндию Яхшибоев қўлимдан олиб, тепага судради. Уят ўлимдан қаттиқ, у билан баробар юраман деб, то тўртинчи қаватга чиққунча тандан мадорим кетиб, ҳансираб қолдим. Яхшибоев мендан ёши улуғ бўлса-да, балодай экан — лоақал пишнаганини ҳам сезмадим. Эшик оғзида рўйхатга олаётган қизларга юзландик. Ҳисобдан ўтиб, энди залга қараб юрган ҳам эдикки, нақ пешонамизда сураткашларнинг чироғи икки марта ярқ этди. Кўзларим қамашиб, бир муддат жойимда тек қотдим. Ичкари кирганим-да, Яхшибоев аллақачон қўлма-қўл бўлиб, тўрга ўтиб кетган эди.

Бўлган гап шу. Мажлис тафсилотларини айтиб ўтирмайман.

Икки ойча вақт ўтиб, почтачи келтирган янги журнални варақлаб ўтириб, ўртароқдаги рангли саҳифалардан бирида ғаройиб суратга кўзим тушди. Суратда ўша мажлис залига кираётган пайтимизни кўрдим: Яхшибоев билан иккимиз неларнидир гаплашиб турибмиз. Яхшибоевнинг қадди мендан тикроқ эмасми, салгина эгилиб, гапини маъқуллатаётгандай чиқибди. Пастроқда қисқагина бир ёзув: «ДЎСТЛАР СУҲБАТИ». Кейинчалик бу сурат Яхшибоевнинг «Сайланма»сига ҳам кирди. Яна ўша ёзуви билан — «Дўстлар суҳбати». Муҳаррир йигит шогирдларимиздан эди. Оти — Сайфиддин. Шуни сал олдинроқ билсам, эҳтимолки, суратни олиб қол, деб илтимос қилган бўлардим. Лекин на чора — ғофил қолибман. Бир куни кўчада учратсам, ҳалиги шогирдим совуқроқ сўрашди. Тил қурсин, нуқул, шогирдим, деётган эканман. Укам, укахоним, деб айтсам тузукроқ бўларкан. Хуллас, кўнгилга яқин укамиз мендан хафароқ кўринди. Ичга ютиб кетадиган одатим йўқ, дарров боисини сўрадим. Укамиз ҳалиги суратни эслатди. Сизга ярашмайди, Саид ака, Яхшибоевга суйкалманг, сизга панд беради, катта охурдан ем еб ўрганган одам, ажабмаски, қулай келган онда сизни оёғига патак қилиб кетса, деди. Тўғриси, жаҳлим чиқди. Ўзларидан сўрасак, Сайфиддинжон, деб ачитдим, Яхшибоевни бунчалар иқингиз суймас экан, нега «Сайланма»сига муҳаррир бўлдингиз? Шунда укамиз аччиқ кулди, кейин бирдан маънос тортди. Айтдики, э, Саид ака, ихтиёр ўзимда бўлса эди, Кўйқофда дев бўлардим!..

Хуллас, яна орадан гап қочди. Бир-биримиздан ранжиброқ хайрлашдик. Укамизнинг оғриниброқ кетаётгани юрагимни қабартди. Ёшимга ярашмаса ҳам, югуриб бориб билагидан тутдим. Йўқ, дедим, бу кетишингиз менга ёқмайди, қайтинг, бирор чойхонага кирайлик, бир пиёладан чой ичиб, бутун гинаю кудуратни ёзайлик. Укамиз овозимдаги ялинчоқликни сездими, бирдан хижолат чекди. Кўнгли бузилди, деб айтсам ёлғон бўлар, лекин юмшади, йиди, кўзимга қараб туриб узр сўради. Бошқа бир сафар, Саид ака, деди, борадиган зарур жойим бор, ҳеч қийиб бўлмайдиган. Тағин Назар аканинг ёнига бормаяпсизми, деб ҳазиллашган бўлдим. Укамиз кулиб туриб айтди: йўқ, Саид ака, ундан ҳам зарурроқ, аёл киши, биласиз, биз ҳали сўққабошмиз, энди рўзгорнинг ташвишини қилмасак бўлмайди, олтмишга кирганда бешиктўйи қилиш уят бўлар... Бўлмаса, уйга ўтинг, укажон, дедим, битта қўлбола ош қиламиз, кейин биттагина шиша, секин майдалаб ўтирамай.

Хуллас, қайтадан ярашдик. Кўнглим анча чароғон бўлди. Бозорга элтадиган троллейбусга ўтирдим, бозорга етиб, ундан шаҳар четига чиқадиган автобусга ўтдим.

Уйимиз марказдан анча олис. Роса бир соат юриш керак. Йигирма йилча олдин, шаҳардаги икки хонали квартирада қийналиброқ яшар эдик. Марҳум устозларимиздан бири аралашиб, шаҳар четидан, айни колхозга туташ жойдан ўн сўтих ер гаплашиб берди. Ёру дўстлар билан ҳашарлашиб, бинойидай маскан қуриб олдим. Боғимиз ҳам бор. Олим ошналаримиз серҳосил мева навларидан экиб беришган. Баски, мева-чевадан камчилик йўқ. Йил бўйи оғзимиз тегиб туради. Мева кўпроқ урчиган йиллари, болалар бир-икки яшигини бозорга ҳам элтишади. Катта рўзгор, ҳарна, бирига бўлмаса, яна бир йиртиғига ямоқ қиламиз. Меҳнати уят бўлмагандан кейин, меваси уят бўларканми...

Сайфиддин укамизни кўп кутдим. Лекин келмади, бирор ойча ўтиб, телефонда узр сўради — шунисига ҳам хурсанд бўлдим. Албатта ўтаман, оғайнилардан бир-иккисини олиб ўтаман, суҳбатингизни оламиз, деб ваъда берди. Ҳатто келадиган кунини ҳам атади. Уша куни уйдагиларга ош буюрдим, боғдан чиққанини ҳам дастурхонга жамлаб, меҳмон келарига шай бўлиб турдик.

Кўнглимда ғалати бир илинж ҳам бордай. Гап шундаки, камина ёшларнинг суҳбатини хуш кўраман, уларни тергаб, сал-пал шўхликларига томоқ қириб ёки қовоқ уйиб турадиган одатим йўқ. Уларнинг гап-гаштагига қўшилиб, ўзим ҳам яшариб кетгандай бўламан.

Шартлашилган шанба куни кўчада машина сигнали эшитилди. Уғилларга тайинлаб қўйган эдим, бориб дарвозани ланг очишди. Сутранг «Волга» бостирмага оҳиста сузиб кирдию эшиги очилиб, мен кутган одамлар эмас, Назар Яхшибоев тушди. Шошиб қолдим. Яхшибоевни кутмаганимдан эмас, ёш-ялангларни кутганимдан шошдим. Уларнинг Назар акага меҳри ин қадар, ишқилиб, қиличлар тиглашиб, кейин маломатга қолмайин-да, деб чўчидим. Лекин, начора, меҳмон — отангдан улуғ, юзимга андак хуррамлик суртиб, Яхшибоевнинг истиқболига шошилдим.

Назар ака икки-уч қадам ташлади, шу аснода қўлларини ёзиб қучоқ очдики, ноилож бориб, бу улкан, бу забардаст одамнинг пинжига сўқилдим. Ичимда, худо урди, бу девнинг олдида мен бечора пашшадай бўп қолдим, ишқилиб, хотин кўрмасин-да, деб ўйладим. Хайрият, хотин кўрмади. Уғиллар қизиқсиниб қараб тургандай туюлди. Кейин кўрсам, йўқ, улар бизга эмас, дарвозахонага кирган яп-янги машинага маҳлиё бўлишган экан. Машинанинг иккинчи эшиги ҳам очилиб, рулда ўтирган хушмўйлов, соқолини калта кузаган йигит ҳам тушиб келди.

— Саидкул, таниб олинг, болаларга танитинг, то қиёмат ошно тутинишин, мана бу — бизнинг ўғил, фарзандларнинг сарварию аввали — Аввалбек бўлади,— деб, ўғлининг елкасидан тутиб, менга қарата итарди. Йигит бир чайқалиб, бақамти келди-да, қўлини узатди.

— «Гармсел»ни сиз ёзгансиз-а?— деб сўради.— Я читал... ничего книга...

— Мен ёзганман,— дедим, ўзим ҳам унутиб юбораёзган китобимни эслаб. Сездимки, ота-бола йўлда ўша китоб ҳақида гаплашиб келишган. Чамаси, Назар ака бундан ўттиз йил бурун ёзган китобимни ўқиган-у, кейинроқ ёзганларимни билмайди, ўзича, ўша эски китобнинг номиеъ ўғли қиладиган лутф учун етарли, деб хаёл қилган. Уғилнинг эса, менинг бирорта сатримни ҳам ўқигани даргумон. Лекин — майли, лутф учун раҳмат, риёзат чекиб, ўттиз йил олдинги заифгина асаримнинг номини ёдлаб олибдими, отасига раҳмат.

Меҳмонларни маҳтал қилиб қўйганим эсга тушиб, уй тарафга сал ҳаллослаб йўл бошлаган ҳам эдимки, Яхшибоев секин энгимдан тутиб тўхтатди.

— Шошманг, Саидкул,— деди.— Огоҳ этмасдан бостириб келавердик, кўрпача солингунча боғингизни томоша қилайлик.

Яхшибоевнинг гапини рад этолмадим. Қолаверса, ёмон бир қусурим бор, боғимни кўрсатиб мақтангим келади. Ҳарна, олим дўстларим ўзлари танлаб, ўтқазиб, пайванд қилиб берган эрсалар-да, дарахтларнинг тагини чопиш, сийраклатиш, буташ, таналарини оҳаклаш каби юмушлар ўзимнинг бўйнимда. Дарахт тагидаги пушталар ҳам жуда пухта, китоб орқали бўлса-да, деҳқончиликдан салгина хабаримиз бор.

Боғ хазонрезга юз тутган, жуда кўримли эди. Тепадаги япроқлар тилло рангида, пастга тушганлари қорайиб хира тортган, андак парокандалик, андак маъюслик, хуллас, томоша қиладиган бир ҳолда эди.

Шаҳарда мевали боғлар камроқ қолди. Шуниси сабабми, марказда яшайдиган ёр-биродарлар бизнинг маҳаллага ўтишса бас, дов-дарахтларимизни мақташга тушадилар. Мен, Яхшибоевнинг ҳам тузуккина ҳовлиси бор, деб эшитганман, лекин ўзим кўрганим йўқ. Индамайроқ боғ айланганини кўриб, ўзимча, бизники ёқмади-ёв, деб ўйладим. Кейин қарасам, Яхшибоев ғамгин тортибди. Нуқул тепага, офтобда ёнаётган япроқларга тикилади, дарахтларнинг танасини силайди, силкитиб кўради, силкитганида япроқлар ерга дув-дув тўкилади...

— Яхши,— деди бир маҳал, менга юзини буриб.— Яхши, Саидкул.

— Баҳоли қудрат,— дедим мен.— Энди, сизчалик боғбон бўлмасак кераг-ов.

— Э, менинг боғбонлигимни сўраманг, Саидкул,— деди Яхшибоев.— Бизда боғ йўқ. Бир-икки туп акасимиз бор, қолгани — гулзор. Мен сизга айтсам, биргина армоним бор... мана бу ерда...— Яхшибоев чап кўксига бар-

моқ нуқиди.— Армонки, уйқу бермайди. Булдуруқда бир боғ қиламан, деб эдим...

— Э, беармон одам бўларканми, Назар ака,— дея таскин берган бўлдим.— Айтишларича, худоям Одам Атони тўқисроқ яратолмаганидан армонда экан.

Очиғи, Яхшибоевнинг нолиш қилаётгани менга ёқмади. Ёқмади, десам ҳам мавҳумроқ бўларкан, аниқроғи — нолиши рост эканига ишонмадим. Кейин хаёлим бошқа ёққа кетди, Назар Яхшибоевдай сернуфуз одам, мендек фақирнинг ёнига не хизмат билан келдийкин, деб ўйладим.

— Саидқул,— деди у бирпас ўтиб.— Хўп десангиз, битта маслаҳатли иш бор.

— Кўлимдан келармикан...

— Э, ука, сиздан дунё сўрармидим,— деб кулди Яхшибоев.— Боя айтган дардим-да. Агар хўп десангиз, сизни баҳорда Булдуруққа оборардим. Бир парча ерни чегириб олиб, кейин боғ қилардик. Узим экаман, лекин сиз маслаҳат бериб турасиз.

— Майли,— дедим.— Яхши ишнинг эрта-кечи бўлмайди.

— Юпатманг,— деди Яхшибоев.— Энди кеч, Саидқул. Лекин кеч бўлсаям майли, ҳар нечук; юрагимнинг тафти босилади-ку!.. Иккита ўғлим бор, Саидқул, сўқимдай боқилган, шуларни обориб... бир терлатайлик!..

— Хўп, Назар ака. Қани, уйга кирайлик, бир пиёла чойимиз бор.

— Қандай бўларкин? Сизни огоҳ этмай келавердик, балким бирор ишга чоғланиб турган пайтингиз бўлса... ижоднинг белига тепмаймизми?

Уйга ўтдик. Яхшибоевнинг ўғли бизнинг ўғиллар билан қолди. Отасининг истаги шу бўлди. Мен ҳам ортиқча қистаб ўтирмадим, балки Яхшибоевнинг хос гапи бўлса, ёшларнинг ёнида тилига тушов тушиб ўтирмасин, деб ўйладим.

Яхшибоев столдаги ноз-неъматлардан озгина татинган бўлди. Бир-икки пиёла иссиқ чой ичди. Машқи пастроқ эди. Кўнгли учун, бир ҳафта бурун чиққан очеркни эслатган бўлдим. Сездимки, лутфим унча ёқмади.

— Э, у очеркани ўзим ёзмаганман,— дея қўл силтади.— Шотирларим бор, йўлини айтиб турганман, қолганини ўзлари юмалоқ-ёстиқ қилишган. Ҳов бирда танитиб эдим-ку, Чоршанби ўғлимиз...

— Жумаев,— деб унинг гапини тузатган бўлдим.— Одилбек Жумаев.

— Бари бир эмасми, Саидқул!— деди Яхшибоев.— Унақалар сон мингта. Аввал Чоршанби эди, энди — Жума... Лекин аслида улар... ҳаммаси — Чоршанби!.. Ҳаммаси — елим, гўё сен ҳўкизу улар — кана, ҳаммаёғинга ёпишиб олишади. Мен шогирдларимни унча хуш кўрмайман, Саидқул. Қайтага, сизнинг шогирдларингиз тузук, бариси чўрткесар йигитлар, хушомад нималигини билишмайди.

Яхшибоев шунчаки, йўлига гапирган бўлса бордир, лекин кейинги сўзлари, ўлай агар, менга хуш келди. Аввалроқ айтганимдай, уларни шогирд деб аташга ҳаддим сиғмайди, лекин маслаҳат сўраб келишганида рост гапимни аяганим йўқ, озгина бўлса-да нафим теккан, журналда ишлаган пайтларим бировининг шеърини бостирганман, бировининг — ҳикоясини, албатта, арзийдиган нарсасини бостирганман. Хуллас, ака-укачилигимиз яхши. Муҳими — улар мендан чўчишмайди, бор гапни очиқ айтишади, демакки, ўртамизда ёлғон йўқ, беҳуда такаббурлик йўқ, керилишу эшилишлар йўқ. Булар бари ою офтобдай ойдин гаплар, лекин шуларни Яхшибоевнинг ҳам ўйлагани мени бир оз таажжубга солди. Кейин ўзи имзолаган очеркдан воз кечгани ҳам ғалатиноқ туюлди. Очерк жудаям унчалик ёмон эмасди. Ижикилаб айтадиган бўлсак, янги машиналар ҳақида, эски машиналарини ҳали-ҳанузгача мақбат юрган мансабдор машинасозлару янгиларини ўтказолмай қийналаётган жабрдийда машинасозлар ҳақида эди. Қолаверса, очеркнинг тагида Яхшибоевнинг имзоси тургани ҳам фойдадан холи эмасди. Яхшибоев на фақат мавзу учун, балки газета учун ҳам тузуккина қалқон бўларди. Сабабки, Яхшибоевни ҳамма танийди; Яхшибоевни ҳамма катталар ҳурмат қилади, ажабмаски, очерк баҳона, бир жойда қотиб қолган иш секин олға силжиса, дори-пори деган нарсалар камроқ ишлатилса, бинобарин, пахтакорларга, борингки, бутун халққа нафи тегса.

Яхшибоев чой устида шкафлардаги китобларга кўз ташлаб ўтирди. Шўрим қуриб, ўзимнинг ҳам китобларим жавонга терилган экан. Атай ўрнидан

туриб, бир-иккитасини варақлаган бўлди, вазнини салмоқлаб кўрди, чет тилларда чиққанларига дуч келиб, хиёл ҳайратланди.

— Айтмайсиз-а, Саидқул,— дея таъна қилди.— Катта воқеа-ку бу?

Индамадим. Нимаям дердим, воқеами, йўқми, ҳар қалай, ўзга элда чоп этилгани рост, лекин бирор сўз айтсам — мақтанчоқликка ўхшаб кетади.

— Катта юбилейга қанча қолди?— деб сўради Яхшибоев, китобларни жойига қўйиб.

— Ҳали кўп. Шошмасак ҳам бўлаверади.

— Тўғри қиласиз. Юбилей дегани, мана, биздақа қари-қартангларнинг иши.

— Йўғ-э, қари-қартанг бўлиб қаёққа борибсиз! Кўринишингиз зўр.

— Албатта зўр!— деди Яхшибоев мамнун бўлиб, сўнг курсида қаддини ростлаброк ўтирди.— Аммо, тўғрисини айтсам, сиздек бир меҳнаткаш адибнинг қадрингизга етмадик, Саидқул. Менга қолса, тириклингингиздаёқ ҳайкал қўярдим сизга. Эҳ, билмайсиз-да!.. Улгудай камтарсиз. Сўзингиз ҳам камтар. Камтарлиги боис, сўзингизга одамлар ишонади. Яқинда бир бемаъни иш бўлди: мен фақирни биттаси китоб қилиб ёзди. Биласиз, Собит деган чала академик бор.

— Собитовми?— деб сўрадим.

— Йўқ, Собит,— дея такрорлади Яхшибоев ўжарлик билан.— Ўша ёзди. Китобидан бир нусхасини олиб келди. «Портрет» дейиларкан. Жуда қалин китоб, нақ йигирма тобоқ келади! Лекин турган-битгани уйдирма, ёлғон-яшиқ гаплар. Мени нуқул мақтаган. Нима кераги бор бунинг, Саидқул? Мен унинг мақтовига зорманми? Шу гапларни ўзигаёқ айтдим. Бўлмайти, ҳой Собит ука, дедим, умуман, сенга ёзиш ярашмайди. Сен ўша ярим академик эканингдан қолма, мўмайгина пулни олиб ётаверганинг маъқул, дедим. Ёмон хафа бўлди: Билмадим, энди юз кўришмасак кераг-ов. Рост-да, Саидқул. Нега келиб-келиб ўша мени ёзади? Заказ қилинган экан! Нега мендан сўрамай заказ қилишади? Шу билан яхши кўринамиз, деб ўйлашадими? Йўқ, хато қилишибди. Яхшибоев кимни яхши кўришини ўзи билади. Шу гапларни очиқ айтдим. Энди менинг номимни тилга ола кўрма, Собит, дедим, хушомадингга зор эмасман, менга қолса, сен ёзган қалин китобдан кўра, Саидқул Мардонга ўхшаган ростгўй ҳам-касбаларимнинг ёзадиган кичкина мақоласи минг бора афзалроқ, дедим!..

Яхшибоев гапиряпти-ю, мен ўзимча фикр қилиб ўтирибман: нима бало, акамиз мақтов истаб келганми? Ўша мухбир-аъзо билан оралари жуда қалин эди. Мухбир-аъзо маънилироқ гап айтолмаса ҳам, лекин мақтовни роса келиштиради. Мақтови одамга хуш ёқади. Ўзимдан қиёски, бирор ўн йил олдин, у ҳали мухбир-аъзо бўлмай туриб, жўнгина профессор бўлиб юрган пайтида камина ҳақида ҳам икки оғиз лутф қилган эди. Лутфи менга ёққан, ҳатто ўзини кўчада учратиб раҳмат айтганман. Кўзимга жуда иссиқ кўринган, гўё ундан зукко одам йўқдай, биргина у мен фақирнинг шунча йиллик меҳнатимни туншунгандай.

Яхшибоев мухбир-аъзодан ростокамига норозидай кўринди. Норозилиги ҳам майли, лекин бошқа нарса — менинг ёзишимдан умидворлиги ёмон. Ҳам-касбларни мақтаб ёзган кезларим бўлган, аммо ўзимга ёққан асарларини мақтаганман. Ёзганда ҳам, фалончини мақтаяпман, деган ўйим бўлмаган. Жўнгина қилиб, ўзим ўйлаган нарсаларни ёзганман. Сал-пал хато қилган бўлишим мумкин. Ҳар ҳолда, кимки ким ҳақида ёзмасин, ўша одамнинг ўзига ўхшашини хоҳлайди, бошқача айтганда, ўз аршини билан ўлчади.

Яхшибоевнинг сўзи ҳеч тугай демасди. Мавзу ўша-ўша — «чала академик»-ни чандишу менга тан бериш. Эшитмай десам, афсуски, кар эмасман. Энг ёмони — аввал эриш туюлган ширин сўзлар энди мойдай ёқиб боряпти. Қўй, Саидқул, гуноҳга ботма деб ўйладиму меҳмоннинг гапини бўлдим:

— Жоним билан ёзардим-у, Назар ака, лекин ҳозир вақтим йўқроқ.

Яхшибоев бирдан ўзгарди, юзига кулги югурди, дўстона таънаю дашномларни қалаштириб ташлади:

— Тарбия кўрмагансиз-да, Саидқул!— деди у.— Ахир, мезбон ҳам шунақа бўладими! Хўп деб туринг, кейингисига худо пошшо. Ахир, Насриддиндан қолган гап бор-ку: муҳлат етгунча ё мен ўламани, ё шаҳаншоҳ ўлади ва ё — эшак!..

— Ёлғон ваъда бергим келмайди-да, Назар ака.

— Э, шунгаям ота гўрими? Касбингиз нелигини эсдан чиқардингизми, Саидқул? Ахир, бир умр ёлғон-яшиқни тўқиб-бичиб яшаяпмиз-ку!

— Йўғ-э, Назар ака, бундай деманг. Ухшатиб ёзолмасак ҳам, ҳар тугул, ростини гапирамиз-ку?

— Сиз ўзингизни айтяпсиз, Саидқул,— деб кулди Яхшибоев.— Менда ҳаммаси аралаш. Ростиям бор, ёлғониям бор.

Шундай дедию кўзларимга тик қараб тураверди. Тўғриси, дош беролмадим. Ичимда унга ҳавас қилдим. Девдай бир одам, овози гулдуракдай, ўйлаганини шарт-шарт айтаверади. Чўчиш деган гап йўқ. Қизиғи шуки, ўзининг қурсурларини ҳам яширмайди. Недир бир ишончи борки, айтган қурсурлари ўзига юқавермайди.

— Соддасиз, Саидқул,— дея гапини давом эттирди Яхшибоев,— наҳотки сиз, туппа-тузук одам, мени шунча йўлдан икки оғиз мадҳия ёзишни сўраб келди, деб ўйласангиз? Мадҳия ёзишга бошқа киши қуриб кетганми? Тагин хафа бўлманг-у, сиз бунақа ишларга ярамайсиз — услубингиз тўғри келмайди. Сизнинг услубингиз — босиқ услуб, мадҳиябўп эмас, завқу шавқдан бўғилишга, оғиздан кўпик сочишга имкон бермайди.

— Тушунолмай қолдим, Назар ака, бу нима қилганингиз — мақтаяпсизми ёки ерга уряпсизми?

— Мақтаяпман, Саидқул. Кейин айтмоқчиманки, сиз мени анча жўн тушунаркансиз. Тушунчангиз жўн эмас, йўқ, сиз хийла зукко одамсиз, лекин менинг ўзимни жўн деб ўйлаганингиз ёмон.

— Ҳали бу гапни айтмадим чоғи?

— Айтиш шарт эмас. Аммо мен шуни эшитгандай бўлдим. Одамзод бир куйки, талқини минг хил. Эҳтимол, мен талқинда янглишгандирман. Лекин ҳар кимнинг кўлидан келгани-да... «Муножот»ни ноғорада чалган одамларни ҳам кўрганмиз. Майли, ихтиёр сизда, ўйлангки, майли, мен бечора ноғорачи бўлай...

— Мақсад?— дедим, ортиқ сабрим чидамай.— Мен мақсадингизни билсам дейман.

— Мақсадим шуки, сиз мени мақтаб ёзмайсиз,— деб илжайди Яхшибоев.

— Ёзмоқчи ҳам эмасман,— дедим баттар асабийлашиб.— Хўш, кейинчи?

— Мезбонсиз-а, Саидқул,— деди Яхшибоев.— Меҳмоннинг кўнглиниям ўйланг.

Жилмайишга, орани сал-пал юмшатишга уриндим, лекин иложини тополмадим — лаб-лунжим осилиб кетаверди. Ахийри, чойни баҳона қилиб ташқарига чиқдим. Янги чой дамлаб, панароқ жойга бекитилган бир шиша коньякни тўн тагидан қўлтиққа қисиб, анча босилиб, тиниқиб, юзимга кулги югуртириб қайтдим; бориб турган театр бўлди — ичимда ўзимдан ранжидим. Лекин менга айни мурса жуда-жуда зарур эди. Ҳали-замон яна меҳмон келиши керак, кейин кечқурунга мўлжаллаб қўйган озгина ёзув-чизувим бор, асаб бузилмаса, руҳ булғанмаса дейман. Йўқса, ёзганларимда зардоб кўпайиброқ кетади. Мен энди кексайиб қолдим, энди дунёни ёруғроқ, тўқисроқ кўргим келади. Қаҳримни қўзғайдиган нарсалар бўлиши табиий бир ҳол, лекин ўшалар тўғрисида ҳам кўнгилни равшан тутиб, умидга уфқни кенгроқ қолдириб гапиргим келади.

Сўхбатнинг давомидан маълум бўлдики, Яхшибоев кўрслигимдан кўпда ранжимабди. Э, парво қилманг, деган қабилда сўз қотди, мен ўзим ҳам асалу бол эмасман, юмшоқ супурги бўлишдан худо асрасин.

Тўн тагидан ҳалиги шишани чиқарганимда, юзида хижолатга ўхшаш бир нима пайдо бўлди, кейин бир ютинди, атай ютинди, атай кафтларини бир-бирига ишқалаб, хушҳоллик билан сўзланди:

— Ёшимни аямайсизми, Саидқул?

— Ҳолга қараб оласиз, Назар ака.

Шишани очиб, шкафдан кичкина қадаҳ олиб, озгинадан қўйдим. Яхшибоев ўзининг қадаҳини бўш пиёлага ағдарди:

— Хафа бўлмайсиз, Саидқул, менинг битта оладиган одатим бор,— деди-да, пиёлани олдимга сурди.— Силароқ қилиб қуйинг энди.

Айтганидай, силароқ қилиб қўйдим — ичимлик пиёланинг чизигига етди. Яхшибоевга «бўладими?» деб қарадим, у эса, шўх кулиб:

— Қўлингиз қалтирамасин, — деди. — Дадилроқ қўйинг.

— Шопиёла опкелайми? — деб ҳазиллашдим.

— Йўғ-э, — деди. — Бир марта олганга яраша, тузукроқ қилиб олиш керак-да. Энди ўзингизгаям...

Қадаҳ билан пиёлани тўқиштирдик. Жаранги тузукроқ эшитилмади. Яхшибоев тагин кулди:

— Бизнинг пиёла айбдор, — деди. — Қорни тўқ одам қачон ашулани яхши айтган?

Шундай дедию пиёлани бир ҳимо билан бўшатди. Йўғон кекирдаги бор-йўғи бир марта қимирлаб қўйганини кўриб, ўзимча, урвоқ ҳам бўлмади-ёв, деб ўйладим. Газагига ликобчадаги конфетдан тутдим.

— Биз деҳқон одаммиз, Саидқул, — деди у. — Сиз у — аёллар билан кўп гаплашиб, оз танавул қилиб, кейин газагига қанд сўрадиган. Бизга мана... қазикартаям бўлаверади.

Шижани яна қўлга олган эдим, у томчи ҳам қўйдирмади.

— Бўлди, Саидқул. Ҳали борадиган жойимиз кўп. Лекин, мен сизга айтсам... Одатда, озгина ичган одам шундай гап бошларди шекилли, нима дедингиз?

— Тўппа-тўғри. Айтаверинг, Назар ака.

— Мен сизга айтсам, Саидқул, бояги гапингиздан андак оғриндим. Сизнинг мақтовингизга зор эмасман. Мақтайдиганларим кўп. Собитни сўқдим-у, лекин аслида ўшанақалар ҳам керак. Турган гапки, унга қўйган тошимни сизга қўймайман. Айтмоқчи бўлган гапим асли шу эди. Лекин сиз сал ғайрироқ тушундингиз. Шунисидан оғриндим.

— Унда маъзур тутасиз, Назар ака.

— Эшилманг, Саидқул, ярашмайди, — деди Яхшибоев жиддий тортиб. — Бу гапларнинг барисини қўшиб-чатсангиз, ғоз патича ғози бўлмайди. Энди мақсадга ўтайлик... Бу ёғи умримиз оз қоляпти. Сиз сал ёшроқсиз, сизда озмунча умидворлик бўлса бордир. Мен ўзимдан қиёс қилиб гапиряпман. Қариган чоғида одам кўрқоқ бўлиб қоларкан, ҳарна, ўзинг билган одамларнинг ҳар бири ғанимат, дардингни айтсанг, чайқалган чоғинг суянсанг... Сиз билан шунча йил ёнма-ён юрдик, лекин дўст бўлолмадик. Мен дўстлик тилаб келмадим, Саидқул. Уйлаб қарасам, не-не табаррук зотлар ўтиб кетибди. Умрлари қисқа экан, бўлмаса, ораларида биз қаторилари ҳам кўп эди. Улар кетдию энди бизга ўхшаганлар сафнинг олди роғига чиқиб қолдик. Бунга маънан ҳаққимиз борми, йўқми — ўзига аён. Маслаҳат шуки, бундан бу ёғига, бешкунлик умримизнинг борида, ҳар биримиз бир бутанинг тағида, айрию ғайри бўлиб юрмасак. Узаро бақамтироқ келсак, ёшларга бошу қош бўлсак. Бизлар иззатда, улар хизматда, аҳилу иноқ бўлиб яшасак. Нима дедингиз?

— Яхши ўйлабсиз, Назар ака.

— Балли, Саидқул, — деди Яхшибоев хурсанд бўлиб. — Асли кўнглим сезувди, сиз билан тил топишса бўлади. Яна бир-икки биродарлар бор, улар ҳам қўшилса, кўпчилик бўлиб, ишимизда туб ўзгаришлар қилсак. Лекин илтимосим шу билангина тугамайди. Яна бир тадорик бор. Агар кўнглингиз бўлса, икковлашиб, би-ир юрт айлансак. Бу ерда димиқиб ётмасдан, очиқ ҳавога ҳам чиқинг. Ажойиб одамлар билан таништираман. Кейин бу саёҳатдан ғаразим шуки, бизнинг юртга ўтганда бир парча ерни чегириб оламиз, шунга ўз қўлингиз билан тўрт-бешта кўчат ўтқазиб берасиз. Атай ирим билан келдим, ҳар қалай боғ дегани табаррук нарса, ўзингиз бошлаб берасиз, чунки сизнинг қўлингиз тоза...

Яхшибоевнинг нимага шаъма қилаётганини кўпда тушунмадим. Лекин илтимосидан бошим кўкка етди. Умуман, қалам аҳлининг андак баландпарвозлиги, андак йиғлоқилиги бор. Боғ ҳақидаги гапини эшитиб, бирдан маъюсланиб қолдим. Етимлигим эсга тушди. Ўша пайтларда, уйсиз-жойсиз, бирор раҳнамосиз юрган кезларимда орзу қилардимки, токи менинг ҳам бир бошпанам бўлса, токи менинг ҳам оилам бўлса, бола-чақа кўрсам, боғ қилсам!.. Ният холис экан, мана, озми-кўпми, ўша ўйларимнинг самарасини кўриб

турибман. Назар ака етим ўсмаган, бағри бут одам, лекин шундай бўлса-да, негадир унга раҳмим келди. Сездимки, унинг ҳам кўнглида ёруғ мақсадлари кўп бўлган, у ҳам ў з и н и н г боғини ўйлаган, ўшани ўйлаб, умрини буткул ўтказиб юборишига бир баҳя қолганида, мана, бугун... сал кечроқ бўлса-да, дилга тугиб келибди, келиб мендан ёрдам сўраяпти. Хўш, нега гапини қайтаришим керак? Майли, унинг ҳам армони ушалсин, балки у ҳам дарахтлари гуллаб ҳосил қилганини кўрар, мевасига тиши тегар, ўзининг тиши тегмаса, ана, ўғиллари бор, неваралари бор, ўшаларнинг кўрмоғини ўйламоқ ҳам ўзи бир саодат эмасми!

Хуллас, аввал унчалик хушламай турган одам, бирдан ўзгардим-қолдим. Эски қадрдонлардай иссиқ хайрлашдик. Кета туриб, яна икки оғиз ширин сўз айтди. Жўяли айтди, тишга тегмайдиган қилиб айтди.

Уйга қайтиб кирдим. Болалар бир зумда дастурхонни янгилашди. Яна укаларимизни кута бошладим. Лекин шом тушди ҳамки, улардан дарак бўлмади. Ҳай майли, ёшларнинг мендан бошқа ташвишлари ҳам кўп, бирор зарур ишлари чиқиб қолгандир-да, дея ўзимга юпанч бердим.

Яхшибоевга қўшилиб ичган бир қадахим таъсир қилди чоғи, кечаси алламаҳалгача ухлай олмадим. Умуман, сўнгги пайтларда қушуйқу бўлиб қолганман. Асли бунинг ҳам чораси бор: кундузи босиброқ ишласам бас, тунда тарракдай қотадам. Лекин бугун иш бўлмади ҳисоб, эрта туриб бир ярим саҳифа қораладим, кейин Яхшибоев келди, кейин боя айтганим биргина қадах... хуллас, уйқу қочдию хаёлларим чувалашиб кетаверди.

Бир чеккаси Яхшибоевга ҳам бориб туташди. Ёшлигимни, Ўртақўрғондаги муаллимлар курсида ўқиганларимни эслаб кетдим. У пайтлар ёзувчиликни хаёл ҳам қилганим йўқ. Ёзувчилигимиз шу эдики, ёзги таътил қезларида қишлоқларга чиқиб, бахшию гўяндларнинг айтганларини ёзиб келардик. Тўғриси, бу иш ўқув вазифасига кирмасди. Шинавандароқ бир домламиз бўларди. Уша киши кўнглимизга чўғ ташлаган. У ёғи Лутфий ҳам Саккокийдан тортиб, бу ёғи Жуманбулбулгача, жамики дostonларни ёд биларди. Мен ҳам шу муаллимга ҳавас қилиб, насиб этса албатта дostonшунос бўламан, деб ўйлар эдим. Муаллимнинг маслаҳати билан, шаҳар дорилфунуни қошидаги адабий тўгаракка қатнай бошладим. Тўгаракчиларнинг кўпи шеър уфзал машқ қиларкан. Ушалардан юқиб, мен ҳам шеър ёзишга тутиндим. Кўпроқ халқ оҳанглирида ёзардим. Ёзганларим бир пулга қимматлигини ўзим ҳам сезиб турардим, бошқа, кўзга кўришиб қолган, ҳар ҳафта бўлмаса ҳам, ой оралатиб вилоят газеталарида асарлари чиқиб турадиган тўгаракчилардан уялардим. Лекин уларнинг ҳаммаси одобли йигит-қизлар эди, бирор гал, ҳов Саидқул, ёзганларинг бўш-ку, деб юзимга солишмаган. Чамаси, улар мени тасодифан адашиб келган кимса деб ўйлашар, шу сабаб, кўнглимни оғритмай, пайти келиб ўзим тушунишиму ўз ихтиёрим билан кетишимни кутишар эдилар.

Тўгаракчилар орасида иккитагина носир бор эди — баланд бўйли, қорақош (ҳар қоши бошмалдоқдай келади), овози гулдуракдай, бошқаларга кўпда аралашмайдиган йигит билан унинг хушбичимгина, доимо озода кийиниб, бўйинбоғ тақиб юрадиган ошнаси. Иккови жуда ҳам қалин, ўтирганда ҳам, турганда ҳам бир-бирининг кўнглига қарайди. Икковлашиб, қўшчилар артели ҳақида қисса ҳам ёзишган. Ёзганлари китоб бўлиб босмадан чиққан. Аввал айтганимдай, тўгаракчиларнинг кўпи шоир эди, нуқул шеър ўқишарди, иккала носир эса, бир чеккада жимгина қулоқ тутиб ўтиришарди. Бир-икки бор таклиф бўлганида ҳам, камтарлик қилиб, кичикроқ лавҳалар ўқиш билан чекланишган.

Бир куни, навбатим етиб, мен ҳам тўгаракда шеър ўқидим. Шеърим пилла қурти боқиб, Шўролар юртини атласга белаيمان, дея ният қилган илғор келинчак ҳақида эди. Қисиниб-қимтиниб ўқидим, кейин калтак кутдим. Хайрият, калтак емадим, мавзунинг долзарблигини айтишди, авторнинг ижтимоий келиб чиқиши ижобий эканига шаъма қилишди, хуллас, ўзим сезмаган ҳолда, кайфиятим ўнгланиб, гўё мукофот теккандай хурсанд бўлиб чиқдим. Кўчада ҳам анча вақт туриб қолдим. Тўгаракчилар қўлимни олиб табриклашар, шу суръатда я н а д а о л ф а юришимни тилашиб, ҳатто келажак ҳақида, жўнроқ булсада, ром ўнглашар эдилар. Ниҳоят, ҳамма тарқаб, бир ўзим қолдим. Энди кўнка бекатига қараб юрган ҳам эдимки, ичкаридан икки ошна — носирлар

чиқиб келишди. Хушбичими менга сиполик билан бош ирғади, новчаю норғули эса, яқинроқ келиб, тирсагимдан тутди:

— Саидқулсиз-а? — деб сўради.

Саволи беписандроқ туюлди. Ғашим келди.

— Гап бундай, ука, — деди новча йигит, менинг кайфиятимга парво қилмай. — Боя ўқиган шеърингиз сариқ чақага арзимаёди, қуруқ гаплар, нуқул олди-қочди. Ниятингиз тузукдай, лекин Шўролар юртини атласга белаيمان деган қахрамонингиз — ғирт ёлғончи, демакки, сиз ўзингиз ҳам ёлғончисиз. Эҳтимолки, сиз айтган саодатли онлар ҳам бир кун етиб келар, лекин унгача биз ҳали тер тўкишимиз керак. Сиз масалага анча жўн қарайсиз экан.

Гапи оғир ботди. Тўгаракчиларнинг бояги мақтовларига жиндак инониб қолган эканман, ўшаларни яна такрор келтириб, шеъримга қалқон қилмоқчи бўлдим-у, дарҳол фикримдан қайтдим; ўзим ярим юпун бир тингловчи бўлсам, илигим пучроқ, ажабмаски, манави девқомат йигит бир туртиб, йўл четидаги ариқча икки буклаб тиқиб кетса. Хуллас, қўрқдим. Жимгина бош эгиб туравердим.

Шунда қаршимдаги йигит жилмайгандай бўлди.

— Сўкмайсизми? — деди. — Нега индамай турибсиз?

— Ҳаддим сиғмайди, ака.

— Саидқул, — деди йигит баттар юмшаб, — сиз етимхонада ўсгансиз-а, ука?

Индамадим. Жавобга ҳожат йўқ эди. Сабабки, тўгарак мажлисида етимлигим у етимхонада ўсганим айтилган эди.

— Кўрган-кечирганларингизни ёзсангиз бўлмайдими? — дея давом этди йигит. — Ёзсангиз бас, ўшанда ҳамма нарса акс этади. Оғир ўтмиш ҳам, нурли келажак ҳам бари-бариси... Ушанда тақдир қоғозга тушади, иним. Мендан маслаҳат — шеър ёзишни ташланг, ҳикоя ёки қисса ёзишга ўтинг. Сездимки, ёзганда халқ оҳангларида фойдаланар экансиз, ана ўшани насрга кўчиринг, зўр чиқади.

Лом-мим деёлмадим. Унинг гапида жон бор эди.

— Хафа бўлманг, Саидқул, — деб таскин берди у, гўё хаёлимни уққандай. — Ўйлаб кўринг, мен сизга тўғриси айтдим. Энди бу ёғига таниш бўлайлик, биздан неки ёрдам керак бўлса, марҳамат, хизматингизга тайёрмиз. Ана, у ёқда яна бир ошнамиз бор, — йигит шундай деб, нарироқда кутиб турган хушбичим носирга ишора қилди. — У ҳам фикримга қўшилди, икковлашиб, сизни шоир тўгаракчилардан тортиб олмоқчимиз.

Кўнглим ёришди. Мен таҳдид қилади, деб чўчиб турсам, булар менга дўстлик илгини чўзмоқда экан. Хурсанд бўлдим. Ўзимдан носир чиқарига гумоним мўл эди, лекин шундай эса-да, тўлқинланиб, ихтиёрсиз ваъда бериб юборибман:

— Бўпти, ака, бир уриниб кўраман.

— Балли! — деди йигит, сўнг каттакон панжасини узатди: — Менинг отим — Назар, фамилиям — Яхшибоев, Асли Булдуруқ қишлоғидан бўламан. Булунғурга адаштириб юрманг, бошқа, бутунлай бошқа — Бул-ду-руқ! Ошнамиз ҳам ўша жойдан. Унинг оти — Хорун, фамилияси...

Хурсандлигим сабаб бўлдими, шу жойда андак беадаблик қилиб, Яхшибоевнинг сўзини бўлдим:

— Бағдод халифаларидан эмасми?

— Йўғ-э, бунинг ижтимоий келиб чиқиши тузук, бир фақир бўёқчининг ўғли, — деди Яхшибоев кулимсираб. — Тўғри, фамилияси зўрроқ, кимсан — Калонов. Лекин пайровингиз дуруст, мен ўзим ҳам ҳазиллашиб, халифаи Хорун-ар-Рашид деб атайман.

Энди озгина чекиниш қилсам... Чекиниш қисқа бўлади. Негаки, Хорун билан дўстлигимиз жуда қисқа бўлди. Дўстлашиш у ёқда турсин, шунчаки яқинлашиб ҳам кетолмадик. Бу озода ва хушбичим йигит доимо банд бўларди. Дорилфунуннинг барча ишларига аралашарди. Фаол эди, ҳамманинг ҳурмати-ни қозонган эди. Бизнинг муаллимлар курсидаги домлаларнинг у билан қуюқ сўрашганларини кўриб, бу йигитни бутун шаҳар билса керак, деб ўйлардим. Ташвишга кўмилиб яшарди. Тўгаракка қатнашишни қанда қилмаса-да, машғулот

чоғларида чурқ этиб оғиз очмасди. Жиддий эди. Лекин жиддийлиги бепи-сандликдан эмас, камтаринликдан эди. Ичмасди, чекмасди, ҳавойи йўлларга юрмасди. Ўшал кезларда яйпанлик бир заҳарроқ талаба ҳазил аралаш: «Хорун ҳали илдамлаб кетади, чангини ҳам кўролмай қоламиз», дея башорат қилган эди. Ростдан ҳам, Хорун олислаб кетди. Дастлаб, у ҳали кичикроқ давраларда эканида, ўсиб-улғайишни кўриб-кузатиб бордик. Кейинроқ ҳам кўзимиз тушиб турарди, лекин энди у шундай бир юксакликда эдики ва қамрови шу қадар кенг эдики, бу кенгликлар биздақа жўн одамларнинг шуурига сиғмасди. Ёшлиқдаги салом-алик боис, кейинроқ бир неча бор сўроқлатди, ҳузурига таклиф қилди, лекин мен боролмадим. Сабаби оддий — унга айтадиган гапим йўқ эди. Унинг ҳам шахсан менга аталган зарур гапи бор эканига ишонмас эдим.

«Чекиниш»ни шу билан бас қилсам-да, Хорун билан Яхшибоевнинг оралари бир умр бузилмаганини айтиб ўтсам. Эҳтимолки, мен билмаган совишу илишлар ҳам бўлгандир, ораларидан гап ҳам қочгандир, лекин бунақа нарсаларни сиртларига чиқаришмаган. Уларнинг кейинги муносабатлари ва муносабатларидаги нисбату мувозанат менга унчалик ойдин эмас. Оз-моз билганларимни эса, кейинроқ, мавриди билан ҳикоя қиларман. Ҳозирча Ўртақўрғон даври билан кифояланган маъқул. Яна бир эслатма шуки, шу дақиқадан эътиборан, Хорун Калоновни исми-фамилияси билан атамайман. Уни шартли бир тарзда — ОШНО деб атасак тузук бўларкан. Қолаверса, бу ном унчалик шартли ҳам эмас. Билган одамларнинг ҳаммаси Хоруннинг Яхшибоевга яқин ошно эканига қафиллик бера олади. Қиссамиз кўпроқ Яхшибоевга тааллуқли бўлгани учун, Хорунни ОШНО деб олганимиз оддий мантиққа ҳам зид келмайди.

Энди, ўша ўтмиш кунга қайтадиган бўлсак, суҳбатимиз унча узоққа чўзилмади. Ошно билан Яхшибоев иккови дорулфунун ёнидаги жинкўчага бурилиб кетишди. Мен эса, нарига — кўнка тўхтайдиган бекатга қараб жўнадим.

Гарчи мухтасар бўлса-да, ўшал суҳбатнинг менга анча нафи тегди. Бир-икки ой ўйлаб юриб, Яхшибоевнинг танқидию маслаҳатини жўяли топдим. Худди у айтганидай, озми-кўпми бошимдан кечган савдоларни кичкина қисса қилиб ёздим. Сарлавҳаси «Эл ўғли» бўлди. Буни ҳам Яхшибоев топиб берганини айтмасам инсофдан эмас. Бирор йил ўтиб, ёзганларим китоб ҳолида қўлимга тегди. Ҳозиргача бир нухасини жавонда асрайман. Сарғайиб кетган, муқоваси тўзган китобча. Аҳён-аҳёнда, ҳеч ким йўқлигида жавондан олиб, секин кўзларимга суртаман. Шу китобча туфайли йўлим очилди, каттароқ бўлмаса ҳам мундайроқ қаторга қўшилдим ва ҳоказо ва ҳоказоки, исботи — яхшию ёмон яшаб адо этаётган умрим, рўзгорим, бола-чақам, невараларим...

Айтаверсак — гап кўп. Аммо қуруқ гап-гаштак билан ўшал замонни, ўшал замондаги Ўртақўрғон муҳитини тасвирлаб бўлмайди. Недир бошқа оҳанг керакдай. Оҳангки, ўтмиш йилларнинг нафасини берса.

Бунда изҳори дил ёки тазарру услуби қўл келмоғи қийинроқ. Эҳтимолки, дилим изҳорга озмунча ярар, лекин тавбаю тазарруга арзийдиган ҳунар кўрсатолганим йўқ. Албатта, булар — шунчаки ҳазил. Рости шуки, ланж сўзларни шу жойда тугатиб, бу ёғига бир-иккита чоғроқ манзаралар чизсак-да, асосий мақсад ва воқеаларга ёвуқроқ борсак...

Б и р и н ч и м а н з а р а

Булдуруқ қишлоғи Ўртақўрғоннинг ғарбида эди. Шаҳар вокзалидан аравага тушилса, бирор ўн соатда етса бўларди. Қишлоқнинг кунчиқару кунботари очиқ эди. Қолган икки тарафида эса пасту баланд тепалар қад кўтарган. Баландроқ тепалар яссироқ тоғларга туташиб кетади. Тепаларнинг тагидан уч-тўрт булоқ сизиб чиқарди, лекин суви қишлоқнинг ярмига ҳам етмасди ҳисоб. Этак томонлардаги хонадонлар қирқ қулочлик қудуқ қазиб, туя ёки йилқи тортиб оладиган қовғалардан сув ичишарди. Сув танқислиги боис, қишлоқнинг этак тарафида дарахт ёки гиёҳ зоти ёлчителиброқ ўсмасди. Янтоқ ўсарди, қаррак ўсарди, шувоғу бурганларнинг йили келарди-ю, лекин мундоқ кўзни қувнатадиган зироат унмас эди.

Айтишларича, илгари Булдуруқ кўп обод қишлоқ бўлган экан. Дов-дарахти

ҳам кўп бўларкан. Нақ ўртасидан дарё айқириб ўтаркан. Аммо кейинчалик бориб, дарё ўзани қишлоқдан нари қочибди...

Афсонада сал-пал жон бордай, негаки, Булдуруқдан йигирма чақирим ғарброқдан кичкина бир дарёча оқиб ўтади. Лекин бу дарёчанинг бир замонлар Булдуруқни обод этганини тасаввур этиш қийинроқ. Узанини қочирган бобош дарё ҳақидаги чўпчакни қишлоқ аҳли сув танқислигидан безган чоғларида шунчаки таскин учун ўйлаб чиқаришган бўлса ҳам ажабмас.

Қишлоқнинг номига келсак, яна ўша чўпчакка дуч келамиз. Гўё дарахт кўп экану қиш фаслида яланг тарафдан совуқ эсиб, булдуруқ босиб қоларкан. Булдуруқ аҳли эслашни ёқтирмайдиган яна бир изоҳ мавжудки, унда одамларнинг табиатига шаъмаю ишора бордай...

Назар Яхшибоев Булдуруқнинг пастроғида — чўпон кулбасида туғилган эди, Ошно — тепароқда, булоқ пойидаги боғли-роғли ҳовлида. Инқилобу Шўролар шарофати билан, иккиси ҳам мактабга боришди, яхши одамларнинг кўлида ўқишди, аввал етти йилликни тугатишди, кейин, бахтлари чошиб, — қишлоқ шўросининг раиси Ҳотамбой вилоят марказига бориб, жанжалу тўполон билан ўрта мактаб ва бешта нўфой муаллими ундириб келгач, — ўнинчини ҳам тугатиб олишди. Ҳотам Шўро тараққиёт ва ислоҳот қули эди. Қадим жўраси, Галатепа колхозининг раиси Раимбой Ғайбаров билан гаров бойлашган эдики, яқин йигирма йил ичида Булдуруқ аҳли ўзбекчаю русчада бийрон гапирди, деб. Узининг русчадан мазаси йўқроқ эди, шаҳар тушганларида «твоя-моя» деб қийналарди, шу сабаб, гарчи эзгу орзусининг ҳаливери амалга ошмаслигини кўнглида сезса-да, ҳамир учидан патир қилиб, ўрта мактабни битирганлардан икки йигитни нақ Маскопга жўнатмоқчи эди. Бизнинг қишлоқ — зўр, деб мақтанарди у Раимбой дўстига, бизнинг кадрлар Андижону Бухоро, Уртақўрғону Самарқанд, ҳатто пойтахтимиз Тошканни ҳам эгаллайди, керак бўлса, биз ҳали Маскопни ҳам оламиз! Турган гапки, бу хил режалар галатепалик раиснинг хаёлига сиғмасди, ноиложликдан гапни ҳазилга бурарди: оббо, Ҳотамбой, сенинг шу ҳотамлигинг бўлса, оламни булдуруқ босаркан-да!..

Мактабни битирганларни йиғиб қуръа ташлади. Ташлаган қуръаси Яхшибой чўпоннинг ўғли Назар билан Калонқул бўёқчининг ўғли Хорунга тушди. Йигитлар кўрқиб, минг тавалло қилишдики, йўқ, бормаймиз, раҳмингиз келсин, бормаймиз!.. Йигитчаларнинг оналари ҳам уввос тортиб йиғлашди. Лекин Ҳотам Шўро кўнмади, тараққиёт йўлида зўравонлик қилишга мажбурман, деб туриб олди.

Йигитлар шаҳарга жўнайдиган куни эрта тонгда, ҳали қуёш чиқмасидан, Ҳотам Шўро одамларни йиғиб, кичкина митинг ўтказди. Ўзи гапирмади, камтарлик қилиб, қишлоқ шўросининг котиби мулла Ғаффорга буюрди:

— Ўзинг гапир, Ғаффор, сенинг ақлинг бутунроқ.

Мулла Ғаффор ноз қилиб ўтирмади, дарров минбарга чиқди.

— Гапир, — деди Ҳотам Шўро унинг биқинига туртиб, — кўнглингда борини гапир!..

— Гапираман! — деб чинқирди мулла Ғаффор хезланиб, сўнг кўнглида борини тўкиб ташлади: — Уртоқлар! Ана, орамизда безрайиб турибди у! Ана, у, шўролар муаллими деган номга доғ туширган бетамизу қисталоқ Ҳожиёв! — нотик шундай деб, оломон орасида турган ўқитувчи Ҳожиёвни кўрсатди. — Бу қисталоқ бизнинг Низомбойни ҳар куни урармиш!..

Мажлис аҳли ҳайрон бўлди.

— Аҳмоқ! — деб қичқирди Ҳотам Шўро мулла Ғаффорга қараб. — Сенда сиёсий савод борми ўзи? Нега ҳадингдан ошасан? Давр ўтди, энди қулоқ қиллолмайди, деб ўйлайсанми?! Сен афюнсан, эскилик сарқитисан!

— Ахир... — Мулла Ғаффор довдираб қолди. — Ахир... кўнглимда борини гапирдим-ку?!..

— Э, ўша кўнглингда... қўтир жомашов!.. — деди Ҳотам Шўро баттар фиғони чиқиб. — Э, сени ўқитган мадрасанинг қуббасига қўяй! Одамга ўхшаб гапир-да, номард! Ёт унсур экансан-ку! Унта қалдирғочимиз учирма бўлди, шулардан иккитаси парвозга шай бўлиб турибди, шунга гапирмайсанми!.. Нима, энди шу Низомбойнинг еган бир тарсакини оламга дoston қиласанми? Ҳожиёв муаллим ҳалиям инсоф қипти, мен бўлсам, кетига тепардим, нарёғи Галатепа-

га бориб тушарди! Ҳожиёв тўғри қипти, Низомбойнинг бетамиз бола, Калонбойнинг икки қадоқ бўёғини ўғирлаган, ана, гувоҳиям бор!..

— Билмаган эканман, — дея ғудранди мулла Ғаффор, сўнг ўзи мулзам қилган муаллимга юзланди. — Уринг уни, ўртоқ Ҳожиёв, яна уринг, мендан рухсат!..

Шундай дедию дами чиққан пуфакдай шалвираб қолди. Ортиқ айтарга сўз тополмади, минбардан тушди. Ҳотам Шўро бунисини кутмаган эди. Котибга еб кўйгудай ўкрайдию ўзи минбарга чиқди. Гўё икки навқирон йигит шу бугун борибоқ Ўртақўрғонни забт этадигандай, баланд руҳ билан нутқ сўзлади:

— Азиз улус! Ҳурматли халойиқ! — деди у. — Мулла Ғаффор алжираб қопти, унга ишонманглар! Мен бу икки қалдирғочни шунчаки биргад ёки шўрога котиб бўлиш учун юбораётганим йўқ! Улар эришажак мартаба саводсиз мулланинг тушига ҳам кирмайди! Буларнинг ўсгани — бизнинг ўсганимиз! Оқ йўл, азаматлар! Келажак сари олға!

Йиғинга келган қари-қартанглар юзларига фотиҳа тортишди. Ҳотам Шўро беш қиррали юлдуз изи билиниб турган будённийча шапкасини чап қўлига олиб, ўнг қўлини Ўртақўрғон тарафга (келажак унинг назарида айни ўша ёқда эди) чўзиб кўрсатди. Кейин ёғоч оёғини дўқиллатиб, чойқутилардан апил-тапил ясалган минбардан тушиб, сафарга шайланган икки йигитни навбати билан кучоқлади, елкаларига қоқиб, далда берди, лекин бу ҳам оз туюлди чоғи, тағин чўлоқланиб минбарга чиқди.

— Азиз улус! Ҳурматли халойиқ! — деди у овозини янада баландроқ кўтариб. — Бу икки йигит бизнинг Булдуруқ номини бутун юртга ёйса не ажаб? Биз уларни узатаётган онлар аслида тарихий онлар бўлса не ажаб? Не ажабки, бизнинг қалдирғочларимиз кейин бориб сор бургутларга айланса, парвозлари янада юксакроқ бўлса?! Оқ йўл, азаматлар! Келажак сари яна бир марта олға!

Қишлоқ аҳли ёшларни яна бир бор дуо қилди. Ҳотам Шўро яна қўлини олдга чўзиб, Ўртақўрғон тарафни кўрсатди. Икки йигит эса, елкаларида нону намак солинган иккита тўрва, оналарию қариндош хотин-халажни сел йиғлатиб, Ҳотам Шўро кўрсатган ёққа шахдам қадам ташлаб кетдилар.

Тантанавор бир дақиқа эди. Буни айниқса, Ҳотам Шўро кўпроқ ҳис этди. Икки навқирон йигит, заранг йўлдан, бошларини тик тутиб, кунчиқарга — қуёш томонга кетиб борар эдилар! Шунини кўриб, Ҳотам Шўронинг бўғзига йиғи тик қилди, кўзларига ёш қалқди, алам билан ўйладикки, қанийди мен ҳам навқирон бўлсам, қанийди икки оёғим ҳам бут бўлса, қанийди баданимда босмачи қолдирган дарра излари ўчиб битса, мен ҳам шуларга қўшилсам узоқ шаҳарларга кетсам, дунёни кўрсам!.. Лекин армони ушалмасини ўзи ҳам сезиб турарди. Негаки, Булдуруқнинг бор ташвиши унинг бўйнида эди, колхоз раиси ярим йилдирки, эски яралари очилиб қон қусиб ётарди, колхознинг меҳнати кўп эди-ю, меҳнат куни оз эди, омовларнинг тишлари ейилиб битган, ҳўкизларнинг дармони кетган, хуллас, аҳвол шу қадар оғир эдики, ҳар қандай мард одам сингари, Ҳотам Шўро ҳам, шу ерда қолсам, шулар билан бирга бўлсам, зора биргалашиб ёруғ-қувноқ-саодатли онларга етсам, дея ўзига таскин берди. Таскин баробар, кўзларига қалққан ёшларини дағал кафти билан сидириб ташладию этик кўнжига тикилган қамчисини олиб, боши узра баланд кўтарди:

— Биргадлар қолсин, қолганларга жавоб!

Бригадирлар қолди, қолганлар секин-секин тарқаб кетишди. Ҳотам Шўро бригадирларнинг ҳориган юзларига бир зум қараб турди, уларнинг ҳам бояги икки бўз йигитга ўхшаб узоқ шаҳару яқин келажак сари олға кетмаганларига ачинди, недир яхши гаплар айтмоқчи, юпанч бермоқчи бўлди-ю, лекин оғзидан бутунлай бошқа сўзлар чиқиб кетганини пайқамай қолди:

— Раисни касал деб ўйлаб, ҳамманг қутуриб кетдинг! Қўш ҳўкиз овора-ю, бир ботмон ер ҳайдамайсан! Хотиннинг бутига тикилиб ётгунча, мундоқ далага қара, дала туғиб бермаса — хотиннинг туққани очидан ўлади-ку, номардлар! Норма қани? Нормани қаерингга тикдинг, Норматбой? Сен-чи, энағар Эшмат, иштонбоғдай эшилиб ётгунча, далага сал эртароқ чиқмайсанми? Ҳали ҳаммангнинг энангни кўрсатаман!..

Бригадирларни сўкарди-ю, икки кўзи йўлда эди. Офтоб терак бўйи кўтарилган, арава йўли ингичка тортиб, унда бораётган икки йигитнинг қораси ҳам тобора кичрайиб, узоқлашиб борар эди. Ҳотам Шўро асли шоиртабиат одам

эди, гапирганда ҳам уйқашроқ қилиб, баайни қўшиқни тугатиб, жўнроқ баёнга ўтган дostonчига ўхшаб гапирарди, ҳаттоки бригадирларни ҳам оҳангдор қилиб сўкарди. Йигитларнинг ёрқин келажак сари кетиш манзараси Ҳотам Шўронинг дилига маҳкам ўрнашиб қолди, бечора ҳаяжонга тушди, гўё босмачи олган оёғи қайта танига битгандай, айна ўша оёғи билан депсингиси келди, кейин унинг йўқлигини эслади, тиззасига уланган ёғоч парчасига ўқрайиб қараб: «Э, эналариниям!..» дея хитоб қилди. Ҳаяжони босилмади. Назарида йигитлар жуда имиллаб кетаётгандай эди. Унга қолса, йигитлар то узоқдаги азим шаҳарга қадар югуриб кетишса, шаҳарга ҳам дадил бориши ёки боришса, шаҳар аҳли уларни қувониб, чиройли шiorлар айтиб кутиб олишса!..

Афсуски, йигитлар Ҳотам Шўронинг кўнглидан кечган гаплардан беҳабар эдилар. Улар югуришга иштиёқ сезишмас, шунчаки ёшларига мос шахдам юриб боришарди, холос. Қишлоқдан чиқиб, бирор фарсах йўл босилгач, офтоб қиздириб, лоҳас қилди. Йигитлар четроқдаги тош устига нафас ростлагани ўтиришди. Бир-бирларига қараб ночорроқ илжайишди. Иккисининг ҳам юрагида ваҳм бор эди, иккиси ҳам келажакдан чўчиб турарди. Бу ҳақда гап очишдан иккиси ҳам уяларди. Айна ҳолатда, улар иккови чўчиб-уялиб турган аснода, орқадан қирқ туяли карвон етиб келди. Карвон — олдинда бир отлик эркак, ундан орқароқда, икки ўрқачли туянинг кўмида жиккакканиа бир аёл — етиб келиб, йигитлар ўтирган тош ёнида андак секинлади. Йигитлар ўрниларидан туриб, карвонбошига қуллук қилдилар. Бири, Яхшибой чўпоннинг ўғли Назар, норғулу қорақош йигит, дадилгина гап қотди:

— Уртақўрғонга довури опкетмайсизми, тоға?

Карвонбоши, бошига қийиқ танғиган серсоқол киши, уларга менсимайроқ қаради:

— Кимсанки, мен сенларни опкетсам?

— Уқишга кетяпмиз, тоға.

— Бале! — деди карвонбоши. — Уқиган ўзади. Лекин ҳозир ўзадиган чоғларингни сезмадинг. Қайдан бўласанлар? Галатепаданми?

— Галатепа икки ошув нарида, бизлар бериорқадан, Булдуруқдан бўламиз, тоға.

— Топиб қўйган экан лекин. Мижозларингга мос-да, а?

Карвонбоши отини буриб, беш-олти туя қадар ортга қайтди, сўнг салт келаетган норига буюрди:

— Чўк, жонивор, чўк!..

Нортуя чўкди. Йигитлар апил-тапил қўмга қўндилар. Норғули олдинга, хипчароғи ортга ўтирди. Туя бир пишқириб, ўрнидан турди.

— Раҳмат, тоға. Пулимиз бор, бўйнимизда қолмайди.

— Раҳматни онангга айтасан. Онанг борми?

— Борликка бор-у, лекин эгасиям бор.

— Чатоғ экан, — деди карвонбоши, сўнг илк бор тишининг оқини кўрсатди. — Битта шартим бор, пул-мул бераман деб бир хил жойларимни тумовратмайсан. Пулинг керакмас. Уқиб, амалдор бўлиб кетганингда карвон йўлини тўсмасанг бас.

— Бўлди! — деб хитоб қилди норғул йигит. — Сизни томорқа солиғидан озод қилдим, тоға!

— Менда томорқа йўқ, — деди карвонбоши.

— Бўлмаса, ана, туяга солиқ тўламайсиз!

— Тўя Норбўтаннинг ихтиёрида, — деди карвонбоши. — Солиқ сол-чи, ўзингни қайда кўраркансан!..

— Бўлмаса нима қилайлик, тоға?

— Карвоннинг йўлини тўсмасанг бас, — деди карвонбоши жиддий туриб. — Қароқчиам карвоннинг йўлини тўсмаган.

— Йўғ-э, — деб кулди норғул йигит. — Тўсган, талаган эмасми?

— Тўсмаган, — деди карвонбоши. — Тўхтатган, холос. Кейин, оларини олиб бўлиб, яна карвонни ўтказиб юборган. Тушундингми?

Норғул тушунмади. Яна нимадир эътироз айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, лекин хушбичим йигит унинг енгидан тортди, карвонбоши отини буриб, карвонбошига қараб кетди.

— Хизр эмасмисиз, ишқилиб?

— Хизр колхознинг ғалласини ташимади, — деди карвонбоши. — Жонузоқ карвон бўламан. Бошпуртим йўқ. Боши очиқ арабман, ихтиёрим ўзимда. Туялар — Норбўтанинг ихтиёрида. Бўлдими?

Карвонбоши карвон бошига етди. Зум ўтиб, саф қўзғолди. Қўнғироқлар чалинди, туялар лўкиллади, юку йўловчилар чайқалди, Уртақўрғон йўли қирқилгандан қирқилиб бораверди.

Карвон роса ўн соат юриб, Уртақўрғон вокзалига етди. Жонузоқ вокзалга етганда ортга қайрилдию йигитлар минган туяни салт кўрди — улар карвон шаҳар сарҳадини кесган жойда тушиб қолган эдилар. Карвонбоши йигитларнинг индамай кетганига парво қилмади. У умри бино бўлиб, неча минглаб одамларни, ёшу қари, эркагу аёл, мусулмону тарсо... кўп ташиган эди. Кимлар хайрлашиб кетдию кимлар хайр-маъзурни нася қилиб жўнаб қолди — бунини ҳисоблаб ўтиришга, ҳисоблаш тугул, эслаб кўришга ҳам ҳафсаласи етмасди. Қолаверса, у йўловчилардан бирор тийин таъма ҳам қилмасди. Ҳуши келса, ҳаққиға онангни берасан, деб ҳазиллашган бўларди, ҳуши келмаса — буям йўқ...

Жонузоқ араб ўзи Уртақўрғонга элтиб қўйган йигитларнинг норғулроғи кимсан Яхшибоев, хушбичими кимсан Ошно эканини бир умр билмай ўтди. Карвонбоши йигитларнинг кейинчалик маълуму машҳур бўлиб кетганини эшитса хурсанд бўлармиди, йўқми, деган савол туғилиши мумкин. Тайинлироқ гап айтиш қийин. Жонузоқ араб сал гуппироқ ва белисандроқ одам эди. Унинг назарида, бу ёруғ дунёда атиги иккитагина ҳурматга лойиқ одам бор эди: бири — галатепалик раис Раим Ғайбаров, иккинчиси — қамашилик раис Норбўта Шароф. Эски ошнолик боис, шу икки раиснинг колхозига хизмат қиларди, арпа-буғдойини Каттақўрғону Уртақўрғонга ташиб, ҳаққиға меҳнат куни оларди. Эски замонларнинг бемаъни удумларига учиб, вақтида уч-тўрт хотин олиб, эндиликда фарзандларнинг сонини бирор қирқ-элликтага еткизган эди — ишламаса бўлмасди. Косону Қарши, Китобу Шаҳрисабз атрофига сочилган каттакон рўзғорини боқиш анча қийин кўчарди. Лекин у умидсизлик нелигини билмасди, серғайрату сермеҳнат эди, майдароқ одамлар туя сақлагани учун солиқ солиб кўнглини чўктирмоқчи бўлишганида ҳам парво қилмаган, яъники, ўша иккита ишонган ошнаси бўлган. Жонузоқ арабдан қолган ҳикмат: «Ой билан офтобнинг кўзи ўнг бўлса, юлдуз пишириб ермиди?» деган нақли ҳам ўша замонда туғилган.

Ер юзи кенг-у, йўллари тизиз. Пайти келиб, урушдан кейинги йилларда, Ошно бир шикоят юзасидан Галатепага боради, у ерда Раим Ғайбаров билан учрашадю уни озгина тухмат-шалтоқдан аритиб олади. Иккиси ҳам шикоят билан овора бўлиб, идорада димиқиб ўтирганларида, Жонузоқ араб шундоқ кўчадан карвони билан ўтади. Лекин булар пайқамайди. Кейинчалик Раим Ғайбаров озгина муддат қамоқда ҳам ётади, ноҳақ ётади, ноҳақликни аниқлаб, уни муддатидан олдин озодликка чиқарган киши ҳам биз тилга олаётган Ошно эди. Раим Ғайбаров «сафар»дан қайтиб, аввалги нуфуздан айрилиб, бор-йўғи рўзғорига бошлиқ бўлиб ўтирганида, Жонузоқ араб ундан кўнгил сўраб келади. Иккови роса икки кун кўрпачада думалаб суҳбат қуради. Ғайбаров Ошнони эслади, барака топсин, ёрдам берди, деб айтади. Жонузоқ араб ҳам унга қўшилиб Ошнони дуо қилади, лекин дуо қилаётган одами билан ўшал бир замонлар ўзи Уртақўрғонгача бепул элтган хушбичим йигит аслида бир киши эканини хаёлига ҳам келтирмайди. Хуллас, улар бир умр дуч келмайдилар. Мабодо, учрашсалар эди, балки Ошно ўзини Уртақўрғонга — катта ишлар йўлига илк бор чиқариб қўйган савобталаб карвонбошини таниган бўлармиди...

Умуман, Ошнода меҳру оқибат масаласи ёмон эмасди. Кейинчалик у Раим Ғайбаровни ҳам сўроқлатади, лекин у сўроқлатган пайтда Раим оқсоқол оламдан ўтган эди. Ошно, ноилож, унинг зурёдларини суриштиради. Битта ўғли Тошкентда эканидан хабар топади. Кўнгилетар одамлардан дарак юбориб, ҳузурига таклиф этади. Лекин Раим Ғайбаровнинг тўнғичи Тошпўлат ўлгудай ўжар йигит эди — бормайди. Мартабаси кичикроқ Эломонов сўроқлатганда бормаган одам, энди ундан каттароғига бораманми, деб айтади. Бу гапда недир тескари мантиқ бор. Лекин айни гапни галатепалик мардум айтганини ўйлагудай бўлсангиз, бояги телба-тескари мантиқ бирданига тўғри туюла бошлаганини сезмай қоласиз.

Тақдирларнинг узвийлигини ўйласа бас, юраги ортга тортиб кетади киши-

нинг. Бу дунё, боя зикр этганимиздек, шу қадар кенг ва йўллари шу қадар тизгили, айна ҳадсиз-у, тор ҳилқатни қамрашга ожизлик қиласан, шартта қаламни синдириб отгинг келади. Кейин, сал туриб, уятни унутиб, қайтадан қўлга оласан, мақсадни чеклайсан, не-не тақдирларни бир ҳимо билан ҳисобдан чегириб ташлайсан-да, қўлдан келгани шу бўлса на илож, бир-икки одамнинг номаи аъмолини қораласам ҳам катта гап, дейсану яна қоғоз қоралашга тушасан. Аммо кўнгилнинг туб-тубида кенг ёзмоқ истаган қанотларнинг аслида чўлтоқлигини пайқаб турганинг ёмон, сен тушган йўлнинг учию сен ахтарган манзилнинг шундоққина шарпаси сезилиб қолгани ёмон.

Яна ўша гап — сени иззат қилиб юрадиган ёшгина бир фозил йигитнинг ҳазиломуз ҳикмати ёдингга тушади:

«Э, ака, ихтиёр ўзимда бўлса эди, Кўҳиқофда дев бўлардим!..»

Яна ортга қайтасан, йигитлар салт нортуянинг қўмидан сакраб тушган жинкўчага кирасан, жинкўча бўйлаб уларнинг ортидан юрасан. Бу жинкўча қайга олиб чиқиши номаълумдай. Лекин йигитлар ҳам, сен ҳам биласанки, жинкўчалар охирида албатта бирор майдон ёки яланглик бўлади, жинкўчалар бари бир катта кўчаларга олиб чиқиши тайин. Бунда ҳам недир бир рамз бордай. Негаки бу шаҳарни мутлақо билмайдиган икки йигит зах ва қоронғу жинкўча охирига қараб боришяпти, кўнгилларида зиё кўрмоқ истаги бор, ҳадиклари бисёр-у, шумликлари йўқ, танлари недир саодат илинжи билан лиммо-лим. Уларга раҳминг келади, уларни ўзинг ўйлаган ёруғ манзараларга гард ҳам тегизмай, покмон етказишни хоҳлайсан.

Афсуски, бунинг ҳеч иложи йўқ. Йигитлар аслида бу жинкўчадан аллақачон ўтиб бўлишган, жинкўчанинг ўзи аллақачон ер юзидан суриб ташланган, унинг ўрнида ойнаванд деворлари ярақлаган уч қаватли магазин турибди, умуман, сен айна чоғда ортларидан юриб бораётган икки йигит аллақачон манзилга етишган, сен ўйлаган манзилга эмас, ў з л а р и н и н г манзилига етишган, хуллас, ғишт деганимиз отам замонида қолипдан кўчган-у, лекин сен, болафеъл, хаёлпараст банда, ўзингни қодир уякто ҳисоблаб, бутун-бутун умрларни, тарикату йўриқларни, тақдирларни қайтадан тўқиб-бичмоқчи бўласан. Эҳтимолки, бу қўлингдан келар ҳам, лекин кўнгилчанлик қилиб, виждондан айри тушмоқ шартми? Унда айна ёзувларга не ҳожат? Ва бу ёзувларда Яхшибоев билан Ошно нима қилиб юрибди? Бошқа, уларга бор-йўғи ўсмирликлари билан ўхшайдиган содда-баёв йигитчаларни олиб, жинкўчага киритиб, ортларидан юриб, ўзинг ўйлаган ёруғ ва саодатли манзилларга ў ш а л а р н и элтсанг осонроқ эмасми?

Кўрқув не боисдан? Иштирок туфайлими? Иштирокни ўйлаб туриб, ўзингни ҳам андак фош этишдан чўчиётган бўлма?!.

Соддалик бу, дўстим. Ахир, қачон биз ўзимиздан ўзгани ёзганмиз? Яхшибоев ҳам, Ошно ҳам, бошқалар ҳам аслида бизнинг ўзгинамиз эмасми? Жилла курса, уларнинг тақдирини ўзимизга аталган, лекин недир сабаблар билан бизни четлаб ўтган тақдир деб қарасак-чи? Балки ўшанда кўнгилмизда озгина раҳму шафқат уйғонар? Улар бизга сал яқинроқ келар? Уларни тугалроқ англаб етармиз, тақдирлари бизга недир сабоқ ўрнига ўтар?

Йўқ, афсуски, энди бизга сабоқларнинг ҳожати ҳам йўқ. Сабабки, умримиз поёнига етай деб қолди. Майли, бизга сабоқ бўлмасин, лекин дунё биз билан тугамайди, ортимизда фарзандларимиз бор, суяги қотмаган укаларимиз бор, бу ёзувлар лоақал ўшаларнинг кунига яраб қолар!

Умид тарк этмагани қанчалар яхши!..

Иккинчи манзара

Чамаси, Яхшибоев билан Ошно етиб келган Ўртақўрғон шаҳрининг номи Каттақўрғондан кичик бўлгани билан эмас, балки юртнинг ўртасида, қадим карвон йўллари кесишган жойда барпо этилгани билан изоҳланади. Ўртақўрғон кўп гавжум шаҳар, Каттақўрғондан уч-тўрт баробар катта. Қолаверса, Каттақўрғон ёлғиз лаҳжали шаҳар, Ўртақўрғон эса, неча асрлар ўтибдики, турфа миллату элатларни бағрига олиб, турфа тилларни эшитиб, ўзи ҳам ўшаларга мослашиб, қиёфаси ўзгариб, кўҳна Бобил янглиғ кўп лаҳжали шаҳарга айлан-

ган. Бир тарафда гумбазлару осмонўпар миноралар, бир тарафда тепасига хоч кўндирилган черковлар, яна бир тарафда, гарчи чеккароқда ва анча камтарин бўлса-да, яхудийлар саждагоҳи. Буларнинг деярли бариси бўш, айримлари борки, дўконларга омбор қилиб берилган. Янги замон янгича рух, янгича ақидаларки, жами улус уларга риоя қилади.

Уртақўрғоннинг марказида каттакон хиёбони бор. Хиёбоннинг бир томонида узунасига дорулфунун бинолари жойлашган. Дорилфунунни шаҳарнинг юраги деб бўлмаса ҳам, мияси деб атаса арзийди. Не-не фозил одамлар сабоқ беради, не-не умидвор ёшлар сабоқ олади.

Дорилфунун бинолари эски замондан қолган. Ушал замонда Левича деган пахтачи бой ўтиб, шу биноларни қурдирган экан. Бинолар бирор йигирма йил ичида битибди. Левича кўп тадбиркор экан, ҳали иморатларнинг ҳавозалари тикланмай туриб, рўпарадаги ялангликка ариқ келтирибди, дарахт экибди, қарабсизки, йигирма йил ўтиб, бинолар тикланиб, ҳавозалари олиб ташланганида, олд тарафда каттакон хиёбон шамолда шовуллаб турган эмиш.

Хиёбонни оврўпоча қилиб, «бульвар» дея аташибди. Лекин халқнинг тили келишмагани боис, «Левича бўлбор» бўлиб кетибди. Бунда бошқача синоат бўлиши ҳам мумкин. Ажабмаски, Левичадан жабр кўрган халойиқ аввал айни номни топиб, кетидан машҳур термани тўқиган бўлса:

**Левича — кўлвор
Қурибди бўлбор.
Нақ мингта чинору
Битта кўли бор.**

Термада тилга олинган кўл эндиликда йўқолиб кетган. Чинорлару жўкалар турибди. Левичадан қолган яна бир мерос — кейинчалик отаси барпо этган бино ёнида тахта будка қуриб, толиби илмларнинг пойабзалини ямаган Симхо этикдўз эди. Симхода отасининг сарғайиб кетган сурати бўларди. Гапи соз тушган одамларга ишониб кўрсатарди ҳам. Суратдаги одам жуда озгин, кўзлари киртайган, ғамгин, хуллас, абгору забун туюлардики, уни кўлвор илонга ўхшатиш адолатсизликдай... Симхонинг ўзи саволингизга изоҳ бериб:

— Йўқ, ако, у киши ростдан ҳам халқ душмани бўлгон, сиз кўрган суратнинг асрори шулким, инқилоб бўладигон вақтинда, яъниким, як ҳазору нуҳ саду ҳафтаҳум солида тушурилгон, — деб айтарди.

Симхонинг бошқача исми ҳам бор эди — Саъдулла. Лекин унинг ўзи иккинчи исмига эҳтиёж сезмасди.

— Отамизга керак бўлгон, — дер эди. — Лекигин бизга керак йўқ. Биз озода замонда яшагон.

Айтишларича, пахтачи бой Левича серҳашам бинолар қуриб, бинолар олдида шамолда шовуллаган хиёбон барпо этганидан кейин, халқнинг норозилиги баттар кучайган экан. Лекин Левича шошиб қолмабди, шартта мусулмонликни қабул этиб, Левича исмини Лутфиддинга ўзгартирибди. Симоби салла ўраб, ҳар жума намозида аҳли исломнинг олд қаторига ўтиб, имомнинг ўнг тарафида саждага бош қўядиган бўлибди. Айтишларича, масжидга ҳам анча пул иона қилган экан, кейин Уртақўрғоннинг жануб мавзесидаги масжид ёнидаги сўфи азон айтадиган мезанаю минорани ҳам ўша тиклатган экан. Хуллас, мусулмонликка ўтиб, кимсан Лутфиддин зовутчи деб ном чиқарибди. Савдоси кун сайин эмас, соат сайин авжга минибди. Лекин пайти келиб, инқилоб бўлбдию Лутфиддин зовутчининг ишлари чаппасига кетибди. Унинг кейинги тақдири не кечгани аниқ маълум эмас. Бировлар, афғонга қочган, деб айтади, яна бировнинг гапига қараганда, бир жабрдийда йўқсил инқилобнинг эртаси куниеқ дарвоза тақиллатиб, Лутфиддин бойни сўроқлабди. Бой катта бошини кичик қилиб чиққанида, ўйлаб ўтирмасдан, қўлидаги доскала билан шартта ўша бошни бутаб ташлабди. Бу тахминларнинг ҳар иккисига ҳам ишонса бўлади. Аммо Симхонинг ўзгача бир фарази бор эди. Симхо айтардики, Лутфиддин зовутчи қочмаган ҳам, ўлмаган ҳам; қайдадир бекиниб-биқиниб юрибди, ажабмаски, Китоб ёки Шаҳрисабздаги хешларига томон ўтиб кетган бўлса. Ахир, Уртақўрғон билан Китоб ёки Шаҳрисабзнинг ораси унча узоқмас, Лутфиддин зовутчидай машҳур, ҳамма танийдиган одам, на-

хотки ўша ерда сездирмай яшаса, деган саволга эса, файласуфона сўлиш олиб, оғзидаги михларни чап лунжигга ўтказиб, илжайиб жавоб берарди:

— Бир думалаш қилиб, баъдаз кабутарга эврилса не? Дасти узун унинг, ако. Як калом билан дегонда — халқ душмани... Мана, бизнинг якта иштонуну якта чопон билан қолгонимиздан билмайсизму?..

Ростдан ҳам, Симхонинг ҳеч вақоси йўқ эди. Ҳеч вақоси йўқлигиданми, ўзини қушдай эркин ҳис қиларди.

— Халқ душмани бизга ота эмас,— дер эди у.— Бизнинг бобомиз ана бу, отамиз ана бу!..

Шундай деб, будка деворидаги кичкина зарҳал рамкага солинган икки доҳийнинг суратини кўрсатарди, кейин мамнунлик билан:

— Отамиз ҳам асли этикдўзлардан бўлгон, — деб қўшиб қўярди.

Симхо ўлғудай меҳнаткаш эди. Кейин гаплашишни хуш кўрарди. Шу боис, бир ишни эртага қолдирмасди. Мижози билан ўтган-кетгандан гурунг қилиб ўтириб, пойабзалини гурунг асносида ямаб-тузатиб берарди. Сўнгроқ Лутфиддинов Саъдулло, яъники Симхо, Ўртақўрғон шўросига ҳам сайланди. Сал туриб, шаҳардаги барча сартарошу этикдўзларга бошлиқ бўлди. Айтишлари-ча, бошлиқ бўлганида ҳам камтарлигича қолган экан. Ҳафтада бир марта дорилфунунга келиб, ўзининг эски будкасида ўтирган этикдўзни уйига юбориб, бир сиқим михни оғизга солиб, энг қадим ва кўнгилга яқин мижозларининг ишини қиларкан.

Дорилфунун биқинидаги эски будка ҳали-ҳанузгача сақланиб қолган. Биладиган одамлар ҳалигача «Симхонинг катаги» деб аташади. Хиёбон ҳам сақланиб қолган. Лутфиддин зовутчи узоқни кўзлаб, нуқул чинор билан жўга кўчатларини эккан экан. Нақ бир асрдирки, дарахтлар кўкка бўй чўзиб турибди. Бу ёқдаги умрларининг ҳам чеки йўқдай. Жўгалар қийғос гуллаган кезлари хиёбонни болариларнинг овози тутиб кетади. Қолган пайтларда — қарғаларнинг овози. Урушдан сал олдинроқ майналар ҳам кўпайган эди. Симхонинг гувоҳлик беришича, бу шаддот қушларнинг қарғаларни хиёбондан қувиб юборишларига бир баҳя қолган экан. Лекин шаҳар янада кенгайиб, ичкарироқ маҳаллалар орасидаги ўтзор ялангликлар тугаб, қўй-қўзию сигир-бузоқлар камайиб кетгач, емишсиз қолган майналар теваракдаги қишлоқларга тарқалиб кетишибди. Энди ўша ёқдаги сигирларнинг устларига қўниб, ўша ёқдаги ҳашаротларни еб кун кўрармиш.

Дейдиларки, энг гаштли, энг зериктирмайдиган саёҳат не, деб сўрашганида, бир донишманд одам, энг гаштли ва энг зериктирмайдиган сайр — ёшликка сайр, деб жавоб берган экан. Менинг ҳам, сўзамоллик боис, ёшликка қилган сайрим андак чўзилармикан, деган умидим бор. У кунларни ҳикоя қилавериш асло чарчамасам керак... Шундай дейман-у, лекин юрагимда санчиқ сезаман. Хаёл — йилдириш. Йилдиришми, юз йил ортга қайтса ҳам заррача толиқмайди, аммо юрак қўрғуннинг дош бериши қийинроқ. Қариганда одам ғалатироқ бўлиб қоларкан. Ҳуда-беҳудага кўнгилнинг бузилаверади. Бўлмаса, ўша воқеалардан бери неча ўн йиллар ўтиб кетди. Лекин бугун, оғил ёнида бойлоғлиқ турган сигир ёнига майна учиб келса бас, бирдан Симхо эсимга тушади. Сабаби — майналар ҳақида кўп гапиргани учун, унинг лақаби «майнавоз» бўлиб кетган эди. Симхонинг ортидан Левичанинг бульвари, дорилфунун, муаллимлар тайёрлайдиган курс, яхшию ёмон таниш-билишлар... бирин-кетин ёпирилиб келаверади. Хотиралар жуда кўп, барини туширай десам, қоғоз етмайди.

Йил ҳисобини юритиш, барча воқеаларни жадвалга тизиш ҳам шарт эмас. Дарвоқе, уларни тартибга солиш унча оғир кўчмайди, боиси — айна тадорикка қўл уриб, кутубхонадаги қоғозларни титкилаб ўтирганимда, ўша йилларга оид анча-мунча ёзувлар чиқиб қолди. Жўн гаплари хийла мўл. Ҳатто бир-икки кизга кўнгил қўйган, вафодору бевафо атаб дийдиё қилган жойларим ҳам бор экан. Шуларни хотинимга ўқиб бердим, икковлашиб кулишган бўлдик. Аммо кейин сездимки, бекор қилибман. Ўттиз-қирқ йил аввал берган кўнгилларим хотинга унча ўтиришмади. Гўё мен унинг мулкиман-у, кимдир ғаддор бу мулкка кўз олайтиргандай. Тескари қараб, икки-уч кун тўрсайиб юрди. Қилган овқатида ҳам маза-матра йўқ. Кейин, гап нимада эканини англаб, секин қўлидан тутдим-да, хонадаги кўзгу ёнига олиб бордим. Иккимиз ҳам кўзгуга

бемалол сифдик. Хотин мендан бирор ўн ёш кичик, кўриниши ҳам шунга яраша, лекин ўзимизнинг бўларимиз бўлган, манглайдаги ажинлар нақ ариқ бўлиб кетган, бурун сўппайиб чиққан, лунжлар осилган, бўйин қилтириқ тортган... хуллас, кўзгудаги аксимга бармоқ нуқиб, э, хотин, шу одамни ҳам қизганса арзийдими, деб сўрадим. Хотин гапимни тушунди, секин кулди, кейин эркаланиб айтди:

— Ҳар кимники ўзига, Саидкул ака. Сизга ёқмаса, мана, менга ёқади...

— Шу туришда-я? Абдулла билан Эркиннинг китобидай титилиб кетибди-ку?!

— Титилса, муқоваси титилибди, ичидаги сақланиб қолгандир?..

Хуллас, хотини тушмагур лутф қилди. Умримда мақтов эшитиб, бунчалар маза қилмагандирман. Доимо хижолат чекиб турганман. Кейин кўнглимда шубҳа бўлган — ишонмаганман. Лекин бу гал паққос ишондим. Ҳар ҳолда, бу мақтов хос мақтов эди, бунда ғараз йўқ, бир-биримизга маҳраммиз, таъмаю домангирлик бўлиши мумкин эмас. Шундай экан, ишонмай иложим қанча. Уйлаб туриб фикр қилдимки, э, Саидкул, тан кексайгани билан жон кексаймас экан-да.

Кундаликдаги одамни уялтирадиган нарсалар биргина ишқномалар эмас. Бошқа гаплар ҳам кўп. Уқиб туриб, имоним бут бўлганига амин бўламан-у, лекин фикр тарзим жуда жўн, жуда тўпори бўлганига ғашим келади. Боиси саводнинг раволиги ёки норавонлигида ҳам эмас, балки — умумий руҳда, ўша кезларда ўзимнинг ҳақлигимга рўйи рост ишонганимда. Гўё менинг фикрим — фикр, бошқалар шунчаки лайлак ҳайдаб юрибди.

Сағир болада ҳам шунақа беписандлик бўларкан-да!

Уқиб кўриб англадимки, кундаликларим бир пулга арзимас экан. Фақат айрим тафсилотларигина қадрли. Улар ҳам мен ёзганим учун эмас, балки ўшал дамларни жўнроқ бўлса-да акс эттиргани учун қадрли. Дейлик, эллигинчи саҳифада (рақамлаб борганимни қаранг!) арзимас бир битик учради: «Кечкурун совуқ емадим, пальто дегани иссиқ бўларкан». Бир қарашда бемаъни гапдай, яъники, пальтонинг пиджакдан иссиқроқ экани исбот талаб қилмайди. Лекин айна бемаъни жумла туфайли, мен бундан бирор қирқ йил олдинги қаҳратон қиш кечасини аниқ-таниқ эсладим. Пальто иссиқ бўлишини илк бор ўшанда кашф этганман, ўшангача эскироқ чопону эски гуппида юрганман. Пальтони шунчалар улуғлашимга, умуман, беўлчов шодлигимга яна бир сабаб шуки, бу ажойиб кийим илк китобимга теккан қалам ҳақиға харид қилинган эди. Илк китобим эса, Назар Яхшибоевнинг далдасию ундови билан ёзилган эди.

Баҳонаю сабаб ришталарининг қанчалар чуваланиб бораётганини сезаётган чиқарсиз?..

Ўшанда шунчалар хурсанд эдимки, кечаси уйқуга ётганимда ҳам пальтони ечгим келмасди. Хотирани яна кавлайдиган бўлсак, эртаси куни, янги харидимни эгнимга илиб, энди бу ёғи ҳам ялтираса чаккимас, деб, Симхонинг ёнига этик мойлатгани борганимни эслайман. У ерда Яхшибоевга дуч келдим. Яхшибоев мени кўрибди: «Пўрим бўп кетибсиз-ку, Саидкул, буюрсин, буюрсин!..» деб ҳазиллашган эди.

Кундаликлар орасидан беш-олтита сурат ҳам чиқди. Бирида — Симхо билан ўзим. Яна бирида — ўзим, Яхшибоев ва яна иккита бўлажак адиб. Уларнинг биттаси ҳали тирик. Шу сабаб, исмини атаб бўлмайди. Хомроқ бир асарини шўрим қуриб танқид қилганману андак аразлашиб қолганмиз. Учинчи суратда — яна ўзим, яна ўша исмини атамаган ўртоғим, чеккароқда, ўнг тарафда, Ошно ҳам мулойим илжайиб турибди. Биринчи Май сайлига чиқиб, минбарлар ёнидан ўтиб, сўнг Ўртақўрғоннинг эскироқ бир даҳасидаги пивоҳонага ўтган эдик. Озгинадан пиво ичганмиз. Йўқ, Ошно ўшанда ҳам ичмаган, шу боисдан ҳам, биз суратда андак сўлғинмиз, Ошно эса — дуркун, гўё бизга раҳми келгандай, бизнинг енгилтаклигимизни ўйлаб куюнгандай, аввал куюниб, баъдаз гуноҳимиздан ўтгандай... мулойим жилмайиб турибди. Ҳалиги ўртоғимизнинг исмини атамаслигимга яна бир сабаб шуки, у кейинчалик суратнинг ўзида сақланиб қолган яна бир нусхасини кўтариб, Ошнонинг қабулига чиққан экан. Ошно мени танигани-танимагани номаълум, лекин ўзини суратда танибди, ўртоғимизни ҳам танибди, сўнг унга далда бериб:

«Биз сизнинг авлодингизни эсдан чиқармаймиз, яхши биламиз; Фалончижон, — деб айтибди. — Сўраб келганингиз учун раҳмат. Хўш, биздан нима хизмат, буюринг...»

Дўстимиз ўзини тутиб туролмабди, ўпкаси тўлиб, йиғлаб юборибди:

«Хизмат йўқ, ота! — дебди кўзёшларини артиб. — Ёшлигимни соғиниб келдим, айбга санамайсиз... Энди бу ёғига ҳам фидокорона хизмат қилишга тайёрман».

«Сизга ишонамиз, Фалончижон, — дебди Ошно, сўнг дўстимизга графиндан бир стакан қайнатиб-совутилган сув қуйиб узатибди. — Айтинг, бола-чақа борми, уй-жойдан қийналмаяпсизми?»

«Бола-чақа бор, — дебди дўстимиз. — Уй-жой ҳам бор, лекин дала ҳовлимиз йўқ...»

Ошно ёрдамчисини чақириб айтибди:

«Фалончижонга фалон жойдан чорбоғ берилсин, — сўнг яна дўстимизга юзланибди. — Китоблар чиқиб турибдими?»

«Чиқиб турибди, — дея шодон хитоб қилибди дўстимиз, сўнг уйда дастхат битиб келган икки-учта семиз китобини инъом қилибди. — Чиқиб турибди-ю, лекин «Сайланма»миз кечикиб кетди, режада — икки жилд, лекин бори беш жилдга бемалол етади».

Ошно тағин ёрдамчисини чақириб, тағин айтибди:

«Фалончижоннинг олти жилдлик асарлари чоп этилсин! — шундай деб, яна дўстимизга қарабди: — Машина борми, Фалончижон? Хўп, Фалончижонга «Волга» берилсин, шаҳар советига телефон қилинг, кўп чўзишмасин! Яна нима хизматлар бор, Фалончижон?»

Дўстимиз ҳарчанд ўйлабди ҳамки, миясига бирор тузукрок илтимос келмабди, ноилож, Ошнони олқабди:

«Тағин кўришгунча хайр. Мартабаю унвонингиз янада юксакроқ бўлсин!..»

Ошно дўстимизнинг гапларини тузукроқ англамабди чоғи, яна ваъда берибди:

«Майли, унвонни ҳам маслаҳатлашиб кўрармиз».

Дўстимиз Ошнонинг ёнидан хурсанд бўлиб чиқибди. Чиқибдию ҳафта ўтиб, унвонни ҳам олибди.

Албатта, бу гапларга андак латифа аралашган. Лекин латифа оҳангини олиб ташласа ҳам, ташламаса ҳам бирдай — воқеа шу тарзда кечгани аниқ. Хуллас, кундалигим орасидан чиққан сурат ўз вазифасини аллақачон ўтаб улгурган. Энди уни йиртиб ташласа ҳам бўлаверади.

Йўқ, мен яна чалғиб кетдим. Чарчоқ мияга уряпти чоғи, ўйларим ҳам бадбинлашиб боряпти. Бошдан холис бўлишга аҳд қилдимми, энди собит туришим керак. Токи ўртага ёлғон қўшилмасин. Хотираларга бугунги ўйларим ҳам аралашмоғи табиий, лекин бугунги кундаги тажриба ва билимларим билан ўтмишда қолган воқеаларни, одамларни, айниқса ўзимнинг ёшлигимни бўяб-бежаб кўрсатмоқ ярашмайди. Шундай хавф бордай. Бордирки, жўнроқ тафсилга юрагим бетламаяпти, нуқул аравани қуруқ олиб қочяпман.

Сезган бўлсангиз, Ўртақўрғон тасвиридан Левича билан Симхога ўтиб кетдим, кейин навбат қарғаларга, майналарга етди, орада бир-икки оғиз Яхшибоев билан Ошнони эслагандай бўлдим у тағин бир сакраб, бугунги кунга қайтиб келдим. Лекин бугунги кунда туриб баён этсам, воқеаларнинг қизиғи қолмайди, шунчаки бир шарҳ ўқийсиз, холос. Мен эса, асло шарҳ ёзмақчи эмасман, балки ўзим билган, қисман қатнашган воқеаларимни қайта бошдан кечирмоқчиман. Иштирокчининг холис бўлиши қийинлигини энди сезяпман...

Учинчи манзара

Ўртақўрғонга келиб, таниш-билишсиз, тайинли бошпанасиз, сарсонун саргардон бўлиб, ахийри эски мачит ёнидаги карвонсаройда кўним топдилар. Кундузи шаҳар кезиб, кечқурунлари қайтиб келишарди. Карвонсаройда кўрпатушак йўқ ҳисоб-у, бит билан мағазак мўл эди. Дўстлар ҳар тун баданларини қонагунча қашлаб чиқар эдилар.

Ун кун ўтди ҳамки, тайинли бир қарорга келишолмади. Ўқийдиган жой

кўп экан, қай бирини танлашни билмай бошлари қотарди. Ошно бечора бит зулмидан безор бўлди чоғи, ўн биринчи кун деганда, юр, Назар, қишлоққа кетамиз, пешонага ёзилгани бўлар, бари бир очдан ўлмаймиз, янги замон — ҳур замон, қайтага, бу замонда чўпон билан бўёқчининг иши тинчроқ, деб, ота касбларини ташвиқот этишга тушди. Лекин Яхшибоев кўнмади, Ошнонинг бўшанглигидан кулди. Э, ошнажон, деб айтди, бит бўлса, бир кун тўкилиб битади, лекин ўқиганимиз қолади-ку?

Карвонсарой эгаси кўзларига бинойидай кўришиб, ўшанга маслаҳат солишди. У икки дўстинг шикоятини жон қулоғи билан эшитди, ёрдам бераман, оғайниларим кўп, дея ваъда қилди, кейин қўлларига курак тутқазиб, сайисхонага бошлаб кирди: аввал бизга озроқ ёллашиб юборасизлар. Икки оғайни уч-тўрт кун карвонсаройдаги оту эшакларнинг тезагини курашди. Кейин яна саройбонга рўбарў бўлдилар. Саройбон уларнинг истакларини яна бир бошдан эшитди, бош қашлаб ўйланди, кейин ўқиб нима қиласанлар, яхшиси новвойга шогирд тушинглар, ўзим гаплашиб бераман, нону кулча бепул бўлади, фақат кийим-бош ўзларингдан, деб маслаҳат берди. Ошно новвой бўлишга кўнди, лекин Яхшибоев унамади. Саройбонни бўралаб сўқди, кейин, лаш-лушларини йиғиб, Ошнони ортидан судраб, бошқа карвонсаройга жўнади. Бу ерда ҳам биту магазак мўл экан, лекин саройбони сал одамшавандароқ чиқди. Йигитларнинг ниятини эшитиб, нима, менинг сенларга атаган мадрасам борми, деб гапни қисқа қилди, пулларинг етганча ётиб юринглар, ўқийсанми, бошқа қиласанми, менга дахли йўқ.

Уйини соғинди чоғи, ўша тун Ошно йиғлаб чиқди. Кетайлик, Назар, деб ялинди, кетайлик, жўра, хўп деяқол, эртагаёқ вокзалга борамизу Жонузоқ тоғани топамиз, қишлоққача элтиб қўяди. Тоғанга онангни берасанми, деб жеркиди Яхшибоев, шусиз ҳам кира ҳақини нася қилиб қочдик. Хуллас, Яхшибоев дўстини қўлидан келгунча юпатди, лекин у юпанавермагач, жаҳли чиқиб, бир-икки шапалоқ урди. Ошно жимиб қолди.

Эрталаб яна шаҳар кеза бошладилар. Шу кунгача улар Ўртақўрғоннинг эски маҳаллаларидан нарига ўтмаган эдилар, бу гал узоқроқ юриб, бутунлай бошқа жойлардан — икки-уч қаватли улуғвор бинолар олдидан чиқиб қолдилар. Бинолар олдидаги хиёбонлар улар умрида кўрмаган баҳайбат чинорлару жўкалар шовиллаб турарди. Икковининг ҳам оғзи ланг очилиб қолди. Қўрқапаса, серҳашам бинога яқинроқ бориб, баҳайбат эшиклардан кириб-чиқаётган одамларга ҳавасу ҳайрат аралаш боқиб туришди. Кейин, кириб-чиқаётганлар орасида чориғу чопон кийганлар ҳам борлигини кўриб, сал дадиллашиб, эшикларга янада яқинроқ боришди. Қарашса, деворга бу ернинг дорилфунун экани ёзиб қўйилган экан. Яхшибоев Ошнони ичкарига тортди.

Уч-тўрт кун ўтиб, улар имтиҳон топширдилар. Аввал Яхшибоев ичкари кирди. Имтиҳон қилувчи муаллимлар: «Қофия нима?» деб сўрашди. Яхшибоев ўзи билганича жавоб берди, яъни Булдуруқда эшитиб юрган «қофия»ларини қалаштириб ташлади:

Қофияннга қоплаб урай,
Тандирингга тоблаб урай.
Чақ, дедим, чақмоқ, дедим...

Турган гапки, соддалик қилиб, у ёғини ҳам айтди, кейин муаллимларнинг юзига дадил боқиб, уятли терманинг мудом такрорланувчи қаторини айтди: «Бунисига нима берасан!..» Ешроқ бир муаллим тушунмади. У Булдуруқдаги «қофия»лардан хабарсизроқ эди, шу боис, ғазабни кўзиб, одобсиз йигитчани ҳайдаб чиқаришга чоғланиб турган ҳам эдики, ёнида ўтирган мўйсафид Яхшибоевнинг кимлигига қизиқиб қолди:

- Қаердансиз, мулла йигит?
- Булдуруқдан, — деди Яхшибоев.
- Мижозингиз иссиқдай-ку, — деб кулди мўйсафид.
- Бори шу, — деди Яхшибоев қовоғини солиб. — Булдуруқдан кўчиб кетолмаймиз, учиринг қилаверманг.

Мўйсафид тагин илжайди, бир зум ўйланиб турди, кейин, Яхшибоевни имтиҳон қилган ёш муаллимга юзланди:

- Нима қиламиз, Солижон ўғлим?

— Бўладиган суроби йўқ экан, устод.
— Бўлмайди, деб айтиш жуда осон. Укамизнинг савияси ин қадар. Энди, мана шунақа укаларнинг савиясини сал-пал юксалтирмасак, сизу биз нега нон еб юрибмиз? Бу йигитга «уч» қўясиз, ўғлим.

— Бўлмайди, устод. Бу киши одобсиз экан.

— Бир гал гуноҳидан ўтинг, Солижон ўғлим. Майли, шу гал марҳамат қилинг, Булдуруқдан ҳам битта чиқсин!..

Яхшибоев уларнинг гапини унчалик тушунмади. Лекин яхшиликка эканини сезди.

— Нима чиқади, домулло? — деб сўради. — Муаллим бўламизми?

Ёшроқ муаллим, мана, кўрдингизми бу галварсни, дегандай, устозига зимдан бир қараб қўйди. Лекин мўйсафид аччиғланмади, тагин мулойим жилмайди:

— Сиздан ким чиқиши ўзингизга боғлиқ, мулла йигит. Ажабмаски, зўр одам бўлиб кетсангиз.

— Мен бир ўзим бўлмайман, домулло! — деди Яхшибоев, томдан тараша тушгандай.

— Бу гапингиз тузук, ука, — деди ёш муаллим ҳам юмшаб. — Халқ билан бирга бўлмоқчи эканингиз таҳсинга сазовор. Бу ёғига ҳам шундай некбин бўлинг. Майли, сизга қарз тариқасида «уч» қўямиз энди.

— Ошнамга-чи? — деб сўради Яхшибоев.

Муаллимлар ҳангу манг бўлиб қолдилар. Лекин Яхшибоев уларни ортиқча қийнаб ўтирмади, шарт югуриб чиқиб, имтиҳон навбатини кутиб ўтирган Ошнони етаклаб келди.

— Буям Булдуруқдан, — деди. — Чиқадиган бўлса, мана, иккита чиқсин! Муаллимларнинг ёшроғи тагин қизариб-бўзарди, лекин мўйсафиди бу гал ҳам кенглик қилди:

— Офарин! — дея хитоб этди у. — Ростдан ҳам олижаноб йигит экансиз, ука! Соддаликка келсак, буям фазилат, майли, бировлар кулса кулар, лекин сиз асло куюнманг!..

Яхшибоев ҳеч балони тушунмади. Эшитган сўзлари унинг луғатида йўқ эди. Билган ҳикмати шу эдики, қишлоқда Ҳотам Шўро тайинлаган гап: «Бир-бирингдан ажралмайсан, биринг не бўлсанг, унинг ҳам шу... Аҳил-иноқ бўлиб юрмасанг, икковингнинг ҳам энангни кўрсатаман!..»

Мўйсафид муаллимнинг кўзи ўнг эди-ю, лекин ёши сал тихирлик қилиб олди. Ошнони ўтирғизиб, икки-уч савол берди. Ошно ҳам унчалик ёлчитмади. Лекин у «Гул ва Наврўз» достонини биларкан. Шундан бирор йигирма байтини баралла айтди. Ёш муаллим ййди, кейин Яхшибоевга зарда билан қаради-да, Ошнонинг қоғозига «ўрт» қўйиб юборди.

Имтиҳондан хурсанд бўлиб чиқиб, тўғри карвонсаройга боришди. У ерда халфана ош тайёр экан. Ошно пулга пишиқроқ эди, лекин хурсандчилик шарофатидан, липпасига туккан дунёсидан озгина чиқариб берди, Яхшибоев камини тўлдирди, хуллас, одамга ўхшаб, шаҳарга келганларидан бери биринчи бор ош еб, оғизлари ёғланиб, қўлга юққанини этикларининг қўнжларига суриб, дастурхондан турдилар. Кейин, чарчоқ билиниб, уйқу хумор қилиб, ҳавоси оғирроқ хужрада, мусофирлар узунасига қалашиб ётган жойга келиб, бир бурчакка чўзилдилар. Яхшибоев тезда ухлаб қолди. Ошнонинг уйқуси қочди. Жимгина ўйланиб ётаверди. Ахийри, кўнгли тўлиқди, хуррак отаётган дўстини туртиб ўйғотди. Яхшибоев бўралаб сўкинди, лекин кўзини очди.

— Назар, — деди Ошно овози титраб. — Киройи жўра бўлса сендай бўлади, сен бўлмасанг, мени йўлда бўри еб кетарди!

— Емабди-ку, юрибсан-ку!.. — деб тўнғиллади Яхшибоев. — Ёт энди, уйқуни ҳаром қилма.

— Ҳаммаси — сен туфайли, — деди Ошно. Кўзларида нам кўринди. — Назар, мен муни унутмайман, жўра.

— Қўй шу гапингни... Ҳадеб айтаверасанми? — деди Яхшибоев ғаши келиб. — Урай десам, қишлоқдошлигинг бор.

— Мени урма, жўра. Биласан-ку, сенга ёмонлик тиламайман.

— Овора бўлмай қўяқол, — деди Яхшибоев беписанд кулиб. — Ёмонлик тилаганингда қўлингдан нима келарди!

— Йўқ, келади, — деди Ошно. — Сен билмайсан, одамзоднинг қўлидан ҳар бало келади. Лекин мен сенга ёмонлик тиламайман. Бундан бу ёғгаям... ҳеч ёмонлик қилмайман. Айт, қасам ичайми, айт?..

Яхшибоев чордана қуриб ўтирди. Ошнонинг феълига ғаши келди, мазахомуз илжайиб сўзлади:

— Майли, қани, бир онт ич, кўрайлик!..

Ошно онт ичди. Отасини, онасини, уйда қолган учта укасию иккита синглисини ўртага қўйиб онт ичди. Қиёматли ошно бўламан, ўз дардимни қўйиб, сенинг дардингни оламан, деб онт ичди. Яхшибоев яна бир зум қараб турди, сўнг бирдан феъли айниди:

— Эзмаланма, ёт энди! — деб жеркиди. — Лекин эслаб қўй, онт ичган — сен, мен сенга қасам бермадим!..

Ошно индамади. Унга Яхшибоевнинг ҳам онт ичиши шарт эмасдай туюлди. Шунча оқибат кўрсатган одам, энди бу ёғига панд берармиди, деб ўйлади. Аммо Яхшибоевнинг дилида ўзга ўй эди. Бу бир лапашанг бўлса, деб хаёл қиларди у, оғзига кесак қаласанг — увоғи турмайди, майли, бу гал бир амаллаб ўтиб кетдик, анави домулло ёрдам қилди, лекин эртага нима бўлади, индинга-чи? Бу бир юрган дардисар-ку? Товонига қолмасам бўлгани эди. Э, шуни менга етовга берган Хотам Шўрониям!..

Яхшибоев кўрсроқ бир гап айтмоқчи бўлиб, Ошнога қаради. Лекин у энди уйқуга кетган, масъум гўдаклардай илжайиб, ширин тушлар кўриб ётарди.

III БОБ

Бемор

Кеча бадантарбиячи аёл келган эди. Тим кўк шимда, оппоқ майкада, кўп ёқимтой, кўп хушбичим, келиб, қўлтиғидаги бўйрага ўхшаган алламбало гиламчасини ёзиб, думалаб, ўмбалоқ ошиб, ўтириб, туриб, белларини айлантириб, думбаларини диркиллашиб... машқ кўрсатди. Кейин айтдики, ўртоқ Яхшибоев, энди сиз ҳам туринг. Унинг қоматига қараб, Яхшибоевнинг ҳам ёшлик ғайрати андак жўшган, туришга иштиёқи уйғонган эди, лекин сал ноз қилди, инқиллаброқ жойидан кўзғалди. Энди манави наматчага ётинг, деб буурди аёл. Яхшибоев наматчага чўзилди. Кейин машқ бошланди. Оёқларини бешолти марта тиззадан буккан бўлиб, сўнг ялинди: қўйинг, қизим, кекса одамни овора қилманг, шармандаликнинг ўзи бу. Бадантарбиячи аёл кўнмади: бас, ўртоқ Яхшибоев, ўн кун шалпайиб ётганингиз етар, энди туриб машқ қиладиган бўласиз, ўшанда ҳар қандай касаллик ҳам минг чақирим нарига қочади. Э, йўқ, деди Яхшибоев, мен касал эмасман, шунчаки... ремонт... Соғ одамга машқ янада фойдалироқ, деди аёл.

Хуллас, умрида қилмаган ишини қилиб, бадантарбиячи раҳбарлигида, белларини қимирлатиб, тиззаларини букиб, ўтириб, туриб, бирор ўн дақиқа машқ бажарди. Аёл меҳрибонгина экан. Ҳаммомсочиқни олиб, Яхшибоевнинг терларини артди, сўнг ўрнига яхшилаб ётқизиб қўйди. Эртага яна келаман, дея ваъда берди.

У кетгач, Яхшибоев ўзича, не балоларга қолдим, деб хаёл сурмоқчи, кулмоқчи бўлди. Лекин машқ асносида ҳолдан тойган экан, куларга ҳоли келмади. Шу ётганича ухлаб қолди. Эмлашга келган ҳамширага ҳам эътибор бермади, секин юзтубан ағдарилиб, қўлини чўздию иштонини сал пастга сурди. Чим этган оғриқни сезар-сезмас, яна ухлаб қолди. Тушга яқин тиниқиб уйғонди. Шунда ҳам жойидан туришга эринди. Ширин-ширин ҳомуза тортди. Э, мана, ҳақиқат қайда, деб ўйлади, энди машқ қиларканмиз, турган-битгани роҳат!..

Эрталабки машқ сабаб, кечаги куннинг ўтгани ҳам сезилмади. Уни бардам кўрган оқсоч профессор ҳам ажабланган бўлди: яхшиликка, ўртоқ Яхшибоев, билсам, сал олдинроқ юборардим!.. Яхшибоев шаъмани тушунди, лекин тушунмаганга олди. Шу, профессор, деди, қолган умримизни роҳат-фароғатда ўтказмоқчимиз, тарбия қиладиган бадан бўлмасаям, бадантарбия фойдали бўларкан.

Тунда ҳам яхши ухлади. Босириқсиз, таҳликаю қайғудан холи, нуқул

ёшлигини туш кўриб чиқди. Гўё оқ бедов миниб, қайгадир узоқ сафарга чиққан эмишу ортидан Ошно эргашиб, мениям олиб кет, жўра, деб ялинаётган эмиш... Одатда у кўрган тушларини ўша заҳотиёқ унутиб юборади, лекин буниси уйғонган чоғида ҳам аниқ-таниқ эсида турарди. Оқ отни некликка йўйиб, Ошнони эслаб, кўнгли фахрга тўлди. Рост-да, деб ўйлади, ўша оқ тулпор минган ўғлон бўлмаса, Ошно қайга ҳам борарди!..

Атай совуқ сувда ювинди, соқолини қиртишлаб, яна совуқ сувга юзини чайди. Дадил тортди. Кеча шогирдлари келтирган тайёр қўлёмаларга кўз югуртирди, ўзига ёқмаган жойларга савол аломатлари қўйди, сўнг биринчи бетига муҳаррирнинг номини битиб: «Ҳали хомроқ; билимдон укаларимиз яна бир марта жиддийроқ қараб чиқишса...» деб ёзди, имзо чекди.

Эшик очилиб, остонада ҳамшира кўринди:

— Нонуштага юринг, домлажон.

Яхшибоев пўримгина кийиниб, юзига инглизча атирдан озгина пуркаб, палатадан чиқди. Ошхона йўлакнинг чап учида эди. Тамадди қилаётган бир-икки таниш бемор уни кўриб, беитиёр ўринларидан туришди. Салом беришди.

— Баҳузур, баҳузур, — дея миннатдорчилик билдирди Яхшибоев. — Ош бўлсин...

Таклифу мулозаматларни сезмаган бўлиб, атай нотаниш бир кампирнинг столига бориб ўтирди. Ҳарна, бунда гап-сўз камроқ бўлади, чалғимайди, кўнгли ўзи тиниқиб турибди, ажабмаски, хонага қайтиб, бирор тузукроқ нарса ёзса...

Дастурхонга тортилган неъматлар сархил — бири биридан тотлироқ эди. Аммо Яхшибоев нафсини тийди; одам деган сал очроқ юргани маъқул, ўшанда иш унади. Қаршисида ўтириб майда кавшанаётган кампирга зўр иштаҳа тилаб, палатага қайтди. Стол ёнига ўтиб, қўлига қалам олди. Бир-икки жумла тизди-ю, ўзига ёқмади. Кеча кўргани келган бир муҳаррир газетасига мақола заказ қилган эди. Лекин мақола дегани бир кунлик нарса, тезда унут бўлади. Мақола ёзиш шарт эмас, балки, ўзлари ёзиб, кейин имзога келтиришар?.. Шуниси аниқроқ. Қолаверса, муҳаррир ҳам, ўзингиз ёзиб беринг, деб айтгани йўқ, бизгаям қатнашсангиз, оқсоқол, деди, битта зўр мақола уюштирсак... Демак, уюштирилади. Жон куйдириб ўтиришга арзимайди. Дарров унут бўлмайдиған нарсаларга қўл уриш керак. Дейлик, хотиралар. Хотира деганлари аслида ғийбатнинг бир тури, кимса йўқки, бировларнинг икир-чикирларига қизиқмаса. Ёзсам нима қипти, деб ўйлади Яхшибоев, ахир, кўпни кўрганман, не-не одамларнинг суҳбатларида бўлганман, не-не зотларни сўнги йўлга узатиб қўйганман, кўпларининг қабрлари устида сўз айтганман, шулардан бирин олсам-чи? Дейлик, дўстим Шарифни, гўринг нурга тўлгур Шарифни? Йўқ, уни ёзиш қийинроқ. Кейин унинг қабри устида гапирганимни эслолмайман. Ҳа, тўғри, у пайтда мен узоқда эдим, Булдуруқда, колхознинг боғида, тузукроқ мондимаган дарахтлар тағида, сўрида, девзира ош устида. Қолаверса, гўринг нурга тўлгур Шарифдан тузукроқ латифа қолгани ҳам йўқ. Биттаси борки, урушдан сал аввал Германия ҳақида мақола ёзган, дарвоқе, унда Германия эмасди, Олмония эди, хуллас, дўстимиз мақолани ёзган, мақола газетда сонма-сон чиқа бошлаган, лекин шу орада ўртоқ Молотов билан авани аблаҳ Риббентроп деганлари учрашгану гўринг нурга тўлгур Шариф газет муҳарририга телефон қилган: шу мақолани тўхтатиб турсак тузук. Нега, деб ажабланган бечора муҳаррир, чиқаверсин-да! Йўқ, деган гўринг нурга тўлгур дўстимиз Шариф, сал тўхтатиб турайлик, айна пайтда чиқса, икки давлатнинг ўзаро муносабатларига салбий таъсир қилиши мумкин...

Ўша муҳаррир бечора (энди қайтиш қилиб кетди) шу гапни айтиб, думалаб-думалаб куларди. Ростдан ҳам, латифа анча тузукдай, лекин, минг афсуски, у бор-йўғи газетчиларни кулдиришга ярайди, холос. Қайтага, марҳумнинг ўлимидан бир ҳафта бурун эмлагани келган ҳамшира қизга тегажоқлик қилганини ёзган дурустроқ. Ҳарна, недир ҳақиқат бор бунда. Лоақал, гўринг нурга тўлгур дўстимиз Шарифнинг табиатини ифода эта олади. Асли шунини батафсилроқ ёзса зўр чиқарди, лекин айна орзу жуда бемаъни, бари бир босиб чиқаришмайди, негаки, хотира деганлари муқаддас нарса, ҳар ҳолда, шундай бир ақида бордай, умуман, гўринг нурга тўлгур дўстимиз Шариф унчалик ҳам ёмон йигит эмасди, қўрқоқлиги бор эдики, ботирлик билан аралаш; олим

эдики, нукул аёллардан шогирд танларди, боши очикларини бирдан ишга оларди, боши боғлиқларини сал ўйлаб, мулоҳаза қилиб, аввал эрини кўриб, эрнинг кучини ёки мавқеини чўтлаб-чамалаб... Чўту чаманда янглишмасди ҳисоб. Йўғ-э, бир гал янглишган. Дарвоқе, гўринг нурга тўлгур Шарифдан қолган ягона латифа аслида шу, боягиси ҳисобмас, лекин, боз минг афсуски, бунисини ҳам ёзиб бўлмайти. Айтишларича, ўшанда шогирд хотиннинг эри тўполон қилибди, азалдан ажрашгиси бор экан чоғи, хотинни судга берибди, айблабдики, бу хотинмас, бориб турган манжалақи, бошқа одам қуригандай... устози билан дон олишади! Ушанда жанжал судга оширилди-ю, тузукроқ ажримсиз қолиб кетди, дўстимиз Шариф чаққонлик қилди, дўхтирларга кўриниб, «...ушбуни кўрсатувчи шахсининг аёлларга тоби йўқ», деган мазмунда қоғоз келтирди. Сўнг бирор ой касалхонага ётиб олди, кўргали борсак ҳам жойидан турмасди, нукул беҳоллиқдан шикоят қиларди. Хайриятки, жанжал тез орада босди-босди бўлиб кетди. Шариф касалхонадан чиқди, тузалдим, дея дўстларга хабар етказди, лекин ўшандан сўнг, то ўлимига қадар, «ётса турмас» деган лақабдан қутулолмади.

Яхшибоев толиқди. Бугун ёзолмаслигини ҳам сизди. Бир хаёли телефонни тиззага олиш бўлди, лекин қўнғироқ қиладиган жой ҳам йўқ ҳисоби. Тўғри, бирортасига сим қоқса бўлади, чўчитса бўлади, лекин тинчгина ишлаб юрган бандаларнинг оромини бузиб нима қилади? Бари бир латифа чиқмайди. Ўтган кунги латифадан ўтказиброқ яна бирор нарса тўқиши даргумон. Аммо ўша латифа ёмон чиқмади. Чошгоҳ пайти эди, шарт трубкани кўтардию айтди: «Болам, анави Чоршанби деганинг бўлмағур бола экан!» «Қайси Чоршанби?» — деб сўради трубка. «Анави, очерка бўлимингда ишлайдиган бола-да...» «Э, Соибжон демайсизми, устоз?» «Бари бир эмасми!» «шундай-ку-я, лекин у Чоршанби эмас-да... нега бунчалар қаҳрингиз келди, устоз?» «Бўлмағур бола экан, менинг мақоламни ёмон ёзибди...» Трубка жим бўлиб қолди. Яхшибоев сиздики, муҳаррир уни кафт билан тўсди. Зум ўтиб, кафт кўтарилди, сунъийроқ йўтал овози эшитилди: «Узр, устоз, сал шамоллаб қолибман...» «Тезроқ тузалиб кет, болам». Яна йўтал овози эшитилди. Яхшибоев мамнун бўлди: «Майли, болам, сув-пув ичиб, кейин қўнғироқ қиларсан, лекин ўзингни эҳтиёт қил!..»

Шу, холос. Айни чоғда давраларда латифа кезиб юргани аниқ: «Ҳа, нима? Соибжон ёмон! Нега ёмон? Яхшибоевнинг мақоласини ёмон ёзибди!» Аслини олганда, ўша йигит унчалик ёмонмас, саводлигина, одоби жойида, мақоласи ҳам тузук, лекин латифага зориқиб турганиндан кейин... қийин-да! Латифа ким яхшию ким ёмон деб танлаб ўтирадимиз! Лекин Соибжон ростдан ҳам одобли йигит. Одоблики, ўзи ёзган мақоланинг ҳақини ҳам менинг номимга жўнатади. Латифа унга озгина шуҳрат келтириши тайин, лекин бу болалар сал инжиқроқ, ҳазилнинг қадрига етмайди, тушунмайдики, мен ўлсам, номим қолса, тўқиган латифам қолса, табиийки, ўша латифага қўшилиб, унинг ҳам номи қолади. Шу маънода Чоршанби тузук, Чоршанби жуда пухта. У ўзидан латифа қолмаслигини яхши билади, шу боис, сарқит латифаларга қўшилишдан ҳазар қилмайди. Булар эса, ўлгудай димоғдор, бошлари булут ортида, кўзларини туман босганки, танасининг пастки қисми яланғоч эканини пайқамайди ҳам, яъники, иштонсиз... Сенга ким Яхшибоевнинг номидан мақола ёзгин, деб айтиб эди, чида энди! Ҳа, муҳарриринг буюрдими, муҳаррирингдан қўрқдингми? Ҳолинг шу экан, зардага не ҳожат? Ахир, муҳаррир ҳам одам, сен ундан чўчигандай, у бечора ҳам бировлардан, дейлик, Яхшибоевдан чўчийди, унияш тушуниш керак. Хўш, ишни қилган карнайчи-ю, бу ёқда сурнайчи Яхшибоев балога қолсинми? Лоақал кулишга рухсат беринглар энди!.. Фақир Яхшибоев ҳам бир яйрасин! Ахир, сенлар учун и д е я муҳим эмасми? Ўша идеяни Яхшибоевнинг номидан сотганиндан кейин, энди, номи бозорга чиққан банданинг ҳам нозу фироғига чидаш керак-да. Қараб туринглар, ҳали фақир Яхшибоев латифанинг зўрларини тўқийди. Ҳар латифаларки, Искандару Доролар... чангаллаб қолади!

Яхшибоевнинг кайфияти анча ўнгланди, кўнгли озгина сайр тўсади. Эгнига касалхонанинг янги момиқ халатини илиб (бу азиз масканда оҳорсиз кийим ўзи бўлмасди), аждар шакли туширилган ҳассасини олиб, олган баробарида, ҳассани совға қилган Равилбой деган шогирдини эслаб («асло бунга

кунингиз қолмасин, устоз, лекин ҳашамга олиб юрсангиз тузук...»), хонадан чиқиб, лифтга миниб, ахийри кенг ҳовлига қадам қўйди.

Ҳаво очиқ эди. Даражаси ҳам дурустгина, дарахтларнинг барглари бут, йўлаклар супуриб-сидирилган, сув сепилган... Бино олдидаги чоғроқ гулзор атрофига қўйилган харрақларда уч-тўрт бемор танларини офтобга тоблаб ўтирибди. Бири ўрнидан туриб, таъзим қилди. Яхшибоев уни дарров таниди — номи тушган фельетонни ушлаб қолувди. Уша фельетон чиқса борми, бу бечора анча йироқ жойларга кетарди. Мана, яқинда юрибди, таъзим қиляпти. Сал-пал ўсган кўринади. Ҳар ҳолда, аввалги чоғи билан касал бўлса, бу масканга тушолмаслиги аниқ эди.

Яхшибоевнинг кўнгли ғаш бўлди. Касалхонада танишлар бўлмагани маъқул, соғлиқдан шикоят қилавериб, нақ жонингни олади.

Рўпарада бир қучоқ гул кўтариб келаётган ҳамшира қиз унга битта атиргул узатди:

— Тезроқ соғайиб кетинг, домлажон!

— Раҳмат, қизим.

Чўчиб турди, ҳозир бирор китобдан гурунг бошлайди, деб ўйлади, йўқ, хайрият, ҳамшира тезда нари кетди, у Яхшибоевни танимас эди, гулни ҳам шунчаки б е м о р г а узатган эди. Балли, отасига раҳмат, умуман, шу масканни ўйлаб топган одамларга минг бора қуллуқ, ходимлари дардинга қулоқ тутишади, лаззатли таомлар беришади, ҳаттоки, бутунлай нотаниш бўй қизлар қўлларингга атиргул тутқазиб қўйишади. Яхши-да, ўртоқ Яхшибоев!..

Олмазорга етганида кимдир ортидан қувиб етди. Оҳиста қайрилиб, таъқибчининг ҳаллослаб турганини кўрди.

— Телефонми? — деб сўради.

Уни қувиб етган кишининг ёши қирқларда эди, бичими қишлоқ тарафлардан, бечора сал довираб қолди:

— Узр, домлажон... Безовта қилдим... Суратингизни кўриб юрардик, лекин дарров таниёлмабман... Мана, дийдорингиз насиб этди.

— Қаерлардан сўраймиз?

— Узоқдан, домлажон, жануб томонлардан. Аммо-лекин, баҳаво жойлар. Сиздек улуғ одамни кўрмоқ орзуимиз эди, мана, орзуимизга етдик...

Яхшибоев ичида ғижинди. Намунча културний бўлмаса, деб ўйлади, ўзи билмаган сўзларни айтади-я!.. Дарвоқе, бу сўзларни билади, лекин айтадиган мавриду жой топмаган, энди айтса бўлаверади, мени кўрди, менга айтса бўлади. Худойим, ёзигим не эди!..

— Колхозда раис бўлсангиз кераг-а? — деди у эрмаклаб.

— Топдингиз! — деди мухлис шодланиб. — Икки йилча бўлди. Халқимиз ҳеч қўймади. Қўймагандан кейин... иложимиз қанча. Аммо-лекин, анча иш қилдик, қишлоққа сув келтирдик, иккита олижаноб молхона қурдик.

Яхшибоевнинг баттар ғаши келди, лекин кўрс гапиришдан ўзини тийди, атай ижикилаб сўради:

— Бу, дейман, олижаноб молхонадаги сигирларнинг зотлари ҳам олижанобми?

— Зотиям олижаноб! — дея хитоб қилди мухлис. — Қозоғистондан ўзим опкелдим. У тарафлар анча салқин экан, сал тобимиз қочди. Соғлиқни ўйлаб, бу тарафларга ташриф буюрдик.

Ол-а, деди Яхшибоев ичида, сен ўзинг кимсанки, ташриф буюрсанг! Йўқ, буниям айбсितिб бўлмайди, телевизор-пелевизорга чиқадиган хотин шоирлардан ўрганган чиқар. У мухлисига қизиқсиниб қаради. Мухлис эса, парвойи фалак, сўзини давом эттирди:

— Мана, бир кўрган — таниш, икки кўрган — билиш... Энди, биз тарафларга ҳам қадамингизни ранжида қилсангиз, домлажон. Аммо-лекин, жуда баҳаво жойлар, айниқса, баҳор фаслида зўр бўлади!

— Хўп, хўп, албатта қадамимизни ранжида қиламиз.

Раиснинг гаплари Яхшибоевга хуш ёқа бошлади. Уни гапиртириб қўйиб, ўзи секин қулоқ тутди, қулоқ тутгани баробар, боғ тўрига қараб бораверди. Раис соддагина йигит экан, гаплари баландпарвоз-у, лекин тушунса бўлади: хотини бор, боласи — бешта, отаси тирик, онаси ўлган, чамаси, отаси уйлантирасан, деб гаранг қилади; колхозни бадавлатгина, лекин бадавлатлиги у туфай-

ли эмас, эски раис туфайли, раҳматли зўр одам эди, ўзиям емасди, ўзгагаям едирмасди, ордени йўқ эди-ю, лекин медаллари бир талай. Бировга бўйин эгмаган, бировларнинг бўйинини ҳам қайирмаган, бошқалар ҳаволаниб, ҳовлиқиб, қўша-қўша ҳовли қуриб, ҳар шаҳардан биттадан ўйнаш орттириб, пул жониворни чамадонлаб совурган пайтлари ҳам, у ўша ўттизинчи йиллардан қолган эски кателини елкасига илиб юраверган. Энди колхоз эгасиз қолди, янги раис бўлмиш мухлис ҳали ёш, тажрибаси йўқ, агрономликка ўқиб келиб, уч йилча ишлаган, холос. Бу ёғи қанд касалига чалинди, бемаъни касал экан, айтишларича, соппа-соғ одам ҳам ёмонроқ қўрқса бас, чиппа ёпишиб оларкан, янги раиснинг қўрққани рост, бултур пахта плани учма-уч бўлди, битта-иккитаси, ана, қўшнилardan сотиб ол, пулини мукофотдан қоплаб юборасан, деб қутку солди, лекин мухлис бу ишни қилолмади, қўрқди, бировни ота деб, бировни ака деб, хуллас, колхозчиларни алдаб-сулдаб, ўз кучлари билан, учинчи сорту тўртинчи сорт қилиб бўлса-да, бир амаллаб планни бир жойга етказишди, лекин ўшанда ёмон қўрққани боис, мана, қандга чалинди, биладиган одамлар шу касалхонани айтишди, сабабки, пора-мора сўрамас экан, ноилож, бу азим шаҳарга келиб, каттароқ одамларга ялиниб, ахийри йўлланма олди.

Раис дардини гапиргани баробар, жўнлашиб, туппа-тузук одамга айланди-қолди.

— Касални тузатинг-у, бошқа бу ёқларга келманг, — дея маслаҳат берди Яхшибоев. — Ўрганиб қолсангиз ёмон бўлади.

— Э, ўзимиздаям шу ният, домлажон, — деди раис. — Тузалиб олай, қайтиб қорани кўрсатмаймиз. Лекин, бизники қуруқ манзират эмас, домлажон, чин кўнгилдан айтдик, адресни қолдирсак, бир меҳмон бўп борасиз.

— Насиб этса, — деди Яхшибоев. — Бу ерлардан эсон-омон чиқсак.

— Э, сизки шу гапни айтгандан кейин... — дея ранжиди раис. — Қаранг, домлажон, мендан зўрроқсиз, қирчиллама йигитсиз!..

— Гапи-да, укажон, — деди Яхшибоев сўлиш олиб. — Отингиз нимаиди?

— Чорибой, — деди раис. — Фамилиямиз — Маматқулов.

— Энди, Чорибой ука Маматқулов, агар оламан деса, ёш-пошга қараб ўтирмайди. Бир гап бор-ку, қирчиллама қирқ ёшда қирчинидан қийилди?..

— Бу гап ўз йўлига, домлажон, — деди Маматқулов. — Лекин бизнинг уйдан бир пиёла чой ичиб келасиз. Бошқа нарса ваъда қилмайман, битта дўппи кийгизиб, битта тўн ёпаман, холос.

— Бўпти, укажон.

— Сиз мени, телевизор-пелевизорда кўриб юргану энди келиб ёпишяпти, деб ўйламанг, домлажон. Газетдаям кўп ўқиймиз. Ўзимиз ўнта газетга обунамиз, хотиндаям тўрт-бештаси бор, бу ёғи болалар ҳам «Гулхан»у «Ғунча» ўқийдиган бўп қолган. Ана, қайси куниям битта мақолангиз чиқди. Пахта тарайдиган мошиннинг зўрлари бор, лекин чиқмаяпти, деб ёзибсиз. Агар сиз ёзмасангиз, бизга ўхшаган нодонлар, э, бори шу экан-да, деб юрайдик-да? Энди бўлса, домлажон, ўша зўридан берасизлар, деб талаб қилаверамиз.

Яхшибоев, мақолани ўзим эмас, шогирдларим ёзган, деб айтмоқчи бўлди. Лекин ийманди. Ёнидаги содда-баёв йигитни ёзувчилигу газетчиликнинг ёқимсиз икир-чикирларини айтиб ранжигиси келмади.

— Энди, сизга яна бир маслаҳат чиқиб қолди, Маматқулов укажон, — деди Яхшибоев. — Мен билан ўзингизнинг шевангизда гаплашсангиз. Бизлардаям андак бор, ўзимиз жўқчи бўлмасак ҳам, ҳамсояларимиз жўқчи бўлган. Булдуруқнинг гирд тевараги кўнғирот эди. Биргина биз барлос уруғидан. Албатта, уруғ деганимиз жуда эски, жуда шартли, қолоқ тушунча, лекин айна атама қолган экан — бизда на илож?

— Энди, домлажон, бизлар жудаям ўтиб кетган жўқчимизки, уёқ-буёғи йўқ, — деди Маматқулов хижолат чекиб. — Гапирсам тушунмайсизми деб кўрқаман.

— Кўрқманг, — деди Яхшибоев. — Вақт топиб, бизнинг палатага ҳам киннинг, гурунглашамиз. Палатамиз тўртинчи қаватда, йўлакнинг энг тўрида.

— Тўр тарафларга бизларни кўярмикан? — деди Маматқулов.

— Дадилроқ бўлиш керак, Чорибой.

Яхшибоев уни нега таклиф қилганини аввалига ўзи ҳам тушунмади. Кейин англадики, сал далда бергиси келган экан. Раис йигит дўлворгина кўри-

нади, ажабмаски, ишлари юришиб кетса. Салгина қийналади, албатта. Биринчидан, бодиликни ташлаши керак, хусусан, анави ташриф буюришлари қадам ранжидаларини. Одам деган сал жўнроқ гапириши керак. Иккинчидан, уяту ийманиш масаласи. Бунда ибо билан бодилик чатишиб кетган экан ўзи. Бир ёқда ибо-ю, нариги ёқда маҳмаданалик қилиб турса ҳеч кимга ёқмайди, баски, бир умр рўшнолик кўрмай ўтади.

Яхшибоев маслаҳатини кўчада эканида айтса ҳам бўларди-ю, лекин кўчада айтилган гап қулоқда турмайди, номига яраша — шунчаки кўчагап бўлиб қолаверади. Ва аксинча, суҳбатни хонага кўчирсангиз, унда жўнгина маслаҳат ҳам хо с гапга айланади, залвори ошади, агар бунга дўлвор раиснинг ихлосини ҳам зарб этсак, унда нархи тиллога тенг бўлди деяверинг! Қарабсизки, яна бир афсона тайёр. Бирон ўн йил ўтиб, дўлвор раис шуҳрат топадию сонминг одамнинг оғзини ланг очдириб қўйиб ҳикоя қилади: ёш эдик, гўр эдик, ишнинг кўзини билмас эдик, лекин тақдирнинг ўнглигини қарангки, бир куни иттифоқо кимсан Назар ота Яхшибоевнинг суҳбатига мушарраф бўлдик, у киши бизга айтдиларки...

Шуларни ўйларкан, Яхшибоев яйраб кетди. Маматқуловда шумлик йўқ, мисоли лойдай юмшоқ, пишитиб, истаган шаклга киритса бўлади. Хоҳланг — кўза, хоҳланг — хум, хоҳланг — чироқпоя. Во дариғки, кулолнинг ёши ўтиброқ қолди, меҳнатининг ҳузурини ёлчитиб кўролмайди.

Ахир, анави Тўпоридан кўра (у ўзи марҳамат кўрсатган кишилардан бирини эслади), манави дўлвор йигит дурустроқ эмасми? Тўпори аслида шум, пихини ёрган, туллакки, нарёғи йўқ, лекин атай ўзини содда тутади, тўпорилиги бизга ёқишини сезади, менга, Ошнога, айниқса — Ошнога!.. Бечора Ошно, ўзининг ориф эканини англамоқ унга қанчалар завқ беради! ҳеч балони сезмайди, оёғи чалишмагани билан, бари бир маст, ғирт маст, бошида нуқул болари гўнғиллайди, димоғида нуқул бодом гулининг ҳиди, билмайдики, унинг ўзи андак ачиниб, андак мазахлаб турган Тўпори аслида жамики ориф одамларнинг устидан куляпти. Афсуски, бу гапларни энди айтиб бўлмайди, Ошно энди бу гапларни эшитмайди, агар эшитса борми, Уртақўрғондаги ғариб карвонсарой ҳужрасида йиғлаб туриб, отасию онасини, учта укасию иккита синглисини ўртага қўйиб ичган онтини унутиб юборади. Унда Яхшибоев ҳам йитади, унут бўлади!

Бирдан вужудини қаҳр қамради. Лекин бу туйғуда куч йўқ эди, ожиз эди, ғариб эди, бенаво... Юраги ёмон бўлди. Маматқуловнинг билагига таяниб, чеккароқдаги харрак устига чўкди.

— Дўхтир қақирайми, домлажон?

— Керакмас, — деб бош чайқади Яхшибоев. — Малол келмаса, тўннинг киссасидан дори олиб берсангиз.

Маматқулов халат чўнтагидан дори олиб берди. Яхшибоев дорини шимиб, бошини сал орқага ташлади.

— Чўчиманг, — деди тепага қараганча, — ҳозир ўтиб кетади. Энди сиз борақолинг, Чорибой. Мен андак ёлғиз ўтирай.

— Қандай бўларкан, домлажон?

— Э, шунгаям ваҳимами, — деди Яхшибоев. — Ҳозир отдай бўп кетаман. Маматқулов недир эътироз қилмоқчи бўлди, лекин ботинмади, ноилож, бир-бир босиб нари кета бошлади. Яхшибоев сал тинчланди. Тузук йигит экан, деб ўйлади, энди умр ўтиброқ қолди, бўлмаса, шунақа йигитларни сал қўлаб юборилса зиён қилмасди. Қўлимдан келадиган — биргина бориш. Адресини берса, борсам, катталарига кўриниш берсам, буниям икки-уч кун ёнимда олиб юрсам, тузукроқ ишларини икки оғиз мақтаган бўлсам... шунинг ўзи кифоя эмасми? Яхшибоевнинг назари тушгани ёмонми? Борсам, нақ қиёмат бўп кетар! Ҳа, кимсан Яхшибоев, ўртоқ Яхшибоев, Ошонинг ошноси!.. Бу нодонлар аслида бу ошноликнинг нақадар омонат эканини тасаввур ҳам қилишмайди. Тасаввур қилишлари шарт ҳам эмас. Ахир, Уртақўрғондаги ғариб карвонсаройда, қоронғи ҳужрада битга ем бўлиб, Булдуруқдаги эски капасини соғиниб, тик этган товушдан юраги минг бир ағдарилиб ётган бир йигитча беҳосдан ичиб қўйган онтнинг кимга қизиғи бор? Муҳими — Яхшибоев, муҳими — дўлворгина раиснинг ўнганмай турган тақдири, муҳими — созтўпроғу кулол амакининг чайир қўллари!..

Яхшибоев яна тўлиқди. Бу ҳовлига, кенг боғу роғларга сизмай бораётганини сезди. Лекин ҳаяжонини тезда босди. Упкангни бос, деди ўзига ўзи, чим этган оғриққа маҳтал бўлиб турибсанми, ўпкангни бос... Сал ўйлаброқ қувониш керак, ҳовлиқиш шарт эмас, негаки, ғанимлар орасида ҳам юрадиган бир ҳикматнинг ўзиёқ етиб-ортади: Назар Яхшибоевнинг назари тушгани яхши.

Иқрорки, бундан ўтказиб айтиш қийин. Демак, шукрона керак. Шукронаки, ўзгаларнинг, нафчил мухлисларнинг шукронаси билан қўшилиб, хирмон бўлиб, дарёдай мўл, денгиздай беҳудуд афсонага айланади. Унинг ёнига уч-тўртта арзийдиган латифа қўшилса бас, яна ўша гап: Искандару Доролар... чангаллаб қолади!..

Яхшибоев ўтирган харрагидан турди. Қўлидаги аждарбош ҳассасини ерга қўйиб, секин суянди, юрагига қулоқ тутди, лекин хавф сезмади. Қаддини ростлаб, ҳассани билагига солди ва орқага — касалхона биносига қараб шаҳдам юриб кетди. Кетаётиб, кимдир ўзини дарахт панасига олганини кўрди.

Кўз қирини ташлаб, Маматқулов эканини пайқади. Яхши йигит экан. Бечора зимдан пойлаб турибди. Агар бирор кори-ҳол юз берса, ёрдамга келарди. У янада илдам юра бошлади. Йўлда учраган танишу нотанишларнинг барчаси билан саломлашиб, ҳол сўрашиб, кенг-мўл бўлиб, ўзининг қаватига кўтарилди. Палата эшигида бадантәрбиячи жувон кутиб турарди...

Чошгоҳда Робиға-Робия-Роби келди. Эгнида Оллоёр олиб берган янги плаш, қўлида егулик солинган тугун, келиб, уйдагилардан салом етказди. Улар келолмас экан, деди, хотинингиз сартарошга кетди, Аввалбек расм чизяпти, Оллоёр ишида, Сокина дугонасининг тўйида, ўғил тўй эмиш, шунга...

— Уйни овлоқ ташлаб келаверибсан-да, — деди Яхшибоев. — Ўғри тушса нима бўлади?

— Ўғри тушса пушаймон бўлади, — деди Робиға-Робия-Роби. — Икки келиннингиз бор, қўлларига бир тушсин-чи!..

— Тилинг тузук, — деди Яхшибоев кулимсираб. — Хўш, нега келдинг?

— Пулга келдим.

— Уйдан олсанг бўлмайдимми?

— Сиздан оламан.

Яхшибоев маза қилиб кулди. Робиға-Робия-Робининг шу одати зўр. Йигирма йилдирки, Яхшибоев уни ишга ёллаган, йигирма йилдирки, маошини ҳам Яхшибоевнинг қўлидан олади. Гўёки бошқалар қалбаки пул берадигандай...

Аёлга зимдан разм солди. Бечора қаримсиқ бўлиб қолибди. Сал қорачароқ бўлса ҳам бир нави эди, лекин бу сариққа мойилроқ, мисоли ошқовоқ дейсан, ажин-пажинлариям бўртиброқ кўринади. Илгари, энди ишга ёлланган пайтлари кўҳлигина эди, нари борса — ўттиз-ўттиз бешларда. Бир-икки гал Яхшибоевнинг кўнгли ҳам кетган. Ушанда Мухсина хоним театри билан гастролда юрарди.

Робиға-Робия-Робининг ягона бисоти — унинг қомати. Қомати ҳеч бузилмаган. Эриям йўқ, мустақил рўзгориям йўқ, умр деганинг эса... ўтиб кетяпти.

Яхшибоевнинг аёлга раҳми келди.

— Биби Робия, — деди. У Робиға-Робия-Робини шундай атарди, — сўққабош ўтиб кетяпсан. Эр-пер тутсанг бўлмайдимми?

— Бўлмайди.

— Бўлмайдиган нарса йўқ. Ҳалиям кеч эмас. Айт, битта-яримта хотин қўйган шоғирдларим бор, ёшиям тўғри келади.

— Униям ҳовлингизга бошлаб келаманми?

— Йўғ-э, нега?.. Узим уй оббераман.

— Бўлмайди.

— Бўлмайдиган нарса йўқ. Биби Робия, ўйлаб кўр.

— Бўлмайди. Мен туғмас бўп қолганман. Эр дарров ҳайдаб юборади.

Ғалати-ку, деб ўйлади Яхшибоев, аввалроқ билмаган эканман-да. Кейин ўзини койиган бўлди: йўқ, бекор гап, бу бечора муштипарга жабр қилган номард.

Ёстиқ тагида ётган ҳамёнини олиб, пул санади. Одати бўйича, ўн сўм кўп-

роқ узатди. Робиға-Робия-Роби ҳам одатдагидай ўн сўм ошиғини қайтариб берди. Яхшибоев ичида кулди: шундай п р и н ц и п бўлгани қизиқ.

— Биби Робия, — деди хушҳоллик билан, — бу, дейман, салгина бўлсаям, кўнглинг тусамайдими?

— Йўқ, — деди аёл қовоғини солиб. — Айниманг.

— Энди, айбга буюрмайсан, — деб кулди Яхшибоев. — Энди мен мисоли авлиёдай бегуноҳ бўлиб қолдим, ҳаддим сиғадики, сендан сўрайман. Бу, кўнглинг тусамгани қизиқ-ку, Биби Робия?

— Нимаси қизиқ? Улсин, агар шу қизиқ бўлса!..

— Умрингга ачинмайсанми?

— Оллоёр бор-ку.

Яхшибоев ажабланди. Буни сира ўйламаган эди. Дарвоқе, деб хаёл қилди, бунинг Оллоёри бор-ку. Оллоёрни Муҳсина хоним тукқан, кейин Робиға-Робия-Роби ёқасидан солиб, этагидан чиқариб олган. Худди дostonдагидай: Гўрўғлибек Ваянган мамлакатидан Булдуруқ қассобнинг ўғли... Дарвоқе, уям Булдуруғ-а?.. Эсга келмаганини!.. Хуллас, Гўрўғлибек Булдуруқ қассобнинг ўғли Авазни опқочиб келдию Юнус пари уни ёқасидан солиб, этагидан чиқариб олди... Юнусмиди, ишқилиб? Ёки Мисқол парими?..

Бир зум бош қотирди-ю, тузукроқ эслай олмади.

— Оллоёрга ишонганинг дуруст, — деди паришонлик билан. — Энди... унга атаб қўйганинг ҳам борми?

— Бор, — деди Робиға-Робия-Роби тик қараб.

— Шартмикан, Биби Робия? — деди Яхшибоевнинг раҳми келиб. — Узинг қўл учидан кун кўрсанг. Мен ўзим ҳам озми-кўп бисот қолдираман. Сен балки қариндошларингни ўйлаганинг тузукдир?

— Кимни ўйлашимни ўзим биламан. Сизнинг бисотингиз — ўртада, меники биргина Оллоёрга аталган.

— Уртада-ю, меники кўпроқ, Биби Робия!

— Меники баракалироқ!..

Робиға-Робия-Роби пулини рўмолчага тугиб, чўнтагига солди. Кейин соғлиқ тилади, хайрлашдию чиқиб кетди.

Яхшибоев устидаги момиқ халатини ечиб, энди ўринга чўзилган ҳам эдики, тўмбадаги телефон жиринглади. Яхшибоев аппарат тўрт марта жиринглашини кутди. Одати шу эди. Тўрт марта жиринглашиб, сўнг трубкани кўтарарди, токи у тараф кўнғироққа маҳтал экан деб ўйламасин.

Сим қоққан киши Ошннинг иккинчи ёрдамчиси экан. Яхшибоев қизиқ бир томоша кўришга чоғлангандек, ўтирган жойида ҳузур қилиб ёмирлади, сабабки, Иккинчи Ёрдамчи сўзларни битталаб танлаб, битталаб таржима қилиб, хуллас, азбаройи тиришиб сўзлашар эди.

— Уртоқ Яхшибоев?

— Ҳа, ўртоқ Яхшибоев.

— Дардингиз тузалишга қараб боряптими?

— Тузалишга қараб боряпти.

— Менга сиз билан боғланиш ва салом айтиш топширилди. Кеча Фалония сафарига жўнадилар.

— Сафарлари бехатар бўлсин. Энди қачон қайтадилар?

— Номанум ҳозирча. Эртага эмас, индинга телефонда гаплашамиз. Балки илтимосларингиз бордир?

— Илтимосим сизга. Иложи бўлса, мени у киши билан индинга улаб қўйсангиз.

— Агар рухсат берсалар, албатта боғлаймиз. Бизга яна қандай топшириқлар бор?

— Топшириқ ўша — у киши билан улайсиз.

— Майли, ҳаракат қилиб кўрамиз. У киши шахсан сизнинг соғлигингиз билан қизиқдилар. Келганларидан кейин касалхонага ўтишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас.

— Бошим осмонга етарди, — деди Яхшибоев. — Мендан у кишига алоҳида салом айтинг.

— Сизга яна бир бор соғлиқ тилайман.

Яхшибоев трубкани қўйди. Ҳозир ўзи гаплашган йигитнинг қиёфасини

кўз олдига келтирди: ёши қирқда, лекин нари борса ўттизлик кўриниши бор, қоматдор, хипча, сочлари ортга таралган, силлиқ таралиб, устидан лок сепилган, тўқранг костюму сутдай оппоқ кўйлақда, мисоли танбурнинг торидай таранг, юзида тавозе, аммо жилмайгани сезилмайди. Неча йилдирки, Яхшибоев унинг юзини кўриб, одам деган қанақасига жилмаймасдан ҳам тавозе қилиши мумкин, деб бош қотиради. Биринчи Ёрдамчи эса, бунинг тамом акси: деҳқонсифат, семириброқ кетган, ёши ҳам бирор элликни қоралаган, гаплари кескин ва бежоғсиз. Яхшибоев уларнинг иккиси билан ҳам қалин. Йиллар ўтиб, Ошно билан ўрталарида недир кўпригу кўприкчалар пайдо бўлди. Биринчи-ю Иккинчи Ёрдамчилар ҳам ўшаларнинг бир хил кўриниши, холос. Яхшибоев Биринчи Ёрдамчидан чўчимайди. Биринчи Ёрдамчи анча содда, гапга тушунади, эски ақидалардан озми-кўпми хабари бор, дейлик, у Яхшибоевнинг Ошно билан бир жойда туғилганини, бирга ўсганини, бирга чиллагу бирга қулоқчўзма ўйнаганини билади. Ҳар ҳолда, у Ошнонинг қачонлардир бир замонлар телпактепди ёки қўшимбошим каби эрмаклардан четда турмаганини тушунади. Қолаверса, Биринчи Ёрдамчи иш билан овора, у доимо ненидир ҳ а л қ и л а д и , турли фисқу фасодларни ўйлашга вақти ҳам йўқ. Иккинчи Ёрдамчи эса, фақат г а п л а ш и ш учун қўйилган. Унинг қуроли — тавозе, яъники, тавозе қ и л и ш и ёки қ и л м а с л и г и мумкин. Шу сабаб, Яхшибоев ундан ҳайиқиброқ туради, атай унинг лаҳжасида гапиради, атай уни Ошнога мақтайди, мақтаганда ҳам жуда ошириб-тошириб мақтайди, токи бу гаплар Ошнонинг ёдида қолсин, токи кейинчалик Иккинчи Ёрдамчи бирор қутқуни бошлаганида, ўша мақтовлар Ошнонинг хотира сандиғидан лоп этиб чиқиб қолсин-да, у Иккинчи Ёрдамчига танбеҳ берсин: ўртоқ Яхшибоев нуқул сизни улуғлайди, ўртоқ Яхшибоев сизни еру кўкка ишонмайди, лекин сиз... сиз!.. сиз!!.

Ундовлар Яхшибоевга хуш ёқди. Умуман, бугунги куннинг бошланиши ёмон бўлмади. Ошнодан койиниброқ юрувди, энди маълум бўлдики, у бечора Фалония сафарига ҳозирлик кўрган экан. Асли газет ўқиб туришда ҳам ҳикмат кўп. Лекин Ошнонинг Фалонияга кетганини газетсиз ҳам билиб олди. Эҳтимолки, эртага ёки индинга ўша қадрдон овоз юртлар ошиб, қитъалар, уммонлар ошиб, не-не тоғлару водийлардан, боғу роғлардан, минглаб йўллару сўқмоқлардан ошиб... мана шу жойга, оддийгина тўмба устида турган оддийгина сариқ телефонга етиб келса!..

Шуни ўйлаши билан, ҳарнеки сайёҳликка ўрганган кимса каби, юраги тез-тез ура бошлади.

Дунёда оқибат борлиги қанчалар яхши! Оқибатсиз яшаш қийин!

Эсладики, бундан неча ўн йиллар олдин, Уртақўрғонда, турли карвонсаройлару ижара ҳужраларда жон сақлаб юрганларида, шаҳар жонга тегиб кўнгиллари кенг далаларни, даштларни кўмсаб қолганда, икковлашиб, бирор йўловчи аравага тушиб, шаҳар ташқарисига чиқиб кетишарди. Роса кезишарди. Утлоғу ажриқзорларда думалашарди, сўнг ҳориб-чарчаб, қоринлари очиб ортга қайтишарди. Ушанда жуда содда ва жуда юқимли шеърни қайта-қайта зикр этиш кенг расм эди:

Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди манда.
Чаппор уриб гуллаган боғин,
Ўпар эдим Ватан тупроғин...

Бу сатрларни ёзган жингалаксоч шоирни ҳам кўришган эди. Шоирни кўриб, Яхшибоев рашк қилганки, нега шеърни мен эмас, манави қорача йигит ёзган, деб!.. Ҳаттоки шу гапини Ошнога рўйирост айтган. Ошно бамаъни йигит эди, кулганки, э, Назар, сен бир ғалати одамсан, жўра, ахир ҳамма чиройли аёлни ҳам кўриб, нега унинг эри мен эмасман, деб айтолмайсан-ку? Яхшибоев Ошнога қўшилиб, яйраб-яйраб кулган, сўнг тан олганки, э, Ошно, ростки, мен шу гапниям айтгим келади! Кейин ҳам бу ҳазил кўп бор такрор бўлган. Улар ҳали содда-баёв эдилар, аёл меҳрини кўрмаган эдилар. Уртақўрғон эса, мисоли киночилар йиғинга тўпланган шаҳардай, нуқул чиройли аёлларга тўла эди.

Ошно жуда босиқ, ўйли-мулоҳазали эди. Яхшибоевга таскин берардики, э, жўра, сабр қил, ҳали бизга атаганлари ҳам бор, биттагина маҳаббатга лойиқ бўлишининг ўзи ҳам катта бахт.

Ошно айтганини қилди. Бир марта муҳаббат қўйди, бир марта уйланди, битта хотин билан яшади. Лекин Яхшибоев Ошнога ўхшамасди, ўхшашни истамасди ҳам, у мисоли ютоққан юҳо эди, ямламай ютишни орзу қиларди. Орзу қиларди-ю, мудом оч юрарди.

Ошнонинг яна бир яхши одати бор эдики, бир маҳалла наридаги новвойхонага бормоқчи бўлса ҳам, албатта Яхшибоевга маслаҳат соларди: мен бир нонга бориб келсам, жўра. Яхшибоевга унинг рухсат сўрагани ёқарди, айтардики, майли, ошна, лекин ўзингни эҳтиёт қил, яхши-ёмонга аралашма. Қизиқ ҳол эди бу; Яхшибоев ўзини ота ёки акадай тутарди, ўзи ёмон йўлларга кирса кирарди, лекин Ошнога изн бермасди. Касал бўлса парвариш қиларди, оч бўлса нон топиб келарди, маънос бўлса кўнглини кўтарарди. Кейинроқ, Ошно ўз йўлини ўзи топиб кетганида, Яхшибоев дафъатан довдираб қолди. Гўё полапонини учирма қилган қуш аҳволига тушди, ҳатто ғайирлиги келди. Лекин бу туйғу кўпга чўзилмади, фарзанд ёки инисининг камолини кўрган ота ёки ака янглиғ, у ҳам таскин топди, кўнгли ўсди, шу тариқа, Ошно юксалгани сайин, унинг ҳам ғурури юксалиб бораверди.

Иккинчи Ёрдамчи сим қоққани боис, ўша кезларни яна бир бор эслади. Қулоқлари остида Ошнонинг андак синиққан овози эшитилгандай бўлди: менга рухсат берсанг, жўра, энди мен бир қишлоққа бориб келсам.

Худди шундай — Ошно Булдуруққа кетаётганида ҳам ундан рухсат сўрарди. Эндиги сафарлар ўзгача, уёқ-буёққа эмас, тупканнинг тагидаги юртларга... Фалонияга... расмий сафар билан... делегация аъзоси, турли қабул маросимлари, қироллару қироличалар, вазирлар, сарой аъёнлари, хонимлар... Яхшибоев Фалониянинг қайси қиъада эканини эслашга уринди. Лекин эслай олмади. Яқин уч йилдики, чет эл сафарига чиқмаган эди. Ушандан буён сиёсий харитани қўлга олгани ҳам йўқ. Энг зўр мамлакатларни ёд билгандан кейин... шарт эканми? Географиядан имтиҳон топширармиди! Ажабмаски, Фалония деганлари кейинги йилларда қўзиқориндай бодраб чиқаётган янги, муस्ताқил, тинчликпарвар давлатлардан бўлса...

Лекин Ошнонинг хабар юборгани дуруст. Оқибат бўлса, шунчалик-да!

Яхшибоев тагин тўлиқди, тагин хона тор келиб қолганини сезди, кўйлагининг ёқа тугмаларини бўшатди, чуқурроқ нафас олди, аммо нафи бўлмади. Озгина чалғиш учун йўлакка чиқди, дераза ёнига борди. Уч дераза нарида икки бемор турарди. Улар ҳам қалам аҳлидан, бири очеркалар ёзиб юради, униси очеркаларни танқид қилади. Икковининг ҳам ранги қизилгина, касалпасалга ўхшамайди, элликтадан отиб олишган бўлса ҳам эҳтимол. Бир тур одамларки, ўз касали билан эмас нуқул катталарнинг касали билан оғришади. Мисоли қузғун ўлакساني пойлагандай... пойла-аб туришади-да, кимдир нуфузлироқ одамнинг тоби қочса бас, эртаси куниёқ келиб, ўшанинг ёнидан жой олишади. Энди улар Яхшибоевни қурбон қилишмоқчи. Чол тушмагурда амал бўлмаса ҳам, нуфуздан мўл эканини билишади. Энди таъзим тавозедан бошинг чиқмайди, жонкуярлигу фидойиликлар жонингга тегади. Бир оғиз сўзингга маҳтал бўлиб туришибди, токи сен бир имо қилсангу улар ўша ондаёқ истагингни бажо келтиришса, бажо келтиришсаю кейин ўзларининг дардларини айтишса!..

Яхшибоев қўшниларига, гарчи сийқароқ бўлса-да, аниқ ном топди: с у н ь и й й ў л д о ш л а р. Кўнгли эрмак тусаб, бояги гапирмаслик аҳдини ҳам унутиб, дарозроғига секин гап қотди:

— Остонакул болам, сизга нима деб диагноз қўйишди?

Дарознинг исми Бахшулло, фамилияси Остонов эди. Яхшибоевнинг беписандлигидан ранжимади, синиқ илжайди.

— Жигар-да, домлажон, — деди яқинроқ келиб.

Яхшибоев нариги беморнинг ҳам келишини кутиб турди, сўнг ундан ҳам сўради:

— Сизники-чи, укажон?

— Бизники — ошқозон, — деди бақалоғу хумкалла бемор.

— Бизники чатоғроқ, — деди Яхшибоев, сўнг назарида ёмонроқ туюлган дардни ўйлаб топди, ичида кулди. — Упкада каттакон доғ бор эмиш.

— Йўғ-э! — дея ишонмаган бўлди Хумкалла, сўнг ўша заҳотиёқ тасалли берди: — Отдай бўп кетасиз, Назар Яхшибоевич!

— Бу, дейман, Остонакул болам, қази-қартадан борми?

— Топилиб қолар, домлажон.

— Анави... оқу қизилидан ҳам топиладими?

Қўшнилари бир-бирига қараб олишди, кейин Дароз жавоб қилди:

— Излаштириб кўрамиз, домлажон. Вақтингизни айтсангиз бас.

— Бизга бўлмайди, — деб бош чайқади Яхшибоев. — Айни кучга тўлган пайтингизда, иккингиз ҳам қирчиллама йигит, нари борса, элликдан нарига ҳатлаган чоғда... бу ерда касал бўлиб етиш нимаси? Ишлаш керак, ўртоқлар, ишлаш, ўрганиш, юрт кезиш ва яна ишлаш керак!..

— Энди, — деб чайналди Дароз, — дард дегани вақт танламас экан-да, домлажон...

— Дард?! — дея хитоб қилди Яхшибоев. — Қанақа дард? Уят эмасми? Тоғни талқон қиладиган пайтингизда-я? Э, қўйинглар-э, мени хафа қилдингиз!..

— Домлажон!..

— Уят, укалар, уят! Сизни онангиз маишат учун эмас, ижод учун, эл хизмати учун туққан!

— Домлажон!!

Яхшибоев уни гапиртирмади. Қолган-қутган «ранж»ини биргина қўл силташ билан ифода этдию палатасига кирди. Эшикни очиб туриб, бир лаҳза тўхтади. Булар ростдан ҳам касал бўлса-чи, деган фикр ўтди хаёлидан, тагин даволанмай кетворишса-я? Йўғ-э, дея ўшал ондаёқ ўзига тасалли берди, улар бари бир кетмайди, қайтага, чўчитганим дуруст бўлди, энди юрак бетлаб яқин келолмайди. Чеккароқда туради. Ажабмаски, танқидчи укамиз қадрдон дўстини уриб мақола ёзса. Ушанда зўр бўларди! Турган-битгани томоша! Афсуски, у мақоласини ёзиб, энг аввал қадрдон дўстига кўрсатади. Дўст ўқиб кўриб, бурнини жийиради, сўнг икковлашиб таҳрир қилишади: «...иқтидорли очеркачимиз Фисмадончиев ҳам кейинги пайтларда ўз имкониятлари даражасида ижодий маҳсулот бераётгани йўқ».

Яхшибоевга айни сўзлар нашъа қилди, чиройи очилди: қанақа иқтидор? қанақа имконият? Имкониятнинг термометрга ўхшаган чизикчалари борми, гўё талантлироқ одам нуқул иситмалаб юрадигандай? Ижодий маҳсулот бергани нимаси?! Барака топгур газетчилар ҳаммаёқни маҳсулотга тўлдириб юборишди, уларга қулоқ тутсанг бас, сизир бечоралар сут бермайди, балки сут маҳсулоти беради, ёзувчи асар ёзмайди, балки босма маҳсулот беради, пахтакор пахта ўстирмайди, балки тўқув-тикув маҳсулотлари беради! Яшавор-э! Ҳар хил чоршанбию остонақулларга шуни айтавериб, жоним ҳалқумимга келди-ку!..

Уйладики, айни саҳна зое кетяпти. Касалхонада ётмаса эди, бирор йиғинда ўртага чиқиб, шу гапу гаштакни айтарди, ғазабланарди, кейин роса қарсакбозлик бўларди, кейин, қарабсизки, бирор ой, йўқ, балки бирор йилгача ҳаммининг оғзида юрарди: яшасин Яхшибоев! чоли тушмагур зўр! чол газетчиларни ёмон тузлади!

Лекин бу туз бировнинг кетини ачитса қани! Туз эмас бу, шунчаки келига солиб туйилган шакар, ширинкулча устига сепиладиган упу. Туз сепганинга ҳам наф чиқмайди. Нафи йўқлиги тажрибада синалган. Бир гал ўзига сал тегиброқ кетган газетадан қасд олмоқчи бўлиб, секин Ошнога гап солди. Асл дардини айтмади, бошқа бир дардни ўйлаб топди, нутқ маданияти ёмон бузиляпти, оқсоқол, деди, бу газетда бирорта ҳам тўғри жумлани учратолмайсиз, нуқул ғўрлик, нуқул думбуллик, ўзлари чиқариб ўзлари ўқишса майлийди, лекин газет ўз оти билан газет, уни ҳамма ўқийди, хўш, бу ёғи нима бўлади, ғиж-ғиж имло хатою услубий хатолар ўтиб кетаверса, ёш авлоднинг саводига, савиясига, қолаверса, тарбиясига салбий таъсир этмасмикан?

Ошнонинг бошқа ташвишлари ҳам кўп эди, унчалик рўйхуш бермади, матбуотнинг тезкорлигу тиғизлигини рўқач қилди, ишни пайсалга солмоқчи бўлди. Лекин Яхшибоев ҳам бўш келмади, ўзини хафа қилган газетани папкасидан чиқариб, тишга тегадиган уч-тўрт жумлани баттар бузиб ўқиди, хуллас. Ошнони енгди. Ошно тегишли кишиларни чақиртириб, керакли кўрсатмаларни берди. Сўнг бирор ойча газета саҳифаларидан лутфу фасоҳат чак-чак томатдиган бўлди: қайга қарама — мақол, қайга қарама — матал, турли ҳикмат-

лар, иборалар, уйқаш жумлалар, аждодларнинг ажойиб удумларию авлодларнинг садоқати...

Яхшибоев тантана қилди. Бу орада унга тегиброқ кетган газета муҳаррири узр сўраб келди, сўнг Яхшибоев ҳақида Собитовнинг нақ бир саҳифалик мақтовини босдию ўртадаги нифоқ унут бўлди. Яхшибоев қулай пайт танлаб, нутқ маданияти хусусидаги ташаббусингиз тўла маъқулланди, газеталарнинг тили изига тушди, янги ва қўшимча тадбирлар ҳам белгиланди дея, Ошнога ахборот берди. Сўнг ҳамманинг қулоғи тинчиб, эркинроқ нафас олиб, Яхшибоевни жўровозда мақташга тушдилар. Яна озроқ муддат ўтиб эса, ўша эски гаплар — сигирлар берадиган маҳсулотлару ёзувчилар берадиган маҳсулотлар рўзнмалар саҳифаларига қайтиб келди.

Бариси беҳуда, деб ўйлади Яхшибоев, энди қариб қолдик, ҳамма тадорикни охирига етказгудай қувватимиз йўқ. Энди бизга ором керак, оромки, ўтган кунларнинг сарҳисобини қилиб, яхшиларидан суюниб, ёмонларидан куюниб, недир сабоқлар чиқариб, алҳол, ворисларга арзигулик бир мерос қолдирсак. Мерос бўлсаки, ворислар ўзларининг меросхўр эканликларини сезишмаса, миннату иддао бўлмаса, мисоли оталари қазиб кетган булоқ сувини ичаётган фарзандлардай, биз салафларнинг руҳимизни симирсалар. Шундай бир хотира қолсаки, эслаганда зўриқиш сезилмаса, хотираки, кўнгилларнинг туб-тубларига сингиб кетса, қонга ўтса, танда жон янглиф титраб турса! Умримиз дафтари тез-тез варақланса, кечмишимиз мисоли дарсга айланса, ҳар давра сайин такрор ва такрор зикр этилса, давра янгилангани сайин у ҳам янгиланса, у учидан ва бу учидан, у ёнию бу ёнидан қўшилса, чатилса, шишса, хуллас, арзигулик ч ў п ч а к бўлса!..

Кейин... абадул абад қолсанг! Одамларнинг дилида, тилида — бирдай тўқис, бирдай фозилу адолатли бўлиб қолсанг!

Саодат шу эмасми?

— Шу, — деди Яхшибоев овоз чиқариб, — шундай бўлиши керак, шундай қилишим керак.

Танида недир ғайрат, завқу шавқ туйди. Мушаклари сәкин-сәкин титради, таранглашди. Юракка қулоқ тутди — уриши мўътадил, бир маромда.

Соз-ку?

IV БОБ

Қиссанавис

Шу жойга етганда ўйланиброқ қолдим: мен Назар акани ростдан ҳам билармидимки, унинг ёшлик дамларини шу қадар комил ишонч билан тўқиб-бичяпман? Тағин бу таърифланмиш ҳис-туйғулар охир-оқибатда ўзимники бўлиб чиқмасин?

Пайқаган бўлсангиз, Уртақўрғондаги туриш-турмушимизни баён қила туриб, бир муддат ўзимни Назар ака билан Ошнога тенглаштириб қўйгандай ҳам бўлдим. Гўё биз даврадош бўлиб юргандай...

Уларнинг мени давраларига тортганлари рост гап, лекин ўшанга қадар нечоғлик чўчиб-ийманиб юрганларим эсимдан чиқиб қолай дебди.

Энди сезсам, сал чуқурроқ кавлашдан қочган эканман. Ҳаддим сиққанича, янаям аниқроғи — ўзимнинг кучим етганича уринибман-у, ишнинг пачавасини чиқарибман. Ҳикоямизга андак романтика аралашиб, оҳанг ҳам шунга яраша... суюлиброқ кетибди. Менинг талқинимдаги Яхшибоев ёшлик пайтларида ўта жўн, ўта дўлвор, ўта ёқимтой туюляпти. Рост, дўлворлиги бор эди. Девқоматлиги, бориники, ёқимтой бўлгани ҳам ҳақиқатга зид эмас.

Лекин мен бечоранинг дастлабки кезларда ана шу ёқимтой девдан қўрқиб, зир-зир титраб турганларим қоғозга тушмаганига қандай изоҳ топамиз?

Қасам эсдан чиқиб, юзимга ёлғондан упу сурта бошлаганимни наҳотки сезмаган бўлсам?

Йўқ, сездим, сезиб-билиб турдим, лекин (ожизлик курсин!) аслида боридан беҳроқ кўриниш истаги устун келди.

Агар ростига кўчадиган бўлсак, мен ўшал кезларда Яхшибоевдан бисёр хайиқардим. Кейинчалик, у мени ўзига бир қадар яқин олиб юрганларида ҳам, барибир, кўнглимдаги ҳадик бир лаҳзага бўлсин тарқаган эмас.

Бугун, қариган чоғимда, барча воқеалар унут бўлиш арафасида турганида, жиддийроқ ўйлаб кўрсам, барча синоат менинг сал мажмағил эканиму Яхшибоевнинг девқомат эканида бўлиб чиқади.

Яхшибоевни зўр ва зотдор бўрибосарга, мен фақирни эса, шунчаки бир лайчага менгзамоқ жоиздай. Табиийки, бу ташбеҳ жуда жўн, жуда дағал, аммо мен айтмоқ истаган мазмунни туппа-тузук ифода этади. Маълумки, зўр бўрибосар ўзига басма-бас келадиган итни ёнига йўлатмайди, шартта босиб қошининг пайида бўлади, лекин у лайчага тегмайди. Аввало, бўрибосар лайчани менсимайди, қолаверса, тантилик эҳтиёжини қондирган бўлади. Қарабсизки, бўрибосар ҳам, лайча ҳам бирдай хурсанд.

Бугун чўт қиламанки, Яхшибоев билан Ошнонинг ўзаро муносабатларида ҳам дастлаб шу нарса устивор бўлган. Лекин мен, гарчи ўзимни камситишдан тортинмасам-да, Ошнони ҳам лайчага ўхшатишдан истиҳола қиламан. Ошнонинг сусти босиши ўз йўлига. Муҳими — Яхшибоевнинг кўнглида кейинчалик беҳисоб эврилишлар бўлгани. Яхшибоев дастлабки кезларда нечоғлиқ устун бўлмасин, кейинроқ, Ошно аста-секин юксалиб боравергани сайин, бепсандлигу калондимоғликни буткул эсдан чиқариб юборгани муқаррар.

Инсон эврилишлари мени ажаблантирмай қўйганига, эҳ-ҳе, неча замонлар бўлди.

Ҳайратга соладигани бошқа нарса — Ошнонинг изчиллиги, яъники ўша, мен Ўртақўрғонда кўриб юрадиган, нимжонроқ, юмшоқфеъл, лекин бирдай озода ва хушбичим йигитчанинг вужудига беркинган иродаи азим, унинг Яхшибоевдек одамнинг соясида йўқ бўлиб кетмагани.

Айни эҳтимол бордай эди. Бордай, деб айтмоқ не, айни эҳтимол беш қўлдай аён эди.

Шуларни ўйлайману ўзимнинг кўпда зукко эмаслигимни пайқайман. Сабаб излашдан кўра, сабабни англамай туриб ҳайратланиш қўлайроқ туюлади, токи ўзимнинг ҳафтафаҳм эканлигимни ўйламасам, токи нафсониятим лат емаса. Жилла қурса, бугун келиб сал одилроқ бўлсанг ярашар, дея ўзимга ўзим танбеҳ бераман. Энди кўнгил даласини панжара билан ўрамоққа не ҳожат? Пайкал бўшаб қолганида... дала четларига қўриқчи қадайсанми? Қолган-қутган лошагу хонакларни ўзинг кўтариб чиқиб, бир-иккита чанқаб келганларга улашиб юборсанг дуруст эмасми? Умуман, муддат тугай деб қолганида яна недир мавридларни кутиб, эҳтиёткорлик қилишга ҳожат борми?

Хуллас, ўзимга берадиган саволларим сон мингта. Буларнинг барисига жавоб ахтарсам, оқибат не бўлиши аён: қисса четда қолиб, нуқул дийдиё бошланиб кетади...

Эсимда қолганларидан бири шуки, Симхонинг тахта будкасида Ўртақўрғон «кузур»лари уззукун муҳокама этиларди. Этикдўз юраксизроқ эди, шу боис, отаси Левича-Лутфиддиннинг номини ўзидан қанчалар соқит этса, шаҳарнинг атанган безориларининг номларини шунчалар яқин тутарди. Гўё ўшаларнинг сустбосар доврўқлари нурида исингандай бўларди. Балки мен янглишаётгандирман, балки Симхо мен айтганчалик қўрқоқ ҳам бўлмагандир, лекин шаҳар безориларининг номларини аташдан лаззат олганини аниқ-таниқ эслайман.

Ушал кезлар Ўртақўрғонда ўнтача машҳур безори бўларди. Вокзал тарафда Шомат дегани «кузур»лик қиларди. Эски шаҳарда Кескир ҳукмрон эди. Дарвоже, бу безорининг асл исми Рафиқ эди. Кескир лақабини эса, иш услуби, яъники, йўловчиларга паккими, устарами, ишқилиб, бирорта тиглироқ матоҳни кўрсатиб дўқ ургани туфайли орттирган эди. Яна бошқалари ҳам бор эдики, номлари ёдимдан кўтарилган. Йўқ, биттасини яна эсладим. Исми Шоқул эди. Бошқа безориларни орқаваротдан эшитиб юардим-у, ана шу Шоқулни ўз кўзим билан кўрганман.

Бир домламизнинг уйига бориб, гурунг муддатини андак чўзиб, кейин унинг қоғоз-поғозларини тахлашга ёллашиб, ётоғимга кечроқ қайтишга тўғри келди. Жинкўчаларда тентираб юриб, адашиб қолганимни пайқадим. Очиқроқ бир жойга чиқиб, узоқроқдан қорайиб кўринаётган минораларга қараб, йўлни

ўнглаган бўлдим чапдаги жинкўчага бурилдим. Бурилган заҳотим, қоронғи дарвозахонадан бир шарпа чиқдию йўлимни тўсди:

— Жон керакми, картмон? — деб пўписа қилди, сўнг, пичоқ бўлса керак, йилтироқ бир нарсани боши устида тўлғаб, орқасига қараб овоз берди: — Ҳша ерда тураверинглар, ўзим суробини тўғрилайман!..

Юрагим товонимга тушиб кетгандай бўлди.

— Пулим йўқ, ака, — дедим овозим қалтираб.

— Нега йўқ? Пул олиб юрсанг ўласанми, аҳмоқ! — деб дўқ урди безори.

— Ўзи йўқ нарсани қандай олиб юраман?

— Қашшоқ экансан, тунда пишириб қўйибдимми?

Индамидим. Зора раҳми келса, қўйиб юборса, деб кутиб турдим. Безори бир муддат ўйга толди, сўнг:

— Устингдаги палтўнми? — деб сўради.

— Йўқ, ака, пальтомас, тўн, — дедим. — Эскироқ, увадаси чиқиб кетган.

— Жулдурвоқи! — деб сўқди безори. — Лоақал тагида кастум-пастуминг бордир?

— Кастум йўқ, ака, сурп иштону сурп кўйлақдаман.

— Сўярдим-у, лекин сандан қон ҳам чиқмайдими, деб кўрқаман, — деб тўнғиллади безори. — Бор, йўлингдан қолма!

Секин, қутулганимга ишонмай, бадбўй зах урган деворга қапишиб кета бошладим. Қуруқ қолаётгани алам қилди чоғи, безори ортимдан етиб келди. Оч биқинимга мушт туширди. Боз уриб телпагимни учириб юборди. Зимистонда тимискиланиб, зўрға топдим. Қочмадим. Қочсам, шериклари билан қўшилиб етиб олади, агар таъқиб завқига тушишса бас, ушлаб олгач соғ қўйишмайди, деб кўрқдим. Бир маҳал қарасам, безори олдинга ўтиб олибди. Юзини кўриб бўлмайди, лекин ҳансираб нафас олишига қараганда, ғазоби жуда ошган. Чўнтагимда танга-чақаларим бор эди, шуларни қоқлаб берсамми, деб ўйладим. Лекин чўнтакка қўл тикқанимни биламан, кўзларимда ўт чақнади. Бошим гувиллаб, турган жойимда қаттиқ чайқалиб кетдим, лекин, хайриятки, йиқилмадим, деворга суяниб қолдим.

— Аҳмоқ! Қашшоқ! Ювуқсиз! Ҳароми!..

Безори сўкишу лаънатларни қалаштириб ташлади. Лекин негадир ортиқ чўчимай қўйдим. Негаки, унинг аллақачон ҳафсаласи пир бўлган, шунчаки қолган-қутган захрини тўкиб олмоқда эди.

Яна бир-икки мушт еб, юзларим шилиниб, лов-лов ёниб, йўлимга равона бўлдим. Безори ортимдан қичқириб қолди:

— Энди пулинг бўлмаса Шоқул акангга дуч келмайсан, мишиқи! Башаранг эсимда қолди, эртага чошгоҳда Чорсуда кутаман, ўн сўм топиб келмасанг, бу дунёдан умидингни узавер!

Еган муштларим бир ҳиссаю ўн сўм топиш ўйи минг ҳисса бўлиб, аламиним ошиб, бақириб юбордим:

— Сенга ўн сўмни қайдан топиб бераман! Нима, туям қалъадан қатнаб ётибдимми?!

— Зиқна бўлаверма, мишиқи! Майли, устудентга ўхшайсан, уч сўм опкела-қол! Эсингдан чиқмасин, эртага Чорсуда, қўшчинорнинг тагида кутаман!

Мени таниб қолганидан танимагани аниқроқ эди, лекин, бари бир, чўчидим. Шу касофат тинч юрсин, деб хаёл қилдим эртаси чошгоҳ пайти Чорсудаги чинор тагига уч сўм элтиб бердим. Пулни юз-бетига чақа тошган иккита ўспирин олди. Уларга Шоқул тайинлаб қўйган экан. Ўзлари келолмайди, деди ўсмирлардан бўйчанроғи, ўзлари бошқа жойга юз сўм қарзларини ундиргани кетганлар. Тортишиб ўтирмадим. Уч сўм «қарз»имни топшириб, секин орқага қайтдим. Рост, уч сўм мен учун катта гап эди. Бир амаллаб, бирга ўқийдиган йигитлардан йиғиштириб олганман. Йўлда алам қилдики, шунча пулни ўз оёғим билан бориб, писта чақиб ўтирган иккита пандавақиға ўз қўлим билан топшириб келдим. Шоқулнинг ўзини кўрмадим ҳам. Одатда етимхонада ўсган болаларнинг зуваласи пишиққина бўлади, бировларга ҳақларини едириб ўтиришмайди, керак бўлса, муштни ишга солишдан ҳам қайтишмайди. Мен ҳам аслида ўшалардан бириман-у, лекин ҳалигиндай жангариликка йўқроқман.

Ҳафта ўтди ҳамки, аламиним тарқамди. Тенгдошларга айтиб бўлмайди,

айтсам бошим кулгидан чиқмайди, айтмай десам — ичимга сиғмайди. Ахийри, якшанба куни бошмоғимни ямагани бориб, этикдўз Симхога ёрилдим. У гапларимни жон қулоғи билан эшитди, безорилардан ғазабланди, сўкинди, сўнг, сал хумори босилгач, лунжидаги михни кафтига олди-да:

— Боплаб урмайсизме? — деди. — Кейин баъдаз Шоқулингиз якка экан.

— Шайкаси бор эди, — дедим хунобим ошиб. — Мардлик қилиб, ўзи якка чиқди.

— Э, ако, содда экансиз! — деб кулди Симхо. — Якка бўлгон у, шайкаси бўлмагон.

Ўйлаб қарасам, гапи ростдай. Гарчи Шоқул «шериклари»га овоз берган бўлса-да, яқин-орада бирор шарпа сезганим йўқ эди — шуни эсладим.

— Шоқулга шайка нест, — деди Симхо. — Шоқул ундайчикин даражага етмагон.

Хуллас, мот бўлдим. Шоқулга ҳарбу зарб қилмаганим учун ўзимни сўкиб, этикдўзнинг дўконидан узоқлашдим.

Эҳтимолки, шу билан Шоқул унут ҳам бўларди. Лекин орадан озроқ фурсат ўтиб, Чорсуда кетиб бораётганимда, жуссаси ўзим қатори, кўзлари аланг-жаланг бир йигит ёнимга келиб, иссиқ куришди.

— Саидқул акамисиз? — деб сўради.

— Саидқулман, — дедим, — лекин сизни танимайроқ турибман.

— Мен ўша... Шоқул бўлман, — деди йигит кўзларини ерга тикиб. — Энди, Саидқул ака, шуям инсофданми, ўша кечаси ўзингизни танитмабсиз. Кейин уч сўм опкелиб, яна мени мазах қипсиз... Эшитиб, қаттиқ ҳафа бўлдим, ака.

Гап нимада эканига энди тушундим. Шоқулнинг тарзига тикилиб туриб, боя айтганимдай — ўзим қатори эканини кўриб, баттар ўсал тортдим.

— Энди, Саидқул ака, шунча кулганингиз ҳам етар, — деди Шоқул. — Энди уч сўмингизни қайтиб оласиз. Биздаям одамгарчилик бор, ака, жа сиз ўйлаганчалик инсофимизни еб-ютганимиз йўқ.

— Пулни чўзинг, — дедим ўзимни бепарво тутишга уриниб.

Шоқул чўнтагиданғижимланган учталиқ олиб узатди. Индамай киссага урдим.

— Хато учун узр, — деди Шоқул бошмоғининг учи билан ер чизиб. — Шу гапни акангизга айтиб қўясиз.

— Қайси акамга? — дедим тушунмай.

— Энди, одамни қийнаманг-а, Саидқул ака, — деди Шоқул норози бўлиб. — Биласиз-ку, акангиздан Шоматнинг ўзиям қўрқади.

— Бу гапга Шоматнинг нима дахли бор?

— Қўйинг, Саидқул ака, келинг, яраш-яраш бўлақолсин, — деб баттар ялинди Шоқул. — Мана, яна ўн сўм... Еткизган азиятимиз учун.

Шоқул чўнтагидан ўн сўмлик чиқарди. Харждан қийналган эмасманми, бир кўнглим олай ҳам дедим, лекин бу пулнинг кимдир ўзимга ўхшаган фақир-пастак талабанинг киссасидан чиққанини ўйлаб, бирдан ғазабим қўзиди:

— Эгасига қайтариб беринг! — деб бақирдим.

— Хўп, ака, — дея осонгина рози бўлди Шоқул, сўнг, сал узоқлашиб, бирдан сенсираб қичқирди: — Ҳов! Сендан қарзимни уздим, акангга айтиб қўй! Ҳали бизгаям замон келади, шуниям айт!

«Акам»нинг кимлигини билолмай, қанчалар таажжубда қолганимни тасаввур ҳам этолмайсиз. Кўнглимда бир олам гумон, ётоғимга қараб жўнадим. Йўлим дорилфунун ёнидан ўтарди. Ўша жойга етганимда, тахта будка ичидан Симхо югуриб чиқди.

— Задедми занғарни, Саидқул ако? — деб сўради. — Урдингизме?

— Кимни?

— Шоқулни-да! Пулни қайтиб бердиме?

— Берди, — дедим. — Ҳали унга сиз айтган эдингизми?

— Биз Назар акага айтгон, — деди Симхо, — Назар ако Шоматга айтгон, Шомат Шоқулга айтгон, Шоқул пулни Саидқул акага бергон.

— Назар ака?! — дедим баттар ҳайратим ошиб. — Назар аканинг кисса-вурларга нима дахли бор?

— Дахли шулки, у кишига обрў бор, — деди Симхо фахр билан. — Афторитет, Саидкул ако! Назар акадан ҳамма киссавурлар метарсад!

— «Метарсад»и нимаси?

— Қўрққони-да, Саидкул ако! Қўрққони — метарсад!

— Э, у кишиям ҳали... киссавурми?

— Э, Саидкул ако, минбаъд мундой гапирманг-е! — деди Симхо ранжиб. — Назар ако эшитсалар бисёр хафа мешавад!

Бари бир, ҳеч балони тушунмадим. Симхо менинг анграйиб турганимни кўриб, роса кулди:

— Аввал қўшилгонлар, кейин баъдаз айро тушгонлар! Лекин афторитетлари қолгон!..

Шу тариқа, Симхо билан гаплашиб, Назар Яхшибоевнинг ёшлигига доир яна бир қанча тафсилотларни ҳам билиб олдим.

Тўртинчи манзара

Тасаввур қилингики, торгина чорбурчак ҳовли, саҳнига мусулмони гишт тўшалган, ўртасида — тошнов. Уч тараф баланд девор билан ўралган, кўр деворлар — лоақал тўйнуги ҳам йўқ. Бир тарафда иккита ҳужра, деразалари саҳнга қараган. Ҳужралар олдида ўсган иккита қари тут осмонга бўй чўзиб, гўё бу диққинафас ҳовлидан қочиб чиқмоқчи бўлгандай, том оша тарвақайлаб кетган.

Ҳужраларнинг бирида кўмиру тараша сақланади, унисиди Яхшибоев билан Ошно истиқомат қилади. Ҳовли эгасининг ўзи қаерда туриши номаълум. Жулдур чопон кийган жиккаккина чол. Ой сайин келиб, қимматчилигу рўзғор сарфидан икки-уч соат нолийди, сўнг ижарагирлардан тегишини олиб, яна бир ойгача қорасини кўрсатмайди.

Йигитлар аввалига чолни иззат қилишарди, лекин кейинроқ нафратланадиган бўлиб қолишди. Сабабки, Ошно бир куни чолни янги тўну янги маҳсида кўрди — тагида гижинглаган от, хуржуни тўла егулик, шаҳар бозоридан чиқиб келаётган экан...

Ошно келиб кўрганларини айтди: Назар жўра, одамлар нега бунчалар ёмон-а, бой-бадавлат экан, жулдур кийинмаса нима қиларди?

Яхшибоев тушунтирди: жулдур кийинмаса бой бўлолмасди.

Ошно тушунмади: бой бўлатуриб жулдур кийингани нимаси? Бойликдан маъно бутлик эмасми?

Яхшибоев кулди: недир камаяди, ошна, недир бут бўлади, яъники, камайтириб, кейин бут бўлади. Фалсафани ўқиган одамсан-у, лекин тузук англамабсан. Мана, сен ўзинг, соғлиқдан қийиб, мияни тўйдиряпсан, танингдан куч кетяпти, лекин ақлинг бут бўляпти.

Ошнонинг қорни оч эди, мушоҳадага мойиллик сезмасди, шу боис, бор аламини ичига ютди. Китобини қўлга олди, лекин ўқиёлмади, тагин кўнглида норозилик пайдо бўлди: ўзинг айт, Назар жўра, бой-бадавлат экан, бу ерга келиб нақ ярим кун йўқчиликдан нолиши шартми?

Яхшибоев эринмади, яна тушунтирди: шарт эмас, ошна, лекин чоли тушмагур сал соддароқ, томошага ўчлиги бор, кейин... у ёғи... худодан ҳам кўрқади. Атай нолишга тушади, нолиш баробарида сену мендай ғарибу ғураболарни шилаётгани учун гуноҳини ювгандай бўлади. Таскин дегани ҳаммагаям керак-да, ошна.

Ошно ғазабланди: худодан кўрқмайди, инсофини еган у!..

Рости, Яхшибоевнинг ҳам қорни очроқ эди, унинг ҳам фалсафага мойиллиги камроқ эди. Ошнонинг инжиқлигини ёқтирмади, дўққа ўтди: фингшима, ошна, чидаганга чиқарган буни! Ё ҳозир бас қиласан, ё биқинингдан дарча очиб кўяман!..

Ошно бир муддат жимиб қолди, лекин лаҳза ўтиб тагин жағи очилди: мусофир юртда юрибмиз, сенки менга қайишмасанг, бегонадан не умид!..

Яхшибоев юмшади: жим ўтир, ошна, финг деган номард! Чолдаям сал-пал инсоф бор, ўзинг ўйла, ойига бор-йўғи уч сўм ижара ҳақи олади.

Ошно маъқуллаб бош ирғади, сўнг яна нолиди: уч сўм — оз пул-у, лекин сену менга — катта!

Яхшибоевнинг ўзи ҳам шуни ўйлаб турган эди, бирдан кайфи чоғ бўлиб, шарақлаб кулиб юборди: тўғри айтасан, уч сўм бизга катта пул кўринади, лекин чоли тушмагур бари бир инсофли, аҳволимизни тушунади. Инсофи бордирки, шу арзимаган уч сўмни олаётганда нақ икки соат нолиш қилади!..

Ошно бу билан юпанди. Яна китобини қўлга олди, овоз чиқариб ўқий бошлади:

Неча асрлар ухладинг ётиб,
Кумушдек танинг балчиққа ботиб...

Яхшибоев ҳам тўшагига чўзилди. У ҳам қўлига сабоғини олди. Ошонининг майин овозига ўзининг гулдиракдай овозини қўшди:

Қулоқ бермиш сўзимга турк жон ҳам,
Ва неки турк, балки туркмон ҳам,
Не мулк ичраки бир фармон йибордим,
Анинг забтига бир девон йибордим...

Охирги сатрни ўқиб, бирдан чалғиди, ўқиган сўзларига таъбир сўради:

— «Девон»и нимаси, ошна?

— Буям бир куллиёт-да, — деди Ошно. — Ғазалларни алифбо бўйича жамлаб, кейин китоб тартиб этилади. «Алиф»дан бошлаб, то охиригача... Кейин пошшоларнинг саройи ҳам «девон» дейиларкан.

— «Девона»чи?

— Девона — девона-да!

— Уйқаш экан.

— Уйқаш.

— Нега шунақа?

— Билмадим, — деди Ошно. — Балким... анави девондан четлаштирилган вазир-пазирлар шунақа... девона бўп қолар? Нима дединг?

— Унда нариги «девон»-чи? Униси қаёқда қолди?

— Йўқ, — деб бош чайқади Ошно. — Мунинг нариги девонга дахли йўқ. Пошшо девонида тартиб бўлмаслиги мумкин, лекин ғазал девонида тартиб бор.

— Майнанг бут, — деб мақтади Яхшибоев. — Ҳали сен зўр олим-полим бўп кетасан-ов.

— Қорним оч, — деди Ошно.

Шундай дедию дўстига мўлтираб қаради. Булдуруқдан юборилган нонқоқи Яхшибоевнинг ёстиғи тагида сақланарди. Тақсимот ҳам унинг ихтиёрида. Яхшибоев инқиллаб ўрнидан турди, ёстиқ тагини кавлаштиради. Нонқоқи солинган халта ҳадеганда қўлига илинавермади. Нонқоқи ёғоч каравотнинг тагига тушиб кетган экан — топди, қўлида силкитиб кўрди, вазни кўп енгил туюлди. Ошнога ўқрайди:

— Еб қўйибсан-ку?!

Ошно халтага қўл урмаган эди, шу сабабли, дўстининг кўзларига тик қаради:

— Инсоф қил, жўра!

Яхшибоев халтани тузукроқ кўздан кечирди. Уёқ-буёғини ағдариб бир-икки тешилган жойини кўрди.

— Сенми ё каламуш? — деб сўради. Кейин кемтилган нон парчаларини бир-бир олиб:

— Сичқон экан, — деди. — Каламуш тишлаганга ўхшамайди, тиши сал майдароқ.

Ошно индамади. Елкалари баттар титради. Яхшибоев сичқон тегмаган икки парча нон топиб, бирини Ошнога узатди:

— Ма, кавшаниб ёт.

Ошно терс ўгирилди. Яхшибоев унинг тепасига борди. Нон парчасини қўлига тутқизди. Ошно нонни олди, секин ҳидлаб кўрди. Яхшибоев келиб жойига ўтирди. Зум ўтмай, Ошонининг тишлари қасир-қусир ишга тушди. Яхшибоев ўзининг улушини оғзига олиб борди, лекин негадир еёлмади, бу парчани ҳам Ошонининг қўлига тиқиштиради:

— Ма, тўйиб ол.

— Ўзинг-чи, Назар? — деб сўради Ошно ҳиқиллаб туриб.

— Менинг қорним тузук. Симхо билан товуқ гўшти едик.

Ошно ялт этиб бери қаради. Кўзлари ҳайратга тўла эди.

— У товуқ гўшти ер эканми?

— Яҳудий-ку, — деди Яхшибоев сир бой бермасдан. — Нони бўлмаслиги мумкин, лекин товуғи албатта бўлади. Парво қилма, ошна, бир кунни сениям обораман.

— Қандай бўларкан? — деди Ошно сал ийманиброқ. — Мазҳаби бошқа-ку, жўра?

— Хурофотни қўй, ошна, — деди Яхшибоев. — Ҳамма одам — бир одам. Билиб қўйки, ҳозир сену менинг мазҳабимиз — қорин деган нарса. Қоринни тўйғазиш керак. Ушанда ўқиш ҳам бўлади, ишлаш ҳам бўлади, бола-чақа, рўзғор, амалу эътибор... бариси бўлади.

— Бўлармикан, Назар?

— Бўлади!

Ошнонинг руҳи тетиклашди. Яна Яхшибоевни гапга тутмоқчи бўлди. Лекин Яхшибоев гапирадиган аҳволда эмасди. Ошнонинг нон кавшашига қараб туриб, оғзи сўлакка тўлган эди. Гапирса сири ошкор бўлиб қолишидан чўчиди. Қолаверса, Симхонинг илтимоси ёдига тушиб, қийналди. Симхо унга товуқ гўшти бергани ёлғон эди. Бечора этиқдўз ҳам уларга ўхшаб, оч-наҳор яшарди. Касали ҳам бор эди. Касали сабаб, э, Назар ако, бизга дард калон, бизга дард бисёр, агар иложи топилсо, бизга атаб деҳангиздан, яъниким қишлоқингиздан якта меш қимизу қимрон билан якта мурғи сабукдан опкелсангиз, баъдаз-кейин биз ҳам умрбод хизматингизда бўлиб, умрбод абзалингизни бепул ямаб юрар эдик, дея илтимос қилган эди.

Ошно ўша тун тинч ухлади. Яхшибоевнинг кўзи ҳеч илинмади, тонггача тўлғаниб чиқди, хаёлига турфа ўйлар келдики, э, Назар, бу хил сарсонун саргардон юришлар не, тинчгина қишлоқда яшасанг нетарди, юртнинг олди бўлмасанг ҳам, қуйруқроғидан бирорта жой тегарди-да, жонингни бунчалар азобга қўйиш шарт эдимми? Яғир ёпинчиғини юзга тортиб, жимгина ухлаётган шеригига ҳам, ўзига ҳам раҳми келиб ётди. Кейин недир ёруғ толедан умидвор бўлди. Булар бари ўтар-ку, деб ўйлади, ўтганини эслашга куч-қувватимиз қолса бас-да.

Умидланиб ётаркан, бирдан қоқланган нонхалта эсига тушди. Жамики жамғарма тугаган, қишлоқ — узоқ, шаҳардан — нажот кам. Боши баттар ғувиллаб кетаверди.

«Пул топиш керак».

Шу ўй билан тонгда уйқуга кетди. Бир-икки соат ўтиб, яна шу ўй билан уйғонди. Чора излаб, мардикор бозорига борди. Кучига харидор тополмай қийналди. Харидор топилди-ю, нархини жуда паст қўйди: қорнингни тўйғизсам бас. Яхшибоев унамади. Унагиси келди, лекин у ёқда Ошнонинг оч юрганини эслади. Вокзалга борди. Уша ерда юк тушириб, озгина пул топди. Бозорга ўтмоқчи бўлди. Йўлда йўлтўсар чўнтагини қоқлаб олди. Индамай кетолмади, ғазаби кўзиди, маст нордай айқириб, танидаги жони ҳам, кетган пули ҳам кўзига бирдай кўриниб, ғанимига ташланди. Ушлаб, таппа ерга босди, папалади, қовирғасини эзди. Йўлтўсарнинг қопчиғи қаппайган экан, лекин Яхшибоев фақат ўзининг пулини қайтариб олди, қолганига тегмади.

Бозордан егулик билан қайтди. Ошнога вокзалда юк туширганини айтди. Йўлтўсарни эсламади ҳам. Икковлашиб, қоринни тўқлаб олишди. Сўнг сабоққа ўтиришди, лекин ҳафсала дегани ҳеч келавермади. Ноилож ўринга чўзилиб, ўтган-кетгандан гурунғ қилиб ётишди. Булдуруқни эслашди. Ошнонинг яна инжиқлиги тутди, яна тағин, кетайлик, жўра, уйга кетайлик, дея илтижо қилди. Яхшибоевнинг айна чоғда кайфияти дуруст эди, тун бўйи ўзи ҳам айна шу ўйларни ўйлагани ёдидан чиқиб, Ошнони жеркиб ташлади:

— Писта қил, ошна! Ўқийсан энди!

— Сену менга чиқармаган экан буни, бойларнинг боласи ўқиса тузук эди.

— Энди бой йўқ, замон сен билан меники.

— Ўқиган яхши-ю, лекин сенга тирик товон бўлиб ўтирганим ёмон. Егулик томоғимдан ўтмайди, жўра, текинхўр бўп қоляпман.

— Ўтаверсин. Майли, қарзга еяпман, деб ўйлай қол, кейин пайти келганда узарсан.

— Қарзга бўлса — майли. Лекин яхшиликларингни унутган номард, Назар жўра.

— Бас қил! Ҳадеб гапираверасанми!..

Шу-шу, Ошно Яхшибоевнинг кўлига қараб қолди. Узини тобе тутта бошлади. Буниси Яхшибоевга сира ёқмасди. Ҳатто хоксор бўлиб, мўлтираб турганлари учун Ошнони бир-икки бор урмоқчи ҳам бўлди. Ҳар ҳолда, Яхшибоев шу жазмида ғоят самимий эди. Бирор беш йил бирга юриб-туриб, битта майиз бўлса ҳам бўлишиб еб, дўстига таянчу юпанч бериб, лоақал бирор марта, э, бу баччағарга ҳақим кетяпти-ку, деган ўйга бормади.

Ошно айни беғаразликни сезар эди. Энди қийин дамларда ҳам ёлғизланиб, хору зор бўлиб қолмаслигини билар, содиқ дўсти борлигидан севиначар эди.

Баъзи-баъзида, энгилроқ зиёфат қуриб, энгилроқ мусаллас ичиб, кайфиятлари ҳам пардай энгил тортиб қолган кезларда, Ошнонинг кўнгли баттар иярди-да, Назар жўра, дер эди, сен бор экансан — юким ерда қолмагай. Яхшибоев ҳам бирдан гапни илиб кетарди: э, ошна, сенинг юкинги нима бўларди, нари борса юкхонада ташилган ўн-йигирма қопга тенг келар, майли, укасининг қорнига, сен ўқи, менинг давлатимда ўқиганинг қолади, ўрган, олиму фузало бўл, кейингисига — худо пошшо. Ошно дўстини баттар суярди: нега мени мунчалар аяйсан, Назар жўра, бир қориндан талашиб тушганинг бўлмасам, нега мениям бирга олиб чиқмайсан, нега энди бир ўзинг ҳаммоллик қиласан, мениям опчиқ, менам бир қоп бўлмасам ярим қоп юк кўтарай, ўшанда сен икки соат ўрнига бир ярим соат ишлайсан, дарс-парсга ҳам вақтинг қолади-ку?

Лекин Яхшибоев уни юк ташишга олиб чиқмасди. Агар Ошно юк ташиса борми, Яхшибоев ўзининг васийлик ҳуқуқидан маҳрум бўларди. Унга васий бўлиш жуда-жуда ёқарди. Агар Ошно мустақил нон топиш йўлига ўтса, ўзи — гўё пултопар ўғлига не дейишини билмай ўтирган отадай — гарангсиб қолишини биларди. Кейин у Ошно ўзига нисбатан зеҳнлироқ эканини ҳам сезарди.

Ошно нуқул «бешга» ўқирди. Яхшибоев эса кўпроқ «учга» илиниброқ юрарди. Аммо бу нотенглик эвазига озми-кўп пул топиб келарди. Вокзалда, бозорларда, хуллас, дуч келган жойда ҳаммоллик қиларди. Ҳам ўқишга, ҳам ишга баравар дош бериши қийин эди. Оз муддат ўтмай, кўзлари киртайиб, бурнидан тортса йиқиладиган аҳволга тушди. Шунда у бир ойча танаффус қилди. Орттирган сармоясини бир ой майда чайнаб, яна аввалги қувватига қайтди. Яна ҳаммолликка чиқишга юраги бетламади, юкдан юраги безиллаб қолган экан. Бир кеч таваккал қилдию кўчага одамларни тўнашга чиқди. Лекин ҳеч ким унинг йўлтўсар эканига ишонмади, шунчаки, савдойига дуч келгандай, нарироқдан четлаб ўтиб кетаверишди, холос.

Яхшибоев кейинчалик, кўп вақтлар ўтиб, одамларни унча-мунча ўрганиб бўлиб англадики, ўша кечаси у кўпроқ чароғон кўчаларда ўлжа пойлаган экан. Яна англадики, у ўзи тўнамоқчи бўлган кишиларнинг кўзларига қараган экан, кўз кўзга тушган чоғда, уятми, одобми, ишқилиб, қароқчи халқига бутунлай кераксиз бир туйғу сабаб бўлиб, нигоҳини четга олиб қочган экан. Билдики, одамнинг кўзига тик қараб туриб ёлғон айтиш мумкин, лекин кўзга тик қараб туриб тўнашнинг иложи йўқ. Негаки, йўлтўсарлик ёлғон эмас, йўлтўсарлик — росмана бир ҳаракат, унинг турган-битгани рост.

Ўша кеч уйга қайтиб, ортига қоракуя суртилган шиша синиғини кўлига тутди. Аксига разм солиб, яна бир хатосини тушунди. Қишлоқлиги, тўпорилиги шундоқ юзига муҳр этилган кимсага биров сариқ чақа ҳам бермайди.

Ният эсдан чиқавермади. Бир муддат мўйлов кўйиб юрди — натижаси бўлмади. Сўнг соқолини ҳафтада бир марта қирадиган бўлди — тагин натижасиз. Шу орада, ҳавасга йўлтўсарликни машқ қилиб юрганида, тасодифан рақибга дуч келди. Уртада жанжал кўпди. Муштлашувда Яхшибоев зўрроқ экани билинди. Бирданига обрўси ошди-қолди. Сабабки, у бурнини ерга бошлаб ишқаган полвонгина йигит — вокзал атрофидаги безориларнинг бошлиғи, кимсан Шомат Кузур эди. Шомат Яхшибоевнинг зўрлигини тан олди, тан олгани баробар, «сулҳ» дея қўлини берди — гўё шартномага муҳр босилгандай бўлди. Қолгани жуда осон кўчди. Орттирган тажрибаси қўл келиб, Яхшибоев нари борса бир ой ичида шаҳардаги барча «кузур»ларни алоҳида-алоҳида тутиб олиб урди, кейин ҳар яқшанба куни Уртақўрғон шаҳрининг овлоқроқ қабасида, эски бир даҳмада ўтириб, жўрабошилاردан «ўлпон» йиғадиған бўлди.

Бешинчи манзара

Яхшибоевнинг тақдири не кечиши аёндай эди. У қилаётган ишидан заррача ҳам афсусланмасди. Безори жўрабошилар орасида орттирган обрўси кўнглига мойдай ёқарди. Мўйлов қўйиб, соқолини ўстириб, кўча-кўйда ёқани кенг очиб кезишлар, одамларнинг ҳайиқиброқ қарашлари, зиёфатлар, бачкироқ йўлтўсару киссавурларнинг ялоқланишлари... бари-бариси ёқарди. Энди унинг чўнтагидан пул арманниг. Ўқишга ҳам ортиқ эҳтиёж сезмасди. Билардики, ўқиб, ўқиганига ҳужжат олиб, боринги, тузукроқ мартабага эришиб ҳам ҳозиргидай мўл топиш-тутиши душвор. Уни дорилфунун талабалари рўйхатида сақлаб турган нарса — Ошно эди. У Ошнодан чўчирди. Ошнонинг ўзидан эмас, балки у қишлоққа бориб гап-сўз тарқатишидан чўчирди. Яхшибоев, гарчи у энди соқол-мўйлов қўйиб юрса-да, юзига шаҳар нуқси уриб қолган эрса-да, Булдуруқда юққан тўпорилигидан қутулмаган эди. Ҳар қандай қишлоқи йигит каби, у ҳам ўлгудай ориятбоз эди; ҳай аттанг, Яхшибойнинг боласи шаҳардаги ўқишини уdda қилолмабди-да, деган гапга қолишни истамасди.

Лекин Ошно тилига пишиқ эди. Қолаверса, унинг дўстига ихлоси баланд эди. Мабодо Яхшибоевнинг қилмишларидан хабар топганида ҳам, уни ҳеч қачон қишлоқ аҳли олдида фош этмаган бўларди. Бунга Яхшибоевнинг ўзи ҳам тез орада инонди. Инонгани баробар, Ошнога меҳри ортди, уялди, кўнглидаги оғир юкни баттар туброққа беркитишга уринди.

Ким айтгани номаълум, лекин бир куни бориб Ошно унинг кирдикоридан хабар топди.

Кечки пайт эди, кўчадан ранги оқариб кириб келди-да, каравотда чўзилиб ётган Яхшибоевнинг рўпарасига чўкди.

— Назар, — деди ўпкаси тўлиб, — Назар, айт, жўра, қусиб берайми? Яхшибоев аввалига уни бетоб деб ўйлади, қўл чўзиб пешонасини ушлаб кўрмоқчи эди, Ошно қўлини силтаб ташлади:

— Айт, еганимни қандай қусаман, айт?!

Яхшибоев нима бўлганини сезди. Каравотига туриб ўтирди. Бошини ҳам қилди.

— Ростми? — деб сўради Ошно. — Айт, ростми? Елғондир, Назар жўра, айт, наҳотки сен?..

— Рост, — деди Яхшибоев.

— Ҳаром-ку, Назар!

Яхшибоев индамади.

— Ҳаромдан ҳазар қилмадингми, жўра?!

Яхшибоевдан яна садо чиқмади.

— Бу гап Булдуруққа етиб борса нима деган одам бўламиз?

Яхшибоев Ошнога илкис қаради:

— Булдуруққа етмайди, — деди. — Сен еткизмасанг, бошқа одам еткизмайди.

— Еткизмаслигимни биласан! — дея бошини сараклади Ошно. — Биласан! Билмасанг бунақа ҳаромхўрлик қилмасдинг! Бориб айтсам-чи? Айтсам нима дейсан?

Яхшибоев ўрнидан сапчиб турди. Кўзлари қонга тўлган, юзи бўғриқиб кетган эди.

— Ўлдираман! — деб бўкирди у, сўнг Ошнонинг томоғидан гиппа бўғиб олди. — Айтиб кўр, ўлдираман!

Ўзини туюлмади, бўғаверди. Ошно унинг қўлидан тутмади, кўзлари косасидан чиқиб кетай деганида ҳам даҳл қилмади, индамай турди. Бирдан Яхшибоев Ошнонинг тани бўшашиб қолганини сезди. Чўчиб қўлларини бўшатди. Ошно ерга шилқ этиб йиқилиб тушди. Ҳушдан кетмаган экан, зум ўтиб кўзларини очди.

— Ўлдир, Назар, — деб ингради. — Бундай юргандан кўра ўлганим тузук. Яхшибоев кўзларини олиб қочди.

— Кечир, ошна, — деди овози қалтираб.

— Нимангни кечирай? — Ошно ўзини сал ўнглаб, яланг ерга чордана қуриб ўтирди. — Фақат мени ўлдириб, кейин ўзингни ўлдиришни ҳам унутмасанг бўлди, Назар!.. Шарманда қилдинг-ку! Энди не одам бўламиз?!

Ошно шу кўйда, чордана қуриб ўтирганича, узундан-узоқ дийдиё бошлади. Яхшибоевни ҳайратга қўйган нарса шу бўлдики, дийдиё асносида Ошнонинг тани бирор марта ҳам қимирламади. Кўнглида шубҳа уйғонди, тагин бу мунофиқлик қилаётган бўлмасин, деб ўйлади, не бўпти, ўзини фаришта кўрсатмоқчи бўлса-чи? Мени қоралаб, ўзини оппоқ ювиб, оппоқ тараб олса-чи? Ахир, уям менга шерик эди-ку? Ўғирлаган бўлсам, бир ўзимни деб ўғирлаганим йўқ. Кейин, қолаверса, ўғирладим, деб ҳам айтолмайман, недир ўғирликка мингинчи шерик бўлдим, холос. Бир хаёли, Ошнони тик турғизиб, хумори ёзилгунча дўппослаш бўлди, лекин шу пайт дўстининг кўзларидан дув-дув ёш оқаётганини кўрди, хўрланди, хўрлангани баробар, ўрнидан дик этиб туриб, каравот бошига ташлаб қўйилган шимининг камарини суғуриб олди.

— Ма! — деб бақирди. — Ма, ол, олгин-да мени шифтга ос!

Ошно ялт этиб шифтга қаради. Ранги қув оқариб кетди — шифтда пил-тачиروق осадиган пишиққина илгак бор эди.

— Осолмайман, Назар! — деди. — Осардим-у, лекин осолмайман... Жўрамсан, ахир!..

Унинг алами Яхшибоевга ҳам юқди. Қайсарлиги тутди, шартта курси қўйиб, камарнинг бир учини илгакка ташлади.

— Назар-р!!

Ошно судралиб келиб, унинг оёқларига ёпишди. Камар илгакка тузук-роқ илинмаган экан, Яхшибоев мунозанатини йўқотиб, Ошнонинг устига қулади. Ошнони, аяб, қўлини ерга тираган экан, тирсагида чидаб бўлмас оғриқ уйғонди, кўзларида ўт чақнаб, сўкиниб юборди:

— Ҳе, сенинг ўша инсофли знангням!..

Ошно инқиллаб-синқиллаб, унинг тагидан чиқди.

— Сўкма! — деди ғазаб билан. — Ўзимни сўксанг майли, лекин энамни қўшма!..

Яхшибоев танбеҳ эшитадиган аҳволда эмасди. Тирсакдан чиқиб шалвираб қолган чап қўлини соғи билан тутиб, Ошнонинг қолган-қутган қариндошларини ҳам обориб-опкелди. Сўнг тишларини тишларига босиб, оғриқни енгилга уринди. Ошнонинг раҳми келди. Дўстининг майиб қўлини силай бошлади. Қўллари қизларниқидай майин эди. Яхшибоев, ўша пайтдаги кучли оғриқ сабаб, айни ю м ш о қ л и к н и бир умрга эслаб қолди, кейинчалик, Ошно юксалган кезларда, Ошно ўзини ҳузурга таклиф этиб, кенг қабулхонасига шахсан ўзи чиқиб, нақ эшик олдида кутиб олиб, азбаройи самимият билан қўл чўзган пайтларда ҳам, яккаш ўша ю м ш о қ л и к н и эслайдиган бўлди.

Лекин ўшал замонда бу ўй хаёлига ҳам келмади. Не қилиб бўлса-да, азобли оғриқдан халос бўлмоқ чорасини ахтарди. Ахтардию Булдуруқдаги синиқчи кампир Маҳкамойнинг уйида кўрганлари ёдига тушди. Шалвираб ётган қўлини Ошнога тутди:

— Ушла!

Ошно қўлдан авайлаб ушлади.

— Қаттиқроқ, занғар, қаттиқроқ ушла! Торт!

Ошно ботинмайроқ тортди. Пешонасига йирик тер томчилари тошиб чиқди. Беихтиёр, чап қўлини бўшатиб, енгил билан терни сидирди.

— Торт, галварс!!!

Ошно оёқларини ерга маҳкам тираб, бор кучи билан тортди. Тирсак суякларини қирс этдию жойига тушди. Яхшибоев ҳолсизланиб, каравотга чўзилиб қолди. Ошно қайдандир битта тухум топиб келиб, лат еган жойга сариғини суркади, тозароқ кийимини йиртиб, маҳкам танғиб боғлади. Яхшибоев шу тафсилотни ҳам умрбод эслаб қолди: ўшанда Ошно ў з и н и н г қўйлагини йиртиб боғлади. Қўйлаги оҳорли эди, қишлоққа борганида отаси йиғиб берган пулга сотиб олган эди.

Яхшибоев икки кун тўшакдан турмади. Ошно ҳам унинг ёнидан жилмади. Уйда егулик мўл бўлса ҳам оч ўтиришди. Ниҳоят, иккинчи кун пешинда Ошно унут бўлай деган nonхалтани қайдандир излаб топди. Икки парча моғор босган nonни олиб, каттароғини Яхшибоевга тутди, ўзи кичкинасини танлади. Тошдай қаттиқ nonни қасирлатиб чайнаркан, егуликлар турган тоқчага ўғринча қараб олди, қизарди. Яхшибоев унинг хаёлидан нелар ўтганини пайқади.

— Майли, кечқурун ахлатхонага чиқариб ташла,— деди.

— Узинг ташлайсан,— деди Ошно. Овозида шу чоққача сезилмаган қатъият зухур бўлди.— Мен кўлимни тегизмайман.

Егулик солинган тугунни Яхшибоев ўша тунда ахлатхонага элтиб ташлади. Қайтиб кирса, Ошно ҳужра деразачаларини очиб, тоза ҳаводан мириқиб нафас олаётган экан. Яхшибоев мажозни тушунгандай бўлди — гўё шу билан маскандан текинхўрликнинг бад ҳавоси буткул чиқиб кетаётгандай эди.

Ошно бир ой аразлаб юрди.

Энди Яхшибоев ўқишга мунтазам қатнарди. Егани қаттиқ нон, ичгани хомсув, баъзида аввалги айшларини эслаб кўнгли суст кетарди. Яна эски йўлга қайтиш, мабодо қайтмаганда ҳам, лоақал жўрабошиларнинг беминнат базмларига бориб, тўйиб-тўйиб овқатланиш истаги хуруж қиларди. Баъзида ўзига таниш — «ўлпон» йиғиладиган жойларга қараб жўнарди ҳам. Лекин манзилгача етиб боролмасди. Сабабки, ортидан кимдир пойлаб келаётганини сезарди. Қайрилиб қарар, аммо таъқибчини кўрмас эди. Гоҳида бирор жинкўчага кирган бўлиб, ўшал заҳоти қайтиб чиқар, пойлоқчини ғафлатда қолдириб, яққол кўриб олиш пайдидан бўларди.

Таъқибчи бирор марта ҳам тутқич бермади. Яхшибоев унинг Ошно эканини англаб етди. Не сабабдан кўзга ташланмаётганини ҳам тушунди. Агар у кўзга чалинса борми, Яхшибоевнинг баттар ғазаби ортган, эҳтимолки, Ошнони тутиб олиб аямай савалаган, эҳтимолки, унинг покдоманлигига қасдма-қасд, яна ўша ёмон йўлларга кириб кетган бўларди.

Айни ҳолда эса, Ошнонинг назокату фаросатига тан бермоқдан ўзга чораси йўқ эди.

О л т и н ч и м а н з а р а

Уртақўрғонда биринчи қишдан эсон-омон чиқиб олдилар. Маишатлари аввалгидай — тангроқ эди. Ернинг қори кетиб, толлар баргак таққан маҳали Ошно ёлғиз ўзи Булдуруққа бориб келди: нонқоқи, туршак, бир халтача қурут келтирди. Қишлоқдаги янгилик шу эканки, колхоз раиси қайтиб турмабди. Ҳотам Шўро колхозга раис бўпти, мулла Ғаффор — котибликдан тушибди, ҳозир қишлоқ шўросига Очил сариқ, котиблигига Восит карвоннинг ўғли Эшбек сайланибди, қолганлар ҳаммаси жой-жойида, ҳаммаси соғу саломат, кўпдан-кўп саломлар йўллаяпти.

— Қизлар-чи, ошна? — деб сўради Яхшибоев.— Қизларни кўрмадингми?

— Қизларни кўрмадим. Янаги ҳафта сумалак қилишаркан, лекин мен қололмадим.

— Сумалак — эскилик сарқити-ку?

— Менам шуни айтдим, лекин Ҳотам Шўро рухсат берган эмиш.

— Бошига бало орттирибди-да.

— Билмадим. Узидан сўрасам, нуқул кулади. Културний бўп кетибсан, бола, ўлсам жанозамга ҳам келмайсан чоғи, деб мазах қилди.

— Соғлиғи тузукми ўзи?

— Тузукдай. Тезроқ ўқинглар, деб айтди. Нўғой муаллималардан иккитаси «кетаман» деб ғалва қилаётган эмиш.

— Энди, тўғриси айтганда, муаллимлик яхши касб-да, ошна. Қишлоқнинг олд одамлари шулар. Асли сену мен қисқароқ бир курсга кирсак бўларкан, тезроқ тугатиб кетардик, лекин бу дорилфунун дегани... беш йил қачон тугайди деб юраверамиз энди...

— Отанг ҳам шу гапни айтди. Одамларнинг боласи олти ойда ўқишни тугатиб, катта бўп кетяпти, деди, сен икковинг беш йиллигига кириб аҳмоқлик қилдинглар, деди.

— Пул-мул бермадимми?

— Пули йўқ экан. Бизнинг уйдаям йўқ. Ҳотам Шўро беш сўм берди, мана. Ошно қўйин чўнтагидан бешта бир сўмлик чиқариб, учтасини Яхшибоевнинг олдига қўйди:

— Сенинг қорнинг катта, менга озроғиям бўлаверади. Бир амаллармиз, нима дединг?..

Яхшибоев индамади. Пулнинг икки сўмини олиб, бир сўмини Ошнонинг олдига сурди. Ошно пулни олиб, токчага ташлади.

— Майли,— деди.— Тенг бўламиз. Бир сўм қаро кунга тура турсин. Жуда бўлмаса мардикор ишлармиз. Нима дединг?

Яхшибоев гапирмади, Ошнонинг заифгина қадди-бастига қараб, ғамгин кулимсиради.

— Парво қилма, Назар жўра,— деди Ошно унга далда бериб.— Мол-дунё топилади, лекин илм топилмайди.

— Насиҳатингни отанга қил! — деди Яхшибоев ранжиб.— Оч қоринга ўқиб бўпсан!

— Энди, сенам ота ўрнидасан-ку, Назар жўра,— деди Ошно жилмайиб.

Яхшибоевнинг баттар ғаши келди. Лекин ортиқ пачакилашиб ўтиришни эп кўрмади. Шу сабаб, муҳимроқ хаёлларга берилди. Ошно кўтариб келган егулик неча муддатга етишини чамаи чўт қилди. Ҳисобдан кўнгли қоникмади, ўксинди.

— Оч қолсак, яна «ов»га чиқаман! — деди қатъий қилиб.— Бошқа илож йўқ.

— Ҳаромни егунча, очдан ўлган тузук.

— Ол-а! — деди Яхшибоев ғазабланиб.— Оппоқ бўлиб қолгинг келдимиз? Қолиб бўпсан! Егизаман! Ҳамма нарса тенг экан, ҳаммаси ўртада экан, демак, сенам ўша ҳаром луқмадан улушингни оласан!..

Ошно эътироз билдирмади. У жуда хотиржам кўринарди. Яхшибоевнинг замзамалари тугашини кутди, сўнг хонтахтага тўшалган эски қоғозни юлиб ташлаб, қишлоқдан олиб келган сал оҳорли дастурхонини ёзди.

— Энанг бериб юборди,— деди.— Кел, Назар жўра, энди лоақал шуни ҳурмат қилайлик. Бечоралар у ёқда умидвор бўлиб ўтиришибди, лоақал ўшаларнинг умидларини синдирмайлик, кел, жўра, шу тоза дастурхон тозалигича қолсин!..

Ошно овозини баландлатгани йўқ, тантанабозлик ҳам қилгани йўқ — жўн ва жўяли гапирди. Гапи самимий экани, юракдан чиқаётгани сезилиб турди. Шу боисданми, Яхшибоев тўлиқди, кўнгли недир юксакларга кўтарилиб бораётганини ҳис этди, лекин, сал ўйлаб туриб, бари бир қоникмади.

— Яхши гапиряпсан,— деди нохуш кулиб,— қанийди шу гапларинг билан қорин тўйса!

— Қорнинг тўйиши шартми? — деди Ошно бирдан тутаяқиб. Овози ёмон чийиллаб чиқди.— Қорнингни ўйлайверма-да, нокас! Қорнингни тўйдириш — мана, менга тан! Қараб тур, ҳали сени тўйдираман, нақ бурнингдан чиқараман!

— Бўпти,— деди Яхшибоев.— Тўйдир мени, бурнимдан чиқар. Ушанда мендан илмниям сўрайверасан!..

Шундай дедию ўзини тутолмай кулиб юборди — Ошнога ишонмади, уни шунчаки чиранмачоқ деб ўйлади.

Ошно сўзининг устидан чиқди. Бирор ўн кунча ўтиб, Булдуруқдан келган егуликларнинг охири кўринай деб қолганида, сабоқдан чиқиб қайгадир йўқолдию кечқурун роса бир қучоқ харид билан ҳужрага кириб келди. Қўлидаги қоғоз халталарни хонтахта устига қўйди-да, нафасини ҳам ростламай, токчадаги чироқнинг пилигини баландлатди.

— Қара! — деди.— Қара, Назар жўра!

Яхшибоев, каравотда узала тушиб ётганича, менсимайроқ қаради. Шунда Ошнонинг иззат-нафси кўзғади чоғи, қоғоз халталарни бирин-кетин йиртиб ташлади. Лаҳм гўшту думба ёғи, гуручу сабзи, кўкату қалампир, иссиққина гижда нонлар... хуллас, чиройли бир манзара намоён бўлдики, Яхшибоев беихтиёр ётган жойидан туриб кетди.

— Ректорнинг қизига уйландингми, ошна? — деб сўради.

Ошно беписанд қўл силтадию ректор куёвидан баландроқ туришини билдирди. Мамнун бўлиб кулди, қани, топ-чи, дегандай, қўлларини кўкрагида чалиштириб, ғоз тураверди.

— Шомат бериб юбордимиз? — деди Яхшибоев.

Ошнонинг лаблари буришиб кетди. Дўстига алам билан қаради, сўнг қўйнидан фикимланиб кетган газета чиқариб, хонтахта устига ташлади;

— Уқи! Шоматнинг саводи йўқ, сен ўзинг ўқиб кўраркансан, атай бериб юборди!

Яхшибоев газетани олиб, сарлавҳаларга кўз югуртирди: «Сандал — сарқит, печка — жон ҳузури», «Пиллакашлар жасорати», «Муштумзўрларга жавоб», «Салима қиз Масковга жўнайди» ва ҳоказо. Уқиди-ю, ҳеч балого тушунмади.

— Ичини оч! — деди Ошно бетоқат бўлиб.

Яхшибоев газетанинг ички саҳифаларини очди. Очган заҳоти каттакон сарлавҳага кўзи тушди:

БУРГУТНИНГ ПАРВОЗИ

Мақола тагига қаради: «Хорун Булдуруқли». Кўзларига ишонмади. Ошнога савол назари билан тикилди:

— Сенмисан?

— Мен, — деди Ошно, сўнг негадир сал қизарди. — Лекин бир ўзиммас, озгина ёрдам беришди.

— Ҳали сен шоир экансан-да, ошна? — деди Яхшибоев баттар ҳайратланиб.

— Шоирмас, журналист, — деди Ошно дўстининг хатосини тузатиб. — Шоир шеър ёзади, журналист дегани — мақола...

— Зўрсан, уккағарнинг боласи! — деб хитоб қилди Яхшибоев. — Улма-санг одам бўласан, бола! Зиёфат шунгами? Чикимни кимдан қарз олдинг?

— Пул — ўзимники. Қара, мақола катта-ку, битта ошга етадиган-да ўзи!

— Йўғ-э! — деди Яхшибоев. — Ҳали газетга ёзганга пул берар эканми?

— Ҳа-да?

Ошно дўстини ҳанг-манг қолдириб, ўзи ташқарига чиқиб кетди. Сал ўтмай, қўшни кампирни бошлаб кирди. Келтирган масаллиғини кампирнинг қўлига бериб:

— Биргина ош қилиб берсангиз, ойтимулло, — деди. — Икки кишига етса бас, қолгани сиз билан невараларингизга. Йўқ деманг, ойтимулло!

Кампир йўқ демади, йигитларни дуо қилиб, масаллиқни кўтариб чиқди. Икки соатлардан кейин, каттагина лаганда ош сузиб келди, яна дуо қилди. Ош хушхўр бўлган экан, Яхшибоев зўр иштаҳа билан еди. Ошно одатдагидай чимхўрлик қилди. Қувончга тўйиб қолган эканми, икки-уч чимдиган бўлдию сўнг четланиб, дўстининг тамадди қилишига завқ билан қараб ўтирди. Яхшибоев овқатни паққос тушириб, тагидаги ёғини ҳам бармоқлари билан сидириб, нон суртиб тозалаб бўлди-да, секин дўстига гап қотди:

— Сен энгдинг, ошна. Қани, газетни бер, яна бир ўқийлик.

Ошно аввал қўл артгали сочиқ узатди, кейин газетни берди. Яхшибоев каравотга чўзилиб, қайта бошдан ўқий бошлади. Мақола Ҳотам Шўро ҳақида эди. Ҳотам Шўрони Ҳакима отин туққанию кейин бола улғайиб, инқилобчиларга қўшилиб, босмачиларга қарши курашиб, орден олгани ҳақида.

«Булдуруқда дарё йўқ, — деб ёзган эди Ошно, — Дарё ўзанини ўзгартириб, бу ерларни қақратиб қочиб кетган. Лекин, гарчи Булдуруқда дарё бўлмаса-да, уни кемага ўхшатсак жоиз. Кемаки, келажак сари собит сузиб бормоқда. Унинг дарғаси — Ҳотам Шўро. Ишончли одам. Жангларда тобланган, халқ манфаатларини туну кун ўйлайдиган, халққа қайишадиган ҳалол киши. Унинг ўзига ишониб топширилган кемани ёруғ келажак манзиллари сари оғиштирмай элтишига асло шубҳа қилмаймиз...»

— Ўзинг ёздингми шуларни? — деб сўради Яхшибоев, бир зум газетадан кўз узиб. — Ҳа-я, ёрдам беришди, деб айтдинг-ку.

Овозидан андак ғайирлик сезилди. Лекин Ошно ғайирликни пайқайдиган аҳволда эмасди. Шу сабаб, хурсандлик билан тан олди:

— Дарғани ўзлари тўқиган, лекин қолганини ўзим ёздим. Кеча борганимда Ҳотам Шўро билан гурун қилувдим. Айтдим-ку сенга, колхозга раис бўпти, деб?.. Нўғой муаллималар кетармиш, ўшаларнинг ўрнига икковимизни мўлжал қияпти экан.

— Қадаминг бошқача-ку, — деди Яхшибоев ҳасадини яширолмай. — Энди у ёқларга қайтиб борармидинг!

— Бораман, жўра. Бормай нима қилардим, Охунбобоевнинг жойини олар-мидим...

— Олсанг ёмон бўлмасди,— деб тўнғиллади Яхшибоев.— Лекин бир жой-да хато қипсан, Ҳотам Шўро сен ёзгандай икки марта эмас, тўрт марта ярадор бўлган.

— Қўй, Назар жўра,— деб қолди Ошно.— Сенга ярашмас экан. Гавданга қара, ҳўкиздай полвон одам, мендақа бир полвонмасга кунчилик қиляпсан. Уял-э! Ҳар кимнинг қўлидан келгани-да...

Яхшибоев дув қизарди. У қизаргани сайин Ошнонинг қувноқлиги ортарди. Энди у баралла кула бошлади. Яхшибоев ҳам унга қўшилди. Кулиш асносида «Бунақаси меням қўлимдан келади!» деган фикр ярқ этиб хаёлидан ўтди.

Яхшибоев ўжар йигит эди. Айтганини қилмай қўймади — Уртақўрғон газетасида кичик бир лавҳасини бостирди. Минг бир азоб билан ёзилган шапалоқдай хабар устига ўқлоғидай қилиб, « Қ И З И Л Ҳ А Ш А Р » деб ном қўйилган эди. Яхшибоевга лавҳадан ҳам сарлавҳа кўпроқ ёқди. Унингча, айти сарлавҳа Ошно топган сарлавҳадан сира қолишмасди. Уша куниёқ дорилфунун ректори уни ҳузурига чақириб раҳмат айтди. Талабаларимизнинг хайрли ишларини матбуот саҳифаларида ёритиб, яна бир хайрли иш қилибсиз, ука, бундан бу ёғига янада ғайрат қилинг, пишиқ йигит кўринасиз, келажак — сизларники, дея кўнглини кўтарди. Қаламнинг учи ингичка-ю, лекин қамрови кенг, ука, деб тушунтирди, бу ёғига фақатгина бизнинг дорилфунун билан чекла-ниб қолманг, бошқа жабҳаларни ҳам ёритинг, сизга омад тилайман.

Яхшибоев ректорнинг ҳузуридан кўкраги тоғ бўлиб чиқди. Ошнони топиб, сениям ректор чақирувдими, деб сўради. Ошно саволга тушунмади, бирор айб иш қилмасам, нега мени чақиради, деб ҳайрон бўлди. Яхшибоев масаланинг моҳиятини англатди. Шунда Ошно унинг соддалигидан кулди: э, жўра, мен Булдуруқдаги Ҳотам Шўрони ёздим, сен эса дорилфунундаги қизил ҳашарни ёздинг, ректор албатта сени чақиради-да.

Қалам ҳақи теккан куни Яхшибоев ҳам зиёфат берди. Бу зиёфатдан муд-дао — не бўлса-да, Ошнадан ортда қолмаслик эди. Иддаони сезиб турса ҳам, Ошно унга қўшилиб зиёфатга борди, газетадан икки киши қўшилди, тўртовлон трамвай депоси ёнидаги «намунали ошхона»га киришди. Яхшибоев заказни қуюқроқ қилди-ю, охирида пули етмай қолди. Аммо «намунали ош-хона» буфетчиси унинг доврўғини эшитган чоғи, ортиқча ғингшимай, нася дафтарини очди: «Ҳеч бокиси йўқ, Назар ако, мана шу ерга бармоқ боссангиз бас, кейин йигитларингиздан бирортаси келиб узиб кетар...». Буфетчи уни барча безорилар каби саводсиз деб хаёл қилган эди, Яхшибоев таҳқирга чидаб туролмади, қарздорлиги ҳам эсидан чиқиб, дўқ урди: «Қаламингни ол, занғар!» Буфетчи титраб-қақшаб, қулоғига қистирилган қаламини олиб берди. Яхшибоев қаламнинг учига туфлаб, куни кеча газетада чиққан имзосини қўй-ди: «Н а з а р Б у л д у р у қ».

— Ҳақингни кейинги мақоламдан оласан,— деди.— Ҳозирча, яна бир шиша бергин-у, икки шиша қилиб илдириб қўй. Тушундингми?

— Ҳа-да, Назар ако.

— Имзонинг биттасиям етар?

— Етади, Назар ако. Имзо қўймасангиз ҳам ишонамиз, кечирасиз, биз-дан хато ўтибди.

Яхшибоев насяга тежжан бир шиша ичкиликни кўтариб, даврага қўшилди. Гурунг айти қизиган пайти эди. Газетчилардан ёши улуғроғи, яшилранг кулоҳ кийгани, Ошнога келажакдан лоф ураётган экан. Ошнонинг юзидан ҳеч бало сезилмас, лабларида доимий ним табассуми, жимгина бош лиқиллатиб ўти-рар, ортиқча гап қўшмас, боринги, одобу адабнинг ўзгинаси эди.

— Келинг, Назар Булдуруқ,— деди Кулоҳ Яхшибоевнинг қўлидаги шишага кўзи тушиб.— Утиринг, яқинроқ ўтиринг, ўртоқ Назар Булдуруқ.

— Пул етмади, қисталоқ,— деди Яхшибоев.

— Пул топилади, дўст топилмайди,— деди Кулоҳ гапга унчалик ҳам ту-шунмай.— Дарахт ёшлигида парваришга муҳтож бўлади. Ва локин муҳтож-лик айб эмас. Келинг, ёш дўстларим, ўшал беғараз боғбон камина мен ўзим бўлай. Ўзим боғбон бўлай-да, сиздек ниҳолларни нақ чинорга айлантирай. Қа-лай, Назар Булдуруқ, чинор бўлгингиз келадими?

— Қайдам...— деб елка қисди Яхшибоев.— Бизга қайрағоч-пайрағоч бўлиш насиб этсаям майлиди.

— Йўқ, Назар Булдурук,— деди Кулоҳ.— Қайрағоч пишиқ дарахт, локин чинорнинг соясида қолиб кетиши мумкин. Хўш, сиз бунга нима дейсиз, ёш дўстим?

Кулоҳ Ошнога юзланди. Ошно бирданига жавоб қайтармади, ерга қаради, сўнг яна ўша алпозда, ердан кўз узмай туриб деди:

— Буям бир мулоҳаза-да, устоз, сиз шу кулоҳингизни олиб юрсангиз бўлармиди... Лоақал рангини ўзгартиринг.

Кулоҳ қаҳ-қаҳ отиб кулди:

— Нима, менинг мафкурам бутлигига ишонмайсизми, ука?

— Ҳолини билган ҳоримайди, устоз. Мен сизга жуда-жуда ишонаман, лекин...

— Ишонганингиз — кўп улуғ! — деб хитоб қилди Кулоҳ.— Локин-покинга ҳожат ҳам қолмайди. Қараб туринглар, ҳали мен сизларни Жулқунбой даражасига етказаман!

— Шартмас,— дея эътироз билдирди Ошно.— Жулқунбой — битта. Ҳар ким ўз кунига омон бўлсин.

Яхшибоевга Ошонинг иззат сақлагани, ўзи озгина бўлса-да қарамроқ бўлган одам билан теппа-тенг туриб гаплашгани ёқди.

— Ошномиз тўғри айтади,— деди у Кулоҳга қараб.— Жулқунбой бўлиш қийин гап. Бизга унча-мунча ёзган лавҳаларимизни бостиришга ёрдам берсангиз ҳам бўлаверади. Иккимиз ҳам мусофиримиз, қўлимиз калтароқ, очинтўқин юришимиз бор...

— Маҳдудлик! — дея хитоб қилди Кулоҳ.

У қўлидаги стаканни бир ҳимо билан бўшатди, сўнг ҳўнграб йиғлай бошлади:

— Нонкўрлар! Орзу нелигини билмаган зулмат бандалари! Жулқунбой бўлишни истамаган гумроҳлар!..

Кулоҳни бир амаллаб юпатишди. Юпатиш учун, унинг барча шартларига кўнишга тўғри келди. Шартлари кўп эди: ундан устозлигу булардан — Жулқунбой бўлиш, Ҳамза бўлиш, Авлоний бўлиш ва ҳоказо.

Ниҳоят, Кулоҳнинг уни ўчди. Уни ўчгани баробар, шишага ружу қўйди. Яхшибоев ноилож яна насяга коньяк келтирди.

Ниҳоят, базм тугади. Яхшибоев кулоҳигача қарзга ботди. Икки дўст азиз меҳмоннинг икки кифтидан олиб, маҳалласига суяб-судраб кетишаётган пайтларига, Ошно меҳмоннинг бошидаги яшил кулоҳини олди-да, ўнг қўлдаги томга қаратиб улоқтирди.

— Энди кулоҳингиз йўқ, устоз,— деди у.— Сал замонавийроқ бўласиз. Акс ҳолда ҳолингизга маймунлар йиғлайди.

Ушанда Ошно ёмон каромат қилган экан. Кулоҳ яна қайдандир кулоҳ топиб кийди. Бу галгиси қизил рангда эди. Лекин рангидан қатъи назар, кулоҳи кимларнингдир кўзига ўтиришмади, ишдан ҳайдалди. Хатосини ўзи ҳам англаб етди чоғи, жўнроқ телпак кийди, шапка кийди, ҳаттоки шляпа кийди, лекин бари бир газетчиликка қайтиб киролмади. Қайсидир чет қишлоқда муаллимчилик қилиб ўтди. Ичишни бутунлай ташлаб, яхши шогирдлар етиштирди, иззат-икром топди, кейин, йиллар ўтиб, ўша ўзи ишлаган мактабга номи ҳам берилдики, буниси — бутунлай бошқа тарих...

V БОБ

Бемор

Эрталаб ҳамма оёғи куйган товукдай зир югуриб қолди. Ҳамширалар, врачлар, доценту профессоргача — уни йўқлаган, соғлиғини суриштирган. Яхшибоев аввалига аччиқланди, кейин тушунди. Масаланинг моҳияти шу эканки, бош врач қабулхонасига кичкина телефонограмма тушибди:

«Ўртоқ Яхшибоев 12.00да ўз жойида бўлсин».

Роса елиб-югуришди. Талмовсираб гап кавлаганлар ҳам бўлди. Лекин Яхшибоевдан тайинлироқ садо чиқмади. Майли, деб ўйлади, озгина ҳовлиқиб

туришгани маъқул, чўчишса ҳам майлига, негаким, кейин, елкаларидан юк ариган маҳали туядиган шодликлари ҳам шунга яраша бўлади.

Ювинди, соқол қиртишлади, нонуштага ҳозирлик кўрди. Бу гал ҳам йўлак четидаги емакхонага борди. Атай қовоқ солиб ўтирди — эски жойида, камгап кампир билан бир столда. Овқат устида сал ғингшигандай бўлди: «Бўтқанинг тузи камроқ». Кейин ўйланиброқ қолди. Қизик, деди ўзича, уйда емагандан кейин билиб бўлмас экан, бўтқага туз солинармиди ўзи?..

Хизматчиларнинг саросимага тушиб, елиб-югуриб, ликобчадаги бўтқани алмаштириб кетганларидан англадики, у янглишибди; бўтқага умуман туз солинмас экан.

«Бўтқа, бўтка, бўтга, бутга...»

Сўзни турли алпозда туслаб, турлаб, чайнаб кўрди, лекин бари бир, оҳанги ёқмади. Хунук, хунуккина экан, деб ўйлади. Иккала қўшниси, Дароз билан Хумкалла (Яхшибоев уларнинг исмларини аташни истамади), очеркчию танқидчи, нарироқдаги столда, томоқларидан овқат ўтмай, Яхшибоевнинг бирор имосига маҳтал бўлиб ўтиришарди, ноилож, ўшаларга гап қотди:

— Стонақул,— деди Дарозга қараб, сунг қошиқча билан ликобчани нуқиб кўрсатди,— танавул этилмиш таомнинг номи нимаиди?

— Умуман, каша — бўтқа,— деди Дароз. — Бу бўтқа буғдой ёрмасидан қилинади, демак, номи — буғдой ёрмасидан қилинган бўтқа.

— Ёрма бўтқа экан-да?

— Шундай, устоз. Ёрма бўтқа.

Яхшибоев сўзни шу билан тугатиб, яна аввалгидай кибрли бўлди-қолди. «Ёрма бўтқа»ни бир амаллаб еб, ўрнидан турди. Палата ёнига бориб, деразадан ҳовлини кузатиб турди. Қўшнилари ҳам келиб, икки дераза нарида туришди. Яхшибоев уларни сезиб турди, лекин қайрилиб қарамади.

Палатага кириши билан телефон жиринглади. Яхшибоев девордаги соатга қаради: ҳали эрта, ўн иккига ҳали қанча бор. Эриниброқ трубкани олди:

— Устоз, безовта қилдик, айбга буюрмайсиз.

Овоз эгасини дарров таниди — кўпроқ гапирадиган одам.

— Дўхтир кўрадиган эди, Суярқул ука,— деди.— Мухтасарроқ бўлсин...

— Битта жой бўш эди, Чоршанбиев укамизни тавсия қилишди. Маслаҳат маъносиди, устоз, ўзи қалай, ишкали йўқми?

— Қўрқоқроқ йигит, демак, ишқал-пишқали йўқ. Бемалол олаверасиз. Мансаб ўзи тузукроқми?

— Муовинликка.

— Унда бўлмайди. Мудирлик-пудирликни эплаши мумкин, лекин каттароғига ярамайди. Мудирлардан бирини муовинликка олинг, буни — ўшанинг ўрнига. Менинг тавсиям шу.

— Раҳмат, устоз. Яна бир бор узр.

— Балли, саломат бўлинг.

Яхшибоев трубкани зарда билан жойига ташлади. Тавба, деб ғудранди, бунчалар майдакаш бўлишмаса. Шунчаки муовинликкаям мендан тавсия сўрайди. Қадам босмай туриб, қалтироқ босади буларни, токи жонлари тинч бўлса, токи Чоршанби ишни эпполмаган тақдирда менинг номимни рўқач қилиб, бало-қазолардан қутулиб қолишса. Билмайдикки, ишнинг расвоси чиққанида Чоршанби эмас, унинг ўзи учиб кетади, негаки, Чоршанби қурғур тагига сув кетиши билан менинг ёнимга югуриб келади, мен бечора бўлсам, жоним ҳалак, унинг шалтоғини артиб, тузатиб, ярақлатиб оламан, икки ўртада Суярқул укамизнинг қурбони бўлгани қолади!..

Таъби хира тортди. Ҳордиқ тусаб, каравотга чўзилмоқчи ҳам эдики, наматыни кўтариб, бадантарбиячи жувон кирди:

— Назар Яхшибоевич, зарядкага!

Яхшибоев ночор қолди. Шиппагини кийиб, халатининг тугмаларини ўтказа бошлади.

— Кўринишингиз зўр! — деди жувон.— Кўз тегмасин!

— Кўринишим кўр-пўрга ёқмаса, сизга ёқмаслиги аниқ,— деди Яхшибоев кулиб.— Сиз мисоли Азроилсиз, хоним, ҳар чошгоҳда жонимни олгани келасиз.

— Нафасингиз совуқ, Назар Яхшибоевич! — дея, ранжигандай, лекин

шу баробар ширингина қилиб танбеҳ берди жувон.— Бошқа ўхшатиш қуриб кетгандай!..

— Э, қўяберинг! Ҳазрат Навоий ҳам гўзал хотинларни нақ Азроилга ўхшатган, муҳаббат домига илинтириб, кейин жонгинангни суғуриб олади, деб айтган.

Ичида кулди: ўл-а, Навоий шу гапни айтганми ўзи?

— Унчаликмасдир? — деди жувон.

— Энди, шундай бўлмаса ҳам, шунга ўхшашроқ, хоним. Ахир, ўзингиз ҳам жон офатисиз-да!

— Яхши кўриб қолдингизми, дейман?..

Яхшибоев тасдиқ маъносида бош ирғади. Кейин ўзига, Шариф бўлиб кет-э, деб танбеҳ берди. Жувонга тузукроқ разм солди. Урта бўйга яқин, тикма-чоққина, аъзолари бир-бирига мутаносиб, туртиб чиққан жойи йўқ, бирдай думалоқ, бирдай юмшоқ. Танида ширингина бир оғриқ жимирлагандай бўл-ди-ю, ўша заҳоти сўнди.

«Соб бўпсан, Назар!..»

— Кексайганда нуқул яхши кўришга кунимиз қолган, хоним. Ёшлик ўтди, ўтдию кетди!.. Ут эдик, олов эдик, ҳар имога бир жимо!..

Ҳаддан ошганини сезди. Лекин жувон гапни кўпда тушунмаганини сезиб, тағин дадил тортди:

— Бу дейман, хоним, айна масканда... бекорчи ётиб куч йиғаётган чолларнинг ичида ишлашингиз қийиндир-ов?

— Осон, жудаям осон,— деди жувон шўх кулиб.— Эрим — боксчи, сизга ўхшаган чоллар шўхлик қилса, бир зумда танобини тортиб қўяди.

— Унда чатоғ экан. Энди қайтиб сизга ҳазиллашмаганим бўлсин. Лекин, хоним, агар ёшлигимда дуч келсангиз борми, омон қўймасдим.

— Ёшлигингизда дуч келмаганим ҳам тузук бўлган экан. Бўлмасам, бугун келиб қариган-чуриган кампир бўп қолармидим?!.

Жувоннинг дуркун қаддига, тиришсиз юзига боқиб туриб, Яхшибоевнинг хўрлиги келди. Хўрликки, ҳар неки ҳирсдан холи, турган-битгани зориқиш, соғинчу армон... Ғамгин илжайди:

— Кампирликнинг ҳам ўзича гашти бор, хоним.

— Айтмай қўяқолинг!..

Жувон яна кулди. Наматини ерга ёзиб, Яхшибоевни ётқизди. Оёқ-қўлларидан тутиб, секин машқ ўргатди: «Бир деганда кўтарасиз, икки деганда туширасиз, уч деганда — яна, тўрт деганда — яна...» Яхшибоев машқларни қулоқ қоқмай бажарди. Чарчади, терга тушди. Жувон қароватдан сочиқ олиб, юзини артиб қўйди. Яхшибоевнинг кўнгли ийди, илжайди, миннатдорлигини билдирди. Ўзича, майли, буям бир хурсанд бўлсин, чоршанбилардан бировига айтсам, очерка қилиб ёзади, деб ўйлади. Сўнг бир муддат, бу очеркка ўзи қўл қўядими, йўқми, шуни фикрлади. Йўқ, ўзи имзо қўйса бўлмас экан. Ҳарна, ёшгина жувон, гап-сўз кўпайиши мумкин. Тағин ёдига марҳум дўсти Шариф тушди. Кулиб юборди. Кулмасдан иложи йўқ эди, негаки, марҳум дўсти Шариф, гўринг нурга тўлгур Шариф қариб-чуриб қолганида ёш бир шеърчи қизнинг ишқини ихтиёр этиб, лекин ёши панд бериб, азбаройи номуснинг зўрлигидан ўша аёл ҳақида «Нодираи замон» деган очерка ёзувди. Яхшибоевнинг хотираси зўр эди, ўша очерканинг сўзларини ҳам аниқ-таниқ эслади: «Мен унинг шеърларини ўқидим, ўқидиму аввалроқ ўқимаганимга бисёр афсус ҳам надоматлар чекдим ва айтдимки, тасанно, эй ўзбек қизи, тасанно, эй дилкаш ва дилбар қиз, назокатингга балли! Офарин, минг офарин!..» Гўринг нурга тўлгур Шариф, мақтов деган нарсага зўр эди, ажабмаски, мақтовлари билан аёлнинг хафалигини тумандай тарқатиб юборган бўлса!.. Йўқ, мен янглишибман, аёлнинг хумори тарқагани йўқ, ўшанда устозу шогирд бўлмаган бир воқеанинг ғийбатларини кўп замонларгача елкада кўтариб юрдилар, тўғрироғи, биргина гўринг нурга тўлгур дўстимиз Шариф кўтарди, шеърчи аёл жамики ғалвани унинг елкасига ташлади, сўнг ўзи ҳам чиқиб, корсонини ялпайтириб ўтириб олди, Шариф бечоранинг аҳволини танг қилди. Шариф қийналди, егани ҳам, ичгани ҳам юқмади, уйқусини йўқотди, аҳийри, жонидан умидини узгач, акасининг ўғлига олиб бериб қутулди. Э, бу гаплар кўп қизиқ, аёл кишининг нималигини тезда тушунмоқ қийин... Мана биттаси, манави бадан-

тарбиячи, манави тикмачоқ жувон... Эридан лоф ургани билан, ким билади яна?.. Умуман, бадантарбиячиларда ҳам эр-пер бўладими ўзи?..

— Нега куласиз? — деди жувон.

— Узим. Қўшнининг қозонидан қўғирмоч ўғирлаб, оғзим куйганини эсладим.

— Ҳо! — деди жувон, коса тагида нимкоса борлигини пайқаб.— Хумори қолган экан-да?

— Албатта-да, Бола-чақа нечта, хоним?

— Боладан иккита. Чақаям етарли.

— Болалар боқчадами?

— Қайнонам қарайди. Бева аёл, сизга ўхшаган чиройли чоллардан садо чиқавермагандан кейин... нима қилсин, невараларига қарайди-да.

— Мен-ку, жон дердим, лекин Муҳсина хоним қарғайди. Шуниси ёмон.

— Билдирмайсиз-да...

Шу тариқа, суҳбат андак хавfli тус олди. Яхшибоев бу аёл менинг фамилиямни билади-ю, лекин кимлигимни билмайди, деб ўйлади. Шу ўй асносида, юзига жиддий тус берди. Ёшини, обрў-эътибори, чиқарган китоблари, унвонларини бир-бир хотирлаб, яна Назар Яхшибоевга айланди. Боз марҳум дўстлари эслади. Тажрибали одам эди у, гўринг нурга тўлгур нуқул бир нақлни такрорлаб юради: д а р а х т и м а к р и з а н с а д р е ш а д о р а д , ф а л а к а з м а к р и з а н а н д е ш а д о р а д . Дўстим Шариф, гўринг нурга тўлгур, руҳинг ором дарёсида чўмилгур Шариф, макр дарахтининг юзта ўқ илдизи борлигини биларди, макр олдида фалак ҳам ҳайратда қоларини биларди, лекин ўзини тиёлмасди, юраги кенг эди унинг, тили ширин эди, ёзганида ҳам қаламини аввал бир чақмоқ қандга қайраб олиб, кейин ёзарди, аёл зотига гиргиттон эди, гўё чироқ атрофида айланган гўбалакдай!..

Яхшибоев кейинги сўзни эслаганидан мамнун бўлди. Хайрият-э, деб ўйлади, хайриятки, бу сўзни унутмабмиз, ҳарна, Булдуруқ шеvasи қонимизда қолган экан.

Уйлари дўнгроқда эди. Ҳовли саҳни тап-тақир. Фақат баҳорда гиёҳ унарди. Униб чиқиб, озгина яшаган бўларди. Ана ўшанда қайдандир ниначию капалаклар учиб келишарди. Тепадан, жизғинак бўлиб ётган қир тарафдан жизловуқларнинг овози эшитиларди, бу тарафда эса, нам теккан ажриқзор ерларда — чигирткаларнинг чириллаши, илонларнинг чирқиллаши... Хуллас, ажойиб эди. Айниқса — ниначилар, айниқса — капалаклар! Хўш, энди, деб ўйлади Назар Яхшибоев, дейлик, бугуннинг ўзида, манави каттакон, ақл қаноти-да қамраб ололмайдиган буюк шаҳарнинг обод бир қасабасида, кенг боғ ўртасида, кенг ва ёруғ бир иморатда, серҳашам палатада, аллақандай ёш, чиройли жувоннинг ёрдамида қўл-оёқларини осмонга кўтариб, пастга тушириб «бир, икки!..» қилаётган Яхшибоевнинг ўшал замонларда, ўшал қиру адирларда югуриб, қашқайўнғичқа учларига қўнган жажжи капалакларни тутганларига ким ҳам ишонарди!..

— Гўбалак,— деди у овоз чиқариб,— гўбалак, гўбалак...

Бадантарбиячи жувон ҳеч балога тушунмади. Курсида ўтирганча, манави қорувли чолнинг табассум инган фавқулудда масъум юзига ҳайратланиб тикилди.

— Гўбалакни биласизми? — деб сўради Яхшибоев.

— Йўқ.

— Капалакни-чи?

— Капалакни биламан. Эрим йиғиб юради. Битта чиройлиси эсимда қолган. Оқ қанотли, қўнғир доғлари бор.

— Дарвоқе, менинг ҳам бир ошнам бор, уям капалак йиғиб юради. Узи йиғмайди, бошқалар келтириб беришади. Аммо ошнамит барча капалакнинг номини билади, турини билади, қайси капалак қаерда учрашини, қайси капалак қачон тухум кўйиб, қачон ғумбак боғлаб, қачон учиб чиқишларини ҳам билади.

— Коллекцияси каттами?

— Менимча, катта. Катта бўлиши керак.

Яхшибоев топган гапига ўзи ҳам ҳайрон бўлди. Гапида недир ёмон рамз борлигини ҳам фаҳмлаб, салгина чўчиди, сўнг ҳузур қилиб кулди. Ҳар ҳолда,

дилнинг дахлсиз экани жуда соз нарса, ичимизга ҳеч ким киролмайди, ҳаттоки Ошно ҳам киролмайди, агар одамлар бир-бирининг дилини тугал билса борми, эр хотинни, хотин эрни, маъшуқа маъшуқни, маъшуқ маъшуқани... бўғиб ўлдирадди! Ахир, дунё фақат ўшалардан иборат эмасми? Эру хотин, дўсту ёр — ҳаммаси маъшуқлар! Маъшуқлар дунёси! Яшасин дунё маъшуқлари!

— Маъшуқлар ўз йўлига, хоним,— деди у салмоқлаб.— Лекин болаларга дахл қилмаслик керак.

— Тушунолмадим.

— Парво қилманг, ўнгимда ҳам алаҳлайдиган одатим бор.

Жувон сал ўтмай зерикди. Ҳомузадан ўзини зўрға тийиб турди. Кечаси тузукроқ ухламаган, деб ўйлади Яхшибоев, боласи бетобми, эри шўхроқми, ажабмаски, ҳар иккиси ҳам ҳақиқат бўлса. Аввалбек чақалоқ эканида дардчилроқ эди, Аввалбекнинг дарди кўзгаганида Муҳсина фавқулодда меҳрибон ва фавқулодда иримчи бўлиб қоларди, эрнинг таъмаларига терс жавоб қайтарарди, шунда Яхшибоев, э, жонидан, парво қилманг, бизнинг зотимиз — зуваласи пишиқ зот, ҳарнеки тегирмондан бутун чиқади, деб ҳазил қилиб, юмшатишга уринарди. Ҳазиллашарди-ю, лекин бир чеккаси — шунга ўзи ишонарди ҳам. Сабабки, бобоси юзга кирган эди, катта бобоси — юз ўнга; фақат отаси сал эртароқ кетди, босмачининг ўқлари, жарроҳнинг тиғи, кейин бу ёғи с а р и қ деган бемаъни бир дард. Ўзим бирор юз йил яшарман, деб умид қиларди. Бобокалонга тенглашиш қийин, танни анча ҳоритди, руҳни ҳам аяб ўтиргани йўқ, ахир, шу даражага етишиш ўзи бўладими!.. Уйлардики, шунча қилган ташвишига яраша, фарзандлари тўқисроқ яшайди, тўқисроқ умр кўради, лекин, бугун келиб қараса, уларнинг юз йил яшайдиган суроби йўқ. Айниқса — Аввалбекнинг аҳволи чатоқ. Ичкиликка ружу қўйди, гиёвандлик қиладими, ранги ҳам заҳил, ёши энди қирққа етибди-ю, ҳалқумлари эрта-индин осилиб қоладигандай...

Яхшибоев бадантарбиячи жувоннинг овозидан ўзига келди:

— Мен борай, Назар Яхшибоевич.

— Хўп, қизим,— деди маънос тортиб.— Сал эзмалик қилдим, айбга бурмайсиз.

Аёл эшикни оҳиста ёпиб чиқди. Зум ўтиб, ҳамшира қиз эмлагани келди. Игна санчилганда жимиллаган оғриқ туйди. Буниси ҳолва, деб ўйлади, буниси шунчаки... жон тетиклигидан нишона, энг зўри — олдинда, бариси олдинда, ҳолдан тойишлар, қуруқ устихон бўлиб қолишлар, фарғара тортишлар, нам докадан сизган томчиларни ютоқиб ютишлар...

Ишқилиб, ўшанда ҳушдан кетсам бўлди, дея умид қилди, ҳушдан йироқ одамнинг бирор нарсани англаши қийин. Уйқуга кетасан-у, қайтиб турмайсан. Ўзлари кўтариб кетишади...

Тасаввур қилдики, у ўзи йўлакдаги дераза рафига тизилган гуллар ортидан томоша қилиб туради, ҳовлида эса, иккита бақувват ҳамшира, ёшроқлари,— негадир ёшроқлари бўлишини тусади,— энг ёшлари, гул-гул очилган иккита қиз, дуркун танларини андак бўшаштириб, қирмизи юзларига андак қайғули тус бериб... унинг жасадини замбилда кўтариб ўтадилар!..

Айтилган муддатда Ошно кўнғироқ қиларини сезарди. Кўнғилдаги фаҳру ғурур сабаб, юраги безовтароқ урганига ҳам парво қилмади. Умуман, у Ошно кўнғироқ қилган кезларда қувонарди, лекин бу галгиси... минг-минг чақирим наридан, неча баҳру неча уммонлар оша қилинажак кўнғироқ қувонч баробарида недир ҳадиғу хавотир ҳам туғдирди.

Бу гал Яхшибоев — нуфузли тараф эди. Касал киши сал инжиқроқ келарди, касал киши дўстларга андак нозу фироқ қилиши ҳам мумкин, бундай тантиқлик ҳаттоки Ошнодай шахсга ҳам оғир ботмаслиги аён.

Девор соати ўн иккига жом чалганида телефон жиринглади. Жиринглаши одамига яраша — кескин ва қисқа эди. Яхшибоев англадики, симлар тугилган жойларда неча ўнлаб аёллар миқ этмай турибди, токи уларнинг суҳбати аниғу таниқ бўлсин, бегона товушлар аралашмасин.

— Ўртоқ Яхшибоев, соғлиқлар дурустми? — ниҳоят, Ошнонинг мулоим овози эшитилди.— Дадилмисиз ўзи? Бориб кўрайлик десак, аҳвол бу... сал узоқроққа тушиб қолдик.

— Минг раҳмат,— деди Яхшибоев.— Касаллик эмас, шунчаки...— У сўз ахтариб, бир сония сукут сақлади.— Шунчаки профилактика...

— Унда тузук, ўртоқ Яхшибоев. У ёқда эканимда эшитиб эдим, лекин ўзингиздан қолар гап йўқ, ишлар кўпайиб, вақтида ҳол сўраёлмадим.

— Сизнинг кечикиб сўрашингиз ҳам улуғ иш.

— Энди бунақамас-да, ўртоқ Яхшибоев! — Ошннинг овозида недир зорланиш сезилгандай бўлди.— Одамга ўхшаб гапиринг-да, ахир!

— Ҳаддим сизмайди.

Ошно бир муддат сукут қилди, сўнг томоқ қириб олди.

— Назар,— деди у аниқ-таниқ қилиб. Бу сўздан Яхшибоевнинг эти жи-мирлаб кетгандай бўлди,— Назарбой, сенга нима бўлди ўзи? Нега бунча бегонасан, жўра? Айтсам — ишонмассан, юртимизни соғинибман, жўра. Ил-гариям сафарга кўп чиққанман, лекин бу гал бошқача соғиндим. Қариб қоляп-мизми, жўра? Нега бундай, а?

Яхшибоев индамади. Кўнглига ғулғула тушди.

— Нега индамайсан?

— Энди, оқсоқол, менинг бу ерда ётишим яхши бўлмади,— деди Ях-шибоев чайнаиб.— Бу ёғи кампания, далага чиқиб, пахтакорлар ёнида бўлиш ўрнига... Бирор тузукроқ нарсаям ёзолмадим. Жуда уятлиман, пахтакорлар олдида, шахсан сизнинг олдингизда... Сал тузалиб олай, кейин албатта чиқаман!

— Э, у гапларни қўй, ўзингдан гапир! Бола-чақа қалай? Нега индамай-сан, гапир, жўра!..

— Хорун...— деди Яхшибоев юрак ютиб.

— Гапиравер!

Яхшибоев гапиролмади, томоғига йиғи тикилди.

— Булдуруққа бирга борайлик,— деди Ошно.— Сен ўзинг борган чи-қарсан, лекин мен, неча йилдирки, бирор марта ўтолмадим, бир борайлик!.. Хўп, де, Назар, бирга борайлик! Нега индамайсан, гапир!..

— Майли, борамиз, албатта борамиз, ошна.

— Балли! — Ошннинг овози бирдан қувноқ тортди.— Унгача соғайиб ол, жўра, отдай бўлиб ол!..

— Бўпти! — Яхшибоевнинг ҳам овози тетиклашди.

— Кўришгунча хайр, Назарбой! Барча масалалар бўйича менинг номим-дан мурожаат қилавер, албатта кўмак беришади. Хўп, соғ бўл, жўра.

Яхшибоев трубкани жойига қўяркан, қўллари қалт-қалт титраётганини сезди. Сўхбат давомида гўё кўпқаридан чиққан чавандоздай толиқди. Қараса, эшик ёнида палата врачлари одоб билан жилмайиб турибди. Қадди қуллуққа букилганроқ, чамаси сўхбатни эшитган, тушунгани гумон-у, лекин эшитгани аниқ...

— Боринг! — деб буюрди Яхшибоев.— Беадаб экансиз. Бу ёғига рухсат сўраб кирасиз.

Врач ночор илжайди, лекин эътироз қилолмади. Секин ортига қайрилиб, палатадан чиқди.

Хафа бўлди, деб ўйлади Яхшибоев, энди буни алмаштириш керак, аччиғи-дан ёмонроқ дори бериб қўйиши мумкин.

Ошнога тантиқлик қилмоқчи бўлгани учун ўзини койиди. Эҳтимолки, кўн-гилдаги ғулуга айна тантиқлик сабаб бўлгандир? Лекин эвини қилиб... охирига еткизолмади чоғи? Касаллигини пеш қилолмади-ку?..

Нега Ошно бунчалар юмшоқ гаплашди, нега зорлангандай бўлди? Юртни соғингани ростми? Рост бўлса, шу гапни сал пардалаб, сал расмийроқ, эшит-ганларга ёқадиган қилиб айтса бўларди-ку?..

Анча вақт ўйланиб ўтирди. Ахийри, жўнгина бир қарорга келдики, гумон-ларни бир сидра текшириб кўриш керак. Биринчи Ёрдамчига кўнғироқ қилиб, саломлашди, аҳвол сўради. Биринчи Ёрдамчи бояги сўхбатдан хабардор экан, даромадни қисқа қилди:

— Хўш, ўртоқ Яхшибоев, энди тузукмисиз?

— Энди тузукман,— деди Яхшибоев гап оҳангини саволга мослаб.— Бир-иккита майда илтимослар чиқиб эди, шунга...

— Бош устига, ўртоқ Яхшибоев. Сизга қўлдан келганча ёрдам беришга тайёрмиз, масаланинг моҳиятини тушунтирсангиз бўлди.

— Маданият бошқармасидан Суярқул укамиз кўнғироқ қилувди,— деб бошлади Яхшибоев.— Ўзига тузукроқ муовин топмоқчи экан, мендан маслаҳат сўради.

— Хабарим бор,— деди Биринчи Ёрдамчи.— Ўртоқ Чоршанбиевнинг номзодини айтди. Сиз ўзингиз тавсия қилган экансиз.

— Буниси — биринчи масала,— деди Яхшибоев мамнунлик билан.— Гап шундаки, тавсия меники эмас. Суярқул укамизга ҳам шуни айтдим. Тўғри, Чоршанбиев менга шогирд бўлади, лекин уни тавсия этишга ботинолмай турибман. Менимча, унинг ўрнига бошқа кишини, дейлик...— шу жойда у озгина сукут сақлади, кимнинг фамилиясини аташни билмай гарангсиз турди.— Балки сизда бирор таклиф бордир? Тўғриси, мен ўша ўзимга нисбат берилган тавсияни бўйнимдан соқит қилмоқчи эдим.

— Камтарлик қилманг, ўртоқ Яхшибоев,— деди Биринчи Ёрдамчи.— Сиз бежизга кўнғироқ қилмайсиз. Тортинманг, бемалол айтаверинг...

— Хўп,— деди Яхшибоев, сўнг туйқусдан миясига келган фикрдан яйраб гапирди:— Унда мен сизга энг бўладиган тавсиямни айтай. Муовинликка ўртоқ Остоновдан муносиброқ киши топилмайди.

— Мен ўртоқ Остоновнинг номини эшитганман,— деди Биринчи Ёрдамчи,— лекин ўзларини тузукроқ билмайман. Озгина таъриф берсангиз.

Яхшибоев сассиз кулди. Таърифи шуки, ўлгудай хира, деб ўйлади, касалхонада менга кўшни, қадамимни пойлайди, бир оғиз сўзимга мунтазир, юзини кўргали тоқатим йўк, тезроқ қутулсам дейман.

— Ўртоқ Остонов ҳали анча ёш, ишчан киши,— деди Яхшибоев.— Маиший бузуқлиги йўк. Тилига ҳам жуда эҳтиёткор, қолаверса, бўлажак бошлиғи Суярқул билан унчалик чиқишмайди. Ораларидан жиддийроқ гап ўтган бўлиши мумкин, бўлмаса, ўртоқ Остонов жуда жўяли, жуда ширинсўз одам.

Биринчи Ёрдамчи ҳайратланганини яширолмади:

— Қизиқ гапиряпсиз, ўртоқ Яхшибоев, биз бир-бирига зид икки одамнинг бошини кўшсак, кейин... натижа қандай бўларкин?

— Тавсиянинг боиси ҳам шунда,— деб кулди Яхшибоев.— Яъни улар иккиси ҳам боқибеғамликка йўл қўёлмайди, иккиси ҳам жон куйдириб ишлайди, иккиси ҳам ўзини кўрсатишни истайди, ажабмаски, шу баҳонада уларга топширилган жабҳанинг аҳволи ҳам тубдан яхшиланиб кетса.

Яхшибоев, Биринчи Ёрдамчи бу таклифга кўнмайди, деб кутган эди, лекин батамом акси бўлиб чиқди:

— Сиз жуда пухта одамсиз, ўртоқ Яхшибоев,— деди у.— Бошқа ўртоқлар билан ҳам маслаҳатлашиб кўрамиз, ўйлайманки, таклифингиз уларда жиддий эътироз уйғотмайди. Хўш, энди иккинчи масалага ўтсак...

Яхшибоев иккинчи масалага ўтмади. Биринчи масала каби, иккинчи масала ҳам аслида йўк эди. Биринчи масала каби, уни ҳам шу фурсатнинг ўзида ўйлаб топшга тўғри келарди. Лекин Яхшибоев эринди, қуюқроқ қилиб миннатдорлик билдирди ва айтдики, иккинчи масала анча жиддий, махсус ўрганишни талаб этади, шу боисдан, бу масалани қоғозга тушириб, кейин ўртоқларнинг диққатига ҳавола қилинса тузук, ҳа, ҳа, албатта у кишининг ўзлари сафардан қайтганларидан кейин...

— Дарвоқе, у киши сафардан қачон қайтадилар? — деб сўради Яхшибоев.— Бугун гап орасида сўрашнинг ҳеч иложи бўлмади, агар сир бўлмаса шуниям айтсангиз, балки ёзма доклад масаласида сал зудлик қилиш керакдир?

Биринчи Ёрдамчи Ошнонинг қайтиш муддатини айтди, сўнг яна бир сирдан огоҳ этиб қўйди:

— Шошилманг, ўртоқ Яхшибоев, бемалол улгурасиз. У киши келишлари билан бошқа сафарга жўнайдилар. Эҳтимолки, дашт зоҳасига борсалар... Яхшибоев яна бир бор раҳмат айтди. Биринчи Ёрдамчининг трубкани қўйишини кутди.

Аҳвол анча ойдинлашган эди. Демак, ортиқча гумонга ўрин йўк. Ошно ҳамон от устида. Зорланишлар — азбаройи яқинлигидан.

Диванга чўзилди. Лекин кўп ётолмади. Эшик тақиллаб қолди.

— Кириңг!

Эшик очилиб, нариги хонада Дароз пайдо бўлди.

— Узр, устоз,— деди.— Кийик ўтидан чой дамловдим, бир пиёлагина ичиб келасизми?

— Кейин, ука, майли, сиз бораверинг, мен кейинроқ чиқаман. Яхшиси кечқурун.

Кечқурун чиқиши аниқ эди. Воқеа кечга бориб анча ойдинлашади, қани, ўшанда қанақа тутаркин ўзини?..

— Хафа бўлмайсиз энди, Остонақул ука. Мен озгина дам олай. Кечқурун чиқаман.

Дароз ортиқ қоларга журъат қилмади. Эшикни секин бекитиб кетди. Яхшибоев яна ўринга чўзилди. Суярқулнинг кўнғироқ қиларини кутди. Орада озгина мизғиб ҳам олди. Ниҳоят, бирор соатлардан кейин телефон жириглади.

— Уртоқ Мадалиев? — Яхшибоев жўрттага таниш министрнинг фамилиясини атади.— Жуда маҳтал қилдингиз-ку?

— Йўқ, устоз,— трубкадан Суярқулнинг ҳадиксираган овози келди.— Мен... Суярқул... яна бир маслаҳатлашай деб эдим...

— Ҳадеб маслаҳат қилаверасизми? — деди Яхшибоев.— Узингизнинг ақлингиз қаерда?

— Энди, сиз тажрибали одамсиз, устоз, шунга... ҳаддимиз сиғиб...

— Гап бундай, ука,— деди Яхшибоев овозига расмийроқ тус бериб.— Юқори билан маслаҳат қилдик. Уларнинг кўнгли бутунлай бошқа кишида экан. Исмини аташ шарт эмас, расман тавсия этганларида билиб оласиз. Хуллас, бугун кечгача ёки эрта тушгача сизга кўнғироқ қилишади. Ажабмаски, менинг ҳам номимни тилга олишса. У киши хийла муносиб номзод. Фақат биттагина «лекин» бордай. Укамиз унча-мунча ёзиб-чишиб юради. Шу маънода сиздан сал устунлиги аниқ. Истагим шуки, унинг айна устунлиги сезилиб қолмаса. Бу ёғига ўзингиз бохабар бўлиб турасиз, ука.

— Ким у?

— Айтардим-у, лекин мавриди эмас,— деди Яхшибоев баттар чайнаиб.— Балки ўзингиз топишга ҳаракат қилиб кўрарсиз? Мияни ишлатинг-да, ука, кимлардан гумонингиз бор? Шунга чамаи чўт қилинг-чи, балки лоп этиб чиқиб қолар?

— Фолбин эмасман-ку, устоз?!

— Майли,— деди Яхшибоев сал юмшагандай бўлиб.— Сизга айрим белгиларини айтаман. Ёши қирқ бешларда, дароз, озгина очерка-почерка деган ҳунари бор, силлиқ, бирдай ширин-думбул нарсалар ёзади... Пак-пакана, боз устига, калласи қовоқдай бир ошнаси бор... Бир қарашда мулойим-у, лекин сизни икки суймайдиганроқ...

Суярқул бир муддат жим турди, сўнг бирдан хитоб қилди:

— Остонов!

— Балли, укажон! Мени бир гуноҳдан қутқардингиз. Номини мен ўзим атасам тўғри келмасди, балли, ўзингиз топақолдингиз. Ана, кўрдингизми, ука, мияни ишлатса бўларкан-ку? Дунёда кушандасини билмаган банда бормикан ўзи?.. Қалай, номзод сизга маъқулми?

— Бўлмайди у,— деди Суярқул.— Бирор чорасини тополмайсизми, устоз? Ахир, у одам менинг устимдан ёзган, қандай бирга ишлашамиз?

— Аввал ўзингиз ёзган чиқарсиз? — деб кулди Яхшибоев.

— Ёзганман,— дея тан олди Суярқул.— Унга ҳеч кўнглим йўқ. Энди бир ёрдам қиласиз, устоз...

— Йўқ, ука. Мени тинч қўйсангиз тузук. Мен энди кексайиб қолдим, ёшларнинг ишларига ҳадеб аралашаверсам ҳам ярашмайди. Сизни огоҳ этдим, шунинг ўзи кифоя. Шунинг ўзиданоқ бутун тун бўйи ухламай чиқишим аниқ. Ҳар ҳолда, виждон азоби деган гап бор-да, нима дедингиз, ука?

— Ёрдам қилинг, устоз!

— Ғингшиманг, ука. Модомики, ўртоқлар у кишини муносиб кўришиб-дими, сизнинг рад қилишга ҳаққингиз йўқ.

— Иложи йўқми, ҳеч иложи йўқми?

— Нима, сиз ёш боламисизки, мен гап ўргатсам? Рад қилинг, тамом-вассалом.

— Кўнишармикан?

— Кўндириг. Умуман олганда, номзод жудаям ёмон эмас. Елимлиги бор, лекин бу дегани ҳали энг катта қусур эмас-ку?

— Гапни кўпайтирмай, бирданига кўниб қўяқолсамми?

— Ихтиёр ўзингизда. Аввало, ўз тинчингизни ўйланг, ука. У киши сизга суянчиқ бўлоладими, йўқми,— шуни ўйланг. Сўраб-суриштиринг. Балки ундан бизнинг Чоршанби шогирдимиз ҳам тузукроқдир?

— Рост айтасиз, устоз. Чоршанбиев минг чандон яхши.

— Хуллас, бу ёғига хушёрроқ бўлинг. Бирор ишқал чиқса, майли, бемалол келаверинг.

— Бугун ўтақолсам-чи?

Яхшибоев ўйланиб турди. Бугун кечқурун келадиган одамларни бир-бир хаёлидан ўтказди. Орасида жиддийроқлари йўқ экан. Лекин шундай бўлса-да сал ширин қилгиси келди.

— Биринчидан, ҳали ишқал чиққани йўқ,— деди.— Иккинчидан, бугун кечқурун бандман. Индинларга бир телефон қилинг, ўшанда маслаҳатлашиб кўрармиз.

Шуларни айта туриб, ичида кулди: э, ўл-э, Яхшибоев, маслаҳатга бало борми! Келса, кўп қатори келаверади-да!

— Сизни хавотирга солиб қўйдим, ука,— деди меҳрибонлик билан.— Асли шу гапларни бошламасак бўларкан.

— Айб сиздамас, устоз,— деди Суярқул умидсиз бир оҳангда.— Гап муовиннинг ўлиб қолганида. Юрса бўларди, бу гап-сўзлар чиқмасди ҳам.

— Энди, бўларкан-да, ука. Хўп, қаттикроқ туриг.

Трубкани жойига қўйди. Суярқулга раҳми келиб ўйладики, йўқ, ука, айб менда, кўнглим тинчлик тусамаса бу гаплар йўқ эди.

Эшик тақиллади, яна Дарознинг жимит боши оралиқда кўринди:

— Кутяпмиз, устоз.

— Кейин,— деди Яхшибоев. Бақиргиси келди-ю, ўзини тийди, босиқроқ гапирди.— Майли, кейин, укажон. Кийик ўтидан ҳали кўпдир?..

— Бир-икки дўстимиз келувди. Ўртоқ Сойимов ҳам борлар, ижрокомдан...

— Танимайман уни.

— Сариқроқ одам.

— Қўйинг, ука, ўзингизни уринтирманг. Сойимовни танимасам ҳам бир куним ўтар?

— Йўғ-э, устоз,— деди Дароз ночор кулиб.— Сиздан у кишини улуғ қўйганимиз йўқ. Сухбатингиздан баҳраманд этасизми деб... Бўлмаса... бедана гўшtidан озгина опчиқиб берай?..

Яхшибоев кўрдик, осонликча қутулолмайди. Бедана гўшти деганига кўнгли сал суст кетди, лекин ўзини тийди, атай хўмрайиб:

— Бировнинг беданасига зор эмасман! — деди.— Боринг, Остонакул, хиралик қилаверманг.

— Узр, устоз...

— Э, бор-э!..

Яхшибоев, худди пашша ҳайдагандек, қўлини силтади. Дароз, бир оёғи ичкарида, униси ташқарида, серрайиб қолди. Яхшибоев эринмади, ўрнидан туриб, уни турткилаб палатадан чиқарди-да, эшикни зичлаб ёпиб қўйди. Қайтиб, яна тўшакка чўзилди. Яна бир-икки дақиқа хўмрайиб ётди, сўнг, юзини ёстиққа буркаб, қотиб-қотиб кулди.

Кечқурун «элчи» келди. Икки-уч саватда сархил мевалар, бодом, pista, қандолатлар, хуллас, кичикроқ бир тўйни обод қилгулик ноз-неъматларни ёйиб ташлади. Кейин айтдики, биз — элчимиз, домлажон, каттаконимиз сизга соғлиқ тилаб, озгина витамин бериб юбордилар. Мен бунча витаминни ололмайман, деди Яхшибоев хижолат тортиб, аввал эгасини айтасиз. Эгасини айтолмайман, домлажон, деди «элчи» ҳам хижолат чекиб, айтмаслигимизни тайинлаган каттаконимиз, шундан билингки, бариси — беғараз. Унда майли, деди Яхшибоев, исмини айтмабдими, демак, ростдан ҳам беғараз, демак, буларни мухлис укамиз бериб юборди, деб ҳисоблаймиз, хўш, бизга қандай хизматлар бор? Сизга хизмат йўқ, домлажон, деб кулди «элчи», биргина

илтимос шуки, тезроқ соғайиб кетсангиз, каттаконимиз ҳам шуни сўраб юбордилар.

«Элчи» шуларни айтиб, қуллуқ қилдию палатадан чиқди.

Яхшибоев бунча егуликни қайга қўйишини билмай ўйланиб турди. Шу пайт эшик секин тақиллаб, бир гала ухахонлари олдинма-кейин кириб келишди. Ҳар бирининг қўлида бир дастадан гул, биттадан қоғоз халта, келган гуллари столга ёйилган ноз-неъматларнинг хуш бўйлари хонани тутиб кетди.

— Қурумсоқлар! — деб ҳазиллашди Яхшибоев уларга.— Мана, саховатни кимдан ўрганиш керак! Сизлар — нима? Биттадан қоғоз халта кўтариб келибсизлар, бу ёқда биргина одам бир эшакнинг юкини кўтариб келибди!

Шогирдлар ийманибгина кулишди. Чоршанбиев уларнинг орасида сал эскироғи, шу баробарида сал эркарроғи эди, биргина у юрак ютиб ҳазиллашди:

— Қайси эшакнинг юки экан, устоз?

— Билмадим,— деди Яхшибоев.— Отини атамабди. Холис совға экан. Виляятдан бўлса керак-да... Мухлислар кўп-ку, Чоршанби болам.

— Тўпори,— дея мулоҳаза қилди Чоршанбиев.— Ҳойнаҳой Тўпори юборган.

— Э, қўй шу гапларни, Чоршанби болам,— деди Яхшибоев, сўнг қолганларга юзланди:— Қоғоз халталарни очиш йўқ. Шусиз ҳам ҳамма нарса бор. Гул опкелганларинг тузук, лекин гул кўядиган идиш йўқ, ҳозироқ чиқиб, йўлакдаги аёл зоти борки, барига биттадан улашиб чиқасанлар.

— Олишмаса-чи? — деди Чоршанбиев.

— Олишади,— деди Яхшибоев кулиб.— Чўчқадан бир тук, дейишадию олишади. Яъники, Чоршанби болам, ўша чўчқа — мен.

Шогирдлар ўв тортиб норозилик билдиришди. Яхшибоевнинг кайфияти зўр эди. Яна бир-икки ҳазил гап қилиб, йигитлардан иккитасини хотинларга гул улашгани чиқариб юборди. Қолган шогирдларга ҳам иш топилди: биров чой кўйди, биров чойнак чайди, дамлашди, қайтаришди, столдаги ноз-неъматларни каттакон холодильникка тиқиб, ортиб қолганидан дастурхон тузашди, бири — Чоршанби, бири — Жума, бировининг оти бор, бировининг оти йўқ (Яхшибоевнинг хотирасига қараб), меҳмонхона деб аталмиш бўлмадаги каттакон стол гирдига давра қуриб, тўрроқдан Яхшибоевга юмшоқ кресло кўйиб, чой ичиб, мевалардан тотиниб, ширингина суҳбат қуришди.

Яхшибоевнинг машқи баланд эди. Шогирдларнинг истагу тилақларига бош ирғаб қўшилган бўлдию бирдан ўзи гапга тушди. Ошонинг сафари ёдида, кўнгли саёҳатномалар тусади. Бир бошдан дунё кезди. Аввал Оврўподан бошлади, кейин Африкага ўтди, сўнг Осиёнинг бу четидан тушиб, нариги четидан — нақ Япониядан чиқди.

Шогирдлар ҳангу манг эдилар.

Яхшибоев Хартум аэропортидан кўкка кўтарилганида ҳаво булутли эди, шу сабаб, Судандек ажойиб мамлакатнинг табиатини осмондан ҳам томоша этиш насиб қилмади.

Яхшибоевнинг самолёти Сингапур аэропортига қўнолмай, икки соатча кўкда айланиб юрди. Ахийри, бензини тугай деб қолганда Жакарта тарафга бурилди. Қўнди. Йўловчиларга аэровокзал ичига киришга рухсат беришмади. Йўловчилар Индонезия тупроғига оёқ қўймаганларига афсусланиб ўтиришди. Биргина Яхшибоев афсусланмади — у Жакартани илгари ҳам икки марта кўрган эди.

Яхшибоев тушган яна бир самолёт Ганга дарёси устидан учиб ўтди, сўнг бориб Деҳлига қўнди.

Яхшибоев тушган бошқа бир самолёт Жанубий Америка чангалзорлари узра роса бир соат учди ва, ниҳоят, Монтевидеога қўнди.

— Астуриас,— деб гап қўшди шогирдлардан бири маҳмаданалик қилиб.— Мигель Анхель Астуриаснинг юрти.

— Ким у? — деб сўради Яхшибоев, фаши келганини яширмай,— Президентми?

— Ёзувчи,— деди Маҳмадана.— Уша чангалзор-сельваларни ёзган киши.

— Ўқимаганман,— деди Яхшибоев баттар қовоғини солиб, сўнг Маҳмаданага танбеҳ берди: — Ушани ўқимасдан ҳам ёзса бўлади.

— Тўғри,— дея уни маъқуллади тақирбош йигит. Яхшибоев уни кўп ёқ-

тирмасди, лекин ҳозир бирдан ёқтира бошлади.— Ӯз қадрини билмаган ўзганинг қадрини билмайди.

Маҳмадана билан Тақирбош ўзаро баҳслашувга чоғландилар, лекин ул-гуришмади, чунки айни лаҳзада Яхшибоев ўзи тушган самолётни Гаванна аэро-портидан парвоз қилдириб қўйган эди. Гаваннадан учган самолёт Чилининг чўзинчоқ харитаси бўйлаб учиб, қайсидир кўрфазни кесиб, Панамага тушди. У ёқда киш, ўзимизда ёз эди.

Сўнг Яхшибоев тушган самолёт бирор ўн кунча учмай қўйди. Яхшибоев уни Римда қантариб қўйиб, чиройли лимузинларни миниб, Венеция, Верона, Пиза каби шаҳарларни кезди. Сўнг роса бир кун қадимий Помпей харобалари-ни айланди. Сўнг тагин Римга қайтди. Тагин самолётга миниб, Қоҳирага ўтди. Искандарияни кўрди, Нил дарёсини кўрди, фиръавнларнинг мақбараларига борди.

Бир муддат Африкада шер овлади.

Бир муддат марварид изловчиларнинг кемаларида сузди.

Сўнг икки бор Оврўпони айланди: Лиссабон, Мадрид, Вена, Берн, Берлин, Прага, Будапешт, Бухарест. Кўпроқ эса қолгани Будапешт бўлди, сабабки, можор дўстларимиз болтани болта, гўштни гўшт, деб аташар экан. Билинги, улар билан қариндошлигимиз бор. Яъники, можорларнинг ота-боболари биз-нинг ота-боболаримиз билан борди-келди қилган.

— Уларнинг аждодлари Дашти Қипчоқдан кўчиб кетишган,— дея гап қўшди Маҳмадана.

Яхшибоев индамади. Бир дақиқа жим турди. Даврадагиларнинг юзларига разм солди. Йўқ, буларнинг биттаси ҳам ишонмабди. У ёзган харита бу ўтир-ганларнинг тасаввурига сиғмас экан.

— Энди,— деди Яхшибоев,— дунёнинг ўттиз етти мамлакатада бўлдик.

Атай камайтириб айтди. Аслида у дунёнинг эллик етти мамлакатада бўлган эди. Ҳаммасини аташга фурсат ҳам йўқ, кейин... манави маҳмадана-қуруқвойларнинг ишонишидан ишонмаслиги аниқроқ, қолаверса, эллик етти минус ўттиз етти баробар йигирма, яъники, ўша йигирма нафар аталмаган мамлакатнинг ўзиёқ камтарликдан нишона.

— Армонингиз қолмаган экан,— деди Маҳмадана.

— Устоз ҳаммасини айтмадилар,— деди Чоршанбиев билимдонлик қилиб. Унинг шогирдлик стажи бошқаларникидан кўпроқ эди, шуни қадам сайин таъкид этишни суярди.— Агар саёҳатнома ёзсалар, шунинг ўзи ўн том бўлади.

— Армон қолдим, қолмадим, буниси — иккинчи даражали масала,— деди Яхшибоев сўлиш олиб.— Ӯзга мамлакатларга саёҳат қилиш яхши нарса, лекин мен ўз юртимиздан афзалроғини кўрмадим.

Бу гап шогирдларга хуш ёқди.

— Агар армон дейдиган бўлсак, у ҳам ўзимизга тегишли,— дея давом этди Яхшибоев.— Армон шуки, ўз юртимизни ҳамон тугалроқ ўрганиб етолма-дим. У мисоли уммон экан, мен эса оддий эшакли қайиқ минган оддий бир балиқчидан. Кўп марта тўр солдим, лекин кам нарса илинди. Бу уммон қаърида хазинаю дафиналар шу қадар мўлки, уларнинг барини юзага чиқа-ришга менинг ҳам, сизларнинг ҳам умримиз етмайди. Одамлар-чи? Одам-ларимизнинг кўнглида беркиниб ётган турфа хазиналар-чи? Йўқ, биродарлар, биз ҳали ҳеч иш қилолмадик. Афсусимиз ҳам шундан. Энди, мана, хазина ка-литини сиздай ёшу серғайрат укаларимизга ташлаб кетяпмиз, шояд сизларга бу ажойиб юртни тўлароқ кашф этиш насиб қилса!..

Яхшибоевнинг кўзи намланди. Маъюс тортди. Бояги қувноқлиги қайгадир учиб кетгандай бўлди. Шогирдларнинг юзларидаги ишончсизлик ҳам секин-ас-та йўқолди, улар ҳам ҳазин тортиб қолдилар.

Иккитаси ёндафтар олиб, неларнидир ёзиб қўйди. Ана, деб ўйлади Ях-шибоев, шу билан тарихга ҳам кирдик, ана, келажак авлодлар учун ёзиб олишяпти. Кулмоқчи бўлди, лекин маъюслиги тарқамади.

Бир зумлик сукунат чўқди. Дастурхонга дам-бадам чўзилиб турган қўл-лар ҳаракатдан тўхтади, пиёлалар стол устига қайтди.

Яхшибоев ўртада серғайиб қолаётган ноз-неъматларга ачинди. Агар ҳозир ейилмаса, шундоқ қолиб кетиши тайин. Ҳиди хонага уради, тунда ди-

моқни қитиқлайди, безовта қилади. Кейин фаррош хотинларга ҳам ортиқча ташвиш. Қувноқроқ бўлиш керак, буларнинг иштаҳасини бўғиш шарт эмас.

— Лекин сизларга ҳавасим келади,— деди овозини ўктамлаштириб.— Чунки сизлар бу ажойиб юртнинг энг гуллаган даврида яшайсизлар. Бу ёғи ҳаёт янада жозибалироқ бўлиши тайин. Умрларинг узоқ бўлсин, бизлар етмаганга ҳам сизлар етинглар.

Шогирдларнинг юзлари ёришди. Гўё Яхшибоев башорат қилган порлоқ манзилларга ҳозироқ жўнаб кетишадигандай, қиёфаларида недир шижоат, недир хижолат аломатлари кўринди.

— Сизларга ҳавасим келади,— дея такрорлади Яхшибоев ва ўшал заҳоти бу гапларни Ошно эшитмаганига афсусланди.— Сизларга ёлғиз бир нарсани — она юртимизга меҳримни васият қилиб қолдиришим мумкин. Ишонишларинг қийин, аввалига ўзим ҳам ишонолмадим, лекин озгина обрў-эътиборим бор эканми, хорижда эканимда бир-икки ғаддор даф қилиб, мени ўша ёқда олиб қолмоқчи ҳам бўлишган. Аввал шунчаки бир ширин ташвиқот бўлди, кейин — дўқ-пўписа, боринги, очиқ зуғумга ҳам ўтишди. Минг қатла шукрки, чўчимадим, писанд қилмадим, бир оз қийналиб бўлса-да, она юртимизга қайтдим, қайтдим бандаргоҳга тушиб, тупроғимизни ўпдим. Бу воқеага ҳам бирор йигирма йилча бўлди, ҳа, аниқ эсладим, олтмишинчи йилнинг кузи эди... Ўша кузда мен қайта туғилдим, деб айтсам ҳам янглишмайман. Билинги, бу тупроқда яшалган ҳар бир дақиқа, ҳар бир сония ҳам азиз, шунчалар азизки, тарози палласига ҳеч қандай тиллаю марваридларни қўймоққа эҳтиёж сезилмайди.

Шогирдлар ҳайратланишди. Ишонишди. Ҳар қалай, бошдаги лоқайдлигу беписандлик аломатлари сезилмади. Аслида воқеа сал бошқачароқ кечган эди. Олтмишинчи йилнинг кузида, чет элда юрганида, йўлда зўр бир тошқинга учраб, самолётга кечикди. Ўша жойда уч-тўрт кун қолиб кетди, ошиқча қийналмади, элчихона ходимлари озгина койинган бўлиб, визасини чўзиб беришди, сўнг ўзлари кемага чиқариб қўйишди. Фақат бир нарса: уни юртида олиб юрган маҳаллий ёзувчи, жаноб Яхшибоев, самолётга кечикдингиз, энди бизнинг мамлакат фуқароси бўлақолинг, деб ҳазиллашгани рост.

Ёлғон айтиш хуш ёқарди. Танида ажиб бир сархушлик пайдо бўлди. Гўё у ростдан ҳам хорижда ғаламислар ҳибсига тушиб қолгандай, каловланган, карахту бемажол, ним ёруғ бир бўлмада... юртини соғиниб ўтирибди!

Айни манзарага ўзи ҳам ишонди. Мижжасига қалққан икки томчи ёшни, бошини сал қўйи эгиб, гўё меҳмонларга кўрсатмаган бўлиб, секин бармоғи билан сидириб ташлади. Бошини кўтариб, меҳмонларнинг кўзларида недир меҳр товланганини кўрди. Кўргани баробар, кулгиси қистади. Ғирт майнавозлик-ку, Яхшибоев, деб ўйлади, бу бечораларнинг кўнглини бузиш шунчалар шарт эдимми?

Кейин... бу ёғи... соғлиққа таъсири бўлмасмикан?

Ўшал заҳоти юзига қувноқ тус берди. Момиқ халатининг этакларини тиззалари орасига олиб, сал йиғиштиринган бўлиб ўтирди. Рўпарадаги киночи йигитга қаради, унинг кўзларида умидворлик уқди. Бояқиш уч йилдан бери кетимдан эргашади, деб ўйлади, китобимни кино қилмоқчи, лекин менинг қора меҳнатга тобим йўқ, бунинг дарди битта — менга сал яқинроқ бўлса, кейин мени тиргак қилиб, бирор мукофотми ёки рағбатми илинган таёқ учига тумшугини чўзса... Буниям тушуниш керак, деб хаёл қилди, кино дегани — ота касби, ҳали бу бояқиш онасининг қорнида ётганида, отаси бояқиш онаси бояқишнинг бу ётган жойини секин силаб, ўғил туғасан, уям киночи бўлади, деб ният қилиб қўйган. Энди у — ўша ниятнинг қули; беш яшарлигида Маданият саройидаги тўгаракка қатнаган, ўн ёшида отаси суратга олган кинода роль ўйнаган, ўн беш ёшида ҳаваскор киночилар кўригида совринча олган, у ёғи — Москва, институт, устозлар, чиройли қизлар, силлиқ йигитлар, аллақандай Феллини Пазолини Бергман деган ғаройиб номлар... умри бино бўлиб кинодан боши чиқмаса, маҳалла-кўйга аралашмаса, ит уриштирмаса, хўрозу бедана уриштирмаса, қўшни маҳалла болаларидан мушт емаса, бозорда кўк сотмаса, жинкўчаларнинг чангини чиқариб югурмаса... бу бечоранинг яна не чораси бор? Менинг китобимни кино қилса бас, бояқиш қаҳрамонимга шим кийдиради, ҳолбуки, у бола йигирмага киргунча шим кўрмаган, бирор етти ёшгача мутлақо иштонсиз юрган, кейин балоқлари кенг бўз иштон кийган, сабаби —

йўқчилик, бошоғу машоқдан теккан кичкина бир улуш, бир кафтга жой бўладиган тансиқ қўғирмочнинг ротакам байрамлиги. Бу эса, тўқчиликдан ўзга нарсани кўрмаган, атрофини қуршаган одамларнинг тилини ҳам, дилини ҳам чала-чулпа билади, чойхонадаги ошхўрликлар сабаб, биргина «харажат» деган сўзни хуш кўради, «харажат» деб такрорлашни ёқтиради, ҳатто бошқа юртларга ҳам шу сўзни кўтариб боради. Унинг маъносини билмаслиги мумкин, лекин талаффузини ёқтиради. «Харажат» дегани ғалатироқ эшитилади, гўё у шунчаки харж эмас, балки харид этилган нарсалар ҳаммаси — кўк, сабзи-пиёз, гуруч, гўшт, помидору анорлар — чош этилганда пайдо бўладиган ғаройиб бир манзара!..

Яхшибоев киночи йигитга лақаб топганини сезди: **Х а р а ж а т**. Кўнгли эрмак тусаб, кулимсираб, секин гап бошлади:

— Менга қара, Чоршанби болам, анави китобни ўзинг кино қилиб ёза-қолсанг бўлмайдимми?

— Мени Аброр деб айтишади,— деди киночи йигит хафа бўлиб.

— Ўзбекчани эплаб гапиролмайсан, нодон! — деди Яхшибоев.— Отим Аҳрор деб айтсанг ўласанми? Сенам Чоршанбидек бўлсанг қанийди!.. Хўш, ёзасанми, Аҳрор?

— Аброр, мени Аброр деб айтишади,— такрорлади киночи йигит.

— Э, Аброр бўлсанг — ўзингга! — деди Яхшибоев ғаши келиб.— Хўш, ёзасанми?

— Қийин,— деди Аброр.— Лекин уриниб кўриш мумкин.

— Менга авторлигим учун пул берсанг бўлди,— деди Яхшибоев.— Кейин битта зўр ош қиламиз. Нима дединг? Харажат қилиб келасан-да, а?

— Харажат, бу — яхши,— деди Аброр.— Лекин унда директор билан ўзингиз гаплашасиз.

— Туяга янтоқ керак бўлса, ўзи бўйин чўзади, болам. Директорга шуни айтсанг бас.

— Айтолмайман.

— Э, бу қанақаси бўлди? — деб кулди Яхшибоев.— Сенинг вазифанг нима, болам? Китобни мен ёзганим етмайдимми, энди кинониям мен гаплашиб берайми? Йўқ, биродар, тушингни сувга айт.

— Мен ёзиб берақолсам-чи, устоз? — деб сўради Чоршанбиев.

Яхшибоев унга хушламайроқ қаради:

— Жим ўтир, болам, сен эплолмайсан. Эпласанг ҳам, бари бир сен ёзганинг буларга ўтмайди. Буларнинг ўз одамлари бор ёзадиган.

— Унчаликмас,— деди Аброр.— Сиз ёзсангиз ўтади.

— Тўғри,— деди Яхшибоев.— Мен ёзсам ўтади, чунки директоринг мендан кўрқади. Лекин Чоршанби ёзса ўтмайди, чунки у Чоршанбидан кўрқмайди. Менга қара, Аҳрор, сенга бир гап айтсам...

— Аҳрормас — Аброр,— деди киночи йигит.

— Бари бир эмасми! — деб қўл силтади Яхшибоев.— Менга қара, балки мен ўзим ёзишга ҳам кўнарман, ўшанда суратга олаётган пайтларингда миямни қотирмайсанми?

— Ёрдам бериб турсангиз маъқул бўларди.

— Ана, кўрдингми! Сен бир ўзинг ҳеч бало қилолмайсан. Бу ёқда Ғани Аъзам билан Ҳамза Умар менинг гапимни гапириб турса, сен уларнинг нималар деётганини тушунасанми ўзи?

— Таржима қиламиз-ку,— деб эътироз қилди Аброр.

— Мана сенга таржима! — деди Яхшибоев, бармоқларини букиб бинойидай зорманда кўрсатаркан.— Халқнинг дилини таржима қилиб бўлмайди! Сен ўзинг таржимасан, болам, таржима бўлгандаям жуда бемаза таржима! Сенларга берадиган асарим йўқ! Шуни бориб директорингга айт! Яхшибоев қандайдир беш минг сўм пул учун тилини сотмас экан, деб айт! Тушундингми?!

Аброр тушунмади. Хўмрайиб ўтираверди. Яхшибоев ҳам қовоғини уйди, бошини эгди — гўё чексиз ғамга гирифтор бўлгандай. Сездики, тил ҳақидаги гаплари шогирдларга хуш ёқди. Ёндафтари борлари қоғозга тушириб олишса ҳам ажабмас. Ва ажабмаски, эрта-индин бошқа бир жойда худди шу гапларни эрмак учун қайта сотишса. Майли, сотишаверсин. Умуман, оқсоқол ёзувчи-

нинг куни шунақа қаттиқ — азбаройи нуфузни деб, ўзи ўйламаган ҳақиқатларни ҳам айтиб юборади.

Ҳозиргиси унчалик ёмон чиқмади. Ахир, битта халқ ғамида кирои қай-ғурмоқ шунча бўлар-да!.. Бу ёғи яна бир рост гапни ҳам айтди. Беш минг сўм учун киночиларнинг кетидан итдай тилини чиқариб югурадиган аҳмоқ йўқ! Ана, ёшлар бор, ўшалар қилсин! Ўзбек киноси, ўзбек киноси, деб жар солишади, хўш, қани, бориб кўришсин-чи, ўша ўзбек киносида ўзбекчани биладиган бешта одам топилармикан!..

Бариси бефойда. Қуруқ оворагарчилик, холос. Бу борада аччиққина тажриба ҳам бор. Ана, бир гал, кинонинг аввалги директори билан келишмай қолганида, кинода миллий руҳ йўқолиб боряпти, оқсоқол, деб Ошнони унга қарши гижгижлади. Ошно бечора ҳам лаққа тушди, ўзбекча олинсин, деб кўрсатма берди, ҳатто Москвадек улуғ жойларни ҳам ишга солди, Москвадек улуғ жойлар ҳам миллий руҳни талаб қилди, лекин бирор нафи бўлдимми?.. Қайтага, икки ўртада ёзувчилар билан киночиларнинг ўзаро ғанимлиги қолди — бу тараф тилга нўноқлик қилиб индамай турди, у тараф эса, тилни бурро қилиб сафсата сотди ва шундай хулосага келдики, ўзбек халқида умуман адабиёт йўқ экан, кейин, хусусий бир ажримда, зўр-базўр тан олиндики, тўғри, битта Навоий деганлари бор, лекин у ҳам жуда эскирган, ирригатор студентларга Фарҳоднинг канал қазиганидан лекция тузишга яраши мумкин, лекин кинодек замонавий синтетик санъатга асос бўлолмайди.

Ушанда ҳамма ютқизди. Ёзувчилар ҳам, киночилар ҳам, Ошнонинг ўзи, ҳатто Москвадек улуғ жойлар ҳам баробар ютқизди. Биргина Яхшибоев ютди, сабабки, у ёмон кўрган директор мансабидан шиша оғзига тиқилган пўкакдай учиб кетди. Янги директори биринчи кунидек таъзимга келди. Зотида араб қони бор эканми, бурундору мўйдор, қорамағиз, тепасида бир парча тепакали бор, келдию икки қўлини икки ёнига ёзиб, бўйини чўзиб, дафъатан хитоб қилди: «Кино дегани — эҳтирослар бўронидир, Назар Яхшибоевич!» Яхшибоев уни жинни-пинними деб хаёл қилди, йўқ, хайриятки, янглишган экан, зум ўтиб директор одам қиёфасига кирди, айтдики, сиз жуда улуғ одамсиз, Назар Яхшибоевич, сизнинг маслаҳатларингиз ўзбек киносига жуда ва жуда зарур, хусусан бугунги кунда, киномиз кризис ҳолатини бошдан кечираётган бир аснода зарур, ўйлайманки, сизнинг беғараз ёрдамингиз билан бу мушкулотдан эсон-омон чиқиб оламиз. Жуда муғамбир экан. Лутфу эҳтиромни хирмон қилиб уйдик, Яхшибоевнинг ишонишига бир баҳя қолди. Айни бир баҳя қолганида бир сескандию ўзига келди. Энди бас қилақол, болам, деди, кейинроқ бафуржа гаплашамиз, ҳозирча бир гапни айтсанг бас, агар сенга китобимни берсам, шуни бир зўр кино қиласанми? Ҳа-да, деб хитоб этди директор, хоҳласангиз — шу йилнинг планига қўйиб юбораман! Китоб сигир эмаски, сен қўй и б юборсанг, деб дашном берди Яхшибоев, тилни билмайсан, директор болам, планга тиркайман, деб айтсанг тўғрироқ бўларди. Директор хижолат чекди, тепакалига қадар қизарди, сўнг айтдики, узр, Назар Яхшибоевич, адамизнинг айби билан биз ҳам ярим ҳарбий бўлиб юрганмиз, она тилимизнинг жамики нуқталарини ўзлаштириб олганимизча йўқ. Куюнма, директор болам, деб таскин берди Яхшибоев, мана шундай, мен билан келиб гаплашиб турсанг бас, тез кунда тилга уста бўлиб кетасан, хўш, сенга китобимни берсам, ҳақиқа бирор минг сўм берасанми? Ҳазиллашяпсиз, Назар Яхшибоев, дея хитоб этди директор, бирор беш мингдан гапиринг, балки ундан ҳам кўпроқ!.. Сен ўзинг ҳазиллашмаяпсанми, деб сўради Яхшибоев. У ҳали кинога бориб бирор нарсасини бермаган, сир-асроридан беҳабар эди.

Хуллас, иккала томон ҳам беҳазил гапираётгани аён бўлди.

Ўзинг дирижурлик қиласанми, директор болам, деб сўради Яхшибоев. Директорнинг лаблари жийрилди. Ўзига бино қўйганроқ йигит экан — Яхшибоевнинг «режиссёр»ни «дирижёр» деб атай нодонлик қилаётганини пайқамасди, уни осонгина лақиллатса бўлади, деб хаёл қилди, сўнг ўша алпозда, лабларини беписанд жийирганча, саволга изоҳ берди: мен режиссёр эмасман, Назар Яхшибоевич, мен бор-йўғи директорман. Ҳай аттанг, деди Яхшибоев, бир йўла режисур ҳам бўлсанг тузук эди-да, директор болам, ҳалиям бир уриниб кўр, бамаъни йигит кўринадан, бошқаларга иш қолдириб нима қиласан? Уриниб кўраман, Назар Яхшибоевич, дея ваъда берди директор. Ваъдасининг

устидан чиқди ҳам. Уч-тўрт йил ўтиб режиссёрликни ўрганди. Полвонгина йигит экан, бачкироқ фильмларга чалғимай, кўтарасига ўн-ўн беш серияли кинолар оладиган бўлди. Бугун қарабсанки, ростакам арбоб, унча-мунча одам билан гаплашмайди, тинчу омон давр суряпти. Аҳён-аҳёнда таъзимга келиб туради, холос. Келганида нуқул ҳамкорликда яратган фильмларини эслайди. Яхшибоев секин бош ирғаб ўтиради. Рости, у ҳамкорликни тузукроқ эслолмайди ҳам. Шартномаларга қўл қўйганини эслайди, кассадаги ҳисобига пул тушганини эслайди, лекин ўзи сценарий ёзганини эслолмайди. Уша фильмларнинг титрларида қандайдир савобталабу ҳожатбарор йигитларнинг исму фамилиялари ҳам бўларди, лекин улар шу қадар кўпки, бирортасини аниқ-таниқ хотирлаш қийин...

Яхшибоев сукути чўзилиброқ кетганини пайқади. Секин бош кўтарди. Даврада Аброр кўринмасди. Чамаси, Яхшибоев бошини ҳам қилиб ўтирганида Чоршанбиев киночи йигитга секин «мўйлов қилган»: чиқиб кет, сени кўп хушламадилар. Дарвоқе, Чоршанбиевнинг мўйлови йўғ-а?

— Бу, дейман, Чоршанби болам, мўйлов қўйсанг ярашарди-да, — деди Яхшибоев.

Шогирдлар илжайишди. Ҳозиргина ўзбек киноси учун қайғуриб, салкам қон ютиб ўтирган кишининг бу қадар тез ўнгланиб олиши уларнинг ҳавасини келтирди. Биргина Чоршанбиев кулмади. Унинг шогирдлик муддати беҳад чўзилиб кетган, шу сабаб, устозининг қилиқларига кўпда парво қилмайдиган эди.

— Соқол қўйсанг — янаям яхши, — деди Яхшибоев.

— Бир камим шу эди, — деб тўнғиллади Чоршанбиев. — Ушанда нақ киночи бўп қолардим. Умуман, киночи бўлиш шу-да, — деди у, бирдан кайфияти ўзгариб. — Соқол қўйсанг бас-да, нима дедингиз, устоз?

— Мия ҳам керак, — деди Яхшибоев.

Чоршанбиев бу гапни эшитмасликка олди.

— Узр, устоз, — деди. — Аброр йўлда илашиб эди, қол, деб айтишнинг иложини топмадим.

— Зиёни йўқ, Чоршанби болам, — деб жилмайди Яхшибоев. — Мен жуда хурсанд бўлдим. Ўзи яхши бола у, лекин отаси ақлсизлик қилган, бошқа бир касбга қўйса бўларди. Дейлик, сартарошликка. Сочини қандай пирчоска қилганини кўрдингизми — зўр-а?

— Энди, бу гаплар йигит кишининг ишимас-да, устоз... — дея гап қўшди тақирбош шогирд.

— Ўзининг сочи йўқ, шунга ҳасади келяпти, — деб кулди маҳмадана шогирд.

— Шунга айтинг-а!.. — дея рағбат билдирди Яхшибоев.

Давра яна бир зумда жонланиб қолди. Маҳмадана Тақирбошни чандиди, Тақирбош — Маҳмаданани; ўртага бошқалар ҳам суқилди, гурунгниг бир учи бориб уч-тўрт йил олдин қазо қилиб кетган кал шоирга тақалди. Бу ёғини Яхшибоев илиб кетди.

— Шу, десангиз, раҳматли Боғий ғалатиноқ одам эди. Бир куни уни излаб Заристонга бордим. Ушанда Боғий Заристонда газетга муҳаррирлик қилар эди. Борсам, ходимларини йиғиб, летучка ўтказаетган экан. Кўрдимки, дўстим қурмағур жуда дарғазаб, оғзидан кўпик сочиб, ходимларнинг нақ жонини оляпти — ҳамманг қамаласан, катта мақолада сиёсий хато ўтиб кетган, деб!.. Ходимлар ҳеч балони тушунмай гаранг. Ҳар бирининг олдида бир нусхадан газет, шунча синчиклаб қарашади ҳамки, ўша айтилган даҳшатли хатони топишолмайди. Гапнинг рости, мен ўзим ҳам чўчидим. Ҳарна, тенгқурлиги бор, агар ҳалигиндай хато ўтиб кетган бўлса, бечора Боғийга зиёни тегмасин-да, деб ўйладим. Кейин газетдан биттасини олиб қарасам, ходимлар тополмаган «сиёсий хато» лоп этиб чиқиб қолди!..

Ҳар қандай уста гурунгни каби, Яхшибоев ҳам бир муддат сукут сақлади.

— Қанақа хато экан? — деб сўради Маҳмадана бетоқатлик билан. — Унчалик ёмон эмасми?

— Ёмон бўлганда ҳам унча-мунчаси эмас!..

— Айтақолинг, устоз!..

— Айтиш жуда осон. Бор-йўғи «хайкал» сўзида бўғин кўчирилган экан.
— Тушунолмадим, — деб ғудранди Маҳмадана.

— Нимасини тушунмайсан, — деди Чоршанбиев. У устозидан айтини латифани илгари ҳам эшитган эди. — «Хайкал»дан бўғин кўчирилса, иккинчи қаторга «кал» бўлиб ўтади-да!.. Ахир, Боғийнинг лақаби «кал» бўлган-да!

Шогирдлар кулган бўлишди. Кулгиларида ортиқча завқ сезилмади. Булар буткул бошқа дунё, деб ўйлади Яхшибоев, булар Боғийни кўрмаган, агар шу гапларни тенгқурлар даврасида эсласак борми, ҳамманинг ичаги узиларди. Во дариғки, ҳар бир даврнинг ўз одамлари, ўз латифалари бўлади, бизнинг даврон ўтди, энди — буларники, энди буларга мослашмоқдан ўзга иложимиз йўқ.

— Афсуски, Аббор болам кетиб қолди, бўлмаса яна биттасини айтиб берардим, — деди Яхшибоев. — Буниси Боғий раҳматлининг киночи бўлгани хусусида.

— Айтаверинг, бизам тушунамиз, — дейишди шогирдлар бир овоздан.

— Ҳозир айтганимдай, элгинчи йилларда Боғий дўстимиз кинога директор қилиб тайинланган. Юқоридан, кинонинг молиявий аҳволи зўр эмас, бохабарроқ бўлинг, деб топширилган экан. Раҳматли Боғий бориши билан ҳаммаёқни тит-пит қилиб чиқибди: нечта одам бор, ким неча пул маош олади, нечта машина, нечта камера, нечта чироқ... ҳаммасининг ҳисобини олибди. Шундай қилиб, десангиз, қўлида газчўп ушлаб, бир куни киночиларнинг искалатига ҳам кириб борибди. Искалатда плёнка сақланар экан. Думалоқ қутиларни кўрсатиб, бу нима, деб омборчи хотиндан сўрабди. Хотин айтибдики, булар — плёнка, плёнкага кино олинади. Шунда Боғий ошнамитиз, хўш, камомад йўқми, деб сўрабди. Омборчи хотин дафъатан шошиб қолибди, кейин айтибдики, камомад бор-йўқлигини билмайман, бизга фабрика ҳамма нарсани қора қоғозга ўраб-чирмаб жўнатади, камомад қилса ҳам ўшалар қилади. Боғийни бу жавоб қониқтирмабди. Боринг, икки-уч гувоҳ чақириб келинг, деб буюрибди. Омборчи хотин ташқарига чиқибди. У то икки-уч одамни топиб келгунча, бу ёқда Боғийнинг ўзи ревизияни бошлаб юборган экан. Киночилар келиб қарашса, директорлари бирор йигирма қутидаги очилмаган плёнкани очиб, чувалтириб, қўлидаги газчўп билан мисоли газмолдай ўлчаётган экан!..

Шогирдлар бу гал очилиброқ кулишди. Яна қистовга олишди. Яхшибоев кўрсаки, оқсоқоллик сиёғи кетиб, шунчаки маймунга айланиб қоляпти. Бирдан жиддийлашди, чеккароқда ўтириб чой қўяётган камтарроқ шогирдидан чой сўради.

Яхшибоев сал ўтмай зерикди. Теграсидаги даврани кўргиси келмай қолди. Давра ҳам ўзи билан ўзи овора эди. Аслида давранинг у билан иши йўқ, у шунчаки ҳисобда туради, холос. Токи Яхшибоев қулоғини ушлаб кетгунича чидашлари керак, кетгунича панд бермаса бўлди. Тўғрисиям шу, деб фикр қилди Яхшибоев, бизники бўлди энди, бу ёғи — замон шуларники, чоршанбию жумабойларники, яна бир-иккита тузукроқлари ҳам бордай, лекин улар менинг ёнимга келишмайди. Эҳтимолки, улар ҳам келишар. Ахир, касал одамни келиб кўриш фарз эмасми? Мана, бугун келганларнинг орасида ҳам оласи борку, анави Маҳмадана билан Тақирбош, улар менинг бирорта сатримни ўқигани гумон, нуқул чангалзор-сельваларни ўқишади, нуқул бизга ўхшаганларни мазах қилишади, эмишки, бизлардан ўша чангалзор-сельваларни ёзган маркес-паркеслар зўрроқ эмиш! Хўш, улар зўр экан, Яхшибоевнинг ёнида нима қилиб ўтирибсан, ашқол-дашқолингни йиғиштиру кет ўша чангалзор-сельваларингга!.. Бурун жийирмоқ жуда осон, аслида сенлар ҳам бизга ўхшаган тиррақисан, фарқимиз шуки, биз кексароқмиз, бизнинг билганимиз — ўтмишдан, сенлар билганларинг — бугундан, ҳар хил чангалзору сельвалардан; ажабмаски, биз ҳам ёш бўлсак ўшалардан лоф урадик, афсуски, бизнинг давримиз ўтди, турли чангалзору сельвалардан бебаҳра қолдик, йўқ, давримиз ўтди десак ҳам бўлмас экан, ахир, ҳали тирикмиз, соямизни ўзимиз судраб юрибмиз, минг ўтиб кетган илғорлариям ҳам уй-пуйлари тор келиб қолган пайтларда чангалзор-сельваларга эмас, бизга ўхшаган қолюқ Яхшибоевларнинг ёнига боришадик, устоз, бир ёрдам қилинг!..

Шунақа пайтларда биз устозга ҳам айланамиз. Яхшибоев олиб берган кенг уйнинг тўрида думалаб ётиб, кейин уни росмана дуо қилса ҳам бўлади!

— Асли мен депутат бўлишим керак эди, — деди у баралла овоз билан. Шогирдларнинг суҳбати бўлинди. Яхшибоевга сал ажабланиб қарашди. Биргина Чоршанбиевнинг туси ўзгармади. Эски шогирд эмасми, устозининг кўнглидан не ўйлар кечганини бирдан сезарди у.

— Хафтанинг махсус кунда, махсус кабинетда ўтири-иб, аризачиларни қабул қилардим, — деди Яхшибоев. — Ушанда сизлар ҳам келардинглар.

— Шартмас, — деди Чоршанбиев мийиғида кулиб. — Бизлар шусиз ҳам сизнинг ёнингиздамиз.

— Энди, расмийроқ бўларди-да, Чоршанби болам, — деди Яхшибоев, гўё хаёли паришон бўлиб. — Сен ўзинг рўйхатга олиб ўтирардинг. Мендаям вазифа оғир, бир ўзим дош беришим қийин.

Чоршанбиев устозининг меҳмонларни ҳайдамоқчи бўлганини тушунди. Лекин тушунганини бирданга ошкор этмади. Меҳмонларни андак чалғитиш учун, аввал кичик бир латифа айтди. Эмишки, унинг бир сувчи ҳамқишлоғи пайкал бошида ухлаб қолибди. Шунда унинг ёнига биргина дўлтабури келибди. Сувчи ухладан олдин кетмонини белбоғига қистириб қўйган экан, дўлтабури келиб белбоғдан тишлабдию сувчини кетмон-петмони билан яғринига олиб тоққа чиқиб кетибди.

— Дўлтабури нимаиди? — деб сўради Тақирбош.

— Бўрининг бир тури-да, — деди Чоршанбиев.

— Чиябўрими?

— Ҳадеб сўрайверасанми? — деб ғазаблани Маҳмадана. — Эҳтимолки, ҳалиги қизил койотлардан¹ бўп чиқар...

Чоршанбиев устозига маънодор қаради: кўрдингизми, яна чангалзор-сельваларга оғиб кетяпти. Яхшибоев кўзларини бир юмиб-очди, демоқчи бўлдики, парво қилма, бунинг ўзи койот.

— Дўлтабури сувчини тоққа опчиқиб кетибди, — дея давом этди Чоршанбиев. — Шу кетишда ўзи яшайдиган ғор оғзига етибди.

— Тушунолмадим, — деб ғудранди Тақирбош. — Сиз аввал дўлтабўрининг нималигини тушунтириб беринг.

— Самад болам, сал сабр қилинг, — деб дакки берди Яхшибоев. — Латифани қоқ белидан бўлган одамни энди кўришим.

— Самадов — менинг фамилиям, домла, — деди Тақирбош. — Менинг отим Турғун, эсингиздан чиқибди.

— Тем более, — деди Яхшибоев. — Турғун бўлгандан кейин икки ҳисса тек ўтириш керак. Дўлтабури — бўрининг бир тури. Мана, сиз, бўйингиз пақанароқ, лекин анча қорувлисиз, кучингиз ҳам шунга яраша, демак, жудаям дўлта йигитсиз, эҳтимолки, қариган чоғингизда сизга «Дўлтачол» деб лақаб ҳам қўйишар.

Давра аҳли енгилгина кулиб олди.

— Тушунарлими? — деб сўради Яхшибоев илжайганча.

— Раҳмат, тушундим, — деб тўнғиллади Тақирбош.

— Тушунган бўлсанг, унда давомини эшит, — деди Чоршанбиев ўзини кулгидан зўрға тийиб. — Хуллас, дўлтабури сувчини ғор оғзигача кўтариб келибди. Ичкарига кирай деса, ҳеч киролмасмиш. Сувчи данг қотиб ухлаб ётганмиш, белидаги белбоғи маҳкам боғланган экан, бунинг устига, белбоққа кетмон қистирилган, ўша касофат кетмон ғор оғзига кўндаланг келиб, нарига ўтказмасмиш. Дўлтабури бечора бир уринибди, икки уринибди, уч уринибди...

— Тўрт уринибди!.. — дея жўр бўлди Яхшибоев.

— Ун уринибди!.. — деб қўшди Маҳмадана.

— Йигирма уринса ҳам бирор иш чиқаролмабди. Ахийри, данг қотиб ухлаётган сувчини кетмон-петмони билан ташлаб кетибди.

Чоршанбиев шу ерда андак пауза қилди. Давра ҳангу манг эди. Ниҳоят, Маҳмадана чидаб туролмади.

— Нега? — деб сўради. — Нега ташлаб кетади?

— Ташламай нима қилсин, — деди Чоршанбиев. — Бечора сенга ўхшаган ориятли экан, номуси зўрлик кипти. Хуллас, дўлтабури бечора азбаройи уялгандан сувчини ташлаб кетибди.

¹ Койот — чиябўри.

— Нега уялади? — деди Маҳмадана тоқати тоқ бўлиб.

— Э, бўлди-э! — деди Чоршанбиев ёлғон дағдаға қилиб. — Ахир сувчини горга опкириш ўзи бўладими! Кетмони бўлмасаям бир нави эди, лекин кетмони билан опкириш!.. Дўлтабўри бечора кучаниброқ тортганида бехосдан ел чиқариб юборган экан, тушундингми?!

Латифанинг «туз»и шунда эди. Даврадагилар қоти-қотиб кулишди. Маҳмадана хижолат бўлди. Чоршанбиевга ўқрайиб қаради, лекин қаттиқ гапиролмади, ҳар ҳолда, Чоршанбиевнинг ёши улуғроқ эди, қолаверса, устози туфайли улуғ давраларнинг ҳам ҳадисини кўрган, унча-мунча ҳарифларга жавоб айтишга қурби етарди.

— Ростдан ҳам ориятли бўри экан, — деди Тақирбош, бошини сараклаб. — Узингиз тўқиганмисиз, ўртоқ Чоршанбиев?

— Йўғ-э, — деди Чоршанбиев. — Устоз тўқиганлар. Бизнинг бунақа гапларга эвимиз йўқроқ.

Давра Яхшибоевга юзланди. У камтарлик юзасидан илжайди. Лекин на рад этди ва на тасдиқ. Аслида Яхшибоев бу латифани бойсунлик бир тунд ёзувчидан эшитган эди. Уша бадқовоқ бу ҳангомани шунчаки гап орасида айтган, эҳтимолки, энди ўзи ҳам эслолмас. Лекин Яхшибоев эсдан чиқармади, қайтага, бир-икки тафсилот қўшиб, қўлдан келганича сайқал берди, бугун қарабсизки, шогирди Чоршанбиев ҳам туппа-тузук ўзлаштириб олибди — паузалари ҳам, қичиқлари ҳам жойида.

Яхшибоевнинг ўзи эндиликда бу латифани айтмайди ҳисоб. Ўзи айтиб оғзи куйган. Одам куриб қолгандай, келиб-келиб Ошнога айтибди-я!.. Ошно аввалига одоб билан эшитди, ҳаттоки илжайди, қиқирлаб кулди, сўнг бирдан қовоқ уйиб, гапларингиздан атир ҳиди келмайди, ўртоқ Яхшибоев, деди. Яхшибоев ёмон ўсал бўлди. Қайтага, Ошно лутф қилиб ўтирмасдан, гапларинг бунча сассиқ, деб айтса минг бора тузукроқ бўларди. Лекин Ошно ўлгудай одобли одам, одоблики, жигарингни эзади!..

— Энди мен ўзим биттагина аччиқ чой дамласам, — деди Яхшибоев ўрнидан туриб. — Гурунгимизнинг шираси ошиб боряпти, чой билан ҳазм қилмаса бўлмайдиған.

— Йўк, йўк, — деди шу пайтгача жимгина чой қуйиб ўтирган камгап шогирд. — Мен ўзим дамлайман, домлажон!

— Қўйинг, Кўкламов, — деди Чоршанбиев унинг қўлидан тутиб. — Устоз чарчадилар, озгина дам олсинлар. Нима дедингиз, Назар Яхшибоевич?

— Ҳали эрта-ку, — деди Яхшибоев соатига қараб. — Утиринглар эди.

— Йўк, бормасак бўлмайди, — деди Чоршанбиев. — Сиз дам олинг. Хўш, Кўкламов ука, энди сиз қолиб, домланинг дастурхонини сал тартибга солиб берасиз. Ўзлари уриниб қолмасинлар. Сиз, Турғунбой, гулларнинг сувини алмаштиринг, сиз, Ёвқочбек, пиёлаларни ювинг...

Йигитлар бирин-кетин кўзғалиб, ишга уннадилар. Чоршанбиев кўрсатма бериб турди. Бу курғур асли бригадирми, прорабми бўлиши керак эди, деб ўйлади Яхшибоев, уқуви бор лекин... Дарвоқе, анави чойчи болани Кўкламов дедими?.. Кўкламов... қизиқ экан...

— Менга қара, болам, — деди, — бу, фамилиянг ғалатиروқми?

— Бовамиз кўкламда тувилғанакан, — деди Кўкламов хижолатдан қизариб.

Яхши исм экан, деб ўйлади Яхшибоев, ҳикоя-пикояга олса бўларкан, шаҳар одамига билмадим-у, лекин чўпон-чўлиққа ярашади, кўклам, кўк, кўкат, кўкаламзор... Йигитчага жуда мос... Боваси кўкламда тувилған бўлса, ўзимизга ўхшаган лалмироқ экан-да?..

Чойнак-пиёлаларни сервантга ихлос билан тераётган бу йигитчага меҳри ийди. Э, содда болам, деди ўзича, ишқилиб, манглайинг ёруғ бўлсин-да. Сен бу ерда нима қилиб юрибсан? Манави Чоршанбининг, Тақирбошу Маҳмаданаларнинг сенга нима кераги бор? Қавмингни топсанг бўлмайдимми, ахир, ўзингга ўхшаган мўмин-мулоимлар ҳам бор-ку? Жилла қурса, анави мусичанинг ёнига бормайсанми?.. Оти нимаиди унинг? Ҳа, Саидқул Мардон... ўшанинг ёнига борсанг бўлади-ку.

Даврадошлар бирин-кетин хайрлашиб, соғлиқ тилашиб кета бошладилар. Юзларидан мамнунлик сезиларди. Биргина Маҳмадана норози кўринди. Яхши-

боев унинг норози бўлиб кетишини хоҳламади. Шуни ўйлаб, қайсидир нашриётда илиғлиқ турадиган шиорни эслади: «БУ ДАРГОХДАН ҲЕЧ КИМ НОРОЗИ БЎЛИБ КЕТМАСИН!» Ичида кулди. Ўйладики, бунинг ўрнига бошқача шиор осса ҳам бўларди: «ХУШ КЕЛИБСИЗ, ҚАЛАНҒИ-ҚАСАНҒИЛАР!» Худойим, деб ўйлади, буларга қачонгача ақл бўламан, ахир? Бу ишлар ижроқўм идорасига ярашса ярашар, лекин яхшию ёмон қўлёзмалар келадиган, ўнтасидан тўққизтаси қайтариладиган жойга ҳеч ярашмайдику!..

Секин Маҳмадананинг биллагидан тутди, хона тўрига қараб бошлади.

— Мени мазах қилмассан, болам, — деди ялингандай бўлиб. — Янгичадан саводим йўқроқ. Ҳалиги... сельва-пельваларингдан битта-иккитасини опкелиб беролмайсанми? Ҳарна, ўшандай ёзувчилар ҳам борлигини билиб кетсам тузук эмасми?..

Маҳмадананинг юзи ёришди. Мўйсафид бир одамнинг илтижосидан андак ғуруранди, юмшади, марҳамати жўшди:

— Майли, домла, — деди. — Қачон опкелай? Эртага опкелсам бўладими? Аммо-лекин маза қиласиз, улар биздан зўрроқ!..

— Албатта опкел, — деди Яхшибоев, энсаси қотганини аранг яшириб. — Лекин эртага опкелиш шарт эмас, яхшиси, мен соғайиб чиққандан кейин, тўппатўғри бизнинг уйга опкел, биргалашиб ўқиймиз, тушунмаган жойларимни шарҳлаб турасан. Майлими?

— Майли! — деди Маҳмадана негадир ҳаяжонланиб. — Хўп, домла, тезроқ соғайиб кетинг!

Мен касал эмасман, деб ўйлади Яхшибоев, қуллуқ маъносида илжайкан, мен бор-йўғи уйдан қочиб келдим, Муҳсинанинг дийдиёси жонимга тегдию бу ерга қочиб келдим, лекин бунда ҳам тинчлик кўрмаяпман, ҳамма чалғитади мени, ҳаттоки сен, мен ўзим писанд қилмайдиган пандовақи бир бола, ҳаттоки сен ҳам мени чалғитасан. Менинг худбинлигим шундаки, ҳаттоки сенга ҳам ёққим келади, Маҳмадана болам, биламанки, сенинг серкаликка иштиёқинг бор, эрта-индин бир гуруҳ мишиқи-боди ўспиринларни эргаштириб майдонга чиқаринг ҳам мумкин, ана ўшанда, сенлар минбарларни танг қилган пайтларингда, офизларингдан чиқадиган алмойи-алжойи гапларда, чангалзор-сельваларнинг тумтароқ таърифларида — мен ўзим, яъниким, Назар Яхшибоевич Яхшибоев, бошқа оқсоқоллардан фарқли ўлароқ, гардсиз, ғуборсиз қолишни истайман. Ушанда сен менинг номимни дастак қилиб офиздан кўпик сочасанки, ана, Назар Яхшибоевичдай кекса ва мўтабар одам ҳам чангалзор-сельваларни ўқиб тушунди, яхши экан, деб айтди, хўш, қолганлар нега бунни тан олмайди, қолганлар нега нодонлик қилади?!.

Яхшибоев, ичи тўла кулги, Маҳмадананинг қўлини маҳкам сиқди. Ўзи келбатли-ю, қўли нозикроқ экан — Маҳмадана турган жойида бир эшилиб олди, юзи оғриқдан буришди. Лекин у мамнун эди, оғриқдан кўпда норози бўлмади, ичида сўкинмади — бунни Яхшибоев рўйирост сезиб турди.

— Хайр, азизим, — деди кўзлари кулиб. — Ҳали кўп гурунглашамиз. — Хайр, домлажон!..

Маҳмадана ҳам эшиқдан чиқди. Хонада Кўкламов билан Чоршанбиев қолди. Кўкламов ҳамон идишларни йиғиштириб юрарди. Чоршанбиев унинг ишини кузатарди — «прораб!»

— Чоршанби болам, — деди Яхшибоев ёйилиб куларкан, — бу, дейман, анави йигитчанинг эси жойидами?

— Кирарли-чиқарли, — деди Чоршанбиев. — Лекин кўп ўқийди, қис-талоқ!

— Ҳали менга анавиндақа китоблардан ҳам опкелар?

— Опкелади, — деди Чоршанбиев. — Бир тўпини опкелади. Ғалати-ғалати авторлари бор!..

— Сен ўзинг ҳам ўшаларни ўқиганмисан, Чоршанби болам?

— Мен сиздан бошқани ўқиганим йўқ, Назар Яхшибоевич! — деб хитоб қилди Чоршанбиев.

Хитобда ҳам мақтов, ҳам бир чимдим кесатиқ бор эди — Яхшибоев дарров илғади. У, ит, деб яниди ичида, сениям тишинг чиқиб қоптику, эгани қопмаса ҳисобмас-да, а?.. Нима қилдик энди, ўсиб-улғайибди, бу ёғи баҳридан ўтамизми?.. Ана, Суярқулга муовин керак, бунинг ҳам номзоди бор. Ҳозирча ўчириб

қўйдик, лекин тиклаш чўт эканми! Доналарни қайтадан териб, битта шахмат сурамиз — вассалом! Нарёғи янада соз, яъники, ассалому алайкум, Чоршанбиев ака, ассалому алайкум, ўртоқ муовин!

Хаёлидан кечганини билдирмади. Чоршанбиевга кулиб қаради:

— Ўзинг бинойидай йигитсан-у, баъзида қуюшқондан чиқиб кетасан-да, болам, — дея, ширингина дакки берди. — Ё мен ўзим инжиқроқ бўлиб қоляпманми?..

— Узр, устоз, — деди Чоршанбиев. — Одам рашк қиларкан-да, бугун жуда шогирдларингиз кўпайиб кетди.

— Ана холос! — деди Яхшибоев, хушомадни мойдай ёқтириб. — Қўй-э, болам, мен хотин эмасманки, бошқалардан рашк қилсанг! Энди, анави савдойи йигитчага келсан, шунчаки гапирдим-қуйдим-да. Тагин, Яхшибоев чангалзор-сельваларни билмас экан, деб юрмасин!..

— Айтавермайдими!.. — деб қўл силтади Чоршанбиев.

— Нодонсан, болам, нодонсан, — деди Яхшибоев. — Мисқоллаб йиғилган обрўни шунақа мирзақуруқларга бой бераверсак маъқулми?

— Балки, сиз ҳали у опкеладиган китобларни ҳам ўқирсиз? — деб кесатди Чоршанбиев.

— Ўқишга вақт йўқ, сен ўқиб, кейин мазмунини айтиб берсанг тузук. Ҳарна, юзимиз ёруғ бўлади-да.. Нима дединг?

— Мен ўқимаيمان, — деди Чоршанбиев ўжарлик билан. — Ўқисам ҳам тушунмаيمان унақа китобларни.

Яхшибоев кулди. Лекин хона бурчагида, сервант ёнида, юмушини туга-тиб, энди нима қиларини билмай гарангсиз турган Кўкларовга кўзи тушдию кулгисини йиғиштирди. Хос гапларни айтиб чакки қилганини сезди. Хайриятки дарсликка кирмаганимиз, деб ўйлади, бўлмаса, бу бояқшининг тамом ихлоси қайтиб кетарди. Лалми йигитлар кўнгилчан бўлишади, боз йиғлоқликлари ҳам бор, мана, мен ўзим билан Ошнодан қиёс, Ўртақўрғонда юрган кезларимизда ким бизни бунчалар маккор деб ўйларди? Содда эдик, худо ҳаққи содда эдик, бамисоли манави кўклар нафасини уфуриб турган бегуноҳ йигитчадай!..

— Болам, — деди у, Кўкларовга юзланиб, — мендек бир алжиган чолни кўргали келганингиз учун раҳмат, насиб этса, уйга ҳам келинг, тузукроқ танишиб оламиз. Менинг уйда анча-мунча ақлли бўп қоладиган одатларим ҳам йўқ эмас...

— Ундай деманг, домла, — деди йигитча, дув қизариб. — Мен... мен ундайчикин деб ўйламаيمان...

Яхшибоевнинг завқи келди: ўлай агар, қиз болага ўхшайди, қиз боланинг ўзи! Қизаришни қара!..

— Бу ёқларга яқинда келганга ўхшайсиз, пул-мул борми ўзи?

— Бор, — деди йигитча, баттар қизариб, сўнг аҳволи аянчлироқ эканини сезди чоғи, қаддини ростлади. — Иккинчи курсда ўқияпман, домла.

— Унда тузук, — деди Яхшибоев.

— Тезроқ соғайиб кетинг.

Йигитча секин ортига тисарилиб, эшикдан чиқди. Чоршанбиев хайрлашмоққа қўл чўзган эди, унга Яхшибоев изн бермади:

— Шошма, аввал анави холодильникни бир очгин. Ичида кўп нарса ётибди. Лоақал ярмини болаларга опкет.

— Уйда бор, Назар Яхшибоевич, — деди Чоршанбиев ранжигандай.

— Уйда борлигини менам биламан, — деди Яхшибоев жаҳл билан. — Бу замонда очидан ўлган одам йўқ. Менга кўплик қилади, шунча нарса нест-нобуд бўлиши шартми? Обор, болалар ҳузурини кўрсин!

— Бизда холодильник кичкина, — деди Чоршанбиев ҳамон кўнмай.

— Сенга холодильникнинг умуман кераги йўқ, — деди Яхшибоев. — Бешта боланг бор, бир ҳужум қилишса урвоғи ҳам қолмайди. Олгин, жуда ноз қилсанг, ана, кўчада Кўкларов болам кутиб турибди, ўшанга берасан, студент жўралари билан маза қилиб, Яхшибоев чолни дуо этиб ейишсин!..

Чоршанбиев ортиқ тортишиб ўтирмади. Портфелидан халта чиқариб, холодильникдан тўлдириб олди. Мевалар сархил эди, заха теккани йўқ. Шу ердан

олинган, деб хаёл қилди Яхшибоев, пули бошқа ёқдан келган-у, мева шу ердан олинган. Ёинки самолётда учиб келган...

Чоршанбиев кетгач, Яхшибоев деразаларни ланг очиб қўйиб, ичкари хонага ўтди. Тўшакка ўтириб, тўмбадаги телефонни олди, унинг рақамини терди. Трубкани Муҳсина хоним олди. Кимсиз, деб сўради, кеч бўп қолди, ярим кечадаям қўнғироқ қиладими? Эр бўлгандан кейин ярим кечасиям қилаверади, деди Яхшибоев кулиб, салом, хоним, соғмисиз, саломатмисиз, бола-чақалар қалай, Сокина уйдами, боласи тузукми, Уртақўрғондан хабарлар борми?.. Ҳамма саломат, деди Муҳсина хоним, дўхтирлардан дори сўраб тинчгина ухланг, уриниб қоласиз бўлмаса, ётинг энди, дамингизни олинг...

Яхшибоев трубкани жойига қўйди. Нариги хонанинг деразаларини ёпиб келди. Жойига ётди: мана, ётдик, хоним, дам оляпмиз...

Уйку келавермади. Кайфияти дурустгина, кўнгли тинч, тўшакда чўзилиб ётганча, қизиқ-қизиқ хаёлларни ўйлади. Чоршанбининг шохи чиқяпти, деб фикр қилди, лекин ярашаркан унга, сабрига балли, унинг ўрнида мен бўлсам бир йилгаям чидамасдим, ҳалиям бунинг жони тошдан, неча йиллардан бери ака-укамиз, неча йиллардан бери бечоранинг бири икки бўлмайди, ҳамон ўша холодильникниги, ҳамон ўша каталакдай уйи, ошгандан болаларининг сони ошди, холос. Унинг қадрига етмадим чоғи?.. Ахир, аллақандай елимшиқ Остонақул бир думалаб бошқармага бошлиқ бўлиб кетган чоғида, мен бу бечорага кичик-роқ амал ёки тузукроқ квартира олиб берсам... осмон узилиб ерга тушармиди? Ўзи келиб айтиши шарт эдими? Орияти бордирки, ҳеч нарса таъма қилмайди. Борди-ю, шунча йиллардан бери азбаройи раҳми келганидан хизматимни қилиб юрган бўлса-чи?.. Дарвоқе, ҳозир у нима қилади, халтани уйига опкетадими ёки анави студент болага берадими?

Шогирдининг бояги зардасини эслаб, ичида кулди. Шу тариқа, лабларида енгилгина табассум қотган кўйи, ширин уйқуга кетди. Ширин уйқуси дам ўтиб босириқ билан алмашинди. Эмишки, Чоршанбиев уни гувала деворга тақаб қўйиб, бири-биридан сархил ноклар билан ураётган эмиш...

Уйғонди. Тушни ёзиб қўйиш керак, деб ўйлади, лекин ёзишга эринди. Оёқлари совиб бораётганини сезди. Каравот ёнида турган курсидан қўшимча аделни олиб, маҳкам ўрандию қайтадан ухлаб қолди.

VI БОБ

Қиссанавис

Муаллимлар тайёрлайдиган курсни битириб, то урушга жўнагунимча Уртақўрғон шаҳрида туз тотиб юрдим. Урушдан қайтиб, Ургутда бир йилча муаллимлик қилдим, у ердан Самарқандга кетдим, Самарқанддан — Тўрткўлга. Урганчу Хева, бу ёғи Бухорою Гиждувон, Кармана атрофидаги қишлоқларда ишлаган пайтларим ҳам бўлди. Бир муддат Фарғона водийсига ҳам бориб турганман. Хуллас, Тошкентга келиб ўрнашгунимча, рўзғор тутиб оилага бош бўлгунимча юртни роса кезганман.

Бу гапларни ижиклаб айтаётганимнинг боиси шундаки, менда недир муайян соғинч туйғуси йўқ эди. Қайга бўлмасин, бирдай қувонч билан кета-верардим. Дейлик, Назар ака билан Ошно ўзларининг Булдуруқларига ошиғич бориб-келишни канда қилишмасди, менда эса — борадиган жойнинг ўзи йўқ. Тўрт тарафим — қибла. Қайда туғилганимни билмагандан кейин қайни аниқ соғинишимни ҳам билмас эдим-да.

Намангандаги етимхонада эсимни таниганман. Лекин асл масканим Наманган эмаслигини билардим. Негаки, токи кимдир мени бозорда ушлаб олиб етимхонага топширгунича, неча-неча қишлоқларни, неча-неча шаҳарларни кезиб, бировдан бир бурда нон, бировдан шапалоқ тегиб, узун кунлару узун тунлар темир йўлларни ёқалаб юриб келганларимни аниқ-таниқ эслардим. Қишлоқда туғилганимни ҳам тушунардим, сабабки, дара оғзида яшардик, уйимиз ёнида учта баланд чинор бўларди, кейин, эс-эс биламанки, кичкинагина укам ҳам бўларди. Укамни эсласам бас, уни кўтариб елкаларим оғриганини ҳам хотирлардим, баданимга чидаб бўлмайдиган санчиқ кирарди. Укам билан икков-

лашиб, тупроғи кўпчиган йўлларга чоптирганларимиз ҳам ёдимда қолган эди. Кейин бир ёмон сел келганини эслайман, бир парча ёғочга тирмашиб, бўтана сув ичида, совуқдан дағ-дағ титраб, лаҳза сайин сув ютиб, недир куйи тарафларга оқиб кетганимни эслайман.

Водийга тушиб, сел суви темир йўлга яқин жойда ёйилиб-сусайиб кетганида, одамлар келиб қутқариб олувди. Қандайдир бир кампир қўлимга бир парча нон бериб, бошимни силаб йиғлаганлари ёдимда. Лекин нега ўша кампир ўзи мени асраб олмаганига тушунолмайман. Сезаманки, унинг асраб олгиси бор эди. Устара билан тақир қилиб қирилган бошимга томган күзёшларининг тафти ҳалигача кетмагандай. Уйлайманки, ё мен ўзим бегонасираб қочиб кетганман, ёки ўша кампир бечора бирор кори-қолга учраган.

Ҳали-ҳалигача, поездда ёки автобусда кетаётиб, водийларни кесиб ўтаётиб, узоқлардаги тоғлар бағрида қорайиб кўринадиган қишлоқларга орзиқиб термиламан — гўё менинг асл масканим ўша жойда, тоғ орасида, недир дара оғзида; гўё мен оқиб кетганимдан сўнг у жойларда вақт музлаб қолган, отам ҳам, онам ҳам тирик, улар мен элас-элас эслайдиган навқирон ёшларида, тупроқ йўлга қийқириб чоптирадиган укагинам ҳам гўдаклигича қолган, мен ўзим етиб борсам бас, ҳаётимиз буткул янгидан бошланади, ўшанда мен яна бешолти яшар норасидага айланаман, отам билан онамнинг бағрига отиламан, улар мени ердан азод кўтариб оладилар ва шунда бутун дунё, бу бешафқат ва бефарқ дунё айни мўъжиза олдида ҳайратидан гунг бўлиб қолади!..

Сезаманки, бу юрт жуда кенг, бу юртнинг водийлари жуда кўп, водийларини ўраган тоғлари ҳам, тоғлари бағрида қорайиб кўринадиган қишлоқлари ҳам беҳисоб!

Сезаманки, менинг хотирамга ўрнашиб қолган учта чинор аллақачон кесилиб кетган.

Хотирамда эса улар яшнаб турибди! Шундай қўл узатсам етадигандай! Отам дўмбира чаларди. Шуни ўйлаб, касби чўпон экан, деб тахмин қиламан. Негаки, дўмбира чўпон халқи учун мисоли тамға бўлган. Ҳозир энди унақа чўпонлар қолмаган ҳисоб. Ҳозирги чўпонлар нуқул бўйинга кичкина радио осиб юришади. Лекин менинг отам дўмбира чаларди. Болалиқдан асраб-авайлаб олиб чиққан ҳақиқатим шуки, ёзганларимда чўпонлар най чалмайди, дўмбира чалади. Умуман, мен най чалган чўпонни учратганим йўқ. Сибизга чалган бўлиши мумкин, лекин сибизга най эмас. Ичимда аччиқ-аччиқ куламанки, мабодо етим ўсмасам, мабодо дўмбира чалган отамни етим бўлиб эсламасам, балки менинг ёзганларимга ҳам най чаладиган чўпонлар кириб келармиди!.. Найчи чўпонларнинг қайдан пайдо бўлганини биров билмайди ҳисоб. Ёзувчиларимиз ёзишади, лекин чўпон қўлига тутқизилган най аслида французлар адабиётидан, машхур пастораль қиссалардан, янада аниқроғи, Хлоя исмли чиройли қизнинг маъшуқи — Дафнис отлиғ йигитнинг қўлидан олинганини тасаввур ҳам этишмайди.

Тунов куни бу бегона найни Сайфиддин укамиздек зукко йигитнинг ҳикоясида ҳам учратиб қолдим. Жаҳлим чиқди. Қаттиқ уришдим. Хайриятки, укамиз тушунди, қизариб-бўзариб, хатосини тан олди. Мен ҳам қизишганим учун узр сўрадим. Иккимиз ҳам ўйланиб қолдик. Сездикки, адабиётимизни ёт тафсилотлардан тозалаш керак экан. Токи тафсилотлар бизнинг ўзимизники бўлсин, ўшанда бизнинг ёзганимиз ўзгаларга қизиқ туюлиши мумкин.

Айни ёзувларнинг ярим илмий рисолага айланиб кетаётганининг яна бир сабаби шуки, менинг касб танлашимга отамнинг дўмбираси сабаб бўлган эди. Дўмбира — болалиқдан қолган ягона белги. Дара оғзида ўсган учта чинордан кўра, дўмбира чаладиган чўпонни топиш осонроқ туюларди. Шу боиски, дostonчиларнинг тўғарагига мунтазам қатнардим. Ёзги таътил пайтларида дoston ёзиб олгани қишлоқларга чиқиб кетардим, дўмбира чертган одамларнинг юзларига термилиб, ўзимга қадрдон белгиларни ахтарардим. Дostonларни ўрганишим меҳрдан эмас, но ч о р л и к д а н эди. М е ҳ р кейин келди, армонларим юрагимнинг тубига чўкди, ўксам қуриди, дафъатан улғайиб қолганимни ҳис этдим, излаганимни тополмасимга кўзим етди ва шу тахлит, маскансиз бир соғинч билан қолавердим. Сездимки, бугундан эътиборан менинг масканим — бутун бир юрт, минглаб даралари, даралари оғзида минглаб чинорлари бор юрт, энди мен шу юртнинг сувратини чизаман, шу юртдан ярамга

малҳам излайман, излаб тополмаган манзилларим жилла қурса қоғозда қад кўтаради.

Ва бутун умрим бўйи шу ўйимга хиёнат қилмадим.

Кўнгли бут одамлардан фарқли ўлароқ, мен бу юртнинг тўрт тарафини ҳам бирдай тусадим. Қайга юз бурсам — мен йўқотган маскан ўша ёқда бўлиб туюлаверди. Шу сабаб, тақдир қайга ҳайдаса чамадонимни кўтариб кетавердим — бирдай қувониб, бирдай ҳаяжонга тўлиб! Боя санаб ўтилган вилояту шаҳарларнинг барчасига соғиниб борганман, шоядки, ўша жойлардаги даралар оғзида учта зўр чинорнинг қораси кўринса!..

Афсус, улар топилмади. Топилиши қийин эди. Руслар айтгандай, мен ғарам орасидан игна ахтарган эканман.

Туппа-тузук яшаб юриб, тузуккина ном қозониб, ували-жували бўлиб, боринги, кўнглимдаги дарзларни бир амаллаб бекитиб улгурган дамларим эди. Ёқубжон деган газетчи укамиз бор — одамнинг жонидай йигит. Шу укамиз билан сўзимиз соз тушиб гурунглашиб қолдик. Шунда у юзимга босиб тикилаётганини сездим. Рост, ғалати бўп кетдим. Ўзбекчилик ўзи бўладиган иш эмас, Ёқубжон укамиз ҳам анча хижил торди, сўнг расм-русумини қилиб, — гўеки мен мирғазоби-шай турган хону унинг ўзи арзга келган фуқаро! — бир қошиқ қонини сўраб, кейин сўз қотди:

— Сизни бир одамга ўхшатдим, Саидқул ака.

— Кимга? — дедим, бепарво бўлишга уриниб.

— Бир лақай кишига, уям сизга ўхшаган қорачароқ эди.

Ёқубжон айтган киши аллақачон оламдан ўтган экан. Ёшроқ кетибди. Бечораҳол экан. Қайдан келганини, кимнинг ҳеши эканини билмас экан. Урушга борган экан. Уйланмаган, бола-чақаси йўқ. Серфарзанд бир темирчига ўғил туртинган экану ўшанинг уйида яшаб юраркан. Олтмиш биринчи йилда терламадан кетибди.

— Оти Холмўмин эди, — деди Ёқубжон. — Фамилияси — Пардабоев. Узининг фамилияси эмас, кейин олган, тутинган отасининг исмини олган.

— Менга жудаям ўхшармиди? — деб сўрадим энтикиб.

— Ухшарди, — деди Ёқубжон. — Тўғри, сизга шаҳар нуқси кўпроқ урган, лекин кўзлари... кўзлари жуда ўхшарди. Чап ёноғида тангадай холи бор эди. Отиям шунга Холмўмин бўлгандир-да. Туғилган жойини тузукроқ эслолмасди.

— Селда оқмаган эканми?

— Билмадим, Саидқул ака. Лекин, уйимиз тоғда эди, деб гапирарди. Унда биз бола эдик, шунчаки эрмаклаб сўрайверардик-да, бу гапларнинг кейинроқ асқотиб қолишини қайдан билайлик. Тоғда туғилгани аниқ. Уйлари ёнида икки-учта терак бўларкан.

— Балки чинордир? — дедим илинж билан. — Тузукроқ эсланг, дўстим, бизнинг дарада учта каттакон чинор ўсарди, балки уникаям чинор бўлгандир?

— Йўқ, чинормас, — деб бош чайқади Ёқубжон. — Аниқ эсламан, икки-учта терак бўларди, деб айтган. У сизга ўхшарди, Саидқул ака, лекин айни сизнинг укангиз ёки акангиз бўлган деб айтишим қийин. Ёлғиз ўсганингиздан хабарим бор, шунга сўровдим-да. Ахир, сизда хол-пол йўқ-ку...

— Бор, — дедим. — Ўнг елкамда кичкина доғ бор.

— Нега унда отингиз Саидқул? Ўзи шу асл отингизми?

— Ўзимники бўлиши керак, — дедим. — Фамилиям ўзимники экани аниқ. Ўғил болаларнинг ярми етимхона директори Самиевнинг, қолган ярми завхоз Алимовнинг фамилиясига ўтган эди. Лекин меники бутунлай бошқача, унда сал-пал эсимни таниб қолган эдим-да...

— Эсини таниган одам қишлоғининг номини ҳам билади, — деди Ёқубжон. — Сиз эса эслолмайсиз. Мен айтган одамнинг исми Холмўмин эди, ёноғида холи бор эди. Сиздаям нор бор экан, лекин нега исмингиз Нормўмин эмас?.. Эсланг, Саидқул ака, балки сизнинг асл исмингиз Нормўминдир? Эсланг, эсланг-чи!..

Эслашга уриндим. Вужудим зўриқиб, бурнимдан қон тизиллаб отилгудай бўлди, гўё ўтмиш йилларнинг қат-қат тахламлари остига кириб бордим, гўё кўзларимни катта очиб сув остига шўнғидим, нафасим қайтгудай бўлди, лекин йилт этган шуъла кўрмадим. Саидқул деган исм халал берди. Бу исмни неча йиллардан бери унвон тутиб, бу исм устига неча-неча яхшию ёмон кўргилик-

ларни юклаб, ахийри у метинлашиб, мисоли мен тошбақаю Саидкул деган исмим устимдаги сангкосага айланиб кетган экан. Эҳтимолки, болалик пайтларимда эсламоққа уринсам бирор натижа чиқарди, лекин энди, қазо муҳлати яқин қолганида, Саидкул деган исмнинг исканжасидан қутулмоқнинг ҳеч иложи йўк.

Лекин кўнглимда тугун қолди. Ёқубжонни аввалига лаънатладим, кейин оқладим. Негаки, у менинг мудроққа мойил танимга ғулғула солди, хаёлларимни остин-устин қилиб юборди, у менга Холмўминни — балки у менинг укам ёки акамдир, балки етти ёт бегонадир, лекин бирдай азиз сиймони топиб берди. Менинг учта баҳайбат чинорим билан унинг учта адл тераги ёнма-ён ва баробар қад кўтарди хаёлимда.

Кейин Ёқубжон укамизга эргашиб, узоқ вилоятдаги қишлоққа бордим. Бир тарафи — дашт, бир тарафи — тоғ, сойликлар ичида чилвирдай чўзилиб ётган қишлоқ экан. Кўҳналиги қабристонидан ҳам билинади. Ёз пайти эди, хас-хашаклари сарғайиб ётган эски пастак гўрларни оралаб, янгироқ қўйиндилар тарафга ўтдик. Эски гўрлар қаровсиз бўлса-да, бу тараф анча сариштали экан. Битта-яримта ниҳол экилган, қабртошлар қўйилган, марҳумларнинг исмлари ёзилган. Ниҳоят, кичкина қайрағоч тагидаги гўрга яқинлашдик.

— Шу, — деди Ёқубжон, овози бўғилиброқ. — Бўпти, Саидкул ака, мен кетдим.

Назокатли йигит эди Ёқубжон укамиз. Менинг ёлғиз қолишим кераклигини тушунди. Ушанда холи қолдиргани учун бир умр миннатдорман. Агар холи қўймаса эди, гўрни кўрсатиб, ана, Саидкул ака, мен айтган лақайнинг гўри шу, деб айтса эди, сўнг бошимда қаққайиб турса... худо кўрсатмасин, нималар бўлишини... балки мен умрбод етим бўлиб қолармидим?!

Уйлаб, юрагим ортага тортиб кетади!

Хайрият, укамиз шуни тушунди. Индамай нари кетди. Мен рўпарамдаги гўрга қўрқа-писа кўз ташладим, бир-икки қадам олға жилдим... Устига чим босилган экан, четлари бирлашиб кетибди. Хас-хашаги ҳам бўлиқ. Бунинг учун бировни айбситиб бўлмайди. Сабабки, дашт тарафларда қабристон гиёҳлари ўрилмайди, майли, ўсаверсин, сарғайсин, уларда марҳумларнинг недир армонлари бордирки, жўн жойлардагидан дуркунроқ ўсади...

Гўр устидаги тош ҳам жуда оддий эди. Наридея тарашланган мармар парчаси, суратсиз, марҳумнинг номи ўйилган: Пардабоев Холмўмин... Ўлган йили — олтмиш биринчи, туғилган йили... Ўйлаганимдай, у мендан кичик экан. Холмўмин мендан кичик, укам, укажоним!..

Гўр ёнида ўтириб йиғлавердим. Етимчалигимдан тортиб, то бугунгача кўзёшларим кўп йиғилиб қолган экан, бариси шу ерда — Холмўминнинг қабри устида тўкилиб бўлди!

Қанчалар қийналиб кетганимни, қанчалар қийналиб яшаганимни ўшанда билдим. Ўзингиз ўйланг, топиниб борадиган бирорта гўри бўлмаган одамни одам деб бўладими, ахир! Топиниб борадиган гўри бўлмаган бир ғариб, ўзига ўхшаган яна бир ғарибнинг қабрини қора тортиб келса ёмонми? Хеш-ақрабосиз яшаш қийин, хеш ахтариб келиб, унинг бир ҳовуч хок бўлиб ётганини кўрсанг — ундан ҳам қийинроқ!

Укаммисан, бегонамисан, ўлмай турсанг бўлмасмиди, Холмўмин, деб йиғладим, мен сендан қарздор эдим-ку, қарзимни узолмай қолдим-ку?!

Қабристонда қанча ўтирганимни билмайман. Сал-пал овунганимда кун оғиб қолган экан. Йиғлайвериб силлам қурибди, оёққа турганимда гандирак-лаб кетдим. Ёқубжонни дарвоза ёнидан топдим. Секин ёнимга келди. Юзимга қаради. Қарадию ғалати бўлиб қолди. Кўзларим шишиб кетганини ўшанда сездим.

— Узр, — деди, — ярангизни янгилаб қўйишимни билмовдим, Саидкул ака.

— Холмўмин қандай одам эди? — деб сўрадим.

— Яхши одам эди, — деди у. — Камтар, камсуқум... Жуда жўяли одам эди. Меҳнат қилиб чарчамасди. Мен унда ўсмир эдим, бир куни боғимизда ўнтача тўнкани кавлаб ташлаганмиз.

— Мардикорлик қилармиди?

— Ҳа. Отам кечқурун пул берганини эслайман. Лекин етим-есирларга

бепул ҳам ёллашиб юрарди. Отам раҳматли билан унинг тутинган отаси ўзаро маслаҳат қилиб, Холмўмин акани уйлаб қўймоқчи бўлишувди, лекин улар мўлжал қилган бева кўнмаган...

— Нега?

— Билмадим, — деди йигит сал хижолат чекиб. — Холмўмин акани сал қорароқ деб айбситган экан... Кейин, Саидқул ака, ундаям; темирчи отасидаям тузукроқ пул йўқ эди-да. Темирчи-ку, жўжабирдай жон...

— Сурат-пурати қолмаганми?

— Тутинган укалари бор, ўшалардан сўраш керак.

Холмўминнинг тутинган укаларини бориб кўрдик. Тўнғичи — мўйлов қўйган гирдиғум йигит, исми Абдужаббор экан, — аввалига менга шубҳа билан қаради, сурат-пурати йўқ, деб айтди, кейин, тавалло қилганимдан сўнг кичкина қутича келтириб, ичидаги бир тахлам суратни олдимизга қўйди. Афсуски, Холмўминнинг атиги иккитагина сурати бор экан. Иккисини ҳам ҳаваскор туширган бўлса керак, таниб бўлмайди. Гапим эришроқ чиқди, мабодо суратлар тиниқ бўлганида ҳам мен Холмўминни таниёлмаган бўлардим. Лекин Ёқубжон айтган нарса — кўзларимизнинг ўхшашлиги кўнглимдан ҳеч кетмасди. Суратлардаги одмироқ тўн ва эски дўппи кийган қирқ яшар кишининг кўзларини тузукроқ кўриб бўлмасди, қолаверса, у ёлғиз ўзи эмасди, атрофида бир гуруҳ болалар билан тушган эди.

Абдужабборга ўзимни танитдим. Меҳмонлигимни иззат қилиб, секин бош қимирлатиб ўтирди, кейин дабдурустан:

— Раҳматли сизга хеш эмас, уни отам Регар тарафлардан топиб олган, деб, суҳбатга чек қўймоқчи бўлди.

— Унақа қилма, Абдужаббор, — деб ялинди Ёқубжон. — Инсоф билан айт, Холмўмин ака бу кишига ўхшарди-ку?

— Ҳамма одам ҳам бир-бирига ўхшайди, — деди Абдужаббор. — Ҳаммасининг иккитадан оёғи, иккитадан қўли, қулоғи, кўзи бор.

— Кўзи ўхшарди, — деди Ёқубжон ўжарлик билан. — Эслаб кўр, Абдужаббор, кўзи ўхшарди-ку?

— Кўзи тупроққа тўлиб кетган, — деб баттар қўрслик қилди мезбон. — Тунов кунни Жиззаҳда ўзимга ўхшайдиган бир йигитни кўрдим, кўзлариям ўхшарди, лекин бориб, «укамсан» деб айтганим йўқ-ку? Бу киши бекор кепти, раҳматли бу кишининг укаси эмас, у лақайлардан эди.

— Лақай ҳам ўзбек, — деб эътироз билдирдим.

— Ўзбек бўлиши мумкин, лекин сизнинг укангиз эмас. Боринг энди, ака, бошимни қотирманг. Укангиз бор экан, ўлмасидан бурун келинг эди, бугун келиб тупроққа эгалик қилманг, қўйинг, бечора тинч ётсин!..

— Одаммас экансан! — деди Ёқубжон жаҳли чиқиб. — Садқаи меҳмон кет-э!..

— Мен меҳмон айтган эмасман, — деди Абдужаббор. — Ўзларинг келдиларинг, ана, эшик очиқ, кетаверинглар!..

Ноумид бўлиб чиқдик. Чиқиб, Ёқубжоннинг машинасига ўтирдик.

— Хафа бўлманг, Саидқул ака, — деди у. — Бу ўзи шунақа, сал жиннироқ. Холмўмин акани яхши кўрарди, сизга бергиси келмаяпти.

— Ёдини-я?! — дедим алам билан.

— Сиз хато қиялмасиз, Саидқул ака, — деди Ёқубжон. — Одамнинг ёди ўзидан ҳам азизроқ. Гуноҳга ўхшайди бу гаплар, лекин бўлгани шу ўзи. Баъзида бировни тириклигида иззат қилмай, кўнглини топмай, кейин афсус аралаш эҳтиром кўрғазамиз-ку, шу-да...

— Буям Холмўмин тириклигида иззат қилмасиди? — дедим алашимга малҳам истаб.

— Йўғ-э, иззат қиларди. Айтдим-ку, яхши кўрарди, деб... Сизни кўп овора қилдим, Саидқул ака, бизнинг уйга борайлик, сал-пал дам олинг, эртага яна келамиз.

— Келсак бир иш чиқармикан?

— Тўғриси айтимайми?

— Тўғрисини айтинг, ука.

— Тўғриси, у сизга марҳумнинг ёдини ҳам бермайди. Ўжар йигит, мактабда бирга ўқиганмиз, феълени биламан.

— Ахир, у билан нимани талашяпмиз ўзи? — дедим фиғоним чиқиб. — Ахир, энди Холмўмин йўқ-ку, ерда ётибди-ку? Мениям кўнглимни тушунса, раҳми келса, шу йигит сизнинг укангиз эди, деб айтса асакаси кетадими! Ахир, мен усиз ҳам, марҳум менинг укам эди, деб айтишим мумкин-ку?

— Айтолмайсиз, Саидкул ака, — деди Ёқубжон комил ишонч билан. — Айтолмайсиз — ҳамма бало шунда. Токи Абдужаббор тан олмас экан, сиз Холмўминга ака бўлмайсиз.

Гапи тўғри эди. Марҳумнинг ёнида юрган, кўзи кўзига тушган кишининг розилигисиз мен ўзимни ака деб тасаввур этмоғим қийин бўларди. Бу ғоят шартли чегара, кўзга чалинмайдиган чегара, лекин ундан ҳатлаб ўтмоқнинг душворлигини энди англадим. Ортга йўл йўқлигини, энди Холмўминнинг ёдсиз яшай олмаслигимни ҳам шу чоғда англаб етдим.

Эртаси куни яна Абдужабборнинг уйига бордик. Келишимизни билиб, дастурхон тузаб қўйган экан. Яхшигина меҳмон қилди. Бугун кечагидан очиқроқ туюлди. Лекин атай чет-чақадан гапириб ўтирди, гапни чалғитди, Тошкентдан сўради, обу ҳаводан, нарху наводан... Аввал Тошкентга футболга бориб турардик, деди, энди бормай қўйдик, энди «Пахтакор»ни тарқатиб юборса ҳам бўлаверади, пахта кўр қилгурлар номни жуда пастга уриб юборишди...

— Абдужаббор, — деди Ёқубжон, тоқати тугаб. — Футболингни қўй, жўнгина қилиб айт, Холмўмин аканинг ёноғида холи бормиди?

— Бориди чоғи, — деди Абдужаббор дудмал қилиб. — Эсимдан чиқай дебди, қазосигаям анча бўп қолди-да ўзи...

— Талмовсирама, Абдужаббор. Холмўмин аканинг холи бор эди. Бу кишининг ҳам холи бор.

Абдужаббор бирдан жиддий тортди.

— Кўрмаяпман, — деди юзимга синчиклаб қараб. — Акам раҳматлининг холи чап бетида эди.

— Бу кишининг ўнг елкасида холи бор. Кўрсатинг, Саидкул ака, буям бир кўрсин...

Кўйлагимни ечмоқчи ҳам эдимки, Абдужабборнинг юзида мазах ифодаси пайдо бўлди.

— Овора бўлманг, — деди у. — Сизники — нор, кейин ўнг елка билан чап бетнинг ўртасида, эҳ-ҳе, қанча жой бор!.. Чап елкада бўлсаям бир нави эди.

— Инсоф қил, Абдужаббор, — деб ялинди Ёқубжон. — Бу кишининг исми аслида Нормўмин бўлиши керак эди.

— Қўйсанг-чи! — деб жеркиди Абдужаббор. — Боридан гапир, насясини йиғиштир. Бу кишининг оти — Саидкул, икки кундан бери шуни такрорляяпсан. Нормўмин бўлса, ана, паспортини кўрсатсин!..

— Паспортида Саидкул ёзилган, — дедим. — Майли, ука, зоримиз бор-у, зўримиз йўқ. Майли, мен бугун кетаман, бу ерларга кейин бошқа қайтмасам керак, фақат битта саволим бор... Айтинг-чи, марҳум ростдан ҳам менга ўхшармиди?

— Йўқ, — деди Абдужаббор, сўнг кўзларини олиб қочди. Қийналиб «йўқ» деди, «ҳа» деб қўйса менинг яна қайтишимдан чўчиди. Кўнглидан ўтганини шундоққина сезиб турдим. — Сизга ўхшамасди, — деди сал туриб. — Холмўмин акам лақайлардан эди, отам раҳматли Регар тарафлардан топиб келган экан...

— У киши қишлоғида икки-учта теракми ё чинорми бўларини айтаркан, — дедим охирги илинжга ёпишиб. — Шу гапларни сизам эшитганмисиз?

— Чинормас, қайрағоч, — деди Абдужаббор, бепарво бўлишга уриниб. — Гужум-пужум бўлса керак-да... Чойдан ичинг, меҳмон... Ё бизнинг сувимиз ёқмадими? Тошкентнинг суви жуда майин сув, чойи зўр чиқади. Ёзда футболга борганларимизда ичиб кўрардик... Энди боролмай ҳам қолдик, одам уялади, бу ёғи устма-уст ютқизиб тургандан кейин...

Гапимиз шу билан тугаганини сезиб, Ёқубжонга қарадим. У ҳам аҳволимни тушуниб турарди.

— Менга қара, Абдужаббор, — деди синфдош ошнасига босиб тикилиб. — Мени энди кўраётганинг йўқ. Агар гумоним ростлигига ишонмасам, Саидкул акадай кишини бу ёқларга бошлаб келмасдим. Ёшлиқда шеър-пеър ёзиб юрардинг, биргалашиб китоб ўқирдик, эсингдами? Саидкул аканинг ҳам

китобини ўқиганмиз, ўша китобда сағирлигини ёзган, бир эслагин, худонинг бандаси!..

— Ҳқисак нима бўпти, — деди Абдужаббор, пинак бузмай. — Бу киши улў одамлигини биламиз, лекин илинган улў одамга акамизни бериб юбо-раверамизми? Шеър-пеър бўлса, энди ўзимиз ёзмасак ҳам бошқалар ёзганларини ўқиб турамиз. Қисса-писсаям ўқиймиз. Ҳо, Абдуғаффор!.. — у ўтирган жойидан даҳлизга қараб овоз берди. — Кеча кўрсатувдим, ўша китобни опке!..

Очиқ эшикдан ўттиз ёшлардаги жувон юзини рўмоли билан тўсиброқ кирди, эшитилар-эшитилмас салом берди, пойгақда ўтирган эрининг ёнига битта китобни секин қўйиб кетди. Китобни танидим: ўзимники, уч-тўрт йил олдин чиққани.

— Мана, — деди Абдужаббор. — Сизниям ўқиймиз, ака. Гапнинг рости, озгина ихлосимиз ҳам бор, лекин, ишонинг, жон ака, сизга Холмўмин акамни беролмайман.

— Ҳлик-ку у! — деб бақирди Ёқубжон. — Ҳлигиниям бермайсанми?

— Сенга Ҳлик бўлса, менга тирик, — деди Абдужаббор. — Айб сенда асли, бу кишини бекорга овора қилибсан.

Тагин ноумид бўлиб чиқдик. Аҳволим оғир эди. Абдужаббор ичкарида ҳаяллаб қолди. Ёқубжон иккимиз дарвозахонага етганимизда, ортимиздан югуриб етди.

— Мен сизни хафа қилдим, лекин сиз мени хафа қилманг, Саидқул ака, — деди. — Шу пичоқни опкетинг эсдаликка. Ҳзим ясаганман, касбим — темирчилик...

Шундай деб, пичоқни қинидан чиқарди. Дандон сопли ўткир тиф эди, сопига гуллар чекилган, ялтиллаган асл мол.

— Ололмайман, — дедим. — Яхши нарса экан, ўзингизга буюрсин.

— Энди буюрмайди, — деди Абдужаббор. — Ният қилдим, олмасангиз бўлмайди.

— Қўйинг, ука, қийнаманг...

— Холмўмин акам ясаган эди, деб айтсам оласизми?

Ичимда бир нарса узилиб кетгандай бўлди. Йигитга ялт этиб қарадим. Айтгани ростга ўхшарди — кўзларини олиб қочмади.


— Бераҳроқ экансиз, ука, — дедим.

— Нима қилай, — деди у. — Жўнгина олсангиз айтмас эдим. Олинг, Саидқул ака, раҳматлидан қолган ёдгорлик эди, майли, сизам қуруқ кетманг. Акам ўзи ясаган, мен дам босиб турганман. Мениям аҳволимни тушунинг, ака. Ҳрта-мизда йўқ нарса талаш бўляпти. Бир хил номард эшитса кулиши ҳам мумкин. Ҳзингиз ўйланг, Холмўмин акам мени кўтариб катта қилган, укаларимни кўтариб катта қилган, оби-ёвғонимиз ўртада эди, ҳай, умри қисқа экан, бизнинг тузукроқ улғайганимизни кўрмасдан ўлиб кетди, расм-русумини қилиб кўм-дик, қабриниям ташлаб қўйганимиз йўқ, қўлдан келганича қарашиб турибмиз... энди, шундай пайтда сиз келиб, биздан бу гапларни сўраб турсангиз... Ҳкан-гизми, йўқми, бунисини билмайман, лекин у бизни ука деганию биз уни ака деганимиз аниқ, бугун келиб унинг ёдини икки қўллаб сизга топширсам, унда мен нима деган одам бўламан?..

Абдужаббор дегани ғалати йигит экан. Биз бу ёқда, кўркаму кенг шаҳарларда юравериб, эл устида устивор турган кўпгина ақидаларни унутиб қўйган эканмиз. Ҳшанда мен ўзим ҳам, менга ҳамроҳ бўлиб борган Ёқубжон укамиз ҳам ўртага ғов бўлиб тушган туйғуга ном тополмай қийналган эди. Ёшлигида шеър-пеър ёзиб юриб, кейинчалик буткул ташлаб юборган темирчи йигит Абдужаббор ўша туйғуга ном топиб берди. Ё д р а ш к и экан унинг номи.

Аввалига Абдужаббор ўлғудай хурофотчи, ўлғудай кўнгли тор бўлиб кўринди. Лекин мен хато қилган эканман. Унинг кўнгли кенг экан, дунёни сиғ-дираркан...

Давоми келгуси сонда



Қутлибека Раҳимбоева

ҚИШНИНГ ОХИРЛАРИ

Достон¹

Тўртинчи хатим — Норгул
икковимизнинг муаллимимизга

Бизни алдадингиз, муаллим, нега?
Мана, биз улғайиб нега ярадик?
Қишга юпун кирган кимсадай кеча
Булут сал қатланса, чўчиб қарадик.

«Босмачилар ўтди, фашистлар ўтди,
Ёмонлар тугади — тамом!» — дедингиз.
«Неки қора бўлса кўмилди, йитди,
Бу ёғи тонг каби замон!» — дедингиз.

«Бошингиз айланса, асабдан эмас,
Бахтдан айланади — йўқ дўқ-зардалар.
Юрар йўлингизни деворлар кесмас,
Кесса фақат кесар шойи пардалар.

Чўпга қоқиласиз қоқилсангиз ҳам,
Ер — юмшоқ. Кўнглингиз тутаверинг тўқ.

Елкангизни қисмай ташлайсиз қадам...
Чунки пана жойдан мўлжал олмас ўқ.»

Бизни алдадингиз, муаллим, нега?
Балки, бу алдов — оқ тилакларингиз.
Мана, биз каттайдик бўйга ва энга
Лекин каттаймади юракларимиз.

Нега айтмадингиз: «Яшамок — қийин,
Ё қийиндан пусиб, қочиб юрасан.
Ёки курашасан, эгмайсан бўйин,
Юрагинг бўронга очиб юрасан!»

Бизни алдадингиз, муаллим, нечун?
Мана, биз улғайиб нега ярадик?
Майишдик, келганда тикка турар кун,
Гўё шу — энг сўнги танҳо чорадек.

— Нега ахир оролдаги ёлғиз одамдек
Оғирингни солавердинг яккаш ўзингга,
Ён-верингдан изламадинг бир таянч жонни?!
Ҳаммавақт ҳам бировларда имон қолмаган,
Бировларда инсоф, виждон, лекин барибир
Яхшилари қолган-ку бу Ўзбекистоннинг.

Ёлғиз дарахт қанча кучли бўлгани билан
Бир боғчалик дош беролмас шамол зарбига.
Курашмоқнинг оддий йўлин унутдинг, нечун?
— Уйга бориб гап очмоқчи эдим эримга,
Келсам холам бир аҳволда, болалар уйғоқ.
Ишга кетган оталари қайтмабди шу тун...

...Норгул чойни янгилади, сўнг ошхонада
Хола билан неларнидир қилди маслаҳат,
Назаримда, сал совутмоқ истарди ўзин.
Рўпарамга рўхсизгина келиб ўтирди,
Енгилгина титрар эди чой тутган қўли,
Ийғлаганми — намланиб ҳам қолибди кўзи.

— Ёниб-куйиб севмаганман тўйимдан олдин,
Холам менга она бўлар, мен унга қиз деб,

¹ Охири. Боши ўтган сонда.

Бу савдога бош силкитиб қўя қолгандим.
Ётираброқ юрардим, сўнг ўғил-қиз кўрдим.
Тўғри эди, бир озгина инжиқ бўлса ҳам,
Бора-бора меҳрим тушди, анча боғландим.

Нуқул менга: «Саккиз соат ишла-да, бас қил,
Сен ҳам уйда бўлгин, ахир, уйдалигимда
Йўқлигинда дарди дунём қораяр», — дерди.
Болалиги «Болаларнинг уйи»да ўтган,
Холам билан сўнг шаҳарда яшашган узок.
Шу сабабми, хуш кўрмасди колхозни, ерни.

Сал бурилсам: «Она меҳрин билмай ўтса ким,
Жуда-жуда муҳтож бўлар хотин кишига
Яхши гапинг аяма!» — деб койирди холам.
Оилавий саёҳатни истарди эрим:
«Болаларнинг таътилида кетайлик, — дерди —
Колхоз иши тугамайди, сен тугасанг ҳам».

Колхозчига қайда, ахир, ёзда отпусқа,
Болаларим билан ўзи кетди бир-икки.
Мен-чи қишда... айри-айри олиб юрдик дам.
Яхши-ёмон гап бўларди қайганимдан сўнг,
Узиб-узиб олар эди келганда ўрни,
Ҳадеб таъна қилмаса-да, гапирмаса-да.

«Кийимимга онам эмас, ўзинг қарагин,
Овқатимни сен пиширгин — шуни истайман,
Сенинг қўлинг керак», — дея этарди талаб.
Улгурганча қилар эдим, раис бўлган сўнг
Тун қайтаман, кун чиқмасдан кетаман чиқиб,
Мажлису иш — бари бирдан кетди болалаб.

Айниқса, шу райкомимиз қиса бошлагач,
Юрагимга қил сиғмасдан, эримга кўп бор
Ҳурматини қилмай тарс-турс гапирган эдим.
Шу ёз битта ўзи борди дам олишмага,
Инжиқлиги камайганди ўшандан буён,
«Ҳа-да, энди ҳаётимга кўникди», — дедим.

Кўнгилсизлик эгиз бўлар, деганларидай,
Райком мени чақирмасдан бир куни олдин
Айтишгандик аямасдан бир-биримизни.
...Ишга кетмай табрикларим қирқ ёши билан,
Совға-салом тутдим, яхши гапимни айтдим.
«Қувонч, — дедим, — тарк этмасин тақдиримизни».

Бир-иккита ёр-дўстлари ишхонасидан
Бола-чақа биргалашиб келмоқчи экан,
«Хотинсиздай ўтирмайин, тез қайт!» — деб қолди.
«Тунги ўнда ижрокўмда пахта разбори,
Қатнашиш шарт. Юқоридан вакиллар ҳам бор».
Кечга томон — шундай хабар. Аксига олди...

...Эндигина кетган экан келсам меҳмонлар,
У асабий — мулзам бўлган дўсти олдида:
Мен асабий — очқаганман, турибман ҳориб.
Бахтли кунлар бу кечани унутган эдим,
Мана, яна бошимга иш тушгандан кейин
Кўп эслайман — ҳар гал турар жонимда оғриқ...

— Дастурхонга югурияпсан, ярим тунгача
Кўйвормаган акаларинг тўйдирмабди-да.
Эрим хунук гап бошлади, мен ҳам тутадим.
— Чой-пой учун вақт қолмади, тонг отмасин деб
Шошиб қолдим, янаги гал тўйиб келарман,
— Билдим, сени раисликка нега кўтарди?!

Офайнилар айтган эди: «Хотин-қизларни
Йўлдан уриб, кейин амал беришади», — деб,
Хўп гўлман-а, тутибман-а ёқаларидан.
— Ҳа-ҳа, гўлсиз! Мен кийганим у ёқда қолиб,
Ўзингиз ҳам бугун қундуз телпак кийдингиз
«Ака»ларим бериб юрган «чақа»ларидан.

Сўнг бақирдим: «Ҳеч гўрдамас, мажлисда эдим,
Ана, сўранг! Жосус кўйинг, кўринг текшириб!»
Тингламади, бор кийимин чиқариб отди.
Холам кириб аралашди, тавалло қилди,
Йиғи-сиғи, бақир-чақир — бўлди ҳаммаси,
Тонг бўзармай, идорамга судралиб қайтдим.

...Норгул икки кафти билан чеккасин босиб,
Сукут қилди, узун-узун хўрсиниб олди:
— Яхшисини топган экан, бўлдик бегона.
«Бахтли кунлар...» — дединг, дўстим, сен ёлғон дединг,
Эри ташлаб кетган аёл бахтли бўлмайди,
Эри ташлаб кетган аёл. — ярим девона.

Ипак сочинг, чўғли кўзинг, ўтли танангни
Ҳар тун бўм-бўш совуқ хонанг қучган безрайиб,
Ҳар тун кундуз тиккан бахтинг сўкилган шундай.
Ўша кечлар эрингнинг ҳам бахти йўқ эди:
Тушларида чақирарди бир ўғил, бир қиз,
Қош-кўзлари сеникидай, қош-кўзи тундай.

У аёл-чи — сендан суюк, сендан ёш аёл,
Қароғига гоҳ нур кўниб, гоҳида хаёл
Бахтли эмас эди у-да ўша тунлари.
Унинг бахтин синдирарди туши чўчитиб,
Ёстиғидан ногоҳ сапчиб турган эрининг
Лабидаги жилмайиши, кўзин мунглари.

Унуттириш — ёмон таҳқир, ёмон ҳақорат,
Унуттиш ҳам — ёмон оғир, ёмон оғриқли,
Унуттириш — шу икковин бирдай босгани.
Тил учингга новот кўйгин, бол кўйгин, аёл!
Бутун турган иқболингни парчалаб, сочма,
Кўзёш билан тугамасин севги достонинг!

Бешинчи хатим — Тошкентга — Сизга

Ўт эдим, лаҳзада муз бўлдим тамом,
Юракка хавотир ёпишди. Қайдан?!
Сас беринг: ҳозироқ қудратли осмон
Олиб кетсин мени Сизга бу жойдан.

Билиб турибман-ку: ётибсиз чекиб,
Булутлар ўраган кун каби ёлғиз.
Бирор дўст қайғусин қаноти тегиб,
Синиб кетдимикин кўнгил ойнангиз?

Кўзингиз ўнгида ё бирор номард
Бобосин қабрига отдими тошлар?
Ахир, урчиб кетса — бу ҳам ёмон дард,
Танасин рад этган юмалоқ бошлар.

Ё бари хаёлми... Сиз бўлса шундай
Шеър бошлаб кўйгансиз бутун Бахт ҳақда.
Бахт эса келолмас — у озғин жуда,
Кутяпсиз... ўтяпти соат, кун, ҳафта...

...Норгул узун ўйларининг ичига тушиб,
Жуда оли-олисларни айланиб келди.
Кўриб келди лойқаланган жойин умрининг...

Ўт эдим, лаҳзада муз бўлдим тамом,
Юракка хавотир ёпишди. Қайдан?!
Сас беринг: ҳозироқ қудратли осмон
Олиб кетсин мени Сизга бу жойдан.

Бораман: жон-жисмим нурга айланиб,
Тарқалиб кетади уйда туманлар,
Яшайман шеър эмас, Сизга бойланиб,
Бугундан буёғи, қилманг гумонлар.

Хоҳланг: жонимдан жон бераман узиб,
Хоҳланг: бошингизда ҳилол бўламан.
Сўйлаган сўзингиз этаман тузук,
Мен сизга тобе бир аёл бўламан.

Сизим бор, онам бор — сочлари қув оқ,
Бошқа не суянчим ёруғ дунёда.
Сас беринг: учмаса тезучар учоқ,
Мен йўлга тушаман пою-пиёда...

— Аччиқ билан ёшуллига «хўп» деб юбордим.
Шу-шу бўлди: колхозчидан қанча кўп қирқсак,
Қоғоздаги хирмонимиз шунча семирди.

— Тарозига чиқди ёлғон, омборга кирди,
Фабрикалар, дўконларда юрди гердайиб,
Ким эгилмас бўлса, бўғиб бўғизларидан.
Сўнг, қарасанг юзинг аниқ кўринадиган
Кўзгу каби ялтираган оқ қоғозлардан
Урмалади катталарнинг оғизларига.

Эртақдаги кунботарда ётган дев мисол
Соат сайин кенгаярди ёлғоннинг нафси,
Деҳқон тўйдиролмас эди тўрт фасл ишлаб.
Жиловини шамолларга берган елкандай,
Сузавердинг, ўйланмоққа топмадинг фурсат,
Шу зайилда кечаверди неча ёз, қишлар...

— Сен колхозга подшо эмас, раис эдинг-ку,
Атрофингда иссиқ-совуқ кечган одамлар...
Кексалар бор, кўрмадингми сира кенгашиб?
— Сизда шундай расм бўлса бўлгандир, бизда
Тепа фақат буйруқ берган, рози-ризалик
Сўрамоқни эп кўрмаган пастга энгашиб.

— Шунда нега ҳалигина оғзинг тўлдириб,
«Фикри сўқир» деб камситдинг элингни, ахир.
Ишламаса занглайди-ку кескир темир ҳам.
«Биз шундай иш бошляпмиз, сиз нима дейсиз?»
Дея фикрин сўрамасанг, тингламасанг ҳеч,
Шамолларга сўйламоққа ўйларми одам?

Ўйламайди, сўйламайди, фақат бош силкиб,
Буйруқларга этаверар сўзсиз итоат,
Мана, қандай яралади «фикри сўқир»лар...
Сендайлар-чи, ўзи шунга катта йўл очиб,
Яна ўзи, «Халқимизнинг онги кўп паст», деб
Минбарларга чиқиб олиб баён ўқирлар.

— Йиқилганман, сен ҳам энди тепкиламагин,
Ҳаммасини эшитдинг-ку: одил туриб айт,
Бошқа менинг юрадиган йўлим бормиди?!
— Нимага йўқ? Сўз эркинни қачон йўқотдинг?!
Тўғри сўз бу — ҳақиқатга элтар танҳо йўл,
Шу йўл етар, бошқа бирор йўлга зормидинг?!

Индамадинг, кутдинг жарга борар кунингни,
Нега бир кун бор овозинг бўғзингга тўплаб,
«Элим, сени еб ётибмиз!» — деб бақирмадинг?!
Ё шунчалар ширинмиди мансабинг нони,
Элинг азиз эканини билиб турсанг ҳам,
Ўтирғичинг элингдан ҳам кўп ёқармиди?!

Беш соатмас, беш кун эмас, ахир, беш йил-ку,
Беш йил алдов ва жавобан беш йиллаб жимлик...
Наҳот бирдан ғафлат босиб қолди ҳаммани?!
...Гапдан-гапга пасаярди Норгулнинг саси:
— Амалдорга осон тутма, буйруқчиси кўп,
Аҳволингни кўрар эдим, бўлса амалинг.

Сенга осон: «Қишлоғимга газ келтирилса,
Кўчалари асфальт бўлса», деб ёзасан-у,
Газетанга югурасан — босиб беради.
Райкомларнинг олдига мен: «Элга у керак,
Бу керак», деб изин узмай кираверай-чи,
Бир йилдаёқ тепа сочи тикка туради...

— Минбарларда бошқа либос кийиб ёшуллинг:
«Бизда ҳамма нарса инсон бахти учун» деб,
Энг чиройли шиорларга сачратгандир доғ?!
Сен кўрибсан, индамаслик йўлин танлабсан,
Аммо ўзинг шу гапларни этганда такрор,
Бир бор, «Ёлғон!» демадимми минг уйли қишлоқ?!

Шуни сендан қайта-қайта сўраётирман,
Билмоқчиман: ноҳақликка жимми ўзи эл,
Ёки уни зўрлик билан қиларларми жим?!
...Кўз ўнгимда чўкиб-чўкиб борарди Норгул,
Кичраярди салобатли жуссаси секин:
— Наҳот, очик камситишга индамас ҳеч ким?!

— Аввалига сезишмади, фақат бу яра,
Газак олиб кўринарли бўлгандан кейин
Эл ичидан чиқиб қолди уч-тўрт ботири.
Ип чувалса, битта учи менга тегарди,
Ҳеч йўриққа кўнишмади, айтдим райкомга
Изларини супуришди бир кун охири...

Олтинчи хатим — ўша элдан чиққан уч-тўрт ботирга

Балки, инимдирсиз, тенгимсиз, балким,
Лекин оға дейин, оғалар дейин.
Кўлмакни қўзғатган шиддаткор тўлқин,
Сувнинг бошланиши — соғалар дейин.

Кимда қасди бўлса, ясаб уртўқмоқ
Уриб ўтирмайди азалдан тақдир.
Фақат ўғилларин яратар қўрқоқ,
Пушти камаридан туғилмас ботир.

Гарчи ўн жойидан кўрғошин еган —
Байроқдай титилиб, қулаб кетдингиз,
Барибир манглайи шўр эмас экан,
Элим толеига Сизлар битдингиз.

Эҳ, мен-ей ўтириб иссиқ хонамда,
Қарсақлар ураман шарафингизга.
Лекин Сиз мададга муҳтож бир дамда,
Ким кўрқмасдан ўтди тарафингизга?!

Кимдир «гуноҳ» ясаб Сизга ўша кун,
Исмингиз ёнига елимлаб берди.
Кимлардир куйди-ю, чиқар деб тутун
Тишлари, лабларин зич ёпиб юрди.

...Кенг уй бирдан қисиб қўйди, ўтиролмадим,
Тўғри сўзинг йиқилганин эшитсам қачон—
Кўринади тўрт тарафим дарров доғланиб.
— Пахта — қушдай, пахта — юмшоқ дейсизлар, мана
Пахта — оғир, пахта дарддир, гулдай умримни
Куйдирдим-ку, кул этдим-ку унга боғланиб.

Ўзим тугул болаларим боласига ҳам
Пахта билан эш тақдирни раво кўрмасдим.
Эҳ, уларнинг ёзуғида энди нелар бор?
Анҳордаги кўзёшчалик сув ҳам намакоб,
Тупроқ — хаста, унаётган ҳосил заҳали,
Шаҳар тугул, қишлоқлар-да соф ҳавога зор...

— Норгул, сенга: «Дори сеп!» деб ялиндими Ер,
Ё хирмонлар: «Кўшиб ёз!» деб бердимми фармон?!

Кимдир ичкаридан қулфлаб уйини,
Ҳаққингизга дуо айтди шивирлаб.
Яна ким пастлатиб баланд бўйини,
Кўзингиздан йироқ кетди фивирлаб.

Ёлғон қадри баланд-осмон бўлган пайт,
Совуқ озорлар еб Сиз чин кетдингиз.
Бир одам суямас бўлса одамдай
Уларнинг касрига нечун кетдингиз?!

Ўйласам, ўйларим этади зада,
Кўнглингиз не ўзи-денгизми, дарё?
Ҳақ деб жон-жаҳондан кечолмаса-да,
«Шу эл ўзимники», дедингизми ё?!

Ҳақиқат кучаниб чиқди тугундан,
«Мана у! Тани!» деб турибди замон.
Кўзларимиз юмук ўтсак бугун ҳам,
Эртага куя¹нгиз тутар бегумон.

Балки, инимдирсиз, тенгимсиз, балким,
Лекин оға дейин, оғалар дейин.
Сиз қорни қирқ ёриб отилган ёлқин,
Юртим бошидаги жиғалар дейин.

¹ Куя тутмоқ — уволига қолмоқ.

Болаларни чақирдим пахтазор ёки!
Тупрок, ҳаво, сув сифати бузилди — майли,
Бузилди-ку инсоннинг ҳам сифати, ахир,
Неча жойдан сўкилди-ку эътиқод чоки!...

— Нимага ҳеч тушунмайсан, тушунсанг-чи бир,
Бизни мажбур қилишди-ку! Зўрлик бўлди-ку!
Қай йўлларда изиллатмас одамни зўрлик...
— Қўрққансан-да! Қўрққансиз-да! Қўрқув бор жойда
Ҳокимлик ҳам, қарамлик ҳам томир ёяр тез.
Фақат қўрқув келтиради жонингга хўрлик.

Қўрқиб юрдинг ёлғоннинг лой сўқмоқларидан.
Лой сачради — доғли бўлди, ботқоққа ботди
Қора тортиб эргашган бор отлиқ-пиёда.
Кўзёшларга, кулгуларга қўшилди ёлғон,
Дастурхонга, либосларга ёлғон қўшилди.
Кемтилди-ку ростлик, ишонч, умид, ирода.

Норгул, асли ҳаммамизнинг суягимизда
Ўлсак бирга кетадиган гуноҳимиз шу!
Бу гуноҳни оқлолмайди бирор баҳона!
Кечагина қора заҳмат, эмгак фарзанди...
Бугун эса тузлуғига туфурган кимса...
Сенинг учун етмиш икки томирим ёнар!

— Гуноҳқорман, гуноҳимнинг гуноҳқори кўп...
Норгул куйиб шивирлади, отилиб чиқдим.
Сўзларини такрорлади қоронғи йўлак.
Ташқарида шовулларди бир осмон ёмғир...
Симёғочда лампочкалар жилмаяр қатор.
Сийрак-сийрак оғочларда сувпари кўйлак...

...Муюлишга етганимда ортга қарайман:
Нур аралаш шода-шода ёмғир кўринар,
Кўринмайди Норгул қолган чироқсиз кўрғон.
Аллақайдан кўкат иси келаётгандай,
Шунча яқин қолдимикин қишлоққа баҳор,
Қишнинг сўнгги ёмғирими шу ёғиб турган?!

Еттинчи — сўнгги хатим — элдошларимга

Тайёрам учади «уф»лаб бетиним,
Йўлида булутлар ётибди тўзиб.
Кетяпман дейману кетаётган ким,
Сизнинг орангизда юрибман ўзим.

Қалқади, чўқади қароқларимда
Фасллар чизиқлаб кетган юзингиз.
Сасланар ёдимнинг варақларида
Кулиб-йиғлаб айтган ҳар бир сўзингиз:

«Пешонага асли битмаган тоғлар,
Дарё тўлкинга зор, боғлар қушларга.
Эшигингни қоқса олис кўноқлар,
Бир тузук гўша йўқ, кўнглин хушларга».

«Олдинлар орзулаб олинган атлас,
Келинчак умрига етиб, ортарди.
Ҳозир тоғорага кириб чиқса, бас,
Доқадай сузилиб, юпқа тортади».

«Сувни келтирганнинг қондирмай чўлин,
Кўза синдирганга тутишгандай сув:
Биров қаймоқ ейди, биз тортиб елин,
Тенглик, тенглик дейсиз. Тенгликми ё шу?!»

«Ҳали ҳам йўлимиз чангдан пўрсийди,
Ҳали қора ўчоқ ва қора қумғон.
Катталарнинг ўзи келиб кўрсайди,
Ишлаймиз, роҳатин кўрамиз қачон?»

«Ўғлим ўн саккизга кириб ўтган кун,
Бугун кийиб кетди аскар либосин.
Бутун олиб кетиб, бермаса бутун,
Қолмас ҳеч нарсага ишонч, ихлосим...»

Тайёрам учади «уф»лаб бетиним,
Йўлида булутлар ётибди тўзиб.
Кетяпман дейману кетаётган ким,
Ахир, орангизда юрибман ўзим.

Сизга бутун қувонч, бут кўнгили истаб,
Ҳозир мен чиндан ҳам қайтмоқчи эдим.
Ҳочининг, йўқ... олдин туздай шўр қисмат —
Норгулни яна бир айтмоқчи эдим.

Ана у... турибди... сочлари бўйра,
Энгига кийгани алвонрангли чит.
Ана у... Сизни деб юрибди куйраб,
Пардозлари унут, ёшлиги унут.

Ана у... айрилиб бош паноҳидан
Қолди шамолларнинг чорраҳасида.
Ана, пана топиб ёлғон чоҳидан
Гул деб тикан босар жароҳатига.


Ана у... нонингиз бировга бериб,
Юзингизга қараб юрибди тикка.
Ана у... ҳақиқат чакмоғи уриб,
Майдон аро қолди ғариба, якка.

Кўзингиз яширманг! Қаранг, бу суврат
Ҳаёл кўзгунгиздан кетмасин ўчиб.
Сизга бахш айласин буюк бир журъат
Шу йиллар сабоғи, шу йиллар ўчи!

Тайёрам учади «уф»лаб бетиним,
Йўлида булутлар ётибди тўзиб.
Кетяпман дейману кетаётган ким,
Ахир, орангизда юрибман ўзим.

Йиғиб-терганларим бўлгандай тамом,
Тўкиб солгандайман гўё бор-йўқни.
Нечун икки кўзим орқамда ҳамон,
Менга айтар бошқа гапингиз йўқми?

Менга айтар бошқа гапингиз йўқми?



Зоҳиджон Обидов

Сенсиз ўтган кун

Ғарибу паришон сенсиз ўтган кун,
Япроғин дув тўккан кузга ўхшайман.
Файзи йўқ, шип-шийдон сенсиз ўтган кун,
Қақраган, ташна ер — бўзга ўхшайман.

Булутли тунд осмон сенсиз ўтган кун,
Қуёшин йўқотган ёзга ўхшайман.
Ожизу ногирон сенсиз ўтган кун,
Торлари узилган созга ўхшайман.

Кел, қутқар, сафоли сен-ла ўтган кун,
Сен билан дунёда борга ўхшайман.
Кел, яйрат, наволи сен-ла ўтган кун,
Сен билан жарангдор торга ўхшайман.

Ёр кўчасида

Ҳушим оғиб боз кезаман ёр кўчасида,
Айб айламанг, кўрсангиз минг бор кўчасида,
Дарду дилим тунлари бедор кўчасида,
Мен ҳар дарахт, тошига хуштор кўчасида.

Кенг жаҳон кўркамлиги гўё шу томонда,
Мунису ўктамлиги гўё шу томонда.
Шавқининг там-тамлиги гўё шу томонда,
Шу сабаб мен кезмишам дилдор кўчасида.

Шу кўчага беркинади кўнглим қуёши,
Чиққунича минг бор тугар тоқатим доши,
Шайдолигим авж олади, йўқдир одоши,
Шу сабаб мен сарсари такрор кўчасида.

Чиққанида тўлиб кетар олам сафога,
Муаттарлик ато бўлиб сархуш сабога,
Қаршилайман жонни тикиб меҳру вафога,
Шул сабаб зор-зор Зоҳиджон ёр кўчасида.

Кўнглим осмон

Кўнглим осмон менга майлинг бор учун,
Шафқатинг давлат менингдек зор учун.

Сен билан бу дилбар олам дилнавоз,
Борлигим бахшида сен дилдор учун.

Яшнагай дил, ўзгаларга нораво,
Менга инъом бунча хуш дийдор учун.

Гоҳ кўриб кўрмасга олсанг майлига,
Минг тасанно мунча номус-ор учун.

Четда қолсам, даврада этдинг имо,
Жон тасаддуқ сен каби хушёр учун.

Зоҳиджоннинг оҳи топди эътибор,
Қалбини тутмиш тугал сен ёр учун.

Қиё боқсанг

Исминг эшитмоқ, жоно,
Энг аъло садо менга,
Васлинг умиди дилда
тенгсиз бир сафо менга.

Келмоғинг муждасидан
кенгайиб кетди олам,
Уфургандай туюлур
соф боди сабо менга.

Лутф айлаб қиё боқсанг,
етгай фалакка бошим,
Бормикин шафқатингдек
бир лутфи аъло менга.

Ҳажрингни раво кўрма,
қайдин тополгум бардош,
Бу жаҳонда ҳижрондек
борми зил жафо менга.

Ошиқлигим таъналаб,
кулсанг менга олам тор,
Бўлғайму бу таҳқирдан
ортиқ бир сазо менга.

Зоҳиджон ишқ дардиға
даво излаб топмади,
Еру кўкда йўқ экан
васлингдек шифо менга.

Кечолмайман

Кўнглиннга йўл очай дерман, очолмайман,
Меҳрингдан сув ичай дерман, ичолмайман.

Минг ўргулсам бир бора ҳам лутф этмадинг,
Бу савдодан кечай дерман, кечолмайман.

Бир аросат йўлда қолдим, ҳушим забун,
Бу жумбоқни ечай дерман, ечолмайман.

Кўкда қушлар учиб борар бўлиб инок,
Сенсиз танҳо учай дерман, учолмайман.

Қанотим ҳам, ҳаётим ҳам сенла мумтоз,
Йўқ десанг ҳам, бор бўл дерман, ўч олмайман.

Зоҳиджоннинг кўнгил қуши сени қўмсар,
Бу қисматдан кечай дерман, кечолмайман.

Раҳим Бекниёз

* * *

Ҳақиқатни сўзлайсанми —
Кўзларимга қараб гапир.
Яхшилиқни кўзлайсанми —
Кўзларимга қараб гапир.

Мақтайсанми, янасанми,
Айтасанми нуқсонимни,
Юрагимни тузлайсанми —
Кўзларимга қараб гапир.

Кўтар бошинг,
Асабларим титкилайсан,
Тинтийсанми,
Қалтис жойим излайсанми,
Сенлайсанми, сизлайсанми —
Кўзларингни кўзларимга қадаб гапир.

Кимсан ўзинг — билайин мен.
Не дер кўзинг — билайин мен.

Тириклар ва ўликлар

1987 йил 11 июлда Ер шарида яшовчи
аҳоли сони 5 миллиардга етди.

БМТ ахбороти.

Биламиз тириклар сонин дунёда,
Ўликлар сонини ким билади, ким?
Ўликларми, тирикларми зиёда —
Замин чурқ этмайди, БМТ ҳам жим.

Тобора тўлишар замин сийнаси,
БМТ жар солар тириклар учун.
Айнир ўликлардан замин меъдаси,
Ким олар бемаврид ўлганлар ўчин?

Гужум

Кўча эшикда бир туп гужум
Дийдоримга термилади жим.

Кеч кузмиди, илк баҳормиди,
Келтирганди қишлоқлик ошнам.

— Ўзим экиб бераман,— деди,—
Файз тарасин кўчангга шинам.
— Тўхтанг, кўзижонларим, бирпас,—
Тортиб олди кўчатни онам,—
Мен экайин, қарашсанглар бас,
Қарашворинг менга, вассалом.

Кўйинг, дедик, қарисиз, дедик,
Ўз сўзидан қайтмади онам.
Сиз уринманг, ҳорийсиз, дедик,
Қайтмади,
Сир айтмади онам.
Дуо қилиб қўлини чайди,
Уч мартаба ўпди кўчатни.
Илдизларин силади, ёйди,
Ўз қўли-ла экди кўчатни.
Тупроқ сепди, ҳовучлаб ҳалим —

Йўргаклади гўё гўдакни.
Ўйлар эдик: бермоқда таълим,
Ўргатмакда бизга экмакни...

Йўқ, онамнинг қайғуси бошқа,
Э вох, ирим қўрқитар зотан:
Гужум, эккан кимса бошига
Бўлмас эмиш, дерлар, соябон...
Деҳқон онам, пахтакор онам,
Олтин қўлли теримчи онам.
Соддагинам, муштипаргинам,
Қариганда иримчи онам.
Мушфиқ қўллар қалтираб ночор,
Гужум экиб кетган меҳрибон.
Хатарга мен бўлай деб дучор,
Боласини аяган посбон.

Кўча эшикда бир туп гужум —
Гужум сийрат қаҳрамонгинам.
Дийдоримга термилади жим
Қалқонгинам,
Соябонгинам...

Ўқ

Илондек чинқириб ҳуштак чалди ўқ,
Ёнимдаги сафдошимни қулатди.
Галдаги ўқ сасин эшитганим йўқ —
У билдирмай келиб сийнамга ботди.

Ўзингни йиққувчи ўқни билмассан,
Сақланолмассан ундан,
Сақланолмассан.

Сурувлар ва гуруҳлар

Жайронлар сурув-сурув,
Туёғидан сув ичар.
Излаб паноҳ, излаб сув,
Саҳро кечар, чўл кечар.

Бўрилар гуруҳ-гуруҳ,
Сув ўрнига қон ичар.

Қонсираб, сурув-сурув
Жайрон изидан кўчар.

Увлашар гуруҳ-гуруҳ,
Бири очроқ биридан.
Жайронлар сурув-сурув,
Безорижон бўридан.

Тўймас қон ича-ича,
Манзилдан манзил кўчар.
Жайронлар қоча-қоча,
Кўзёшидан сув ичар.

Жайронлар сурув-сурув.
Бўрилар гуруҳ-гуруҳ.

Шарофжон Орифий

Олтмиш ёш билан учрашув

(Достондан парчалар)

ИККИНЧИ ЛАВҲА

...Қирқ метр юқори ростлаган қаддин,
Осмонни ўпгудай гўзал Оқсарой.
Шаҳрим аҳли унинг билади қадрин,
Тарих саҳифаси қисматларга бой.
Зумрад кошинларда ўйнаган жило,
Минг йиллик мозийга бўлади гувоҳ.
Ялтироқ куббалар бамисли тилло,
Бирок, сийнасида мавжуд зулм, оҳ...
Порлоқ нақшларда баҳор тасвири,
Ўзига тортади бу санъат сеҳри.
Бўёқда товланар қуёшнинг нури,
Юракларда ортар ифтихор, меҳри.
Баҳор фасли эди, тўпланиб дўстлар
Оқсарой сайрига боргандик масрур.
Дилда жўш урарди ажойиб ҳислар,
Обида ҳам кўкдан боқарди мағрур.
Узоқ-узоқларга кўз солсам такрор:
Атроф чайқалади, ажиб манзара.
Минг хил бўёқларда товланар баҳор,
Гўё оқар бунда нурли шаршара...
Оқсарой томидан ҳар ён боқаман,
Ранг-баранг жимирлар бу кўҳна шаҳар.
Келажак уйига чироқ ёқаман,
Оппоқ шуълаларга фарқ бўлар наҳор...
Йиллар ўтиб борар шамолдай учқур,
Ақлимизни пешлаб, ҳаётга мослаб.
Компартия сочди бошимиздан нур,
Улуғ истиқболга халқимни бошлаб...

УЧИНЧИ ЛАВҲА

Бирок фашистлар, ҳей, қилдилар ҳамла,
Бомбалар ташлади юртга дафъатан.
Фидокор, ҳур халқим кучини жамлаб
Ёвга қарши қалқди: тинч бўлсин Ватан!
Кишан сололмайди душман Ватанга! —
Ота-бола бирга отландик жангга.
Ҳарбий билим юрти тоблаб иродам.
Улуғ ҳарбу-зарбга қўшилдим мен ҳам...
Жанглар билан ўтдик биз
Неча қишлоқ-шаҳарлар.
Душман чўкар эди тиз

Қишу куз, ёз-баҳорлар...
Великие Луки бўйлаб қилдик жанг,
Малъун фашистларни қириб ташладик.
Ёв чекинар эди қилиб оҳ-аттанг,
Шиддатли ҳужумни яна бошладик!
Невель шахрин олдик қаттиқ жанг билан,
Душман истеҳкоми парчаланди хўп.
Атакага ўтдик бизлар тонг билан,
Итлар қочди ташлаб қанча қурол-тўп.
Қонли жангдан чиқиб, ногаҳон кўрдик:
Яп-яланғоч бир қиз осилган дорга.
Шунда биз яна ҳам ғазабга тўлдик,
Фашистларни янчиб, интилдик олға.
Қанча жасур дўстлар бўлдилар абгор,
Қанчаси яроқсиз, қанчаси мажруҳ.
Мен ҳам уч бор бўлдим қаттиқ ярадор,
Она юрт мадади дилга берди руҳ...
Баъзан дам-олишда, ертўлаларда,
Сухбат қураб эдик жангчи ботирлар.
Гильзачироқнинг паст шуълаларида
Битиларди ўтли, қонли сатрлар...
Жангларда кўрсатдик мардлик-матонат,
Ғарб сари қочарди йиртқич немислар.
Тугаб борар, мана, уруш — жаҳолат,
Зафар муждалари кўзғар пок ҳислар...


Уруш тамом бўлди, ёноқлар гулгун —
Гўзаллик бахш этди замин сийнаси.
Турфаранг чечакка тўлди юрт, очун,
Қутлуғ бир оҳангнинг таралиб саси...


Уртоқлар, ҳар қандай революция каби қайта қуриш ҳам онгни, тафаккур тарзини қатъий, революцион ўзгартиришни талаб қилишини тушуниб етишларингизни истар эдим. Бусиз на базисда, на сиёсий уст-қурмада туб ўзгартишларни амалга ошириб бўлмайди.

Биз турмушнинг ўзи ўртага қўйган масалаларга жавоб излаяпмиз ҳамда бу жавобни ижтимоий ва сиёсий тузумимиз ташқарисидан эмас, балки социализм имкониятларини рўйбга чиқариш йўлларида топмоқдамиз.


М. С. ГОРБАЧЕВ,

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республика раҳбар ходимлари ҳузурида сўзланган нутқдан





Омон Мухторов



Роман¹

ТҮРТИНЧИ ДАФТАР

9

Воқеа

Телефон жиринглаб, трубкани кўтарган Аброр шанғиллаган овозни эшитди:

— Қобуловнинг кабинети жавоб бермаяпти... Қобулов қаерда? Сизларнинг ёнларингда эмасми?

Аброр товуш эгасини шу ондаёқ таниди: Насим. Бугун кундузи эгини алмаштиргани уйга кетаётганида, бекатда йўлиққан Насимнинг ўзгинаси! У Қобуловни нега сўраётган экан?!

Аброр бир кўнглида ўзини танитгиси, баҳонада орада кечган нохушликни тарқатиб юборишга урингиси келди. Аммо бу шанғи одамга нима учун мулозамат кўрсатишим керак экан, деган хаёлга бориб, тез фикридан қайтди.

— Йўқ, — қисқа жавоб қилди Насимга Аброр.

— Қаёқларда юради иш пайти? Ёки иш тугадими сенларда?!

— Қобулов ўзи йўқ бугун.

Насим сукутга чўмди. Аброр трубкани ўрнига қўявериши мумкин эди, бироқ шу палла нимадир бунга монелик кўрсатаётгандек бўлди. Бугун Насимнинг шикоятини эшитмагани учун айбдорлик ҳисси, унинг ўз устидан бировга гапириши, ёзиши аниқ эканлигидан қўрқувми — Аброр билмасди. Афтидан, Насим ҳам энди уни овозидан таниган-у, лекин унинг ҳам паст тушгиси йўқ эди.

— Раиснинг телефони қанақа? — сўради ниҳоят Насим.

— Мен ҳозир... — ғудранди Аброр. Сўнг итоаткорлик билан Насимга тортмасида ётган дафтарчадан раиснинг телефонини топиб айтди.

Насим раҳмат ҳам демади. Трубкани тарақлатиб ўрнига қўйди.

Насимнинг Қобулов тўғрисида ҳеч нарса эшитмаганига ишониш қийин. Ташкилотдаги ўзгаришларни биринчи бўлиб у билиб боради. Демак, миш-мишларнинг тасдиғи учунгина директорни сўраган! Хўш, унда раисни нега сўради? Нима иши бор?! Абрордан шахсан раисга шикоят қилмоқчимикан?!

Аброр борада пайт раҳмат демагани устига, трубкани зарда билан қўйган кишидан қаттиқ ўпқаланарди. Лекин айти сонияда буни у ўйламади ҳам. Юрагига ғулғула тушди, баданини совуқ тер босди.

Дунёда кимдир раисга, Қобуловнинг энг яқин кишиси Аброр эди, директорнинг айбига шерик шу, инсофга тўғри келадигани иккисини қўшиб ҳайдаш,

¹ Охири. Боши ўтган сонда.

деб айтиши керак бўлса — Насим айтади. Насимнинг қўлидаги қоғозларда идорада ишлаганларнинг ҳаммаси қатори Аброрнинг ҳам номаи аъмоли бор, сен аллақачон унутган гаплар «оқсоқол»нинг папкаси ичидан чиқиб қолиши ажаб эмас... Аброр Ғозиддин билан дўст, унинг соясида юрган одам. Ундан оз-моз манфаат ҳам кўрган. Масалан, бир кун-ярим кун аллақачонларда сандирақлаб қолиб кетган, баъзи-баъзида Қобуловга қўшилиб областларга сафар қилган, бирга зиёфатлар ейишган... Қидирса, айб топилаверади. Насим улар билан институтда изма-из ўқиган экан, ўша пайтдаги гуноҳларини ҳам дафтарга туширмаган деб ким кафолат беради?..

У қоғозга кўмилиб ўтирган Қодиржонга кўзи остидан эзилиб қаради. Қодиржон билан бундан жиннала бурун Қобулов борасида кескин баҳслашмаганида эди, Насимнинг қилмиши ҳарҳолда ифлосликдан иборат эканини таъкидлаб, ҳамхонаси олдида шикоятчининг пўстагини қоқиб, ўзича сал оқланиб, бир оз ғашлиги тарқар, енгил тортган бўлармиди? Умуман, боя у Қодиржон билан нега баҳслашди? Қобуловдан хабар олмоқчи экан, ишдан кейин ўзи секин бора-вермайдимми? Бир дилсиёҳлик устига иккинчиси, яъни, дард устига чипқон! Бу аҳволда Ғозиддинга кўнгил сўрашга бориб, ўзинг дабдурустдан йиғлаб юборишинг мумкин!..

Аброр пёшонасидаги терни артгани рўмолчани ахтариб чўнтакларини пайпаслади. Қўли қўйин чўнтагидаги қаттиқ бир қоғозга теккандек бўлди: сурат...

У ўз ташвишлари билан ўралашиб, арзимаган фурсат ичида ёнига келган қарияни ҳам, қария ташлаб кетган суратни ҳам эсидан чиқараёзган эди. Шошиб, энтикканича, эскириб-сарғайган қоғозни стол юзига қўйгани ҳолда, суратга ниҳоят биринчи дафъа жиддий, диққат қилиб тикилди. Пастда оёқ букиб ўтирган икки йигит... буниси — қария, буниси — демак, дадам... Дадажон!

Аброрнинг алланечук юраги тўлиқди... Аслида у ортиқча эзмаланмай, Қодиржон билан мана шу сурат ҳақида гаплашса — тўғри, самимий иш тутган бўларди. Унда, балки Қодиржон ҳам асабийлашиб, тўнини тескари кийиб ўтирмасди! Лекин айб фақат Абрордами? Ўғли тўғрисида бошлаган гапини ҳам ниҳоясига етказгиси келмаган Қодиржонда айб йўқми? Шунча йил ишлаб, ҳамхона бўлиб, бу йигит Аброрнинг кўнглини тушунмади-тушунмади... ахир, уни ҳам, Қобуловни ҳам Аброр бирдек яхши кўради! Ғозиддиннинг бемаъниликларини кечиргани сингари Қодиржоннинг «ичимдагини топ» қабалида иш тутиши, масхараомуз совуқ тиржайишларидан ҳам доим кўз юмиб келади! Қобуловнинг эркаликларига, бу йигитнинг эса беписанд муомиласи, жеркинишларига тишни тишга босиб, миқ этмай чидайди Аброр! У бировдан тили қисиқлиги, қарзи борлигидан бундай қилмайди. Уч кунлик дунёда аҳилликни истайди. Ҳаммамиз бир халқнинг, бир ота-онанинг фарзандларимиз, бир-бирларимизга нисбатан шафқатли бўлайлик, деб билади!

Аброр кафтдек суратдаги аскарларни навбат билан кўздан кечириб, шу аснода беихтиёр отасининг ўзига хос белгиларини аниқлашга урина бошлади. У отаси билан амакиси тўғрисида, икки томчи сувдек ўхшаш, деган гапни кўп эшитганди. Йўқ, суратда амакисига яқин қандайдир белги тополмади. Амакиси гужумдай одам. Бу нозикқина йигитча... амакисининг кўзлари ўта осойишта, дадасининг нигоҳи эса сарик қоғозда ҳам чақнаб турипти. Дадаси ўхшаса, ўзи билан суратга тушган йигитларга ўхшайди, холос!

Аброр ўзича, фотоаппарат қаршисида бир оиладек саф чекишган манави йигитлар ҳам кўнгилларида қачондир кек, адоват ҳис этишганмикин, деган содда хаёлга борди. Бунга у ишонмасди. Чунки, булар мушт бўлиб тугилишмаса, ўша урушда душманга зарба бериб бўлармиди!..

Ёзда Қримга, Боғчасаройга бораман, дадамнинг қабрини албатта зиёрат қиламан, бир сиқим тупроғидан олиб келаман, деб ўйлади. У отаси руҳидан мададланиб, ўзини чулғаган ғашлик-хавотирдан қутулишни истарди шу дамда. Аммо суратга қанча тикилмасин, енгил тортмади.

Қодиржонга яна кўзи остидан эзилиб қараб қўйди.

Ўзини оқлашга уриниб баҳслашгани билан, у Қодиржон қайсидир жиҳатлардан устун эканини ич-ичидан билар, бундан азобланарди. Ўзининг юраксизлиги, ночорлигини ҳис этарди.

Ҳозир ҳам шуни ўйлаб изтиробга тушди у.

Бугун телефоннинг чакаги очилган кун эканми, қўққисдан қаттиқ жириглади. Қодиржон трубкани олди.

— Ҳа... хўп, яхши...

Аброр лоқайд эди. Аммо Қодиржон трубкани илиб, унга юзланди:

— Сизни раис сўраяптилар...

Аброр суратни апил-тапил қўйнига солиб, ўрнидан сапчиди...

Хотира

— Қиз болани шайтон деганлари рост экан, мана шу Раънохон кеча пилдираб юрганди, бугун қарасанг, тўйи бўляпти, — кабинетида нари-бери одимлаб, бошини чайқаганича кулди Ғозиддин. — Умрнинг ўтишини...

— Табриклаймиз; — деди Аброр, худди бу хабар ўзига ҳам тегишлидек суюниб.

— А? Менинг нимами табриклайсан, номард?

— Ҳарҳолда, қайнсинглингиз...

— Буниси тўғри, — деди Ғозиддин. У ўйланиб, жиддий тортди. — Иккимиз қамишдан бел боғлаб, уч-тўрт кун хизмат қиладиганга ўхшаб қолдик. Мен оғир ишларга йўқман, жоним. Бундай ёнимда турмасанг...

Ўша куни Аброр уйига хабар беролмади. Ишдан чиқиб, Ғозиддиннинг машинасига ўтирганича, тўйхонага кетди.

Тўйгача ҳали вақт бор. Шунга қарамай, маслаҳатошига йиғилишганми, Ҳақназаровнинг аллақандай калондимоғ ошналари катта бир хонани тўлдириб гангур-гунгур қилиб, қаҳ-қаҳ уриб ўтиришарди.

Ғозиддин Аброрни хонага бошлаб кирди. Менинг оғайним, мен билан ишлайди, деб йиғилганларга таништирди.

Аммо хонадагилар унга, Ҳабашистондан олиб келинган маймунга қарагандек, қизиқсиниб шунчаки разм солишгач, унутишга қарор қилгандек бўлишди. Аброрга, одамми, деб қайтиб кўз ташлаган, у билан бир оғиз гаплашадиган киши топилмади. Унинг ўзи ёнида ўтирганлар билан сўзлашишга уринди-ю, улар фикрини-ғашланиб тикилишганини кўриб, нафасини ичига ютди. Аброр бу даврага тасодиф кирган киши эди!

Йўқ, кўп ўтмай кириб-чиқиб юрган Ғозиддин уни ташқарига имлади. Кейин, сенинг асосий жойинг мана бу ер, жўра, дегандек Аброрни қозонбошига етаклаб келди.

Аброр бу ердаги икки-уч йигит билан бирга ўтин ёрди, ўчоққа ўт қалади, сабзи-пиёз тўғради.

Шу куни у ярим тунда уйига қайтди. Лифтда тўққизинчи қаватга кўтарилиб, эшик ёнидаги тугмани босди.

Эшикни дарҳол очган Зухра унга индамай, савол назари билан қаради.

— Яхшилик... Тўй бўлаётган экан, — ғудранди Аброр, хотинининг кўнглини шу ондаёқ тинчитиш учун.

У ичкарига кирганидан кейин, Зухра сўради:

— Қанақа тўй экан?

— Қобуловнинг уруғлари... Ҳалиги Раъно деган...

— Шунақа бирдан бўлиб қолдим тўй? — савол ташлади яна Зухра.

— Йўқ, ҳозирча тараддуд.

— Демак, хизмат.

— Ҳа, албатта. Бизнинг бурчимиз...

— Ҳамма бордими идорадан? — энди сал тергаган оҳангда сўради Зухра.

— Йўқ, мен бир ўзим... — деди Аброр. У хотини койимасин деб шошганича қўшиб қўйди. — Биз яқин бўлганимиздан... Эртага, индинга ҳам боришим керак. Индин кечқурун тўй...

Аброр бунга асосли гапирдими, ҳарқалай, шу кеча Зухра уни койимади. Эр-хотин ўртасидаги баҳсга нуқта қўйилгандек бўлди.

Аброр эртаси куни ҳам, индини ҳам тўйхонада югуриб-елди. Биров билсин-билмасин, астойдил хизмат қилди. Унга ҳамма, оғайнингиз, деб эмас, Ғозиддин акангиз, деб гапириши бир оз қитиғига текканини, ора-сира кайфиятини бузганини айтмаганда, умуман, у яна — тўйнинг бевосита ўзига дахли бордек, суюниб юрди.

Лекин бу гал ярим тундан ҳам ўтказиб уйга қайтганида, унинг тамоми хурсандчилиги бурнидан чиқди.

Зухра уни остонада қош-киприклари учиб, қаҳр-ғазаб билан қаршилади.

— Хўш, ўтказдингизми тўйингизни?— деди хотини, Аброр уйга киргани заҳоти.

— Нега менинг тўйим? Кўпчилик...— У хотинини кўргандаёқ, шундай деб сўрашини ҳис этган, энди саросималаниб қолган эди.

— Кўпчилик эмиш!— аччиқ кулди Зухра. Кейин, Аброр куни бўйи кўнглининг бир бурчида озорланиб-ўйлаган, аммо иқрор бўлишга қўрққан саволни берди.— Бу, Қобулов сизнинг оилангиз борлигини билмайдими? Ёки ҳозирги пайтда тўйга бўйдоққа ўхшаб бориш расмга айланганми?!

— Мен ҳаммасини...— ғудранди Аброр. У ниманидир тушунтирмоқчи, аммо нимани тушунтириши кераклиги шу дамда унинг ўзига ҳам қоронғи эди.

— Қўйсангиз-чи!— деди баттар тутақиб Зухра.— Мен уларнинг тўйини бошимга урмайман. Айтса ҳам бормасдим, ишонинг. Фақат, мен Қобулов билан яқинман, дейсиз-у, улар сизни озгина ҳурмат қилишмаганини айтяпман...

Биринчи оқшом тўйхонада кўргани— катта хонадаги давра бехосдан Аброрнинг кўз олдига келди. Аммо бу ҳақдаги хаёлларга эрк бериш аламли эди.

— Улар айтишди. Мен...— баҳона тўқишга уринди Аброр шоганича.

— Елгон!— кескин деди Зухра.— Тавба! Бошқалар учун бунчалик оқла-нишнинг нима кераги бор экан сизга?!— Шундан сўнг, у бор заҳрини бир йўла тўкиб қўя қолди.— Менга, бирга ишлашган қизлар кулиб, сиз йигитсиз, дейишади. Сизнинг ўртоқларингиз ҳам, орқаворотдан, нозиклиги, иффати йўқ, деб юришади, адашмасам... Хўш, сиз менга қандай маслаҳат берасиз? Сиздек эрнинг хотини, менимча, ё йигит бўлиши, ёки бузилиб кетиши керак, шундай эмасми?!

Аброр тараша бўлди-қолди.

Зухра— яхши хотин. Диёнатли, инсофли, меҳр-оқибатли. У Аброрнинг хархашаларига ортиқча дарво қилмаганидек, Аброр ҳам унинг тўнғиллаб қўйишларини тузук-куруқ эшитмасликка одатланган. Ҳар қандай оилада бўлганидек, баъзан баҳс-жанжалсиз яшамайди улар ҳам. Бироқ эр-хотин шу кунга қадар бирон марта бунчалик совуқ гапга боришмаган эди.

Аброр шу кеча мижжа қоқмай чиқди.

У, одамлар нега бир-бирларидаги эзгу туйғуларни аёвсиз топташади, энг олий ҳиссиётларни нақ ўлдиришга ҳаракат қилишади, нега, деб ўйлади.

Бу ўй хотинигами, Қобуловларгами— кимга тегишли, Аброр айтиб беролмасди. Эҳтимол, барчага тегишлидир.

У болалик кунларини, саҳродан қишлоққа келган пайтини ҳам эслади. Ушанда Аброр тенгдошларига қўшилиб, сувда сузишни ҳам ўрганиб олишга уринганди. Аммо бунга у ҳеч эпполмаганди. Ариққа тушса, бас, сув уни пастга тортар, чўкиб кетадиганга ўхшар эди... Аброр шаҳарга келиб, шаҳар ҳаётига кира бошлагач, худди ўша ариққа тушгандай ҳолатни ҳис этди: негадир чўкиб кетишдан қўрқани-қўрққан, сувда эркин сузолмаслигини билади, аммо бирон қирғоққа чиқиб кетишнинг ҳам иложи йўқ энди... Нима учун бундай бўлди? Етим ўсгани учунми, ўз жойини тарк этгани учунми— нима учун! Ўйлагани билан, бу саволга жавоб тополмасди!

Эртаси куни ишга Аброр ниҳоятда эзилиб борди. Бироқ Ғозиддин унга миннатдорчилик билдириб, уни шу қадар илиқ қаршиладики...

Аброр кимдан— хотиниданми ёки Қобуловдан, инжишини билмай қолди.

Кейин, у ўзига озор етказган буларнинг иккисини ҳам бирдек кечириб юборди-қўйди...

Воқеа

Редакциялар жойлашган бинога кириб келган Ҳақназаров тўғри Махсум-жон аканинг қабулхонасига йўналди.

Қабулхонада чўпдай ингичка-ориқ бир қиз машинка чиқиллатиб ўтирарди. У Ҳақназаровга савол назари билан кўз тикди. Ҳақназаровнинг саломига жавобан шунчаки бош силкиди.

Редакторнинг кабинети эшиги очиқ, лекин Махсумжон аканинг ўзи кўринмас эди.

«Бу редакторлар ҳеч ўрнида ўтирмайди!» — деб ўйлади яна Ҳақназаров бир оз асабийлашиб.

Аммо ҳозир гап редакторда эмас, хонага қадам қўйганидаёқ котибанинг муомаласи унинг юрагини сиқиб юборган эди.

— Бошлиқ қаерда? — деб сўради у босиқлик билан.

— Кутинг. Келадилар... — машинкани чиқиллатишни тўхтатмай, минғирлаб жавоб қилди қиз:

Ҳақназаров эшик яқинидаги курсига чўкди. «Махсумжон ака мени доим яхши қаршилаган, бу қиз мени танимайди, билмайди-да!» — деб хаёл сурди Ҳақназаров. — Умуман, аксар идораларда бошлиқнинг ўзидан кўра котибалар билан гаплашиш қийинроқ. Нимага бунча бино қўйишади, ҳайронсан!.. Фақат котибаларми? Кўпчилик ёшлар шунақа бўлиб боришяпти, одоб, каттага ҳурмат, мулоҳаза-истиҳола — ҳеч нарса йўқ. Бу — бизнинг айбимиз. Чунки, бизга ўхшаганларнинг бировларга беписандлигимизни кўриб, улар ҳаммага нисбатан шундай муомалани одат қилиб олишган. Жаҳолат... маърифат гуллаган ерда жаҳолат бўлмаслиги керак эди шекилли. Қизиқ...»

Қабулхонада телефон бир-икки жиринглаб, унинг хаёлини бўлди. Котиба қўнғироқ қилганларнинг ҳаммаси билан ҳам қисқа, совуққина гапларди.

Ниҳоят, Ҳақназаров ўрнидан қўзғалди.

— Қизим, мумкинми, мен қўнғироқ қилиб олсам... — деди у мулойим кўйда.

— Йўқ. Бу ердан мумкин эмас, — деди қиз ҳамон нохушлик билан. — Биронта бўлимдан илтимос қилинг, бемалол. Бўлимлар кўп.

Ҳақназаров қабулхонадан чиқди. Йўлакдаги бир неча эшик очиқ эди. У яқинроқдаги бир эшикдан ичкарига кирди.

Хона кичик, тор эди. Иккита стол қўйилган, бири бўш, иккинчисини қандайдир юзи захилми, оқми, бурни катта йигит эгаллаганди. У Ҳақназаровни яхши билар экан, туриб дарҳол қўл бериб кўришди:

— Келинг, домла. Марҳамат... Салом алайкум...

Ҳақназаров телефон қилмоқчи эканини айтди.

— Э, шуниям сўрайсизми, домла, истаганча фойдаланаверинг, — деди йигит телефон апаратини стол четига сурганича. Лекин шу палла телефон жиринглаб қолиб, унинг ўзи трубкани кўтарди.

— Алло... ҳа, ўша биз... йўқ, унақаси кетмайди. Биз энди ўзгарганимиз йўқ, ўн йил бурун ҳам сотилмаганмиз, дўстим, сотилсак, аллақачон итимишнинг туваги олтиндан бўларди. Ким киму сен менинг қанақалигимни билишинг керак. Хафа бўлсанг, бурнингни тишла, меникини тишласанг ҳам майли...

Ҳақназаров зерикиб, шунинг баробарида, бу қандай бўлим экан ўзи, деб ўйлаб очиқ эшик томон қаради... қарадию эшик белидаги ёзувга кўзи тушди:

Фельетонлар бўлими

А. Абдуғани

Ҳақназаров ҳаяжонланиб кетди. Бутун ишнинг калити шу йигитнинг қўлида, деган гап унинг хаёлидан ўтди. Йигит билан тўппа-тўғри гаплашишни ўйлаб, лаҳза ичида қандай сўзлашишни ҳам чамалади. Аммо бу фикрга қанчалик тез борган бўлса, шунчалик тез қайтди. Ишни баттар бузиб қўйиш мумкин, деб қўрқди.

— Узр, домла. Марҳамат, — деди йигит.

Ҳақназаров трубкани қўлига олиб, шомасдан рақам терди.

— Алло. Менга Руқия Қамбаровна керак эдилар...

— Мен эшитяпман... Домлажон, ўзингизми? Салом алайкум... — унинг овозини дарров таниб, ҳаяжонланди шогирди. «Бу хоним ҳамон мендек чолга кўнғил қўйиб юриптими ёки манфаатга қараб кўнғил қўядими булар?!» — деб ўйлади ўзича Ҳақназаров шу алпозда.

— Яхши юрипсанми? Тинчмисизлар? — сўради у шогирдидан.

— Раҳмат, домлажон. Бу, офтоб қаёқдан чиқди, мени йўқлаб... — деди ҳамон ҳаяжонланиб Руқия.

— Мен сени доим эслаб тураман, — шумлиги тутди қариянинг. — Ўзинг кўринмайсан? Докторликка қўл урмайдиган бўлдингми, дейман?

— Йўқ, ҳаракат бор, домлажон. Лекин қўрқяпман... Ёш ўтяпти. Бу томон оила. Сиз бағрингизга олсангиз-ку...

«Бу хоним ҳалиям мулоқотга қарши эмас. Оилада ҳам ўзини дуппа-дуруст хотиндек тутаверади, керак бўлса, мен билан ошначалик ҳам қилаверади. Бузуқчилик, албатта...»— ўйлади Ҳақназаров.

— Сен қўрқма. Ёрдам берамиз,— деди у Руқияга. Бироқ буни Ҳақназаров шогирдидан кўпроқ, фельетончи йигитда маълум таассурот қолдириш учун айтди. Шундай қилса, кейин фойдаси тегса ажабмас.— Мен бошқа нарсага телефон қияпман. Кўнглингга олмасанг, айтаман...

— Айтинг, домлажон. Нима бўлса ҳам, бош устига...

— Мен кўчада бугун бир йигитни учратдим. Ичиб, хароб бўлиб... мени эшитяпсанми?

— Илёмми?— сўради секин Руқия.

— Илём... Яхши эмас. Сен у билан жиддий бир гаплаш. Уканг, ҳарҳолда. Мен уни одам бўлсин, дейман...

Ҳақназаров буларни айтганда ҳам, ҳар бир сўзни чертиб-чертиб, Руқия билан бирга, бунинг Абдуғанига таъсир қилишини кўзда тутди. Бошқа бир жойда буни шу қадар лўнда, ҳиссиёт билан айтмаган бўларди.

— Мен тез уни топаман, домлажон, тушундим,— деди Руқия эзилиб. Сўнг яна бардам товушда қўшиб қўйди:— Қандай яхши, қандай олижаноб одамсиз, домлажон. Сиз шуларни ҳам ўйлаб юрасиз-е...

«Бунақа яхши, бунақа олижаноб одамнинг падарига лаънат!— деган хаёлга борди Ҳақназаров. Аммо шу аснода гап шахсан ўзи тўғрисида эканини эслаб, фикрини таҳрир қилишга ошиқди.— «Лаънат» хунук сўз. Ҳар қанча бўғилганингда ҳам, «падарига қусур» деган маъқул!»

У трубкани ўрнига қўйиб, бир нафас серрайди. Яна, шу йигит билан гаплашса бўларкан ўзи, деб ўйлади Абдуғани ҳақида. Кейин, боягидек фикридан қайтди. Олдин Махсумжон акани кўриш керак!

Ҳақназаров фельетончи йигитга миннатдорчилик билдириб, эшикка йўналди...

Хотира

Одам учун ном — арава, уни бир умр ташишга тўғри келади. Лекин қачондир, қайсидир рўйхатга номинг кириб қолса бас, унда сен аравага айланиб, отга айланган номинг сени ташиб кетаверади.

Ун-ўн беш йилдан буён арзирли бирон иш қилмаган санъаткорлар бор. Ҳамон кўпчилик газета-журналлар уларга мадҳи-сано ўқишади, миқ этсанг, бу киши кимсан, фалончи, бизнинг фахримиз, дейишади. Бу бир пайтлар шон-шуҳратга бурканган номнинг шарофати!

Ҳаётда бутун имконият, обрў-эътибор, саждагоҳга ўхшаб қолишлар — номга боғлиқ. Чумолидек бир кишининг номи тоғдек бўлиб туюлади одамлар назарида!

Кейинги пайтлар ном чиқаришга уриниш арбоблар орасида расмга кирди. Акам бир ерда министр ёки катта бир идорада раҳбар. Аммо касби-кор туфайли ҳаммага отнинг қашқасидек танилганлари кам, бошқа бир томондан ҳам ном чиқариш керак. Энг муҳими, болта кўтариб тарихга дадил кириб қўйиш керак. Қарабсизки, пистончи министр акамиз — китобларига донгдор шоирлар дебоча ёзган ажойиб шоир, бошқа раҳбар акамиз — машҳур олимларнинг кифтига қоқиб қўядиган мутафаккир олим, учинчи акам бевосита ўзларига тегишли ишни қўйиб, дераза олдида расм солиб ўтириптилар! Майли, ким нимага қизиқса, шуғулланаверсин. Бироқ дунёда даъво деган нарса ёмон. Унинг устига, сиз биздан кўра каттасиз, сиз тўрга ўтинг, акам, дейдиган хушомад-гўйлар кўп. Раҳбар одамнинг китоби — кейинчалик дўконларда чанг босиб ётишига қарамай, рангин қоғозларда, минг-минглаб нусхаларда босилади. Акамнинг чап оёқда ёзган илмий ишлари «кашфиёт» деб аталади, ҳамма ёқда мақталади. Яна бир акамиз биринчи синф ўқувчисига ўхшаб чаплаган расм билан катта кўргазмалар очилади. Хўп, бунинг барчаси гўрга. Аста-секин, илмфан, адабиёт-санъат бир гуруҳ оқсуяклар, зодагонлар иши, дегандек кайфият туғила бошлаган. Қишлоқдан келган, кимлигининг тайини йўқ шоирвачча

қаёқда-ю, менинг деярли барча давралар тўрида ўтирган акам қаёқда! Эскидан қолган, отлиқ пиёдага салом бериши керак, деган гап бекор. Китобинг сариқ қоғозда чиқиши учун ҳам, эгилиб-букилиб ҳаммага салом беришинг шарт!

...Ҳақназаров ўзи қаерлардадир ўқиган, эшитган, кўп бора кўриб-кузатган бу нарсалар ҳақида — кунда бўлмаса ҳамки, бот-бот ўйлайди.

У — босиладиган китобининг қоғозидек эшикларда баъзан сарғайиб турадиган шоирвачча эмас, бундан ярим аср муқаддам ном қозониб, номи ҳамон хутбадан тушмайдиган катта олим. Аммо унинг иккинчи қаватдаги ўзининг хос хонасида оёғидаги туфлини аксар ечмай тўқиллатганича нари-бери юриб, бу ҳақда ўйлашига анча-мунча сабаблар топилади. Гап шундаки, у бировлардек шуҳратга енгил-елпи эришгани йўқ, оловлар ичидан ўтиб, қанча қон тўккан. Бу етмагандек, то ҳозир шон-шавкати сўниб, минбардан номи тушиб кетмаслиги учун мунтазам курашишга маҳкум. Ҳақназаров, инсон бир куни қарийди, толиқади, ҳамма нарсадан тўйиб, ҳамма нарса жонига тегади, деган хаёлга бориб осойишталик туйишга тайёр. Лекин бу — ҳаётга зид тушунча, қўл қовуштириб ётиш — ўлим. У бамисоли отилган ўқ, ерга бориб санчилганича, бирдай учаверади.

Ҳа, Ҳақназаров етмиш йил умрни фақат айш-ишрат, базм, хонимларни эркалаш билан ўтказган экан, деб билган киши қаттиқ адашади. Шунчаки НОМ деган сўзни эслаганда, илонга ўхшаб эгри-бугри чизиқ тортиб ўтганича олдинга суринган улкан бир ҳаёт, эгасидан бўлак киши ипидан игнасиғача ўқиши мушкул бўлган таржимаи ҳол очилади.

Унинг отаси мулла эди. Йўқ, чол дуохонлик қилиб, одамларни алдаб-авраб кун кўрган, ёки, дейлик, художўйман, деб тоат-ибодатдан сира бош кўтармаган одам эмас. Назар отанинг асосий касби темирчилик эди, деҳқонлар учун кетмон ясар, ўзи ҳам бўш пайти деҳқончилик билан шуғулланарди. Аммо қишлоқда, ёшлик йиллари бир оз мадраса кўргани, эскича хат-саводи борлигидан, ҳамма уни «мулла бобо» дейишарди. Ҳақназаров ҳам, қаерга бормасин, «мулла бобонинг ўғли» эди.

Замон ўзгариб, кашшоф бўлган, кейин комсомолга кирган Жумага бу ном тез орада малол келганидан, у бўйи тиккайиб-тиккаймай, қишлоқдан шаҳарга бош олиб кетди. Шаҳарда у дуч келган анкетадаги «ижтимоий келиб чиқиши» деган саволга «хунарманднинг ўғли» деб бемалол ёзиб юрди. Бироқ таълим олаётган даври унинг устидан хат тушди: курсдошларидан кимдир «бу мулланинг ўғли, яшириб юрипти» деган маълумот берганди. Жума атайин қишлоққа бориб, талашиб-тортишиб отасининг темирчилик қилиши ҳақида қоғоз кўтариб келди.

Ота-онадан, авлод-ажоддан қочиб бўлмайди. Қишлоқдан кутилмаганда узун яктак кийиб, кўк салла ўраган отанинг ўзи қадам ранжида қилиб қоладими, ҳамқишлоқлардан кимдир, менга мулла бобонинг ўғли керак эди, деб остона пойлайдими, бу ҳақда қаердадир эшитган киши ҳаммага эълон қиладими-е... умуман, лақабга ўхшаб, бундай гапни бир одам эшитса бас, ким хунар кўрсатганини билишга улгурмай, ўз-ўзидан тарқалаверади.

Уша йили Жума шаккоклик қилиб, отам тезроқ ўла қолса, мен бу гаплардан қутулармиканман, деган хаёлга борган пайтлар ҳам бўлди. Ундан ташқари, шароит тақозо қилса, битта тиши йўқ одамнинг оғзида бир йўла ўттиз иккита тиш ўсиб чиқаверар экан. У кеча-кундуз тинмай ишлаб, ўтмишни қоралаган, муллалар, эски одамларни «дўппослаган» даста-даста мақолалар ёзиб, китоблар чиқартира бошлади. Бунинг эвазига қишлоқдагилар бир гал уларнинг уйи томон тош отиб, дарвозани дўмбира қилишди. Иккинчи гал отаси турган ҳовлижойни ёқиб юборишларига оз қолди. Назар ота уч-тўртта чоллар билан шаҳарга тушиб, Жумага, сен ёзганингни ёз, лекин халқ билан ҳам сал ҳисоблашгинда, болам, деб насиҳат қилиб кетишди. Буларнинг барига қарамай, Жума қилган ишидан мамнун эди. Чунки, шу ўртада биринчи марта унинг номи тилга тушиб, отаси ҳақидаги гапни босиб қўя бошлади.

Йўқ, барибир қарийб йигирма йилча унинг номи устига отаси соя ташлаб турди. Ота-онаси вафот этишиб, қишлоқдан у бора-бора узоқлашганида эса хаёлга келмаган бошқа даҳмаза чиқди.

Ҳақназаровни уч-тўртта раҳбарлар чақиришиб, сиз талабаларнинг кўзи ол-

дидасиз, илмда бир қанча шогирдларингиз бор, бу пала-партиш гапларингизни қандай тушуниш керак, деб унинг китобини очиб, остига қалам тортилган жойини кўрсатишди.

Бу китобга у бир шоирнинг шеърідан икки сатр киритган, шу сатрларга қалам урилган эди:

**Бутун ифтихорим, бутун иллатим —
Менинг она-халқим, менинг миллатим...**

Шеър-ку зўр эмас, ўзига яраша эди. Лекин китобга киритгани учун тўн-калаётган айбнинг чек-чегараси кўринмасди.

— Сиз «иллат» деб замондан камчилик қидиряпсиз. Миллатчиликка қарши курашиш ўрнига «миллатим» деяпсиз. Хўш, бундай мафкура билан қандай олим бўлиш мумкин?..

Ҳақназаров шу суҳбатдан кейин, кўзларини чирт юмиб олиб, бирон бир камчилик ҳақида оғиз очмасликни одат қила бошлади. Буниси майли. Узининг китобларидан «менинг халқим», «ўзбек халқи», «миллат» деган оддий, табиий ва қонуний сўзларни ҳам аёвсиз ўчириб ташлайдиган бўлди. Ҳаётда қандайдир ўзгариш рўй берса, ана энди замон чинакамига изга тушяпти, бундай яхши даврни кўрмаганмиз, дейишга, ҳаттоки халқлар дўстлиги ҳақида сўз борганида ҳам, ўзбек деган сўзни бир оз четлаб ўтишга ўрганиб қолди. Ушанда биргина суҳбат туфайли Ҳақназаров бу қадар саросималангани йўқ эди, албатта. Гап шундаки, ўша суҳбатда унга, сиз оғзидан нима кириб-чиқишини ўзи билмайдиган Ҳайбат муаллимнинг шогирди экансиз, у билан чиндан ҳаммаслак бўлсангиз — буни, дунёқарашингиз фарқ қилса — шунисини ёзиб аввал бизга кўрсатишингиз, кейин газетада эълон қилишингиз керак, дейишди... Ҳақназаров, устозга кўшилиб ҳаммага ёмон кўринишимдан фойда йўқ, у қари, мен ёш, бу ишда ҳозир хато қилаётган бўлсам, кейин тузатарман, деб ўйлади. Ҳайбат муаллимнинг фаолияти тўғрисида мақола ёзди.

Йиллар ўтиб, давр келиб, Ҳайбат муаллимга муносабат ўзгарди: у қайтиб юзага қалқди.

Ҳақназаров чиндан йўл қўйган хатосини «тузатди»: газетада «Менинг биринчи устозим» деган мақола эълон қилдирди.

Ўзини, давр билан ҳамнафас, ҳозиржавоб, камарбаста олим деб билган, фақат кун талабидан келиб чиқиб илм юритган Ҳақназаровнинг номи шу йўсинда то ҳозир минбардан тушмай келяпти. Унинг етмиш йил ичида ёзган етти юз мақоласидан қайси бири узоқ яшаб қолади, АБАДИЯТга дахлдор, деб сўрансангиз, ўзи ҳам жавоб беролмайди. Мен умуминсоний нарсаларни кам ўйладим, тарихга деярли қарамадим, лекин менинг бутун ёзганим — даврнинг ойнаси, бизнинг авлодимиз ҳаёти ҳақидаги КИТОБ, демак, нималардир қолиши ҳам мумкин, деб ўз-ўзига баъзан таскин қидиради, холос.

Умуман, у ҳаётда босиб ўтган йўлини тўғри, ўзини ҳақ, деб билади. Дунёда ҳар ким тириклик учун ҳар хил курашади. Мен, қишлоқдан чиққан бир йигит, шу тузум туфайли ёруғлик кўрдим, одам бўлдим, шу тузумни умрим борича химоя қиламан, деб ҳар қадамда керилиб қўйишни ёқтирадиган, бунга астойдил ишонган Ҳақназаровнинг йўлини нотўғри, ўзини ноҳақ дейиш — сирасини айтганда ҳам, инсофдан эмас-да! Курашган, курашаётган кишидан айб излаш ростмана гумроҳликка ўхшайди!

Ҳақназаров, мен мардман, деган гапни кўп қайтариб туради... Аслида у мард бўлиб, муҳаррирга: «Кувим қуйиб-қўйган муттаҳам, бу ишда менинг ҳам айбим йўқ эмас, бостиравер фельетонни» — дейиши керак. Ҳақназаров бундай деёлмайди! Қўрқадими?! Йўқ! Бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда бўлган ҳозирги пайтда у — дунёда ҳақиқат қарор топиши эзгу эканлигини, ёлғонга, қабохатга қарши ниҳоят дадил бош кўтариши мумкинлигини яхши билади. У ҳаттоки жон-дилидан худди шундай қилишни истайди! Аммо... аммо бунга бир нарса — устозлардан тортиб хизматига камарбаста шогирдларигача йиллар давомида чанг-чунгларини артиб, ғубордан асраб келган, чиннидек жаранглаб турган НОМ халал беради. Одам ерга қулаши, тупроққа беланиши даҳшатли эмас. Унинг номи йиртилиб қолган варракдек осмондан ерга чирпирак бўлиб тушиши — даҳшатли! Бир умр меҳробдаги шамга ўхшаб ёниб турган номингни ўзинг пуфлаб ўчиришинг эсипастлик, албатта! Ҳақназаров эса, ҳар-

холда, ақлли одам. У куёви бұлмиш Ғозиддин деган ҳаромзода учун эмас, ўз-ўзи учун сўнги нафасгача курашмасдан иложи йўқ...

10

Воқеа

Қалин ўсма қўйган бақалоқ хотин Ғозиддин кириб келиши билан, меҳмон борми, деб сўраб, дарров чой дамлаганича, дастурхон тузади. Санамжон ҳам келгач, у худди меҳмонхона бекасидек, яхши дам олинглар, деб қўйиб, эшиги юзма-юз квартирага чиқиб кетди.

— Чой ичмайсизми?— ўзи чой ичаётиб, Санамжондан сўради Ғозиддин.

— Йўқ,— бошини чайқади диваннинг бир четига хомуш ўрнашган Санамжон.

Ғозиддин унга тикилиб, кулиб-муқом қилган пайтидан ҳам кўра шунақа ўй суриб ўтирганида чиройли бўлиб кетади бу, деган хаёлга борди. «Мен ундан ҳали совимадим,— деган гапни кўнглидан кечирди яна.— Хотинни яхши кўрмагандан кейин, кимларнидир ёқтириб юриш табиий ҳол бўлса керак! Мени бу борада ҳеч ким айблаёлмайди!»

У пиёлани нари суриб ўрнидан турганича, Санамжоннинг ёнига бориб ўтирди. Қизни елкасидан қучди.

— Қўйинг. Ҳозир мавриди эмас,— деди Санамжон унинг қўлини қўллари орасига олиб.

— Нега?

— Ўзингиз шошятган эдингиз-ку...

— Шошмайман,— деди Ғозиддин.

— Шу палла бу сизнинг кўнглингизга сиғадими?

— Сиғади,— деди Ғозиддин қатъий. У қизни қайтиб қучмоқчи бўлди. Аммо Санамжон уни нарироққа силтаб ташлаганича, ўрнидан туриб кетди.

— Ҳа, сизга барибир. Шарманда бўладиган мен!— Санамжоннинг кўзларига ёш йилтиради.— Сиз учун мен одам эмас, бир ўйинчоқ...

Ғозиддин сергакланди. Қизнинг айтаётганлари айни ҳақиқат. Эртага ўзининг аҳволи қандай бўлишини жиддий ўйламаётган Ғозиддин, Санамжон тўғрисида бош қотирармиди?! Унинг мақсади нима эди: Санамжонни обрў тўкилмайдиغان иш қилишга кўндиришми ёки одатдагидек эркалашми?! Тентак бўлмаса, ижара-кулбага келиб, бунинг иккисини бирлаштиришга уринадимми?! У биринчи галда Санамжонни тинчителиши кераклигини ҳис этди.

— Сиз унақа бўғилаверманг! Ҳаммаси яхши бўлади!— деди бояги қатъийатидан жилла чекинмай.— Аввало, мен ҳали ишдан кетганим йўқ. Кетган тақдирда ҳам, иш топилади менга. Дарров ваҳима қилиш шарт эмас... Хўп, сизга келсак, мен сизни доим асраганман. Бу дунёда менинг сиздан яқин кимим бор? Очиғи, ўзингиз билмай, мени бир оз ранжитдингиз, жоним...

Ғозиддин ўрнидан туриб, Санамжоннинг ёнига борди. Бутун гапим тўғри, дегандек, уни қаттиқ қучиб, ўпди.

Аёл киши аксар содда бўладими, гўлми, боладек ишонувчанми... Санамжон ўз-ўзиданми, ўзининг инсонни камситадиган қарам бир ҳолатда эканлигиданми хижолат чекиб, кўзидан бўёққа қоришиб юзига сизаётган ёшни артишга ошиқди. Лаблари алланечук қийшайиб, узр сўрагандек жилмайишга ҳаракат қилди.

Уни осон тинчитган Ғозиддин, ўз сўзларига ўзи ишонмаганидан, энди бехосдан юрагига нотинчлик ўрмалаётгандек бўлди. Ҳозир васли-висолни ихтиёр этишга бало бормиди?! Мабодо эртага рўйирост жинойтчиға чиқаришса, нима қила олади?! Айниқса, фельетон деган дардисар... боши устида қиличдек кўтарилиб турипти! Ҳақназаров бу қилични синдириб ташлашга кучи етармикан?! Қайнотаси вақти-вақти билан қўнғироқ қилишини тайинлаганди, у бўлса бунини пайсалга солиб ўтирипти! Ўзига ўзи шунақаям душман бўладими одам дегани!..

Бақалоқ хотин бу квартирага параллел телефон ўрнатган: йўлақда!

Ғозиддин Санамжонга, мен ҳозир, деб қўйиб, йўлакка отилди. У Ҳақназаровга босим қўнғироқ қила бошлади. Ажаб! Ҳеч ким жавоб бермас эди.

Баттар нотинчланган Ғозиддин ўз уйига кўнғироқ қилди охири. Трубкани Ноила кўтарди.

— Ноил... бу мен. Яхши ўтирипсизларми?

— Боланинг иситмаси қайтмаяпти, — совуқ жавоб қилди унга хотини.

— Да-дамни тополмаяпман. Телефон жавоб бермаяпти...

— Дадам редакцияга кетган. Ойим бизникида, — деди Ноила.

Қайнонаси бола касал бўлгани учун келган. У Динорани эсидан ҳам чиқарганди. Биргина фарзандига нисбатан ўзининг бемехрлиги, лоқайдлигидан беихтиёр хижиллик туйди. Лекин буниси майли... Шу пайт — аёлларда доим ҳам эҳтиёткорлик етишавермайди-да, — Санамжон кутилмаганда хонадан йўлакка қаради.

— Ғозиддин ака, сиз ҳалиги...

Ғозиддин, тек тур, дегандек унга шошиб кўлини силтади.

— Умунан, иш бўляпти, — деди у трубкага.

— Қанақа иш?

— Мен ҳаммасини текислаб... — чайналди саросималанган Ғозиддин.

— Қаердан кўнғироқ қиляпсиз ўзи? Орқангизда ким гапиряпти?!

— Мен кўчадаги будқадан... Одамлар навбат кутяпти...

Ноила бошқа индамай, трубкани ўрнига қўйди. Ишнинг расвоси чиқди шеклли... Хотини, гап тугади, деб шунчаки трубкани қўйган бўлса-ку, яхши, гап нимадалигини ҳис этган бўлса, унда тамом... Шўрига шўрва тўкилиши аниқ! Ғозиддин бўйнини қисиб, хонага қайтиб кирди.

Унинг муомаласидан Санамжон ҳам оғриниб-ўпкаланганми, яна диваннинг бир четига хомуш ўрнашган эди.

— Сиз бугун идорага бордингизми? — сўради Ғозиддин ўзининг кайфияти тушиб кетганига ҳам, Санамжоннинг авзойи ўзгариб турганига ҳам эътибор қилмасликка тиришиб.

Санамжон бошини истар-истамас силкиди.

— Кимларни кўрдингиз идорада?

— Қодиржонни.

— Нима дейди Қодиржон? — ўзи истамаган ҳолда асабийлашиб, қизиқсинди Ғозиддин.

— Менга дунёда кимдир ачинадиган бўлса, шу одам ачинади...

— Икковларинг кейинги пайтда анча яқинмисизлар, дейман? — деди Ғозиддин кўнгли ғашланиб.

— Кейинги... эмас, кўпдан буён!

— Менга қўшилиб, бу кишим ҳам сизни айлантиряптими?

— Қани энди шундай бўлса! Улай агар, бир айлан, деса минг айланардим. Лекин ҳамма бало шундаки, Қодир ака сизга ўхшаган алдамчи, ифлос эмас-да! У киши дунёда айланишдан бошқа нарсалар ҳам борлигини яхши билади.

Шу сонияда Ғозиддинга жуда алам қилди. Кибор, мағрур Ғозиддинни шу пайтгача — ҳеч қачон, ҳеч ким бу қадар тупроққа қормаган! Омад бир кетса, ҳаммаёқдан кетишининг нишонасимикан бу?! Наҳотки, инқироздан қутулиб бўлмаса, қонуниятми — у?! Санамжон! Қодиржонни қўйиб, мени бошқа биров билан қиёсламайсанми, ҳеч бўлмаганда?! Мен сени барибир ёқтираман-ку, Санамжон!..

Ғозиддиннинг ҳозир айнақса Қодиржонни кўришга кўзи йўқ эди. Шу топда бошига тушган бутун фалокатга Қодиржон айбдордек туюлди. Рақиб эртанги мажлисда минбарга чиқиб қандай гапиришини тасаввур қилди, кўли беихтиёр мушт бўлиб тугилди. «Мен сени бир куни ернинг тагидан ҳам топиб оламан, ўчакишаверсанг! Тентаклик қиляпсан-да, бола!» — деган хаёлга борди.

Ғозиддин, Санамжон тўғрисида ҳам, менда эс бўлса, бу хоним билан муносабатни икки-уч йилга чўзмай, аллақачонлар тугатармидим, деб ўйлади. Унга аёл билан танишишдан кўра биттаси билан хайр-хўшлашиш анча қийинроқ, деган иборани эслаб, икки ўртада муносабат чуқурлашиб кетгани-ю, ҳозир норозиланиб, қанчалик сапчимасин, Санамжондан дарровгина узоқлашиб бўлмаслигини ҳам ич-ичидан ҳис этди.

— Биз нима алдамчилик, ифлослик қилипмиз? — деди фақатки озор чеккан кўйда.

— Билмайсизми?! Одам ўзини ўзи билмаса экан!

Ғозиддин бўшашиб, диваннинг иккинчи чеккасига чўкди. Улар бир оз жим қолишди.

— Майли, мен шунақаман! — деди Ғозиддин ниҳоят. — Лекин мен сизни бировага ёмонлаганим йўқ. Менимча, сиз идорага бориб, устимдан бировларга арз қилишингиз ҳам олижанобликка кирмайди...

— Мен бошқа нимаям қила олардим! — деб, ночорлигига иқрор бўлди Санамжон.

Ғозиддин ўйга чўмди. Аёл киши шу: дўппи тор келса, дугоналаридан тортиб учраган ҳар хил одамларгача сендан шикоят қилаверади! Бунинг олдини олиш учун Санамжонни шаҳардан четлатиш керак. Дарвоқе, пахта...

— Менга қаранг! Мен бугун сизни куни бўйи ўйладим, — бутун ақлу ҳушини йиғиб, узоқдан тўр ташлай бошлади энди Ғозиддин. — Ўзим учун оғир бир пайтда сизга, фақат сизга суянгим келди. Ҳозир гаплашаётган гапларимиз бемаънилик, чунки мен сизга барибир уйланаман, ўшанда иккимиз ҳам уялиб қолишимиз мумкин. Умуман, ҳозир бир-биримизни ҳақорат қилиш учун бу ерга келганимиз йўқ-ку, масалан, мен, ишонинг, кўксингизга бир нафас бош қўймоқчи эдим, овунмоқчи эдим, — унинг овози трагик актёр овозидек титраб кетди. Кейин, янги бир тўлқин билан, чиройли янграй бошлади: — Сиз ҳақсиз! Менинг гуноҳларим кўп! Айниқса сизнинг олдингизда гуноҳкорман! Ишда чиғалликлар борлиги ҳам тўғри! Лекин мен курашаман. Қандай бўлмасин, ўз ўзимни ўнглайман. Сиз менга озгина ишонсангиз бас! — Ғозиддин шу гап баробарида, аста-аста суришиб, Санамжоннинг ёнига бориб қолди, қизни яна елкасидан кучди. — Мен аввалдан аҳмоқ бир хотинга учраб, хонумоним барбод бўлмаса эди, бу кўйларга тушмасдим! Ҳозир сиз менинг ёнимда турмасангиз, арзимаган илтимосларимни бажариб, менга ёрдам бермасангиз, мен бошимни қайси деворга уришим керак! Жоним! Елгизим! Кечикиб келган бахтим! Мендан ҳамма юз ўгирганда ҳам, сиз юз ўгирманг. Унда менинг ўлганим яхши. Эй, бу қандай дунё... — Ғозиддин ўкириб, йиғлаб юборди.

Аёл киши аёл-да... Санамжон Ғозиддинни юпатишга тушиб, юзи, сочларини сийпалаганича, титраб-қақшаб, унинг бағрига кириб қолди. Кўзларида яна ёш йилтиради.

— Қайтиб сизга қаттиқ гапирмайман. Бўлди. Мен сизга нима ёрдам бера оламан, айтинг, қўлимдан келса... — пичирлади у.

— Пахтага борасиз, — деди Ғозиддин кўзларини артаётиб. — Биз юборган йигитча қайтиб келипти. У ҳам менинг обрўйимни тўкади. Сиз эртагаёқ бормасангиз, билмадим...

Санамжон бошига гурзи тушгандек, аллақандай гангиб қолган эди.

— Мен пахта теролмайман, — деди секин.

— Шарт эмас. Борсангиз бўлди. Ғалва чиқмасин учун... Мен бу ёқда ишларни тинчитиб, сизни олиб келаман. Кейин, бир-биримиздан ҳеч ажралмаймиз! Тамом! Бу гапни ортиқча чайнаб ўтирмаймиз! — Ғозиддин муҳр босгандек, Санамжонни нафас олдирмай, лабларидан ўпишга тушди.

Одатда бақалоқ хотиннинг бу хуфия уйига ҳеч ким келмас, ҳеч ким халал бермас эди. Лекин бугун... кимдир дабдурустдан эшикни кескин қокди.

Хотира

Ҳақназаров ҳеч қачон уларнинг уйига бежаврид қадам қўймасди. Унинг иши кўп, қолаверса, жуда иззатталаб одам — ҳатто ўз яқинларига ҳам ҳадеб кўринавериш, қадри тушиб кетишини истамайди.

Шуни яхши билганидан, ёз кечаларидан бирида, қоқ ярим тунда Ҳақназаровнинг остонада турганини кўриб, Ғозиддин ўзини йўқотиб қўйди.

— Да-да...

Ҳақназаров худди жин чалгандек индамай унинг ёнидан ўтиб, ичкари хонага кирди. Юмшоқ креслога вазмин чўкди.

— Совуқ чойинг йўқми, қизим? — сўради у ётоғидан кўзларини ишқаб

чиққан Ноиладан. Ноила чой кўтариб келгач, икки пиёла босим ичди. Кейин қизига: — Сен бор, дамингни олавер, мен ҳозир кетаман, — деди.

Ноила бир оз серрайиб туриб, орқага чекингач, эшикнинг ёнгинасида тиззаларини қучиб ўтирган Ғозиддинга қаради.

— Энг яхши кийимингни танлайсан. Мен совға қилган портфелга йўлга керакли нарсаларни солиб қўясан. Хў-ўп, эрталаб соат 5 да аэропортда Сайидобидхон билан кўришасанлар... — куёвидан мудом пул оладиган Ҳақназаров шундан сўнг қўйнидан бир даста йирик пул чиқариб, Ғозиддинга берди. — Буни чўнтагинга солиб қўясан. Қайтиб келганидан кейин оламан. Тушундингми?!

Ғозиддин ҳеч нарсага тушунмаган эди. Нега божаси билан дафъатан аэропортда учрашиши керак? Қаерга боришади? Нима учун?!

Аммо қайнотасининг жаҳли чиқишини ўйлаб, буни обдан суриштиришга ботинмади. Қўрқди. Лекин у хаёлида йўқ сафарга жўнаб кетиш ҳам ўзига ҳарқалай малол келаётганини яширолмади:

— Яхши-ку, да-да, мен эртага муҳим бир ишлар...

— Муҳим ишинг қайтиб келгандан сўнг бўлаверади, — ғижинди Ҳақназаров.

— Раисга бир оғиз хабар қилсам...

Ҳақназаровнинг энсаси қотгандек бўлди.

— Раис билади, — деди эзилиб. У ўрнидан туриб, эшикка йўналди. Остонада тўхтаб, Ғозиддинга қандайдир ўйчан қаради. — Юрган йўлингда маҳмаданалик қилаверма. Сайидобидхон кичик бўлса ҳамки, каттадек ҳурматини сақлаб, ундан ҳамма ишда андаза ол. Тушундингми?!

Ғозиддин бошини силкиди.

Бироқ қайнотаси кетгач, у ўзининг ёш бола ҳолига тушганидан нохушланиб, шунинг баробарида, олдингидан баттар ажабланиб қолди.

Умуман, Раънохон эрга тегиб, Сайидобид билан қариндош-уруғ бўлишгандан буён Ғозиддин сирли, мавҳум бир оламга рўпара келганди. Ҳақназаров энди бот-бот «тушундингми?!» дер, аммо ўзи унга ҳеч нарсани тушунтирмас эди. Ғозиддин қанчалик бош қотирмасин, барибир, нималаргадир ақли етмаётганини ҳис этар, бунинг нима эканини билмаганидан, тажангланарди.

Унинг учун биринчи навбатда Сайидобиднинг ўзи жумбоқ эди.

Илк қарашда оддий бир йигит. Отаси анча йил бурун вафот этган. Онаси — уйда ўтирадиган хотин. Уларнинг уй-жойи, туриш-турмушида ҳам ортиқча ҳашам, дабдаба кўзга ташланмайди.

Лекин Сайидобид эрга ўсган; кадр-қимматини яхши билган зиёли одамдек таассурот уйғотади. Унинг ўзини тутишида катта бир ишонч, қатъият барқ уриб туради... У ниҳоятда келишган, дилбар йигит. Дид билан кийиниб, ўзига гард қўндирмай юради.

Тошкентда бундай йигитлар минг-минглаб топилади. Уларни аксар ҳеч ким сариқ чақага ҳам олмайди. Сайидобид билан эса учраган ҳар қандай одам ҳисоблашмай бўлмаслигини дарҳол сезади. Унга ҳурмат кўрсатишга, унинг сўзини диққат қилиб эшитишга мажбур бўлади. Бу бояги ишонч, қатъият тўфайли, албатта!

Ғозиддин учун Сайидобиднинг бутун юриш-туриши ҳам жумбоқ.

Ҳаётда таниш-билишсиз яшаш қийин. Кўнгилдагидек кийинишни истасангиз ҳам, дурустроқ овқатланишни ўйласангиз ҳам ошна-оғайни асқотади. Хатто арзимаган сартарошхонага кирганда ҳам, сизни биров танимаса, кунингиз қўли ҳали қалтираб турган шогирд болага қолади... Ғозиддин буни билади. Ҳар ерда озми-кўпми ўртоқлари бор. Дўст орттиришга айрича эътибор билан қарайди.

Сайидобид, аслида олганда, Ғозиддинга ўхшаб қаердадир ақалли директор ҳам эмас, оддий бир институтда оддий бир ўқитувчи. Шунга қарамай, Тошкентда уни танимаган одам йўқ ҳисоби... Раънохоннинг тўйдан кейинги дастлабки кунлар Сайидобиднинг уйида унинг таниш-билишлари даврасини кўриб, Ғозиддин ўзини гўё машҳур қароқчилар орасига туйқусдан тушиб қолган жўн киссавурдек ҳис этганди. Уша даврада йиғилганлар кўпчилиги чўнтагига қўл суқмай туриб, юзта Ғозиддинни сотиб олиб, қайтиб пуллашга қурби келадиган кишилар эди. Гап фақат мол-мулкдами? Қанча донғи чиққан, шон-шавкатли

одамлар ҳам Сайидобидхон, деб қўл қовуштириб туришганини айтмайсизми!
Сайидобид касби-кори ҳар хил, турли-туман шахслар орасидаги мавқеи билан таниқли киноартист, таниқли шоирларни эслатади. Буниси майли. Кўпчилик ўша «таниқли»лар унинг олдида бўзариб, ранги-оҳанглари йўқотиб қўйишади. Сайидобидхон турганда, бизга йўл бўлсин, дейишади одатда. Қизиқ жойи шуки, ном қозонган олим Ҳақназаров ҳам бу ўқитувчи-куёви олдида талабага айланади. Қисинади.

Сайидобиднинг ўзи ҳам аломат-да! Шаҳарда у беҳабар қолган бирон катта воқеа, бирон маросимни топиш мушкул. Бундай жойларда савлатидан от ҳуркадиган арбоблар ҳам унга салом бериб, яхши кўрингилари келгандек, ҳазил-ҳузил гап қилишади. Мабодо Сайидобидни, қайсидир анжуманларда қатнашса қатнашибди-да, деб ўйлаган киши адашади. У шунчаки томошаталаб эмас. Сиёсатми, адабиёт-санъатми, спортми, барча соҳада бошқалардан кўпроқ нарсани билади, тушунади...

Ҳозирдин шулар тўғрисида ўйлаб, асабийлашиб, тажангланиб йўлга ҳозирлик кўрди.

У қушуйқу қилиб, эрталаб соат 5 деганда аэропортга етиб борди. Ҳаяжонланиб-ҳовлиқиб, барибир кечикканди. Сайидобид аэропорт эшигида икки йигит билан сўзлашиб, уни кутиб турар эди.

Йигитлардан бири Ҳозирдиндан ҳужжатини олиб, ичкарига кириб кетди. Кўп ўтмай, билет кўтариб чиқди. Кузатишга келган йигитлар билан хайрлашиб, учиш майдонига йўл олишганида, Ҳозирдин хаёлидаги нега, қаерга, нима учун, деган саволлардан бирининг жавобини аниқлади: божалар Бухорога кетишаётган экан!

У, Бухоро, деган сўзни эшитгач, кўнгли бир оз ўсгандек бўлди. Самолёт ёнига боришганда, тезроқ жой эгаллашни ўйлаб, олдинга суринди. Аммо шу пайт Сайидобид жилмайиб, уни секин енгидан орқага тортиди.

Улар ҳаммадан кейин самолётга миниб, охириги қатордаги ўринга ўтиришди.

Қаерга кетишаётгани маълум бўлгач, Ҳозирдин ўзича хаёлидаги бошқа саволларнинг жавобини ҳам тахминлаб, таскин топа бошлаган эди... Ҳаммаси энди тушунарли. Сайидобид янги куёв, бунинг устига, эрка. У Бухорони кўргиси келган. Ҳақназаров эркатой куёвнинг пойтахтда мавқеи борлиги билан Бухорода уни ҳеч ким танимаслигини инобатга олган, ёлғиз юбормасликка қарор қилган. Ҳозирдин эринармиди, божасини айлантиради, албатта. Бухородаги буюк обидаларни кўрсатади. Ёдгорликлар тўғрисида бир пайтлар Гулсара деган киздан ўзи эшитган қизиқарли нарсаларни унга айтиб беради. Қишлоққа боришмайди. Кераги йўқ. Лекин шаҳарни бир кун эмас, Сайидобид истаса, уч кун ҳам яйраб томоша қилаверишади! Ора-орада вақт топиб, Ҳозирдиннинг иш бўйича таниш-билишларига бирма-бир меҳмон бўлишади. Бухорода бундай ўртоқлар кўп! Сайидобид мамнун бўлса бас! Ҳақназаров шуни олдиндан очиқ айтса, ўлармиди! Сафарда икки божа сирдош бўлиб олишсин, кейин чолга нордон гап қилишни кўрасиз!..

Ҳозирдин самолётда божасидан, Бухорога биринчи боряпсизми, деб сўрагиси, Бухоро ҳақида суҳбатни бошлаб юборгиси келди. Бунга у бир неча марта шахд ҳам этди-ю, лекин ҳали самолёт ерга қўнмай туриб, миннат, ўз хизматини пеш қилиш бўлиб туюлмасин бу тағин, деб кўрқди. Афтидан, Сайидобиднинг суҳбатлашадиган кайфияти ҳам йўқ эди. Шу боисдан, Ҳозирдин бир-икки марта:

— Бухоро буюк шаҳар. Ёзда у ерда ҳаво Тошкентдан анча иссиқ... — қабилада тўнғиллаб қўйгач, сукутга чўмди.

Улар самолётга бошқалардан кейин чиқишгани бежиз эмас экан. Сайидобиднинг иродаси билан, самолётдан энди ҳаммадан олдин тушишди.

Ёз эканига қарамай қора костюм кийиб, бўйинбоғ таққан бир неча кишилар уларни кутиб туришарди. Булар ичида Ҳозирдин узоқ-яқиндан билган аллақандай раҳбарлар ҳам бор эди.

Сайидобидни, Бухорога ҳуш келибсиз, Сайидобидхон, толиқмадингизми, самолёт яхши учдимиз, деб илиқ, Ҳозирдинни шунчаки расмийроқ қаршилаб, уларни тез бир чеккада турган янги, чиройли машиналарга ўтиришга таклиф қилишди.

Ўйлаган ўйи тўзиб кетган Ҳозирдин гангиб қолган эди. Бирдан ҳамма нарса

қайтиб сирли, мавҳум тусга кирди... Бу ердагилар божасини қаердан билишади? Сайидобид шаҳар айлангани келмаган экан, хўш, унда қандай иш билан Бухорога келди? Унинг ёнида юрган Ғозиддиннинг вазифаси нимадан иборат?

Ғозиддин бу саволларга жавоб тополмади.

Сирасини айтганда, Бухорода жавоб топадиган бирон воқеа бўлгани, бу ерда аниқ бирон иш қилингани ҳам йўқ.

Улар ҳатто бундай шаҳарни ҳам айланашмади. Машинада тўғри аллақандай боққа олиб боришди. Кейин, кимнингдир уйига кириб-чиқишди. Кейин, яна қандайдир боққа қадам ранжида қилишди.

Уйда ҳам, иккала боғда ҳам тўкин дастурхон бошида ўтиришди. Дунё янгиликлари, турмуш, соғ-саломатлик тўғрисида барча давраларга хос йўсинда содда гурунглашишди. Сайидобид ким биландир «ота», «бобо», «гап, ўша гап», «шунақа экан» сингари Ғозиддин мағзини чақолмаган битта-яримта нарсаларни ҳам сўзлашганини ҳисобга олмаганда, асосан, суҳбатлар беозор ва ҳеч бир маъносиздек эди. Айниқса, ҳазил-мутойиба, аския гурунда кенг ўрин эгаллаганидан, мақсад қидиришнинг ўзи кишига ортиқча туюларди.

Ғозиддин бир-икки марта гапга аралашиб, мен сизларга ёддан шеър ўқиб берай, ёки, битта яхши монолог, дегиси, шундай қилиб, даврани чинакамига қизитгиси келди. Лекин у давранинг диққат-эътибори ўзига эмас, Сайидобидга қаратилганини ҳис этди. Бу нима бўпти, биров даврада Ғозиддиннинг ҳаттоки кимлигини сўрагани ҳам, унинг бухоролик эканига қизиққани ҳам йўқ. У бегона-сифат ўтирган жойда оғиз очиб, қовун тушириб қўйишдан кўрқди. Ғозиддин ўз-ўзича сизди: бу ерда у тўйга келган куёвтурадек бир одам, нари борганда, Сайидобиднинг шахсий қўриқчиси, адъютанти, холос. Шунинг ўзи унга шараф, эҳтиётсизлик қилса, охири ёмон бўлиши мумкин!

Кун шу алпозда ўтди.

Ғозиддин қайсидир район, қайсидир колхозга борса ҳам, одатда бир қути анор, бир қути узум, дегандек мева-чева, бир жуфт қоракўл тери, икки кийимлик атлас совға-салом қилиб, жўнатишарди. Шу боисдан, Сайидобиднинг бунча обрўси бор экан, қуюқ зиёфатлардан кейин совға-салом ҳам шунга яраша бўлса керак, менинг шуҳратли боғам ўлпон йиғишга келмаганмикин, деб ўйлади, ўзи ҳам қуруқ қолмасликдан умидвор бўлди.

Йўқ, кечга томон уларни машинада шунчаки яна аэропортга олиб келишди. Икки божа самолётга миниб, Тошкентга қайтишди...

Ғозиддин узоқ кунлар антика сафар таассуротида юрди. Кўрган-кузатганини қайта-қайта эслаб, наҳотки, Сайидобид фақат гурунглашиш учунгина Бухорога борган бўлса, деб ажабланди. У Сайидобид айтган битта-яримта мавҳум нарсалар устида ҳам бош қотирди-ю, аммо бу иш ортиқча даҳмаза бўлиб туюлди. Ҳар бир суҳбатдаги тушунмаган нарсангни сир-асрорга буркайверсанг, касбингни ўзгартиб, изқувар бўлишга тўғри келади!..

Кутилмаганда қозон қопқоғининг бир чети очилгандек бўлди.

Нимадир сабаб билан уни Ҳақназаров, муттаҳам, деб сўқди. У иззат-нафси оғриб, жаҳли чиқди. Сайидобидга тишингиз ўтмайди, мени ҳадеб ғажийверасизми, деди. Шунда Ҳақназаров баттар асабийлашиб, беихтиёр оғзидан гуллади... Ғозиддин ўзини Сайидобидга тенглаштириши-ҳеч бир қуюшқонга сиғмайди. Чунки, Сайидобиднинг отаси вақтида катта арбоблардан бирининг қалин дўсти, сирдоши бўлган. Уша арбоб Сайидобидга ёшлик йилларида аччиқ-чучукни кўп тоттишган ошнасининг фарзанди деб қараб, ишонч ва меҳр кўргизади.

Ғозиддин божасининг мавқеи боисини тушунди. Бухородаги сафар мазмунини ҳам тахминлади. Масалан, арбоб Бухорога йўли тушганида кимгадир махфийроқ бир гапни айтган бўлса, бунинг натижасини телефонда сўрамайди, ишончли одамни чопар қилиб юборади. Бундай чопарнинг иззатини бажо келтириш шарт. Арзимаган совға-салом бериш уни ҳақорат қилишга ўхшайди, унинг баҳосини ерга туширишга ботинадиган мард йўқ...

Эҳтимол, Ҳақназаров шунчаки алжиган бўлиши ҳам мумкин. Лекин аниқ гапни тўла-тўқис сўраб-билишга журъат қаёқда? Умуман, Ғозиддинга бунинг нима кераги ҳам бор?

Бу гаплардан сўнг Ғозиддин бир нарсага амин бўлди: унинг мансаби, даражаси ҳам, бойваччалиги ҳам, юрган йўлида кўрсатадиган «хунар»лари ҳам

ўзига яраша. Дунёда шундай катта даражали кишилар, шундай «ҳунармандлар» топиладики, одам баъзан заргар қаршисида синиқ чойнак-пиёлани чега-лаб ўтирган устага ўхшаб қоласан!

Воқеа

Махсумжон аканинг умри редакцияда ўтган. Узи катта хонани эгаллагунча, учта редакторнинг қўлида ишлаган. Улар бир-бирига ўхшамаган қизиқ одамлар эди.

Махсумжон ака оддий ходим бўлиб ишга келган пайтида газетани бошқарган киши ўта содда, хаёлпараст эди. Эрталабдан ходимларнинг барчасини тўплаб, тушгача бўлган-бўлмаган ҳар хил нарсаларни гапириб ўтиришни ёқтирарди. Масалан, у баъзан бундай ҳикоя қиларди:

— Кечқурун уйда китоб кўриб, чой ичиб ўтирсам, чойнинг бетида узун бир шама... Бизнинг қишлоқларимизда чойдан чиққан бунақа чўпни «меҳмон» дейишади. Чўпнинг чиқиши меҳмоннинг келишидан далолат. Албатта, биров келса, бош устига. Лекин уйда-доим ҳам шароит бўлавермайди. Шанба, якшанбагача келмай тургани маъқул, деб ўйлаб чўпни қўлимда эзиб, синдириб қўйипман... Тонг-саҳарда ёстиқдан бошимни кўтарсам, дарвоза тақиллаяпти. Ҳозимни ювиб, шошмасдан дарвозани очдим. Бунинг тўғри келганини қаранг, меҳмон!.. Бегона одам эмас, қишлоқдан ўз холам келган эканлар. Белларини ушлаб, инқиллаб туриптилар. Нима гап, десам йўлда эшакдан йиқилиб, беллари чиқиб кетипти...

Махсумжон ака кейинги редактор даврида бўлим бошлиғи бўлиб ишларди. Бу муҳаррир редакция билан ҳам, ходимлар билан ҳам деярли иши йўқ, анча беғам-бепарво киши эди. У ҳаммага, мен бўлмаганимда ҳам газета чиққан, мен бу ердан кетганда ҳам чиқаверади, деган гапни ҳар куни айтиб туришни яхши кўрарди. Астойдил шундай деб билгани учундир, кўпроқ вақти кўчада ўтарди. Иш пайти кинога, театрга бораверар, ўзи юргани майли, ёлғиз зерикиб қолмай, деб навбати билан бошқаларни ҳам кўчага судрагани-судраган эди... Унинг хотини Ҳамза номли театрда оммавий саҳналарда ўйнайдиган жўнгина актриса эди. Ойимчани бир йили тасодифан кинога ҳам таклиф қилишипти. Бу эр-хотин ҳаётида жуда муҳим воқеа бўлганидан, фильм чиққач, редактор бутун коллективни томошага олиб боради. Редакциядагилар ойимча бажарган ролни кўриб, бошлиқни табриклашлари керак, бу оддий бир лозимият эди. Лекин хоним кичик бир эпизодда қайсидир ташкилот раҳбарининг ўйнаши родини эплаган эканлар. Томошадан кейин, ҳамма эсанкираб қолди. Бошлиқни табрикламаслик ноқулай, табрикласа, шўрлик эрнинг ғашига тегиши ҳам мумкин. Йўқ, редактор феъли кенг одам эмасми, ўзи ўртадаги нохушлиқни тарқатиб юборди. «Эй, — деди у мийиғида ғарибгина кулиб, — бу, бизнинг ойимчани, яхши хотин, десам; ўйнашни ҳам қотирворипти! Талант!..»

Янги редактор келгач, Махсумжон ака яна ўсди. У бошда масъул котиб, сўнг бош редактор ўринбосари лавозимини эгаллади. Уни қадрлаб, ғамхўрлик қилган навбатдаги муҳаррир ҳам ёмон одам эмасди. Фақат, ҳар нарсага хаёли қочадиган, жуда эҳтиёткор эди. Одатда мақола ёки шеърда «бахт» деган сўз учраса ҳам, кўзойнаги устидан рўпарасидаги одамга қараб, қанақа бахт, деб сўрар, қўлига қизил қалам олиб, «замон бизга берган бахт» деб тузатарди. «Нуқсон», «қийинчилик», «оғир меҳнат», «яра», «беморлик» ва бошқа-бошқа минг-минглаб сўзлар, тушунчаларни у ҳазм қилолмас, улардан биронтаси босилишига йўл қўймасди. «Халқ дарди? Дарднинг нима кераги бор? — дерди у бўғилиб. — Ҳозирча буни қўйиб турайлик!» Бир гал редакциядагилар узоқ кулиб эслаб юрган бундай қизиқ воқеа рўй берганди. Ўтмиш рус адабиётидан таржима қилинган ҳикояни ўқиб, редактор: «Яхши. Лекин бунга ҳозир қурилаётган иккита комбинат тўғрисида икки оғиз гап қўшиш керак!» — деган эди...

Мана, ниҳоят Махсумжон аканинг ўзи редактор.

У ўз салафларини ҳар куни бўлмаса ҳам, кун ора эслайди. Кўп нарсаларни ўйлайди. Уша, собиқ редакторлар даврида ҳам газета ўзининг вазифасини ҳар қалай бажарган. Аввало, қандай одам бўлишмасин, шу редакторларнинг маълум хизмати барибир синганидан кўз юмиш инсофдан эмас. Бунинг устига, газета — ҳаёт ойнаси, коллектив ижоди маҳсули!

Хўш, Махсумжон ака қанақа редактор? Унинг фаолияти қандай?

У редакция ходимларидан ҳар бирига қаттиқ суянади. Унда кўзга яққол ташланган фазилат ҳам, қусур ҳам шундан иборат!

Кўпчилик — коллектив Махсумжон аканинг қўли остида ўзини эркин сезиб, кўнгилдагидек ишлар қила олади. Бу — яхши. Бироқ Махсумжон ака бирон бир масалада масъулиятни ўз буйнига юклагиси, охир-оқибатда жабрини тортгиси келмайди. Ҳар бир масаланинг икки томони — мақтов билан қалтислиги борлигини яхши билганидан, ҳеч ишга аралашмасликка ҳаракат қилади. Бу — ходимларнинг аксар сезмасдан хас-пўшланган чуқурга тушиб кетишларига сабаб бўлади. Махсумжон ака ҳамиша мақтов ёғилса ўзига олиб, ишқал чиқса ходимга юклаб, ишдан ҳайдашгача бемалол жазо бераверади...

У кўчадан келиб, кабинетида шуларнинг бари тўғрисида ўйлаб ўтирарди. Эшикда ингичка-ориқ котиба кўринди.

— Сизни Ҳақназаров деган одам кутяпти...

— Айтинг... — деди Махсумжон ака ҳамон ўйчан. Аммо ўзи ҳам ўрнидан туриб, таниш олимни қаршилагани эшикка йўналди. — Э, келинг. Келинг... — қўл олиб саломлашишгач, ўтиришга таклиф қилди Махсумжон ака.

Улар ярим соат чамаси ҳаётга, икковлари бирдек билган одамларга тегишли, ўзларига ҳеч алоқаси йўқ нарсалар ҳақида — худди уларга дахли бордек, берилиб, иштиёқланиб гаплашиб ўтиришди. Кўнгилчан бу суҳбат пайти ҳар қачонгидек Махсумжон акани битта сигарет чекиб ташлаш хумори тутди. У Ҳақназаров узатган кути билан гугуртни олиб, роҳатланиб чекди. Шундан сўнг, ўйланиб қолиб, гугурт билан сигаретни Ҳақназаровга қайтиб берганича:

— Хўш, бизга нима хизматлар бор? — деб фаромуш сўради.

— Хизмат эмас, арзимаган илтимос... — чайналди Ҳақназаров. — Бизнинг куёвни дўппослашган экан...

— Ким?

— Сизнинг болаларингиз, — газета ходимларини кўзда тутиб айтди Ҳақназаров. — Фельетон чиқяпти, деб эшитдик...

— Босилмаган фельетонни одамлар қаёқдан билади, — ҳайратлангандек бўлди Махсумжон ака. Кейин, гўёки асари чиқмаётганидан инжиётган ёзувчига далда бераётгандек оҳангда, кўшиб қўйди. — Бир-иккита фельетон бор, лекин босолмаяпмиз. Баъзан фельетон ҳам керак, албатта... — У бехосдан сергакланди. — Сизнинг куёвингизми? Сайидобидхонни ёзишиптими?!

— Йўқ. Каттаси. Ҳозир дегани...

— Э, яхши... — деди Махсумжон ака, бошқа куёви бўлса, Ҳақназаров ташвишланиб ўтиришининг ўзи ортиқчадек, яна осойишталик туйиб.

— Хатолар бўлган. Шунга қарамай, бу куёвим ҳам дуруст йигит. Сиз билан бир неча йиллик биродарлигимизни рўқач қилмоқчи эмасман. Ҳозир замон кўтармайди. Фақат болани майиб қилиб қўйишмаса...

— Ердам берамиз! — деди Махсумжон ака қатъий, Ҳақназаровга кўнгли ачишиб. — Мен шу ерда эканман, биронта асосланмаган, бемаъни фельетон босилмайди! — У ўйланиб туриб, ваъда қилгандек бўлмаин, деган хаёлга борганича, қўшиб қўйди: — Лекин биз редакцияда демократияга кенг йўл очиб берганмиз. Мен ходимларимиз билан бир гаплашиб кўрай-чи...

Ҳақназаров турли мавзудаги суҳбатларда доим кўнгилчанлик қилиб келган редакторнинг иш илтимосга келиб тақалганида, лоқайдлик кўрсатиб, ўзини олиб қочаётганидан озор чекиб, ранги-рўйи ўзгарган, кайфияти бузилган эди.

— Ҳарҳолда, мабодо босиладиган бўлса, мен беҳабар қолмай! — деди анча кескин.

— Э, албатта. Секин айтасизми?! — деди Махсумжон ака. У энди мавзуни ўзгартирди. — Сайидобидхонни бирон ойдан бери кўрмадим. Ўзи каттароқ давраларга бундай боролмаяпман. Иш кўп. Уйга бориб, ишга келиб, вақт ўтаверар экан... — Махсумжон ака, гап тамом, дегандек ўрнидан турди. — Бизга бир нарсалар билан қатнашиб туринг. Газетанинг обрўси.. Куёвга биздан салом айтиб қўйинг!.. (Бу, албатта, Ҳозирнинг тааллуқли эмас!)

Ҳақназаров чиқиб кетгач, Махсумжон ака яна ўйга чўмди. Ўзича, редакторлик нақадар оғир иш, деган хаёлга борди. У, мenden олдинги муҳаррир-

ларга ҳам қийин бўлган экан-да, деб ўйлади. Сўнг, эринибгина стол остидаги тугмани босди.

— Секретарь билан Абдуғанини чақиринг, — деди эшикда кўринган котибага. Масъул котиб билан Абдуғани хонага узун-қисқа бўлиб киришди.

— Ҳалиги директор тўғрисидаги фельетон қанақа аҳволда?

— Тайёр, — деди Абдуғани шошиб.

— Сиз бир кўздан кечиришингиз керакмиди? — чайналди масъул котиб. Махсумжон ака уларга, ўтиринглар, деган мазмунда имо қилди. Ўзи телефон трубкасини кўтариб, рақам терди.

— Шариф Рустамович! Яхшимисиз? Мен бояги директор масаласи... Эртагами? Ҳа, яхши. Айтаман. Ургансин... Йўқ, ҳеч кимдан кўрқмаймиз. Биз ҳақиқат тарафдоримиз. А, бўпти...

У трубкани ўрнига қўйиб, Абдуғанига қаради.

— Эртага ташкилотда муҳокама экан. Аввалдан охиригача ўтириб, одамларни эшитиш керак. Пишмаган овқатни сузмаган маъкул. Нима қилганда ҳам, сен бу ишга бошинг билан жавоб берасан...

Хотира

Беморлар эндигина тушлик қилишган, куппа-кундузи эканлигига қарамай, хоналарда ҳам, узун йўлакда ҳам чироқлар ёқиб қўйилган эди.

Бошқа кунлар бундай пайтда беморларнинг кўпчилиги касалхона ҳовлиси-га чиқиб, бир соат-ярим соат айланишарди. Ҳозир эса ҳаво айниганидан, ҳамма ичкарида биқинган, иши борми, йўқми, шиппагини судраб, йўлакда у ёқдан-бу ёққа юргани-юрган эди.

Ноила ўз-ўзидан асабийлашиб, дераза олдида, бўм-бўш ҳовлига тикилиб турарди.

Яланғоч дарахтлар шамолда дийдираб, вазмин чайқалар, шохлардаги сўнги барглар қалт-қалт титрар эди. Ерга битта бўлиб тўшалган сариқ-қизғиш баргларнинг энди ранги ўча бошлаган, уларнинг куни битганидан далолат бериб, ана-мана ёмғир эзиб ёғадигандек.

Дераза олдида қанча серрайиб қолганини билмайди, бир маҳал хона торлик қилаётгандек бўлди. Буниси майли. Унга негадир ёмғир бошланса бас, селга айланиб, касалхонани, бутун одамларни, ҳовлидаги дарахтларни — ҳамма нарсени ювиб, аллақаяёққа олиб кетадигандек туюлди. Бу ерда узок турмаслик керак, деб ўйлади ўзича.

Шошиб орқага ўгирилди. Илгакдан пальтосини юлқиб елкасига ташлаганича, иккинчи қаватдан пастга — касалхона ҳовлисига тушмоқчи бўлди. Аммо хона эшигида кимдир унга тўқнашди.

— Бир ёққа кетяписизми, Ноила Жумаевна?

— Ҳозир келаман, — қизнинг кимлигига эътибор қилмай, унинг юзига қарамай, деди Ноила. Ўзича нечундир, уни алдаяпман, келиб бўпман, деб ўйлади.

Узун йўлакда унга яна қандайдир ҳамширалар, беморлар тўқнашишди. Уларга ортиқча аҳамият бермай, ўзича бундай хаёлларга борди: «Мен қанча курашмадим, шу касалхона сонга кирсин, деб! Фойдаси бўлмади. Аҳмоққа ўхшаб бир ўзим югурганим қолди, чунки ҳеч кимнинг жони ачимайди! Ҳамон эски ҳаммом, эски тос... Халатлар, пойжомалар йиртиқ-сиртиқ. Баъзан чойшабларга қараб бўлмайди, кўрпа-ёстиқларни-ку, қўяверасиз. Ҳамширалар кўпол, худбин, манфаатпараст...»

Ниҳоят йўлак охирига етиб зинадан тушаётганида, Ноила қандайдир йигит-қизлар темир тутқичга осилишиб, ҳиринглашиб туришганини кўрди. «Бир бўлимнинг ярми ёлғон касал. Пахтага бормасдан, дам олиб ётган эркак-тойлар... — хаёлидан кечирди у. — Ҳаммаси ўз боласини ўйлайди. Бошқаларнинг боласи ҳам одам, далада юрипти-ку лой кечиб, демайди. Бош врач сотилиб, дуч келган каттароқ кишининг олдида қалтирамаса экан! Мана, натижа... дард қаёқда, барваста йигитлар, лорсиллаган қизлар! Ҳўп, ётишга ётипсан, ҳеч бўлмаса, муттаҳамлигингни билиб, озгина истиҳола қилсанг. Йўқ, бош осмонда, тил бир қарич. Йўлакда ярим кечагача телевизор кўриб ўтиришади. Соат 12 дан кейин минг амал-тақал билан палатага ҳайдайсан... — Ноила ташқари

эшикка етганида, ўзича ўйлашда давом этди. — Хўп, бу ҳам гўрга... Шу ҳовлига кундузи ҳаво бузилганда биронтаси чиқмайди. Лекин кечаси бўрон турмайди-ми, иккитадан бўлиб айланишгани-айланишган. Касалхона эмас, сайргоҳ. Пичир-пичир, шивир-шивир... Врачларни нуқул ёмонлашади. Тўрт мучали соғ безбетларни кўравергач, юз қотади-да. Қўл ишга бормай қолади. Кўнгил совийди!..»

У боягина ўзи деразадан кўрган хазонларни аллақандай четлаганича эҳтиёткор босиб, дарахтзордаги йўлка бўйлаб тўғрига қараб кета бошлади. Киши уйда юрагинг қисилса — ишда, ишда юрагинг қисилса — уйда овунишинг керак. Бирон ерда хурсандчилик бўлмагач, асабларинг беихтиёр қақшайди.

Ноила сўнгги пайтлар уйдан ҳам, ишдан ҳам қочиб, аллақаёқларга бош олиб кетгиси келарди. Кетмоқчи бўлиб, қаёққа кетмоқчи эканлигини эса ўзи ҳам билмас эди.

Йўлка уни касалхона дарвозаси этагидаги яланг майдончага юзлаштирди.

Агар майдонча бўш, дарвоза очик бўлса, у кўчага йўналиб, кўчада ҳам боши оққан томонга шуурсиз ҳолатда илдам юравериши мумкин эди. Лекин шу асно қоровулхона эшигида икки йигит чекишиб, гаплашиб туришганини кўрди. Бунинг устига, дарвоза ҳам берк эди.

Йигитлардан бири — ишга янги келган қоровул. Аммо яхши кийиниб, ўзини сипо тутиши биланми, қоровулдан кўра кўпроқ зиёли одамларни эслатади. Бу йигитни биринчи кўрганида, Ноила негадир, Сайидобидга ўхшайди, деб ўйлаганди. Йигитга кўзи тушиб, ҳозир яна шундай хаёлга борди.

Қоровул Сайидобидни, Сайидобид Раънони, синглиси эса, бўш вақт топилдими тенг-тўшдек етаклашиб юрадиган — Динорани ёдига солди. «Динор! Мен кетяпман, қизим! Уйдаги шароитни ўзинг биласан. Уч киши уч бурчакни эгаллаб олганмиз. Ҳар ким мустақил бир мамлакат. Биримизнинг кўнглимиздаги дардимиз бошқамизни қизиқтирмайди. Ортиқ бундай яшаш мумкин эмас! — ўйлади ўзича Ноила. — Олдинлар ишга жонимни бериб, ҳарҳолда алданиб юрардим. Энди бу ердаги аҳволни ҳам кўриб турипсан. Тузатаман, деб ҳеч нарса тузатиб бўлмади. Кундан-кунга иш расво... Бемаъниликдан тўйдим, чарчадим, қизим!..»

Бироқ шуларни ўйлаш баробарида қаёққа кетаётганининг аҳамияти йўқлигини ҳис этгандек, дарвозадан чекиниб, ён томондаги йўлкага бурилди. Кўча қолиб, касалхона ҳовлиси тўрига, орқа деворгача ястанган қуюқ дарахтзорга қараб юрди.

Атроф баттар қоронғилашиб, ёмғир томчилай бошлади.

Ноиланинг ўз-ўзига раҳми келиб, кўзлари жиққа ёшга тўлган эди. Юзига шамол келтириб урган ёмғир билан кўзёшлари қўшилиб, қоришиб кетди. У, ёмғир селга айланса бўлди, кейин ҳаммаси тамом, деган ўйга борди ўзича яна.

Кўз ўнгида Ғозиддин гавдаланди. У энди хаёлан эрига мурожаат қилди: «Сиз нимаики иш бўлса, уйим деб, яхшироқ яшайлик, деб урингандирсиз балки! Мана, уйда ҳамма нарса етарли, лекин бахт кўринмайди... Сизга баъзан кўнглим ачийди, лекин кўпроқ нафратланаман. Орада муҳаббат аллақачон туганган. Гуноҳи сизнинг бўйнингизда, менинг туйғуларимни сиз ўлдирдингиз!.. Хўп, мен кетмасдан нима қилишим керак?! Уйда ҳам, ишда ҳам кўпдан буён ақалли бундай бир оз севинишни эсдан чиқариб қўйдим. Ўзи касалхонадан одам суюнч қидирмайди, лекин бажараётган ишинг халққа кераклигини билиб, сал мамнуният сезсанг қани! Ҳеч бўлмаганда ўз уйингдаги хурсандчиликни бу ерга кўтариб келсанг. Ҳаммаёқда куним сиздек бедаво кишиларга қолди!..»

Ёмғир кучайиб, тарсиллатиб қамчилай бошлади. Бироқ Ноила аниқ манзилни кўзлаган йўловчидек, бунга парво қилмай, йўлкада ҳамон илдам босаверди.

Унинг кўзёшлари ёмғир билан қоришгани сингари, хаёлида ҳам қоровул йигит, Сайидобид, Раъно, Динора, Ғозиддин — барчаси гўёки аралаш-қуралаш бўлиб кетганди. Бехосдан бошқа бир қиёфани эслади. Эслади-ю, дарҳол унуттишга уриниб, атайин яна ўз яқинлари тўғрисида ўйламоқчи бўлди. «Раъно бахтлимикан?! Ҳозирча у менга нисбатан бахтли, лекин кейинроқ-чи? Кейин нима бўлади?»

Шу дамда Раъно билан яқинда қилган суҳбатини эслади:

— Сен эринг билан гапларинг қочмайдимми?

— Йўқ, — кулди Раъно. — Эр-хотин уришиши учун, масалан, эр дегани уйда бўлиши керак. Бу киши кўпинча саҳарда уйдан кетиб, ярим кечада келади...

— Нега ундай?

— Иши кўп, ҳар хил таниши кўп...

— Сен бундан инжимайсанми?

— Нима ишим бор! Мени яхши кўрадим, бўлди, юраверсин...

— Қайнонанг билан куни бўйи икков жиқиллашиб қолмайсанларми?

— Йўқ. Қайнонам менинг устимда ўлади...

— Сен бирон ерда барибир ишлашинг керак. Еш нарса, уйда ўтираверишинг ярамайди, — деди Ноила. — Ҳеч бўлмаса, ўзинг ишлаган боғчага қайтиб бор.

— Боғчани бошимга ураманми! Мен уйда ўзим боғча очмоқчиман?

— Уйда?

Раъно кўзини қисиб, шўх кулди:

— Ҳа. Шахсий... қўлбола...

— Қўйсанг-чи, — уни койиди Ноила. — Она ўламан демагунча бола туғилмайди. Сен бу ишни ҳазил деб ўйлама...

— Ҳазили борми? Бир этак бўлмагунча, қўймаймиз. Хўжайин билан шунга қарор қилганмиз... — завқланиб кулди Раъно...

«Ҳа, у ҳозирча бахтли... — хаёлидан кечирди Ноила. — Лекин Сайидобидхон суянган тоғлар бир куни емирилиб, Раъно мендан кўпроқ бахтсиз бўлиши ҳам мумкин. Омади келсин, ишқилиб!.. Нима қилганда ҳам, болани кўпайтирмаган дуруст... Ахир, инсон бахт учун туғилади, болаларни бахтли қилиш эса қийин... — Ноиланинг хаёли яна беихтиёр Динорага кўчди. — Мен кетгач, бурнидан нари ёқни кўрмайдиган ота билан қолиб, Динора нима қилади?! У қандай яшайди?! Унга ота-онам қарашадиган бўлишса, бу ҳам бир бало... Улар болага бахт беришолмайди... Бундай одамларнинг ҳаммасидан болани асраш керак!..»

Ноила қанчалик уринмасин, хаёлидаги қиёфани унутолмаган эди. Уша — олис бир қиёфа энди аксинча яқинлашиб, унинг кўз ўнгига қотди.

Бу ким эди ўзи?.. Врачлардан, болаларни муолажа қиладиган врач...

Министрлик биносида биринчи марта кўришишганди шекилли... Барча врачлар қатори бир-бирлари билан шунчаки саломлашишди. Кейин, мажлис бўлиб, тасодифан ёнма-ён ўтириб қолишди. Келишган, хушчақчақ, афтидан, самимий йигит!

Соғлиқни сақлаш министрлиги комиссиясида болалар касалхоналарини кўраётганда, улар яна тасодифан... шунчаки иш юзасидан гаплашишди. Ноила йигитга яхши кўрингиси келгани йўқ, ўзи уни сийлагани ҳам йўқ, аксинча, камчиликларни очиб, анча кескин гапирди...

У йигитнинг ақалли исмини ҳам билмайди. Бир эшитдию унутди.

Фақат хайрлашганда қўл қисишиб, икковлари ҳам негадир қизаришганди...

Дунёнинг ишлари ғалати! Йўлкада, шариллаб қуяётган ёмғир остида кетаётган Ноила ҳозир ўша йигитни кўргиси келди. Кўриш ҳам гапми, йиғлай-йиғлай унинг кўксига бошини қўйгиси келди...

У ўз хаёлидан ўзи қўрқиб, даҳшатга тушди. Бирдан хушёр тортди.

Бошини кўтариб, нима учундир касалхона биноси эшигида турганини пайқади. Дарвоқе, Ноила қадам қўйган йўлка айланиб иккинчи томондан бинога келиб туташади.

«Аёл киши баъзан эркаланишни истайди, анчайин меҳрга зор бўлади. Бахтсизликдан толиқади. Бу ҳаммаси шунинг оқибати! Яхши эмас! Ўзингни қўлга ола билиш керак!..»

Шуларни ўйлаб, у ҳамон даҳшат туйганича, ўзини бино ичкарисига урди. Худди юриб-юриб, ниҳоят манзилига етгандек, шошиб югурганича, иккинчи қаватга кўтарилди.

Воқеа

Шариф Рустамович аввалдан Қобуловни хуш кўрмаса-да, Маданият уйида ишнинг бу қадар дабдала эканини хаёлига келтирмаганди.

Кеча халқ контроли комитетидан жўнатишган ҳужжатларни кўздан кечириб, раиснинг эси чиқиб кетди. У Ғозиддинни ҳузурига чақиртирди.

Ғозиддин раис узатган қоғозлар билан шошмасдан танишди. Ҳужжатларда Маданият уйининг директори 10 минг сўм пулни нотўғри харжлагани, саҳна усталари, рассом, музика раҳбари ва бошқа айрим ходимларнинг ҳам гарданида давлатдан 4 минг, 2 минг сўмлаб миқдорда қарз борлиги очиқ-ойдин белгилаб қўйилган эди.

— Пулни тўлашга тўғри келади. Кейин, аризангизни ёзсангиз, — деди Шариф Рустамович қисқа.

— Ҳа, албатта, — деди Ғозиддин ўйчан. — Мен шундай бўлишини билгандим...

— Нимани билгандингиз?

— Янги раҳбар эски одамлар билан ишлагиси келмайди. Эсингизда бўлса, сиз мени биринчи учрашган кундан нохуш қабул қилгансиз...

— Эсимда, — деди Шариф Рустамович. — Мен сизни ҳозир ҳам хуш кўрмайман. Чунки, товланиб-турланадиган одамни ёқтирмайман. Сизда шу хислат бор. Лекин, ишонинг, менинг сизга ҳеч қандай шахсий адоватим йўқ...

— Қўйсангиз-чи, оқсоқол, — жеркинди Ғозиддин. — Ахир, аҳволнинг ёмонлигини ҳисобга олмай, комиссия чақиртирган сиз ўзингиз эмасми?

— Мен, — деди раис. — Сизнинг раҳбарлигингизда иш қайси даражага бориб қолганига яхши тушунолмаганимдан кейин...

— Тушунмасангиз, биздан сўранг эди! Мен Наполеон ҳам, Искандар ҳам эмасман, деган экан бир шоир. Камчиликсиз иш бўладими! Ҳисоб-китобда хатога йўл қўйганмиз. Гоҳ тажрибасизлик, гоҳ шошқинлик қилганмиз! Йигирма йил бошқача ишлаган идорани олти ой ичида янги изга солиш осон эканми? Бунинг устига, ўйласангиз, ҳозир кечаги, бугунги ҳаётни эртанинг қаричи билан ўлчаётми одамлар! Бу, ахир, инсофдан эмас-да, оқсоқол!..

— Ишдаги нуқсонлар билан олғирликни адаштирмаслик керак! — деди Шариф Рустамович. — Сиз учун ҳозир энг яхши йўл — ариза ёзиш.

— Мен ёзмайман! — деди Ғозиддин асабий. У ўрнидан шарт туриб, юзига отаси тарсаки тортганидан ачиқланган боладек, хонадан чиқиб кетди.

Шариф Рустамович чуқур ўйга толиб қолди.

Бир томондан, кечаги кун турмушнинг ўзи кадрларни ҳар ер-ҳар ерда, маълум даражада «майиб» қилгани. У яқиндагина қайсидир газетада ўқиган латифанамо воқеани эслади...

Цех бошлиғи корхонада инженерни қидириб-топиб, эртага кичик бир мажлисимиз бор, дейди. Инженерга мақсад-муддаони тушунтиради:

— Бош директор бизга ҳар кун келавермайдилар, биласан. Эртага мажлисда қатнашмоқчи. У киши чиқиб гапирдилар. Кейин, сен чиқиб, қисқача, яхши гапирдингиз, тўғри гапирдингиз, дейсан...

Инженер ишшайди:

— Мабодо ... у киши тўғри гапирмаса-чи?

— Барибир шунақа дейишинг керак. Бўлмаса, нима қилиб ишлаб юрипсан бу ерда?!

Яна бир ёмон жойи — арзимаган мансаб эгаллаган одамнинг Шариф Рустамович эслаётган даврда шаклланиб, қинғир-қийшиқ иш тутишни энди оддий, табиий нарса деб билгани... ҳамма шундай яшайпти-ку, деб ўйлашга одатлангани. Ғозиддинга ўхшаган киши айбдор эканини боши тошга текканда ҳам ростакамига англамаслиги...

Шариф Рустамович Ғозиддинга нисбатан каттароқ раҳбар бўлгани учунми, унга нисбатан кескинроқ муомала қилмадиммикин, деб ҳаттоки кўнгли ачигандек ҳолатга тушди...

Бу ҳақда ўйлагиси йўқ эди. Ташкилот катта: раис фақат Маданият уйи билан шуғулланса экан! Мингта ташвиш...

Аммо бугун эрталабдан яна унинг хаёлини Қобулов эгаллади. Режиссёрлар Ато билан Самар кириб, директор масаласини ноғора қилишди. Бунақа одам қанча зудлик билан биздан кетса, шунча яхши, уни аллақачон ҳайдаш керак эди, дейишди. Шариф Рустамович уларнинг гапини эшитиб, Фозиддинга яна бир оз ачинди. Ёнингда дўстинг йўқ экан-ку, йигит, деб ўйлади. Нима ҳасратларинг бўлса, эртага муҳокамада айтасанлар, деди. Ким директорнинг фаолиятини дурустроқ билади, деб сўради. Режиссёрлар Аброрни тилга олишди.

Раис Аброрни суриштириб, тополмади.

У бошқа ишларга шўнғиб, Маданият уйига тегишли бутун даҳмазани унута бошлади. Бироқ...

Шариф Рустамович анчайин қайсар одам! У бировдан ўзи ёрдам сўраши мумкин... кимнингдир маслаҳатига қулоқ солишни жинидан баттар ёмон кўради.

Кутилмаганда унга хотини қўнғироқ қилди.

— Ишим кўп, қисқароқ... — талаб қўйди Шариф Рустамович.

— Кечқурун гаплашсак ҳам бўларди, — гапни барибир чўзди хотини, — лекин ғашланиб, хаёлим қочди... бизнинг бўлим бошлиғимизни кеча безорилар ўласи қилиб уришипти кўчада тутиб...

— Хў-ўш? — давом эттир, деган мазмунда сўз қотди Шариф Рустамович.

— Бошқармадан иккита одам ҳайдалгани учун... дейишяпти. Ўшаларнинг қўли бор, ўч олишган дейишяпти...

— Буни менга ҳозироқ айтиб қўйишни сенга биров ўргатдими ёки ўзингми?!

— Ўзим. Хаёлим қочиб...

— Хаёлинг ҳадеб қочавермасин. Унинг ўрнига ишингни қил! — деди Шариф Рустамович кескин. — Бошқа гапинг йўқми?

— Йўқ, — деди хотини унга бўшгина.

Орадан ярим соат ўтмай, котиба яна телефонни улади.

— Алло... Шарифжон, азизим... Дурустмисиз?

— Раҳмат...

— Танимадингиз-а? Бу — мен, Раҳим Ғуломович... Салом!

— Салом алайкум. Яхшимисиз, Раҳим Ғуломович? — сўрашди раис имкони борича мулоим бўлишга тиришиб. Аммо ўзи ташкилотда деб ўйлаганича, ғашланган эди.

— Биз энди ўтин билан кўмир бўлармидик! Муҳими, сиз қийналмаяпсизми, жигар?! — жуда самимий, эшилиб деди Раҳим Ғуломович.

— Ўзингиз қолдирган дўкон... Амаллаяпмиз! — кулди Шариф Рустамович.

— Мен шундай бир аҳвол сўраб қўйгим келди, — деди қария янада юмшоқ кўйда.

Шариф Рустамович алланечук эзилди. Одамларга расмий муносабатда бўлиш ҳам эви билан-да! Аввало, бу қариянинг ўрнида ишлаётгани учун ҳижолат чекавериши ортиқча. Ундан ташқари, доим ҳам косанинг тагида нимкоса йўқмикан, деб хавфсирайверишнинг нима кераги бор! Ҳозир асабийлашиш инсофдан эмас!

— Э, нимасини сўрайсиз, ака, — деди у бир оз ёзилиб. — Ҳар куни бир ўзгариш. Комиссиябозлик. Иш кўп... Унинг устига, ана, ташқарида қор уриб ётипти. Биласиз, пахта пайти. Ўқувчи болалар пахтада...

— Ҳа, бу қор... — Шариф Рустамовичга қўшилиб эзилгандек бўлди Раҳим Ғуломович. — Битираётган, иш ўрганаётган ўқувчилардан энди яна юборишга тўғри келса керак...

— Шунга ўхшаяпти...

Улар жилла сукутга чўмишди.

— Мен бир нарсани билмоқчи эдим. Ўзим учун... — деди ниҳоят Раҳим Ғуломович. — Бу, ҳозир ким Маданият уйида директор? Оти нимади, бир бола бор эди... ўшами ёки бошқа янгисими?!

— Нима десам экан... — чайналди Шариф Рустамович. — Янги директор қўйишдан олдин бунисининг масаласини ҳал қилиш керак. Токи, янгиси қандай

ишлашни билсин. Маданият уйида аҳвол яхши эмас... — Шариф Рустамович бунӣ беихтиёр айтди-ю, кейин бирдан оғзидан гуллагани, шум чолнинг узоқдан ташлаган тўрига лаққа илинганини ҳис этди.

— Сизга қийин, биз йўл қўйган нуқсонларни ҳам тузатишингиз керак, — деди Раҳим Ғуломович ҳамон содда, самимий оҳангда. — Лекин ўзингизни ҳам эҳтиёт қилинг. Мен сиздан уч-тўртта кўйлак кўпроқ йиртганман, биз ҳамма нарсани кўрганмиз, жигар. Узингга дунёда душман орттиришдан ёмони йўқ. Бу болалар, ўйиндан чиқариб юборсангиз, ҳеч нарсадан қайтмайди, азизим, мен биламан... Биз учун сизга ўхшаган лаёқатли одамнинг саломатлиги муҳим! Майли, вақтингизни олганимга хафа бўлмайсиз. Сизга эзгу тилаклар!.. — Қария трубкани ўрнига қўйди.

Қўнғироққа қўнғироқ гўёки уланиб кетди. Навбатдаги киши — Бурҳон Тиллаевич экан. Буниси анча лўнда гап қилди.

— Қобулов ишдан кетаётган экан. Бу масалада сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим...

— Эртага муҳокама қиляпмиз...

— Сизнинг ўз фикрингиз йўқми?

— Менинг фикримча, бунақа одамни бўйнига уриб, ҳайдаш керак. Умуман, идеология соҳасига яқинлаштирмаслик керак, — деди Шариф Рустамович, жаҳли чиқиб.

— Ие, қизиқ-ку! Фестиваллардан бир арава соврин келтирган одамни-я!

— Иш бўлмагач, кимга кераги бор ёлғон совриннинг!..

— Хўп, муҳокама қилинглар, мен қарши эмасман. Лекин ишни органларга ўтказиб юрманг. Сизда нима кўп — ўқув жойлари кўп, биронтасига директорми, ўринбосарми қилиб қўйилса... Бу фақат менинг фикрим эмас, Турди Баҳриевич билан ҳам гаплашганмиз. Шу. Ҳарҳолда, Қобулов қўлидан иш келадиган кадр, уни хўрлаш ярамайди...

Трубкани ўрнига илгач, Шариф Рустамовичнинг энсаси қотди. Атрофдаги одамлар, ташкилот раисининг қўлидан ҳамма иш келади, деб ўйлашади. Ундан каттароқ шахслар уни баъзан қўғирчоқ ҳолига солишга уринишини ҳеч ким билмайди. «Йўқ, менга шу иш топширилдими, қўйиб беринглар, биродарлар, ҳар нарсага аралашаврманглар, — деб ўйлади раис. — Энди бу масала принцинга айланди. Жанжал чиқиб, шу масала учун ишдан кетадиган бўлсам, бемалол... кетавераман!»

Хотира

...Халқободга Усмон Юсупов келиши ҳақидаги хабар кутилмаганда тарқалди.

Кўпчилик, ота машҳур одам, арбоб, бу ерларга чўкиб, бошини эгиб келаётган бўлса керак, деб ўйлашди. Ҳамма Усмон ота билан бирга бел боғлаб ишлашдан кўра, уни аяб-суяб, астойдил таскин-тасалли бериш пайига тушган эди.

Йўқ, аввал хабари келгани каби, Усмон Юсуповнинг ўзи ҳам Халқободга кутилмаганда, эски машинада, дала айланадиган одми кийимда келди. Отанинг ўзини тутишида, «урилган» деб аталувчи одамларга хос қисиниш, саросималанишдан асар кўзга ташланмас эди. У бардам, осойишта, чинакам ишчан кайфиятда эди.

Усмон отанинг атроф-кенгликка қараб айтган биринчи сўзлари шундай бўлди:

— Халқимиз — боғбон халқ. Бу ерларни боғ қиламиз. Узоқ-узоқлардаги одамлар ҳам мевасини татиб, нуқул Ўзбекистонни эслайдиган боққа айланади бу ерлар...

Ушанда Шариф оддий қишлоқ ўқитувчиси эди. Кейин мактаб директорлигига кўтарилди. Сўнграқ, партия ишига ўтди, ихтисос эгаллаб, турли ерларда ишлаб чиқариш бўйича раҳбарлик қилди.

Шарифнинг тез суръат билан лавозимдан лавозимга ўтиши — тасодифми, қонуниятми?! Аслида, уни яхши кўрадигандан яхши кўрмайдиган кишилар кўп эди. У ҳақда: «Ишнинг кўзини билади, ташкилотчи, куюнчак... фақат харак-

тери бир оз чатоқ!..» дейишарди. Ҳақиқатан ҳам, Шарифни ҳамма билан жилмайиб, мулойим, бир хилда муомала қилишга ўргатиш ўлимдан қийин эди. Катта мажлисларда баъзан бир четда тумтайиб жим тураверарди. Қайси лавозимга тайинланмасин, ишни: «Бу курсига ёпишиб олиш йўқ, чўнтагимда аризам ёзиғлиқ, отамнинг уй-жойи бор, истаган пайтда Халқободга кетаман!» — дейишдан бошлар эди.

Гоҳида йиғинлардан чиқиб, Шариф Рустамовични «қовун туширди» дейдиганлар топиларди. Гап шундаки, у аксар йиғинни расмийат юзасидан ўтказаетганларга малол келадиган нарсаларни дабдурустан ўртага ташларди.

Бир гал қайсидир район марказидаги ҳашаматли саройда колхозчилар, совхоз ишчиларига илғор кўрсаткичларга эришганликлари учун ҳар хил мукофотлар, нишонлар топширилган, Шариф Рустамович сўз олиб, бундай маъруза қилганди:

— Уртоқлар! Мукофот олганларни табриклаш керак, албатта. Ҳаммаларингни чин қалбдан табриклайман! Лекин... мен ҳозир бир нарсани кузатдим. Бировга мукофот топширилаётганда, залда ўтирганлар деярли қарсақ чалишмаяпти. Уч-тўрт киши кафтини бир-бирига урганини ҳисобга олмаганда, худди шундай. Мен, нега бундай, деб ўйладим. Кейин, тушундим. Ўзбекчилик... Тўпланганлар барчаси бир бошдан мукофотланаяпти, кимгадир қарсақ чалса, менга сен ҳам чал, деган маъно чиқади. Оддий халқнинг камтарлиги, нақадар истиҳолали эканини қаранг!.. Мен айтмоқчиман, келгусида бундай маросимларни бошқача ўтказиш керак. Аввало, мукофот оласан, деб узоқ-яқин қишлоқлардан одамларни овора қилиб чақириш шарт эмас. Оёғимизга чипқон чиққани йўқ, раҳбар ходимлар ўзимиз ўша қишлоқларга борганимиз дуруст. Ундан ташқари, мукофотни топшириш... масалан, қишлоқдаги мактабда, ўқувчилар олдида маросим ўтказилса! Болалар ўз ота-оналари меҳнати шарафланганини кўриб фахрланишса, гувиллаб қарсақ чалиб, буларни табриклашса!.. Ахир, меҳнатни севиш ҳам, граждандлик деганимиз ҳам шундан бошланмайдими, ўртоқлар?!

Ижроия комитетининг бир мажлисида ҳам Шариф Рустамович бировларнинг қитиқ патиға тегадиган сўзларни айтганди:

— Сизлар нега йиллаб хонада ўтирасизлар? Одамларнинг уй шароити қандай, кўчада, бозорда аҳвол қандай — бу ўтиришда қаёқдан билиб бўлади? Машинасиз, оёқнинг чигилини ёзиб, кўпроқ айланиш керак!..

Бир анжуманда мана бу таклифни билдирган ҳам Шариф Рустамович:

— Ҳозир балки қийиндир... лекин келажакда раҳбарлар, шофёрларни остонада шам қотиб соатлаб бекор ўтиришга мажбур қилмай, ўз машиналарини ўзлари ҳайдашга ўтилса... Ахир, керакли кўп жойларда ҳайдовчи етишмаслиги ҳеч кимга сир эмас-ку!..

Ҳозирги ташкилотда раислик — Шариф Рустамович эгаллаган энг катта мансаб.

Шунга қарамай, у бировлар олдида тиззаси қалтирамайди, ҳамон у «характери бир оз чатоқ» киши...

Атрофдагилар унинг қатъиятли, лекин шу билан бирга, ниҳоятда кўнгли юмшоқ одам эканини тасаввур ҳам қилишмайди. Ҳолбуки...

У ҳафтада бир марта, албатта, Чигатой томонга боради, Усмон отанинг қабрига гул қўйиб келади...

Воқеа

Ғозиддин қорга бурканиб, Дархонариқ томондаги уйига йўл солганди. У ҳозиргина рўй берган воқеаларни эслаб, мана сенга жонли комедия, деб ўйлаганича, қорнини ушлаб, телбалардек қотиб-қотиб кулар эди.

Биринчи навбатда, кўзларидан ростакамига ёш тирқираб, Санамжонни эртагаёқ пахтага жунаб кетишга авраб-кўндиргани. Кейин, эшик...

Эшик қаттиқ тақиллаганидаёқ Ғозиддин Азроил келганини билган бемордек, ҳушидан кетиб дивандан ағдарилиб тушишига озгина қолди. Амаллаб, ўзини қўлга олиб, ярим-ёрти кийиниб, эшикни очса... остонада бири кекса, бири ўрта ёшлардаги иккита милиционер қаққайиб туришипти.

Ғозиддин шафқат қилинлар, акалар, юрагим ёмон, деб ўзини шаппа

ерга ташлагиси, мен ўзи сал-пал жинниман, деб ёқаларини йиртиб-сочларини шарт-шарт юлгиси келди. У титраб-қақшаб, кўзлари ёшланиб, шу ишларни худди бажаришга тайёргарлик кўраётганида...

— Кечирасиз, биз адашдик шекилли... Бу учинчи подъезд эмасми, бир ошнамиз бор эди?.. — деди ўрта ёшлардаги милиционер.

— Йў... йўқ... бу тўрт... тинчи, — деди Ғозиддин тишлари такиллаб.

— Кечирасиз, — деди яна бояги милиционер.

Ғозиддин, булар мени алдашмаётганмикин, деб ўйлаб, милиционерлар зинадан пастга тушиб кетишгунича, эшикни ёпмай қараб турди. Кейин ҳам кўнгли тўлмай, ичкарига кириб, шошганича деразадан милиционерларнинг кўчага чиқиб, бошқа подъездга киришларини пойлади. Ниҳоят, тез кийиниб, Санамжонни ҳам қистаб, уйдан шамолдек сирғалишди. Муюлишдаёқ икковлари хайрлашишди...

Маҳалла комитетида ҳам иш кулгили кўчди.

Ғозиддин магнитофон билан телевизордан сўз очиб, Раҳим Ғуломович ўргатганидек, қизимнинг тўйи яқин, шунга олганман, сизлар хат қилиб, гувоҳлик берсанглар, деди. Торгина хонада ўтирган оқсоқоллар бир-бирларига маъноли қарашди.

— Бу воқеа ўзи қачон, мулла Ғозиддин? — сўради ниҳоят маҳалла комитетининг раиси. — Қизингиз энди ўнинчига ўтган, ҳали бир йил ўқиши бор. Унинг устига, балоғатга етмаган бўлса...

— Ҳаммаси тўғри. Ҳозирча катта тўй эмас, — бўш келмади Ғозиддин. — Эски пайтлар йигит билан қизни болалигидан ҳам қулоғини тишлатишган экан. Биз шу удумга ўхшаган кичик бир маросим... баҳор келишига қараб...

— Куёвтўра ким? — қизиқсинди оқсоқоллардан бири.

Дарвоқе, қизини кимга бермоқчи? Ғозиддин бу тўғрида ўйламаган эди.

У болор санагандек, шифтга тикилди. Хаёлига лоп этиб бундай фикр келди: Сайидобидхонни эслатадиганроқ бир йигит учраса, қизини шаппа берворарди!

— Сайидолимхон... обрўли йигит... катта ишда ишламасаям, мавқеи дуруст! — дарҳол тўқиди Ғозиддин.

Сайидолимхон деган ном қулоққа яқин туюлиб, таъсир кўрсатдими, оқсоқоллар сал ўйланиб қолиб, бошқа гап кавлаштиришмади.

— Бўпти. Шуларнинг ҳаммасини бир қоғозга тиркаб беринг. Бизда ҳам ҳужжат бўлиб қолсин, — деди маҳалла комитетининг раиси. — Кейин, хат қилаверамиз...

Ғозиддин хона бурчагида мункайиб ўтирганича, хаёлига келганини эринмай ёзди. Оқсоқоллар қоғозни тортмага солиб қўйиб, унга хат топширишди...

Уйига яқинлашган сайин, Ғозиддиннинг кулгиси тиниб, қош-қовоғига тош осила бошлади. У эслаган нарсалар қанчалик зўр комедия бўлса, бу томонда уни зўр фожиа кутмаяптимикин?!

Боя трубкани шартта ўрнига қўйган Ноилани тинчитиш керак. Бу ҳали Диноранинг аҳволи қандайлигига ҳам боғлиқ... Ундан ташқари, Ҳақназаров фельетонни «босди-босди» қилишга эришдимми-йўқми?! Оқсоқолга телефон қилиб, сўраш керак эди аллақачон! Анча вақт бекорга кетди...

Шу хаёллар билан Ғозиддин бўйнини қисиб, изтироб чекиб, эзилиб уйга қадам босди.

У олдиндан билиб, ҳис этганидек, Ноила важоҳатли бир ҳолатда уни қаршилади.

— Кўчада шунча юрадими одам дегани?

— Ҳа, энди машинаси... — важ-карсон ишлатди Ғозиддин.

— Орқангизда турган ким эди? — эрига тик қаради Ноила.

— Айтдим-ку... Будка. Одамлар... — паришонланиб, чайналди Ғозиддин.

— Кўчадаги одамлар сизнинг исмингизни қаёқдан билади?

Ғозиддин асосли бу саволга дарҳол жавоб тополмай, фикр юритаётиб, ўзини хотинининг феъли торлигидан беихтиёр бўғилаётган одам ҳолига солди:

— Мен нима хаёлда-ю, сен... — деди ниҳоят. — Исмин қулоғингда янграб тургани учун сенга шунақа туюлгандир... Энди секин-аста қарияпмиз, бир-биримизни рашк қилмайлик...

Йўқ, хайрият, Динора анча енгил тортган экан, Ноила қизини ҳам орага қўшиб ортиқча тихирлик қилмади.

Ғозиддин катта хонага кириб, диванда ётган қизидан ҳол-аҳвол сўради, қизчани манглайдан оталарча ўпиб қўйди.

У «бало-қазо»лар, «тўфон»лар бир оз чекина бошлаганидан, яна мамнун эди. Лекин бир пайт Ноила унга юзланди:

— Дадамга кўнғироқ қилдингизми?

— Э, ҳозир...— шўшиб қолди Ғозиддин. У рақам териб, Ҳақназаров билан боғланди.— Да-да...

— Мен сенга ҳеч қанақа дада эмасман. Бундан бу ёғи унақа гап тамом,— бехосдан Ғозиддиннинг бошига дўл ёғдирди Ҳақназаров.— Фельетонни бил-моқчимилар? Подлец! Сени юзта фельетон қилса кам!..

— Нима бўлди ўзи, да-да?!

— Гўр бўлди, бало бўлди!— қичқирди Ҳақназаров.— Сенга уйланган пайтингдан бери қайта-қайта бир гапни айтмаганмидим, эсла..

— Ни... ни-ма-а?

— Мен сенга, номардлик қилганнинг кўзини қарғалар чўқийди, деган-ман, муттаҳам!..— У қичқиришдан чийиллашга ўтди.— Сенга эртагача муҳлат, подлец. Эртага гаплашамиз. Унгача бугун 500 сўм пулни кимга, нима учун берганингни ўйлаб тур. Да-да эмиш!..

Трубкадан қисқа гудок эшитила бошлади.

— Дадам бақиргандай бўлдиларми?— қизиқсинди Ноила.

— Ҳа, энди иш юришмагандан кейин...

Аммо хотинига сир очмагани билан, Ғозиддиннинг ўзи энди бирдан чўкиб, лой бўлиб қолган эди. Ҳақназаров 500 сўмни кимдан, қаёқдан билди экан?! Қизиқ...

Оқсоқолнинг ҳозирги гаплари шунчаки дағдаға бўлмаса-чи? У чиндан ҳам Ғозиддиндан қўлини ювиб, қўлтиғига уришга қарор қилган бўлса-чи?! Бу тап-тайин фожиадан бошқа нарса эмас! Уйи куйиб, дод солган Ғозиддинга ҳеч ким ёрдам беролмайди. Ҳеч ким...

Сайидобидхон-чи?!

Ҳақназаровки кенжа куёвини жанжалга аралаштиришни эп кўрмаган, бунга ботинмаган экан, Ғозиддинга йўл бўлсин! Тошингизни теринг, ока, де-майдими Сайидобидхон! Божга мурожаат қилганида ҳам, бунга фақат Ҳақназаров кўприк бўла олиши мумкин!..

Хотира

Эр-хотин уришмайдиган уй йўқ.

Мушукдай бир-бирига суйкаладиган оилалардан баъзан кўчага шовқин чиққанидан кейин, қолганларини қўяверасиз.

Ноила билан Ғозиддин суйкаладиганлардан ажралиб, «қолганлар» тоифа-сига киришганига кўп бўлган.

Гоҳо даҳанаки жанг, гоҳо жиққамушт. Кўнгил совигач, баҳонаю сабаб то-пилаверади.

Лекин улар бир қатла ҳар қачонгидан ҳам қаттиқроқ низолашиб, «сен кет, мен кет» даражасига боришган эди. Бу анча йил бурун, ёз оқшомларидан бирида рўй берган эди.

Можаро ўшанда арзимаган гапдан чиқди.

Кўчадан келган Ғозиддинга ички кийимда юрган Ноила эшикни очди.

— Нега бунақа модарзод юрипсан?— деди ғашланиб Ғозиддин.

— У нима деганингиз?!

— Онадан туғилган намойишда,— тушунтирди Ғозиддин.— Менинг ўр-нимда бошқа биров келса, нима бўларди?!

— Айш бўларди. Ишрат...

Буни Ноила беихтиёр айтдими, ҳазиллашдими, жўрттага Ғозиддиннинг ғашига теккиси келдими — билиш қийин эди. Ҳарҳолда, Ғозиддин ўзини йўқо-тиб қўйди, бошига қон қуюлди. У Ноиланинг қулоқчаккасига тортди. Бу билан ҳам қониқмай, тепди.

Ноила бир дам гангиб турди. Кейин, маймундек ирғишлаб, у ҳам эрининг сочига ёпишди.

Улар бир-бирларини юлиб-юмдалашиб, тўйгунча ҳақорат қилишгач, хонага сув қуйгандек жимлик чўқди. Сўнг, Ноила йиғлаб:

— Кетаман,— деди.

— Кет,— розилик берди Ғозиддин.

Ноила апил-тапил кийиниб, юпқа бир чамадонга алламбалоларни жойлади. Аммо шундан кейин, уйдан шарт чиқиб кетиш ўрнига хонадан-хонага ўтиб, зарур нарсани қидираётгандек, узоқ куймана бошлади. Ниҳоят, чамадон четига ўтирганича, яна пиқ-пиқ йиғлади.

— Кет энди. Чўзма!— деди Ғозиддин шафқатсиз кўйда.

— Бола сиз билан қоладими?

Эй... Бола! Динора кичик, эндигина оёғи чиққан эди. У ота-онасининг аҳволидан хабари йўқ, ичкари бўлмада пишиллаб ухлар эди.

— Бола қолаверади. Узим қарайман...

— Мен боламни бермайман сизга...

— Бўпти. Мен кетаман, сен қолавер,— деди Ғозиддин мағрур.— Сен қаёққа ҳам кетардинг! Қиз бола қайтиб ота-онасининг уйига сиғмайди. Айниқса, ота-онанг билан муносабатинг маълум... Мен эркак киши, бир кунимни кўрарман...

Шундай деб, у ғаладондан портфелини олди. Узига керакли туюлган нарсаларни энди у йиға бошлади. Шунинг баробарида, ўйга чўмди. Қаёққа кетса бўларкин? Тошкентни ташлаб, қишлоққа қайтмайди, албатта. Ижара уйда узоқ туролмайсан... Ноиладан ажралгач, ишдан ҳам, бошқа имкониятлардан ҳам узилишга тўғри келади, яна талабалик пайтидаги ҳолига тушади. Демак... Ойла, уй-жой деган дардисарни бекорга чиқармаган экан—да азалдан!..

Ғозиддин ҳам шаштидан қайтди. Қўлида портфель, эшикка йўналганида у хотинига ишшайиб қаради.

— Бирга яшадик... Упишиб хайрлашмаймизми?!

...Охири бачканалик билан тугаган ўша можародан кейин ҳам, Ғозиддин неча бор кетиш тўғрисида ўйлаган эди. Ҳозир кетса, бақалоқ хотиннинг уйи бор — тайёр ижара уй. Лекин у ерда ҳам қачонгача яшайсан? Узингники бўлмаса қийин... Умуман, ҳаётни қайта қуриш осон эмас! Муҳими: Ноила дегани Ҳақназаровга бориб туташган жондай томир!..

Одам — уйдан кетиб, уч-тўрт кун кимларгадир меҳмон бўлиши, дўппи тор келганида, масалан, бир кун-ярим кун бекатда ётиб-туриши мумкин. Бундан ташқари-чи? Бундан ташқари, касалхонада ётиш мумкин. Қамоқхонада...

12

Воқеа

Аброр, раис нима дейишидан ташвишланиб, эшик оғзига борганида бехосдан тўхтади. У Қодиржонга илтижоли кўз ташлади.

— Сиз... мени кутасизми бир оз?

— Йўқ, кетаман,— деди Қодиржон лоқайд.— Иш тугади, сизни кутиб нима қилдим?!

Чиндан ҳам соат еттига яқинлашган эди.

Аброр девордаги соатга шунчаки қараб қўйгач, бўшашиб хонадан чиқди. Йўлакда каловланиб бораркан, раис ҳозир Насимдан сўз очармикин ёки бошқа гапми, деб ўйлади. Кейин, одатдагидек, дилсиёҳлик рўй беришидан қўрқиб, хурсанд бўладиган янгилик чиқишидан умидланди.

Зинадан тушиб, биринчи қаватдаги қабулхонага кирди.

— Раис кутяптилар!— кабинет эшигига имо қилиб, расмий оҳангда деди котиба.

Аброр катта ариқдан сакраши керак бўлган одамдек, нафасини ичга ютиб бир дам эшикка тикилди, ниҳоят, эшикни очди.

Шариф Рустамович хонада нари-бери одимлар эди.

— Келинг,— деди у кўришгани қўлини узатиб,— ўтиринг...

Аброр раис тик турган бир пайтда ўтиришни эп кўрмай, паришонланди.

— Ўтираверинг,— деди Шариф Рустамович.

Аброр ўртада турган узун стол ёнидаги эмас, девор этагидаги қатор терилган курсилардан бирига чўкиб, раиснинг юз-кўзига ҳуркибгина тикилди.

— Сиз билан директор тўғрисида гаплашмоқчи эдим,— деди Шариф Рустамович ҳамон нари-бери юрганича.

«Хайрият!— деб ўйлади Аброр.— Насим масаласида койийдиганга ўхшамайди раис. Афтидан, безовталаниб ўтиришга арзийдиган гапнинг ўзи йўқ...»

— Эртага муҳокама бўлади,— сўзида давом этди Шариф Рустамович.— Маданият уйининг ишини жиддий бир муҳокама қилишимиз керак. Сиз шунга тайёрмисиз?

— Мен?!— эсанкиради, энди бадани яйрай бошлаган Аброр.

— Шунча йил ишлагансиз, нима, ҳеч таассурот йўқми?!— раис Аброрга ўткир кўзларини қадади.

— Бор, албатта, лекин...— чайналди Аброр.— Қанақа нарсалар?

— Ҳамма нарса... Рўйирист! Ишнинг қандай бораётгани. Директорнинг фаолияти. Қачон Маданият уйига бундай бир оз сон кириши...

— Нега... мен?..— йиғлагудек ҳолга тушиб деди Аброр.

— Кўрқапсизми? Директорга шунчалик юрак олдирганмисизлар?!— кулди Шариф Рустамович.

— Мен кўрқмайман,— сал дадилланиб, яна чайналди Аброр.— Лекин мендан бошқалар...

— Бошқалар?— раис қўлини чўзиб столини кўрсатди.— Ана, Насим дегани бир қулоч гап ёзиб, котибага ташлаб кетипти. Ҳали ўқиганим йўқ. Телефон қилиб, олдингизми, деяпти. Хўш, мени ифвогар одамнинг бунақа дostonлари қизиқтирмайди, мен тўхматга йўл бермоқчи эмасман... Режиссёрларингиз эртага сайрашади, улар Қобулов билан бирга ўз-ўзларини фош қилишади, холос... Сатторов-чи? Мен уни нега пахтадан чақиртирмаяпман? Бу ҳам Қобуловнинг биттаси. Улигини шу курсига ташламоқчи келасолиб... Хўш, Қодиржон? Мен огоҳлантirmасам ҳам бу йигит гапиради. Лекин унинг нутқи алам, адоватни эслатиши мумкин. Юрагида дарди бор. Биз бутун муҳокама адоватли тус олишидан сақланишимиз лозим! Ташкилотдаги Маданият уйига дахлсиз айрим ўртоқлар ҳам гапиришади, албатта. Идорани ҳам, Қобуловни ҳам ичкаридан яхши биладиган яна бир киши... сиз ўзингиз...

— Йўқ, мен гапирмайман, илтимос... Мен уни ёмонлаёлмайман,— қайтиб йиғлагудек ҳолга тушди Аброр.

— Мақташ керак деб ўйласангиз, мақтанг. Марҳамат! Эркингиз ўзингизда. Фикрингизни айтасиз, келишдикми?! Аммо гапиришингиз шарт. Четда туришга қўймаймиз!— жаҳли чиқиб, кабинетда тез-тез юра бошлади раис.— Нега индамаяпсиз? Бунга ҳам рози эмасмисиз?!— У курси олиб ўртага қўйганича, Аброрнинг рўпарасига ўтирди.— Хўп, менга бир нарсани тушунтиринг. Қобулов қайси жиҳатлардан сизга ёқади?! Буни мен билишим керак. Мабодо уни муҳокамада оқлайдиган бўлсак, нималарга асосланиб оқлаётганимизни ҳам билайлик-да!

— У ақлли. Ишчан. Кўп ўқийди,— пичирлаб, гапни узоқдан бошлади Аброр.— Ҳозирги директорлик нима, Ғозиддин каттарок жойларга ярашади. Эплаб кетади, қўйса. Ишонмайсиз, керак бўлса, осмонда учаётган самолётни тўхтатади. Шу ерда йиллар бўйи ҳеч кимнинг хаёлига келмаган Маданият уйини у ташкил қилган. Югуриб-елиб, идоранинг мойланган ғилдиракдек соз ишлашини таъминлаган... Пулнинг қадрига етади-ку, лекин барибир қўли очиқ... Зарур пайтда бировга яхшилик қила олади. Узи ёшликдан қийинчилик кўриб ўсган. Уруш даври болалари!.. Ҳаёт ўзгариб, одамлар учун имконият анча кенгайди. Кўпчиликка ўхшаб яшагиси келганидан, бир оз йўлдан озган бўлса керак! Аслида жуда бахтсиз одам у... Уйлаган мақсадлари қаердадир қолиб, тескари томонга қараб кетган. Тушунади, қийналади! Инсонга ачиниб, ёрдам бериш ўрнига уни жар бўйига олиб бориб, елкасидан суриш, билмадим... Одамни ҳаёт шакллантирар экан, унинг айби ҳам ҳаётнинг меваси, деймикан...

— Сиз Қобуловни дуруст биласиз! Ҳозир бунга яна қаноат ҳосил қилдим!— кулди Шариф Рустамович.— Шунга қарамай, адашяпсиз. Мен ўзимча ўйлайманки, шаҳарларга ўхшаб одамларнинг ҳам катта, марказий бир кўчаси бўлади. Одамни ҳар томонлама ўрганиш мумкин. Аммо унга асосан мана шу кўчага қараб баҳо бериш керак!.. Хўп, сиз айтгандек, Қобуловнинг ўзича истеъдоди, хизмати, маълум даражада эзгулиги бор, Қобулов бахтсиз, дейлик. Аммо бу одамнинг марказий кўчасидан фаррош ўтмаганига кўп бўлган. Юракми,

виждон деймизми — ҳеч нарса қолмаган. Одам ҳам эмас, бу энди тасқара бир нарса... Ажабланманг, мен билиб гапиряпман! Унинг қўли, дейми, оёғими — бир нечта. Шароит тўғри келиб қолса, бу менми, сизми босиб-янчиб кетаверади... Мен Қобуловни жарга суриб ташламоқчи эмасман. Аммо унинг йўлини тўсиш, уни тўхтатиш шарт! Ҳаёт тўғрисида гапирдингиз. Менимча, инсон бир умр иккита йўл олдида туради. Олижаноб одамлар энг оғир пайтларда ҳам тўғри йўлдан боришган. Инсон босган қадами учун эртами-кечми жавоб бериши керак... Сиз билмайсиз, Қобуловга ким-кимлар ҳимоячилик қилишяпти. Бундайлар катта-катта тиргакларга таянишади. Хўш, шундай экан, биз нима қилайлик?! Биз ҳам охиригача курашаверамиз! Ҳақ сен томонда бўлатуриб бош эгиш — дунёдаги тенгсиз бедодлик эмасми?! Менинг фикрим шу! Нотўғри гапирган бўлсам, юзимга айтинг. Марҳамат! Мен сиздан ўпқаланмайман...

— Тўғри...— деди Аброр қисиниб, ўйчан.— Айтганларингиз ҳаммаси. Мен тушундим. Мен билардим оз-моз... Ҳозирдинни ҳам, қолган гапларни ҳам. Фақат аҳвол бу даражага бориши хаёлимга келмаганди. Сезиб турипман, муҳокамада қатнашиш, Ҳозиддинга баҳо бериш керак. Лекин менга гапириш барибир оғир... Қобуловга қўшилиб, менга ҳам жазо бериш керак ўзи! Биз дўст эдик, бир-биримизга аксар сўзимиз ўтарди... У эгри йўлга оғиб кетаётганини пақамасам, ҳис этмасам гўрга эди! Ҳамма нарса кўз ўнгимда содир бўлди. Индамидим. Кўнглимда у бажарган ишларни маъқулламаган ҳолда, негадир амалда зўр бериб уни оқлашга тиришдим. Энг қабиҳ қилмишларини кўрганда киприк қоқмадим. Ҳозиргина сизнинг олдингизда ҳам уни оқлагим келди... Хўш, нега бундай?! Мен ўзимча, дунёда ҳар нарсага аралашвермаслик керак, ҳаётни барибир тузатиш қийин, бировда у нуқсон, бировда бу, идеал қаёқда, деб юрганман. Бир пайтлар шунга одатланганман. Бунинг устига, Ҳозиддинни камситиб, озор еткизгим келмаган. Дўстликка муносиб иш тутай деб номуносиб иш тутганман... Кеча бировни ўпиб, бугун юзига тарсаки тортиш хиёнатга ўхшайди. Дунёда ҳар ким ўз айбини тан олишига нима етсин! Менинг айбим бўйнимда. Қийин эканига қарамай, ишдан кетишим керак, эрталаб ариза ёзиб келаман...

— Аризанинг ҳожати йўқ,—яна жаҳли чиқиб ўрнидан турганича, кабинетда нари-бери юра бошлади Шариф Рустамович.— Биз ишнинг қандай тугабини билмаяпмиз. Бундайлар осонликча жон бермайди. Шу боисдан, бизнинг ёнимизда туришингизни истагандим. Бутун ишни билган одам сифатида, ҳақиқат, бурч учун... Аттанг!.. Бўпти, бораверинг...

Аброр ўрнидан секин туриб, кабинетдан ташқарига сирғалди.

У ўз хонасига бир қур кирмоқчи бўлиб, йўлакда тезроқ одимлади. Зинадан юқорига кўтарилаётганида бехос оғриқ туйди. Ишга, ташвишга кўмилиб, оёғи лат еганини яна унутган эди. «Рўдапо бўлмайд ўл!»— ўз-ўзини беихтиёр сўкиб юборди Аброр.

Эй... шу палла рўдапога бало бормиди? Тушидаги Рўдапо ҳам унинг эсидан чиққанди. Ҳозир қайтиб ёдига тушганидан сал ғижингандек бўлди... Йўқ, у зина тутқичига бир дам суяниб, болаликдан таниш маталдаги кейинги воқеаларни хаёлида жонлантирганича, нима қилганда ҳам ниҳоясига етказгиси келди...

Воқеа бундай яқунланар эди... Оролчада Аброр қора терга ботиб борар, Рўдапо мевазорни худди ямлаб-ютарди.

Охири, махлуқ бўйганидан ҳолсизланиб, Аброрнинг белига чирмашган пайпаслагичларини бўшата бошлади.

Аброр фурсатдан фойдаланиб шарт силтанган эди, у шилқ этиб ерга йиқилди. Нарироқ қочиб, ўгирилганича унга четдан қаради Аброр. Рўдапо мўлтираб турарди.

Буни мен қандай ташлаб кетяпман, қаёққа кетяпман, деб ўйлаб, Аброр Рўдапога ўзича бир оз ачинди. Аммо шу сониядаёқ: «Унга нега ачинасан?! Ачинсанг, бир умр елкангда олиб юришинг керак!»— деган хаёлга борди.

Аброр сувдан, уммондан қанчалик кўрқмасин, кичик бир кема ясаб оролдан жўнаб қолишга ошиқди.

...Зинада тўхтаган Аброр ҳозир негадир раиснинг ёнига қайтиб кириб, гаплашишга иштиёқ сизди. «Раис ҳарҳолда яхши одам!»— деб ўйлади у.— Мен бу одамни қўллашим лозим эди! Ҳечдан кўра кеч, деган гап бор. Нега мард бў-

либ, хатоларимизни очик айтишим мумкин эмас? Юраксизлик қиялман, хос-лос!...»

У бир зина пастга тушди-ю, яна тўхтади. Иккиланди.

«Ҳалиям кириб, ҳаммасини айтаман, десам раис хурсанд бўлади. Лекин бу ишга шошмаган маъқул! Тўғри муҳокамада чиқаверарман балки... Буни эрта-гача чуқурроқ ўйлаб кўриш керак!...»

Хотира

Сабабини англаш қийин: Аброр билан Зухра байрамлар, ҳар хил муносабатларни Истатхону Бўриной билан доим бирга — тўртовлон ўтказишга одатланишгани яхши-ю, бироқ шундай пайтларда, албатта антиқа бир иш рўй беради. Ҳеч қачон уларнинг ўтириши шусиз ўтмаган...

Биринчи маймиди, тўққизинчимиди, Истатхон билан Бўриной меҳмонга келишди.

Дастурхон бошида ярим кун ҳангома қуриб, ишдан, турмушдан, рўзғордан гапирмаган гаплари қолмади. Меҳмонлар ниҳоят зерика бошлагандек бўлишди. Ният кеч тунгача ўтириш эди. Шу боисдан, Зухра қандайдир тараддудланиб қолди:

— Пластинка қўяйми? Эшитасизларми?

— Эштайлик,— деди Аброр, гўёки меҳмон ўзи-ю, бу таклиф шахсан унга тегишлидек.

Зухра ғаладондан бир даста пластинка кўтариб чиқди. Приёмникнинг қоғоғини очиб, гардишга қўлидагилардан юзада турганини қўйди.

Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам, чиқсун кўзим,
Ўзга бир кўз ҳам сенинг ҳуснинг тамошо айласа...

Пластинка айланиб бўлгач, Аброр завқланганича, қўшиқдаги шу сатрларни «ажратиб» олиб, пичирлаб такрорлади.

Кейинги қўшиқ янгради. Лекин бу ҳам тугаши билан, Аброр яна пичирлади:

Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам...

— Бизнинг хотинни томоша қилиш йўқ... — Истатхонга кўз ташлаб, ҳиринглади Бўриной.

— Бизникигаям қаралмасин! — буйруқ берди Аброр. У жиддий тортди. — Навоий битта. Навоийдек шоир бошқа чиқмайди!

— Навоий областидан ҳам чиқмайдими? — тегишди унга Бўриной.

— Областимиз барибир яхши,— деди Аброр. Гап шоирдан областга ўтгач, у баттар ҳаяжонланиб кетганди. — Шунча кўришамиз, гаплашамиз. Яхши эмас-да... сизлар биз билан бирга нега Навоийга бормайсизлар?! — деди хафа бўлиб.

— Айтсанглар, борардик... — сўз қистирди Истатхон.

— Шуниям айтиб ўтирадимми! — қўлини силтади Аброр. — Ахир, бу менинг онам тупроғи. Отамни урушга кузатган жой...

— Ҳалиги... борсак, тўрт кишига ётиб-туришга жой топиладими?! — қўққисдан шаҳарликка хос гап қилди Бўриной.

— Сизлар менинг опаларимни билмайсизлар-да! — энди рўйирост инжиди Аброр. — Улар турган ҳовлиларга... юзта, йўқ, икки юзта... уч юзта одам сиғади!..

— Қишлоқ жойнинг ўз ташвиши... — деди Зухра эрини тўхтатгиси келиб.

— Йўқ, улар меҳмондўст! — тезда хотинига жавоб қайтарди Аброр. — Шамсия опам Тўйбиби опамдан, Тўйбиби опам Шамсия опамдан бир неча бора яхши. Менга иккиси ҳам худди отам урушдан тирилиб келгандай қарайди. Қанча гердайсам ҳам кўтаришади...

— Қайси бир кинода Навоий томонда туяни кўрсатишганди... Мен тирик туяни кўрмаганман, — тан олди Бўриной.

— Ҳа, туя энди... — деди Зухра, мавзу ўзгаришига умидлангандек кўйда.

— Туя бир оз кийикка ўхшайди. Кўзлари шунақа чиройли. Ранги ҳам тўғ-

ри келади. Лекин анча катта. Кейин, шохи йўқ, — тушунтирди Бўривойга Аб-
рор. — Борсак, хотинларни опаларга топшириб, иккимиз саҳрога чиқишимиз
ҳам мумкин, — деди у ширин энтикиб. — Ҳайдарга бир оғиз айтсак...

— Ҳайдар?

— Амакиваччам! Жуда қалинмиз! Саҳрога чиқсак, туядан тошбақагача,
тошбақадан қумурсқагача кўрсатардим... Ов ҳам қилса бўлади. Милтиқ... —
сапчиб ўрнидан турди Аброр. — Ҳайдар мен ўзимга шунақа пайтлар учун мил-
тиқ ҳам бериб қўйган. Ҳозир олиб чиқаман... — У шошилиб, ғаладондан калта,
эски бир милтиқ олиб келди. — Ана, қанақа...

Бўривой қизиқсиниб, ўрнидан турди. Хотинлар ҳам негадир ўринларидан
туришганди.

— Уқланганми? — милтиққа қўл чўзиб, эҳтиётланганича сўради Бўривой.

— Йўқ. Ҳайдар, керак бўлганда ўқ оларсан, деганди... Мен аввал Овчилар
жамиятига ёзилишим керак. Лекин бундан бу ёғи бўш кунларда шу масала
билан мен албатта жиддий...

Бўривой ёруғда милтиқни яхшироқ кўриб олишга қарор қилдими, кўтариб
дераза олдига борди. У ёқ-бу ёғини ўгириб қаради. Кейин, очиқ дераза таба-
қасидан милини осмонга тўғрилаб, ўйин тариқасида шунчаки тепкини босди.
Шу пайт...

Шу пайт гумбирлаган садо чиқди.

Бўривой айб иш қилиб қўйган боладек эзилиб-анқайиб турарди. Аброр
сесканиб, орқага тисарилганди. Истатхон ўзини шаппа ерга ташлаган, бом-
ба портлашини пойлаб ётган шафқат ҳамшираларига ўхшар эди. Зухра... Зухра
бир четда матонатли оналарга қўйилган ҳайкалдек тош қотганди.

Нариги хонадан югуриб келган болалар, ошхонадан бу ёққа ошиққан Му-
нира опа — булар фильм томоша қилмоқчидек, эшик оғзига тиқилишган эди.

Ниҳоят, Бўривой ҳушини йиққандек бўлди. У, омонатинг ўзингга буюрсин,
дегандек, милтиқни ошиқич Аброрнинг қўлига тутди.

Аброр гангиб турганида, Зухра шиддат билан бостириб келиб, милтиққа
рўйирост чанг солди.

— Сизда эс йўқ! Бировга тегса, нима бўларди?! — эрини койиди у. —
Бунақа нарсани ҳар ким қўлига олаверадими, белига камар боғламасдан...

Аброр хона ўртасида икки қўлини икки ёнга ёзганича қотиб қолди.

Воқеа

Қодиржон олдидаги қоғозларни йиғиштириб тортмага солганича, ўрнидан
турди.

У хонадан чиқиб зинадан пастга тушгач, бир нафас тўхтади. Кутмайман,
деганига қарамай, Аброрни оз-моз кутсамикин?! Йўқ, у Аброрнинг яна эзмала-
нишини ўйлаб, фикридан қайтди.

Эшиқдан кўчага чиққани заҳоти, юз-кўзига шамол, қор урилди.

Қодиржон ҳаво бузилгач, пахтада юрган ўғли учун қайғуриб, ёнидаги бор
пулга нималардир харид қилиш пайдан бўлган, ўзининг эғни юпунлиги хаёли-
га ҳам келмаган эди. Ҳамон бўралаётган қорда, биргина яланг костюмда уйга
йўл олди. У гўё, бизга бу ҳаволар нима бўпти, деган алпозда бўйнини ғоз тутиб,
кўксини кўтарганича, шошмасдан борарди.

Кўчада кетаётиб, тагин Аброр тўғрисида ўйга чўмди... Бу йигит нега шун-
чалар эркисиз?! Бир умр машаққат чеккани, қийинчиликни кўп кўргани учунми?!
Йўқ, эркинлик етим-есирликка ҳам, муҳтожликка ҳам қарамайди! Эрк кимда-
дир бўлади, кимдадир бўлмайди, вассалом!.. Демак, қон... Балки, шундайдир!
Аммо унинг отаси жанг-жадалда эркин деб газандалар билан олишган-ку!..
Умас-бумас, одамларга нисбатан унинг муносабати чексиз саҳрога хос кенглик
нишонаси бўлса-чи? Саҳродан кетгач, унда биқиқлик туғилганмикин?! Йўқ,
уни кенг ҳам, биқиқ ҳам деёлмайсан. Ҳарҳолда уни хотини яхши кўрганига
бирон сабаб бордир-ку, ахир? Хўш, нима сабаб?! Ҳаммани биламан, деймиз-у
одамни англаш нақадар мушкул...

Қодиржоннинг хаёли Абрордан Ғозиддинга кўчди. У, Қобулов ўз йўлида
келишиш, бўйсундириш, янчишга одатлангани ҳолда, нима учун менга бас ке-

лолмади, деб ажабланди. Эркини ўзича тушунган Ғозиддин бошқа эркинлик олдида ожизланиб қолдимикан?

Қодиржон эртага ўтадиган муҳокама тўғрисида ҳам ўйлади. Бу иш қандай тугаркин? Ҳақиқат қарор топадимми ёки Қобулов билан ҳимоячиларининг қўли устун келадимми?! Ҳар нарса бўлиши мумкин. Ҳақиқатнинг синмаса ҳам, букилиши учраб турадиган ҳол!..

Шу хаёллар билан илдам босганича, Инқилоб хиёбонига келиб қолди ва бирдан... Маркс ҳайкалига кўзи тушди.

Қодиржон тўхтаб, беихтиёр атрофга аланглади. Сўнг, худди бировни кутаётгандек, ҳайкал теграсида айлана бошлади.

Бир неча йил бурунги манзара хотирасида жонланган, назарида, ҳаётда ҳам барчаси қайтиб рўй берадигандек эди.

Ана, Адолат бехосдан йигирма қадам нарида қомат тиклади... Қорда юриш қийинлигига қарамай, тез кела бошлади. Яқинлашиб, ўзини Қодиржоннинг бағрига отганича, бошини унинг кўксига қаттиқ босди. Катта, ёруғ кўзлари жиққа ёш эди...

Ана, Қодиржон қизни бўйни, елкаларидан кучди...

Қодиржон ҳайкал теграсида айланишдан тўхтаб, яна атрофга аланглади. Ниҳоят, сергакланиб, ҳайкалдан узоқлашди. Хиёбондан нари томондаги кўчага қараб кетди.

Қор ҳамон бўраларди. Куз дарров ўтиб, бир кунда қиш бошланганга ўхшар эди.

Бироқ Қодиржоннинг бу нарсалар билан иши йўқ...

У бошяланг, эгнидаги пиджак тугмаларини ҳам очганича, қорга бурканиб, уйи томон пойи-пиёда борарди...

Унинг кўзларига ёш тўлган эди...

Хотира

— Қодир ака! Бу ёққа бир қаранг, Қодир ака...

У дам олиш куни ошхонадан ҳовлига бир неча ғўла кўтариб чиққан, энди терга ботиб, ўтин ёрар эди.

Деразадан бошини чиқариб, ҳаяжонланганича кулиб турган Адолатга мулозим тикилиб, болтани ерга ташлаганича, ичкарига кирди.

— Нима экан?

— Уғлингиз! — тантанали оҳангда деди Адолат.

— Нима қилипти ўғлимга?

— Ҳозир бошини кўтарди! — суюниб деди Адолат беланчакка имо қилиб. Бу билан қаноатланмай, у беланчак ёнига чўкка тушиб, боласидан айланиб-ўргилди: — Болам, яна бир кўтар бошингни. Даданг ҳам кўрсин!..

Анвар онаси қанчалик илтижо қилмасин, мунчоқ кўзларини рўпарасида осиглиқ ўйинчоққа қадаб, энди қимирламай ётарди.

Қодиржон она-болага бир оз қараб турди. Кейин:

— Майли. Яхши, — деб эшикка йўналмоқчи бўлган эди, Анвар бехос бўйнини чўзиб, бошини ёстиқдан бир кўтариб ташлади.

Қодиржон хотини гапиргани билан ориқча ҳаяжонланмаган эди, ўғлининг ҳаракатидан унинг ҳам юраги алланечук қалқди. Беланчак ёнига келиб, у ҳам тиз чўкди.

— Баракалла, ўғлим! — деди беихтиёр. — Шунақа бошингни кўтаргин, болам. Дадил кўтаравергин бошингни, ўғлим...

Қодиржон умрида бахтли кунларни кўп кўрди. Лекин у билган энг бахтли кун шу эди!..

Дебоचा ўрнидаги хотима ёки Қодиржон тўлдирган тўрт дафтар тўғрисида

Ёзувчиликни касбу ҳунар тутган кишиларнинг китобхонлар билан учрашиб туриши сўнгги йилларда расмга айланди.

Бундай учрашувларда ёзувчи ўзининг ёзган-ёзмаган асарлари ҳақида

гапиради. Айрим парчалар ўқиб беради. Уқувчиларнинг саволларига жавоб қайтаради.

Аслида, ёзувчилар ҳам ҳар хил одамлар бўлишади. Улар орасида қанча истеъдодлилар топилса, шунча қуп-қуруқлари ҳам бор. Эътиқодли адиблар билан бирга, илмига амал қилмаган муллалар ёки илмнинг ўзи юқмаганлар...

Аммо китобхон бундай нарсалар устида доим ҳам бош қотиравермайди. Аксар ҳолларда ҳамма ёзувчиларни бирдек илоҳийлаштириб, сўз ҳурматими, учраган ёзувчининг оғзига тикилади.

Қарсақлар. Гуллар... Кейин ёзувчи билан бир-бирларини туртишиб-суртишиб суратга тушилади. Ниҳоят... битта-яримта қизми, йигитми тортиниб ёзувчига яқинлашганича, адрес сўрайди. У ёзувчини икки кундан кейин унутиб, ҳеч қачон хат ёзмаса ҳамки, шундай қилади. Бунга жазм этганлар, асосан, ёзишга қизиқувчилар — мен ҳам бошқа барча ишларимни йиғиштириб қўйиб, ёзувчилик билан шуғуллансаммикин, деб орзу қилувчилар бўлишади.

Гапнинг индаллоси: қайсидир билим юртида ўтказилган учрашувдан сўнг бир йигит менинг ёнимга келиб, телефонингиз борми, ёзиб олсам майлими, деди.

Ҳозирги пайтда одамлар ҳар кимга телефон беришавермайди. Маҳал-бемаҳал безовта бўлишдан қўрқишади. Адресни тахминан айтиш мумкин, лекин телефон...

Йигитнинг юзидаги жиддиятми, кўзларидаги ғамгинликми мени мафтун этганди. Бунинг устига, ўша кунгидек учрашув яхши ўтганида киши бировга телефонни эмас, шаҳарни ҳам берворасан. Мен ҳам, бор, албатта, жоним билан, деб телефон номерини айтдим.

Орадан бирон ҳафта ўтгач, уйда телефон жиринглаб қолди. Трубкани кўтардим.

— Кечирасиз, мен Қодиржон деган...

— Қанақа Қодиржон?

— Билим юртида кўришгандик. Сизга бир учрамоқчи эдим...

Пешонам тиришиб, ўйланиб қолдим. Йигитни ғира-шира эсладим... Унинг мен билан телефонда гаплашгани кам, учрашмоқчи эканлиги бир оз энсамни қотирди. Китобхон ёзувчини аудиторияда кўравергани маъқул. Қолаверса, телевизор экранида!.. Китоб кам деганда ўн минг, омад юришганида, юз минг нусхада босилади. Сен ойига учта учрашувни мўлжалласанг ҳам, беш юз кишидан бир минг беш юз киши сенинг дийдорингга тўяди. Буни ўн иккига кўпайтирса... Уҳ-ҳў! Телевизорни айтмаса ҳам бўлади. Миллионлаб томошабин! Қисқаси, шулардан ҳар бири билан учрашувга вақт ажратадиган бўлсанг, ўз умринг эмас, қариндош-уруғларинг умрини кўшганда ҳам етмайди! Бундай шароитда нима қилиш керак?!

— Телефонда гаплашаверса бўлмайдимми? — дедим нохушланаётганимни яширмай.

— Йўқ, — қисқа жавоб қайтарди йигит.

— Бўпти. Уйга келинг, — дедим олдинроқ қўлга тушганимни ҳис этиб.

Ярим соат ўтар-ўтмас, Қодиржон келди. Менинг бояги нохушланганим ҳалво экан, у қалин бир қоғоз папкани қўлтиқлаб турганини кўргач, эшикни очганимча, келинг ҳам деёлмай қолдим.

Лекин Қодиржон ақлли гап қилди:

— Узр. Мен кирмайман. Шу папка сизда қолса. Беш йилми, ўн йилми... Агар мен керак бўлсам, адресим ёзилган. Ўзим қайтиб сизни безовта қилмайман...

Шуни айтиб, у кетди.

Мен қоғоз папкани очиб, қўлда ёзилган дафтарларга кўзим тушгач, яна ташвишландим. Ишим бошимдан ошиб ётипти, дастхат ўқишга вақт қаерда! Ҳеч бўлмаса, машинкада кўчирилганида...

Дастхат столимда бир неча кун ётди. Ҳар гал кўзим тушганида, менда қандайдир қизиқиш уйғонар, шунинг баробарида, асабийлашардим.

Охири қизиқиш устун келди.

Дафтарларни ўқиб бўлгач, Қодиржонни топиб, уни бу гал ўзим уйга таклиф қилдим.

Биз тахминан бундай суҳбатлашдик:

- Ҳозир ҳам Маданият уйидамисиз?
- Ҳа, ишлаяпмиз.
- Қобулов ҳам ўша ердами?
- Йўқ, Қобулов кетди... бошқа, шаҳардаги қайсидир Маданият бошқармасида...
- Нима, муҳокама бўлмади?
- Йўқ, ўшанда... эртаси куни муҳокама бўлиб ўтди. Ҳозирнинг тоза пўстаги қоқилди... Лекин уни жин ҳам урмади. Бировлар учун азиз экан, юрипти...
- Унга эргашиб, Аброр ҳам кетдими?
- Аброр кетгани йўқ...
- У сиз билан ишлаяптими?
- У бундай қилолмайди энди...
- Нега? — сўрашга сўраб, Қодиржоннинг «энди» деганига эътибор қилганимча, гангиб қолдим.
- Биласизми, ҳалиги муҳокамада бир бошдан ҳаммамиз минбарга чиқишимизга тўғри келди, — сўзни узоқдан бошлади Қодиржон. — Аброр ҳам... У ўз-ўзига ўхшамаган иш тутди. Одатига зид ҳолда, ортиқча чайналмасдан, олдиндан ёд олгандек равон, изтироб, ўкинч билан гапирди. У Қобуловни деярли тилга олгани йўқ, асосан, ўзининг хатолари, камчиликларини очиб ташлади. Қизилқумни, ойисини эслади. Отасини хотирлаб, ҳаммага унинг суратини ҳам кўрсатди... Ҳозирнинг тўғрисида бир оғиз ҳам гапирмаганига қарамай, Аброрнинг нутқи бутун аҳволни ҳаммадан кўпроқ фош қилгандай бўлди...
- Кейин-чи? — сўрадим сабрим чидамай.
- Кейин... нима десам экан? Бировга айтсанг, ишонмайди. Аброрнинг бошига кутилмаганда фалокат тушди. Худди Адолатга ўхшаб... Бу ҳам бир жумбоқ!
- Мен ҳеч нарсага тушунмаяпман...
- Кўнада қандайдир безорилар уни, ўзини йўқотганича дўппослаб, сувга ташлаб кетишган. Бир ой ўтиб, жасади топилди.
- Бунинг Ҳозирнинг алоқаси бор, деб ўйлайсизми?
- Аниқ бир нарса деёлмайман. Мен шунинг учун бу дафтарларни сизга келтирдим. Одамлар ўқишин...
- Сухбатимиз аввалида, дастхат ҳозирги ҳолида охирига етмагандек туюл-япти, демоқчи эдим. Аброрнинг қисматини эшитгач, тахтадек қотиб қолдим. Бу хаёлга сиғмайдиган ва шунинг баробарида, қандайдир қонуний яқун эди...
- Нега бу гапларни дафтарга қўшмадингиз? — сўрадим ниҳоят Қодиржондан.
- Мен бир кунлик воқеани ёздим. Ёзган пайтимда, ўқиган кишига ҳаммаси тушунарли бўлади, деб ўйлагандим. Тўғриси, воқеага тегишли кейинги бу гаплар чиқишини кутган ҳам эмасдим.
- Хўш, бу дафтарларни энди нима қилмоқчисиз?
- Агар малол келмаса... менга ёрдам берсангиз, — деди Қодиржон. — Йўқ, ном чиқариш маъносида эмас. Аксинча, имзо сизники бўлиб қолаверса. Исмларни ўзгартиришингиз ҳам мумкин... Мен фақат бир нарсадан истиҳола қиляпман.
- Нимадан?
- Ўқиганларда мен ўзимни худди мақтагандек таассурот уйғонмаслиги керак.
- Менимча, ундай бўлмайди... Лекин бу дастхатни менга ишонган экансиз, иккимиз озгина баҳслашиб, баъзи бир нуқталарни аниқлаб олишимизга тўғри келади.
- Майли. Албатта, — деди Қодиржон.
- Бухоролик бўлганим учунмикан, Ҳозирнинг бухоролик деганингиз...
- Ўзимга ҳам ёқмайди. Лекин илож қанча, бўзчи билганини тўқийди. Мен у ерлик яхши одамларни ҳам эслаганман. Ундан ташқари, бемаъни бир одам учун жой айбдор бўлиб қолмайди-ку! Менимча, ақлли ўқувчи бу нарсаларнинг фарқига боради. Кейин, бу ерда гап асосан халқ, унинг тақдири тўғрисида...
- Буни асар дейдиган бўлсак, дастхатдаги тасвирда кишиларни гоҳ қоралаш, гоҳ оқлаш оҳанги сезилади. Бу тушуниксиз эмасми?

— Менимча, ҳаётнинг ўзи... — деди Қодиржон ўйланиб. — Кант деган файласуф, бировни юз фоиз ҳақ, бировни ноҳақ қилиб кўрсатишнинг қизиғи йўқ, ҳар ким ўз ҳақиқати билан яшаса қизиқроқ бўлади, деган мазмунда бир гап айтган экан.

— Баъзи ўринларда маълум даражада ҳаётдан узоқлик бор...

— Тўғри. Бу тасаввур натижаси... Тасаввур ҳаёт билан тўқима орасида турса керак, — кулди Қодиржон. — Сиз буни истаганча тартибга солиб, таҳрир қилаверинг. Бемалол... Фақат шакли-шамойили, мазмуни ўзгармаса. Илтимос...

Мен келишганимизга биноан, асарни тартибга солиб, таҳрирдан чиқардим. Лекин Қодиржоннинг илтимосини инобатга олиб, дастхатдаги табиийлик йўқолмасин ҳам деб, шакли-шамойили, мазмунига ортиқча қўл урмадим.

Уни мана шу ҳолда китобхонларга тақдим этяпман...

1984—1987 йиллар.

Биз кўпмиллатли мамлакатда яшаймиз. Биз бутун жамиятда катта ўзгаришларни амалга ошираётган ҳозирги пайтда бу ўзгаришларнинг умуман иттифоқимизга ва ҳар бир республикага, миллатлараро муносабатларга таъсирини ҳақиқат ҳисобга олишимиз керак. Ҳар қандай социал ва иқтисодий муаммони — маданият, демократиялаш, ошкоралик муаммоларини ҳал этиш ҳақида пировард натижада ҳар бир халқнинг, ҳар бир миллатнинг манфаатларига дахлдор бўлади. Шу сабабли бу муаммолар уларнинг ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигига пўтўр етказилмайдиган тарзда ҳал этилиши шарт.

М. С. ГОРБАЧЕВ,

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республика раҳбар ходимлари ҳузурида сўзланган нутқдан



Дадахон Ҳасан

БАҲОР КЕЛАР БОҒЛАРГА

Мен туғилган кун

Гоҳида дўстларим қилади сўроқ:
— Айт, қачон, қай фасл сен туғилган кун?
Қай куни тўпланиб биродар, ўрток,
Табриклар айтамыз шаънингга мамнун?

Мен дейман: келинг, эй дўст-қадрдоним,
Таваллуд кунимни нишонлаш учун,
Шу она диёрим — қутлуғ маконим,
Хур республика деб, эълон бўлган кун.

Турди Фароғий нидоси

Ё фалак, бу юртнинг, айт, ботирлари ҳам борми?
Дилдаги озорларин зохирлари ҳам борми?
Жон фидо қилмоққа гоҳ қодирлари ҳам борми?
Қайдасан, юртим, деган Бобирлари ҳам борми?
Эл ғамини англаган шоирлари ҳам борми?!

Кўкдаги юлдуз мисол милтирар армонлари,
Бўғзида тургай ҳамиша нолаю афғонлари,
Найласин, нодон эрса шоҳлари, султонлари,
Қайга борсин дод этарга кўп йироқ осмонлари,
Ё фалак, бу юртнинг, айт, ботирлари ҳам борми?!

Соҳиби йўқдир бу юртнинг сойи йўк, дарёси йўк,
Беадад боғлар ичинда булбулигўёси йўк,
Бургуту лочинларининг манзили маъвоси йўк,
Бул ғариб кечмишга ҳатто, ҳақни ҳам парвоси йўк,
Ё фалак, бу юртнинг, айт, ботирлари ҳам борми?!

Ноаҳил элдир дариғо тонглари ҳам қорадир,
Чорасизлар чора излаб диллари садпорадир,
Аҳли дил инсонлар эрса май билан овворадир,
Не умрлар шу зайлда елдек ўтиб борадир,
Ё фалак, бу юртнинг айт, ботирлари ҳам борми?!

Бир умр заҳмат чекиб, роҳатни билмайдир бу мулк,
Эрку озодлик надир идрок қилмайдир бу мулк,
Неча юз йилдир ҳануз бошин кўтармайдир бу мулк,
Исламангиз, етти иқлимда топилмайдир бу мулк,
Ё фалак, бу юртнинг, айт, ботирлари ҳам борми?!

Куйлашай десам дамодам марду майдонлар билан,
Рўбарў келдим ҳамиша исми ёлғонлар билан,
Гоҳ сарой ҳофизлари, гоҳ мисли шайтонлар билан,
Баҳс этолмас аҳли бедард, юрти вайронлар билан,
Етти фурсат бирлашингиз беклару хонлар билан,
Ё фалак, бу юртнинг, айт, ботирлари ҳам борми?

Булбул фарёди

Бир куни ўғлим Нодирхон: «Мен ҳали булбулнинг сайрашини эшитганим йўқ, у қачон, қаерда сайрайди!» — деди. Ўғлимнинг бу аччиқ саволидан сўнг ушбу шеърни ёздим.

Дилимни куйдиради айрилиқнинг фиғони,
Билолмадим, инсонлар, надир маним гуноҳим?
Мани чунон бездирди заққум тўла жаҳони,
Билолмадим, инсонлар, надир маним гуноҳим?

Чаманим қолди, найлай, қарға қузғун зоғларга,
Бошимни олиб кетдим осмон қадар тоғларга,
Шояд раҳм айласангиз хазон бўлган боғларга,
Билолмадим, инсонлар, надир маним гуноҳим?

Нега шафқат қилмайсиз оҳу фиғон айласам?
Дарду ҳасратларимни тўкиб баён айласам.
Ёриб бағримни, шафақ бағрини қон айласам,
Билолмадим, инсонлар, надир маним гуноҳим?

Не топдингиз, сиз, ахир, кўксимни доғ-доғ айлаб,
Миттигина жонима тоғдайин фироғ айлаб,
Муқаддас ошиёнимдан мани йироғ айлаб,
Билолмадим, инсонлар, надир маним гуноҳим?

Фалак, бу сўнги ноламдир, чаманимни бергин,
Чаманимда кулган ғунча даҳанимни бергин,
Бергин, жону жаҳонимни — Ватанимни бергин,
Билолмадим, инсонлар, надир маним гуноҳим?

Баҳор келар боғларга

Малҳам бўлиб кўнглимдаги доғларга,
Нурлар сочиб кечмиш ғамгин чоғларга,
Гул-лолалар тақиб юпун тоғларга,
Баҳор яна келар бизнинг боғларга.

Ер бағрида омон экан илдизлар:
Қирғоқларда яшнар яна ялпизлар,
Камалакранг атлас кийиб жон қизлар,
Баҳор яна келар бизнинг боғларга.

Муқаррар, не муз тоғлари кўчгайдир,
Қояларни бургутларим кўчгайдир,
Дараларда какликларим учгайдир,
Баҳор яна келар бизнинг боғларга.

Ҳали не-не порлоқ кунлар олдинда,
Бу кундан ҳам оппоқ кунлар олдинда,
Еғду сочган чақноқ кунлар олдинда,
Баҳор яна келар бизнинг боғларга.

Эй ёронлар, аёзларни ҳайдармиз,
Баҳор бизга, биз баҳорга қайтармиз.
Жам бўлишиб, бир қўшиқни айтармиз —
Баҳор яна келар бизнинг боғларга.

Яна қайтиб келар бир кун баҳорим,
Алвон-алвон нурга тўлар диёрим,
Туш бўб қолар чеккан барча озорим,
Баҳор яна келар бизнинг боғларга.



МУНАВВАР БИР ОФТОБ БИЛАН УЧРАШАЙ

Тоштемир Жўрабоев

Юлдуз учди

Юлдузларнинг сомон йўлини тарқ этиб бирдан,
Тун бағрини ёритганча бир юлдуз учди.
Гўё бутун коинотнинг назари шу дам,
Уша юлдуз парвозига — йўлига кўчди.

Ерга кўнмоқ тилаги-ла ёнапти у,
Олов пуркаб, тулпорини беҳад қистайди.
Унинг чакнаб боқишида ягона орзу —
Одамларнинг нигоҳида сўнмоқ истайди.

Ўтган кунлар

Менинг ўғлим, сенинг қизчанг тўп ўйнайди,
Бийрон-бийрон тилларидан шакар томиб.
Қизчанг қочиб яширинар, шўх, қайнайди,
Севинади ўғлим уни излаб топиб.
Ўтган кунлар кулиб боқар кўзларимга!

Фурсат ўтмай коптокни деб жанжаллашар,
Икки ёққа йиғлаб кетар улар шу дам.
Ўзига хос, болаларча аразлашар,
Сарсон қолар шу орада коптоғи ҳам.
Ўтган кунлар маҳзун боқар кўзларимга!

Душанбе

Фарид Усмон

Кўнглим

Баҳорни кўмсагандек боғ
сени кўмсайди бу кўнглим,
Баҳору боғ каби ҳар чоғ
сени кўмсайди бу кўнглим.

Чечаклар шўх саболарга
кучоқ очган бу гулшанда,
Мисоли ҳар гулу япроқ,
сени кўмсайди бу кўнглим.

Гўзал боғларда водийдан
оқар шўх Андижон сойи,

Ажабки, кимсасиз қирғоқ —
сени қўмсайди бу кўнглим.

Келиб юлдузли тунларда
ширин суҳбат қураарму деб,
Ушал қирғоқ каби муштоқ
сени қўмсайди бу кўнглим.

Бу тошқин сой суви янглиғ
Фарид дил ҳисларим тошқин,
Қилиб илк севгини ардоқ,
сени қўмсайди бу кўнглим.

Демак, сен мен билан бирга...

Демак, сен мен билан бирга,
агар оламга тонг отса,
Демак, сен мен билан бирга,
агар кеч бўлса — кун ботса.

Гўзал ҳуснинг хаёлида
бу олам ҳуснига тўймам,
Демак, сен мен билан бирга,
баҳор боғларни уйғотса.

Сенинг ширин сўзинг мисли
хаёт боғларда шўх янграр,
Демак, сен мен билан бирга,
чаманни булбул уйғотса.

Хаёлим қора райҳон
сочларинг тўлқинига ғарқдир,
Демак, сен мен билан бирга,
сабо гулларни тўлғотса.

Демак, бор борлиғимдирсан,
Фариднинг севгили ёри,
Ажабмас, дилрабо қалбинга
шафқат ҳисси сўз қотса.

Нотанишга

Кўзим керак бўлса, кўзимни берай,
Кўнгил керак бўлса, берай кўнглимни.
Аммо кўзларимга тикандай ботманг,
Беҳуда оғритиб юрманг дилимни.

Ахир, мен инсонман, сиз инсон бўлинг —
Менинг рўпарамда бўлинг бир одам.
Мунаввар бир офтоб билан учрашай,
Қуёш чиққандайин яшнасин олам...

Тошкент

Муҳаммад Ҳайдар

Том тоғанинг кулбаси

БИРИНЧИ МАНЗАРА

Манглай деворларга теккудай мўъжаз,
Бир парча дунёдир ҳовлининг саҳни.
Деворлар кўнглидек баъзан кетар дарз,
Келар зах кулбага қуёшнинг раҳми.

Ҳатто, каламушлар йиғлар очиқиб,
Очлик уларнинг ҳам ҳалокатидир.

Қўлига илинмай қолган ушоқлар
Тунда сувараклар зиёфатидир.

Худо қарғаганми кул тақдирини,
Чумоли ризқича эмасдир ризқи.
Зах кулбада ўлаётган фақирни,
Бир парча нон билан сийламас ҳеч ким...

ИККИНЧИ МАНЗАРА

Бу сокин бошпана, шу қора кулба,
Қоронғи кулбадан қоронғи қисмат.
Юраги ўлмаган қоқсуяк мурда
Кутар ўзи учун рўзи қиёмат.

Хўрсиниб қўяди эзилиб,
Билаклар меҳнати кетди бесамар.
О, тезроқ кетсайди жони узилиб,
Сўнги нафас эса, тиқилиб қийнар.

Меҳнат чайнаб кетди бутун умрини,
Тақдирин ғажиди шум қисмат қаттол.
Кейин улоқтирди четга ўзини,
Йиллар алиф қаддин этганида дол.

«Мен нега яшадим, нега одамлар?
Наф борми дунёдан?» — пичирлар мурда.
Дунёга келади янги умрлар,
Уларни ҳам ямлар қоронғи кулба...

УЧИНЧИ МАНЗАРА

«Дод десам қуёшга етмайди додим,
Кўз ёшларим мавжланади дарёда.
Денгизлардай ҳайқиради фарёдим,
Нураётган кулбадирман афтода...

Эгам ўлиб кетаётир қўйнимда,
Қуёшни ҳам, дунёни ҳам этиб тарк.
Мен заволман, гуноҳ менинг бўйнимда.
Қарға мени, қарға мени, фарбу Шарк!

Эгам нурга ташна эди, тўсдим қуёш ёғдусин,
Озодликни истар эди, йўлин тўсди деворлар.
Кимга керак камбағалнинг орзу-ўйи, истаги,
Шифо топмай ўлаётир ўз дардига беморлар.

Ҳеч чора йўқ, энди мен ҳам секин-секин нурайман,
Эгасизман бугундан, чўкаётган, афтода.
Тирик инсон ўлимига чора топсин, кўрай мен,
Тупроқдирман, нурасам ҳам мангудирман дунёда...»

* * *

Бир мени, бир сени кўрибди тақдир,
Биздан бошқаларни унутганмикан?
Бир мени, бир сени суюбди тақдир,
Биздек ҳаммага ҳам бахт тутганмикан?

Бизни ўз бағрига сингдирди ором,
Бахтиёр яшадик сокин, беармон.
Умр осойишта этмоқда давом,
Биз нима истасак, топилди имкон.

Зерикиб кетаман жимжит оромдан,
Бахт ҳам бўға бошлар исканжасида.
Муҳаббат ўтига юракни қалаб,
Ениб кетолмадик алангасида...

* * *

Ботир жаҳаннамдан соғ ва саломат,
Оловда куймасдан чиқар эртақда.
Болалар билмайди, аслида шу пайт
Қайдадир эртақлар давом этмоқда.

Азиз укажоним, ширин болакай,
Ботирлик қонингда бобо меросдир.
Сен ҳам халоскорсан юртга ҳар қалай,
Эртақлар қайдадир бўлгани ростдир.

Жангдан қайтмоқдалар соғ ва саломат,
Арслондек бақувват, сара йигитлар.
Улар биладилар, тинчлик — омонат,
Шунданми, юраги яра йигитлар.

Бахт гули барқ урар сени ухлатиб,
Мурғак юрагининг куртақларида.
Тинчингни бузишга ҳеч ким ботинмас
Сенинг ватанингни эртақларида.

Тошкент

Сен қуёшга термулма хушхол,
Сен тоғларга сажда қилмагил.
Ёнингдаги қизга назар сол,
Титрамоқда фарёддан кунгил.

Сен кўнглини кўтарсанг унинг,
Қуриб кетса кўзидаги ёш —
Тоғлар сажда қилади сенга,
Зиёратга келади қуёш.

Чорраҳада

«Салом!» дедим жилмайиб масрур,
Сўнг «Хайр...» деб йўлга кўз тикдим.
Чорраҳада учрашган замон
Тасодифдан ҳайрон энтикдим.

Бироқ... бироқ чорраҳалар бор,
Улар бизга шафқат қилмайди.

Бир-бировга талпиндик биз зор,
Маҳзун, масъуд сўзларни айтиб.

Оловланиб диллар титрайди,
Талпинганча титрайди қўллар...
Чорраҳалар ўзи туташиб,
Бизни мудом ҳижронга йўллар.

Айтгим келар... қийнар андиша,
Қарай дейман... қўймайди ҳаё.
Сен сўзларим ва кўзларимга
Бахш этасан махфий бир ҳаёт.

Барглар аро пинҳон ғунчадай
Яширинар дилимга розим...
Сенга, оқшом қаърига ботиб,
Юлдузлардек термилмак лозим.

Шовот

Зафар Комилов

Шамол

Алломани уриб-сўкарлар ва ё
Нюми унинг тиллар аро талошдир.
Бири тухмат, бири ҳурматдир, аммо
Иккиси ҳам унга отилган тошдир.

Ахир қуш бўлсанг-да, тутиб самодан,
Балиқ бўлсанг сувга соларлар қармоқ.

Шуни дебми олим келганди ғолиб,
Одамлар қандайин ғавғо сотарлар:
Очилган кашфиёт бир четда қолиб,
Кашфиётчини боз кўкка отарлар.

Фақат шамолгина ҳар ишни эплар,
Ўзи ғойиб, бироқ шовқини пайдо.
Ўрмон шовуллайди, титрар булутлар,
Бу жимликни бузган ул қудрат қайда?

Қайга ҳам қочсин у ҳамду санодан,
Буюкларга мушкул бундан бош тортмоқ.

Фазолар кўксига дадил уриб бош,
Ул камтарин шамол елади беғам.
Отолмасан унга қасддан бирор тош,
Қўйиб бўлмас ҳатто тошдан ҳайкал ҳам.

Ёлғизлик

«Ёлғизлик — бахтсизлик», — деб ёздим,
Мен ҳамон сени деб келаман.
Юзингни ўгирма, о дўстим,
Фалсафанг бошқача, биламан.

Хилватроқ гўшада қандайин
Кўзларинг бахтиёр — чақноқдир.

Баъзида давралар ёқмайин
Нюхушсан, асабинг чақмоқдир.

Зеро, сен суйганинг сукунат.
Ким сени ёлғиз деб ўйлайди?
Биламан, қошингда табиат
Эртаклар сўйлайди...

Сўз

Шарҳи дил этмакка, эй ёр, минг шукурким, бор, сўз,
Сўзким ул кўнгил каби қадрига маҳтал, зор сўз.

Кўп экан анга харидор, кўп экан сўз ҳам, вале
Бир-бирини излабон сарсон экан, бозор сўз.

Топса гар ўз жисмини ул руҳ каби қодир эрур,
Хар кима ўлса либос гар, йиртилуру абгор сўз.

Ошиқ ўлди ҳар мусофир «ёр» деб ишқ юртида,
«Бунчалар осон экан», деб бўзлади, кўп хор сўз.

Сен ҳам, эй кўп сўзлама, бўлма исрофгар, Зафар,
Эҳтиром эт, эҳтиёт эт, чекмасин озор сўз.

Тошкент

Раҳим Каримов

Троллейбус

Кўлларини симларга илиб,
Судралади у тинмай ҳар кун.
Қисматига хўрлиги келиб,
Шўрлик мунгли чиқаради ун.

Ана, ташлаб юборди бирдан,
Толиб кетган ориқ кўлларин.
Йўловчилар, олиб туринг дам,
Кутиб турсин, майли, йўллари.

Балким кетиб қолмоқ истайди,
Толиқтирган шу сим излардан.
Ташвишсиз бир макон излайди,
Зерикканми ёки бизлардан...

Йўк, жилмади, жиллолмас, ахир,
Манглайига тортилгандир сим.
Тақдирига тан бериб охир
Кўтарар у кўлларини жим...

* * *

Торга — тор дунёдир, кенга — кенг дунё...

Очиғини айтсам дунё менга тор.

Ёқаси кичкина кўйлақдай гўё

Тор дунё дегани: бўйинтуруқ — дор.

Олам кенгаярми ёқамни йиртсам?

Торларга кенг бўлсанг бўлмасми, дунё?!

Кенгларга шундоқ ҳам кенг бўлса олам,

Улар водийларни қўмсамас асло...

Кенглар кезаверар юракларини...

Тор қалбида жой йўқ ҳатто ўзига.

Кенглар кераверар кўкракларини.....

Тошлар тиқилади торнинг бўғзига.

Кел, дунё, дастлаб сен кенг бўлгин менга,

Кейин мен сен учун бўлайин беҳад.

Кенгайиб, тораймоқ ярашмас сенга,

Сен, ахир, дунёсан, дунё бўл абад...

Археологга

Ер қазиб ўтмишни излайсан.
Мозийни топгайсан заминдан.
Минг йиллар наридан сўзлайсан,
Келгандек сен ўша замондан.

Ҳай, топса бўларкан тарихни
Қидириб, тупроқнинг қаъридан.

Иқбол-чи, қаердан изланар?
Ё у ҳам қазилар шу ердан?

Мен учун муҳими — келажак,
Гоҳ жавоб излайман фолбиндан.
Бизларга ким айтиб беражак
Ўтмаган кунларни олдиндан?..

Уш

Ватан

Мен сени ҳали ҳам англолганим йўк,
Лек қадринга бир оз етмоқни билдим.
Бокира меҳрингдан бўлгай кўнглим тўк,
Ҳар лаҳза гўдакдай сенга интилдим.

Шу боис шириндир, завкли ҳар нафас,
Етгум бор қадринга мен англаб сени.
Махлуқдан баттарман, яшашим абас,
Сенга бўлган меҳрим тугаган куни.

* * *

Ҳар галгидай яна ташлайсан,
Кенг тўшакка ўзингни тунда.
Ширин тушлар кўриб ухлайсан,
Сен ухлайсан кимнинг қўйнида?

Асраб эзгу, нафис туйғунгни,
Кимдир бедор турар ҳар оқшом.

Ҳеч ким бузмас ширин уйқунгни,
Гўдакдайин оласан ором.

Сенга мадор, ҳам меҳр берган
Ўша кучоқ, ўша тинч хонанг,
Дилбандим деб кучоқлаб турган,
Ўзбекистон — у бедор онанг!

Тошкент

Маъмуржон Ғаниев

Ажнабий дўстимга

Сочлари қирк ўрим ўрилган бир қиз
Ўтаркан ийманиб кўча четидан;
Ажнабий дўстимда уйғонди қай ҳис —
Гап сотиб, эргашиб қолди кетидан.

Илондай тўлганган қоп-қора сочлар,
Воажаб, тақимни ўпарди гўё:
«Рухсат бер, сочингдан бир ушлай, гўзал», —
Сайёҳ бола каби сўрар маҳлиё.

Беихтиёр кўлин чўзаркан сайёҳ,
Қиз мисли оҳудай тортди ўзини.
Сайёҳ тўхтаб қолди, ранжиди ногоҳ,
Йўқотиб ҳам қўйди бийрон сўзини.

Бундан ранжима, ҳой, ажнабий ошнам,
Бу оддий ибодат, кўполлик эмас.
Билсанг, қизларимиз сочларини ҳам
Дуч келган ҳар кимга ушлатавермас.

Остона

Яқинлашган сари тўй, висол они,
Қизни энтиктирар ажиб бир туйғу.
Лекин остонани тарк этар чоғи,
Барибир, барибир йиғлаб кетди у.

Севги қанотида учар мастона,
Аммо қиз олади бир нарсани тан:
Оёқ остидаги камтар остона,
Ҳатто муҳаббатдан буюкроқ экан.

Фарғона



ЗАМИННИНГ ҲАР БУРЧИ МУҚАДДАС МЕНГА!

Ўзбек دوستларим!

Ғли Навои-Ўлмузбек бердиң
урнақтарымыз. Осины
ешқашанда ұмытпайық!

Олмас Сулейменов.

— **Ўлжас оға, содир бўлаётган воқеалар сизда қандай таассурот қолдирапти!**

— Замон шиддатли ва ташвишли кечмоқда. Шахсан мён, шу қадар қуюқ кечинмаларга тўлиқ замоннинг биринчи марта шоҳиди бўлиб турибман. Унинг бағрида: ишонч ҳам, қаҳру ғазаб ҳам, кўнгил қолиш ҳам, ҳафсаласизлик ҳам, ранжу алам ҳам, озгина муваффақиятдан қувонч ҳам ва яна янги пайдо бўлган умид ҳам бор.

— **Қайта қуриш шароитида янгича фикрлаш ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда қандай шаклларда намоён бўляпти! Бу борада, баъзан, тўпланган яхши тажрибаларга эътиборсизлик, бефарқлик, менсимай қараш ҳоллари сезиляптими! Тажрибалар — бизнинг босиб ўтган йўлимиз, жамият механизмини ҳаракатга келтирувчи воситалардан бири эмасми! Сизнингча, қайта қуришнинг асосий мезони нима!**

— Янгича фикрлаш — қайта қуриш иши фақатгина бизнинг мамлакатимизга тегишли хусусий ҳодиса бўлмасдан, балки бутун жаҳонга алоқадор зарурат эканлигига ишонтириш тарзида юзага чиқяпти. Инқилобий ислохотнинг ошкоралик зайли, масалаларни давлат аҳамияти даражасига кўтариш муддаоси дунёвий тараққиёт тажрибасини ривожлантириш истаги ҳаммаси бирикиб бизнинг мақсадимизни тезлаштиради ва енгиллаштиради. Давлат виждони нуқтаи-назаридан бизнинг босаётган ҳар бир қадамимизни дўсту душманларимиз, инсоният очиқ-ойдин кўриб, кузатиб турибди. Бу — янгилик. Уни қувватлаш керак. Фақат шундай йўл билангина, давлатлараро, миллатлараро мавжуд бўлиб келаётган руҳий ва сиёсий ғояларни, тўсиқларни, деворларни кўпориб ташлаш мумкин. Шу тобда, онгимизда кеча билан бугунни ажратиб турадиган девор кўтарилиб боряпти. Биз, яна яқин ўтмишимизни инкор этияпмиз, одатга кўра тарихимиздан воз кечаяпмиз. Ваҳоланки, ўтмиш фақат жиноятлар ва хатолардан ташкил топмаган-ку! Унда жасорат ҳамда умум эришган катта ютуқлар ҳам бор-ку! Кўҳна ва янги тарих бизнинг пойдеворимиз. Шуни ҳеч маҳал унутмайлик. Борди-ю, пойдеворни кўтариб ташлаш ниятида унга бел санчар эканмиз, у ёрилади, дәрз кетади. Сўнгра, устига ҳеч қачон мустаҳкам девор тиклаёлмаймиз. Азбаройи про-рабнинг қанча цемент ўғирлаганини аниқлаш учун қурилган уйни йиқитиш шарт эмас. Чунки бу уйда аллақачонлардан бери одамлар яшаб келяпти.

Менинг назаримда, қайта қуришнинг асосий мезонини, оталаримиз амалга оширган ишларга ақл ва донолик билан муносабатда бўлиш ташкил этади. Янгиланиш — барча тажрибаларни инкор қилиш эмас, аксинча уларнинг энг яхшиларини, сигналларини ривожлантиришдир. Икки йилдан ортиқроқ ўтган вақт мобайнида, биз, ошқора суратда меросимизда нималар яхши бўлганлигини ва нималар бемаъни эканлигини англаб етишга ҳаракат қилдик. Лекин уларга баҳо беришда фикрларимиз доим ҳам бир жойдан чиқавермади. Қувватланиши лозим бўлган демократик диалоглар вужудга келди. Диалоглар пайдо бўлиш ҳолатининг ўзи муҳим воқеадир.

Шунинг учун ҳам демократияни қайта қуришнинг бош белгиси деб биламан. Қаердаки, ҳар хил фикрларни очиқча айтиш имкони бўлмаса, у жойда қайта қуриш ҳам йўқ.

— **Адабиётда-чи!**

— Адабиётда-ку бу биринчи навбатда керак. Сабаби адабиёт — халқнинг овози.

— **Демократия, ошқоралик ниқоби остида баъзи бир чаққонлар, сўзамоллар, ҳаракатчанлар фурсатдан фойдаланиб олдинга ўтиб олишга интилишмаяптими! Аввалги бюрократ ўрнига янги, анча устамонроғи жойлашиб олмаяптими! Бу, группавозликдек ёмон одатни кучайтirmаяптими!**

— Тўғри, шундай ҳолатларни кўряпмиз. Адабиётда ҳам ва бошқа соҳаларда ҳам. Қайта қуриш жамиятнинг юқори қатламини ҳам, қуйи қатламини ҳам силкитмоқда. Қабиҳлар ошқораликни маълумотлар ҳисоби учун ишлатдилар. Улар бирдай ғолиблик шоҳсупасига жойлашдилар, айёрлик билан фидойи курашчилар қиёфасида юрдилар. Вақтнинг соф шабадаси ҳамиша, даставвал, чанг ва ахлатларни кўтаради, сўнгра замон кемасининг елканини тўлдиради.

— **Сталин ва сталинизм ҳақида шахсий фикрингиз!**

— Рухий хаста одам, буюк мамлакатни параноик (телбаларча) бошқарди. Яна нима қўшиш мумкин?

— Янгича фикрлаш жараёнида, миллий адолат ҳамда миллатлараро ҳаққоний муносабатларни қарор топтиришда алоқа ва интернационализмнинг олдин кўринмаган қандай қирралари очилмоқда!

— Усиб бораётган умумдавлат диалоги, миллий такомил ва миллатлараро муносабатлар масаласида жуда жиддий мусохаба юритишни тақозо этяпти. Бу тўғри ва адолатли ҳол. Миллий кадр-қимматнинг ҳаққоний манзараси узоқ йиллар мобайнида сир сақланди, яшириб келинди, сунъий равишда шиширилиб бир томонлама йўналишга бурилди. Шу даврда, Қозоғистонда, Болтиқбўйи ва Урта Осиёда миллатчилик миш-мишларига тегишли содир бўлган воқеалар бежиз эмас. Мамлакатимизнинг бутунлигига ҳеч нима даҳл қилолмайди. Чунки, биз ўтган етмиш йил ичида жуда кўп умум нарсаларга эришдик. Унинг аввалоси йўлимиз ва мақсадимиздир. Лекин зикр этилган ноҳус фактлар, бизни, демократия шароитида кўпмиллатли мамлакатда яшашни чуқур ўқиб олишимиз шартлигини исботлаяпти. Бунинг учун ихтиёрий иттифоқларнинг тажрибаларини мукаммал ўрганишимиз керак. Миллий тиллар ва анъаналарга катта эътибор ҳамда ҳурмат кўрсатиш зарур. Ана шунда, интернационалистик ва демократик ҳамжиҳатлигимиздан ҳосил бўлган тажрибамиз, миллий ва диний қарама-қаршиликларни тўғри ҳал этиб, дунёга адолатнинг ҳаққоний мисолини намойиш қилади.

— Миллий тилларни ўқитиш ва уларни ўрганиш масаласига қандай қарайсиз!

— Бизнинг Қозоғистонда бугунга келиб миллий тилларнинг тенг ҳуқуқлигига алоҳида аҳамият кучайди. Қозоқ ва рус тилларини ўқитиш мукаммаллаштирилди. Йигирманчи йилларнинг охиридан сўнг, биринчи марта, мустақил равишда қозоқ тилини ўрганиш наشرлари пайдо бўла бошлади. Тўғри, булар ҳаммаси ҳали дарсликларда тўла аксини топмаган, лекин бу тузатса бўладиган иш. Муҳими, биз бошлаб олдик, давлат олдида ниҳоят қозоқ тилининг нуфузини кўтардик.

— Тарих фақат ўтмишми!..

— Биз «ўтмиш» сўзидан ҳўчимаслигимиз керак. Ҳзимизнинг болалигимиздан ва ўспиринлигимиздан кўркмаймиз-ку, ахир! Тарих ҳам халқнинг ёшлиги-да. Бу ёшликни сўнгги муҳлатгача асрамоқ лозим. Мусибатлар ҳам, қувончлар ҳам хотирда турсин. Тарихи йўқ халқ, хотирасини унутган кекса одамга менгазайди.

— Сиз, сўнгги пайтларда тарихнинг қаърига шўнғиб, сўзларнинг, асосан, туркий сўзларнинг этимологик таҳлили билан жиддий шўғулландингиз. Бунинг боиси!

— Сағир бир кун вояга етиб ўзининг ота-онаси бўлганми-йўқми билишга уринади-ку!

— «Аз и Я» китобингиз қайта нашр этиладими!

— Билмайман. У турғунлик даврида чиққанди. Афтидан, биринчи китоб ижтимоий фанларда қайта қуриш зарурлигига ундаган эди. Мана, ошкоралик даври кетаётган бир пайтда, биронта нашриёт уни қайта чоп қилишни хоҳламаяпти.

— Улжас Сулаймонов ҳар қандай маслакни қабул қилавермайди. Унинг ўз маслаги бор. Бу — Осиё ҳамда қозоқ даштлари», — деган фикрни билдиришган ижодингизни таҳлил қилган баъзи мунаққидлар. Бунга ўзингиз қандай қарайсиз!

— Менинг маслагим — билим. Мен одамларнинг ҳақиқатни англаб етишларини истаيمان. Шу билан бирга ўзим ҳам нодонлик ва ёлғонга қарши басма-бас уни янада кенгроқ билишга интиламан. Нодонлик ва ёлғон — бизнинг умум душманамиздир. Анча йиллардан бери «Минг бир сўз» номли китоб ёзаяпман. Тугатишнинг ҳеч иложи бўлмаяпти.

— Шеърларингизда кўёш ва тун сўзлари кўп...

— Бу образлар умидим ва имконсизлигимнинг ифодаси.

— Маълумки узоқ вақт Ғарб маданиятга ҳавас, унга эргашиш авж олган эди. Эндиликда эса, ёш авлод руҳий изланишларининг рационал мағзини Шарқ тафаккури ташкил этяпти. Бундай кайфият фақат Шарқ регионидагина эмас, матбуотларда ёзилишича, Ғарбнинг ўзида ҳам кенг тус олиб бораётган экан. Бу — қонуниятми ёки ўткинчи ҳодисами!

— Диалектик тараққиёт алоқасининг графиги тўлқинсимоан чизиқ шаклида. Худди кардиограммага ўхшайди. Тушиш — кўтарилиш. Масалан ўрта аср бошларида маданият Ғарбий Европага нисбатан Урта Осиёда кенг ривожланган. Сўнгра Шарқда тушиши бошланиб, Ғарбда кўтарилиш пайдо бўлган. Бундай жарён бир неча асрлар давом этди. Ҳанузгача, Урта Осиёда Ал Форобий, Ал Хоразмий, Беруний Ибн Сино, Улуғбекларга тенг келадиган алломалар етишиб чиқмаяпти.

Ҳозир кўтарилишнинг яна босқичи бошланди. Бу босқич худди ўрта аср Осиё Уйғониш даври мутафаккирлари Европада адабий муҳитнинг кўтарилишига кўрсатган таъсирга ўхшайди. (Европа Аристотель ва Платон ҳақида гап кетганда ҳамиша Ал Форобийнинг ишларини ҳам ҳурмат билан эслайди.) Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ғарб маданияти махсулларини ўзига сингдириб, ўзлаштириб олган ҳозирги замон Шарқ маданиятида жиддий ўсиш ва юксалиш кўзга ташланади. Бундай кўтарилиш жаҳон миқёсида қайта қизиқиш ва ҳурмат уйғотмоқда. Ҳазро таъсир жараёни тезлашиб борапти.

— Мабодо, биз, қадимги скифлар, ассирийлар, греклар, римликларнинг ҳаёти ва тажрибасини назардан соқит қилсак нима бўларди! Шу муносабат билан ўзингизнинг энг яхши асарингиз — «Сопол китобингизнинг қандай яратилганлиги тўғрисида сўзлаб берсангиз! Нима сабабдан уни «Сопол китоб» деб атагансиз!

— Бугунги қунда маънавиятимиз эҳтиёжларини фақатгина ўзимизнинг миллий тарихимиз мезонлари қондира олмайди. Маданий интеграция планетар оғни тарбияламоқда. Маълумки, Замин оламда ҳаёт ато этилган яккаю ягона самовий жисм ҳисобланади. Бир аср олдин ҳам у бепоён бўлиб кўринарди. Бугун эса, унинг кичкина эканини аниқ ҳис этиб турибмиз. Замин ҳаммамизга ёлғизгина Ватан. Биз камчилмиз, олам нуқтаи-назаридан олиб қараганда, биттаю биттамыз. Шунинг учун ҳам Замин сайёрасида нимаики рўй берса, бизнинг умум тарихимиз бўлади. Қадимги грек маданияти нафақат паспортида грек деб ёзилганларга мансуб, балки ҳаммамизга алоқадордир. Кўҳна Шумер, қадимги Хитой, Миср фиръавнлари маданияти хусусида ҳам айнан шу гап. Кишилиқ тарихи уни билган одамгагина насиб этади. Менинг ишончим шундай. Бу борада,

мен, қадимги Рус тарихини фақат рус тадқиқотчиларигина ўрганиши ва таҳлил қилиши мумкин, деган фикрни илгари сурган академик Б. А. Рибоков билан анча баҳслашганман. Замон талабларига жавоб берадиган билиш учун нодонликка ўралган академизм қолипларидан кўра ортиқроқ хатар йўқ. Шу мерлар ва ассирийлар сопол жадваллар ёзишган. Шундай жадваллардан мен китоб туздим. Ўғуз хони Ишпакайнинг ассирия гўзали Шамхатга бўлган севгисини тасвир этувчи асаримнинг номини нима сабабдан «Сопол китоб» деганим аён бўлгандир.

— **Шеърятдаги географизм, космизм, историзм фикр кўламининг кенглигини билдиради-ми?**

— Миқёсни кенгайтириш ҳавасида фойдаланилган ўта замонавий атамалар теран фикр ва чуқур мушоҳада билан йўғрилмас, қанчалик кенг ва катта тушунчалар кўлланилмасин барибир маъно кучаймайди.

Қишлоқни қайта-қайта «кент» деган билан Самарқандга айланмайди. Лекин, майда ҳодисалар ҳақида, жуда оддий сўзлар билан ёзиб ҳам катта шоир бўлиш мумкин. Ҳатто улўф фикрларни ва туйғуларни баён қилиш ҳам унчалик шарт эмас, муҳими, ўқувчи сенинг сўзларингдан ҳаракатга келсин, уйғонсин.

— **Сиз, аксарият учрашувларда, «Инсонга таъзим қил, Замин!» поэманингдан парча ўқийсиз. Маълум бўлишича, мазкур поэманингизни қисқа фурсатда битирган экансиз. Унинг ёзилишига боғлиқ сабаб ва умуман «адабий туртки» ҳақида фикрингиз!**

— Мен уни бир ҳафтада ёзганман. Бу — 1961 йил апрель ойида эди.

Инсоннинг коинотга учшини, биз узоқ вақт кутдик. Инженер сифатида мен ушбу зўр фактнинг аҳамиятини чуқур ҳис этдим. Бу ҳайрат ва шавқ фавқулодда ниманидир кутишга тайёргарлик эди. Биз, Гагариннинг учини бутун дунёни бирдан осойишталик ва яхшиликка қўйлаштиради деб умид боғлаган ва ишонган эдик. Аммо бу ҳозирча юз бергани йўқ. Биринчи учидан кейин одамлар қарийб юз мартаба коинотга чиқиб тушдилар. Шоирлар эндиликда училар ҳақида ёзмай ҳам қўйишди. Бу одатий жасоратлар эндиликда ларзага ҳам солмайди. Ёза бошлаганингдан кейин туртки ҳам, онингдаги сакраш ҳам унутилди.

— **Бугунга келиб бадий фикрнинг марказига кўчиб бораётган публицистик руҳни айрим ижодкорлар фазилат деса, баъзи ижодкорлар қусур дейди. Сизнингча, қандай?**

— Ёзувчининг адолатни тиклаш борасидаги фикри инсоний тоқатсизликка кўчган тақдирдагина у фазилатга айланади. Бунинг акси — оперативлик нишони остида моҳият теран таҳлил этилмай, куруқ сиртда чириллайверса бу, шубҳасиз қусур.

— **Экологик мувозанатнинг бузилиши инсонни маънавий қашшоқликка олиб бормайдими!**

— Табиий фалокатлар кўпинча иқтисодий қарорларга ҳаддан зиёд ружу қўйиш оқибатида рўй берапти. Шошма-шошарликдан, ўйловсизликдан келиб чиқаяпти. Гарчи қарорларнинг асосида ҳаммиша халқни фаровон қилиш орузи ётса ҳам. Агар миллион йиллар мобайнида мовий чайқалиб турган Орол денгизи, бор-йўғи ўн йилликлар орасида қуриб қолса, бундан одамлар маънавий бойидими?

— **Оролни асраб қолиш чораси топилармикин? Сиз нима деб ўйлайсиз!**

— Уни асраб қолиш керак!

— **«Заминнинг ҳар бурчи муқаддас менга!» Бу дунёни кезган сафарларингиздан туғилган Заминга яқдил қараш формуласими!**

— Ҳа. Замин — муқаддас!

— **«Янги инсон» зарурийлиги ҳусусида кўп фикрлар бўляпти. Бу ҳақда сиз нима дейсиз!**

— Мен бу атамани хуш қўрмайман. «Янги инсон» масаласининг кун тартибига қўйилишига умумхалқ фожиясини рўқач қилиб кўрсатмоқчи бўлишади. Уни сунъий равишда ҳокимларнинг гап-сўзларидан андоза олиб хаёлий сиймо тарзида яратишга тиришадилар. Топшириқ параметрлари остида ишлаб келган одам борки, барчасига бир хил эски деган тамгани босишади. Ваҳоланки, эл-юртига қотишган, кўп нарсаларни бошидан ўтказган, меҳнати сингган одамнинг иззатини жойига қўйиш, унга муносила қилиш бизнинг инсоний бурчимиз-ку! Бундай одамлар эса жуда кўп.

ИНСОННИ ҳурмат қилиш керак, ИНСОННИ тарбиялаш керак, янгимас, ўртамас, буюкмас, оддий ИНСОННИ! Муруватнинг эскиси ва янғиси бўлмайди. Фақат ҳаммиша инсонийлик ва ноинсонийлик ҳаракат қилиб келган ва у давом этади.

— **Сиз қадимий ўзбек юртида кўп бўлгансиз. Бу юрт ва унинг адабиёти ҳақидаги таассуротларингиз!**

— Ўзбекистонни жуда яхши кўраман. У билан бирга хурсанд бўламан, у билан бирга қайғураман. Ўзбек ёзувчилари орасида дўстларим кўп. Уларнинг, ўз кечинма ва мақсадларида яқдиду яқтан бўлишларини хоҳлардим. Бу истак қозоқ ёзувчиларига ҳам тегишли. Қайтараманки, ҳали бизнинг амалга оширишимиз лозим бўлган ниятларимизга нисбатан қилган ишимиз жудаям оз.

— **Олтиминчи йиллардан кейин, наздимда ўзбек ва қозоқ адабий алоқалари сусайгандек кўринади. Модомики шундай бўлса ҳар икки адабиётни бир-бирига яқинлаштириш учун алоқанинг қандай усулларидан фойдаланиш мумкин!**

— Бошқасини қўятурайлик. Биз ҳали алоқа усулларининг анча олдин шаклланган кўринишларининг ўзидан ҳам тўла фойдалана олмаёпмиз. Тез-тез учрашиш лозим. Бир-биримизни таржима қилишни изчил йўлга қўйиш керак. Союз йўли билан ҳам, шунчаки сафар нияти билан ҳам, борингки, ҳар қандай дастлабки имконият туғилиши билан ҳам борди-келдини қўпайтирайлик.


— **Келажак ҳақида ўйлар инсонга умид бағишлайди. Сизнинг умидларингиз!**

— Умид қиламан: кўзларимизга кўнган чангу ғуборлар тезда кўтарилади, бизнинг республикаларимиз ва бутун мамлакат тоза шабададан тўйиб-тўйиб нафас олади.


— **Анъанавий савол. Қандай янги асарлар билан ўз ўқувчиларингизни қувонтирасиз!**

— Бир қатор режаларим бор. Ҳали амалга ошганича йўқ. Энди ўйлаброқ ваъда бераман. Янги нарсга тугаши билан етказишга ҳаракат қиламан.

Сўхбатни Икром ОТАМУРОДОВ олиб борди.



КАРЛ. МАРКС ТУФИЛГАН КУННИНГ 170 ЙИЛЛИГИГА



БУЮК ТАЪЛИМОТ АСОСЧИСИ

Совет кишилари, бутун прогрессив инсоният Илмий коммунизм назариясининг асосчиси, Халқаро ишчилар синфининг доҳийси К. Маркс туғилган куннинг 170 йиллигини кенг нишонламоқдалар.

К. Маркс шахс сифатида нодир талант эгаси бўлиб, унинг сиймосида ажойиб олим ва довжорак курашчининг фазилатлари мужассамлашган. У ишчилар синфининг революцион назариясига биринчи бўлиб асос солди. Маркс буюк олим бўлиш билан бирга оташин революционер ҳам эди. К. Маркснинг ўлмас таълимоти бир асрдан зиёд вақтдан бери эксплуатацияга қарши, ижтимоий ва миллий озодлик учун курашларда ишчилар синфига, барча меҳнаткашларга куч-қувват ҳамда матонат бахш этувчи битмас-туганмас манба бўлиб хизмат қилмоқда. У ўзининг фандаги кашфиётлари, ҳаётдаги жасорати билан барча мамлакатлардаги меҳнаткаш синфларнинг чексиз иззат-ҳурматиغا сазовор бўлган.

Шунинг учун ҳам дунёнинг ҳамма нуқталаридаги изчил революционерлар ва демократлар уни ўзларининг буюк устози деб биладилар ва фахрланадилар.

Карл Маркс машаққатли, аммо шонли ҳаёт йўлини босиб ўтди. У аввало матонатли жангчи эди. Меҳнат аҳли озодлиги ва бахт-саодати учун ҳар қандай эксплуататорларга қарши мурасасиз кураш унинг ҳаёти мазмунини ташкил этди. У бутун ҳаёти давомида шафқатсиз танқид қуролини қўлидан туширмади, сохта ғояларга қарши, сохта шиорларга, сохта илмий назарияларга қарши, жоҳиллик, риёкорлик, иродасизлик, адолатсизлик, тенгсизликка қарши тинмай, мардонвор жанг қилди. Социализмни утопиядан фанга айлантирган, капитализмнинг ҳалок бўлиши ва коммунизмнинг ғалаба қилиши муқаррар эканлигини ҳар томонлама ва назарий жиҳатдан чуқур асослаб берган зот Марксдир. Марксизм XIX аср ўрталарида фан ва илғор ижтимоий фикр ютуқлари замининда вужудга келди. Маркс кишилик билимларининг мустаҳкам пойдевориغا таянди. «У кишилик жамияти яратган нарсаларнинг ҳаммасини танқидий кўз билан ишлаб чиқди, уларнинг бирор моддасини ҳам эътиборсиз қолдирмади, — деган эди В. И. Ленин. — У кишилик фикри вужудга келтирган нарсаларнинг ҳаммасини ишчилар ҳаракатида текшириб кўриб, қайтадан ишлаб чиқди, танқид этди ва тор буржуазия доирасида ўралашиб қолган буржуа хурофотларига боғланиб қолган кишилар чизқара олмаган хулосаларни чиқарди (ТАТ, 41-том, 339—340-бет). К. Маркснинг тарихда буюк хизмати шундан иборатки у материализмни диалектика билан, яъни энг чуқур, тўла ва бирёқламликдан холи бўлган ривожланиш ҳақидаги таълимот билан бойитди. Табиат ҳам, жамият ҳам ўзлари учун хос бўлган диалектик қарама-қаршиликлар замирида ривожланиб борадилар, бу қарама-қаршиликлар табиатни ҳам, кишилик жамиятини ҳам оддийликдан мураккабликка, қуйидан юқорига қараб ривожланишга мажбур этади.

Буни кишилик жамиятига тадбиқ этадиган бўлсак, шундай маънони англайди: жамият ҳаётининг турли томонлари — социал-иқтисодий, шунингдек, маънавий соҳалари пировард натижада ишлаб чиқариш усули билан белгиланади. Инсон сиёсат, фан, санъат ва ҳоказолар билан шуғулланиши учун, у энг аввало озик-овқат, яъни моддий ишлаб чиқариш берадиган барча нарсаларга эга бўлиши зарур. Маркснинг кишилар онги турмушни белгиламайди, аксинча, ижтимоий турмуш онгни белгилайди, деган формуласи шундан келиб чиқади. Бу формула ижтимоий фанда тубдан тўнтарилган ясади. Маркс томонидан тарихни материалистик тарзда тушуниш кашф этилганлиги туфайлигина жамият ҳақидаги ҳақиқий фан пайдо бўлди. Уз-ўзидан равшанки, у жамият тараққиёти

жараёнида онгинг, илғор ғояларнинг катта аҳамиятга эга эканлигини инкор этгани йўқ. Булар ҳам ўз навбатида моддий ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлади.

Энгельс орадан кўп йиллар ўтгач, дўстининг вафотидан кейин марксизмнинг худди ана шу энг кучли томонини алоҳида таъкидлаб кўрсатган эди. Халқаро коммунистик ҳаракатнинг ва ишчилар синфининг илмий коммунизм ғояларини қабул этган дастлабки революцион партияларининг пайдо бўлиши Маркс номи билан боғлиқдир.

Ишчиларнинг капитал зулмига қарши стихияли ҳаракатини онгли синфий курашга — капитализмни афдариб ташлаш ва жамиятни социалистик асосда революцион тарзда қайта ўзгартириш учун курашга айланиши назарияси Маркснинг гениал кашфиётидир.

Албатта марксистик дунёқараш бундан олдинги ижтимоий тафаккур оқимларидан узилган ҳолда, жаҳон цивилизацияси тараққийсининг катта йўлидан четда пайдо бўлгани йўқ. Марксизм инсониятнинг табиатни ва ижтимоий ҳаётни билиш соҳасида яратган барча энг яхши нарсаларнинг қонуний вориси бўлди. Бу таълимот ижтимоий тафаккурнинг ҳамма ютуқларига, аиниқса, немис философияси, инглиз сиёсий иқтисодий ва утопик социализмнинг ҳамма ютуқларига суянди. Маркс ижтимоий тафаккурнинг илғор йўналишларидаги ҳамма рационал нарсаларни танқидий нуқта-назардан ҳисобга олди, ишчилар ҳаракатида синовдан ўтказди ва пролетариат позициясидан тубр ижодий жиҳатдан қайта ишлаб чиқди.

«Фақат Маркснинг философик материализмига пролетариатга ҳозиргача барча мазлум синфларнинг қисмати бўлиб келган маънавий қулликдан қутилиш йўлини кўрсатиб берди. Фақат Маркснинг иқтисодий назариясига капитализмнинг умумий тузумида пролетариатнинг туган ҳақиқий ўрнини тушунтириб берди» (В. И. Ленин ТАТ, 23-том, 53-бет).

Маркс, Энгельс ишчилар синфининг революцион назариясига асос солдилар ва омма ҳаракати тарихида биринчи марта диний хомхаёллар ва ҳаёлий орзу-истаклар ўрнига илмий идеологияга эга бўлди.

Маркс яратган иқтисодий назария буржуа жамиятининг асосий зиддияти ва тенденциялари ривожланишини, бу жамият ҳалокатга маҳкумлигини, пролетар революцияси муқаррар равишда ғалаба қозонилишини асослаб берди.

«Ишлаб чиқариш воситаларининг марказлашуви ва меҳнатнинг умумийлашуви, — деб ёзган эди К. Маркс, — шу нуқтага етдики, улар ўзларининг капиталистик пўстларига сиғмай қоладилар. Бу пўст тарс ёрилади. Капиталистик хусусий мулкнинг вақти-соати битади. Экспроприаторларни экспроприация қиладилар» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. 23-том, 773-бет).

Марксизм философияси ва иқтисодий таълимоти туфайли жамиятнинг ривож ижтимоий иқтисодий формациялар алмашинувининг табиий-тарихий қонуниятли процесси эканлиги аниқланди. Тарихий материалистик тушунишни ва иқтисодий назарияни капиталистик жамият анализига изчиллик билан тадбиқ этиш социализм вужудга келиши ва ғалаба қозонишининг қонуний ҳодисаси эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини берди.

Марксизм капитализм ўрнини социализм эгаллаши муқаррарлигини асослагина қолмай, бу вазифани бажаришга қодир бўлган ижтимоий кучни кўрсатиб берди. Ишчилар синфи шундай ижтимоий кучдир. «Маркс таълимотида энг асосий масала, — деб кўрсатган эди Ленин, — социалистик жамият бунёдкори бўлган пролетариатнинг жаҳоншумул тарихий ролини аниқлаш масаласидир» (В. И. Ленин, ТАТ, 23-том, 1-бет).

Марксизм синфий кураш, социалистик революция ва пролетариат диктатураси тўғрисидаги таълимотни яратиб, янги ижтимоий тузумга боришнинг бирдан бир тўғри йўлини белгилаб бердилар.

Маркс пролетариат сиёсий партиясининг биринчи бунёдкори ҳам эди. У жамиятни революцион тарзда ўзгартиришда Коммунистик партиянинг ролини тўғри кўрсатди. Маркс ишчилар синфи ташкилотининг олий формаси бўлган пролетар партияси ҳақидаги таълимот асосини яратди.

У Ф. Энгельс билан биринчи халқаро коммунистик ташкилот — Коммунистлар союзини (1847—1852 йиллар) барпо этди, биринчи оммавий халқаро пролетариат ташкилоти — I Интернационални тузди (1864—1872 йиллар). Бу пролетар партиясини тузиш йўлидаги курашнинг шонли саҳифалари бўлди.

Илмий коммунизм эндигина шакллана бошлаган пайтда унинг тарафдорлари 400 га яқин коммунистдан иборат эди. 1960 йилда уларнинг сони 36 миллион, 1987 йилда — 80 миллиондан ортди. Улар ҳозирги вақтда дунёнинг юзга яқин мамлакатида фаол ҳаракат қилмоқдалар.

«Илмий коммунизм асосчилари Карл Маркс ва Фридрих Энгельс, — дейилади КПСС Программасида, — синфий курашнинг тарихий тажрибасига, инсоният илғор тафаккурининг ютуқларига таяниб, ижтимоий ривожланишнинг объектив қонуनларини кашф этдилар, капитализм емирилиши муқаррарлигини назарий жиҳатдан исботладилар, янги Коммунистик жамият ижодкори бўлиши пролетариатнинг олашумул тарихий вазифасини асослаб бердилар».

Маркс туғилган кунга бир ярим асрдан ошди, аммо унинг асарлари ва инқилобий ишлари айна кунларда ҳам жаҳон коммунистларига ҳозирги давр — капитализмдан социализм ва коммунизмга ўтиш даври проблемаларига ҳамма топишда кўмақдosh бўлаётир.

Марксизм назарияси пайдо бўлгандан бошлаб унинг атрофида кескин ғоявий кураш давом этмоқда. Антисоциализм идеологлари К. Маркс назарияси эскириб қолди, бугунги капитализм бошқа йўлдан ривожланиб бормоқда, деб даъво қилмоқдалар. Ҳозирги замон капитализми марксистик концепцияларга тўғри келмаслиги ҳақида, марксизмни ғарб цивилизациясига тадбиқ этиш мумкин эмаслиги тўғрисида неча юзлаб китоб ёздилар. Улар марксизмни рад этиш ёки лоақал таъсирини заифлаштириш, тарқалишига ҳалақит беришдан иборат ғаразли мақсадни кўзда тутмоқдалар. Аммо В. И. Ленин ёзганидек, «Марксизм «йўқ қилинди» деб эълон қилинган сари, у халқ оммаси орасига тобора кенг ва чуқур сингиб бормоқда».

Маркс ва Энгельс ишининг гениал даво мчиси В. И. Ленин янги тарихий шароитларда бу таълимотни ҳар томонлама ривожлантириб, ҳозирги замоннинг туб масалаларига тадбиқ этди. В. И. Ленин бошчилигидаги большевиктик партия раҳбарлигида Улуғ Октябр социалистик революцияси амалга оширилди. Бу буюк инқилоб марксизм-ленинизм назариясини нақадар тўғрилигини амалда исботлаб берди. Ленинизм — бу янги типдаги марксизм, XX аср марксизми, замонамиз

марксизмдир. Зеро, фан ва озодлиқ курашнинг халқаро тажрибаси асосида В. И. Ленин Маркс ва Энгельс таълимотининг ҳамма томонларини, ҳамма таркибий қисмларини ижодий ривожлантирди.

Янги дунёни куриш бошланди. В. И. Ленин ишлаб чиққан социализм реал воқелик бўлиб қолди. У меҳнат аҳлини улуғлади, унинг фаровонлигини юксалтирди, эртанги кунга ишонч бағишлади. Социализм ватанимизни ғоят катта иқтисодий, илмий-техникавий потенциалга эга бўлган қудратли давлатга, маданияти илғор мамлакатга, юксак даражали маълумотли жамиятга айлантирди. Марксизм-ленинизмнинг енгилмас кучи йил сайин тобора тўлароқ намоён бўлмоқда.

Жўшқин давримизнинг бой воқеалари бу таълимотни янада ижодий ривожлантириш имконини бермоқда. Ўз вақтида Ленин, коммунистларни марксизм назариясига ижодий ёндашиш зарурлиги тўғрисидаги васиятни амалга оширишга чақирган эди. Лениннинг ўзи ана шу васиятга доимо амал қилиб, марксизмни янги босқичга кўтарди. Ҳозирги кунда Коммунистик партиямиз, халқаро коммунистик ҳаракат ва ишчилар ҳаракати, жаҳон социализм системаси ҳам ана шу васиятга оғишмай амал қилмоқда.

Бизнинг партиямиз учун марксизм-ленинизм революцион тафаккур ва ҳаракатнинг битмас-туганмас манбаидир. Ана шу абадий барҳаёт манбага мурожаат қилар экан, у ўз ғоявий арсеналини муттасил бойитиб бормоқда, замонанинг туб проблемаларини илмий жиҳатдан чуқур ишлаб чиқмоқда.

КПССга хос бўлган новаторлик ва ижодкорлик руҳи партиямизнинг 1987 йил апрель Пленуми ва кейинги Пленум қарорларида ва КПСС XXVII съездида ўз характери жиҳатидан революцион бўлган Янги стратегик мақсадлар ўртага қўйилди.

Партия мамлакатимизда мавжуд бўлган турғунлик тенденцияларига, ленинча принциплардан чекинишларга қатъий баҳо берди.


М. С. Горбачев таъкидлаганидек, партия салбий жараёнларнинг сабабларини тушуниб олиш ва ҳаракатимизни жадаллаштирадиган, хатоларнинг такрорланмаслиги кафолатини берадиган, олға ва фақат олға томон бориб, социализмга узвий равишда хос бўлган ўзини ўзи доимий мукаммаллаштириш қобилиятини амалда исботлайдиган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга азми қарор берганлигини нутқларида аниқ кўрсатиб берди.

Қайта куриш жамиятимизнинг кенг қатламларига тобора чуқур кириб бормоқда. Ҳозир мамлакатимизда содир бўлаётган ўзгаришлар социалистик демократизмни ва туб иқтисодий ислохотни ривожлантириш йўлида Октябрдан кейинги энг катта қадамдир.

Мамлакатимиз жўшқин ҳаракатга келди, сиёсий, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан катта ўзгаришлар қилинаётганлиги яққол кўзга ташланмоқда. Республикамиз меҳнаткашлари, ижодий зиёлиларимиз Коммунистик партиямизнинг раҳбарлигида амалга оширилаётган жўшқин революцион стратегияни қўллаб-қувватлаб, покланиш ишларини амалга оширмоқдалар. Марксизм-ленинизм ғоялари бугунги кунда миллионларнинг қалбидан чуқур жой олиб, буюк моддий кучга айланди. В. И. Ленин таъкидлаганидек, Маркс таълимоти шунинг учун ҳам қудратлики, бу таълимот абадий тирик ва доим ривожланиб боради.

Марксизм-ленинизм ғоялари бугунги кунда миллионларнинг қалбидан чуқур жой олиб, чиндан ҳам буюк моддий кучга айланди. Совет кишилари ўзларининг янги революцион бунёдкорлик меҳнатлари билан ўз ишларини қайта қурмоқдалар. Марксизм-ленинизм ғоялари совет халқини янгидан-янги зафарларга чорламоқда.

Собитхон НОСИРХУҶАЕВ,
тарих фанлари доктори, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган фан арбоби



Нусрат Раҳмат

СЎҚМОҚЛАР ВА САБОҚЛАР

Пахта!

Инсон қўлига иш қуроли тутган қадим-қадим замонларданоқ ундан фойдаланган. Ҳарфни кашф этган дақиқалардан эътиборан бу мўъжизакор экин ҳақида ёзган.

Вза ўсимлиги турли асрлардаги солномаларда инсоннинг азалий ризқ-рўзи бўлмиш жавдар, бугдой билан бирга тилга олинган.

Бугунги кунда пахта етиштириш билан дунёдаги саксондан ортиқ мамлакат шуғулланади. Ана шу ўлкаларда бу мўъжизакор экиндан мўл ва арзон ҳосил олиш кун тартибидаги энг долзарб масала ҳисобланади.

Бизнинг Урта Осиё республикаларимизда ҳам шундай. Шу боисдан пахта ҳақида қалам тебратиш бағоят масъулиятли. Бундай пайтда билган ёки билмаган ҳолда ўзгаларни такрорлаб қўйиш ҳеч гап эмас.

Ҳозир республикамизда содир бўлган нохушликларга асосан пахтани сабаб қилиб кўрсатиш ҳоллари ҳам бўляптики, бунга тоқат қилиш мумкин эмас. Масалан, ғаллакор кўзбўямачилик қилса, унинг илдизини табаррук бугдойдан изламаслик керак.

Узи шунақа: бағоят нозик мавзулар бўлади. Масалан, буюк кишилар, оламшумул воқеалар, муҳим тарихий саналар... Бу мавзуларда қалам тебратиш учун чуқур билим, теран тажриба, серқирра фантазия керак. Акс ҳолда буюклик бачканалашиб қолади. Бу эса пахта толасини канопга айлан-тиришдай гап! Ахир, инсоният Одам Ато ва Момо Ҳаво давридан эътиборан кори-эҳтиёж учун ишлатиб келган бебаҳо неъмат тўғрисида ёзиш жўн иш эмас. Андиша-ю, истиҳолога боради киши. Аммо бу мавзуни четлаб ўтишга ҳам ҳаққимиз йўқ. Майли, топган гул келтирар, топмаган...

Мен анчайин ёшлигимдаёқ деҳқон билан ёнма-ён туриб чигит қададим, сув тарадим. Ундан илгарироқ — ҳали бўйим ғўзадан андак баланд бўлган пайтлар этак боғлаб пахта тердим. Урта мактабни битиргач, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида нуфузли домлалардан сабоқ олдим. Сўнг бир неча муддат совхозда энтомолог бўлиб ишлашга тўғри келди. Ундан кейин сал кам йигирма йил давомида мухбирлик қилиб пахтакорга ҳамнафас, ҳамдард бўлдим. Баски, шундай экан пахта ва пахтакор ҳақида қалам тебратишга ҳақлиман!

Пахтачиликни серқамров дорилфунунга ўхшатгим келади. Начора, ижодда ҳар ким ўзига ҳос ташбеҳ, қиёс, шаклу шамойил излайди.

Мен уни дорилфунун дер эканман, унинг сабоқлари хусусида бирма-бир тўхталиб ўтишим лозим.

Тарихдан бир шингил

Узоқ ўтмиш ҳақида гап кетганда киши беихтиёр қадим алломаларга мурожаат этади. Улар бисёр, улар зукко. Арасту, Сукрот, Гиппократ, Демокрит, Гомер...

Пахта ҳақидаги илк маълумотларни мана шу улуғ зотларнинг замондоши Геродот асарларида учратиш мумкин. Юнон ва форс уруши ҳақидаги тарихий асарида у шундай деб ёзади: «Миср фиръавни македонияликларга олтин ва дарахт толасидан тўқилган кашта инъом этди».

«Дарахт толаси», бу — пахта. Уша пайтларда (ҳозир ҳам айрим тропик мамлакатларда) у дарахтдай бўлиб ўсган. Баъзи бир қадимий китобларда ғўза ўсимлиги шохларида қўйлар осилиб ётган дарахт сифатида тасвирланган ва аксарият ҳолларда жун дараҳти, деб аталган.

«Авесто»да форс бозорлари завқу шавқ билан таъриф этилади, ундаги газламаларга мадҳу сано ўқилади.

Ёзма манбалар — бебаҳо мерос. Аммо ўтмиш ҳақида гап кетганда тарихий ашёлар ҳам талаб этилади. Археологлар Ҳиндистоннинг Ҳараппа харобаларидан эраимиздан уч минг йил муқаддам тупроқ остидан пахтадан тўқилган мато топдилар, Ҳиндистондаги ёзма манбалар ҳам бу ўлкада беш минг йилдан бери пахта етиштирилишидан далолат беради.

Сўз фақат маданийлаштирилган ғўза ҳақида кетаётганлигини унутмаслигингизни сўрардим. Ёввойи ғўза толасидан инсоният 30 минг йил муқаддам ҳам фойдаланган. Аммо унинг асл ватани, яъни маданийлаштирилган маркази ҳақида гап кетганда Ҳиндистон, Миср, Эрон олимларидан ташқари, Хитой, Мексика, Арабистон тарихчилари, археологлари ҳам маълум даражада даъвогар эканликларини таъкидлаб ўтмоқ керак.

Жумладан, эраимиздан илгари IV асрда яшаган Теофраст ўз саёҳатномаларида Арабистон бозорларидаги пахта хусусида анча батафсил маълумот берган.

Пахтачилик билан бизда ҳам қадимдан шуғулланиб келинади. 1933 йили археологларимиз Афросиёб харобаларига туташ жойдан эрамиздан олдинги 720 йилга тааллуқли газлама қолдиқларини топдилар.

Теофраст замондоши Истархи ёзади: «Суғд юрти биз тилга олиб ўтган уч жой орасида энг гўзалдир. У доим сувлар оқиб турадиган каналлар билан ўралган яхлит боғлардир. Дарёнинг ҳар икки томони ям-яшил дарахтлар, экинзорларга бурканган. Дарахтлар экинларни ҳимоя қилади».

«Суғд юрти» — бизнинг ўлка, аниқроғи Самарқанд. Бот-бот тилга олинган экинлар гўза, албатта. Чунки сайёҳ Суғд бозорларини кезиб, турфа газламалар сотилаётганини ҳам завқ-шавқ билан таърифлайди.

Соя, рапс каби экинларнинг далаларимизга келиб қолганига атиги 20—25 йил, картошка, помидор сингари неъматларнинг кўпайтираётганимизга 70—80 йил бўлди. Шу нуқтаи назардан таққослайдиган бўлсак, гўза Урта Осиёда жуда-жуда қадимий экин эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Ботаника ва география

Гўза (*Cossypit*) кўп йиллик ўсимлик ҳисобланиб, гулхайри, айрим хонаки гуллар, пахтагул сингари буталар билан бир оилага мансуб бўлган гиёҳдир. Айрим иссиқ мамлакатларда унинг дарахтдай бўлиб ўсишини эслатиб ўтган эдик. Лекин кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, йил ўтган сайин дарахтсимон гўзанинг кўраги кичрайиб, толаси сифатсиз бўлиб бораркан.

Шуниси ғалатки, тола гўза ўсимлиги ҳаётида катта аҳамиятга молик эмас. Табиат уни чигитни ҳимоя қилиш, турли мавжудодга илиниб, уруғни тарқатиш учун яратган. Лекин инсон учун энг зарури шу толадир.

Гўза толасидан: сатин, трикотаж, чит, ип, штапель, линт; чигитидан: мой, совун, фото-кино плёнка, олиф, глицерин, линолеум, портловчи модда, самолётлар учун махсус лак, спирт, сунъий чарм, синмайдиган шиша, капрон, нейлон; барги ва поясидан: спирт, қоғоз, крахмал, лимон кислотаси, картон ва бошқа ғаройиб буюмлар олинади.

Лабораторияда эса гўзадан олинadиган маҳсулотлар сони икки юзга яқин. Гарчанд ер юзида пахтачилик билан шуғулланadиган давлатлар кўп бўлса-да, саккиз мамлакат — Совет Иттифоқи, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон, Бразилия, Мексика, Мисрда жами толаннинг 80—85 процентни тайёрланмоқда.

Планетамизда ўттиз беш миллион гектардан кўпроқ майдон гўза билан банд. Ана шу майдонлардан йилига 14 миллион тоннага яқин ёки ҳар гектаридан 3 центнердан тола олинади.

XVIII асрда чигит ажратадиган джин машиналари ва тўқимачилик дастгоҳлари кашф этилгач, пахтачилик улкан одимлар билан тараққий топди. Шунгача ипак, зиғир, каноп сингари толалар орасида пахта атиги беш процентни ташкил этган бўлса, XIX асрга келиб бу кўрсаткич 73 процентга кўтарилди. Кейин ҳам унинг салмоғи муттасил ошаборди.

Адабиёт

У кишини бу музофотда Шўро бобо ҳам, Хўжаев бобо ҳам, Раис бобо ҳам дейишади. Отахон аслида Бухоро шаҳрига туташ қишлоқдан. Улуғ Ватан урушидан олдинги нотинч йилларда, Файзулла Хўжаев тўхматга учраганда айрим калтабин кишилар фамилияси Хўжаев бўлганларни ҳам шубҳа остига оладилар. Шунда Шўро бобо бир кечада она қишлоғини тарк этиб «Пахтаобод»га келиб қолади. У паст-баландни биладиган, билимдон киши бўлгани учун аввал бригадир, сўнг ҳосилот шўро, кейин раисликка сайлашади.

Уруш бошланади. Ушанда ҳам раис тадбир билан иш юритиб, колхознинг шўхратини улуғлайди. Эркаклар фронтга кетиб, далада асосан хотин-халаж қолганига қарамай колхоз илғор бўлиб қолаверади. Раис фронтга кўплаб ғалла, мева жўнатиш билан бирга, одамларга ҳам анча-мунча буғдой тақсимлашни қанда қилмайди.

Шуларнинг эвазига бўлса керак, колхозга эскигина юк машинаси «полторка» беришади. Аммо ҳадеганда уни ҳайдайдиган шофёр топилавермайди. Шунда раис шаҳарга тушиб Вася деган озғин, сарғиш йигитни эргштириб келади.

— Бугундан эътиборан Вася колхозимизнинг шофёри, — дейди раис, — уни ҳеч ким ранжитмаслиги керак!

Васянинг ўзи ҳам бағоят хушфезъл, камтарин, меҳнаткаш йигит чиқиб қолади. Бортига «Пахтаобод» колхозини деб ёзилган машина районда ҳам кўпчиликка таниш, қадрдон бўлиб қолади.

Аммо шўрлик Шўро бобони Бухорода таъқиб этган машъум қисмат бу ерга ҳам етиб келади. Вася аслида немис эканлиги, унинг ҳақиқий номи Вайслиги аён бўлиб қолади. Бу нохуш гапдан «Пахтаобод» сесканиб тушади. Шу дақиқадан эътиборан одамлар машинага йўламай қўядилар. Васяга бўлган илиқ меҳр ўрнини беҳудуд нафрат эгаллайди.

Шофёр зудлик билан кетиб қолади, аммо қишлоқда раис ҳақида ҳам нохуш гап оралаб қолади: «Хўжаев немисларга сотилган эмиш. Узи ҳам асли халқ душмани бўлган эмиш».

Одамлар раисдан ўзларини олиб қочадиган, унга ёвқараш қилиб ўтадиган бўлиб қоладилар.

У колхоз муҳрини қоровулга топшириб, бир кечада «Пахтаобод»дан ғойиб бўлади. Одамлар ўртасида: «Хўжаев немислар томонга ўтиб кетибди», деган гап тарқалади. Бир неча ойгача «Пахтаобод»ликлар уни нафрат билан ғийбат қилиб юришади.

Аммо орадан икки-уч йил ўтгач ҳамқишлоқлар у ҳақда бошқача фикрлар айта бошладилар. «Шўро бобо жуда меҳрибон одам эди», «Колхозчининг бошини силарди». «Бирор кишининг бурини қонатмасди».

Бунақа илиқ гаплар шунинг учун кўпаядики, биринчидан, Хўжаев ўз қишлоғида бригадир эканлиги аён бўлиб қолади. Иккинчидан, ундан кейин раис бўлиб келган киши Шўро бобо қўйган кадрларни зудлик билан алмаштиради, айрим беғуноҳ кишиларни қувғин остига олади.

Колхоз планин бажаролмай қолади. Колхозчилар қашшоқлашиб, рўзғорда нон деса кесак

ғизиллайдиган бўлиб қолади. Иккинчи йили аҳвол янада хароб бўлади. Райком раисни янгилашдан ўзга илож тополмайди.

Янги раис ҳам атиги бир йил ишлайди. Қишлоқдаги бир енгиллоёқ аёл билан дон олишиб юргани аён бўлиб қолгач, обрўйи тўкилиб, жуфтакни ростлаб қўя қолади.

Колхозчилар ўзларига муносиб раис излаб юрган кунларнинг бирида қишлоққа тасодифан Шўро бобо кириб келади. Одамлар уни бағоят хушфэъллик ва хурсандлик билан пешвоз оладилар.

Аён бўлишича, раис ҳақиқатан ҳам она қишлоғига қайтиб кетган экан. Бориши билан жону ҳолига қўймай бригадир қилиб тайинлашибди. Кўп ўтмай раисликка ҳам лозим кўришибди. Шўро бобо тадбиркор эмасми — ҳўжаликни тез кўтарибди. Пахта, ғалла плани ошиғи билан бажарилаверибди. Шунда катта бир йнғилишда раисга сўз бериб, ана шу ютуқларнинг омиллари ҳақида гапиришни сўрашибди. «Бу ерда ҳеч қанақа сир йўқ, — дебди раис, ерга нури бериб, одамларга ҳақ тўласанг, ҳар қандай ҳўжаликни юксалтириш мумкин. Қолган ҳамма омиллар иккинчи даражали...»

«Пахтаобод»ликлар Хўжаевни бирор ҳафтагача иззатини жойига қўйиб меҳмон қилгач, раис бўлишини илтимос қилишибди.

«Йўқ, — дебди у, — мен энди раҳбарлик қилмайман! Лозим топсаларинг, тегирмонни беринглар, юргизиб тураман».

Одамлар жону ҳолига қўймайдилар. У аввал ҳосилот шўро, сўнг раис бўлади.

«Пахтаобод» тагин йилма-йил тараққий этади. Колхознинг номи газеталарнинг биринчи саҳифаларида, ҳурмат тахталарида жаранглаб қолади. Катта мажлисларда Хўжаев нуқул президиумга сайланадиган бўлади. Қисқа вақтда замонавий посёлка, стадион қурилади. Нуфузли меҳмонларни кўпинча «Пахтаобод»га олиб келадиган бўладилар.

Олтмишинчи йилларнинг бошларигача давом этади бу ширин даврон.

Уша йили марказий шаҳарлардан бирида яшовчи тўқимачилик фабрикаси коммерсия ишлари бўйича директор ўринбосарининг уйини ўғри уради. Табиийки, жабрдийда зудлик билан милицияга хабар етказлади. Оператив группа тузилади, исковуч ит олиб келишади, хуллас, ўғрилар қўлга тушишади. Улар бир нечта йигитчалар экан. Болалар анча-мунча олтин, марварид тақинчоқларни қизларга совға қилишга, айрим нодир буюмларни пуллашга ҳам улгуришибди.

Усмирлар қамоққа олиндилар. Орадан анча вақт ўтгач ҳалиги йигитчалардан бири марказий газета редакциясига жуда таъсирли хат йўллайди. Ота-онаси эртадан кечгача фабрикада ишлашларига қарамай, рўзғорлари бисёр эмаслигини, бу мансабдор эса тобора битиб кетаётганини ёзади, редакциядан адолат ва муруват сўрайди. Редакция хатни прокурорга жўнатади. Прокурор жинойиш иш қўзғайди. Ҳалиги амалдор ўз тушунтириш хатида бу бойликлар ота мерос эканлигини ёзиб, отасининг васиятномаси, нодир ўз тасдиқлаган бир талай бошқа ҳўжжатларни ҳам кўрсатади. Прокурор ишни ёпиш ҳақида буйруқ беради. Аммо тасодифни қарангач, у автомобил ҳалокатига учраб, иш охирига етмай қолади. Унинг ўрнига тайинланган прокурор ишни қайтадан қўзғаб, чуқурроқ тергов ўтказди. Маълум бўлишича, ҳалиги амалдорнинг отаси бетайин, ичкиликбоз одам бўлган экан. Шунда у бу бойликларни ўзбекистонлик айрим дўстлари совға қилишганини ёзиб беради.

Бу «дўст»лардан бири пахта заводи мол тарқатиш бўлимининг мудир экан. Милиция унинг ҳиқилдоғидан тутди. У анча-мунча талмовсираб, тайсалга солиб кўради-ю, ниҳоят, пахтапурушлик қилганини бўйнига олади. Узига пул чўзиб турган раислар, директорлар, бухгалтерлар, кассирларни ҳам айтади. Масала катта қозонда қайналади. Аввал райондаги, сўнг областдаги казо-казо ҳўжалик раҳбарлари устидан жинойиш иш қўзғалади.

«Пахтаобод»ни ҳам тафтиш қилишади. Маълум бўлишича, илғор бригадирлардан бири ана шу нопокликка аралашиб қолган экан.

«Мажбуриятни бажаришга икки процент қолганди. Раис бобо хафа бўлмасинлар, деб шундай қилдим», дейди у.

Бригадирни қамоққа олишгандан кейин Шўро бобо жуда ўқсиб кетади. Бир ҳафтада сочининг оқи янаям кўпайиб, букчайиб қолади. Райкомда қолдирган аризасида: «Мен раисликка нолайиқман. Колхозда шундай ҳол рўй беришига мен ҳам айбдорман», деб ёзади. Йўқ, уни ҳеч ким айбламайди. Илтимосу илтижоларини инобатга олиб раисликдан озод қилишади.

Генетика ва селекция

Улуғ Октябр социалистик революциясигача бизда ғўзанинг қанақа навлари экилганини аниқ айтиш қийин. Лекин айрим ёзма манбаларга қараганда қачонлардир Америка қитъасидан келтирилган кинг, триумф, миср ғўза ва шуларнинг бир-бирига ҳатишиб кетган дурагайлари кўпайтирилган экан.

Илк Совет ғўзаларидан бири «Наврицкий» деб аталган. 1930 йили мамлакатимиз пахта майдонларининг олтмиш процентига ана шу навнинг чигити экилганлиги ҳам унинг шуҳратидан далолат беради.

«Наврицкий» ғўзасининг кўраги 5,5 грамм бўлган, у 34—35 процент тола берган.

Орадан уч-тўрт йил ўтиб, ғўза навлари кўпайиб борган. Аксарият районлар ўз навларига эга бўлганлар. Шунинг учун бўлса керак, кўп навлилик қораланган ва селекционерлар «Шредер», «Колхозчи», «Большевик», «Канаш» навларини танлаганлар.

«Шредер» нави 1941 йили қирқ процент майдонга экилган. 120—125 кунда пишиб етиладиган бу нав анча серҳосил, лекин тола чиқиши нисбатан кам (31—32 процент) бўлган.

«Колхозчи» навининг тола чиқиши 37—38 процент бўлса ҳамки, у анча кечки бўлган, яъни 145 кунда пишиб етилган. Селекционер С. Канаш яратган навлар кўп ғўза навларини сиқиб чиқарганини таъкидлаб ўтиш керак. Чунки унинг кўсаги салмоқли (7—7,5 г.) тола чиқиши 39—40 процентни ташкил этган.

Пахтачилигимиз тараққиётидаги энг улкан воқеа селекционер Леонид Румшевич томонидан яратилган 108—Ф нави эканлиги кўпчиликка аён. 1947 йилда районлаштирилган бу ғўза олтмишинчи йилларга келиб Ўзбекистондан ташқари Тожкистон, Озарбойжон, Қирғизистон, Туркменистон пахтазорларида ҳам оммавий тарзда экиладиган бўлди.

108— Ф навининг тола чиқиши 34—35 процент, толасинниг узунлиги 33—34. миллиметр, ҳар бир толанинг юк кўтариш қобилияти 4,8 грамм. Аммо уни вилт енгди. 108— Ф «Тошкент» навлага ўрин бўшатиб берди.

Саксонинчи йиллари пахтакорлар тагин 108— Ф навини излайдиган бўлдилар.

Адабиёт ўрнида

Ҳурматли дўстим Годердзе!

Анча вақтдан бери мактуб ёзмаганим учун кечиргин! Ишга кўмилиб қолдим. Бунинг устига уй-рўзгор ташвишлари кўпайиб кетди. Уйлаб қарасам, сен билан армияда хизмат қилган пайтларимиз олтин давр экан. Нақадар беташиш, беғубор кунлар эди.

Армиядан қайтиб келганимдан кейин алламаҳалгача бекор юрдим. Аниқроғи, нима иш қилишимни билмадим. Айрим тенгдошларим райондаги турли ташкилотларга қатнашиб ишлашди. Улар менга анча-мунча иш ҳам топишди. Аммо ота мерос бир парча заминни ташлаб кетишга кўзим қиймади. Бусиз ҳам қаровсизликдан томорқалар қақраб, иморатлар тўкилай деб қолганди. Шунинг учун колхозда қолиб тақдиримни синаб кўрмоқчи бўлдим. Тўғри, колхозда ишнинг боши ҳам, охири ҳам бўлмайди. Маошингни ҳам вақтида ололмайсан. Аммо заминни, ҳамқишлоқларни ташлаб кетавериш ҳам унчалик жўн иш эмас экан!

Едингда бўлса, сенга Шўро бобо ҳақида гапириб берган эдим. Ҳозир колхозимизга отахоннинг ўғли — Файзулла раис бўлган. Бир-икки ҳафта дам олгач, шунинг олдига кирдим. Яхши йигит экан.

«Хўш, сенга нима иш берсам экан-а», деди у ўйлаиб. «Менга трактор беринг, — дедим фурсатдан фойдаланиб, — ҳужжатим бор, армияда танкист бўлганман!»

У бош инженерни дараклаб, менга иш беришни тайинлади. Инженеримиз ҳам камтарин, камсуқум йигит экан. Мени трактор паркига эргаштириб борди-ю, бир чеккада турган шалоқ «Белорусь»ни кўрсатиб, бор ҳақиқатни гапириб берди.

— Бултур эгаси йўл қурилиши идорасига кетиб қолди. Бир оз харажат қилиш керак. Биз ҳам қараб турмаймиз...

Тракторни даладан лой ҳолда ҳайдаб келиб, шундайгина ташлаб қўйишгани учун у занглаб кетганди. Аккумулятори, стартёри, фараларидан ташқари генератори, кичик фильтри, бир форсункаси ҳам йўқ эди. Ноинсоф тракторчилар кабинадаги қўлга илинадиган асбоб-ускуналарни ҳам ўмариб кетишибди. Рости гапки, хафа бўлиб кетдим. Буни инженер сезди.

— Бугун форсунка билан генераторни топиб беришади, — деди меҳрибонлик билан, — механикни чақиртириб яна уёқ-буёғини тортиб кўринглар, тагин бир гап бўлар.

Дўстим Годердзе! Бу шалоқ даҳмазани эпақага келтириш учун нақ бир ой унадим. Шодивой деган таксичи дўстимдан бир оз қарз кўтаришга ҳам тўғри келди. (Акамдан сўрамоқчи бўлдим-у, янгамдан андиша қилдим). Тракторни не-не машаққатлар билан ҳайдаб чиққанимдан кейин ҳам аниқроқ иш топиш амри маҳол бўлди. Ҳамма бригаданинг ўз трактори, тракторчиси бор экан. Лекин мени ҳам ишсиз қолдиришмади. Тракторларга ёқилги ташишга қўйишди.

Рости гапки, бу иш мени сира қаноатлантирмасди. Тушгача барча тракторларни заправка қилиб чиқаман-у, кейин нима иш қилишимни билмайман. Томорқага зўр бермоқчи бўлгандим, янгам рўйхушлик бермади. «Биз бу ерда иморат кўрмоқчимиз», деди.

Бир куни «Белорусь»ни чоптириб кетаётганимда йўлда Шўро бобони кўриб қолдим. Тормозни босиб, тушиб кўришдим (колхозимиздаги ҳамма шофёр-у, тракторчилар шундай қилишади).

«Сен Очил тегирмоннинг ўғлимисан? Нима иш қилиб юрибсан? Сани ўрнингда бўлсам, кўчани чангитиб юрмай, Дарёвотни обод қилардим», деди у киши.

Мен отахон билан хайрлашдим-у, бот-бот дадам ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолдим. Раҳматлини Очил тегирмон дейишарди. Магазинларда ун кўпайиб, касби-кори касод бўлгунча тегирмончилик қилган у. Кейин арава минди. Умрининг охирида аравадан ҳам воз кечиб, сой бўйида боғ қилишга киришди.

Дадамнинг ногоҳон бундай қарорга келишининг боиси менга қоронғу эди. Ҳамқишлоқларимиз Дарёвот деб атайдиган бу қиялиқлар сой соҳилида бўлса ҳамки, сувдан бенасиб эди. Бунинг устига қайроқтош кўплигидан кетмон уриб бўлмасди. Дадам эрта баҳорда ана шу ёнбағирларга ёнғоқ, шотут, олма — хуллас, қўлига тушган ниҳолни қадайверди. Тоғдан бир нечта дўлана ҳам қўчириб келди.

Бу қашшоқ заминда ниҳол кўкартириш унча жўн иш эмасди, албатта. Дадам аввал бағоят синчковлик билан жой танлар, сўнг сандалдай ернинг шағал, қумларини чиқариб, ўрнига тоза тупроқ ташиб келарди. Мен ҳам ҳар куни мактабдан чиқиб Дарёвотга йўл олардим. Кўпинча акам менга ҳамроҳ бўлар ва биз учовлашиб алламаҳалгача тер тўқардик. Ҳаммадан ҳам ниҳолларнинг атрофини ўраш қийин бўлганди. Тоғдан ёввойи бодомча ташиб, четан девор тиклагандик. Азои баданимга тикан қадалиб, роса озор чекканман.

Уша баҳор — кўчатларнинг олди барг ёзганда дадамнинг шундоққина кўкраги устидан без чиқди. Биз кўрқиб кетдик. Чунки бобомни ҳам кўкраги устидан чиққан ана шунақа без олиб кетганини билардик-да!

Дадамнинг мадори тобора қуриб, иштаҳаси йўқолди. Лекин у имкон борича кўпроқ ишлашга ички бир талваса билан тиришадиган бўлди.

Гарчанд дарё яқин бўлса-да, ундан челақлаб сув ташишга тўғри келар, бу эса осон эмасди. Не-не уқубатларда олиб чиқилган сувни чанқоқ замин ташна туядай қўлтум қилиб симириб юборарди.

Бу ерда ҳар томчи сув ҳисобда бўларди. Мен дадамга тушлик олиб борганда, гоҳ у, гоҳ бу ниҳол остида қўл ювар ва ички бир қониқиш билан таъкидлаб қўярди: «Бунинг ҳам ҳалқумига сув тегди!»

Без йириклашди: аввал данакдай, сўнг ёнғоқдай... Бормаган доктору табибимиз қолмади. Аммо дарднинг муҳдиш чангали бешафқат экан. Дадам ётиб қолди. Кундан-кун қоқсуяк бўлиб

бораётган отажонимни қувонтиришнинг бирдан-бир йўли ниҳолларга обиҳаёт бериш эканлигини ич-ичимдан ҳис этардим. Дарсдан чиқиб, тўғри Дарёвотга йўл олардим. Аммо ҳарчанд қилмайин боғ дадамга ўхшаб қовжирайверди. Бир жуфт дўлана билан ёнғоқ жон сақлаб қолди, холос. Шўро бобо билан учрашган куннинг эртасиеқ Дарёвотга йўл олдим. Қарасам, дарахтлар анча улғайиб қолибди. Чамалаб кўрсам, бу ерда ярим гектар ер беҳуда ётибди. Битта насос сотиб олсам, Шўро бобо айтгандай каттагина боғ яратиш мумкиндай эди. Шундан кейин куну тун боғни йўлайдиган бўлдим. Бирор ҳафта ўтар-ўтмас шу масала билан раисга кирдим.

«Давай! — деди у одатдагидек, гапимни охиригача ҳам эшитмай, — ўзим ёрдам бераман. У ерда икки гектарча ер бор! Бульдозер биздан, мотор ҳам топиб бераман. Келажақда боғларни кўпайтиришимиз керак! Фақат пахта билан қорин тўймайди!»

Дўстим Годердзе! Бу ердаги чўққига чиқиб қарасанг, Дарёвот катта ҳовучга ўхшаб кетади. Деҳқоннинг беўхшов ҳовучига!

Ҳар бири етмиш беш, юз от кучига эга бўлган бульдозер ва тракторлар ана шу «ҳовуч»нинг ичини бир ҳафта ичида эпқага келтирдилар. Тупроқ остидан беҳисоб тош, шағал чиқди. Мен ён-веримга қарамай тош теришга тушиб кетдим. Тезда хотиним, синглим ёнимга киришди.

Орадан кўп ўтмай, Дарёвотга раис келди-ю, қувониб кетди.

«Давай, — деди, — бу ёғини ҳам зичланг! Нима ёрдам керак бўлса, биз — за! Агроном шу ҳафта ичи ниҳол олиб келади. Одам ҳам ҳам топиб бераман!»

Шундай қилиб ниҳолларни ҳам қандаб олдик. Раиснинг маслаҳати билан ниҳол ораларига чигит экдим. Ҳозир уларни парваришлаб юрибман. Қийинчилик кўп, аммо нолийдиган жойим йўқ. Колхоз ёрдам бериб турибди.

Бари гап шу! Тагин ўзгаришлар бўлса ёзарман. Мактубингни кутаман.

Салом билан, Рауф.

Фермердан ўргансак арзийди

Доҳиймиз В. И. Ленин ўз асарларида капиталистлардан меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини ўрганиш зарурлигини бир неча бор таъкидлаб ўтган.

Биз пахта ҳосилдорлиги бўйича жаҳонда олдинги ўринга чиқиб олдик. Биздаги прогрессив усуллар ақсарият мамлакатларда қўл келяпти. Лекин шунга қарамай фермерлар тажрибасини ўрганишимиз ортиқчалик қилмайди.

Бундан нақ ун бир йил муқаддам Болгариядаги «Олтин қумлоқ» санаториясида АҚШлик фермер Фред Вильямс билан мулоқотда бўлган эдим. Фред менинг самарқандлик эканлигимни эшитгандан кейингина мен билан гаплашишга мойил бўлиб қолди.

Менинг тасаввуримда фермерлар ўта калондимоғ, курс, нописанд бўлиб гавдаланарди. Аммо тан олишим керакки. Вильямс жуда хокисор эди. Унинг Самарқанд ҳақидаги саволлари ҳам жўнгина бўлиб чиқди.

Мен ундан пахтачиликдаги асосий проблемалар ҳақида гапириб беришни сўрайман.

— Эҳ, уйинг куйгур фузариоз!...

— Бизда вильтга чидамли навлар яратилди, — дедим ўша пайтда оммалашган «Тошкент» навларини назарда тутиб.

— Бу касаликка бардош берадиган нав бўлмайди, — деди у ишонч билан, — бари дучор бўлади.

Шундан сўнг у ўз штатидаги алмашлаб экиш схемаси ва тракторларга тақиладиган механизмлар ҳақида узоқ гапирди. Мен учун шу нарсалар янгилик бўлдики, уларнинг алмашлаб экиш схемасида беда етакчи ўринни эгалламас экан. Сухбатдошим негадир бу экин ўрнига соя, вика каби дуккакли экинлар, шоли, кунгабоқар сингари ўсимликларни кўпроқ тилга олди. Шунингдек, ақсарият экин уруғи бир сеялкада экилиши, суяқ ўқитлар, захарли моддаларнинг бир мослама билан солиниши, ҳосилнинг атиги бир мартадаёқ териб олиниши менга ёқди. Шундан кейин АҚШ пахтачилиги ҳақида бир қатор мақолаларни ўқиб, бунга тагин ишонч ҳосил қилдим.

Самарқанддаги «Интурист» меҳмонхонасида ҳам айрим фермерлар билан суҳбатлашишга тўғри келди. Улардан ҳам анча-мунча нарса ўргандим.

Маълумки, бизда асосий шиор мўл ва арзон пахта етиштиришдир. Улар эса биринчи навбатда арзон пахта етиштириш учун курашишади. Биз мўл пахта етиштириш учун мактаб ўқувчиларини ҳам жалб этиб, ўз харажатларини қопламайдиган тўртинчи сорт пахтани ҳам териб оламиз. Улар эса харажатини қопламаслигидан чўчиб, биринчи теримдан кейин 10—15 процент ҳосилни шудгорга ҳайдаб юборишади.

Фермерлар рекорд ҳосил учун деярли курашишмайди. Чунки ҳосилдорлик кўтарилган сарининг харажати нисбатан кўпроқ ошиб боради.

Ўзани сўғориш, лалми ерда чигит экиш борасида ҳам биз пешқадам фермерлардан анча-мунча нарса ўрганишимиз мумкин ва керак!

Сўнги йилларда бир қатор штатларда ўзани тупроқ остидан сўғориш системасига ўтилганлиги ҳақиқатан ҳам диққатга сазовор. Бунинг учун ҳар 75 сантиметр масофага (АҚШда чигит асосан 75 сантиметрли қатор ораларига экилади) 45 сантиметр чуқурликда зангламайдиган қувурлар қўмилади. Улардан сув сизиб чиқади ва тупроқни тагдан намиқтиради. Минерал ўғит ҳам ана шу сув билан эритилган ҳолда оқизилади.

Бу усул сувни элик процент тежаш имконини берар экан. Тупроқ тагдан намиққанда культивация ўтказиш, жўяқ олиш, ўғит солиш сингари ташвишлар, харажатларга чек қўйилади. Бундай далаларда бегона ўт ҳам деярли бўлмайди. Бегона ўт ўсмагач, ҳашорат ҳам кўпаймайди.

«Меҳнат» нашриёти 1985 йили рус тилида АҚШ фермерларининг пахта етиштириш тажрибаси ҳақида брошюра чиқарди. Унда турли штатларда яшайдиган ўнлаб фермерларнинг иш тажрибалари баён этилган.

¹ Вильт. >

Маълумки, бир қатор штатларнинг иқлим ва тупроқ шароити бизнинг Ўрта Осиё республикаларидан деярли фарқ қилмайди. Техас штатини бунга мисол қилиб кўрсатиш ўринлидир. Техасда сув танқислиги йил сайин ошаётганлигига қарамай, пахта майдонлари ҳам кенгайиб бормоқда. Шунинг учун бу ерда бир қатор фермерлар лалми ерларда пахта етиштиришга ўтиб олдилар. Мазкур китобда ёзилишича, 1983 йили ана шу штатда лалми ерларнинг гектаридан ўрта ҳисобда 7,5 центнердан тола олинди. Бу 22—23 центнер пахта деган гап.

Бизда кўпгина бригадалар...

Майли, бу гапни қўйиб турайлик. Лалми ерда қатор ораларини юмшатиш, ўғитлаш, бегона ўт, ҳашоратларга қарши курашиш сингари жуда кўп жараёнлар ўз-ўзидан йўқолади. Фақат чигит экилади ва пахта териб олинади.

Лекин ана шу лалми ер қашшоқ замин эмас. У баҳор, қиш, куз пайтида обдон ишланади, табиий жиҳатдан тўқис ҳолга келтирилади. Лалми ер кузда чуқур (40—50 сантиметр) ағдарилади, қишда устма уст нам тўпланади. Баҳорда эса дискланади ва нормадаги минерал ўғитлар суюқ ҳолда солинади.

АҚШ селекциячилари лалми ерлар учун мўлжалланган махсус навлар ҳам яратишган. Бу навлар 90—100 кунда пишиб етилади, курғоқчиликка бардошли. Яъни барг сатҳи кичик (сувни кам буғлатади), шохи тарвақайлаб ўсмайди.

Лалми ерда чигит нисбатан зичлаб — гектарига 20 килограмм ҳисобида экилади.

АҚШдаги аксарият фермерларнинг ўзига хос агротехникаси, алмашлаб экиш системаси, ҳатто ғўза навлари бор. Бу ўринда техаслик фермер Дуэн Виллзнинг агротехникаси ҳақида тўхталиб ўтиш кифоядир. У ҳам ерни консервациялаш бўйича конкурс ғолиби бўлган.

Виллзнинг алмашлаб экиш далаларида ғўзанинг ўтмишдоши сифатида кунгабоқардан фойдаланади. Келаси йил чигит қадаладиган майдонларнинг бир қисмига у эрта баҳорда кунгабоқар экади. Экинни одатдагидай ўғитлайди, суғоради, культивация қилади. Август ойида — ҳосил пишиб етилиши билан, уни янчиб, тупроққа аралаштириб юборади. Ҳар бир тийинни тежайдиган фермернинг бу иши андак ғайритабиий бўлиб туюлиши мумкин. Аммо Виллз фойда, зарарни минг бор тарозига қўйиб кўрган, албатта. Кунгабоқар янчиб ташланган далаларга кўплаб жониворлар, паррандалар, қурт-қумурсқалар келади. Фермер бир ой давомида ўз даласида овчилик қилади. (Еввойи каптар тўтиб сотади). Шу билан бирга тупроққа анчагина нури тўпланади. Ундаги табиий жараёнлар активлашади. Кейин тупроқ дискланади ва қолган-қутган дон гуриллаб униб қикади. Суюқ тушгунча кўкпоя одамнинг белига урадиган бўлиб қолади. Бу ҳам яшил ўғит сифатида тупроққа аралаштириб ташланади. Баҳорда чигит қадаладиган бу майдон ғовак, табиий жиҳатдан унумдор ҳолга келади.

Виллз энтомофаглардан¹ фойдаланишнинг кифтини келтирадиган тадбиркор пахтакорлардан. У лаборантдан харажатни аямайди. Улар ҳафта давомида икки бор дала кезиб фойдали ва зарарли ҳашоратлар сонини ҳисобга оладилар. Зараркунанда нисбатан ошиши билан биологик препаратлар ишга солинади.

Дуэн Виллзнинг кўсак қурти, карадринга қарши пахта мойи аралашмасидан фойдаланиш тажрибаси ибратлига ўхшайди. Бу аралашмадаги сув билан мойнинг нисбати бизга маълум эмас. Оқ мой ҳашоратни ўлдирмайди. Аммо тадқиқотларнинг кўрсатишича, зараркунандаларнинг капалаги унинг ҳадидан қочиб, ғўзага тухум қўймак экан.

Виллз пахта мойи аралашмасини дефолиация ўтказадиган мослама билан туман ҳолига келтириб пурқайди. Мазкур мослама бирўйла 18 қаторга ишлов беради.

Миссисипи штатида яшайдиган кекса фермер Фред Баллард қарийб 30 йилдан бери қумоқ ерларда пахта етиштиради. Унинг иш услуби, агротехникаси бизникига яқин. Кўрсаткичлари эса анча баланд. 1982 йилда Миссисипида баҳор жуда серёғин келгани, ёзда сув танқис бўлганига қарамай у гектаридан 16,3 центнердан тола олган. Бу элик центнер пахтага тенг.

Ҳосилнинг чегараси йўқ, деган нақлда жон бор. Айрим муҳтарам олимларимиз тажриба участкаларида нари борса қирқ центнердан ҳосил олишади-ю, ҳосилдорликнинг чегараси ана шу, деб туриб олишади. Илғор бригадаларимиз 50—55 центнердан пахта етиштиришга шубҳа билан қарашади. АҚШ фермерлари орасида гектаридан 20 центнердан ошириб тола олаётганлар анчагина. Жумладан, Фред Баллард ҳосилдорликни 22 центнергача кўтарган. Бу гектаридан 65 центнер пахта деган гап!

Фред Баллард кузда ерни қирқ сантиметр чуқурликда юмшатади. Февраль ойида салгина имкон бўлиши билан жўяк олиб, унга сувсиз аммоний солади. Чигитни биздан андак эртароқ экади.

У бир акр (0,4 га) майдонга ўрта ҳисобда 45 минг туп, бир футда (30,5 сантиметр) тўрт ниҳол қолдиради.

«Ўсимлик навниҳол пайтида уни зараркунанда босса, — деб ёзади Баллард, — бутун ҳосил хавф остида қолади. Шунинг учун ҳам айниқса, баҳорда назоратни кучайтириш керак».

Веgetация давомида унинг плантацияларидан ишлов бериш, жўяк олиш, кимёвий модда сепиши қўшиб ҳисоблаганда олти марта трактор ўтади.

Фермер ўсимлик қанча оромда бўлса шунчалик мўл ҳосил беришини ёзади.

Джон Нельяццо деган фермернинг калийли ўғитлардан фойдаланиш тажрибаси ҳам диққатга сазовор. Маълумки, биз тупроққа асосан азотли ва фосфорли ўғит солаемиз. Олимларимиз бир вақтлар: «Тупроғимизда калий моддаси етарли», деб эълон қилганликлари учун бу ўғит жуда кам харид қилинади. Уша оз миқдордаги ўғит ҳам пахта уватларида қолиб кетади.

«Бизнинг тупроғимизда ҳам калий кўп, деб ёзади Нельяццо, мазкур журналда, аммо уни ўсимлик ўзлаштиролмайди. Калий етишмагач, ҳосил тугунчалари тўкилади. Бунинг устига тупроқнинг нам сақлаш қобилияти пасаяди».

Фермернинг ёзишича бир тонна пахта тупроқдан 50 килограмм ҳаракатчан, яъни ўсимлик ўзлаштирадиган калийни олиб кетар экан. Демак, унинг ўрнини тўлдириш шарт.

Нельяццонинг яна бир тажрибаси ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Бу хусусда тўлароқ

¹ Фойдали ҳашоратлар.

тасаввурга эга бўлишингиз учун сўнги йилларда тоқзорларимизда кенг қўлланилаётган гибберилин стимулятори ҳақида маълумот бериш кифоя.

Гибберилин моддасини биринчи бўлиб Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида синаб кўришганди. Тоқ гулга кирганда гибберилин пуркалса узум доналари икки баравар йириклашади. Оддий кишмишинг хусайнидай йирик қилиш мўъжиза, албатта. Ростига гапки, дастлабки пайтларда мен буни табиийликка зид деб билардим. Аслида эса гибберилин пуркалган узумнинг таркиби бой, у организмга мутлақо безарар бўларкан.

АҚШнинг бир қатор фермерлари қўллайдиган стимуляторларни, шу жумладан преп моддасини гибберилинга ўхшатиш мумкин. Бу стимулятор эртанги кўсақларни йириклаштиради, кечкиларини эса тўкиб юборади. Натижада барча озиқ модда қолган кўсақларга сарфланади, ҳосил бирдан пишиб етилади. Биринчи теримдаёқ пахта 95 процентгача териб олинади.

Ҳар гектар майдонга атиги 1—2 килограмм преп кифоя. У тола сифатини ҳам яхшилайди. Преп туфайли Нельяццо бир даладан икки марта ҳосил олади. Пахта йиғиштириб олинishi билан ўрнига кузги ғалла экилади. Баҳорда ғалла ҳосили йиғиштириб олингач, тагин чигит экилади.

Ҳозир АҚШда ҳам кўп навлиликка қарши кураш борапти. Селекция марказлари асосан Акала Эс Си ва Акала Джи Си навларини экишни тавсия этмоқда. Улар нисбатан тезпишар, толаси сифатли.

Албатта, АҚШ фермерларининг иш тутуми ҳақида кўп ёзиш мумкин. Аммо уларнинг ҳамма тажрибаси ибратли деб бўлмайди. Фермерлар ўртасида бир-бирига зид фикрлар ҳам мавжуд. Шунга қарамай, уларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш, жорий этиш фойдалидир.

Инсоният миллион йиллар давомида бир-бирини бойитиб, тўлдириб келяпти. Бу анъана пахтачилигимизда ҳам кенг миқёсда давом этиши лозим!

Биохимия

«Пахтазорларимизнинг ҳар гектарыга 34,4 килограммдан заҳарли химикат сепилмоқда. АҚШда эса бу рақам 2—3 килограммни ташкил этади. Шунинг учун бизда суғориладиган экинзорларимиз, канал ва сув ҳавзаларимиз заҳарли химикат билан ифлосланиб кетган».

Бу жумла ЎзФА академиги М. Муҳаммаджоновнинг 1986 йили «Меҳнат» нашриётида чоп этилган «Ерни эъзозлайлик, ҳосилдорлигини оширайлик» деган китобидан олинган.

Далаларимизга бунчалик заҳар пуркашга бизни ҳеч ким мажбур қилгани йўқ, албатта. Ўз соғлиғимизни қадрламаганимиз, лоқайдлигимиз атроф-муҳитни муҳофаза қилиш моҳиятини чуқур ҳис этмаганимиз ва энг муҳими, тежамкорлик талабларига нописанд бўлганимиз оқибати бу.

1986 йилнинг баҳорига андак шамоллаб қолиб, Тошкентдаги 1-клиникада даволанишга тўғри келди. Жиззах районидан бригада бошлиғи Абдурахмон ака Абдурахимов билан бир палатада ётдим. Олтмишни қоралаб қолган бу одам бағоят ҳазилкаш, кўнгли очик ҳамхона бўлиб чиқди.

Абдурахмон ака Чернобилдаги ватандошларимизга қон бermoқчи бўлгани, анализи натижа-сида унинг ўзи қонга муҳтожлиги маълум бўлди. Бригадир бундан ранжимай 904 номерли сўётга пул жўнатиш ташвишига тушиб қолди.

Анча-мунча текширишлардан кейин докторлар унинг жигари жиддий хасталигини аниқлади-лар. Абдурахмон ака бунга парво қилмади. «Ўтиб кетар», деб қўяқолди.

— Бу касалликка икки нарса сабаб бўлади, — деди врач — ёки кўп арақ ичиш, ёки заҳарли химикат билан ишлаш.

— Ичкиликни умримда оғзимга олманман, — деди Абдурахмон ака ва гапини тасдиқлаш учун қасам ичиб қўйди, — лекин бултур самолётнинг остида байроқ тутиб тургандим.

— Нега ундай қилдингиз? — зарда билан сўрадим мен.

— Байроқ тутмаса учувчи яхши мўлжал ололмайди.

— Нега противогаздан фойдаланмадингиз, махсус комбинзон киймадингиз?

— Унақалардан хабарим йўқ.

Ҳар йили республикамизда қанча кишининг жигари хасталанаётганини айтиш қийин. Аммо биз жигар хасталиклари бўйича мамлакатда олиндиги ўринларда туришмишни яшириб бўлмайди. Зотан яширишга ҳожат йўқ! Бу ҳақда баралла гапириш керак. Акс ҳолда бу нохушликнинг олдини олиб бўлмайди.

Нега биз биологик кураш ҳақида кўп гапирамыз-у, амалда оз натижага эришяпмиз?

Бу саволга бир оғиз сўз билан жавоб бериш қийин. Бунинг устига ана шу серкирра мавзуда шу соҳанинг мутахассиси билан суҳбатлашган маъқул. Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин. Шундай қилиб, суҳбатдошимиз «Халқлар Дўстлиги» орденли Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ўсимликларни биологик муҳофаза қилиш кафедрасининг доценти Ҳукумат Мирзаалиева.

...— Тан олмай иложимиз йўқ: кимёвий моддалардан батамом воз кечишимизга ҳали бор. Чунки бу жараён айримлар ўйлагандек унчалик жўн эмас.

— Ҳукумат Расуловна! Ахир, биологик курашни бошлаганимизга ҳам сизнинг таъбирингиз билан айтганда «бир неча йиллар» бўлиб қолди-ку! Лекин республикамизда тўласича биологик курашга ўтганлиги билан фахрланадиган хўжаликлар кам. Матбуотда айрим район ёки колхоз, совхозларда биологик курашга қўрилганлиги, кимёвий моддалардан воз кечилганлиги ҳақида хабарлар учраб туради. Аммо синчиклаб қарайдиган бўлсангиз, ўша район ёки хўжаликлар ҳам ҳар йилгидай кимёвий модда харид қилганига ишонч ҳосил қиласиз.

— Биологик кураш натижаларидан кўз юмушга ҳаққимиз йўқ. Бу борада, умуман ҳосилни ҳимоя қилиш масалаларида республикамизда салмоқли ишлар қилинапти. Дефолиацияни ҳисоб-га олмаганда заҳарли химикатлардан воз кечган районлар, колхоз, совхозлар тобора кўпайиб бормоқда. Бунга Сирдарё, Жиззах, Наманган, Андижон областларидаги қатор хўжаликларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Жумладан, Бекобод районидаги Карл Маркс номи, Ленин номи колхозларнинг раҳбарлари бу курашга ўтганликларига бир неча йиллар бўлиб қолди. Бундан фақат иқтисодий фойда эмас, маънавий жиҳатдан ҳам манфаатдор бўлишмоқда улар.

Пестицидлар яъни кимёвий моддалар атроф-муҳитга, тирик мавжудотга ёмон таъсир этади. Уларнинг бир қисми ўсимлик ичига сингиди. Зарарли ҳашоратлар химиявий моддаларга имму-нитет пайдо қилади. Атроф-муҳитдаги бошқа микроорганизмлар эса нобуд бўлади.

Хукумат Расуловна, кимёвий моддаларнинг зарари эндиликда ҳаммамизга аён. Мен олти-минчи йилларнинг ўрталарида совхозда энтомолог бўлиб ишлаганимда капиталистик мамлакатлардан меркаптофос; метилмеркаптофос сингари ўта заҳарли моддалар сотиб олардик. Идишлар сиртига инсон бош чаноғи устидан тирсак суяклари крест қилиб қўйиларди. Ҳа, ҳаёт учун хавфли эди бу моддалар. Шундай кунлардан бирида республикамизда биологик кураш бошланганлигини ўқиб қолдим. Газета хабарини бош агрономга кўрсатганимда унинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Маълум бўлишича, Улуғ Ватан уруши йиллари душман уларни қириб ташлаш учун устларига меркаптофос сепган ва агроном қаттиқ жароҳатланиб қолган экан. «Энди ҳамма умид — олимлардан», деди у энтиқиб. Яхшиямки, ҳозир меркаптофос, метилмеркаптофос, ҳаттоки ДДТли заҳарлар ҳам қўлланилмайди. Аммо ҳамон ўша мамлакатлардан БИ-58, апрекс, фазалон, симбуш сингари янада кучли таъсир этадиган моддалар харид қилинмоқда.

— Лекин юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бу заҳарли химикатлардан воз кечаётган хўжалик раҳбарлари ҳам анчагина. Қаердаки, раҳбар ва мутахассис чинакамига жон куйдирса, заҳарли моддалардан воз кечиш мумкинлиги исботланмоқда. Масалан, Сирдарё областида лаборантлар махсус малакага эга бўлиб, улар тез-тез далада бўлишади, зарарли ва фойдали ҳашоратларни ҳисобга олишади. Бу ердаги биологик лабораторияларда трихонаграмма, габрабракон сингари фойдали ҳашоратларни кўпайтиряптилар. Аммо шунинг таъкидлаб ўтиш кераки, химикатларни кескин камайтириш фақат олимларнинг вазифаси эмас. Бу эзгу ишни оммавий тарзда амалга ошириш учун жуда катта ҳамкорлик керак. Биргина мисол: районлардаги ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядлари ҳамон далага сепилган химиявий моддалардан манфаатдор. Тракторчи ёқилгини тежаса, унинг ярим қиймати ўзига мукофот тарзида берилади. Химиявий моддалар масаласига келганда ундай эмас. Районларда биологик курашни жорий этадиган мутахассислар, умуман, маъсул кишилар йўқ ҳисобда. Агросаноат раҳбарлари ва мутахассислари бу борада чинакамига инқилоб қилишлари керак.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига қараганда, ҳар йили планетамизда етиштирилган ҳосилнинг ўттиз беш процентини зараркунандалар нобуд қиларкан. Бу учдан бири деган гап. Демак, биз насибамизни зараркунандаларга ем бўлишига йўл қўймаслигимиз керак. Улар билан курашишда химиявий курашнинг самараси дарҳол кўзга ташланади.

— Ҳамма гап ана шунда. Биологик кураш самараларини кўриш учун андак сабру тоқатдан ташқари табиатга меҳр-садоқат ҳам керак. Мен шунисига аминманки, яқин йилларда биз химиявий моддалардан батамом воз кечамиз. Бунинг учун ҳамма шароит бор!

Адабиёт дарсининг давоми

Қадрли дўстим Рауф! Мени кечир! Ойлар, йиллар ўтиб мактубингга жавоб ёзолмадим. Менинг ҳам юмушларим кўпайиб кетди. Бошимга анча ташвишлар тушди, дўстим.

Ёдингга бўлса бобом юздан ошганлигини ёзган эдим. У кишидан ажралиб қолдик. Армиядан келиб ишга жойлашиш ташвишида юрган кунларим эди ўшанда... Ҳали-вери ўладиган эмасди-ю, фалокат рўй берди.

Байрам арафасида уни ногоҳонда шаҳарга таклиф қилиб қолишди. Бобом кўнмади. Чунки сал кам эллик йилдан бери шаҳарга тушмаганди-да. Уруш йиллари фронтга мандарин, узум жўнатгани тушган, холос. У рози бўлмаса ҳамки, мен галварс жону ҳолига қўймай боришга даъват эдим. «Орден, медалларингизни тақиб олинг, — дедим. — Эҳтимол, ложага чиқариб қўйишмоқчидир. Балки, сўз бериб қолишар».

Йўқ, ҳеч қандай ложага ҳам чиқаришмабди, сўз ҳам беришмабди. Шунчаки юз ёшдан ошган мўсафидларни машинага миндириб майдондан олиб ўтишибди, халойиққа, раҳбарларга кўрсатишибди. Майдондан ўтгач, бурилишда машина силкиниб кетибди-ю, бобом йиқилиб тушибди.

Етиб борганимда тирик эди бояқиш. Менга қараб жилмайди ҳам. «Сизга нима бўлди?» сурадим ваҳм билан. У жавобан батамом бошқа гапларни гапирарди: «Годердзе, саклани эҳтиёт қил! Токлар, мандаринлар қовжираб қолмасин!»

Кейин ҳарчанд қилсам ҳам гапирмади. Қишлоққа олиб борганимдан кейин жон берди.

Боғбонлик, пахтакорлик қилаётганингни ўқиб қувондим. Чунки ерда ишлаган одам бебаҳра қолмайди. Одамларга ризқ-насиба тайёрлаб беришдан кўра эзгу иш борми бу дунёда. Бунинг устига магазинларда пахтадан тўқилган мато камайиб кетяпти.

Яқинда Самарқанд, Бухоро саёҳатида бўлган бир ҳамқишлоғим сизлар томонда ҳам бу борада аҳвол ноҷор эканлигини айтди. Ишонқирамадим. Наҳотки миллион тонналаб пахта ишлаб чиқарадиган юртда у танқис бўлса. Мантиққа тўғри келмайди! Ўзи ҳамқишлоғим лофчироқ. «У ерларда кафанлик учун оқ сурп сотиб олишга ижроком рухсати керак», деди. Роса устидан кулдик.

Дўстим Рауф! Мактуб йўлласанг, шу ҳақда ҳам батафсилроқ ёз. Умуман оиланг, колхозинг, районингга нималар бўлаётганидан ҳам бизни воқиф эт.

Агар ёр-биродарлар билан биз томонларга меҳмон бўлиб келсанг, бошим осмонга етади!

Салом ва эҳтиром ила, дўстинг Годердзе.
1978 йил, май.

Экономика

Юқорида сизни жиззахлик бригада бошлиғи Абдурахмон ака Абдурахимов билан таништириб ўтган эдик. Кўпни кўрган, дангалчи бу одам билан турли мавзуларда баҳслашиб қолардик. Одатда палатада киши ўзгача оҳангда гаплашади. Вақт сероблигидан ҳазил-мутойиба, эзмалик, ғийбат... ҳаммаси бўлади.

— Абдурахмон ака, — дейман, — сизга қойил эмасман — жонингизни гаровга қўйиб, самолётнинг остида туриб берибсиз-у, олган пахтагиз гектаридан ўн тўққиз центнер. Шу ҳам гапми?! Фермер бўлса лалми ердан йигирма центнердан ошириб пахта олади. У захарли химикатга яқин йўламайди, болаларини яганага, ўт юлишга, пахта теришга олиб чиқмайди.

— Елгон! — дейди шеригим ҳам дангал, — пермерингиз приписка қилади. Лалмида пахта битармиш... Биз беш суғориб...

— Фермер ошириб ёзолмайди, — уни ишонтаришга ҳаракат қиламан, — у кимни алдайди? Ўзиними?!

— Қўйинг, домла, кўрганмиз, кўп-честнийларни. Пермер деганингиз бориб турган апирист-ку!

— Ҳа, у пихини ёрган. Аммо ундан тежамкорликни ўргансак, ҳеч ким қўлимизни тутмас. Бу ўзимизнинг фойда-ку!

— Ҳа, энди ўн тўққиз центнер олганимизни бунча ҳам юзимизга солаверманг-да! Ўттиз, ўттиз беш центнер олган йилларимиз ҳам бўлган. Энди қийин бўлиб қолди-да.

— Нима қийин бўлиб қолди?

У беғубор кулади.

— Газетачиларга ҳамма гапни айтиб бўлмайди. Бир гал лақмалик қилиб, ёмон тушганмиз. Биз жимиб қолдик. Андак сукунатдан кейин уни тағин тергаб қўйдим.

— Нима бўлган эди?

— Бир мухбир келиб қолди. Яхши кутиб олдик, чой-пой қилдик. Кейин ўт босган бир даладан ўтаётганда: «Шу ерда ёнбошланг, эсдалик учун суратингизни оламан», деди. Меҳмоннинг сазаси ўлмасин, деб ёнбошладим. «Чиқ» этказиб суратимни олди. Қарасам, бир ҳафтадан кейин лопиллаб газетада чиқиб турибман. Аканг қарағай минг қўйли бойдай ёнбошлаб олган. Расминг тагига шеър ҳам ёзиб қўйибди.

— Нима деб?

— Далани алафлар босиб кетса ҳам.

Халтурачи ухлар бепарво, беғам!

Мен индамадим. Лекин директор кўриб қолган экан денг, роса сўқди. Лақма ҳам деди, анқов ҳам. Жаҳлдан тушгандан кейин секин сўрадим. «Бу халтурачи дегани нима?» Директор билмас эканми, жавобан тағин уришди. Экономистдан, парткомдан ҳам сўрадим. Дудмал гап қилишди. Шу-шу номим халтурачи бўлиб қолди. Катталар мажлисда: «Қани, халтурачи, жойингиздан туринг!» дейдиган бўлишди. Бир қўй сўйиб қутулганман шу маломатдан. Лекин барибир мазмунини билмай юрибман. Ё ёмонроқ гапми-а?

— Буни бир сўз билан тушунтириш қийин.

— Мактабимизнинг директори ҳам шундай деганди. Ҳа, майли, бир оғиз билан бўлмаса, сиз икки оғиз билан тушунтиринг. Шошадиган жойимиз йўқ!

— Ҳамма соҳада ҳам халтурачилик бўлиши мумкин, — билганимча тушунтиришга киришдим, — масалан, экономикадагисини олайлик.

— Ҳўп.

— Бултур бир тонна пахтагизнинг таннархи неча сўм бўлди?

— Беш юз сўмдан ошди-ёв.

— Неча сўмдан сотилди?

— Ҳар хил. Сортига қараб. Уртача олти юзлар.

— Бир гектардан атиги юз сўм даромад қилибсиз-да. Эсиз ер... Менинг бир қўшним томорқасининг ҳар сотихидан минг сўм даромад қилади. Гектарга айлантурса қарийб юз минг сўм бўлади.

— Ваҳима қилманг, домла!

— Ишонмасангиз, ихтиёрингиз ўзингизда. Ўша қўшним февраль ойида олтимиш кунда пишадиган эртанги картошка экади. Орасига редиска уруғи сепиб, устига плёнка ёпади. Май байрамигача редискани сотиб бўлади. Байрам кунлари картошкани коопторгга топширади. Қарийб гўштнинг нарҳида қабул қилиб олишади улар ҳам. Ундан кейин «Юсупов» помидорини экади. Бироз теплицаси ҳам бор...

— Қўшнингиз ҳам апирист экан.

— Йўқ, у омилкор, ишига пухта одам. Ўзи яхши ўқитувчи. Оиласи катта. Аммо сизнинг бригада аъзоларингизга ўхшаб зориқиб яшамайди. Машинаси, рангли телевизор бор. Рўзғори тўкин.

— Бизда ҳам колхозчининг даромади ёмон эмас.

— Маошлари неча сўмдан тушяпти?

— Қирқ-эллик.

— Шу пулга ҳам ишлашяптими-а? Ернинг ҳам, одамларнинг ҳам умри беҳуда ўтаётган экан-да! Бу — бу ҳақиқий халтурачилик!

Иккаламиз ҳам жимиб қоламиз. Шеригим менинг мулоҳазаларимни тарозига солиб кўраётгандай бўлиб туюлади. Мен давом этаман.

— Лекин сиз ҳосилдорликни оширмасданоқ аъзоларингизнинг маошини икки ҳисса кўпайтиришингиз мумкин.

— Ҳўш, — сергакланди шеригим.

— Тежама ҳисобига. Ҳозир тежаманинг ярмини деҳқонга беришяпти-ку!

— Ҳўш?

— Сиз гектарига қанчадан чигит сарфлайсиз?

— Юз йигирма кило.

— Эҳ-ҳе! Норма олтимиш кило-ку! Оскар Гудман деган фермер 17 килодан оширмайди. Сиз ҳар гектар ерга нормадан олтимиш кило, фермердан юз килодан кўпроқ уруф сарфлайсиз. Сўнг у униб чиққандан кейин анча-мунча харажат қилиб, суғуриб ташлайсиз. Мантиқ қани? Маошингизнинг ярмини тупроққа қориштирамайсиз-ку!

— Ўзбекистонда ҳамма шундай қилади!

— Ҳа, афсуски шундай! СоюзНИХИ тажриба участкаларида ҳам илмий ходимлар халат кийиб ягана ўтказишади. Лекин фермер...

— Ҳе, кўйинг, ўша пермерни!

— Ҳа, майли, уни кўяйлик. Сиз эллик гектар ерга нормадагига нисбатан уч минг килограмм ортиқча чигит сарфлабсиз. Уч минг килограмм! Ваҳоланки бир кило чигитдан икки юзу саксон грамм мой олинади. Тагин анчагина кунжара, совун, шелуха... Ўзбекистон бўйича ҳисобласак, эҳ-ҳе! Майли, буни ҳам кўяйлик. Агар сиз уч тонна чигитни тежаганингизда унинг ярим пули пахта-корларга тегади. Шунинг учун ҳам уларнинг маошларига қарийб йигирма сўмдан устама бўларди. Сиз фермердан, кечирасиз, заруратдан икки марта кўп сув тарагансиз, тўрт марта ортиқча культивация ўтказгансиз. Буларнинг ўзи бўлмайди-ку! Трактор ёқилғиси фалон пул! Яна иш ҳақи. Менинг ишончим комилки, сиз заҳарли химикатни ҳам заруратдан икки-уч марта ортиқча сарфлагансиз. Булар ҳам майли. Агар сиз директор билан жанжаллашиб бўлса ҳам ёрдамчи олмаддан пахтани машинада тердирганингизда, таннарх тагин арзон бўларди. Шу тежамалар ҳисобига ойлик маошларни юз сўмга етказишингиз мумкин эди. Лекин юз сўм ҳам мақтанадиган маош эмас! Чунки ўн тўққиз центнер пахта етиштириш жуда қолюқлик ҳисобланади. Ҳосилдорликни лоақал республиканинг ўртача кўрсаткичидан оширмаган пахтакорга баракалла, дейиш ҳайф!

Мен қолюқ ва ўртача хўжаликлардаги резервлар ҳақида анча гапирдим. Шеригим жимиб қолганидан хавотирланиб, у томонга ўгирилсам, ухлаб қолган экан.

Начора, экономика кўплар учун зерикарли машғулот.

Яна адабиёт

Ҳурматли дўстим Годердзе!

Саломатмисан, кайфиятларинг жойидами?

Мендан ҳол-аҳвол сўрасанг, ёмон эмас! Сенга хат ёзгандан бери ҳаётимда бир талай ўзгаришлар юз берди. Ниҳолларни бир амаллаб кўкартириб олдим. Пахтани ҳам териб топширдик. Лекин жуда қийин бўлди. Янги ернинг азоби кўп бўлар экан.

Колхозимизда ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Анча ўзгаришлар бўлди.

Мен ҳисобот йиғилишида бундан ўн йиллар муқаддам — ҳали ўқувчилик пайтимда қатнашгандим. Дадам эргаштириб борганди ўшанда. Ёдимда, раис ҳисоб бериб бўлгандан кейин одамлар бирин-кетин сўзга чиқиб дилдаги гапларни айтишганди. Райкомимизнинг биринчи секретари Тиллаев деган киши эди ўшанда. Уз оти билан тилла одам эди! Кули-и-иб ўтирганди мажлисда. Кўпчиликни гапиришга ҳам даъват этганди. Ҳатто дадамга ҳам мурожаат этиб: «Қани, Очил ака, гап йўқми?» деб сўраганди. Дадам бояқиш хижолат бўлиб кетганди. Сўнг бир ҳафтача биринчи секретарнинг одамохунлигини мақтаб юргани ҳам ёдимда. «Хўш, — деганди у ўшанда одамларга мурожаат этиб, — раиснинг ўзини қайта сайлаимизми ёки янгилайимизми?»

Колхозчилар беихтиёр қарсақ чалиб юборгандилар. Бу — раисдан мамнунлик аломати эди. Биринчи секретарь уларни зўрга тўхтатганди.

Бу гал ундай бўлмади. Биринчи секретарь (Бунисининг ҳам фамилияси — Тиллаев) мажлисининг бошиданоқ жиловни қўлга оливолди. У истаган кишига сўз берар, унинг дидига қараб гапирмаган одамларнинг сўзини кесар, савол бериб қолар, луқма ташлар, ҳатто минбардан ҳам тушириб юборарди. Гапга чечан эди!

«Уртоқ Хўжаев, — деди у раисимизнинг сўзини кесиб, — сиз гўшт планини бажаролмадик, дедингиз. Бу гапни хижолат бўлмай, уялмай гапирдингиз. Халққа эса гўшт керак! Меҳмоннинг олдида хижолат чекмаслик учун, болаларимизнинг илиги тўла бўлиши учун гўшт керак. Баски, шундай экан, планини бажармаслик — жиноят!»

Мен унинг гапларини бир лаҳза мушоҳада қилиб кўрдим. Зардали бўлса ҳам тўғридай эди. Нега энди бундай бўлиши керак?! Модомики план қабул қилинар экан, бажарилмоғи шарт-да!

Файзулла ҳам жавобан чайналди. Чамамда бир нима демоқчи бўлди-ю, андиша қилди.

«Айбингизга иқрор бўлгингиз келмаяптими, — чечанлик билан гапни давом эттирди Тиллаев вазиятдан фойдаланиб, — сизда аҳолидан гўшт харид қилиш ишлари расво! Нега одамлардаги ортиқча гўштни сотиб олмайсиз? Нима учун бошқалардан ўрганмайсиз?»

Файзулла андак қимтиниш билан ўзининг ҳақлигини исботлашга уринар, лекин Тиллаев тагин зарба берарди. Боксда нокаут дегани бор-ку. Зарбалари кучли, мушти қаттиқ киши рақибини бурчакка тиқиб олиб аёвсиз дўппослайверади. Томошабинлар ҳам мағлубга ачинмай, қийқирганларича голибни олқийшлайверадилар. Лекин бу ерда кўпчилик Файзуллага хайрихоҳ эди. Унинг қиёфасида ноиложлик, мўминлик, итоаткорлик эмас, балки исёнкор бир норозилик намоён эди. У кечирим сўрамади, ишни тузатишга ваъда бермади. Луқмаларга ҳам эътибор бермай пахта сифати бахтилангани, правление янги қурилишлар, боғдорчилик, сабзавотчиликка эътиборни оширганини батафсил гапирди. Мен эса райком секретари билан раис ўртасидаги зиддият ҳақида ўйлардим. Тиллаевнинг талаблари ҳам ҳақлидай эди. Ундай бўлса «одамлардаги гўшт», деганини қандоқ тушуниш керак? Қани ўша ортиқча гўшт? Унинг нархи қишлоқда шаҳардагидан анча қиммат-ку! Балки райкомдагилар бундан беҳабардирлар. Балки масала бундан ҳам чигалроқдир? Қўшни колхозларда ҳамон гўшт пули, деган солиқ бор. Файзулла раис бўлиб келгандан кейин бизнинг ҳамқишлоқлар бу ғайриқонуний солиқдан холос бўлишди. Балки одамларга қилган ана шу мурувати учун ҳам маломатларга қолаётгандир бечора.

«Уртоқ Хўжаев, — раиснинг гапини кесди Тиллаев, — ватанга жуда кўп пахта керак! Буни ҳаммамиз яхши биламиз! Европа мамлакатларидаги тўқимачилик фабрикаларининг аксарияти бизнинг «оқ олтин»имиз билан ишлайди. Баски, шундай экан, пахтани кўпайтириш — интернационал бурчимиз. Хўш, нега сиз райкомнинг кўшимча графигини бажармайсиз? Нега машина теримига зўр бермайсиз? Нега биздан рухсатсиз кузги шудгорни бошлайсиз? Нега?»

«Чунки далада пахта тугаб қолганди-да!»

«Иложини топинг эди. Қўшнилар топишди-ку!»

«Эҳтимол, улар қаллоблик қилишгандир».

«Сиз одамларга тўхмат қияпсиз! Улар янги ерлар очишяпти, ҳосилдорликни оширишяпти. Сиз бўлсангиз колхозчининг ризикини қияпсиз! Бунақа раҳбарни халқ кечирмайди!»

Одамлар жонландилар. Бир-бирларига маъноли назар ташладилар. Файзулла масалага равшанлик киритмаганда, кўпчилик, шу жумладан мен ҳам бу даъволарга ишонардим.

«Унчалик эмас, — деди раисимиз босиқлик билан, — биринчидан, бизда пахтазорларни кенгайтиришнинг иложи йўқ! Бир бўйра ҳам бўз еримиз йўқ. Иккинчидан, район раҳбарларининг айби билан бултур ҳаммаёқни ҳашарчи босиб кетди».

«Тўхтанг!»

«Учинчидан, сўзимни бўлганларни ёқтирмайман! Гапингиз бўлса кейин гапирарсиз...»

Одамлар бирдан жимиб қолишди. Нуқул чекинаётган боксчи кескин хужумга ўтса томошабинлар ҳаяжонланиши турган гап. Тиллаев жимиб қолди. Кейин аввалдан тузилган рўйхат бўйича одамларга сўз берилди. Алламаҳалгача давом этган қуруқ, расмий гаплардан кейин Тиллаев ўрнидан турди. У ҳамманинг диққатини жалб қилиб олгач, муддаога ўтди.

«Райком ўртоқ Хўжаевдан хурсанд эмас! Хўш, сизлар нима дейсизлар?»

Ногаҳоний момақалдироқ гумбурлагандай қарсак янграб кетди. Бу секретарга норозилик аломати эди! Раис қувонч ёшларини кўрсатмаслик учун бошини ҳам қилиб, лабини хийла тишлаганича ўтираверди. Тиллаев ҳам бошини кўтармади. Аввал қўл кўтариб одамларни тинчлантирмоқчи бўлди-ю, бунинг иложи йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, индамай қўяқолди.

Лекин орадан бир ой ўтмай раисимизни райкомга чақириб, ўша ерда ишдан олишди. Жуда хунук иш бўлди-да! Файзулла бир кечада кўч-кўронини кўтариб қаёққадир кўчиб кетди. Одамлар уни Тожикистон томонларга кетган, дейишди. Ким билсин, эҳтимол шундайдир...

Адабиётдан яқунловчи дарс

Дўстим Годердзе!

Саломатлигинг яхшими? Биздан ҳол-аҳвол сўрасанг, ёмон эмас! Ёнбағирда шийпонча қуриб, шу ерга кўчиб чиқдим. Бола-чақа ҳам мен билан. Гоҳида тун бўйи ишлашга тўғри келяпти! Ниҳолларни яхши кўкартириб олдим. Насос ўрнатиб, Дарёвотдан сув чиқаряпман. Ғўза ҳам ёмон эмас!

Лекин колхозимиз, районимизда нотинчлик, Файзулла кетгандан кейин раисиз қолиб кетдик. Тасодифни қарагинки, икки ойдан кейин Тиллаевни раис қилиб қўйишди бизга. Районимиздаги пахта заводининг директори қўлга тушгач, Тиллаев ҳақида миш-мишлар кўпайиб қолганди ўшанда.

Мажлисида ўзим ҳам қатнашдим. Обком вакили ҳақиқатни хаспўшлаб; «Пахтаобод»ни кўтариш учун» Тиллаевни юборишаётганини таъкидлаб ўтди. Парткомимиз туриб, бу таклифни қувватлади. Сўнг кутилмаганда Шўро бобо қўл кўтариб қолди.

— Одамлар орасида ўртоқ Тиллаев ҳақида нохуш гаплар кўпайиб кетди, — деди у, — шамол бўлмаса...

Шу пайт обком вакили отахоннинг сўзини кесди.

— Ўртоқ Хўжаев; одамлар нималарни гапиришмайди?! Ишонавериш керакли барига?! Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Одамлар бир вақтлар сизни ҳам...

— Ҳар ҳолда Тиллаевнинг ўрнида бўлсам, бундай йўл тутмасдим, — давом этди отахон, — бошқа ишнинг эстагини тутардим.

Отахон ўтирди. Тиллаевнинг номзодини овозга қўйишди. Колхозимизнинг казо-казолари қўл кўтаришгандан кейин, биз ҳам уларга эргашдик. Фақат Шўро бобо қарши овоз бердилар. Мажлисдан кейин одамларнинг кўзига тик қаролмай юрди бечора! Кейин ётиб қолди.

Годердзе! Ўзимни ҳеч ҳам кечиролмайман! Энг катта хатом отахонни бориб кўрмаганим бўлса керак. У киши кўп ётмади. Етиб борганимда оломон одам тўпланган экан. Тиллаев ҳам ўша ерда. Аммо Файзулла йўқ эди. Унинг адресини топишолмабди. Тиллаев митингни очиб, Шўро бобонинг ажойиб хислатларини гапирди. У кишининг ҳалоллиги, софдиллигини, оғир кунларда хизмат қилганини таъкидлаб ўтди.

Шундан кейин бирор ҳафта ўтар-ўтмас Тиллаев бизнинг шийпонга ҳам қадам ранжида қилиб қолди. Иккимиз чой ичиб, алламаҳалгача гурунглашиб ўтирдик. «Қанақа талаблар бор?» деб сўради. «Бари жойида», дедим.

Шу орада қўшни колхознинг раҳбарлари устидан тергов бошланди. Бошқа колхозлар ҳам бетинч бўлиб қолди. Тиллаевга ҳеч нарса татимай қолди. Кейин уни ҳам олиб кетишди.

* * *

Рауф!

Ҳар гал мактубингни ўқисам, алланечук бўлиб кетаман. Ростки гапки, ҳам кулгим келади, ҳам ачинаман. Шўрлик Шўро бобо! Айтайлик ҳамқишлоқларинг ўта серандиша экан. Лоақал сен ўрнингдан туриб, қўллаб-қувватлаганингда отахоннинг дилига қувват бўлармиди?!

Менингда, нима бўлса ҳам аввалги раисни топишларинг керак. Шундай қилсаларинг, адолатли бўлади.

Бизда ҳам ҳосил яхши. Яқинда колхозимизга агросаноатнинг нуфузли бир раҳбари келиб қолди. У ҳам ҳосил чўғини кўриб қувонди. Талаб ва эҳтиёжларимизни сўраб-суриштирди. «Мандарин билан чойнинг харид нархини кўтариш керак», дедик биз. «Бусиз ҳам унинг нархи пахта билан дондан анча қиммат-кў», деди у. Хуллас, биз ундай дедик, у бундай деди. Ахийри ваъда беришга мажбур бўлди. Сўзларини магнитофонга ёзиб олганмиз. Бажармаса борадиган жойимизга борамиз! Ахир, раҳбарлар халқ хизматкори-да! Халққа хизмат қилмаса — нима кераги бор уларнинг!?

Сўнги кўнғироқ

Бу ягона ҳол эмас. Етмишинчи йилларнинг охири, саксонинчи йилларнинг боши Ўзбекистон учун анчайин нохуш давр. Ушлаб ҳўжаликларининг раҳбарлари жинойи жаवобгарликка тортилдилар. — Бунинг барига пахта сабаб, — дейишди айрим калтабин кишилар.

Хўш, шундайми? Ахир, бу аслида шуҳратпарастлик, баднафслик, кўр-кўрона итоатгўлик, имкониятлар билан ҳисоблашмаслик оқибати-ку!

«Ўзбекистон Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади!»
Бу жумлалар бизга таниш. Пахта — бизнинг тақдиримиз. У ҳақда дангал гапириш керак. Шоир Эркин Воҳидов топиб айтган.

**...Пахтакор касбининг шох-бутоғи йўқ.
Фақат меҳнатимиз сал ўзига хос
Қўл қадоғи бор-у
иш адоғи йўқ.**

**Бизлар ишляпмиз,
Бу меҳнат холос.**

**...Пахта жононамас, гул ҳам эмас ул,
У пешона тери, машаққат озор,
Елкадаги юк у — бизларга мерос.**

Мен айрим мамлакатларда ва шаҳарларда токка, тамакига, буғдой бошоғига ҳайкал ўрнатилганининг гувоҳи бўлганман. Назаримда энг улкан ва нафис ҳайкал пахта ва пахтакорга ўрнатилиши керакдай! Тасаввуримда у бағоят жозибали бўлиши керак. Балки елкасида миллион тонналик пахтани кўтариб турган азимжусса деҳқон сиймоси бўлар у. Балки бошқачадир.

Ҳа, уни ҳарқанча шарафласа оз. Менга унинг меҳнати таниш. Пахтакор меҳнатини марафонча югураётган кишига қиёс қилгим келади. Юксак бардош билан бетиним ишлашга тўғри келади. Тасаввур қилинг: чигит экиш охирига етар-етмас яганалаш, кейин чопиқ, суғориш, ўғитлаш... эҳ-ҳе!

Қизилтепа районидаги «Бухоро» колхозига раиснинг бир кунлик меҳнат соатини ўлчаш, тадқиқ қилиш учун экономика институтидан илмий ходимлар келишади. Раис уларни илиқ қарши олади.

Раис саҳармардонда ишга отланганда меҳмонлар ҳали ширин уйқуда бўладилар. Шунинг учун уларни уйғотишга кўзи қиймайди. У кеч қайтади. Қараса, меҳмонлар ухлаб қолишибди. Тағин уйғотмайди.

Ниҳоят, учинчи кун меҳмонлар тонг билан раисниг машинасидан жой оладилар. Раис ишни трактор паркидан бошлайди. Ярим соатда ҳайдов тракторини кўздан кечириб чиқади, механик билан гаплашиб, унинг талабларини ёзиб олади. Кейин бригадага чиқишади. Икки соат давомида учта бригадада бўлишади, раис пайкалларнинг ичига кириб кўсакларни эринмай санайди. Тракторчи, бригадирлар билан гаплашади. Бу юмушлардан кейин у бир колхозчини кўргани район шифохонасига боради ва бирайўла тегишли идораларга кириб, запас қисм, минерал ўғит ундиради. Кейин колхозга қайтиб, фермага, болалар боғчасига, сувнинг бошига боришади. Кечқурун бир тўйнинг маслаҳатида иштирок этиб бўлгач, бригадирлар билан йиғилиш ўтказади.

Ҳисоблаб кўришса, у ўша кун 17 соат ишлагани, 115 километр йўл босгани маълум бўлади. Ахир, марафонча югураётган киши ҳам шунча энергия сарфлашга қодирмикан?! Аслида Ўзбекистоннинг «оқ олтин» хирмонлари ана шундай хўжалик раҳбарлари, бригада бошлиқлари, механизаторлар, сувчиларнинг жасоратли меҳнати самарасидир!

Пахтакорлик шарафини улуғлаш ана шундай курашга даъват этади уларни!

Дарҳақиқат, биз бу шарафни ор-номус ва диёнатни қадрлагандай эъозлашимиз шарт!

Ота мерос касбга доғ туширмай уни авайлабгина келажак авлодларга етказишга масъулмиз!

Жуда кўп моддий ва маънавий бойликларга ана шу пахта туйфайли эришганимизни бир лаҳза бўлса ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ!



Ашурали Аҳмедов

СЎНМАС ЖАСОРАТ

Қамалда

Боис Самарқанд хунар-техника мактабини тамомлаб, монёр ёрдамчиси бўлиб ишлаб юрганди. Кутилмаганда немис-фашист босқинчилари Ватанимизга хиёнаткорона ҳужум бошлади. Курол тутишга қодир бўлган ҳамма йигитлар фронтга кетишди. Боис ҳам 17 ёшида ўз ихтиёри билан жангга отланди. Уни запасдаги ўзбек отлик дивизиясига олишди. Бу дивизия Пенза шаҳрида турганида Боис ҳарбий интизом ва ҳарбий техникани мукаммал ўрганди. Автомат, пулемёт ва минамётлардан беҳато ўқ отишни, найзобозликни, разведкага бориб «тил» олиб келиш сирларини пухта эгаллади.

Тайёрлов полкидаги қизил аскарларни зарурат туғилган йўналишларга жангга жўнатишда Пенза анча қулай шаҳар эди. Чунки ҳали бу ерда уруш даҳшатлари сезилмас, бомбалар портламасди. Тақсимоатда Боис Эргашев генерал Белов бошлиқ кавалерия корпусига катта санитар-инструктор қилиб ўтказилди. У дастлаб Москва остоналаридаги жангларда қатнашди. Фашистлар бу ерда қаттиқ зарбага учраганлигининг гувоҳи бўлди.

Кейин Бош қўмондонликнинг буйруғи билан Боис Эргашев хизмат қилаётган кавалерия корпуси Жанубий-Ғарбий фронтга ташланди. Бу фронтда ҳам ҳаёт-мамонт жанглари борарди. Бир тўқнашувда Боис жанг қилаётган взводда атиги уч киши тирик қолди. Улар фашистлар эгаллаган территорияда қамалда эдилар. Эндиликда қандай бўлмасин шимолий Донецк яқинида жанг қилаётган асосий қисм жангчилари сафига бориб қўшилиш вазифаси турарди. Гурпуага Эргашев бошчилик қилди. Кундузлари улар бутазорлар орасида, бомбалар ўпирган хандақларда душман кўзидан писиб ётишар, кечалари йўлга тушардилар. Баъзи пайтлари адашиб қолгудай бўлсалар, компасга қараб йўлни тўғрилаб олишарди. Очлик, йўл азоблари уларнинг иродасини буколмади.

Ғира-шира тонг отиб келарди. Гурпуа тиконли сим тортилган майдонга тушиб қолди. Эргашев шерикларига:

— Сизлар шу ерда яшириниб туринглар, мен бир разведка қилиб келаман, — деди.

У олдинга эмаклади. Шериклари хас-хашаклар орасига бекиниб, атрофни кузатиб туришди.

Эргашев йигирма метрча эмаклаб бориб немисларнинг мудофаа линиясига яқинлашди. Блиндажлардан бирига тушиб, атрофни кузата бошлади. Душман мудофаага зўр тайёргарлик кўргани шундоққина билиниб турарди. Тиконли симларнинг ўнг томонидаги майдонларга эса ўзимизникилар жойлашган. Иккала территорияда ҳам ҳозирча отишма овози эшитилмасди.

Эргашев душмanning мудофаа линияларини аниқлаб, тиконли симлардан қандай ўтиш йўларини чамалаб, яна изига қайтди. Кейин дўстлари билан кенгашди.

— Ниҳоят, ўзимизникилар жойлашган территорияга яқинлашдик. — Ҳарқалай, ҳозирча, қамалдамиз, — деди у пичирлаб. — Оғир шароитда душман қўлига тушиб қолишимиз ҳам ҳеч гап эмас. Ҳар эҳтимолга қарши ҳужжатларингизни маҳкамлангиз.

Эргашев шундай деди-да, энкайиб хандаққа ўтирди ва ҳужжатларни маҳкамлади.

— Қани, энди менинг кетимдан юринглар.

Ҳаво очик, осмонда юлдузлар чарақлаб турибди. Изғиринли шабода эсмоқда. Унчалик йўғон бўлмаган ёғочларга тортилган симлар шабадада аллақандай кўрқинчли оҳангда ғувиллаб, хуштак чалади. Жангчилар сим девор ёнига келишди. Эргашев шивирлади:

— Аввал мен симни кесиб ўтаман, кейин сизлар ортимдан борасизлар. Кўрқинч, орқага чекин-иш йўқ. Сим деворнинг у томонида ўзимизникилар турибди.

У ер бағирлаб чуқур лабига чиқди. Чалқанча ётиб, тиконли симни омбур билан кесиб, эмаклаб ўтадиган жой очди. Яхшиямки, симга сигнал берувчи электр қўнғироқлари ўрнатилмаган экан. Бўлмаса ишнинг пачаваси чиқарди.

Нариги томонга ўтгач, шерикларига имлади. Горбунов билан Дюбенко ҳам сим девордан ўтиб олишди.

Майдоннинг ғарб томонида чироқ кўринди.

— Бу ҳойнаҳой штабимизнинг чироғи бўлса керак, — деди Эргашев. — Энди қамалдан чиқдик ҳисоб. Уша чироқ кўринган жойга борамиз.

Горбунов эса бир оз иккиланди:

— Тунги соқчилар бизни душман деб отиб ташласа нима бўлади?

— Ҳа, бу томони ҳам бор, — Дюбенко Горбуновнинг фикрини маъқуллади. — Менимча, бир оз дам олиб, тонг отганда бориш керак.

— Кечиксак бўлмайди. Агар соқчилар ўқ узгудай бўлишса, ўзимизникилармиз, деб қичқирамиз. Тушунарлими?

Эргашев энди ёлғизоёқ эгри-бугри йўлдан уларни штаб томонга бошлаб борди. Деразадан тушган шуъла ҳам бора-бора равшанроқ сезиларди. Соқчи ўзига қарама-қарши келаётган уч кишини эллик метрча наридан пайқади. У автоматни ўнглаб қичқирди:

— Тўхтанглар, кимсизлар?!

Эргашев қадамини секинлатди. Соқчи уларга яқин келди.

— Узимизникилар, ўртоқ солдат! — Эргашев дарҳол унга ўзини таништирди. Соқчи бир оз тинчланди.

— Қаердан келаяпсизлар?

— Қамалда қолган эдик. Қочиб ўтдик, қисмимизни қидириб келяпмиз.

— Яхши. Штаб шу ерда, бироз тура туринглар, — соқчи шундай деб кўримсизгина уйга кириб кетди. Бир пасдан кейин у қисм сиёсий ишлар бошқармаси бошлиғи генерал-майор Лангер билан бирга чиқиб келди.

Қизил аскарлар генералга дадил туриб честь бериб, ўзларини таништиришди. Генерал йигитларни ичкарига таклиф қилди.

— Марҳамат, ўтиринглар.

Йигитлар рўпарадаги курсиларга ўтиришди. Генерал жангчиларга синчков разм солди. Уларнинг бир неча кундан бери оч қолиб қийналганлиги синиққан рангларидан, киртайган кўзларидан билиниб турарди.

Эргашев бўлиб ўтган воқеаларни қисқа қилиб гапириб берди. Генерал унинг сўзларига дам ишониб, дам ишонмай таажжубланарди, «Шундай оғир шароитда наҳотки немислар қамалидан эсон-омон чиқиб келишса-я», деган ўй уни қийнарди.

— Балки душманга сотилган бўлсаларинг-чи, сизларни немислар ҳийла билан юборган бўлса-чи?

Эргашев эътироз билдирди:

— Ундай эмас, ўртоқ генерал, бизга ишонаверинг, қамалда қолдик. Ҳақиқий совет солдатига хос жанг қилиб, устакорлик кўрсатиб асосий қисмларимиз турган жойга етиб келдик. Бундан бу ёғига ҳам Совет Иттифоқига сидқидилдан хизмат қиламиз!

— Хўш, сотқин эмаслигингизни нима билан исботлайсиз, бирор бир ҳужжатингиз борми?

— Марҳамат!

Эргашев шартта этигини ечиб, пайтаваси орасидан комсомол билетини олиб, генералга узатди. Лангер уни очиб кўз югуртириб чиққач, юзида бир оз табассум аломатлари сезилди.

— Жуда яхши.

Генерал комсомол билетини Эргашевга узатаркан, мамнун бўлиб елкасига уриб қўйди. Кейин Дюбенко билан Горбуновга юзланди.

— Қани, сизларда қандай ҳужжатлар бор?

Дюбенко ҳам дарҳол этигини ечди ва пайтаваси орасига ўраб қўйган комсомол билетини ўрнидан туриб генералга узатаётганида Горбунов инграб юборди.

— Ҳа, сизга нима бўлди? — ҳайрон сўради Лангер.

— Оёғимдан яраланганман. Комсомол билетим этигимда...

Эргашев дарҳол дўстига ёрдамлашиб юборди. Генерал йигитларнинг сотқин эмаслигига қафоат ҳосил қилгач:

— Ҳақиқий комсомол жангчи экансизлар, — деди. Кейин Горбуновга мурожаат қилди. — Ярангиз оғир эмасми?

— Унчалик эмас.

— Ярангизни даволаттирамиз, каттароқ этик берамиз.

— Раҳмат!

— Роса оч қолган бўлсаларингиз керак, йигитлар? Сезиб турибман. Мен ҳозир сизларни бир оз меҳмон қиламан, — генерал шундай деди-да, ўрнидан туриб столга нон, қолбаса, сухари, консерва келтириб қўйди. Керагазда қайнаб турган чойни дамлаб, кружкада узата бошлади.

— Қани, марҳамат қилиб олиб ўтиринглар.

Шу дамда штабда оз вақт бўлсада эркин нафас олиб, ҳар қандай хавфу-хатарни бир дамгина бўлсада бутунлай унутиб, бемалол овқатланишнинг ўзи улар учун катта бахт эди.

Генерал ҳам энди самимий суҳбатлаша бошлади:

— Душман қамалидан бир амаллаб чиқиб, яна сафдошлар қаторида бўлиш — бу чинакам мардлик, қаҳрамонлик. Урушда нималар бўлмайди. Ҳарқалай шундай вазиятда бутун бир взводдан уч кишининг тирик қолиши ҳам катта гап.

Кейин мақсадга кўчди:

— Мана, энди ўз қисмимиздамыз, деб ҳисоблайверинглар ўзларингни. Қуролдошларингиз билан бир сафда жанг қиласизлар. Қани, ким қайси бўлинмага лойиқ?

Биринчи бўлиб Эргашев ўз истагини билдирди:

— Мен Брянскдаги жангларда старший-инструктор эдим. Пулемётдан бехато уришни, «тил» олиб келишни яхши ўрганиб олганман...

Лангер Эргашевнинг мақсадини маъқуллаб бошини қимирлатди. Сўнг Горбунов билан Дюбенкога савол назари билан юзланди. Улар ҳам пулемётчилар взводига қўйишни илтимос қилишди. Шундай қилиб, уччовлон 3-Украина фронтининг 60-гвардиячи дивизиясидаги 182-ўқчи полкининг учинчи пулемётчилар батальонида жанг қиладиган бўлишди.

— Энди Запорожье учун ҳал қилувчи жанглар бошланди. — деди генерал йигитлар билан хайрлашаётиб. — Энг муҳим операцияларда ҳақиқий совет солдатига хос жасорат кўрсатишларингизга ишонаман.

— Совет Иттифоқига хизмат қиламиз!

Йигитлар штабдан чиқишди. Генерал уларга оқ йўл тилаб қолди.

Муҳим топширик

...Ҳарбий билим юртини тамомлаб келган ўн саккиз ёшли Афанасий Шилин Боис Эргашев хизмат қилаётган қисмга командир бўлиб келди. Плотников ҳалок бўлгач, вақтинча унинг ўрнига гвардиячи старшина Эргашев командирлик вазифасини бажариб турарди. Батальон командири Елисеев Шилинни абжир, қаққон ёш ҳарбий мутухассис сифатида энг оғир ва масъулиятли участкада жанг қилиши учун бу ерга юборган эди. «Қизил Юлдуз» орденли 60-Павлоград ўқчи дивизияси душманга қақшатқич зарбалар бериб, учинчи Украина фронтининг зарбдор кучига айланганди. Эргашев шу дивизия жангчилари сафида эканлиги билан фахрланарди. У ротанинг энг уста снайпери ҳамда ботир разведкачиси сифатида штаб бошлиқларининг тилига тушганди.

Шилин 132-артеллерия полки штабида бўлганида Эргашевнинг жасоратлари ҳақида сузлаб беришди: Шунинг учун ҳам Афанасий Петрович Эргашев хизмат қилаётган взводга командир бўлиб келганидан хурсанд эди, у билан бирга муҳим операцияларда қатнашишни кўнглига тугиб қуйганди.

Шилин Разумовка қишлоғига ҳужумга ўтиш хусусида штабдан буйруқ олди. Ҳужумга ўтиладиган позиция шахмат шаклида миналаштирилган эди. Бунинг устига ҳужум қилинадиган позицияда душманин қандай кучлари ўрнашган, қанча техникаси бор — ҳали булар унга маълум эмасди. Тавakkал қилиб ҳужумга буйруқ берса, бутун взвод қирилиб кетиши мумкин. Шунинг учун Боис Эргашев билан уч-тўрт жангчини «тил» олиб келишга юборгани маъқул. Позицияда разведкачилар келтирган маълумотларга қараб ўт очиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шилин шундай қарорга келди.

Одатда немислар кундузи жанг қилиб, кечаси блиндажларда дам олишар, офицерлари эса ўзлари учун махсус тайёрланган жойларда кўнгул очар ишлар билан машғул бўлишарди. Эрталаб яна бақириб, қақириб ҳужумга ўтишарди. Жангчилар разведкага кечаси борадиган бўлишди. Шилин Эргашевга топшириқни тушунтиргач, унинг қўлларини қисиб деди:

— Оқ йўл, омад ёр бўлсин!

Вақт ярим кечадан ошган. Кунни билан шивалаб ёққан ёмғир бирдан қорга айланди. Пағапаға ёққан лайлак қор бирпасда ҳаммаёқни оқартириб юборди. Жангчилар керакли анжолларини олиб йўлга тушдилар. Олдинда қалин ўрмон. Эргашев ўрмондаги сўқмоқдан юриш хавфли эканлигини яхши билади. Дастлаб разведкага чиққанида тажрибасизлик қилиб панд егани ҳали ёдида. Шунинг учун ҳам у группани сўқмоқдан эмас, ўрмон оралаб юришга даъват этди. Жангчилар ниҳоятда сезгирлик билан охишта қадам ташлаб боришарди.

Бирдан рўпарадан катта ботқоқлик чиқиб қолди. Ундан айланиб ўтишнинг сира иложи йўқ. Орқага қайтиш эса мумкин эмас. Эргашевнинг боши қотди. Топшириқни бажара олмаса командирга нима дейди? Ахир бутун ротанинг тақдири унинг қўлида бўлса. Оёқларингизга хашак боғланглар. Ботқоқликни кечиб ўтамиз, — деди Боис Эргашев қатъий.

Жангчилар тезда буйруқни бажариб, ботқоқликка йўл солишди. Боис Эргашев эни ўттиз метрча келадиган ботқоқликнинг ярмига келганида ортидан келаётган шериги аста шивирлади:

— Иш чатоқ.

Эргашев нима бўлди экан, деб орқасига ўгирилганда икки разведкачи белигача ботқоққа ботиб қолганини кўрди. Улар ҳар қанча уринишмасин, оёқларини кўтариб олишолмасди. Боис орқасига қайтди. Шерикларнинг қўлидан тортиб турғазди. Разведкачилар яна йўлда давом этиб, бир амаллаб ботқоқликдан ўтиб олишди. Этикларини балчиққа тўлиб, шинеллари оғирлашиб қолганди. Соҳилда уст-бошларини ечиб, тозалаб кийиб олишди. Шу зайдла икки километрча йўл босишди.

Ўрмон чеккасига чиқишганида, Эргашев чап томонда милтиллаб турган чироқни кўрди.

— Чироқни кўряпсизми? — деб шивирлади ёнида келаётган Мозгуновга.

— Кўряпман, ўртоқ Эргашев. Назаримда ўша ёқда бирор қишлоқ борга ўхшайди.

Улар беш юз метрча йўл босишгач, қоронғуда у ер, бу ерда хароба уйлар кўзга ташланди. Бу уйлардан фақат биттасининг деразасида хира нур кўринарди, холос.

Эргашев бир оз мулоҳаза қилиб:

— Бу ерда балки немислар штаби жойлашган бўлиши мумкин. Агар тахминимиз тўғри бўлса, ишимиз беш бўлади! — деди. Кейин давом этди: — Аввало яқинроқ борамиз. Кейин ўт очиш нуқталарини аниқлаймиз.

Разведкачилар чироқ ёнаётган уйга яқинлашишди. Теварак-атрофи тахта билан ўралган уй олдида елкасига автомат осган соқчи кўринди. Фашист мудраб ўтирарди.

— Аини муддао. Фақат тез ҳаракат қилиш керак, — деб шивирлади Эргашев шерикларига.

У теварак-атрофни кўздан кечириб чиқди. Уйнинг бир ёғида эски молхона бор. Томининг бир қисми қулаб тушган. Немис офицерлари уйнинг эгаларини ё ўлдиришган, ёки ҳайдаб юборишган кўринади. Вақт тигиз, ғира-шира тонг отиб келаяпти, немислар уйғониб қолса, режа барбод бўлади. Шошилмоқ керак. Боиснинг мияси яшин тезлигида ишларди. Фашистларнинг штаби шу ерга жойлашган, деб тахмин қилишга асос бор эди. Найнки, қишлоқда шу уйдан бошқа биронтасида йилт этган чироқ кўринмасди.

— Сизлар молхонани айланиб ўтасизлар, — деди Эргашев шерикларига шивирлаб. — Агар қаршингиздан биронтаси чиққудай бўлса ханжар билан тинчитинглар. Соқчинини эса ўзим эплайман.

У мудраб ўтирган соқчининг орқасидан писиб бориб биқинига ханжар урди. Соқчи шилқ этиб табуреткадан йиқилди. Эргашев дарҳол хона эшигига яқинлашиб, ичкарига қулоқ солди. Бу пайтда шериклари ҳам молхонани айланиб ўтиб, дераза олдида етиб келишганди. У Мозгуновни имлаб ёнига чақирди. Икковлашиб ичкарига шиддат билан ёпирилиб киришди.

Хонада уч офицер ва бир аёл бор эди. Икки офицер столда ичишиб ўтирар, учинчиси ички кийимда каравотда чўзилиб ётарди. Улар автомат ўқталган жангчиларни кўриб, бир зум қотиб қолишди. Эргашев хитоб қилди:

— Хенде хох!

Ранги қув ўчган икки офицер қўл кўтарди. Жувон чинқириб юборди. Каравотда ётган офицер эса столда турган тўппончага ташланди. Бироқ олишга улгурмади. Эргашев автоматдан ўт очди. Жувон ва офицер жимиб қолди. Тирик қолган икки немиснинг қўлини орқасига қайтариб боғлаб, оғзига латта тиқишди. Сўнгра уларни ташқаридаги жангчиларга топширишди-да, хонани

Днепр юзини баҳор момақалдироғидай қўрқинчи гулдирак садолари қоплади. Осмонда «миссершидтлар» пайдо бўлиб, дарёнинг сўл қирғоғида жойлашган ўт очиш қисмларимиз жойлашган позицияларга бомба ёғдира бошлади. Сув бўйидаги ўрмон ва бутазорлардан аланга кўтарилди.

Ярим кечада вазият оғирлашгандан ҳам оғирлашди. Қирғоққа йигирма метрча қолган эди. Кутилмаганда снарядлардан бири Марченконинг қайиғига келиб тушди. Қайиқ тўнтарилиб, одамлари билан чўкиб кетди. Марченко учта шериги билан ҳалок бўлди.

Энди группада ўн уч киши қолди. Улар қандай бўлмасин қирғоққа чиқиб олишлари керак эди. Жангчилар жонларини ховучлаб бораётганликлари шундоққина сезилиб турарди. Эргашев уларга паст товушда дам-бадам «Ўзларингни қўлга олинглар, қўрқманглар, ўртоқлар», деб қўярди.

Йигитлар эса тишларини зирқиратиб бөр кучлари билан эшакни босишар, қирғоққа тезроқ етиб олиш учун интилишарди. Қирғоққа икки метрча қолди. Бир-икки дақиқа отишмалар тингандай бўлди. Аммо шунда бирдан яна гулдирак овозлари эшитилди. Эргашев узилган телефон симларини улаш учун уч-тўрт метр орқага қайиқни бурган эди, ёнига снаряд келиб тушди. У чап оёғидан яраланди. Шунга қарамай, қайиққа ёпишиб олди-да, телефон симларини бир амаллаб улади. Кейин қайиқни яна ўнглаб чиқиб олди-да, олға интилди.

— Ўзларингни қирғоққа отинглар, қуроолларни қолдирманглар! — команда берди Эргашев титраб.

У тушган қайиқ илма-тешик бўлиб кетган, сув кириб чўкаётганди. Дарҳол қуроолларни олиб итқитди-да, ўзи ҳам қайиқни тарк этди. Шинели шалаббо бўлиб, оғирлашиб кетган, танасини кўтаришга мажболи қолмаган эди. Бунинг устига яраланган чап оёғи зирқираб оғирди. У қирғоққа дароҳ томирлари ва шох-шаббаларни ушлаб, бир амаллаб чиқиб олди. Бошқалар ҳам бир-бирларининг қўлларидан тортиб, соҳилга соғ-саломат чиқиб олишларига ёрдамлашдилар. Жангчилар дарҳол душман траншеялари яқинида кичик бир позицияни эгаллаб, ярим ёй шаклида ерга ёпишиб, писиб ётишди. Эргашев аста бошини кўтариб ёнидагиларга паст овоз билан деди:

— Энди ҳужумга ўтамиз. Сафимиз оз бўлса ҳам, келин юрагимиз бакувват, ўртоқлар! Хушёр туринглар; сира бўшаганлар, бўлар-бўлмасга ўқларни исроф қилманглар!

Тахликали дақиқаларда унинг айтган сўзлари немис-фашист босқинчиларига бўлган кучли нафратини, Ватанга бўлган чексиз муҳаббатини ифодалар эди. Ана шу нафрат ва муҳаббат туйғуларини Эргашевга шу кеча бўладиган даҳшатли жанглар тўғонида чексиз куч-қувват бахш этар эди.

У пана бир ерга телефон симларини тортиб борди. Кейин дарҳол душман траншеяларидаги ўт очиш нуқталари ва плацдармнинг олов ҳалқаларини аниқлаб, штабга маълум қилди.

— Ўртоқ майор, дарёни кечиб ўтди, телефон линиясини ҳам ўрнатдик...

— Жуда яхши, ўртоқ Эргашев, — деди телефондаги овоз. — Сафдошларингизнинг кайфияти қандай?

— Яхши. Тўрт киши дарёга чўкиб кетди. Ҳозир оролда кичик бир позицияни эгаллаб турибмиз.

— Ишғол қилган позицияни қандай бўлмасин қўлларингизда сақлаб туринглар! Ҳозироқ сизларга ёрдамчи кучлар етиб боради.

— Яхши, ўртоқ майор! — Эргашев дарҳол трубкини қўйиб, телефон симларини бир неча метр олдинга тортиб, ҳансираганича илгарилаб кетди.

Гитлерчилар биринчи позицияда туриб уларга қарши пулемёт ва автоматлардан ўқ уза бошлади. Қизил аскарлар ҳам сира бўш келмасди. Улар гарчи қисмга яқинда келган бўлсалар ҳам мудофаада ўзларини тутишдан жанг қилиш санъатини пухта эгаллагани сезилиб турарди.

Тиш-тирноғи билан қуроолланган душман яна осмонни тўлдириб ракета ота бошлади. Днепрнинг тим қора юзаси ёришиб кетди. Икки томонда ҳам тўплар овози эшитилар, оғир-оғир снарядлар ерга тушиб, тупроқни кўкка совуради. Душман оролни қўлдан чиқармаслик учун жон-жаҳди билан интилаётганди. Боис Эргашев ҳозирча мадад кучлари етиб келишига кўзи етмас, аммо айёр душман бундан фойдаланиб авангард группани бутунлай қириб ташлаши мумкин эди. Бундай шароитда жангчиларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун душманнинг траншеясига ёриб киришдан бошқа илож йўқ.

— Гранаталарни тайёрланг. Башарти душман қарши ҳужумга ўтгудай бўлса, атиги учтадан ортиқ граната ишлатмангиз. Шароит оғирлашиб қолса менинг командам билан «урра» дея қўл жангига киришасизлар. Бу гал ҳам душман қаршилигини енгиб, яна бир синовдан ўтишимизга ишончим комил, ўртоқлар!

Бирдан немис артиллерияси жимиб қолди. Группа хандақда ҳамон писиб ётарди. Эргашев бироз нафасини ростлагач, бошини кўтариб душманнинг олдинги позициясига назар солган эди, уларга қараб иккита «Фердинанд» танки келаётганини кўрди. Пиёдалар танкнинг ҳимоясида чувиллашиб чопишаётганди.

— Йигитлар, — деди Боис сафдошларини хушёрликка чақириб, — душман яна ҳужумга ўтди. Граната ва танкка қарши отиладиган шишаларни тайёрлангиз!

Горбунов граната ирғитмоқчи эди, Эргашев шоққалоқлик қилма, яқинроқ келсин, деди олдинма-кетин келаётган танклар позицияга яқинлашиб қолди. Эргашев қўлларини ҳавога кўтариб «Ҳужумга!» ишорасини қилди. Сўнг Горбунов иккиси тепалик орқасига ўтди. Ёнбошдан туриб ўн метрча наридаги танкка шишани зарб билан ирғитди. Танк ҳам-тақ тўхтаб қолди. Орқасидан эса иккинчи танк ҳам етиб келди. Горбунов ирғитган граната уни ҳам тинчитди. Бу танкдан ҳам аланга кўтарилди. Ловуллаб ёнаётган танкларнинг қоп-қора тутунлари орасида пиёдалар чувиллашиб орқага қоча бошладилар.

— Отрад, олға! — Эргашевнинг буйруғи билан сафдошлар «урра» садолари остида немисларнинг орқасидан қувиб кетишди. Улар беш юз метрча ичкари кириб боришди-да, пастқам жойларда писиб ётишди. Шу пайт душман пиёдалари яна ёпирилиб кела бошлади. Қўл жанглари бошланиб кетди. Авангард группа тўс-тўполонда гоҳ автоматдан ўт очар, гоҳ найзабозлик қилар, ўнг келиб қолганда эса автомат кўндоқлари билан фрицларнинг бошларига тушириб, ер тишлатарди. Шу тариқа кечаси билан душманнинг саккиз ҳужуми қайтарилди. Қизил аскарларнинг кичик группаси фашистларни талвасага солиб қўйди. Охирида аҳвол оғирлашди. Душман солдатлари уларни ўраб ола бошлашди.

Дарёни кечиби ўтадиган қулай жойлар душманнинг қаттиқ назоратида бўлгани учун қисмларимиз ҳарбий қуроллар ва озиқ-овқатни олиб келишда қатта қийинчиликларга дуч келмасдан илож йўқ. Дарё торайиб оқаётган ана шу территория қўлга олинмас аҳвол янада мушкул бўлиши аниқ. Бутазорларни эса душман шахмат шаклида миналаштириб ташлаган. Авангард группа олдида қандай бўлмасин душманнинг ана шу оловли позициясини парчалаб, артиллерия қисмлари ҳимоясида пиёдаларга йўл очиб вазифаси турарди.

«Илюшин» ва «Як»ларимиз ҳавода душман самолётлари билан «дуэл»га чиқиб қарх урар, миналаштирилган дарё қирғоқларига бомба ёғдирарди. Қисмларимиз шу йўсинда қийинчиликларни енгиб, Днепр қирғоқларида қатта-кичик позицияларни эгаллашётганди.

Душман оғир талофот кўраётганига қарамай, баъзан олдинги марраларга яқинлашиб қоларди. Артиллериямиздан ўт очиш имкониятлари бўлмай қолганда, ўқчи қисмлар қанчалик аҳвол қийин бўлишига қарамай, қўл жангига ўтишга мажбур бўлишарди.

Эргашев бошлиқ отряд ўзлари эгаллаб турган позицияни тобора кенгайтириб, гитлерчиларнинг биринчи траншеясидаги хавфли нуқтага яқинлашиб қолганди. Тонг отар пайтида аҳвол янада мушкуллашиб қолди. Чуқур хандақлар олдида ўрнатилган душман дзотларини иложини топиб граната ёки снарядлар билан қўпориб ташламаса, дарёдан ўтадиган мадад кучларини қириб юбориши мумкин. Отрядда бўлса санокли ўқ-дори қолган. Атакага ўтишдан бошқа илож йўқ. Аммо отрядда тирик қолган беш-олти жангчи билан буни ҳам амалга ошириш амри маҳол.

— Қани олға, ўртоқлар! — мурожаат қилди Эргашев яна қуролдошларига.

Жангчилар қўл жангига киришди. Эргашев милтиқ найзаси билан уч-тўрт немисни ер тишлатганда ҳаёти таҳликада қолганини сизди. Ўзини дарҳол хандаққа ташлади.

Душманнинг янги кучлари уч-томондан ҳужумга ўтганди. Группада ким тирик, кимлар ўлди, билиб бўлмай қолди. Боис Эргашев энди дўстларидан бутунлай ажралиб, душман қуршовида қолганлигини ҳис этди.

Унинг жароҳатланган оёғи тишиб, этикка сигмай оғир, қаттиқ азоб берарди. Ҳаёти қил устида турган шу дамларда тишини тишига қўйиб, оғир азобларга чидаш учун иродасини қўлга олди. Озиқ майдонлар ҳам, хандақлар ҳам ўликка тўлиб кетган, тўрт-беш метр нарида душман мўр-малахдай тўзғаб юрибди. У бир амаллаб ўрнидан тўрди-да, душман позициясидаги олов ҳалқаларни кўздан кечира бошлади. Ярим айланма шаклида қазилган траншеяларга пулемётлар ўрнатилган бўлиб, уларнинг олди томони шох-шаббалар билан тўсиб қўйилган, пулемётларнинг миллилари шохлар орасидан чиқиб турарди. Траншея бўйлаб электрли симлар тортилиб, уларга прожектор ўрнатилган. Бу прожекторлар дарё қирғоқларини ёритади. Днепрнинг қирғоқларига ҳам икки линияда тугунчаларга ўхшаш электр симлари тортилган. Унинг ёнидаги озиқ ерлар бўлса пиёдаларга қарши миналаштирилган. Линияда ҳар 7—8 метрда гулханга ўхшаш ёриткич сигналлари кўзга ташланади. Эргашев кечаси ўз отряди билан ана шу биринчи траншеяни ёриб кириб, оролда кичик бир территорияни ишғол қилганди. Кейинги атакада қочиб кетаётган немислар орқасидан қувиб келиб, ўзи уларнинг энг хавфли узелига тушиб қолган эди.

Эргашев блиндажда ётиб мулоҳаза қиларди. Демак, душман траншеялари ниҳоятда мустаҳкам. Ҳўш, уни ҳозир қандай қилиб қўпориб ташлаш мумкин? Ахир, сафдошларидан ажралиб қолган бўлса, бир ўзи нима ҳам қила олади? Бунига устига автоматда санокли ўқлар қолган? Агар ҳозир уни душман сезиб қолса борми, битта ўқ билан тинчитади. Ақалли ёнида уч-тўртта граната бўлганда ҳам бошқа гап эди. Мадад кучлари етиб келгунча қандай бўлмасин ён-веридаги дзотларни парчалаб ташлаши керак. Лекин нима билан?

Шу пайт гитлерчиларнинг офицерлари чироғини ёқиб блиндажларда изғий бошлашди. Сал нарироқда оғир яраланган Горбунов ётарди. Боис Эргашев дўстининг инроғини эшитиб эзиларди. Ҳозир у сафдошига сира ҳам ёрдам беролмасди. Немис офицерларидан бири Горбуновнинг ёнига бориб, қўл чироғини тутган эди, у баттар безовта бўла бошлади.

— Хальт! Вер-ист-да, — деди офицерлардан бири немисчалаб.

Бу «Тўхта, ким бу инграётган солдат», дегани эди.

— Шильюс-шильюс! — деди иккинчиси ҳам унинг юзларига чироғини яқин тутар экан. Бу «рус-рус» дегани эди.

Ярадор Горбунов оғир нафас олар, ҳар замонда бошини у ёқ, бу ёққа ташлаб типирчилаб кўярди. Чироқ шуъласида офицерлардан бири беморнинг кўкрагига икки марта тўппончасидан ўқ узди. Энди у бутунлай жим бўлиб қолди.

Офицерлар хандақда қалашиб ётган мурдалар устидан бир-бир сакраб келишарди. Боис Эргашев ҳам дарҳол ўзини ўлганга солди.

Траншеяда мурдалар устидан сакраб ўтиб келаётган немис офицерлари Боиснинг олдига келиб тўхташди. Унинг юзларига ҳам чироқ шуъласи ийл-йилт этиб акс этди. У кўзларини юмиб ётарди. Унинг юзларини кузатиб, боши ва оёғини бир-бир тепиб кўраётган офицерлар назарида Эргашевнинг бирорта ҳам асаб томири урмасди. Дамини ичига ютиб, қилт этмай ётар, ҳаттоки нафас ҳам олмасди. Совуқда қотиб қолган мурдадайдан чўзилиб ётарди. Офицерлар уни ўлган экан, деб устидан сакраб ўтиб ўз солдатлари олдида қараб кетишди. Улар кетгач, Эргашев кўзларини очиб, енгил нафас ола бошлади.

— Хайрият, сезишмади мени, — ўз-ўзича пичирлади у, — агар нафасимни ичга ютмаганимда борми, мени ҳам ё тинчитишарди ёки бўлмас асир олишарди.

Шу пайт икки немис солдати ундан уч метрча нарида траншеянинг устига пулемётларини ўрнатиб навбатдаги ҳужумни кута бошлади. Боис Эргашевнинг яшин тезлигида ишлаётган миясида сафдошларининг аянчли тақдирини ва Самарқанд кечарди. Ота-онаси, қариндош-уруғлари бир-бир кўз унғидан кино лентасидай ўта бошлади. Акаси Абдувоси уйланганига уч кун бўлди деганда фронтга йўл олди. Янгаси чимилдиқда қолди. Сўнг бошқа акалари: Равшан, Облоқул ва поччаси Абдувахоблар ҳам урушга кетишди. Орадан сал вақт ўтмай, ўзи ҳам кўнгилли равишда фронтга жўндади. Запорожье учун бўлган жанглардан бирида акаси Абдувоси билан учрашиб қолди. Ака-ука бир неча кун бирга бўлишди. Кейин Абдувоси Эргашев артиллерия полкига ташланди. Боис у билан қайтиб учрашмади. Акаси билан бир энли хат ҳам олгани йўқ. У тирикми, ҳалок бўлганми, аён эмас.

Отаси Эргаш бобо, онаси Шарофат холанинг аҳволи не кечаяпти экан? Бир товуққа ҳам сув, ҳам дон керак. Улар жўжабирдай жон бўлса. Бунинг устига уруш, қаҳатчилик ҳукм сураяпти. Рўзгор тебратишининг ўзи бўладими, ахир!

«Салом, меҳрибон, қадрдон ўғлим Боисжон! — деб ёзганди отаси бир мактубида.— Бизлар сиҳат-саломатмиз. Сизнинг ҳам кеча-кундуз соғ-омон бўлишингизни тилаймиз. Боисжон, бизларни сўрасангиз, чарчамасдан ишлаб, фронтга, сизларга нимаики лозим бўлса, ҳаммасини юбориб турибмиз. Сизлардан талабимиз шуки, немис-фашист газандаларини қиринглар, токи улар ер билан жон бўлсин. Уйимизга ғалаба билан, ёруғ ўз билан қайтинг. Ҳаммамиздан Сизга ва сафдошларингизга самимий салом билан, отангиз Ҳамидов».

Боис бу хатни ҳарбий муҳбирга кўрсатганди, ўғилнинг отага жавоб хати билан қўшиб, фронтда рус ва ўзбек тилларида чиқадиған «Ғалаба сари олға» газетасининг 1942 йил 7 ноябрь сониди босиб чиқарди. У бу газетани ҳамиша кўкрак чўнтагида олиб юради.

Мана ҳозир эса ота ўзининг суюкли ўғлидан ажралай деб турибди. Унинг атрофида ажал шарпалари юрибди... Йўқ, йўқ, у ўлмаслиги керак. Отасининг эзгу орзуларини амалга ошириш лозим.

Боис тинмай фикрлар, қандай бўлмасин, душманга зарба бериб, сўнг ундан қутулиб чиқиб кетиш йўлларини изларди. У область театрида монтер бўлиб ишлаган чоғлари режиссернинг иши нақадар оғир ва мураккаб бўлишини бир неча марта кузатган пайтлари бўлган. Шу аянчли ва хавфли дақиқаларда режиссер бўлиб санъати унга қўл келмасикин? Аммо унинг ҳозирги вазияти саҳнадаги вазиятдан юз чандон мураккаброқ эди. Ҳозир Боиснинг мушкул ҳолатдаги ниҳоятда нозик ҳаракатини режиссер билан хайрихоҳ томошабинлар эмас, балки ажалнинг ўзгинаси кузатиб турарди. Шунинг учун ҳам у немис офицерлари юзига чироқ тутганларида ҳам, тирик ёки ўлганлигини билиш учун боши ва оёқларига тепганларида ҳам қилт этмади. Буни чинакам ҳарбий тактика дейдилар.

Ниҳоят, у аниқ бир фикрга келди: ёнгинасида ҳаракат қилаётган фурицларга ҳужум қилиб, ўт очиш нуқталарини иложи борича яқсон қилиши, сўнг улардан қочиб қутулиш имкони бўлмаган чоғда, асир тушмай ўзини ўзи отиб ташлаши керак! Душманга таслим бўлгандан кўра, мардона ўлгани маъқул! «Шошилиш керак, бўлмаса қулай фурсатни қўлдан бой бериб қўйишинг мумкин, Боис!» у ўз-ўзига шундай буйруқ берди.

Қуроллардан ўт очиш ҳақида немисча команда берилди. Пулемётлар тилга кирди. Очиқ майдонда снарядлар портлай бошлади. Душман Днепр дарёсидан ўтиб келаётган қисмларимизнинг қирғоққа етиб олишларига йўл бермаслик учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қила бошлади.

Эргашев ортик чидаб туролмади. Уқ теккан, зирқираб оғриётган оёғини аста ўнглаб олди-да, автоматга таяниб ўрнидан турди. Яқингинасида икки фриц пулемётлардан ўқ узаётганди. Ундан нарида ўн-ўн беш солдат ва офицерлар атакага шайланиб турибди. Боис пулемётларини тариллаётган икки фрицни автомат билан қулатди-да, уларнинг пулемёт дастасига ёпишди. Бир пастда атрофидаги немисларни тутдай тўқди. Баъзи тирик қолганлари эса қоча бошлади. Шу пайт орқадан «ура» садолари эшитилди. Улар Боис Эргашевнинг полкдошлари эди.

Қизил аскарлар душман қамалида қолиб, газандаларнинг додини берган, зафар маррасини эгаллашида полкдошларига йўл очиб берган қаҳрамон ким бўлди экан, деб уни қидира бошлади. Эргашев эса оғриққа чидаёлмай, бошини пулемётга қўйганича жим турарди. Шу пайт Шилин уни кўриб қолди:

- Старшина Эргашев, тирикмисан, дўстим? — деди у ҳаяжон билан Боисни қучиб.
- Афанасий Петрович, ўзингиз соғмисиз? — у шундай деди-да, хандаққа йиқилди.
- Нима бўлди сенга?
- Дарёни кечиб ўтаётганимда оёғимдан яраланган эдим...

Санитар пичоқ билан этик кўнжини кесиб, Боиснинг ярасига доир-дармон қўйди. Кейин уни замбилга ётқизиб, дарё бўйида турган қайиқ ёнига олиб боришди.

— Ироданга қойилман, ўртоқ Эргашев,— деди Шилин у билан хайрлашаётиб,— шу аҳволда душман позициясига ёриб кириб кўмондонлик топшириғини бажарибсан-а! Минг офарин, сенга! Эргашев мийиғида қулиб қўйди. Уни госпиталга олиб кетишди. Шилин сафдошларини орқасидан эргаштириб илгарилаб кетди. Уни ҳам олдинда катта жасорат ва қаҳрамонлик кутарди...

Старшина Боис Эргашевнинг Хортица оролини эгаллашда кўрсатган мислсиз жасорати тилларда дoston бўлди. Фронт газеталарида унинг жасоратлари ҳақида очерклар, лавҳалар босилди, рангдор варақа ва плакатлар чиқарилди...

Украинани озод қилишда кўрсатган мислсиз жасоратлари учун гвардиячи старшина Боис Эргашев, унинг взвод командири Афанасий Шилин СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил, 22 февралдаги фармониға мувофиқ Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвон билан тақдирландилар.


Госпиталда ётиб, соғайиб чиққан Боис яна анча вақт ўз қуролдошлари билан бир сафда жанг қилди. Фақат яна бир бор оғир ярадор бўлиб госпиталга тушгач, врачлар уйига қайтаганини айтишди. Энди қаҳрамонни она диёри, киндик қони тўкилган Самарқанд кутарди...

Боис Эргашев фронтдан қайтиб яна даволанди. Кейин Фарҳод ГЭСи қурилишида ишлади. Халқ қурилишидаги комсомол штабининг бошлиғи сифатида катта ташкилотчилик ишларини олиб борди. Ҳақиқий меҳнат фронтида тобланди. Сўнг Ўзбекистон партия ва ҳукумати уни масъул ишларга тайинлади.

Ҳозир Боис ака Эргашев етмиш ёшга яқинлашиб қолди. Аммо ҳамон жисман бақувват, қалбан тетик. Уруш ва меҳнат ветеранлари Совет комитети Тошкент шаҳар секциясининг раисиди.

Дунё яратилибдики, қуёш ҳам, юлдузлар ҳам, она-Ер ҳам боқийлик тимсоли бўлиб келди. Халқимизнинг Улуғ Ватан уруши йилларида тарихий жасоратлар кўрсатган қаҳрамон фарзандлари ҳам мисоли бир сўнмас юлдузларга ўхшайди. Дарвоқе, уларнинг кўкракларига қаҳрамонлик тимсоли бўлиб кўнган ана шу жасорат юлдузларининг ўзи абадий тимсолидир.

Эргашев ўзининг фронтлардаги жасоратлари билан ота-онасининг нон-тузини, она-Ватан олдидаги фарзандлик бурчини оқлади. Уни ҳам юртимизнинг тинч осмонидаги сўнмас, мангу ёниқ юлдузларга ўхшатгимиз келади.



Иброҳим Гафуров

ТОЗАРИШ

Биз экологик бўрон ичида яшай бошладик. Шеърят шу бўрон ичида гуллаяпти ва бўрон ичида мева тугяпти.

Етмишинчи йилларнинг ўрталаридан ўзбек шеъриятида инсон ўзини табиат ва борлиқнинг ҳоқими эмас, балки унинг ажралмас бир зарраси каби ҳис қила бошлайди. Унинг табиатга бўлган орифона қарашлари бошқа бир томондан ер юзидаги жамики инсонларга, умуман инсон боласига ҳамнафаслик, ҳамдардлик туйғуларига узвий тарзда қўшилиб кетади. Бу йилларда яратилган Уйғуннинг «Табиат китобидан» туркумига кирган шеърлар, Зулфиянинг «Тонг билан шом аро» асари, Миртемирнинг «Излаганим» ва «Едгорлик» китоблари, Асқад Мухторнинг «Сизга айтар сўзим» ва бошқа қатор йирик шеърый туркумлари, Шукрулло, Рамз Бобожон, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳусниддин Шарипов, Юсуф Шомансур, Туроб Тўла, Омон Матжон, Гулчеҳра Жўраева, Гулчеҳра Нуруллаева, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева, Жамол Камол, Муҳаммад Али, Миразиз Аъзам, Рауф Парфи ва бошқа қатор шоирларнинг шеър ва дostonлари — давр синовига бардош беролган асарларида дунё ишлари устида изтироб билан фикрловчи инсон образи яратилди.

Асқад Мухтор 1976 йилда яратган «Мен дунёга келиб дунё орттирдим...» деган туркумида (бу йилларда бир ғоя, бир кечинма шийдати билан силсила шеърлар яратиш кўзга кўринган барча шоирлар ижодида яхши анъана тусини олди) «Қачон мени лоқайд қолдирган Дахлсиз қувончлар, шоирлар ижодида яхши анъана тусини олди) «Қачон мени лоқайд қолдирган Дахлсиз қувончлар, бегона дардлар?» — деган саволни беради ўзига ўзи. Шоир барча шеърларида ўзи билан ўзи баҳс олиб боради. Узини, қарашларини, виждонини шафқатсиз саволларга тутати. Инсон маънавий дунёсига оид барча ҳодисаларнинг маъзи ва моҳиятини очишга — фикрлашга, фикрлашга, фикрлашга интилади. Унинг жонли фикри антиномиялар ичида ўртанади. Улардан ҳақиқат уруғ-фикрлашга интилади. Унинг жонли фикри антиномиялар ичида ўртанади. Улардан ҳақиқат уруғ-фикрларини барпо этади. «О, она табиат! Сен менинг эркимсан, менинг қафасим», деб ёзади у «Олий бутунлик» деб аталган шеърда. Инсон табиатда эркин, шу билан бирга у табиатдан, унинг азал ҳукмидан ҳеч қаерга чиқиб кетолмайди. Табиатда қарама-қаршиликлар унинг олий бутунлигини ташкил этади.

Асқад Мухтор инсоннинг табиат билан бир бутунлигини шоирона таъкидлаб боради. У «қафас» ғояси билан чиқишолмайди. Табиатда «қафас» бор ва «қафас» йўқ. Умрнинг чекланганлиги, ҳаётнинг абадийлиги шоирни азобли ўйлар оғушига ташлайди. Шунда табиатдан нажот сўрайди: «Азобли ўйларга ёғду соч...»

Шеърятга мана шундай азобли ўйлар кириб келди. Азобли ўйлар қоронғулик сари эмас, ёруғликка интилади. Уйғун «Табиат китоби»га кирган шеърларидан бири «Кузги япроқ»да шундай ёзади:

**Сен бўлмасанг, сенинг авлодинг бўлар,
Ҳар қалай япроқсиз қолармиди боғ!
Боғлар кўкармаса, япроқ ёзмаса,
Қалбимга чўқади ҳасрат, алам, доғ...**

Уйғун кичкина япроқнинг баҳор, ёз тер тўкиб меҳнат қилганлигини, она дарахтнинг меваларини етилтиришга ўз муносиб улушини кўшганлиги, бу меваларни дўллар, жалалар, бўронлар зарбидан асраганлигини шоирона ифодалайди. Боғлар шу кичкина япроқлардан бошланади деган ғояни шеърининг маъзига сингдиради. Техника экинлари экамиз, ер керак, деб кўп яшнаган боғлар текисланиб, қирқилиб кетаётган ўша шароитда боғларни сақлашга, уларнинг асоси бўлган

япроқларни авайлашга даъват шеърятнинг виждон саси эди. Лекин афсуски, ўша шароитда бундай саслар эшитилмади. Сергак овоз эътиборсиз қолди.

Асқад Мухтор ўз азобли ўйлари сўнггида оптимистик хулосага келади: «Йўқ, мен абадийман, менга ўлим йўқ, Тирик табиатнинг бир заррасиман».

Бу даврда ҳаётга очиқ кўз билан қараш, реалистик фикрлашнинг яхши куртаклари бўй чўзиб келди. Бундай қарашнинг ўзига хос бир психологик хусусияти мавжуд. Очиқ кўз билан қараётган ва реалистик фикрлаётган киши — ижодкор кескин бўлишга мажбур. Очиқ кўз билан қараш нима дегани? У ҳақиқатнинг юзига тик боқиш эмасми? Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева каби шоирларда шундай ҳақиқат юзига тик боқиш ҳолати бошланди. Ҳалима Худойбердиева ўша пайтдаги шеърларида ҳаётга «узундан-узун ташвиши кўп қурилиш» деб қаради. Ташвиши кўп қурилишга эса қуруқ яланғоч фикр билан бормайдилар. Ҳаёт қурилиш экан, у катта ва жиддий тайёргарлик кўрмоқликни тақозо этади. Шоирада шундай тайёргарлик ҳолати изтиробли ўйларда акс этади. У аввало ўзини ўрганишга, ўзини инсон сифатида нималарга қодирлигини кашф этишга жазм этади. «Мен ўзимни ихтиро қилишим керак», дейди шоира етмиш бешинчи йилда. Бу шунчаки, чиройли сўз учун айтилган гап эмасди. Бу ижодкорнинг жамият ва ўз шахси олдидаги аҳди эди. Бу аҳд кескин қарорларни келтириб чиқарди:

**Яшай билмам қувониб ё ғам чекиб кам-кам,
Ҳаётим ё жаннат бўлур, ёхуд жаҳаннам...**

Ҳалима Худойбердиева воқеликка, ҳаёт ҳодисаларига шиддатли суратда аралашади. Ҳаётни драматизм билан қабул қилади. Чала-ярим ўйлар, ҳиссиётлар, ҳаракатлар унга ёт. Унинг очиқ кўзли ижодкор шахси барча шеърларида бўртиб кўзга ташланади. У Ўзбекистонга муурожаат қилиб:

Иброҳим Ғафуров эллик ёшга тўлибди. Бу — муборак ёш, элликка етиб олган ҳар бир одам учун эмас, албатта, балки одамнинг ярим умрига тенг шу мuddатни салмоқли мазмун билан бойитиб, ўз имкониятларини етарли даражада намойиш эта олган одам учун.

Иброҳимжоннинг бахти — ўз қобилиятини бизни қувонтирарли даражада кўрсата ва жилолантира олгани.

Ривожланаётган ҳар қандай адабиёт танқидчиликка, танқидчиларга муҳтож. Фақат ўқувчи билан ёзувчи ўртасида кўпинча «тилмоч» кераклиги учунгина эмас. Яхши, етук адабиёт «тилмочлар» сиз ҳам бемалол яшай олади. Гап шундаки, ёзувчи ҳам онгли равишда, ҳам «онгсиз равишда», яъни интуиция билан ижод этади, бунинг оқибатида эса ҳатто энг буюк ёзувчи ҳам ўз ижодий фаолиятининг асл моҳиятини ва қадрини бутун тўлалиги билан тушунолмаслиги мумкин: буюкларнинг буюги Лев Толстой ҳеч қачон ўз ижоди «рус революциясининг ойнаси» бўлиб қолишини ўйлаган эмас.

Ижоднинг, ижодчининг қадрини фақат ҳақиқий адабий-эстетик танқид очиб бериши мумкин. Танқидчидан биз даставвал унинг адабиётга меҳри ҳароратини ахтаришимиз керак. Шунисиға хурсандмизки, бугун адабий жараённинг энг актив иштирокчиларидан бири — Иброҳим Ғафуровнинг ҳар бир асарига адабиётга ва ёзувчига меҳрнинг қизгин тафти бор.

Истеъдодли танқидчимизнинг эллик ёшга тўлган кунларида тилаклар билдирадиган бўлсак, биз даставвал унинг ижодидаги ана шу фазилатини — адабиётимиз учун жонкуярлигининг, унинг ривожига манфаатдорлигининг, ижодкорга ҳурмат ва ихлоснинг абадий сақланишини ва агар таъбир жойиз бўлса, яна-да, гуллашини истаймиз.

Иброҳим Ғафуров ўз мушоҳада ва мулоҳазаларини адабиётимизнинг фақат бир соҳаси ёки бирор даври доираси билан чекламайдиган адабиётшунос. Қадим адабиётимиз дурдоналаридан бошлаб, эндигина адабиётга кириб келаётган истеъдодли авлодлар ижодигача, узоқ тарихга эга адабиётимиз ва бугун қайнаб турган адабий жараён булоғи ҳодисаларигача ҳаммаси Иброҳим Ғафуровга адабиётимиз тақдири ҳам вазифалари ҳақида фикр юритишга «масаллик» беради. Бунинг 1987 йилда босилиб чиққан «Ўттиз йил изҳори» китобидан ҳам билиб олиш мумкин. Танқидчи уфқининг кенглиги — мулоҳазаларининг кўламдорлигини оширади: ҳақиқий танқидий, илмий хулосалар турли даврларга тааллуқли хилма-хил ва бой фактик материал асосида тағлироқ бўлиб майдонга чиқади. Танқидий мулоҳазаларидан анчаси бегумон ҳақиқатлар даражасига кўтарилмагани уларнинг аҳамиятини чиппакаки чиқармайди, чунки фақат турлича нуқтаи назарларнинг жамғарилиши ва таққосланиши натижасидагина биз орзу қилган бегумон ҳақиқатларга етиша оламиз. Ҳамкасблар томонидан баъзан айб сифатида кўрсатилувчи бир хусусият — ортиқча эҳтиросга берилиш ҳам Ғафуров мақолаларининг таъсирчанлигини оширади, холос, аммо мазмунга зарар етказмайди. Маълумки, Белинский эҳтиросли танқидчи эди ва эҳтиросни (унинг адабиётга нисбатан ишлатган «субъективное начало» таъбирини кўзда тутаман) ижоднинг айби эмас, фазилати деб ҳисоблар эди.

Яна бир фазилатнинг Иброҳим Ғафуров ижодида мавжудлиги ва бундан кейин равнақ топишининг адабиётимиз ютуқлари учун аҳамияти катта. Бу ҳар бир асар, адабий ҳодиса ва масала юзасидан мустақил фикр айтаолаш қобилиятидир. Унинг ҳар бир мақоласи адабий асар, масала ёки ёзувчи ҳақидаги тасаввурларимизни кенгайтиради ва бойитади.

Иброҳим Ғафуровдек истеъдодли ва серғайрат танқидчи мавжудлигининг ўзи маданиятимизнинг бахтидир.

**Иzzат СУЛТОН,
Ўзбекистон Фанлар Академиясининг
мухбир аъзоси**

деганда, бу шу сўзнинг асл маъносини ифодалар эди.

Шуни ҳам бу ерда айтиб ўтиш керакки, кейинроқ бу ифода усули кўп такрорланганидан, шоиранинг бир қанча шеърлари бир-бирларига икки томчи сувдай ўхшайди. Маҳорат воситалари, усуллар янгиланиб, изланиб турилмаса, ҳар қандай гўзал усул ҳам бир кун бориб сийқалана бошлайди. Ушбу ҳақиқат бу ўринда ҳам кўзга ташланди.

Лекин Ҳалима Худойбердиеванинг шеърлари поэзиямизни очиқ реалистик майдонга олиб чиқишда катта хизмат қилди.

Бу шоира ҳақида ёзган барча танқидчилар унинг оҳангларига хос туғёнкорликни барабар таъкидлаб кўрсатганлар. Шоиранинг ўзи ҳам кучи туғён билан шеър айтишда эканлигини яхши тушунади.

Ҳа «сокин» йилларнинг шеърляти унчалик ҳам сокин эмас. Шукруллонинг шеърлари эса бундай очиқ портламайди. Уларнинг оҳанглари ҳам осуда. Лекин эҳтирослари шу осудалик ичида. Шоир одамдан ва атрофини куршаган муҳитдан яхшилик — яхшиликнинг асосини ташкил этадиган маънавий гўзаллик қидиради. Бир қарашда у худди оддий, содда, ҳаммага маълум нарсалар ҳақида шеър ёзаётгандек таассурот қолдиради. Лекин чуқурроқ қаралса, бу соддаҳол шеърларда ҳаётнинг донолиги, инсон умрининг тажрибалари — гоҳо жуда аччиқ, аламли тажрибалари яшириниб ётган бўлади.

Мана Шукрулло давримизнинг ёмон урф бўлган ва кўпгина ачинарли фожиаларни келтириб чиқарган лоқайдлик ҳақида нима дейди:

**У сенинг уйингга ўт ҳам қўймайди,
Ёнсанг, жон койитиб сепмайди ҳам сув.
Уйинг кул бўлади, у-чи куймайди,
Буйруқсиз ўрнидан жиллолмайди у. —**

Шукрулло лоқайдликни мисоли тирик бир мавжудотдек тасвирлайди. Унинг муздай совук нигоҳи ва туркига яраша ўхшатишлар ва сифатлашлар топади. Ҳеч нарсадан куймайдиган кимса — лоқайд! Жуда топиб айтган бунини шоир. Лоқайд одамларнинг буйруқсиз бир иш қилмасликлари ҳам янада кучлироқ топиб ифодаланган. Зарари йўғу лекин ҳаммадан кўпроқ зиён келтирадиган афти чиройли ўзи машъум ҳодисани шоир шунай таърифлайди ва унга нафрат уйғотади.

Шукрулло ҳақида ёзган аксар танқидчилар унинг асарлари очиқдан-очиқ дидактикага мойиллигини қайд қилиб кўрсатганлар. Шоир ўз шеърларида дунё кўрган одам каби сўз айтади. Юрагидан орттирган доноликни ўқувчилари билан баҳам кўргиси келади.

**Кимлар жафо чекар, кимлардир сафо...
Ҳали бу дунёда ҳамма эмас тенг.
Дўстларим, оҳ чекиб деманг, «ҳаҳ дунё».
«Ҳаҳ одамлар, — денглар, — ҳаҳ, одамлар», — денг!**

Шукрулло агар инсоф йўқолган бўлса, бунга дунё гуноҳкор эмас. Ҳаммаси инсоннинг ўз қўлида, дейди. Инсоннинг камолоти бориб-бориб дунёнинг ҳам камолотига айланади деган фикрни илгари суради. Ва барибир яна шунда ҳам у ўз услубига содиқ ҳолда шеърини дидактик сўз билан тугатади.

Умарали Норматов етмишинчи йилларнинг иккинчи ярмидаги шеърлятимизнинг характерли хусусиятларини белгилар экан, «хозирги шеърлятимиз тараққиёти учун характерли тенденциялардан бири унда фикрлар ва туйғуларнинг, ҳатто шеърини шаклларнинг мураккаблашиб бораётганлигидир», деб ёзган эди. («Шарқ юлдузи», 1977, 4.)

Абдулла Орипов бу осон бўлмаган даврда ёзган шеърлари ва дostonларида ўзига яқин сафдош шоирлар каби ўтмиш воқеаларига у ёки бу тарзда мурожаат қилади («Ҳаким ва ажал», «Бобур», «Ленин ва Мирзачўл», «Тошкент шаънига», «Ғафур Ғулом»), ижодига эпик (воқеабанд) шеър формалари — ҳикоят ҳамда ривоятларни олиб киради, ўзи ривоятлар тўқийди. Шеърининг лексик семантик тузилишида классик адабиётимиз ва фалсафамизга хос бўлган истилоҳ ва сўзларни ўз ўрнида қўллайди, уларга янгича маъно жилвасини бағишлайди. Кўпроқ ёш бўғинга мурожаат қилади, ҳаяжонли йў-хаёлларини улар билан ўртоқлашади. Буларнинг бари маърифатли мураббий ва ота образига хос бўлган белгилардир.

Абдулла Орипов кейинги ўн йил орасида яратган асарларида ҳақиқат ва яхшилик концепциясини илгари суради. Кўпчилик асарларида шулар устида изчил фикр юритади.

Ленинча ҳақиқат ва социал адолат нормалари топалаётган ва четлаб ўтилаётган бир вазиятда ахлоқий идеалларимизни ҳимоя қилиш поэзиянинг зиммасига тушган эди. Шеърлят ўзининг шу вазифасини анчагина пардалаи йўсинларда ва кўпинча юмшоққина қилиб ижро эта бошлаган эди. Бу жиҳатдан Миртемирнинг етмишинчи йилларнинг айни ўртасида ёзилган бир шеъри ғоятда характерлидир. Уни тўлиқ келтирамиз:

**Дарахларда куртак,
Ҳали эрта кўклам,
Гулзорларда на гул, на бир хуш ис.
Гулларда кўринмас ҳали ғунча ҳам,
Лекин гулзорини мақтайди раис:
Манави қирмизи, манави оқ гул,
Ахир гул-да бари, ҳа, очилади,
Ҳа, бутун қишлоққа атир сочилади.
Тўғри сўзлар раис, кўнглим тўқ.
Кечқурун бир нафас тўхтаб ўтишар,**

Юлдуз ёйилганча ўтиришар ё...
Шунақа...
Ҳар ким ўз экканин мақтар эканда!

Шоир урчиб, болалаб ва борган сари сурбет бўлиб бораётган мақтанчоқлик ва кўзбўямачиликка шундай ишора қилади. Гулзор бу — Ўзбекистон дейсиз мисоли. Раис эса ҳали очилмаган гулларини кўкларга кутармоқда. Бу ёқда меҳмондорчилик, базм, одат тусига кириб қолган «кўниб ўтишлар». Шу гуллар очиладими? — деб бироз ачитиб савол бераётган шоир кўз ўнгимизга келади. Кесатиқни фаҳмламаган раиснинг ўзига маҳлиё ишонч билан сўзлаши... Ва ниҳоят, шоирнинг оғир хўрсингани эшитилади: «Шунақа...» Мақтанчоқликлар бошланиб кетди энди. Буёғи нима бўларкин?

Ҳақиқатларни тор ва юзаки тушуниш шеърятни чалғитади. Ҳақиқатнинг ўз қатъий ва қийин фалсафаси бор. Шуни англамаслик жўнроқ муҳокамаларга олиб боради.

Уша пайтда жонгёрлик — сўз ўйинларига берилиш, сўзлардан, гаплардан шеър яшаш анча кенг тус олди. Одмигина шеърлар ва дostonларга «порлоқ поэтик кўзгу», «шеърятда ўз ярқироқ имзоси бор» деганга ўхшаш таърифлар, ҳамду санолар ўқилди. Бу ҳам адабий жонгёрликнинг бир тури эди.

Очил Тоғаев: «дардсиз шеър — совуқ мраммалдир, кўзга ялтираб кўрингани билан қалбларни ёндирилмайди», деб ёзган эди ўша йилларда («Шарқ юлдузи» 1977, 4). Юқоридаги шеърларда дard эмас, сўзлар совуқ ялтираб кўринади. Бундай шеърлар битта-иккита эмасди.

Шуниси равшанки, умуминсоннинг маънавий-руҳий эрки, камолоти, келажаги учун ярайдиган ҳақиқатларгина шеърятга зўр қувват ва ўқ ўтмас қанот бағишлайди.

Абдулла Ориповнинг «Кўриқхона», «Учинчи одам», «Ишонч», «Оломонга», «Нозим Ҳикмат», «Савоб», «Бир сирки...» каби асарларида шундай катта ҳақиқатлар поэтик идрок этилади. Уларда эзгу орзулар бош мавқеда туради.

Инсоният ўз коллектив фаолиятида шундай бир нуқтага етиб келдики, виждон, инсоф, оқибат, меҳр-муҳаббат каби тушунчалар том маънода оёқости бўлиб кетиш хавфи туғилмоқда. Буни нима эканлигини тасаввур қилиш учун Андрей Вознесенскийнинг «Жар» репортаж-поэмасини эслашнинг ўзи кифоя. Душман қилмаган ишни ўз одамларимиз қилиб турганлиги инсон разолатда қай даражага етиши мумкинлигига очиқ ишора. Ахлоқсизлик, бевошлик, муқаддас нарсаларни менсимаслик реал тус олаётганлиги ва буларнинг оқибатлари қанчалар хунук бўлиши мумкинлигини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз.

Тумтарoқ нарсаларга маҳлиё бўлиб кетиш, сўзга амал қилмаслик, ғояларни илгари суриб, уларни бажармаслик, ёмон ишлаш, маънавий дунёдаги тартибсизликлар албатта, шеърятнинг мундарижасига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатди.

Истеъмолчилар ва айниган одамларнинг сон-санoқсиз тўдалари пайдо бўлди. Шеърятни ҳам истеъмолчилик воситасига айлантиришга анча уринишлар сезилди. Бу ҳодисаларнинг қанчалар кенг урф бўла бошлаганлиги КПССнинг кейинги икки йил ичидаги тарихий муҳим ҳужжатларида том маънода очиқ ташланди.

Е. Евтушенковнинг «Онам ва нейтрон бомба», «Фуку», Чингиз Айтматовнинг «Асрга тенг кун», А. Вознесенскийнинг «Рух меъморлари», «Жар», В. Распутиннинг «Ёнғин», В. Биковнинг «Кулфат тамғаси» каби асарлари руҳий қашшоқлик, коллектив истеъмолчилик психологиясининг айниган кўринишлари, бепарволик ва лоқайдликка қарши том маънода ўт очди. Улар турли ижтимоий тус олган иллатларга қарши умумхалқ ҳақиқатини бор овоз билан айтишни бошлаб бердилар. Курашга умидлантирдилар. Улар билан изма-из мамлакат тақдири ва келажаги учун катта аҳамиятга эга бўлган қарорлар қабул қилинмоқда. Қарорлар қоғозда қолиб кетмаслиги учун омманинг бутун ижодкорлиги ва ғайрати сафарбар этилмоқда.

* * *

XX аср уруш ва экологик таҳликларидан зада бўлган инсон юракларида дунёни кўриқхонага айлантириш истаги туғилганлигига ажабланмасча бўлади. Тўқайга ўт кетган пайтларда одамларда адолат ҳисси ўткирлашиб бориши керак. Ер юзини ва унинг гултожи — инсон қалбини даҳлсиз кўриш истаги ўзбек шоири хаёлида туғилган орзу эди. Шу тимсолнинг ўзи ҳам шеърятимизда янгилик бўлди. У ўзида катта ижтимоий ҳаракатлар бошлаш зарурлигини ифодалади. Академик П. А. Николаев «ижтимоийлик реализмнинг структурасини ҳам белгилаб беради... Ижтимоийлик — йирик бадий кашфиётларнинг манбаидир», деганда нечоғлик ҳақ («Литературная газета», «1985 йил, 26 июль»).

Қадим мутасаввуфлар дунё — зиндон! — деганларида социал маъноли катта ҳақиқатни ифодалаб берган эдилар. Л. Н. Толстой: «Биз ҳаммамиз қамоқдамиз» деганда ҳам даврнинг трагедиясини аңлатган эди. Гамлет ҳам «Дания — зиндон» деб ўша қадим фожиага ишора қилади.

Йигирманчи асрнинг сўнгги чорагида яшаётган шоир учун дунё — кўриқхона. Шундай бўлмаса, дунёни ҳам, инсонни ҳам асраб қолиш мушкул. Дунё — кўриқхона деган образни давримиздан ташқарида тасаввур қилиш қийин.

Кейинги йиллар бадий тафаккури муттасил эътибор бераётган ва катта бадий умумлашмалар чиқаришга имкон яратаётган мажозлардан бири — ёнғиндир. Бир қатор асарларда ёнғин дунёга тушган ўт каби кенг умумлашма образга айланади. Е. Евтушенковнинг «Онам ва нейтрон бомба», В. Распутиннинг «Ёнғин», Эркин Воҳидовнинг «Рухлар исёни», ва «Бонг уринг», Абдулла Ориповнинг «Кўриқхона» каби асарларида дунё ёнғиндан огоҳ қилинади. Ёнғинга сабаб бўлаётган ҳодиса эса руҳий қашшоқлик, ахлоқсизлик, маънавий принципларнинг поймол этилиши. Дунё адабиётларида оламни сув ва тўфон босгани мотивлари жуда кенг ишланган. Етмишинчи йилларнинг сўнгги чораги адабиёти уммер миқёсидаги ёнғин мажозини яратди.

Адолат борлиқга она бўлмас, уни она каби парвариш қилмас экан, олам тўқайзорига бирваракайига ўт кетади.

Асримизнинг бошларида яшаган тамил шоири (маккал кави) Субрамания Барадий теран фалсафий мазмунга эга шеърлар яратган. Қирқ ёшига ҳам етмаган бу ҳассос шоирни ибодатхона

фили топтаб ўлдирган. Субрамания шу филни ҳаддан ортиқ севар экан. У худди бизнинг Ҳамзага ўхшайди. Субрамания одам дунёга нима мақсадда келиши ҳақида бир шеърда шундай ёзган:

Ҳар бир дилга матонат керак, Қўшиқларга хушоҳанг ва хушлаҳжа керак, Кучли қўлга ҳалол иш керак, Эслаб юриш учун яхшилиқ керак. Жаннатдай ҳаёт кўкдагина эмас, ерда ҳам керак. Ер жаннат бўлмоғи учун саховат керак. Адолат керак! Аум! Аум! Аум! Аум!

(«Иностранная литература», 1982, № 12)

Илғор революцион шеърят ер юзининг қаерида бўлмасин адолат ва яхшилиқ учун кураша-веради. Бу унинг муқаддас вазифаси. Бўлмаса шеър нимага керак?

Абдулла Ориповнинг кейинги йилларда яратган шеърлари катта ижтимоий масалаларни ўз елкасига ортиб боради. Чиндан ҳам, социал салмоқдорликни бош ўринга қўйганда унинг шеърларида катта ташвиётлар юзага чиқади. Бу шеърлар саховат, имон, адолат учун талашади. Майда, бачкана ташвишларнинг кули бўлиб қолмасликка ундайди. Меҳрсизлик, таъмагирлик, шухрат-парастлик, молпарастлик ҳақиқатнинг кўзига тупроқ сочади.

Шарқнинг классик шеърятини инсон учун қутлуғ билимлар манбаи бўлишга интилган. Ҳозирги замон шеърятимизнинг энг яхши намуналарида ҳам шу қутлуғ анъананинг давомини кузатиш мумкин.

Абдулла Орипов шеърларида мунаввар маҳзунлик, нозик қочирим, ўткир киноя, кўтаринкилик ва порлоқ лиризм бирлашган, бир овозга айланган ҳолда келади. Чунончи, кўҳна иборалар унинг шеърини бандларига маърифатли илдиз ва ўзгача кўтаринкилик бахш этади:

**Юртим, фақат сенинг қўлингдан тутиб,
Болангдай эргашиб кета олсам бас.
Сен пири комилсан, мен эса муҳиб,
Сени танимаган мени ҳам билмас.**

Юртни улуғлаган шоирга у «пири комил» — яъни устоз бўлиб гавдаланади. «Пири комил» — тасаввуф терминологиясидан. Ҳозир камдан-кам қўлланади. Лекин шеърда у ҳам кўҳна маъноси-ни сақлайди, ҳам ундан узоқлашади. Юрт одамни ҳаёт йўлларида етаклаб борувчи, раҳнамолик қилувчи устоздир деган ёрқин фикрни ифодалашга хизмат қилади. Юрт бу — инсон учун энг етук устоздир. Шунингдек, кўҳна, кам истифода этиладиган муҳиб сўзи ҳам бу ерда муҳаббатли шогирд маъносига келади. «Пири комил»нинг янги маъно товланишини бўрттиради ва таъкидлайди.

Бошқа бир шеърда «ўтмишу келажак бир зумда ёна-ёна» деган сатр ҳам бор. Шоир шеърларида ҳақиқатан ҳам, ўтмиш ва ҳозирги замон доим бирга. Шунингдек, кўҳна, бронзадай сирли йилтираб турадиган сўзлар ҳам замонавий тил билан узвий қовушган ҳолда келади.

Асқад Мухторнинг кўринишдан осуда, вазмин реалистик йўналишга эга шеърларига дунё минтақаларида чиқаётган ёнғинлар ўз бевовта шуълаларини ташлаб турадилар.

**Дунё қайнаб, ёниб ётибди,
Дунё ловуллайти дўзах ўтидай.
Инсон ҳаёти ҳам унда бир зумда
Ёниб кул бўлади,
гугурт чўпидай.**

Шоир, инсон шу кетма-кет ёнғинларда ёна-ёна қонунлар, уставлар кашф этади. Лекин фақат умрнинг гугурт чўпидай зумда ёниб ўчишига даво тополмайди, деб айтади.

Асқад Мухтор шеърининг қаҳрамони ер қисмати, инсон умри мазмуни, ўткинчилик ва абадият, ўлим ва келажак ҳақида ўй суради. Ва дунё унинг кўпни кўрган, аччиқ-чучуқни тотган қаҳрамонига ҳамон тилсим, ҳамон ечиб бўлмас муаммолар калаваси бўлиб туюлади. Асқад Мухтор шеърятда ҳаётини ва инсон проблемаларини жўнлаштирмайди, уларни бор, ўзига реал ранг-бўйи билан ҳаққоний ёритади. Унда акс эттириш — бадийий ҳаққоният анча юксак даражададир.

**Ер қисмати ҳамон дилга ғулув солар,
Бу дунёнинг чақолмадим маъносини.
Муаммолар, муаммолар, муаммолар,
Мен ўғлимга қолдираман ҳаммасини.**

Очиғини айтиш керак, кейинги ўн йил ўртасида ёзилган шеърини асарларда инсон ва унинг заминдаги ўрни, халқ ва унинг яратувчилиги ҳақида реалликлардан йироқ, тилёғлама сўзлаш бироз кучайган эди.

Реал тасавурлар, реал кечинмалар, реал қарашларнинг ҳаётдагина эмас, адабиётда ҳам тарбия топмаганлиги сабабли инсон ҳақидаги поэтик тасавурлар ва қарашлар ғоятда ҳашамдор ва муболағадор таъриф тавсифларга ўраб-чирмаб ташланар, у қўлидан ҳамма нарса келадиган афсонавий қаҳрамон қилиб кўрсатиларди. Сохта тавсифлар таъсир кучига эга эмасди. Улар ҳиди йўқ гулга ёки пуч ёнғоққа ўхшарди. Инсон ҳақидаги мавҳум ва умумий кўтаринки шеърлар ижтимоий ҳаётда авж олган дабдабозликнинг ўзигинаси эди. Улар сохта тасавурларни урчитарди.

Дабдабозликнинг ва унга узвий боғлиқ ҳолда сохтагарчиликларнинг кучайишида ҳал қилувчи омиллардан бири йил сайн турли-туман воқеалар муносабати билан коллектив шеърини хатлар ёзишда кўринади. Уруш йилларида ўзбек халқи номидан жангчиларга ёзилган хат қаҳрамон-она руҳи билан ўзини оқлаган ва тарихий момент учун яхши хизмат қилган яъни тарихий вазифасини ўтаган бўлса, етмишинчи йилларда ва ундан кейинги коллектив хатларга ҳеч қандай тарихий

зарурат йўқ эди. Улар шу ўн йилликларда авжга миана бошлаган юбилейбозлик, йирик-йирик бўлиб кўр тўкиб мажлисбозлик ва тантанабозлик қилишларнинг ўзига хос бир кўриниши эди. Лоақал шу сатрларни қайд қилиб ўтайлик:

**Гафлат ҳам, офат ҳам сизга бегона,
Барини енгансиз голиб, мардона,
Шу учун пахтамиз азиз, муқаддас,
Биз унга қўйганмиз ихлос ва ҳавас.
Оқ олтин — рўзгорда тўкин дастурхон,
Оқ олтин — бу иқбол, бу обрў, бу шон...**

Бу ерда инсон ҳамма нарсадан узоқ бир чеккага суриб ташланган. Инсон эмас, нарса улуғланяпти ва ҳамма нарсадан юқори қўйилаяпти. Бойлик азизми, инсон азизми?

Мана ҳозир партиянинг бу давр ҳақидаги ҳужжатларидаги таҳлиллар ва баҳолардан сўнг бунинг қандай «шон», қандай «обрў» эканлиги яхши маълум. Лекин ўшанда бу реаллик ҳиссиётини тамомила йўқотиш натижаси эди. «Тенги йўқ моҳир», «вэлломат», «алп соҳибқор», «ботир», «қодир», «олтин қўл», «пахтазор шунқори», «луқмон», «аллома» каби таърифлардан меҳнаткаш, ҳақиқатан ҳам чинакам меҳнаткаш деҳқоннинг боши айланиб кетадиган даражага келган эди. Чин меҳнат кишисидан қанчалар йироқ бу тавсиф-таърифлар!

Мана шундай шароитда Эркин Воҳидовнинг «Бизлар ишлаяпмиз» деган асари дунёга келди. У пахтакор ўзбек деҳқони меҳнати асл мағзини реалистик ифодалабгина қолмай юқоридеги каби осмонўпар, кишиларни чалғитадиган, ишдан қолдирадиган васфбозликларга ҳам қучли зарба берди. Лекин афсуски, ҳушёр, соғлом қарашларнинг қарор топмоғи учун яна бир неча йиллар керак бўлди. Унгача эса тумтароқ коллектив назмбозлик давом этверди.

Миртемир эҳтимол шундай ҳолларни кўриб айтган бўлса керак, «халқим нимә бўлса, мен ўша бўлдим» деб! Ва яна ўзини ўзи овутишга, келажакка ишонч билан қарашга ўзини мажбур қилади: «Юрагим бўғилма, ўртанма бунча!» Зилдай оғир ҳақиқатлардан, ясама муносабатлардан безган дил изтиробларидан туғилмадимикин бу аччиқ сатрлар? Уларда эҳтимол ўша йилларнинг фожиаси бордир, лекин улар ҳаққониятдан дунё юзини кўрган эди. Тумтароқлик кўлгина ижодкорларнинг шеърлари, дostonларига қараб томир отди. Реалистик фикрлашга эҳтиёж ва талаб қолмаган жойда жилвасозлик ва буюк бўлишга уринишлар тез кўзга ташланар экан.

Мен — Жаҳонман, Мен ўзимга сиғмайман! Мен — Замонман, Ўз сўзимга сиғмайман!	Бу дунёсининг дунёсиман, Ўзиман. Мен — Инсонман, Дил розимга сиғмайман!
--	--

Бу шеърда замондошимиз улуғланмоқчи. Лекин бу тумтароқ «улуғлаш», «гигантомания» ўша хатлар, сохта кўрсатмалар руҳидан ўсиб чиқмадимикин? Бундай шеърлар озмунча эмас. Улар катта бўтана дарёча келади. Лекин бу бўтана сохталик «дориси» билан заҳарланган ва у қирғоғида майса-дарахт униб-ўстирмайди. Буларнинг бари ўй, дард бўлмаган ерда уларнинг ўрниларини эгаллайдиган гаплардир. Бошқа бир шоирнинг етмишинчи йилларнинг иккинчи ярмида ёзилган машҳур пахтакорга бағишланган достонида «ишқ маликаси», «севги маликаси», «хумо қуши», «қушлар подаси учар у ёққа — ёр даласига», «тун... қоқ ярим кечада маstonалик бошланди дилда» каби оҳанжамали васфлар нечалаб саҳифаларни тўлдиради.

Шу ҳодисаларни назарда тутиб бўлса керак, Нуъмон Раҳимжонов ўша йиллар шеърлятидаги интеллектуаллик, публицистик фикр билан фалсафий ўйларнинг синтези ҳақида фикр юритаркан, кўпгина шоирлар илмий-техника инқилоби даврининг ташқи белгиларини кўрсатиш ва қайд этиш билан чекланиб қолаётганликларини ёзади: «Теран психологик кечинмалар, ҳис-туйғулар ҳамда ўйлар, фикрлар талқинисиз ҳар қандай шеър (Сайёр, Охунжон Ҳакимов, Олижон Холдор, Тўлқиннинг баъзи шеърлари, Анвар Ҳожи, Шамси Одил ва бошқа ижодкорларнинг кейинги йиллардаги аксарият шеърлари) гарчи замонавий мавзуларда ёзилган бўлса ҳам, китобхонда чуқур таассурот қолдирмайди. Уларда энг асосийси, оригинал шеърый образлар етишмайди». У кўп шеърлар оддий маълумотлардан юқори кўтарилмаётганлигини куюниб ёзади, булар шеър эмас, шеърнинг совуқ кўланкаси деб фикрини хулосалайди. Оригинал образлар йўқлигининг тагида ҳам яна ўша тумтароқлик ва сохтакорлик касали ётибди.

Доно одам билан учрашув ҳам, мулоқот ҳам доим мароқли. Лекин айрим ҳолларда биз доноликни насиҳатбозлик деб тушундик. Насиҳатбозлик эса чиройли сўзларга ўралди. Ва насиҳатбозлик ҳам шеърнинг зиммасига юкланди. Шеър ўқувчи ва замон, умумадабиёт олдидеги гўзаллик ваколтини йўқотиб қўяёзди.

**Ошиқларнинг тўсманг йўлини,
Севишганлар қадрига етинг.
Оғритмангиз тоза дилини,
Ошиқларга гулдаста тутинг!..**

Бизда шу тахлитдаги «гаплар» ва «насиҳатлар», «яхши маслаҳатлар»дан ташкил топган неча юзлаб (ҳа, муболага эмас, неча юзлаб!) китоблар чикди. Бундай шеърый парчаларни, бутун-бутун дostonларни Н. Нарзуллаевдангина эмас, бошқа неча ўнлаб шоирларнинг тўпламларидан ҳам келтириш мумкин. Лекин адабиётда ҳукмрон бўлган мавжуд ҳолатни тушуниш ва тўғри баҳолаш учун шунинг ўзи ҳам эҳтимол кифоя қилади.

Бадий ҳодисалар бизнинг давримиздагина эмас, илгари замонларда ҳам бўлган. Ушандай тажрибаларга қараб туриб буюк ёзувчи М. Е. Салтиков-Шчедрин шундай деб ёзган эди: «Равшан

¹ Н. Раҳимжонов. Қалб ва фалсафа, «Шарқ юлдузи», 1978 йил, № 9.

англанган ғоя бўлмагач, бадий асар олақуроқ тасодифларнинг йиғиндисига айланади, унда ҳатто усталик билан чизилган образлар ҳам ўзларининг кўп қимматли томонларини йўқотиб қўядилар...» Ёзувчининг фикрини давом эттириб, бизнинг мисолларимиздан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкин-ки, равшан ғоя бўлмаганда ва ёхуд у ғоятда юзаки англанганда образларгина эмас, сўзлар, чиройли сўзлар ҳам ўз маъносини йўқотади, сўзларнинг тасодифий «олақуроқ» йиғиндисига айланади.

Бундай шеърларнинг ёзилишида ва урф бўлишида шоирларнинг ўзидан ҳам кўра мавжуд умумий кайфият айбдордир. Шу кайфият кўп шоирларни ўз сўзига жавобгарлик ҳис қилмаслигига олиб келди.

Гулчеҳра Нуруллаева «Мен олис юлдузлар мадҳига тўйдим» (1981) шеърини тумтароқликка қарши қуйидаги сўзлар билан тугатади:

**Бас, етар, қуруқ сўз, қуруқ олқиш-ла
Уларга термилиб ўтгучи фурсат,
Сен мени юлдузлар юртига бошла,
Сен менга уларнинг ўзини кўрсат.**

Усти ялтироқ ичи қалтироқ назмбозликлардан безиб айтган шоира бу фикрларини. У реал ҳақиқатни ёзишга чоғлапти ўзини ва ҳамкасбларини. Қуруқ олқишбозлик айна авжига кирган бир паллада шоиранин бундай шеър билан чиқши сергаклик, тетик фикр юритишга ундаган эди.

Лекин ғалати бир ҳол шундаки, шоиранин ўзи пуч сўзларга, пуч шеърларга қарши чиқиб, айна бир пайтда ўзи ҳам айрим шеърини парчаларида шу нарсага йўл қўяётганлигини сезмай қолади. У «Болаликда жуда-жуда ишонар эдим Катталарнинг менга айтган эртақларига» деб бошланадиган, энди у эртақлар мен учун ҳаётнинг нақ ўзига айланди, барини турмушнинг ўзида қуряпман деган мазмундаги шеърини қуйидагича яқунлайди:

**Мен ҳали ҳам ишонаман дев, шайтонларга,
Яхшиқнинг фариштадек ҳотамларига.
Энди улар менин учун эртақдан чиқиб,
Айланишган ер юзининг одамларига...**

Бу гаплар, қуруқ умумий мулоҳазадан юқорига кўтарилолмаган ва бунинг устига «фариштадек ҳотамлар» тумтароқлиги билан ишонтирмайди.

Афтидан, «Ўз даврининг реалистик ҳақиқатини» (Салтиков-Шчедрин) ифодалашга интилаётган энг яхши шоирларимизга ҳам инсон тўғрисида муболағадор ва «болохонадор» қуруқ сўз юритиш одати ўз таъсирини ўтказмай қўймаган эди. Умумий «касалликнинг» асорати талантили шоирларимизнинг айрим асарларида ўзини сездириб туради.

Шеъримиз ўша кенг тарқалган васфийчилик доирасидан, унинг шеърят оёғига ҳа деса урлашаётган чилвирларидан қутулиб чиқиб келаётган эди.

Васфийчилик эса, шеърятда беҳад зарур бўлган акс эттириш ҳақиқатининг акси, тўғрироғи, унинг йўлидаги тўғаноқлардан эди.

Найм Каримов «лирик шеър катта руҳий энергияни талаб қилади», деганда ҳақ эди. («Шарқ юлдузи», 1977, № 4). Шеърятдаги тумтароқлик ҳам ва унга басма-бас, балки унинг тўғридан тўғри акси ўлароқ майдонга чиққан жўнлик ҳам ижодқорларда мана шундай танқидчи айтаётган руҳий энергиянинг йўқлигидан дарак беради. Ялтироқбозликка қарши чиққан жўнлик, яъни ўта одми фикрлашга интилиш шеърятга кўп ҳам катта муваффақиятлар келтиргани йўқ.

**Бақирлаб қайнайди кўз қозонида
Ҳам нурли, ҳам нурсиз алам ёшлари...**

деб тасвирга берилади яхшигина қўшиқлари билан ном қозонган шоиримиз «Шаҳло» деган достонида. Бу ялтироқликнинг жўнликка айлана ҳолатидаги метаморфозалар. Шеърда реалистик фикрлашга интилаётган бошқа бир шоиримиз ёр кутиш изтиробларини қуйидагича тасвирлайди:

**Хиёбонлар — яшил бир йўлак.
Унда яшар сирли иштиёқ,
Ранги бўлак, оҳанги бўлак.
Менга насиб — билмоқ истадим,
Кулфат сендан
Ёки хандалар.
Келгайми бахт,
Кетгайми бахтим —
Ерга тушган гўё тангалар...¹**

Учрашувга келган кишининг шубҳаларга толиши, бахт ва бахтсизлик ҳақида ўйларга берилиши табиий. Афтидан, у ҳаётда анча қийналган инсон ва биз унинг қийналаётганига, келажагига ишонч билан қарай олмаётганига тушуниб, ачиниб тураемиз. Лекин унинг бахтни ҳам, бахтсизликни ҳам ерга сочилган тангаларга, уларнинг овозига қиёс қилиши бизга ҳиссиётларни жўнлаштириш, ҳатто уларни ерга уриш бўлиб туюлади. Буни соддалик деб аташ ҳам мумкин эди. Лекин соддаликнинг чегарасини белгиламаганда, унинг меъёри унутилганда, у албатта, ҳоҳ шеърятда бўлсин, ҳоҳ бошқа санъат турларида бўлсин, жўнликка айланиб кетади. Бундай ҳолатларда санъат баркамол бир қуринишларида эмас, эмбрионал ҳолатда намоён бўлади. Шеърятда санъат эмбрион даражасида бўлса, бу энди тугал жўнликдир. Албатта, эмбрионализм реализм ичига яширинишга уринади. Лекин аслида реализмга бутунлай ётдир. Реализм юксак санъаткорликни ва мундарижа бойлигини тақозо этади.

¹ Ожон Мухторов. Ёғду, т. 1979 й. 66-бет.

Ижодкор Маҳкам Маҳмудов Олимжон Холдорнинг етмишинчи йилларда чиққан шеърий тўпламлари ҳақида фикр юритаркан, кўпроқ диққатни шу жўнлик масаласига қаратади. «Олимжон Холдор узок йиллардан бери шеър ёзади; кўплаб китоблар чиқарган, Улардаги шеърларнинг мазмуни жуда тўғри, қофиялардан хато топиш қийин. Уқувчи шоирнинг гапларини ўқиб «тўғри» деб қўя қолади. Чунончи, шоир «Қуёш бутун борлиққа нур сочяпти, шунинг учун қувончим чексиз», деган маънода ҳайқириб ёзади. Уқувчи эса қуёш нури тушмаётган жойлар, пасткамликлар, ҳатто музликлар ҳам борлигини билади. Шундай қалби муз одамлар борки, уларга саратондаям яқинлашишга кўрқасиз...» Тўғри гаплар ҳам тинимсиз такрорланавергач, гарчи шеър сатрида бўлса-да, ба-рибир; жўнликка айланади. Шеър бирёқламалик билан ҳеч қачон ўқувчи эътиборини қозонган эмас, мақолада ҳозирги шеърга қўйилган талаб — шеърда реализм талаби, мотивларнинг ранг-баранглиги талаби — тўғри ва жўнлаштиришга қарши эътирозлар ҳам ғоятда ўринлидир.

«Ҳайқириб» шеър эмас, «гап» ёзиш, «гаплардан» шеър чақиримлари ясаш ўқувчиларнинг шеърга бўлган ишончи сусайишига олиб келган эди. Шеърят аввало ўқувчининг дидини ва ҳиссиётларини тарбиялайди. «Гап» ёзадиган қаламкашлар ана шу нарса билан ҳисоблашмайдилар. Ўқувчи уларнинг номларини танийди. Уларнинг ахир қанчалаб китоблари чиқди. Лекин минг афсуски, улар шеъриятимизга сезиларли бир янгилик, янги ғоя олиб киролмадилар. Замондошларнинг ақл ҳамда юракларига олижаноб таъсир кўрсатолмадилар.

Аксар қаламкашлар ўзларига талабни сусайтириб юбордилар. Талаб ва масъулият сусайган ерда унинг ўрнини албатта сермаҳсуллик, нафосат ўрнини «гаплар», образлар ўрнини «ясама гуллар» олди. Шунинг учун ҳам юракшидаги мақолада «эти шунинг шеърларида тафаккур жи-лолари? Қани унинг ҳаётни ҳозик-нафис, поэтик идрок қати этиши? Қани унинг дунё кезиб орттирган поэтик кашфиётлари?»— деган саволлар қонуний. Ўқувчилар бундай саволларга жавоб кутади-лар. Лекин қани жавоб?

Бу ерда ҳам акс эттириш ҳаққонияти бузилган, бу ерда ҳам руҳий бойлик йўқ, мана, нима учун саволлар жавобсиз қолади.

Бу ўринда хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, етмишинчи йилларнинг иккинчи ярмида замондошимиз инсон ҳақидаги кўтаринки тасаввурлар шеърятда умумийлаштирилган, тумтароқликнинг зўрайишига сабаб бўлди. Кадрларнинг айниши поэзиянинг сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Декларативлик инерцияси давом этди. Бор ютуқларни ҳаддан ташқари бўрттириш, қийинчилик-лар, турли ҳаётий, маънавий муаммоларни хаспўшлаш, муваффақиятларни юзаки улуғлаш сўзининг қадри пасайишига олиб келди. Озод Шарафиддинов куюниб ёзгандай, ўртамеъначилан кучайди. Ҳа, бадий шеър сўзининг қадри пасайди. Маълум бўлдики, шеър сохта ғалабалардан рўҳанолмас экан. Лекин бу каби нуқсонлар ҳукмрон тенденция тусини олди дейиш тўғри бўлмас эди. Инсоннинг унинг табиат ва жамият билан чамбарчас алоқада, узвий бирликда ҳаққоний акс эттириш, социал ғояларни ўртага ташлаш, ҳаётни унинг ранг-баранглигида фалсафий интеллектуал идрок этиш — шеърятимизнинг бош реалистик тасвир йўлида турди. Шеърятнинг энг яхши асарларида шу ижобий тенденциялар ривожланиб борди ва умумий жараённинг моҳиятини белгилаб берди.

Ижтимоий адолат принципларининг бузилиши, жамият тараққиёти қонуниятларини меъсимаслик, уларни очикдан-очик ҳисобга олмаслик оғир ахлоқий-маънавий оқибатларни келтириб чиқарди. Мақтанчоқлик ҳам социал адолат принципнинг бузилиши натижасида юзага чиқди. Бу шу даражага бориб етдики, айрим ўртамеъна асарлар Толстой ва Шолохов асарларига тенглаштирилди. Ижтимоий адолат принциплари бузилганда, ўлчовлар ва баҳолашларда бевошликлар рўй бериши ажабланарли эмас экан.

Лекин буларнинг бари шеърятда шиддат билан куртаклаб келаётган танқидий йўналишни четга суриб юборолмади. Бу танқидий оқим Эркин Воҳидов, Асқад Мухтор, Абдулла Орипов, Шукрулло, Рауф Парфи, Миразиз Аъзам, Ҳалима Худойбердиева, Омон Матжон, Гулчехра Нуруллаева, Жойдин Ҳожиева, Жамол Камол, Муҳаммад Солиҳ ва яна бошқа бир қанча истеъодли шоирлар оғидида кучайиб борди. Бунда албатта, илғор рус шеърятни, кўп миллатли совет адабиётининг энг яхши намуналари, грузин, қозоқ, Болтиқбўйи, Украина шоирлари асарларининг таъсири ҳаётбахш роль ўйнади.

Маънавий-ахлоқий принципларнинг қадрсизланишига қарши кураш анча кескин асарларни майдонга ташлади. Халқчиллик асосида таъсирчанликни кучайтиришга томон ҳаракатлар рўй берди. Бу шоирлар ривоят, хикоят, хангома, латифа, тўртлик, рубойи, маснавий каби шакллардан усталлик ва маҳорат билан фойдаландилар. Киноя, истеҳзо, зарофат танқидий йўналишнинг узвий хусусиятлари сифатида жараёнга жон ва қон бахш этди. Абдулла Ориповнинг «Тарбия», «Самовий меҳмон...», «Тулки фалсафаси», «Шарқ ҳикояси», Эркин Воҳидовнинг «Бонг уринг», «Оқсоқол», «Чумолилар жанги», «Сен менга тегма», «Сен яхшисан...», «Донишқилоқ латифалари», «Сибёсий сабоқ», Омон Матжоннинг «Ҳаққуш қичқирғи», «Майсалар ва гиёҳлар китоби», Рамз Бобожон, Ҳалима Худойбердиева, Шукрулло, каби шоирларнинг актуал шеърий туркумлари ва сиёсий дostonлари пайдо бўлди. Улар ичда давр синовига дош берган энг яхши, энг гўзал, энг ҳаққоний асарлар шеърятга ранг-баранглик, ҳаётбахш теранлик ва фикрий кенглик, соғлом тон ва йўналиш берди. Бундай асарлар шеърятимизнинг юрагида маънавиятнинг пўлат устунни бўлиб турди. Унинг қаддини кўтарди. Улар мисолида ўзбек совет шеърятини умумиттифоқ доvonларига чиқди. Евтушенко, Вознесенский, Сулаймондов, Рождественский, Казакова, Вацетис, Қаноат, Бахтиёр Ваҳобзода, И. Драч, Шота Нишанидзе, Визма Белшевиц сингари янги кучли тафаккур ва маҳорат қудратига эга бўлган совет шоирлари яратган, даврнинг илғор поэтик фикри мужассамлашган асарлар қаторида албатта мана шу ўзбек шоирларининг шеър ва дostonлари ҳам бор.

Руслар фол очиб ўтиргандан кўра сақланган яхши дейдилар. Шеърят ўзининг энг яхши асарларида қалбаки муваффақиятларга фол ўқишдан сақланди. Утқир, кескин ижтимоий муаммоларни ўртага ташлашдан юз бурмади.

Асқад Мухтор меҳнат меҳнати юзада ётмаслигини яхши тасаввур қила олди:

**Меҳнат қилган ўзи билар
Унинг ички зиёсин.
Сўзлаб бериш мушкул экан
Меҳнат поэзиясин.**

Шеърят меҳнат поэзиясини сўзлаб бериш мушкул эканлигини теранроқ англай бошлади саксонинчи йилларда. Поэзия шу меҳнатнинг ички заиёсини — олижаноб маъносини топиши шарт экан. Асқад Мухтор «Сизга айтар сўзим» китобига кирган шеърларидан бирида: «Шунчаки мен учун ҳамма нарсадан Инсонга марҳамат ҳисси муқаддас», дер экан, марҳамат ҳисси билан бир қаторда қаттиқ талабчанлик ва халқ ҳаётида азалдан шаклланган ахлоқ-одоб принципларига оғишмай амал қилиш заруратини ҳам шарт қилиб қўяди.

Уйғун, Зулфия, Шуҳрат, Рамз Бобожон, Шукрулло, Ҳусниддин Шарипов, Зоҳиджон Обидов, М. Жалил, О. Мухторов, Ҳ. Саъдулла, Г. Жўраеванинг энг яхши актуал шеърӣ асарларида уруш ва тинчлик, совет халқининг фашизм устидан оламшумул ғалабаси, Ленин ва инқилоб, Илмий-техника революцияси ва инсон маънавияти каби мотивлар ва мавзулар етакчилик қилди. Давр ҳақиқатларини юзга чиқаришга интилиш кучайди. Албатта, бу ўринда ҳам сўзбозликдан, публицистик шовқиндан, маълум ҳақиқатларни қайта-қайта кашф қилаверишдан, сиёсий қайдбозликлардан тўла ва бутунлай қутулишга эришилмади. Айтиқса, шеърга кўпдан бери эргашиб келаётган машъум риторика эндиги кунларга келиб буткул анархизм тусини олди.

Гулчеҳра Нуруллаева бир шеърда шамолни улуғларкан, у ҳаётга тоза ҳаво олиб киради дейди. У адолатни шу тоза ҳаво олиб кирадиган шамолга қиёслайди:

**Лекин биламанки, инсон ҳаётин
Жаранг бермоғи-чун борки торлари
Керакдир юраклар мувозанатин
Шамолга ўхшаган жонкуярлари.
У бор. Жуда улуг. Жуда каттакон.
Адолат дейдилар эл қўйган оти.**

**Лекин уни этар гоҳи қатагон
Ҳар кимда бор бўлган ўз «Адолати».
Яширмоқ не ҳоҳат!! Гоҳида очиқ;
— Адолат бу менман!— деймиз беҳазил.
Шундан гоҳ райкинлар кулгуси аччиқ,
Шундан гоҳ Абдулла шеърлари ҳазин.**

Инсонда ана шундай умумқимматли адолат ҳисси тарбия топмагунча, унинг шахсий ҳақиқатлари умумжаҳон ҳақиқатлар билан гармоник бирликка келмагунча маънавий-руҳий камолатнинг йўллари тўла очилиши қийин. «Кичик адолат» эгалари одатда тор манфаатлар доирасидан кўтарилмайдилар.

Адолат ҳисси билан ўйнашиб бўлмайди. Адолат сўзи билан ҳам. Савдолашиб бўлмайди бу сўз билан! У сиёсий савдо мавзуси эмас. «Адолат бу — менман!»— дейдиганлар албатта адолатсизликларга йўл қўядилар. Адолат эгоизм (у қандай кўринишда ва қандай либосда бўлмасин) пўстлоқ ва пўчоқларидан халос бўлгандагина умумқиммат, умумаҳамият, умуммоҳиятга эга бўлади. Одамнинг юрагида доим адолат жилғаси оқиб, айланиб туриши керак. Шунда у бошқа одамлар, бошқа халқлар, бошқа мамлакатлар кўксига оқадиган шу каби жилғаларга табиий қўшилиб боради. Бўлмаса бу жилға қурийд. Миртемирнинг бир шеъри бор:

**Шопириб-шопириб Шодмонжонга суз,
Ўпириб-ўпириб Урмонжонга суз,
Қарама ҳеч кимнинг қош-қовоғига
Санамай саккиз де, ўйламай тўққиз.**

Миртемир Пушкин эпиграммаларига ўхшаб кетадиган бу тўртликни «Кунинг келипти-да...» деб номлайди. Шоир ошна-оғайнигарчиликка ғайри ахлоқий ҳодиса деб қарайди. Тақдир тақозоси (тўғрироғи, таниш-билиш қилиб қулоқбошига чиқиб олган) билан амал курсисига ўтирган ва сўнг уни ўз тўдаси, ўз ошна-оғайнилари манфаати учун хизмат қилдирган аллакимга (шоир унинг кимлигини аниқ билади) аччиқ, киноя сўзларини отади. Амал курсисига ўтирган одамни даврада кимиз сузиш ихтиёри берилмиш кимсага ўхшатади. Қимиз сузувчида инсоф бўлмаса, у фақат ўз яқинларинигина сийлайди, даврада фақат уларнигина пайқайди. У яқин ҳамтовоқларини тўйдирётгани, уларнинг кўнглини овлаётганидан боши осмонда, ўзини билмай кеккайди, оғзига келганини сўйлайди, дегани деган... Шоир ошна-оғайнигарчилик туфайли бўлаётган адолатсизликка очиқ ишора қилади. Тақсимот бузиляпти. Ваҳоланки, тақсимот ҳар тарафлама социал адолат бўлишини талаб қилади. Шеърнинг социал мағзини унинг сарлавҳаси янада бўрттириб кўрсатади. Халқ тасодифан лавозимга кўтарилган ва босар-тусарини билмай қолган кишига бошини чайқаб: «ҳа, кунинг келипти-да...» дейди. Шу тугалланмаган ибората қанча маъно, қанча муносабат бор. Эрта-индин адолат ўз ўрнида қарор топишига қатъий ишонч ифодаланган унда.

Миртемир ўзбек совет шеърятига «бахшиёналик» мотивини биринчи бўлиб олиб кирган шоирдир. Бахшиёналик Султон Акбарий, Қуддус Муҳаммадий, Тўра Сулаймон сингари шоирларда ҳам услубни белгилайдиган кўрсаткич, Бахшиёналик — халқ дostonчилигимизнинг ифода воситалари, образ яратиш усуллари, ритмик бойлигидан ижодкорона фойдаланишда кўринади.

Совет шеърятитадиги бундай бахшиёналик аслида Ғафур Фуломнинг «Кўжан батрак» достонида бошланади. Янги воқелик, янги қаҳрамон ҳаётини тасвирлашда Ғафур Фулом куйланадиган шеър усулини қўллади. Лекин бу ҳали бахшиёналик эмасди. У ёзма шеърятимизда Миртемир кашфиётидир.

Бахшиёналик — бу рост сўзни дангал айтишдир. Халқона ошкоралиқдир. Чиндан қайтмаслик, аччиқ воқелиқдан юз ўгирмаслик ва буларни яна халқ бахшиларининг ўзидай қилиб куйланадиган шеърга солиб айтиш — бахшиёналиқдир.

Миртемирнинг ана шундай тўртликларидан яна бирига эътибор қилайлик:

**Бирга эдик чоғи пода боққанда,
Тоғу тош гулдираб чақмоқ чаққанда,
Бирга эдик чоғи дўл ҳам ёққанда,
Четда қолдик нечун дўлана қоққанда...**

Бу шеър «Бирга эдик...» деб аталади. Бу ерда ҳам гап адолатнинг бузилиши устида борапти. Адо-

латнинг ҳар қандай бузилиши инсон учун талафотдир. У қандай бўлмасин юракни яралайди. Шоир сафдошига мурожаат қилаётгандек. Ҳаётнинг оғирчиликларини бирга тортиб, энди адолат бўлади, оғзимиз ошга етади деб турганда... дўстни очик дастурхонга йўлатмадилар.

Яна социал тақсимотнинг бузилиши ҳодисаси...

Миртемирнинг бахшиёналари шеърятимизнинг кейинги ўн йил ичида шаклланаётган янги бўғинга ижодий туртки берди. Ҳалима Худойбердиева, Усмон Азимов, Йўлдош Эшбек, Мирза Кенжабоев, Эшқобил Шукуров, Сирожиддин Саидов, Азим Суён, Зулфия Мўминова ва яна бошқа бир қанча ёш шоирлар бахшиёна мотивларини севиб ишлаш бошладилар.

Ватанга, тупроққа севги, олчоқликка нафрат ёшлар бахшиёнларининг марказида туради.

Ёш ижодкорларнинг бахшиёналарида бахтсиз севги, айрилик, ўтмишда она тупроққа бостириб кирган ёвга қарши халқ қаҳрамонларининг курашлари, жўмардлик, олижаноблик романтик кўтаринки, кучли экспрессив бўёқлар билан ифодаланади. Бахшиёна лиро-эпик шеърнинг замонавий янги турларидан бири сифатида шаклланиб келяпти. Шеърга янги тўлқин, янги таъсирчанлик имконини беряпти. Шоирни халққа яқинлаштиряпти. Айниқса, Самарқанд — Сурхон регионидан адабиётимизга келиб қўшилаётган ёш ижодкорлар қулоқлари халқ оҳангларига ўрганганлиги учун ҳам бу усулдан яхши фойдаланмоқдалар.

**Майсага эзмайман деб айтдим,
Дарахтга кесмайман деб айтдим,
Тупроғимга сен деб ўлсам,
Оғриқни сезмайман деб айтдим.**

Усмон Азимовнинг «Бахшиёна» туркумидаги Эломон бахши ана шундай дейди. Шоирнинг қаҳрамони ўзига қимматли нарсалар ҳақида қовурилиб, жўшиб, дуди фалака кўтарилиб сўз юртади. Ўз миллий туйғуларини жўшқин бир шиддат билан тасдиқлайди.

Шу билан бирга бошқа айрим «Бахшиёналарда» фикр торлиги, сўзларни уюм-уюм қилиб ишлатиш, баъзан эса миллий ифтихор ҳодисаларини торайтириб юбориш ҳоллари учрайди.

**Ўзбекнинг дўпписи бошида анвор,
Белбоғи ва тўни мисоли дўст-ёр.
Сийму зарин олсанг олгину аммо
Тегма**

**Дўппи,
Белбоғ,
Тўнига
зинҳор!!**

Ҳассос шоир Азим Суённинг «Қадимги Нурота қўшиқлари» туркумидан келтириляётган парчада миллийликни торроқ рамкаларда тушуниш сезилади. Дўппи, белбоғ, тўн — ифтихор предмети бўлолмайди. Ифтихорни либос ва унинг турли атрибутлари белгиламайди. Жуковский рус боярлари ёки мужикларининг либосларини мақтаганими? Гёте-чи? Шекспир-чи? Петефи-чи? Ҳусниддин Шарипов «Ернинг тортиш кучи» деган шеърда ҳозирги замонда инсон зиммасидаги юк ҳақида шундай ёзади:

**Ернинг тортиш кучи йўқолса бехос,
Ҳаволаб кетарди жамики одам.
Дафъатан завқиб бўлса-да парвоз
Таянчсиз яшамоқ қийин жуда ҳам.**

**Ернинг тортиш кучи инсонни такрор
Тўрт буклаб тиқиши мумкин тупроққа.
Катта билим керак, буюк куч керак
Ернинг юзасида омон юрмоққа.**

«Чорқирра қатралар» деган туркум ичига кирган ушбу шеърда бир қарашда оддий гап тагида анча вазмин фикр сингиб ётибди. У инсонни мурдадил бўлмасликка ундайди. Инсон табиатда ўз билими ва яратувчиликка хизмат қиладиган иродаси билан шарафли. Шулар бўлмаса, ер инсонни ўз шиддатли қомига тортиб кетади.

Аммо ёшларимизнинг эҳтирос билан ёзилган бахшиёналарида зўр маънавий таянчга эга бўлган қаҳрамонлар етишмаяпти.

Бахшиёналарда ва яна бир қанча ёш шоирларнинг ижодида учраётган «қадим қўшиқлар»да анча-мунча декоративлик ва тақлидийлик кўзга ташланади.

Бахшиёналар ва қадимги қўшиқлар» юксак бадиий-ғоявий мундарижага эга бўлган ҳолларда шеърятимизнинг янгилинишига, мотивлар ва тематиканинг жонланишига ҳисса бўлиб қўшиляпти.

Янги нафас билан қалам тебратаётган ёш шоирларимизга «Бахшиёналар» ва «қадимги қўшиқлар»да қандайдир романтик туманли, миллий ўзига хослик, поэтик жозиба бордек туюлмоқда.

«Шамолдай қотиб қолган» (Ибн Сино), лекин юракни ўртовчи, англамаган символларга тўлиқ бу қадим оҳангларда ҳақиқатан ҳам оҳанрабо борми? Бор бўлса, уни энди шеърятга келаётганлар балки ихтиро қиларлар.

* * *

Поэзиянинг ўзини янгилайдиган одамлар бўлади. Улар шеърятга янги йўл, янги қараш, янги усуллар ва янги мундарижа таклиф қиладилар.

Шеърятимизга етмишинчи йилларнинг ўрталаридан шундай янги нафасли ёш қаламкашлар қадам қўйдилар.

Миразиз Аъзам, Рауф Парфи, Муҳаммад Солих, Усмон Азимов, Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон, Қутлибека Раҳимбоева, Мукаррама Муродова, Йўлдош Эшбек, Анвар Обиджон, Саъдулла Ҳаким, Тоҳир Қаҳҳор, Азим Суён, Садриддин Салимов, Юсуф Жумаев, Турсуной Содиқова, Мирза Кенжабоев, Иқром Отамуродов, Муҳаммад Раҳмон, Сирожиддин Саидов каби ижодкорлар етмишинчи йилларнинг ўрталарида шеърятга тоза ҳаво каби кириб келдилар.

Миразиз Аъзам ўз шеърларида маънавий-ахлоқий максимализм тарафдори бўлиб кўринади. Инсон адолат, озодлик, ўзгалар бахти-иқболи учун кураш олиб боргандагина ўз инсонлигини,

Бу саволга жавоб бериш ўшанда ҳам осон эмасди, ҳозир ҳам. Чунки XX аср дунёси ижодкор шахс олдига ташлаётган муаммоларнинг ўзи жуда мураккаб. Дунёни у қандай бўлса, шундай қабул қилиш ғоятда дардли нарсасдир. Тушунишни истаган киши кўп нарсаларни тушунолмайди, кўп нарсаларни эса ўз ҳолича ўзлаштиришни истамайди. На чора? Лекин инсон тушунолмаётганини англаб туради ва унда минг турли андишалар, шубҳалар туғилади. У олам тартиботидаги ўз ўрнини қидиради. Коинот, юлдузлар, қуёш, ой, ер — борлиқ комил табиат унинг назаргоҳида жилдвланиб ётади. Булар бари бир-бири билан боғланган, бир-бирига муносиб, уйғун... лекин мана, оқиқ шийпонда ёз чоғи қўкка термулиб ётган одам нега безовта? Нега ҳеч нарса унга ором бермайди? Нега у ўзини қўршаган атроф-борлиқ билан муроса қилолмайди?

**«Нима керак сенга,
нима излайсан —
кўнсанг бўлмайдими шу ҳаётга.
Дўстларим кўрсатган ўша ҳаётга,
Атир ҳиди анқиб турган ҳаётга,
Узоқ тикиламан.
Кўнмайман.**

(«Оқ кўйлақлар», М. Солиҳ.)

Кўниш — кўнмаслик. Кўниб яшаш қанчалар ўнғай. Жозибали. Талафотлар йўқ. Тасодифлар кам. Туғилиш — орзу-ҳавас кўриш — ўлиш... ҳамма нарса ўз меъёри ва маромида. Ҳақиқатан ҳам атир ҳиди анқиб ётган ҳаёт! Шундай ҳаёт кўпларни оҳанрабо каби ўзига тортади. Лекин бундай ҳаётга узоқ-узоқ, қайта-қайта тикилганда, мулоҳаза қилиб кўрганда, чоғиштирганда, кишида эҳтимолки, файласуф назари пайдо бўлади. Шунда у ростдан ҳам, кўнмайди бу ҳаётга! Атир ҳиди анқиб ётган ҳаёт нафталиндан ҳам баттар бўлиб кўринади.

Ҳа, кўниб яшаса, у ижодкор бўлмас эди.

М. Солиҳнинг ўқувчилар ва танқидчиларда баҳсли фикрларни туғдирган «Уйқусизлик» шеърида ифодаланган руҳий безовталиқ, ғалаён — қалбнинг «бўрилар ичида қолган кўзичоқ» каби жовдираши — булар бари муросасизликдан. Акс ҳолда уйқусизликлар ҳам, ғалаёнлар ҳам йўқ эди.

Лекин бу муросасизлик агар таъбир ўринли бўлса, трамплинда юксакда чайқалиб турган муросасизлик.

У ўзини ўша юксаклардан мовий муҳитларга отмоқчи. Унинг тиззаларида қувват кўп. У ханжардай жаранглаб отилишга тайёр.

Лекин бу муросасизлик ҳолатида ҳали фаолият пайдо бўлгани йўқ. У фаолият олдидан бўладиган безовталиқ ва муросасизлик (шоир уни уйқусизлик деб атайди!). Шунга яқин ҳолатни Усмон Азимовнинг «Уйқусизлик...» деган шеърида ҳам кўрамиз. Азим Суюн ҳам шундай ҳолатни бошидан кечиради:

**Атрофимга қарайману...
Ҳамма каби яшагим келар.
Атрофимга қарайману...
Ҳамма каби яшагим келмас.**

Бу ерда ҳам шоир ўз руҳий ҳолатини — теварак муҳитга нисбатан қайд қилиб ўтади. Бизни ўз истак-хоҳишларимиздан кўра кўпроқ бошқаларнинг истак-хоҳишлари шакллантиради. Сатрда шунга яқин фикр бор. Лекин Азим Суённинг шеърида ҳали қарор эмас, иккиланиш кучлироқ. «Яшагим келмас» билан «яшамайман» ўртасида катта диапазондаги маъно фарқлари мавжуд.

Қутлибека Раҳимбоева етмиш олтинчи йилда «Йўқотиш» деган бир шеър ёзган эди. Бола эртақлар дунёсида, уларнинг романтик гўзалликларига асир бўлиб қолади. Бола ҳаёллари келажак сари парвоз қилади. Лекин болани сенинг келажагинг эмас, мана шу бугунги куннинг ўзи эртақлардан ҳам чиройлироқ деб ишонтирадилар. Лекин бола эси етиб атрофига қараса, сира ундаймас...

**Атрофига қарай-қарай қалбдаги суратнинг
Бўёқлари сўна борди, чиройи хира тортди.
Тушларидан олислашди тулпорларнинг дупури,
Соғинтирмай қўйди уни ҳеч қандай сирли олам,
Узун кунлар такрор ўқиб топган гўзал эртагин
Ҳали тўйиб кўриб олмай йўқотиб қўйди бола...**

Сўз билан реал борлиқ ўртасида тафовут зўрайганда мана шундай одамни, унинг ҳиссиётларини зада қиладиган, иродасизларни эса иккиозламачилик оламига олиб кириб кетадиган ахлоқан хунук ҳодисалар ҳам рўй беради.

Абдулла Шер етмишинчи йилларнинг ўрталарида шу авлод шоирлари номидан сўзлаб, «Садоқат» деб номланган шеърида айтади:

**Шу табаррук Ватанда бешқу беҳарорат
Суюлиб яшамаймиз, суйкалиб яшамаймиз,
Буюк қўшиқлар учун тўқиб буюк нақорат
Биз олисдан келамиз, олис сафарга шаймиз.**

Шоир Ватан бахт-саодатини кўзлаб бораётган авлоднинг коллектив туйғуси, коллектив бурчи, идеалларга садоқатини улар номидан ифодалашга эҳтиёж сезади.

Унинг ялтоқланмай, суюлмай, суйкалмай — ўзига алоҳида шароитлар талаб қилмай мустақил яшашга интилиши, катта мақсадларни мустақил позициядан туриб амалга оширомоқчи бўлаётгани — шу авлоднинг ролига янгича қараш, янгича муносабат эди. У жамиятга боқим бўлиб яшаш-

ни, нафсиз, натижасиз кун кечиришни инкор этади. Лекин орадан мана, ўн йил ҳам ўтди. Сатрлар ўқувчининг эсида туради ва у сўрайди: қани, у буюк кўшиқлар?

Чамаси, катта мақсадларни амалга ошириш сари чоғланганда жарангдор «буюк» сўзлардан кўра нондай содда ва доим, кунда керак бўладиган сўзларни ишлатган тузук экан. Лекин ахир бу поэзия диёри-ку! Орзулар ўлкаси-ку! Нима қилибди агар у гоҳо тантиқ сўзларни ўртага қўйса?! Лекин гап шундаки, ёлғонга, сохталикка, адолатсизликка қарши курашиб туриб, шу аснода одамнинг ўзи ҳам ёлғонга, адолатсизликка йўл қўймаслиги шарт! Орзулар ўлкасида ёлғон лофлар камнинг ўзи ҳам ёлғонга, адолатсизликка йўл ёнғоқлар билан тўлдириш озмунча бўлди-ми? Кейинги йилларда ёшлар шеърларида унда-бунда поэзияда ханжар мотиви яна такрорланганидан бўлди. Поэзиянинг ханжари — бугун унинг виждони, адолати, ижтимоий реалликлар туйғусидир.

Реаллик туйғуси ҳали қатъий шаклланиб етмаганда, йилтироқлик, тумтароқлик билан бирга мавҳумлик, туманли лавҳалар юзага келади. Абдулла Шернинг ўзига мурожаат қилиб қўя қолайлик:

**Сурмаранг соҳилларда
Қуёш ботар, тонг отар.
Ранглар ястаниб ётар
Сурмаранг соҳилларда...
Сурмаранг соҳилларда
Хаёлдек юрт депсинар,
Хаёллар унга минар
Сурмаранг соҳилларда...**

Ростдан ҳам, шоир нимадир демоқчи. Лекин ҳозирги кунда одамнинг шу қадар асабига теккан йилтироқ «романтик» сўз уюмлари ортида нима борлигини равшан англаш қийин. Сўзларга, уларнинг қуруқ жарангига маҳллэ бўлиш охир-оқибат сўзбозликка олиб боради. Сўзбозлик эса маҳмаданалик каби ёмон.

Абдулла Шер «Алёр», «Атиргул сояси», «Роз», каби шеърини китоблар муаллифи. «Бухоро манзумаси», «Қадимий ҳижрон балладаси», «Зангори шеър», «Роз» каби шеърларида ўтмиш ҳақида, халқнинг йўли ҳақида маърифатли, ҳаяжонли фикр юритади.

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985) Пленуми, XXVII съезд қарорлари ва ундан кейинги партиянинг жуда муҳим ҳужжатлари ҳар бир софдил инсон ва гражданин олдига катта иқтисодий, маънавий-ахлоқий, мафкуравий вазифаларни қўйди.

Партия демократизмини ривожлантириш йўлида ҳар қандай риё, дабдабазлик, кўзбўямачилик, бевошлик, лоқайдлик каби иллатларни дадил очиб ташлади. Ҳақиқат сабоғини бош масала қилиб кўтарди.

Кейинги ўн йилда камол топган шоирлар авлодининг овозида ёлғонга, адолатсизликка, риё ва мунофиқликка қарши кураш бош мотив даражасига кўтарилди. Ёлғон уларнинг назарида минг тусга кириб товланади. Сохта нафасга айланади. Виждонларни ўз оғуси билан заҳарлайди. Ёлғон ўз ҳолига қўйиб берилса, жанговар қиёфа касб этади. У ўз заҳарли ўқлари билан ҳақиқатни нишонга олади. Уни топтайдми, қонга белаёйди.

Жўра шоирларимиз қаерда назарлари ёлғонни илғаса, дарҳол сўз найзасини санчадилар:

**Ахир ўзбекнинг бир ўжар шоири
Қарсақ чалармиди бемаъни гапга.
Виждонсиз шоирлар кўпайган жуда.
Юракни сўз билан ёндиргувчи кам.
Халқимас,
Шухратни ўйлаб сўйлаган
аҳмоққа бермайман қарсагимни ҳам...**

Шавкат Раҳмон ана шундай очиқ шеър ёзади, очиқ ўртанади, очиқ ёнади. У ҳатто ноўрин қарсақлардан ҳам тажанг бир ҳолатга тушади. Виждонсиз шеърларга қарсақ чалиш ҳам ўзига яраша мунофиқлик. Шухратпарастликни қутлаб бўлмайди.

Жўра шоирларимизда Ватанни англаш ва севиш туйғуси кучайган сайин уларнинг ўзларига ва жумладан, ватандошларига бўлган талаблари ҳам ортади. Ҳатто шиддатли тусга киради. Ватан камолоти йўлидаги тўсиқлар уларни дарғазаб қилади. Шу жиҳатдан мурасасизлик — жўра шоирлар яратаётган лирик қаҳрамоннинг энг катта ҳақиқатидир.

Шавкат Раҳмон бир шеърини «ҳали бирор ишни уддаламадим», деб бошлайди. Умрнинг қанча вақти бекор ўтгани уни изтиробга солади. Шуни англаб етганимда бағримга дафъатан чақинлар тегди дейди. Унинг бағри изтироб чақинларидан қандай тилинганлиги сўнг ҳар бир шеърда билинди. У катта талаб билан яшаётгани аён.

Шоир фақат яхши бўлишнинг ўзи чин инсон бўлиш учун етмай қолди деб ёзади. Ҳар нарса билан чиқшавермайдиган ўжар граждандан шундай деб ўйлайди: «Яхши бўлишнинг ўзи етмайди». Ҳўш, нима қилиш керак? Унинг ижобий йўл-йўриқлари нималардан иборат?

**Юртимни кезаман,
энди ҳар нарса —
этилган нарсалар тегар гашимга.
Энди ишлаш керак бу кенгликларда,
токим, сўйламасин ёлғонни ҳеч ким,
токим, буюк тоғлар салтанатида
этилган бошларни қиличлар кессин.**

Бу ерда Шавкат Раҳмон М. Аъзамнинг «Этилган бошлар» шеърини жўр бўлади. Лекин бунда ҳам унинг ўз сўзи бор. У қайсар, кескин, ўхшовсиз кўринган сўзларни аямай айтади.

Жўра шоирлар ўзаро мусобақалашгандай бир-бирларига айрим шеърий мотивларда пай-ровлик қиладилар, ўзлари учун умумий бўлган темаларнинг янги қирраларини очадилар.

Хуршид Давроннинг титроқ ун билан ёзилган «Учишни истайман» деган фалсафий дос-тони шундай тугалланади:

**Учишни истаймиз!
Учишни истаймиз!
Учамиз, ҳей шоир жўралар,
Елғон шеърлар узра бешафқат,
Дўст бўлади ўтли яралар,
Душман бўлар бизга ҳатто бахт.**

**Ахир аср учмоқда,
юксак
туйғулар-ла учайлик ҳар дам.**

Лекин парвоз истаги романтик бўёқларгагина эга бўлиб қолмайди. Парвоздан асл мақсад Ватанга катта маърифат эгалари керак:

**Рухи учқур фарзандлар керак
Учаётган она-ерга ҳам...**

Китобдан китобга кийналиб, ширин азоблар ичида ўртаниб, лекин юрагини ёқиб ўсиб бораётган шоира Мукаррама Муродова «Янги тўлқин» китоби билан жўра шоирларга жўр бўлади:

**Тур, азизим, бошингни кўтар,
Умгагингни берма зах ерга.
Уларга тиз чўкканинг етар,
Йигитсан-ку яша-да шердай!
Туйғуларинг рост бўлса чиндан
Ҳур бўронлар тилида сўзла.
Мен ошуфта чопай ортингдан
Хушомадла бағримни эзма.**

Шеърият инсонни шундай эъзоэлайди. Эгилганнинг қаддини кўтаради. Риё ва хушомад бандаларига қад эгмасликка чақиради. Танти шеър! «Сўз бу — фаолиятдир», деган экан Жан Пол Сартр. Қалбнинг фаолияти! Сўз фаолият бўлганда у «қалбим дарахтини силкит, садоқат» (М. Муродова) каби яхши шеърларни дунёга беради. Бундай сўзларнинг ўзлари ҳам фаолиятга айланадилар.

Ҳақиқат ва поклик жўра шоирлар яратаётган энг яхши шеърларни эл кўз ўнгида жозибали қилади. Улар шеърларининг қимматини шу икки хусусият белгилайди.

Клод Лоррен суратларини кўрганман. Уларда қасрларнинг вайроналари жуда қадим замонлардан қиссалар айтаётгандай. Сокин кўрфазлар, қанотли малоикалар, кўпириб ётган оқ булутлар, тонглар, тунлар, сўлим чошгоҳлар. Эски ғишт кўприклар чуқур оқаётган дарёлар узра... Дарахтлар эса... Клод Лоррен суратларида дарахтлар доим марказда, доим борлик узра юксалиб сирли ҳикоятлар сўйлайдилар. Улар гўё кўп юриб, заминни айлана-айлана ҳориб шу ерга чўккандайлар, нафас ростлаётгандайлар. Жўра шоирларимиздан бири Хуршид Давроннинг шеърларини, унинг кейинги китоби «Тўмариснинг кўзлари»ни ўқиганда, Клод Лоррен суратлари ёдимга тушди. Ўхшашлик бор эди улар ўртасида.

Тарих дам ҳайқиради, дам узоқ сукутга кетади бу шеърларда. Хуршид Давронга санъат, китоблар, тарих, қадим адабиёт кўпроқ илҳом беради. Унинг шеърларида давримизнинг зиёли киши образи анча бой кечинмалари билан гавдаланади.

Юсуф Жумаев «Ҳақиқатнинг олтин олмаси» шеърида дунёда рўй берган барча фожиалар учун ёлғон ва ёлғончилар айбдор дейди. Шоир ҳақиқатни олтин олма деб атайди. Ёлғон шу олтин олмани ўз комига тортиш, йўқ қилиб юборишни истайди. Шоир ёлғончиликни бартараф этишга чақиради. Шунда «замин — ҳақиқатнинг олтин олмаси!» — яшнаб кетади. Бошқа бир шеърида эса ёш шоир ҳақиқатни бир чўғ, ҳақсизликни эса улкан уммон деб тасаввур қилади. Чўғни асрай олмасак, у ҳақсизлик уммонида фарқ бўлиши мумкин.

Ҳозирги замон шеърияти шундай виждонийлиги, юксак маънавиятлар мулки яратаётганлиги билан катта аҳамиятга эга.

Албатта, бу шеъриятнинг бадий савияси, қаҳрамонларининг даражаси ҳам қарама-қаршиликлардан, турли камчиликлардан холи эмас. Биз уларга имкон қадар тўхталиб ўтдик. Кон қазувчи ҳам ҳар куни марваридга дуч келмайди.

Шеъримиз янги — бурилишлар, маънавий-ахлоқий покланишлар даврининг зиддиятли, лекин тоза руҳига ҳамоҳанг ва жўр. Унинг қиммати — унинг ҳақиқатида.

АСРЛАР ҚЎШИҒИ

Тақдир тақозосига кўра, умрининг бир қисмини хорижда, миллий адоват, ижтимоий тенгсизлик, хўрлик шароитида ўтказган жабрдийда арман шоири Аветик Исаакян ўз жафокаш халқининг ўтмишдаги оғир қисматини қаламга оларкан, қалбларни ларзага келтирувчи ҳазин лирик кечинмаларини катта маҳорат билан ифодалади. Унинг асарлари эндиликда тилларда дoston бўлиб қолди. Аветик Исаакяни арман халқи «Варпет» — «Уста» деб улуғлар эди. Чинакам миллий шоир бўлган А. Исаакян қўшиққа солиб ифодалаган Ватанга муҳаббат, ўз халқига садоқат туйғулари бошқа халқларга ҳам бегона эмасди, шу боисдан бўлса керак, адиб асарлари жаҳоннинг юзлаб халқлари тилларига қайта-қайта таржима қилиниб, севиб ўқилмоқда. А. Исаакян ижодидан ўзбеклар ҳам бебаҳра қолмади. Салкам чорак аср муқаддам унинг бир қанча лирик шеърлари ва дostonларини ўз ичига олган чоғроқ тўплами ўзбек тилида босилиб чиққан эди. Хассос шоир ва адиб Асқад Мухтор Аветик Исаакяннинг «Абул Аъло ал-Мааррий» қасидасини ўзбекчага ўгириш билан буюк арман адибининг Арарат тоғларидай юксак ва муаззам инсонпарварлик ғоялари, бе-назир санъатини маънавий йўлдошимизга айлантирди. Бу асар таржимаси ҳақида F. Саломов, К. Мкртчян, Э. Муҳаммад илк фикрларни билдиришди.

Муаллифни шеърй таржимада эквиритмия, яъни ҳамоҳанглик муаммоси қизиқтирган. Унинг эътиқодига кўра, сўз эмас, балки сўз орқали ифодаланган маъно таржима қилинади. «Абул Аъло» таржимасида эса у луғат эмас, балки вазн, оҳанг, қофияга, яъни шеърни шеър қилган асосий унсурларга эътиборни қаратган. Тилдан-тилга луғат айнан кўчирилгани билан таржима ҳосил бўлмайди. Бадий таржимада эквивалентлик (муқобиллик), адабиётшунос Ғайбулла Саломовнинг фикрича, «луғавий мосликни» эмас, бадий-услубий ҳамоҳангликни аниқлатади. Асқад Мухтор таржимасининг асосий муваффақияти, унинг концептуаллигидадир. Бошқача айтганда, шоир дostonни «шунчаки» таржима қилмаган, яъни А. Исаакян текстига ўзбек тилидан луғавий «эквивалент» қидирмаган, ё бўлмаса луғавий бирликларни муқаррар равишда ўзгартириш, уларни бошқаси билан алмаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган ҳам. Асқад Мухтор сўзни эмас, балки куй, мусиқа, оҳанг, сўз санъатини таржима қилган. Бундай таржимада эса асл нусхадаги мисралар, сатрлар сонининг муқаррар мос келишини талаб қилиб бўлмайди. Бунда сўзлар сони оригинал-ни-кига қараганда оз ёки кўп бўлиши, мисраларнинг ўрни алмашиб тушиши, эҳтимол бир байт икки байтга айланиши ҳам мумкин, аммо бу асло таржимоннинг «кучи етмагани»ни билдирмайди. Баъзи мисолларга мурожаат қиламиз. Асарнинг рус тилига Валерий Брюсов томонидан қилинган таржимасида бундай сатрлар бор:

**И караван Абул Алы, как ручей, что журча,
бежит средь песков.
В дремотной ночи неспешно шагал, со звяканием
нежным больших бубенцов.
Размеренным шагом путь совершал ночной караван,
виясь, как змея,
И звон сладкозвучный лился, затопляя погруженные
в сон немые поля.**

Мана шу гўзал, антиқа манзарани Асқад Мухтор ўзбек китобхонининг кўзи олдига келтириш учун қуйидаги ранглар ва оҳангларни топади:

**Нор кетидан нор келар сокин, ажиб тун қўйнида,
Қўнғироқлар жилғадек куйларди норнинг бўйнида.**

**Тўлғаниб карвон йўли олдинга чорлар бетиним,
Қўнғироқ нор бўйнида гоҳ мунгли янграр, гоҳи жим.**

Эътибор берсангиз, русча таржимага нисбатан ўзбекча таржима оҳангдорроқ, мусиқийроқ; вазн, тўроқ, ритм ва қофия анча мукамаллашган. Лекин... Кўпинча, мураккаб поэтик таржимада бўлганидай, Асқад Мухтор таржимасида ҳам Валерий Брюсов таржимасининг иккинчи байтидаги «затопляя погруженные поля» деган сўзлар тушиб қолган. Бугина эмас; яна Брюсовдаги карвон кўнғироғига тегишли «сладкозвучный» сифати ҳам қолиб кетган.

Тан олиш керак, кейинги икки сатр ҳар жиҳатдан мукамал чикқан.

Брюсовдаги кейинги байт — Асқад Мухторда ҳам жуда нафис: латиф, оҳангдор чикқан. Бу байтни таржимоннинг шоҳ сатрлари қаторига қўйиш мумкин. Брюсовдаги учинчи байт ҳам ўзбекчада гўзал жаранглайди. Ҳатто, бу ерда Брюсовда бўлмаган ички қофия билан ҳосил қилинган оҳангдорлик таҳсинга лойиқ:

Брюсовда:

**Ах! Женщина что! Кроважидный паук, коварный и
лживый, тщеславие без дна,
Что любить лишь хлеб твой: и яд в поцелуй
вливая, другому она продана.
На ветхой ладье в море плыви, чем женщине,
клятвопреступной, поверь
Устами ее Иблис говорит! О, блудница, в красивом
обличии зверь!**

Брюсов таржимасидаги ушбу ўринлар ҳам Асқад Мухтор талқинида содалаштириб берилган. Эҳтимол, ўзбек шоири аёлларни «қонхўр ўргимчак, қаллоб, тубсиз ман-манлик ботқоғи» дейишга иймангандир? Ҳар ҳолда ўзбекчада юқоридаги тўрт қатор бундай ифода этилган:

**Маъшуқа-маккорлик асли, қасди жон жононалар,
Сиз билан нон-туз бўлишса, ўйида — бегоналар.
Дуч келгандан хотинга, бевафо бўлса агар,
Кож қайиқ бирла бебош тўлқинида сузган бехатар.**

Шундан кейинги икки сатрни ифодалашда ҳам ўзбек таржимони Брюсовга яқинлашади, ҳатто ундан бир оз ўтади ва фикрни ҳам фалсафий, ҳам поэтик бўёқдор қилишда юксакликка кўтарилади.

Ҳар бир суранинг охирида Исаакян абадиятга йўл олган шоирнинг сўнги лаҳзалардаги ҳолатини чизади. Ана шу ҳолатни ифодаловчи байтлар Асқад Мухтор томонидан турлича савияда таржима қилинган. Айрим байтларда туроқ вазн, ритм ҳосил қилишда сакталиклар, номутаносиблик, зўракилик учрайди. Шуниси қизиқки, ана шундай байтларнинг биринчи сатрлари чала ва иккинчи сатрлари мукамал чиқади:

**Ел нозик най ноласи бирлан сўраб навбатини,
Куйлагай олисида қолган меҳри ишқ лаззатини.**

**Йўл каби ҳасрат дуди ҳам тўлғаниб ўрлар бот,
Кўкда юлдузлар каби тунлар бедор хотирот.**

Иккинчи суранинг мана шундай яқунловчи байтлари орасида назаримизда кўйидаги икки сатр маъно ва оҳанг нодирлиги билан равшан ажралиб туради:

**Тунд эди, жимжит эди шоир, хаёл тегсиз эди,
Олдида бўшлиқ мусибатдек ҳамон чексиз эди.**

Учинчи суранинг бошларида ҳам ўзбек таржимони мукамал оҳанг ҳосил қилолган.

**Гоҳ пари-пайкар булутдан юзига парда қилур,
Гоҳ кулар тун йўлчисига, гоҳида зарда қилур.**

Энди учинчи суранинг фалсафий мазмуни таржимасига қайтайлик. Валерий Брюсов таржимасидаги айрим сўзлар ёхуд уларнинг моҳияти ўзбекча таржимада негадир учрамайди. Брюсов «Сказкам ветра внимая» дейди, Асқад Мухтор «шаббодага қилди нидо» деб олади. «Шамол эртаклари» йўқолиб, ўрнига «шаббода» қолади. Брюсов араб шоирининг буюк фалсафасини баён этаркан:

**Сказкам ветра внимая, Абул Маари сам с собой говорил,
знаменитый поэт,
«Вся вселенная — сказка, полная чар, где нет конца и
начала где — нет,—**

дейди. Асқад Мухторда ҳам бу фалсафий сатр бақувват қурилган:

Бу жаҳон — эртак. Бор унда на охир, на ибтидо.

Ёмон эмас, лекин, олам эртагининг «сеҳрга», йўқ, «сеҳрларга тўла» эканлиги ўзбекчада чиқмаган.

Кейинги байтга ўтайлик:

**Аммо ким эртак тўқувчи, ё ҳакаму ё нажим,
Беҳисоб шаклу шамойил оламин барпо этди ким!**

Жуда ажойиб, жуда теран сатрлар. Аммо, у Брюсовда янада ажойиброқ ва теранроқ:

**Кто же сплел эту сказку, роскошный рассказ, сплел
с ней вместе созвездья, бессчетность чудес!
Говорит беспрестанно, с таким волшебством на
бессчетность ладов, говорит, но исчез!**

Бу сатрлардаги «ғаройиб ҳикоят» ва у билан бирга бунёд этилган юлдуз туркумлари, «сон-саноксиз ғаройиботлар» ўзбекчада биргина «Беҳисоб шаклу шамойил олами» деб олинган. Брюсов байтидаги «Бу олам ижодкори тиним билмай, сеҳр, афсун билан, лак-лак оҳангларда (яъни май-

салар ва япроқлар, жилғалар ва дарёлар, паррандалар ва даррандалар, сокин кўллари вулқонлар, шаббодая бўронлар... тили билан) гапирдию, аммо ўзи кўринмайди» деган фикр ҳам ўзбекча таржимада ифодасини топмаган. Брюсов талқинида «Не-не одамлар келиб-кетади, қабрга киради, лекин бирор одам бу эртақнинг маъносига тушуниб етолмайди. Фақат гоҳида шоирларгина бу эртақдан аллақандай маъно уқиб, ўлмас оҳанглар яратиб, ўзлари учун гаров қилиб қолдириб кетадилар».

Шу ўринда ўрта аср Шарқида халқни руҳий, маънавий покланишга чақирган, зулм ва зўравонликни лаънатлаган, тасаввуфнинг йирик вакилларида бири Аҳмад Яссавийнинг қуйидаги сатрлари ёдимизга тушади:

**Не нозанилар ўтди жаҳондин,
Не гулбаданлар бўлғуси япроқ.
Эй, сарви озод, бунча қувонма,
Неча яхшини яширди тупроқ.
Гул вақти ўтди, қумрилар кетди,
Боғларни кўрсанг эмди тўла зог.**

Кўриниб турибдики, Ал-Маарийни Аҳмад Яссавий билан ва ўзга мутафаккирлар билан тасаввуф, ваҳдати вужуд фалсафаси боғлаб туради.

Брюсов талқинида мана шу илғор суфиёна қарашлар (оламнинг, коинотнинг бир бутунлигини тушуниш) гўзал ифодасини топган. Ўзбекча таржимада эса мана шу маънолар тушиб қолган. Асқад Мухтор фалсафий теран фикр айтса-да, аммо Ал-Маарий мулоҳазасини тўла бермаган:

**Келдию аҳли замин, кетди, номаълум нияти,
Ҳа, фақат шоирга ойдин, маъноси, моҳияти.**

Бугина эмас, Брюсовда: гоҳида шоирларгина бу эртақдан аллақандай маъно уқиб, уни ўлмас оҳангларда мужассамлаштиради. Асқад Мухторда эса «эртақ»нинг маънисини, моҳиятини шоир тўла (ойдин) тушунади. Ўзбекчада ўлмас оҳанглар ҳақида гап йўқ.

Яна Брюсовда: олам эртақнинг бошини ҳам, охирини ҳам бирор одам эшитмаган. Лекин унинг ҳар бир товуши асрлар давомида ибтидосиз ва интиҳосиз яшайди. Дунёга келган ҳар бир одам бу оламни янги, гўзал эртақ деб қабул қилади. Одам туғилган чоғидан охири нафасигача шу эртақ билан бирга, шу эртақ оламида яшайди.

Асқад Мухторда бу фикрлар бошқачароқ талқин этилади, «Аввалин-сўнгин одам билмай киради қабрига. У муваққат бир ғазалхондир асрлар сатрига. Аммо ҳар ким, тингладим эртақ фақат мен деб билар. Мен билан келди, кетар у мен билан тенг, деб билар». Агар шу рост бўлса, дунёга келган ҳар бир одам «фақат мен яшаяпман, мендан аввал ҳеч ким яшаман, мендан кейин ҳам ҳеч ким яшамайди» деб ўйлаши керак эди. Аслида бундай эмас. Маълумки, аввал биздан яхшироқ одамлар яшаган, хусусан, табиатни ва инсонни биздан яхшироқ севган ва қадрлаган бўлиши мумкин. Ўзбекча таржимада кейинги байт ҳам Брюсов талқинидан ўзгача. Брюсовда: «Олам-эртақ, ҳаёт — аллақандай туш кўриш, халқлар карвон йўлларидаги йўловчилар, Карвон эса алангали (оловли) туш кўриб, олис, сирли ўлкалардаги жонсиз қабрлар (к недвижным могилам неведомых стран) сари боради. Кўр ва нодон одамлар эса олам — оловли туш эканлигини сезмайди, муқаддас эртақ (сўзлари)га парво қилмайди, бир-бири билан талашиш, курашишдан бўшамайди». Бу ерда табиийки, қалб кўзи, Навоий айтган «басират кўзлари» кўрлиги ҳақида гап боради.

Асқад Мухтор талқинида ҳам шунга яқин фикрлар бор, аммо умумийроқ:

**Бу жаҳон шундай рўёдир, бу ҳаёт асрий кўшиқ.
Ки ўлимга сургалур авлодларнинг сўнгги йўқ.
Баджаҳл, шошқин ҳамда кўзи кўр барчасин,
Оғздан бир-бирининг юлқийди қонли парчасин.**

Брюсовда яна: «Ўзимиз қонунлар бўйинтуруғини ясаб, бўйнимизга илиб олганмиз, фалокатли қонунлар ўргимчак инидай атрофимизни ўраб олган».

Шу ерга келганда ўзбек таржимонининг илҳом алангаси порлаб, мазкур фикрларни янада юсакликка кўтаради. Бояги баджаҳл, кўпол ва қалби кўр одамлар:

**На билар булбул навосин, на нафис гул қадрини,
Ҳам кишан, қамчи — қонундир, урф — ўргимчак ини.
Оҳ, шўрлик! Ер бирла яқсон бўлғай ишларинг,
Вақт бепарво супургай сўнгра маифур изларинг.**

Яна Брюсовда табиатга кўшилиш ва унда покланиш фалсафаси давом этади: «Эй, менинг карвоним! Кўнғироғинг садоси самовий, илоҳий садоларга ҳамовоз жарангласин; Мени она-табиат бағрига олиб бор, ҳасратларим тутунини тарқат, ортга қайрилма! Уша нурли, сирли масканга, ягона: олис, номаълум диёрга олиб бор. У диёрда орзуларим чашмаси қайнаб, жаранглаб чиқади, муқаддас сокинлик жонимга ором беради. Тилсиз осмон юлдузлар тилида мени аллалайди... Дунё яралган, биродарларим жароҳатлаган қалбимни сукунат ардоқлайди».

Ўзбекчада бу фикрлар тасаввуф фалсафасидан анча узоқлаштирилган. Ушбу сатрларда шоир нималарга ишора қилаётгани аниқлашмайди:

**Мен ўша бегона ва олис соҳиллар ташнаси,
Масканим ёлғизлигу ўйлар — салқин чашмаси.
Афсун айт, юлдузли осмон, дардима ҳамдам бўл,
Ошиёнсиз дил ярасига асиф, малҳам бўл...**

«Суранинг охирги байтлари ўзбекчада яна баркамол тус олади. Сўнги байтларда Маарийнинг гуманистик фалсафаси, унинг инсон эркини бўғувчи барча қонунлару ҳукмдорларга, ижтимоий офатларга қарши исёни янада кескин тус олади.»

**Йўқ ақл-идрок ва қалбимга менинг тўсқинлигим,
На менинг эркимда эрмас, у — менинг тутқунлигим...**

Аветик Исаакяндан бир асрача илгари ўтган америка классик адабиётининг юлдузларидан бири Генри Торо ҳам умр бўйи табиат билан ҳамнафас бўлиб, ҳеч кимга итоат қилмай, ҳур, эркин яшашни тарғиб қилган эди. Қадимги ҳинд дostonларини, Саъдийнинг «Улистон» асарини яхши билган Торо ўзининг хотираномалари жамланган «Уолден ёхуд ўрмондаги ҳаёт» китобида айтади: «Даҳо одам подшо мулозимлари қаторидан жой олмайди. Даҳонинг ижодий ниятларини амалга ошириш учун тоғ-тоғ олтин, кумуш ёхуд мрамор керак эмас. Шунча тоғ-тошни кесишнинг нима зарурати бор, деган савол туғилади. Аркадияга борганимда негадир унинг қасрларини сезмадим. Халқлар йўнилган харсангтошларда ўзларини абадийлаштиришга ишқивоз бўладилар. Улар бундан кўра ўзларининг хулқу одобларини йўниб, сайқал беришса яхшироқ бўлар эди!»

Аветик Исаакян дostonининг 4-сурасида ҳам қахрамон озодликка интилади, яна ортда қолган дийрени эслайди ва яна у ерда тўлиб-тошган иллатларни лаънатлайди. Брюсов таржимасидаги асарнинг энг узун сураларидан бири бўлган бу сура (30 байт, 60 сатр, агар фикр теранлигидан, бўлиниб пастга кўчирилган сатрлар ҳам саналса — 120 сатр) ўзбекча таржимада 17 байт, яъни 34 сатрга келиб қолган. Маълум бўладики, Асқад Мухтор асарни Брюсовдагидай, 7 сура қилиб эмас, балки 8 сура қилиб олган. Саккизинчисига рақам қўймай, «Охириги сура» деб атаган. Бу сураларнинг таржимаси ҳам маъно, мазмун жиҳатидан Брюсовникидан анча фарқланади.

Гапни чўзмаслик учун бу ерда фақат айрим байтлар устидагина тўхталамиз. Тўртинчи сурадан, Брюсовда: «Занжирдаги итга ўхшаб, ўз уйдан бир қадам нари жилолмайдиған одам ҳам одамми? ... Ёлғизлик — энди бошпанам! Само юлдузлари — энди отамнинг айвони! Карвон кўнғироқлари — энди йўлларим саҳросидаги садолар! О, ажиб йўлларим, ҳамиша сирли йўлларим, сиз ҳамиша барҳаёт ватаним! Оптимизда нима қолди? Бойлигимиз, шуҳратимиз қолдими? Оила, хеш-ақраболар қолдими? Одамларимиз, халқимиз қолдими? Қонун, адолат, ватан, ҳақ-ҳуқуқ қолдими? Шон-шуҳрат нимадир? Бугун сени эъозлаб, осмонга кўтариб мақташади, эртага кўр одамлар нафрат билан сени тошбўрон қилишади. Одамларда ор-номус ё ҳурмат қолдими? Фақат олтинни ҳурматлашади. Сал йўлдан тойдингми — ўзгалар яхши бўлиб, сен ёмонга чиқасан, сени аёвсиз иғво қилишади. Бойлик нимадир? Бойлик билан ҳар қандай аҳмоқ амални, истеъдодни, муҳаббатни сотиб олади. Одам ўлдириб, бойлик топишади. Ватан нимадир? Қоронғу зиндон! Жанжал-кашлар ва баджаҳллар уяси, у ерда оломон ҳукм суради. У ерда бераҳм ҳукмдор ўзини улуглаш учун бош чаноқларидан эҳром ясади. Ватанимдан нафратланаман! Унда бойлар ҳаммаёқни ўзига яйлов қилиб олган. Ҳақ-ҳуқуқсиз деҳқон эса нон ўрнига тош чайнайди. Қора халқдан ҳам нафратланаман! У қулдай итоаткор, тўнка, ҳар қандай аҳмоқона фикрни азиз деб такрорлайди». Шунга айтиш керакки, бу оловли фикрларни ўзбек таржимони ҳам ажиб шоирона илҳом билан, олмосдай сайқал топтириб, ҳар сатрни ҳикматга айлантириб ифодалайди:

**Орқада не қолди! Бойлик! Еки шуҳрат! Е шараф!
Қандайин эрмак яна чорлар шоирни у тараф!
Шуҳрати шулки, бугун кўкларга пуфлаб қадрини,
Эртага гўрга тиқиб, пайҳон этарлар қабрини.
Эҳтиром, ҳурмат эмас — кўрқув, хушомаддир ҳамон,
Гар қоқинсанг бир куни таҳқир этарлар беомон.
Молу мулк, бир боққанингда, одми пул ҳамёнидир,
Аслида бахтсиз есирлар кўз ёши, қалб қонидир.
Оломонми! Оломон ялпи ҳамоқатдир азал,
Ул зулумотга таянч, қаҳру ғазабдандир касал.
Жамият — ёв лашкари, сафларда биз куллармиз,
Унда сўз тутқун, ҳақиқат бўлса — кўру кармиз.
Нафратим сенга, текинхўр, бедаво ҳокимият,
Сен — уруш, қирғин эрурсен, сенга ёт қутлуғ ният.
Зўравонларнинг талону ҳукмига нафратларим,
Бу ҳаёт қонли тегирмонки, абад нафратладим.
Ҳайю-ҳайт! Майли, бўлай ваҳший, яланғоч зотман,
Аммо муртад ҳукмдорлар ҳукмидан озодман!..**

Озодликни, бировларга хору зор бўлмасликни Шарқ ва Ғарбнинг барча етук мутафаккирлари улуглаб келишган. Юқорида тилга олинган «Уолден ёхуд ўрмондаги ҳаёт» асарида қуйидаги ҳикоят келтирилади: «Шайх Саъдий Шерозий («Улистон»)да келтирибдурки, бир донишманддан сўрабдилар: Қудратли парвардигор яратган хилма-хил дарахтлар юксак ва соя-салқинли бўлса, ҳам, уларни озод дейишмайди, сарви эса меваси бўлмаса ҳам озод дейишади, сабаби недир? Донишманд айди: «Ҳар бир дарахтнинг мева қиладиган, гуллайдиган, сарғаядиган ва қурийдиган фасли бўлади, сарв эса бундай фаслларга бўйсунмайди, чунки у ҳар қандай фаслда яшиллигини йўқотмайди. Эътиқодлари, фикрлари эркин одамларни ҳам сарви озод дейишади. Уткинчи нарсаларга кўнгил берма. Мабодо бой эсанг ҳурмодай саховатли бўл, мабодо бировларга бергудай нарсанг йўқ эса, сарвадай озод бўл».

Аветик Исаакяннинг «Абул Аъло ал-Маарий» дostonи ҳам озодликка қасида сифатида барча ҳур фикрли мутафаккирларни ҳайратга солиб келади. Зеро, бу асар, шунингдек, унинг ўзбекча таржимаси ҳам сарви озоддай ҳамиша яшнаб, завол кўрмай яшайди.

Маҳкам МАҲМУДОВ,
филология фанлари кандидати



Менинг назаримда «Шарқ юлдузи» журнали тобора мукамаллашиб бораётгандай. Унинг ҳар бир сонини тўлиқ ўқиб чиқмагунча қўлдан қўйгим келмайди. Чунки журналда берилган асарларнинг ҳар қайсиси ўзига хос қиёфага эга бўлади. Масалан, 1987 йил сонларида берилган «Орол яшамоғи керак» деб номланган давра суҳбати, Гулчеҳра Нуруллаеванинг туркум шеърлари ёки Хайриддин Султоновнинг «Мовий нилуфар диёрида» мақоласини ким ҳам севиб ўқимайди дейсиз...

Фурсатдан фойдаланиб, айрим истакларимни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Биз Арнасой районининг Юлиус Фучик номли совхозида яшаймиз. Журнал уюштирган давра суҳбатида айтилгандай, пахта экиладиган ерларни тобора шўр босиб боряпти. Бундай майдонларда нафақат ғўзанинг гули, ҳатто кўсақлари ҳам тўкилиб кетар экан. Адиблар биз томонларга келиб шу аҳволни ўз кўзлари билан кўрсалар, яна ҳам яхшироқ ёзишарди, албатта. Ҳолбуки, биз саккиз йилдан бери шу совхозда яшаймиз, аммо адиблар билан бирон марта учрашув бўлганини эслай олмайман...

«Шарқ юлдузи» журналининг келгусидаги режалари барча ихлосмандлар қатори мени ҳам жуда хушнуд этди. Тагин бир тилагим — журнал саҳифаларида тинчликка оид асарлар янада кўпроқ бериб борилса.

О. МУРОДОВА,
Жиззах области.

«Шарқ юлдузи» журнали бугунги ошкоралик, қайта қуриш даврида сермазмун мақолалар, долзарб ва актуал темадаги асарларни ўз ўқувчилари диққатига ҳавола этиб жуда хайрли иш қилмоқда.

1988 йил 1-сонда Саид Равшаннинг «Дўзах» қиссаси чоп этилиши бу фикримизнинг амалий исботидир.

Мен шу ўринда ўзимни қийнаб келаётган бир масалани ўртага қўймоқчиман. Айрим салбий раҳбарлар ҳақида нега ўз вақтида тўғри хулоса чиқармаймиз? Улар ишдан олинса ёки вафот этгандан кейингина даста-даста қоғозларни тўлдириб ёзамиз, радио, телевидениеда соатлаб ваъз айтаемиз. Менимча, юракдаги гапни ўз вақтида айтишга ҳам ўрганишимиз керак. Токи, бу салбий ҳолат авлодларимизга мерос бўлиб ўтмасин.

Абдурашид АБДУРАҲМОНОВ,
Ленинбод области, Уратепа райони.

Ҳурматли редакция! Журналнинг 1987 йил 11, 12-сонларида Асқад Мухторнинг «Кумуш тола» қиссасини мароқ билан ўқидим. Аммо Саттор институтни битирган заҳоти колхоз раислиги лавозимига сайланиши менга ғалати туюлди. Шундай бўлган тақдирда, унинг сабабларини ишончли қилиб кўрсатиб бериш керакмиди?

Бозор ЭШҚУВВАТОВ,
Навий область, Хатирчи райони.

Мен ҳам «Шарқ юлдузи» журнали ихлосмандларидан бириман. 1987 йилда берилган асарлар орасида Учқун Назаровнинг «Тўзондаги шарпалар» қиссаси менда чуқур таассурот қолдирди. Аммо, очигина айтсам, асардаги Холбоевнинг қилмишлари, унинг ўғли ва келинининг ўлими тафсилоти мени унчалик қониқтирмади. Айтмоқчиманки, ёзувчиларимиз ўз асарларида шундай эътирозларга ўрин қолдирмасалар.

Абдуманноб РОЗАЛИЕВ,
Қирғизистон ССР, Уш области,
Узган райони.



МЕНИНГ ТАҚРИЗЧИЛАРИМ

— Хажвий ҳикоя

Қаппайган папкамни қўлтиғимга қисиб кетаётган эдим, қадрдон дўстимни учратиб қолдим. Қучоқлашиб кўришдик, ўпишдик, бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўрадик.

Дўстим деди:

— Хўш, йўл бўлсин? Папкангда нима бор, бунча қаппайган?

Мен янги ҳикояларимни нашриётга олиб бораётганимни айтдим.

Дўстим оғир хўрсинди.

— Ҳа, сизларнинг нон топишларингиз ҳам осон эмас, — деди кейин. — Сизларнинг соҳаларингизда шундай олғирлар борки, уларнинг орасидан нон айириб ейиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

— Нега? Сен уларни қаердан биласан? — деб сўрадим.

— Биламан. Бошимдан ўтказганман.

Англадимки, дўстим ниманидир очиқ айтмаяпти. Уни шаҳар боғининг бир чеккасига бошладим. Музқаймоқ ва бир шиша лимонад олиб келдим-да, секин уни гапга солдим.

— Қани, музқаймоқдан ол, лимонад ич. Гапир-чи, қаердан биласан?

— Бир куни, — деб ҳикоясини бошлади дўстим, — мен шўрликнинг ҳикоя ёзгим келиб қолса бўладими. Қарасам, ҳамма ёзаяпти: ЖЭК бошлиғиям, автоинспектор ҳам, магазин мудирю қоровул ҳам ёзаяпти. Хўш, улардан қаерим кам? Улар ёзганда нега мен ёзолмайман, деб ўйладим. Шарт столга ўтирдиму ҳикоя ёзишга киришдим. Ёздим. Мазмуни бундай эди: бир йигит бир қизни яхши кўради, аксига олгандай у қизни бошқа бир йигит ҳам севади. Қиз эса қайси бирига розилик беришни билмайди. Биринчи йигитни Хаёл деб атадим, иккинчисини эса Малол, қизнинг исмини Можаро деб қўйдим. Биласан, унақа шоирона отлар топишга нўноқман.

Хуллас, гапни чўзиб сени қийнамай кўя қолай, бир неча мавзуни қаламга олдим, кўпгина масалаларни кўтардим, бир неча муаммоларни ўртага ташладим, шунингдек, одатга кўра, табиат тасвирига ҳам кенг ўрин ажратдим. Лекин уларнинг ҳаммасини сенга айтмоқчимасман. Ҳикоя шундай тугайди: йигитларнинг қистовини бир ёқлик қилиш мақсадида Можаро Хаёлга, кечқурун соат саккизу нўл-нўлда менга кўнғироқ қил, дейди. Хаёл роппа-роса саккизда телефон-автомат будқасига қиради. Бироқ аксига олиб автомат ишламайди. У иккинчи будқага қиради, аммо у ердан ҳам ҳафсаласи пир бўлиб чиқади. Хаёл бошқа автоматга югуради, лекин у ҳам... Бошқасига чопади, яна бошқасига... Афсуски, атайлаб қилингандай, биронта ҳам автомат ишламайди. Шундай қилиб, Хаёл вақтни бой беради. Можаро эса уни ишончсиз йигитга чиқариб, иккинчи йигитга, яъни Малолга изн беради. Ҳикоям жуда чиройли тугайди: «Можаро билан Малол денгиз соҳилидаги паркда, эгилиб турган мажнунтол тагида ўтиришарди. Можаронинг сочлари ёйилган, ўйга чўмган, мисоли паридек, Малол ҳам жим. Унинг юраги қувончдан тўлиб-тошган. Малол чуқур-чуқур нафас оларкан, қизнинг узун-узун киприкларига, нафис лабларига, лола каби гўзал бўйнию сийнасига суқ билан термиледи ва ўзини дунёдаги энг бахтиёр йигит санайди.

Бу пайтда Хаёл соҳилдаги тош устига ўтириб ўзини ҳақоратланган, эзилган каби ҳис этар, бир-бирини қувлаб келаётган тўлқиндан кўз узолмас, аччиқ-ширин ўйлар гирдобидан чиқолмай, амалга ошмаган муҳаббати ҳақида афсус-надомат чекарди. Эҳ, Можаронинг мовий кўзлари! Уларни унутиб бўлармиди!»

Ҳикояни ёзиб бўлгач, хотинимга ўқиб беришга қарор қилдим. Ҳарҳолда, биринчи ижодим, бегонадан кўра аввал рафиқам эшитсин-чи, қани, нима дейди.

У ҳикояни миқ этмай, бир сўз демай тинглади. Сўнги жумлани ўқиб бўлишимни биламан, хотиним: «Билдим!» деб шунақа қичқирди, шунақаям қичқирдики! Сўнг уйдан отилиб чиқиб кетди.

Менинг юрагим ёрилиб кетишига сал қолди. Нима бўлди унга, деб ўйлайман. Орқасидан югурдим.

— Азизам, кимни, нимани билдинг?

— Сени билдим!

У кийимларини йиғиштирар эди.

— Мени? — дедим ҳайрат ила.

— Нима, мени ҳеч кими йўқ, деб ўйласанми? — У кўйлаklarини чамадонга тиқа бошлади. — Ёки, сенингча, мени карамзордан топиб олишганми? — Оғзи гапдан тинмас, ўзи эса янги туфлисини қоғозга ўрарди. — Менинг кўлимга қараб ўтирибди, деб ўйласанми? Сенинг кулбангдан кетсам, борадиган жойим йўқми? Янглишасан! Балки менсиз очидан ўлади, деб хаёл қиларсан? Бекорларни айтибсан! Менинг тароғим қани?

— Азизам, жоним, бундай тушунтириброқ гапирсанг-чи, нима бўлди ўзи? Нималарни ўйлаяпсан? Қаёққа кетмоқчисан?

— Нима, сенингча, мен шунчалик аҳмоқманми, ҳеч нарса ни тушунмайманми? Тароғим қани деяпман?

— Хўп, айт ахир, нимани тушундинг? Гапир, мен ҳам билайин... Ҳеч нарсага ақлим етмаяпти. Ўзи нима гап?

— Тўғри, сен ҳеч балони билмайсан! Балки менинг ҳеч қанақа танишим йўқ дersen?! Тароғим қани? Сенингча, мени карамзордан топиб олишгандир?

— Азизам, жоним! Қанақа карамзор? Қанақа тароқ? Э, жин урсин... мана тароғинг... Мундай тушунтирсанг-чи, нима гап ўзи? Ҳеч нарсага ақлим етмаяпти. Каллам ғувиллаб қолди.

— Шундайми... Ҳали менинг устимдан куляпсанми? Эҳтимол, мени ҳам билмасан, танимасан? Бўлмаса, сенингча, Можаро ким?

— Можаро? Бу нима деганинг? Бу образ... — Гапиролмай, тутилиб қолдим. — Бадиий образ... персонаж... яъни, бадиий тўқима, унинг меваси...

— Менга қара, сен мени кўп лақиллатаман, деб ўйлама. Бадиий тўқима меваси эмиш. Қанақа мева эканлигини яхши биламан! Бемаъъни эртагингни бувингга айт! Бунақа номеринг менга ўтмайди. Хўш, Теюбанинг қизи-чи! Балки уни ҳам эслолмасан?

— Теюбанинг қизи?..

— Ҳа, ўша! Амакингни қизи Хуринисо-чи! Туғилган пайтингларда икковингни нималар қилишган — билмайман, аммо вояга етгач, у бошқага турмушга чиқиб кетди, сен эса менга уйландинг.

— У гапларнинг бизга нима алоқаси бор, ахир?

— Шунақами? Алоқаси йўқми? Яхши. Қани айт-чи. Хуринисонинг кўзлари қанақа?

— Мен қаёқдан билай?

— Шунақа дегин! Билмайман де! Тароғимни бер бу ёққа! Чамадонни бекит! Мен бу ерда бир дақиқа ҳам туролмайман!

— Тинчлан, азизам... Хуринисонинг кўзлари...

— Ҳа, мовий. Берилиб ёзганинг аллақандай таъвиянинг кўзлари каби. Демак, унинг кўзларини унутиб бўлмайди. Шундайми? Нимаям қилардик, унутолмасанг унутма. Билганингни қил. Мен эса бир дақиқа ҳам турмайман бу ерда. Билдингми, бир дақиқа ҳам!

Мен куйиб-пишиб, унга бор гапни тушунтира бошладим, онамни ўртага қўйиб қасам ичдим, ҳеч қанақа Хуринисони танитайман, ёдимда йўқ, деб қайта-қайта онт ичдим. Бу ҳам кифоя қилмади: Можаро кўзларининг рангини ўзгартирдим, мовий ўрнига светофор кўзларидек сариқ деб ёздим. Охирги жумлани ўчириб ташладим. Кошки шу билан тугаса, хотинимга жуда чиройли, қимматбаҳо дублёнка олиб бердим. Уч-тўрт кундан сўнг базўр ярашдик.

Ҳикоямни Сокина деган машинисткага олиб бордим. Ёзиб беришни илтимос қилдим. Сокина деди:

— Йўқ, йўқ, йўқ, вақтим йўқ. Бўш вақт қаердан бўлсин менда? Иложим йўқ. Уруш ҳақидами? Уруш ҳақида бўлса, икки дунёдаям ёзмайман. Соғлиғимга таъсир қилади. Врачлар айтган, асабийлашиш мумкин эмас менга. Шундоғам давлением баланд.

— Йўқ, Сокинахоним, уруш ҳақида эмас, рост айтаяпман.

— Кулгилими?

— Йўқ, кулгили ҳам эмас.

— Бўлмаса кўтар, ёзмайман. Нима ҳақда ўзи?

— Муҳаббат ҳақида.

— Муҳаббат ҳақида. Боядан бери шуни айтмайсанми, ол бу ёққа, ёзаман.

Сокина ёза бошлади, ёзиш жараёнида фикрларини билдириб:

— Молодец. Манави жойларини яхши ёзибсан. Менга ёқпти, — деди.

Севинганимдан сақраб кетай дейман. Ҳикоянинг яримларини ёзиб бўлган эдик, Сокина бирдан тўхтади:

— Сендан илтимос, — деди у, — сабрим чидамаяпти охиригача, қиз кимга турмушга чиқади? Хаёлгами, Малолгами?

— Малолга, — дедим мен.

— Нега? — деди у менга хўрайиб қараб. — Бундай бўлиши мумкин эмас. Сен шундай қилгинки, у Хаёлга турмушга чиқсин. У келишган йигит. Малолнинг қанақадир лаллайган.

— Қандай бўлади, — мен тушунтиришга ҳаракат қилдим, — ахир бадий мантиқ...

— Шунақа дегин. Ишинг тушганда юмшоқ супургига ўхшаб турувдинг, энди эса қайсарлик қиласан, арзимаган нарсани илтимос қилса, гап қайтарасан, истамайсан. Мантиқ эмиш! Сен ўйлайсанки, мен шунчалик саводсизманми, маданият етишмайди-ми? Кинога бормайманми? Мантиқ дейди яна. Бўлмаса, ахборотинг учун билиб қўй, мен ўқиган китоблар сони бошингдаги сочингдан ҳам кўп. Билдингми? Бордию у Хаёлга турмушга чиқмас экан, кўтар ҳикоянгни, ёзмайман!

— Сокинахон...

— Гап тамом! Ўша қизнинг ўрнида мен бўлганимда, албатта, Хаёлга турмушга чиқардим.

— Сокинахоним... Албатта у қизнинг ўрнида сиз бўлмайсиз... Ахир мен сизни тасвирлаганим йўқ-ку...

— Менга қара, — деди у ранги оқариб, — бор, хотинингни тасвирла! Ўргилдим! Қоғоз-поғозингни йиғиштир-да, бу ердан туёғингни шиқиллатиб қол!

Қисқаси, уч ҳафта машинистка қидирдим. Бирига мазмуни ёқмади, иккинчисига мавзуси, яна бири тили ҳақида фикр билдирса, бошқаси характерлар ривожини танқид қилди... Бир машинистка, жуда узун экан, вақтим йўқ деди. Бошқаси, жуда қисқа, ёзиб ўтиришга арзимади, деди.

Ниҳоят, инсофли бир машинистка топдим. Хайриятки, у индамай ёзиб берди.

Папкага солганча хурсанд ҳолда редакцияга чопдим. Аввал кичик редактор ўқиди, яхши ҳикоя, деди, фақат баъзи ўринлари ортиқча, ўчириш керак, деди. Кейин ўрта редактор ўқиди, яхши, лекин ўчирилган жойларини тиклаш лозим, деди. Сўнгра катта редактор ўқиди, яхши деди, фақат бироз қуруқроқ; умумий гапларни олиб ташла, шахсий кечинмаларни кўпайтириш зарур, деди. Ундан кейин бош редактор ўқиди. Яхши ҳикоя бўпти, деди у, фақат бироз ишлаш керак. Шахсий кечинмалардан воз кечиш, умумий фикрларни қўшиш ва бойитиш даркор. Ниҳоят, ҳикоям энг бош редакторга етиб борди. Энг бош редактор ҳикояни ўқиб, ҳаммани ўз ҳузурига чорлади.

— Ҳикоянгизни ўқидим, — деди у менга юзланиб. — Маъқул бўлди. Сиз жуда муҳим ижтимоий масалани кўтарибсиз. Жуда тўғри пайкаганингиздек, афсуски, баъзи камчиликларимиз, вақтинчалик етишмовчиликларимиз бор, учраб туради. Чиндан ҳам, айрим телефон-автоматларимиз яхши ишламаслиги каби фактларга дуч келамиз. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Аммо... бу ерда энг асосий, катта бир гап бор. Хўш, у қайси ўринда кўринади?

Редакторлар бир-бирларига қарашди. Кичик редактор қўлини кўтарди.

— Ўртоқ энг бош редактор, мумкинми ўз фикримни айтсам?

— Айт.

— Ҳаёт ҳақиқатида.

— Тўғри, — деди энг бош редактор. — Худди ана шу ерда. Ҳаёт ҳақиқатини тасвирлашда кўринади. Ўртоқ автор, айтилик, биз сизнинг ҳикоянгизни шу ҳолда босдик дейлик. Хўш, Янги Зеландия-чи?

— Нима? — назаримда унинг гапини хато эшитгандай бўлдим.

— Янги Зеландия деяпман?.. Бизнинг журнализмизни янги Зеландия, Финляндияда, Исландия, Гренландияда ўқишларини биласизми? Мисол учун, айтилик, Янги Зеландияда бир ўқувчи сизнинг ҳикоянгизни ўқиб қолди, дейлик. Қарайдики, сизнинг қаҳрамонингиз телефон-автомат будкасига киради, лекин у ишламайди. Хўш, нима бўпти? Нима, биз камчиликларимизни кўрсатишдан қўрқамизми?

Ўрта редактор қўлини кўтарди ва деди:

— Сира ҳам!

— Жуда тўғри! Қўрқамаслигимиз керак. Аммо қаҳрамонингиз иккинчи, учинчи ва ҳоказо будкаларга киради. Уларнинг ҳаммаси баравар ишламайди. Хўш, бундан қандай хулоса келиб чиқади?

— Умумлаштириш! — деди кимдир.

— Тўғри, умумлаштириш! Демак, маълум бўладики, сиз қора бўёқни ошириб юборгансиз. Ҳаётимизнинг ёруғ томонларини кўра билмайсиз. Вақтинчалик, онда-сонда учрайдиган ҳодисани... нима?

— Таъкидлайди, — деди кичик редактор.

— Ошириб кўрсатади! — деди ўрта редактор.

— Бўрттирган, — деди катта редактор.

— Ҳаддан зиёд оширган! — деди бош редактор.

— Тополмадинглар, — деди энг бош редактор. — Бу билан автор, — шу ўринда

у бироз тўхтаб, нафасини ростлаб олди, — мамлакатимиз ҳақида янги Зеландия ўқувчиларида нотўғри тушунча, янглиш тасаввур пайдо қилади.

— Сиз жудаям ҳақсиз, ўртоқ энг бош редактор, — дедим мен. — Очигини айтсам, мен ҳикояни ёзаётганимда Янги Зеландия ҳақида ўйлаш ҳаёлимга ҳам келгани йўқ.

— Нотўғри қилгансиз, — деди энг бош редактор. — Нега энди ўйламайсиз? Ёш, ўқимишли йигит бўлсангиз. Одам бир нарса ёзаётганда шу ёзаётган нарсаси ҳақида Тринидад ва Тобаго оролларида нима деб ўйлашни ҳаёлан тасаввур қилиб кўриши керак. Тао-Као ярим оролида-чи? Клунтур-плунтур тоғларининг чўққиларида қандай қабул қилишади? Ҳаммасини ҳисобга олиш зарур.

— Албатта инобатга оламан, — дедим.

— Жуда яхши, — деди энг бош редактор. — Биласизми, мен сизга қандай маслаҳат берган бўлардим? Нега энди сизнинг қаҳрамонингиз Хаёл ёлғиз қолиши керак? Яхшиси, сиз масалани бошқача қўйинг. Учаласи ҳам бахтли бўлсин. Хаёл, Маёл... Кечирасиз, Малол ва Можаро. Учови бир-бирини қўлидан ушлаганча ям-яшил янги аллеядан қувноқ ҳолда бормоқда. Кейин улар, бошлари ҳам мажнунтол соясига бориб ўтиришади. Шу жойларини яхши ёзгансиз, менга ёқди. Бошлари эгик мажнунтол проблемасини яхши қўйгансиз. Хўш, демак учови тол соясида ўтиришади...

— Қанақа қилиб? — дедим мен. — Учови? Ахир севги...

— Мунча севги-севги дедингиз. Сизсиз ҳам севги ҳақида кўп ёзишган. Уч дўст, уч ўртоқнинг дўстлиги ҳақида ёзинг... Уч дўст толнинг соясида...

Энг бош редактор шу ерда бирдам тўхтади. Бундан фойдаланган ўрта редактор минғирлади:

— ММ... мм...

Энг бош редактор деди:

— Сиз нимадир демоқчимисиз?

— Мен, ўртоқ энг бош редактор, демоқчиманки, яъни... мм... ҳалиги... сиз бунга қандай қарайсиз?

— Нимага?

— Мм... сояга... уларнинг сояда ўтиришига?..

— Бу ерда нима жиддий гап бор?

— Мм... мм.. унақа жиддий гап йўқ... балки... ҳар хил гап-сўз кўпаймаслиги учун... мм... соя... соя томонни... нега энди соя? Негадир шу жойи менга...

Энг бош редактор ўйланиб қолди, кейин деди:

— Демоқчисизки, буни бошқача тушунтиришлари, талқин қилишлари мумкин. Шундайми?..

— Ким билади дейсиз? Мм... ҳар эҳтимолга қарши... соя... соя томон... Ҳарҳолда ҳар хил гап-сўз кўпаймаслиги учун... нима дейиларди... ўз соясида ҳам кўрқади дейдим... соя... билмадим. Яна...

Энг бош редактор деди:

— Маъқул. — Кейин менга қаради: — Яхшиси, сиз ўша жойни ўзгартиринг. Толнинг соясида эмас... менинча, бундай бўлгани тузук: тол... тол... ҳа, топдим: толнинг ёруғида! — У хурсанд бўлганидан ҳатто чапак чалиб юборди. — Жуда яхши! Ажойиб! Охирини бундай ёзинг... — унинг кўзлари ўйчан тус олди, ёқимли овозда қироат билан деди: — Ой ёруғи. Бошлари эгик мажнунтол ўз сочларини булоқ сувида ювмоқда. Уч ўртоқ тол ёруғида ўтиришибди, уларнинг дилида романтик туйғулар. Тол! Кўп нуқта... улар ҳам учта... Кўп нуқта... Қалай?

Кичик редактор деди:

— Ажойиб! Йўқ, ундан ҳам зўр!

Ўрта редактор деди:

— Мен аллақачонлар айтганман, ўртоқ энг бош редактор, сиз генийсиз.

Катта редактор рўмолчасини олиб кўзёшларини артди.

— Бу ерда сўз ортиқча... Нима деб қўшимча қилиш мумкин? Ҳеч қанақа! — У йиғлаб юборди.

Бош редактор деди:

— Бир нарсага менинг ақлим етмаяпти: шунақа ноёб истеъдод соҳиби бўла туриб, одамларга шунақа қимматли, ажойиб маслаҳатлар берган ҳолда, нега ўзингиз ёзмайсиз?

Энг бош редактор мушти билан столни бир урди:

— Игна!

— А-а... — дейишди редакторлар бараварига, гўё ҳамма нарсани тушуниб етгандай тутишди ўзларини. Аммо улар бир-бирига шундай ажабланиб термилишдики, улар ҳам мenden зиёд бирон нарса англамаганлигини сездим.

Мен жимликни бузиб сўрадим:

— Нима, ортиқ даражада кескинми?

Энг бош редактор бошини қимирлатиб, афсусланди ва деди:

— Тушунмадиларинг! Игна ҳаммани кийинтиради-ю, ўзи яланғоч юради, деган мақолни эшитмаганмисизлар...

Кичик редактор деди:

— Уртоқ энг бош редактор, халқимизнинг бой ижодий меросини сиз бунчалар чуқур, мукаммал биласиз-а?!

...Қисқа қилиб айтганда, сенинг бошингни кўп қотирмай қўя қолай, менинг ҳикоямни босишмади. Шу кундан бошлаб мен бу ишга бошқа кўл урмадим.

Дўстимнинг ҳикоясини тинглаб ўтириб, дедим:

— Дўстим, бахтимизга ўшанақа хотинлар, ўшанақа машинисткалар, ўшанақа редакторлар саноқли, яккам-дуккам, вақтинча учрайди улар. Бизнинг хотинларимиз, машинистка ва редакторларимиз унақамас, уларнинг кўпчилиги ҳалол, покиза, ростғўй, адолатли, маданиятли, ўқимишли, ақлли, дадил, тарбия кўрган одамлар. Мен ҳозир нашриётга боряпман. Ишонаманки, мени ақлли, дадил, билимли, адолатли редактор қабул қилади. Яна шунга аминманки, энг бош редактор ўнг кўли билан (бордию у чапақай бўлса, чап кўлда — бунинг аҳамияти йўқ) менинг кўлэзмамнинг биринчи саҳифасига чиройли қилиб «Наборга» деб ёзиб беради.

Дўстим деди:

— Ҳазиллашмаяпсанми?

— Йўқ, — дедим мен, — мутлақо жиддий гапиряпман.

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ таржимаси.

Санъаткор бўлай дедим

(Тушунтириш хати)

Ёзувчи бўлай дедим, каллам кичиклик қилди,
Шоирлик қилай дедим, тилим чучуклик қилди,
Танқидчи бўлай дедим, кўлим очиқлик қилди,—
Десам дардим довдираб, деди, кулоқ солгувчи:
— Ёзгувчи, бўл, ёзгувчи...

Кўшиқ қилиб ёзганим, ёзай десам хуморим,
Овозимдан ширинроқ кулдираб қўйди қорин,
Созанда бўлай десам соқов чиқди дуторим,
Тинглаб отарчи дўстим, деди, қошлари учиб:
— Бўл, шақилдоқ чалғувчи...

Бўри-ю, куёнчалар ясаб пластилиндан,
Кўрдим расм ҳам чизиб келмади ҳеч кўлимдан,
Ҳатто, қоровулликка олмай «Ўзбекфильм»га
Қайтарди аризамни ўқиёлмай кулгувчи —
Ишга қабул қилгувчи.

Эмиш савдо ҳам санъат, синаб кўрайми ўзни,
Сартарошга сўм бериб, силлиқлаб олиб юзни,
Ишлаб юрсам бинойи, қисиб қўйиб бир кўзни,
Билмам, нега манави, обиснина олгувчи,
Дер, дабдуруст дўқ қилиб:
— Юлғувчисан, юлғувчи...

Хатдан хафа
Холмамат ҲАСАНОВ

Мундарижа

БАРҲАЕТ СИЙМОЛАР

Ҳамид Ғулом. Буюк шоир 3

ШЕЪРИЯТ

Матназар Абдулҳакимов. Бедор тут, шиддатни, жанговар руҳни 6
Яҳё Тоға. Исмингни айт ҳайқириб сен 9
Қўлибека Раҳимбоева. Қишнинг охирлари. Достон 102
Зоҳиджон Обидов, Раҳим Бекниёз, Шарофжон Орифий шеърлари 109
Дадаҳон Ҳасан. Баҳор келар боғларга 149

НАСР

Мурод Муҳаммад Дўст. Лолазор. Роман 13
Омон Мухторов. Эгилган бош. Роман 115

МУШОИРА

Мунаввар бир офтоб билан учрашай. Тоштемир Жўрабоев, Фарид Усмон, Муҳаммад Ҳайдар, Оқилжон Юсупова, Зафар Комилов, Раҳим Каримов, Ғофир Қурбонов, Маъмуржон Ғаниев шеърлари 152

ДИЛЛАРДАН ДИЛЛАРГА

Улжас Сулаймонов, Икром Отамуродов. Заминнинг ҳар бурчи муқаддас менга! . . . 158

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

Собитхон Носирхўжаев. Буюк таълимот асосчиси 161

ЕЧИМИНИ КУТАЕТГАН МУАММОЛАР

Нусрат Раҳмат. Сўқмоқлар ва сабоқлар 164

ОЧЕРК

Ашуралӣ Аҳмедов. Сўнмас жасорат 176

АДАБИЙ ТАНҚИД

Иброҳим Ғафуров. Тозариш 183
Маҳкам Маҳмудов. Асрлар қўшиғи 197

АКС-САДО

. 202

ГУЛҚАЙЧИ

Онор. Менинг тақризчиларим. Ҳажвий ҳикоя 203
Холмамат Ҳасанов. Санъаткор бўлай дедим 207

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)

№ 5

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства

ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1988

Техник редактор А. Ҳайдаров.

Рассом Ф. Алимов

Корректор М. Имомов.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 15.03.88 й. Босишга рухсат этилди 25.04.88 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆. Р-08682. Фотонабор. Офсет босма усули. Босма листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 171432. Буюртма 2875.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти, 41.